

Тўлепберген  
Қайипбергенов

---

ҚОРАҚАЛПОҚНОМА

---

*Роман-эссе*

Қорақалпоқчадан *Раҳимжон Отаев* таржимаси

ТОШКЕНТ  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1990



## БИРИНЧИ ҚИСМ

---



*Отанг боласи бўлма,  
Одам боласи бўл.  
Маҳол*

*Узинг ҳақингда яхши фикр  
айтсанг, ишонувчилар кам бў-  
лади, ёмон фикр айтсанг, ҳам-  
ма ишона қолади.*

*Монтень*

## СУЗБОШИ ҲУРИДА ҲЗ-ҲЗИМГА БЕРГАН ИНТЕРВЬУ

*Савол:* Нима учун гапни ўзимга интервьюдан бошламоқчиман?

*Жавоб:* Инсон умрининг маъноси — мудом ўз-ўзига ҳисоб бериш ва ўз-ўзини тергаб юришдан иборат. Ана шундагина одам кечмиш-кечирмишларига теранроқ назар ташлайди. Ўз тақдирига теранроқ назар ташлаш эса, халқ тақдирини теранроқ англаш демакдир. Ахир, ҳар бир одам — халқ тарихини ўзида муайян даражада акс эттирувчи кўзгу!

Халқидан ўз кўнглини равшанлаштирувчи зиё қидирмоқни ихтиёр этган одам аввало бундай зиёни ўзидан топа олиши керак. Кимки ўз уйини кенг олам билан бирлашиб кетишини истаса, оламнинг бир парчасини ўз уйдан топмоғи шарт. Шундагина ҳар бир тирик жон бошқа одамлар билан, халқ билан, бутун инсоният билан ҳамнафас бўла олади.

Одамнинг ўз-ўзига савол бериб, ўз саволига жавоб қидириб яшаши бамисоли нафас олиб нафас чиқаришдек гап. Нафассиз тириклик йўқ! Менинг мақсадим — теварагимни қуршаган одамлар билан ҳамнафас бўлиш.

*Савол:* Маълумки, ҳозир ахборот воситалари беҳисоб. Шу боис айрим ёшлар йигирмага тўлмай турибоқ беҳад кўп нарсани билган, оқ-қорани тўла таниб олган, ҳатто чарчаб-толиққан бир кайфиятдаки, китоб ўқишни ўзлари учун ортиқча даҳмаза деб ҳисоблайдилар. Қолаверса, қоғоз муаммоси дунёдаги энг мушкул муаммолардан бирига айланиб қолди. Одамни жиддий ўйлаб кўришга ундайдиган яна бир ҳол: яқинда матбуот Лондонда антиқа каталог чоп этганини маълум қилди. Кейинги 400 йил (1556—1956) мобайнида ер юзида нашр этилган барча китобларнинг тўла рўйхати жамланган мазкур каталог 754 жилддан иборат бўлиб, 527 саҳифалик ҳар бир жилдда 11340 та китоб номи тилга олинган. Бунга кейинги йилларда нашр этилганларини

ҳам қўшиб, ҳар бир ўқувчини қанча-қанча китоб кутиб турганлигини тасаввур қила оласизми? Мана шундай бир вазиятда янги китоб ёзишга қандай журъат этиш мумкин?!

**Жавоб:** Бердақ шоирнинг шеърларидан норози бўлиб юрган хон бир куни уни ҳузурига чақиртириб: «Сени доно дейишади, шу гап рост бўлса, айт-чи, дунёда қанча одам яшайди?» деб сўрабди ва ўзида аниқ маълумотлар борлигини ҳам эслатиб: «Агар хато қилсанг, калланг кетади», дебди.

Шоир ўйлаб ўтирмасдан: «Дунёда бир юз тўқсон тўққиз миллиард бир юз тўқсон тўққиз миллион бир юз тўқсон тўққиз минг бир юз тўқсон тўққиз одам яшайди», деб жавоб берибди.

— Нотўғри! Дунёда икки миллиардча одам яшайди! — дебди хон бу жавобдан мамнун бўлиб.

— Биламан. Бироқ сиз одамзоднинг бир гуруҳинигина айтдингиз, мен бўлсам — учала гуруҳини қўшиб ҳисобладим, — дебди шоир.

— Қанақа уч гуруҳ?.. — деб ажабланибди хон.

— Одамзод уч гуруҳга бўлинади, — дебди ўшанда буюк шоир. — Бир гуруҳи — ер остида ётибди, иккинчиси — ҳали туғилмаган. Сиз ҳисобини аниқ айтган учинчи гуруҳ эса, сизу биз, барча тириклар, яъни, ҳукмдорлардан рўшнолик ва адолат талаб қилувчилардир.

Хон бу гапларни ўйлаб кўриб, ғазабдан тушишга мажбур бўлибди.

Китобларнинг тақдири ҳам, Бердақ шоир айтган одамзоднинг тақдирига ўхшаб уч хил: бир гуруҳи ҳали муаллифлар қалбида, иккинчи гуруҳи яратилиши биланок ўқилмасдан ахлат қутисига ташланади, учинчи гуруҳи эса, тирикларга сафдош-сафардош.

Китоб ёзишга жазм этишдан аввал оқибатини астойдил ўйлаб кўриш ижодкорнинг нафсонияти, фаҳм-фаросати, ҳалоллигига боғлиқ. Дунёга келган китобнинг тақдири қандай бўлиши эса... бу даврнинг, қолаверса, ҳамиша одил ҳакам — вақтнинг иши!

Давр менинг ушбу китобимга узоқ умрни раво кўргудек бўлса, умид қиламанки, у ўз эҳтиёжини ўзи қондира олади...

**Яна:** Эсимда, бир пайтлар онам икковимиз холамининг уйига меҳмон бўлиб борганмиз. Қайтишда холам онамга каттакон тоғора совға қилган эди. Онам: «Энди мушкулим осон кўчадиган бўлди, ичида бир тандир нон-

нинг ҳамирини бирйўла қораман», деб суюна-суюна олишга олди-ю, бироқ тоғора унга кўшимча юк бўлди. Сабаби — пиёдамиз, йўл-йўлакай мен инжиқнинг ҳархашамга чидаши — дам-бадам мени ҳам кўтариши керак. Эртакка ўлгудек қизиқмайманми, ўшанда онам мени алаҳситиш учун, етаклаганча эртак бошлади. Чарчоқни ҳам унутиб ҳалвиллаган кўйлагининг бир учини маҳкам ушлаб олганча, онамга эргашдим. Эртакка кўра, биз яшаётган Ер ясси ва кенг. Уни баҳайбат Кўк ҳўкиз шохларида кўтариб тураркан. Толиққанда Ерни бир шохидан иккинчисига ўтказаркан. Ана шундан йил фасллари ўзгариб, дам ёз, дам куз, дам қиш, дам кўклам бўлармиш.

Эртак тинглаб боряпман-у, ўзимча шу Кўк ҳўкиздеқ қудратли бўлишни орзу қилиб, онам кўтариб олай деса, рўйхуш бермай ёнларида пилдирайман. Онам дам-бадам тўхтаб, пешонамдаги терларимни артади. Гоҳо тоғорани бошига қўйиб, мени кўтаради... Мана шундай минг машаққатлар билан кун ботарга яқин овулга етиб келсак, аҳвол чатоқ: овул ёқасидаги Чўртанбой сойда сув лимо-лим оқиб ётибди: Амударёнинг бирон жойидан яна уриб кетган шекилли-да. Онам андақ тараддулдан: ортга қайтгани йўл олис; ёрдам сўраб қичқиргани уялади. Сабаби, бақироқ аёлларни овулимиз оқсоқоллари хуш кўришмайди. Кечиб ўтайин деса — сой чуқур. Бир пайт, онам кийимларини бошига ўради-да, тоғорани сувга солди. Унинг ниятини тушуниб, қўрққанымдан тўқайга қараб қочган эдим, онам икки ҳатлаб қувиб етди-да, мени даст кўтариб олиб келиб... тоғорага ўтказди. Икки қўлимни мажбуран тоғоранинг гардишига босиб, маҳкам ушлашимни буюрди ва сой сатҳида аста-секин итара бошлади. Мен ваҳимадан дағ-дағ титраб, тоғоранинг ичига қапишиб олгудек бўлиб, унинг гардишини чангалладим. Онамдан кўзларимни узмайман. Гўё онам эртакдаги Кўк ҳўкиз, ўзим ўтирган тоғора эса, Кўк ҳўкиз шохларида кўтариб турган Ердек, ҳар қадамда бир чайқалиб, кўнглимда гоҳ ёз, гоҳ куз, гоҳ қиш, гоҳ кўклам ҳисси ҳосил қилади: дам титраб-қақшайман, дам терлаб-тепчийман, дам алланечук таскин-тасалли топгандек бўламан. Ваҳимани унутиш учун нариги қирғоққа қанча қолди экан, деб, сойга қарайман — сой чеку чегараси йўқ осмонга ўхшайди; яна онамга қарайман: кўзлари ўркач-ўркач қора булутлар орасидан милтираган қўш юлдуз мисол менга жавдирайди... Бир маҳал, онамнинг оёқлари ерга тегди шекилли, тоғорани

қўш қўллаб кўтарди-да, энтика-энтика базўр нафас олар экан: «Сере<sup>1</sup>, қўрқмадингми, болам!» деб сўради.

Хавф-хатардан омон-эсон қутулганимга кўзим етиб, ботирлигим тутди. «Йўқ, қўрқмадим», дедим. Бироқ овозимдаги титроқ ўзимга ҳам сезилиб турарди.

Онам бошига ўраган кўйлагининг бир учи билан юзини артаркан:

— Сездим, бир оз қўрқдинг. Бундан кейин қўрқма. Онаси ёнида экан, бола ҳеч нимадан қўрқмаслиги керак, — деди.

Онамнинг бу насиҳати хотирамга ўчмас бўлиб муҳрланди.

Ватанни онага қиёслашлари бежиз эмас! Ватани борнинг мангулик таянчи бор! Бундай одамга ҳеч нима қўрқинчли эмас!

Гарчи, она-Ватаним дунё харитасида бир пайтлар мени сув устида кўтариб турган тоғорадек мўъжазгина бўлса-да, у мени ҳеч қачон ҳеч қандай ваҳимага солиб қўймайди. Чунки менинг Ватанимни афсонавий Кўк ҳўкиз эмас, янада қудратлироқ куч — Коммунистик партия, Советлар Иттифоқи кўтариб турибди. Менинг ҳар бир китобим шу Коммунистик Партияга, Советлар Иттифоқига садоқатимни ифодаловчи изҳорнома сифатида мисоли юрак қоним билан ёзилган. Шунинг учун ҳам ишонаманки, у узоқ яшайди, ҳеч кимни зериктирмайди.

*Савол:* «Қорақалпоқ қизи», «Қорақалпоқ достони» романларидан кейин янги китобни «Қорақалпоқнома» деб номлашдан мақсад нима?

*Жавоб:* Уйлайманки, бу саволга китобнинг ўзи тўла-роқ жавоб беради. Бу ерда... Улкан тўй тантаналарида шундай удум бор: аёллар қорилган хамир ошиб, тандирга нон ёнгунларига қадар тамадди қилиш учун унинг бир учидан чўққа кўмма пиширадилар ё бирикки патир ёпиб оладилар. Эркаклар тўйга сўйилган молнинг гўшти улкан қозонда пишгунча унинг тезпишар жойларидан ўтда қовуриб ейдилар.

Худди шундай, китобни ўқиб битиргунча сабри чидамайдиган бетоқатроқ ўқувчининг кўнглида муайян тасаввур ҳосил қилиш учун «хамир учидан патир» келтириш керак бўлади.

<sup>1</sup> Тўнғичи бўлганлигим учун эски урф-одатга кўра, онам ўз исминини айтмай, «Сере»дер эди. «Сара», «Асл» маъносида.

Халқимизда чақалоқ туғилганда овулнинг энг табаррук оқсоқоли келиб унга исм қўяди. Бироқ, бундан ота-она орзуси ҳисобга олинмайди, деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Ота-оналар, қариндош-уруғлар билан маслаҳатлашилади, китоблардан чиройли исмлар изланади. Бир исм ҳаммага маъқул тушганидан кейин овул оқсоқоли чақалоқни олдига олиб, унинг исмини уч марта қулоғига қичқириб айтади.

Чақалоқ бу ғаройиб қичқириқни эшитиб, чириллаб йиғлади — тамом.

Оқсоқол: «Мана, янги меҳмон ўз исмини эшитди! Энди бу исми ҳеч ким ўзгартиролмайди!» дея чақалоқни ота-онасига қайтариб беради.

Китобга ном қўйиш одамга исм қўйишдан бир оз бошқачароқ...

## КҮЧА БИЙИ<sup>1</sup> АЙТГАН АФСОНА

Ер юзид а одамлар кўпайишиб, ҳар хил қабила ва уруғларга бўлиниб яшай бошлаганларида Олло-таоло уларни бир-бирларидан ажратиб идора этиш учун бир қатор номларнинг рўйхатини олиб йўлга равона бўлибди. Қайси қабилага борса, рўйхатига бир кўз ташлаб оларкан-да, ном қўйиб кетавераркан. Ҳар бир қабилага ном қўйишда парвардигорга хос ўктам товуш билан уч марта: «Сенинг номинг Инглиз! Инглиз! Инглиз!» ёки «Сенинг номинг Рус! Рус! Рус!», «Сенинг номинг Француз! Француз! Француз!» ёхуд: «Сенинг номинг Ўзбек! Ўзбек! Ўзбек!» дея оламга эшиттириб уч марта жар соларкан. Номини Олло-таолонинг ўз оғзидан эшитганларнинг севинчи ичига сиғмай, чуғурчुकдай чуғурлашиб, ўйнаб-кулиб қолаверишаркан.

Шундай қилиб, Олло-таоло рўйхатидаги ҳамма номларни тугатиб қайтаётган экан, Аму деган дарёнинг денгизга қуйилаверишидаги икки соҳилини макон тутган бир гуруҳ одамларга рўпара келиб, тўхтаб қолибди ва:

— Кимсизлар? — деб сўрабди.

---

<sup>1</sup> Кўча бийи — ҳар бир овулда, ҳар бир уруғ-аймоқда кўпчилик тарафидан сайланган ёки юқоридан бўладиган буйруққа кўра тайинланган бошлиқлардан ташқари, ҳеч ким сайлаб ё тайинлаб қўймаса-да, шу овулнинг ёхуд уруғ-аймоқнинг ҳамма ишига аралашиб кетаверадиган, тўй-маъракаларни бошқаришга уқувли, сўзга чечан, ақлли одамлар бўлади. Улар «кўча бийлари» деб аталади.



— Сени ном қўйишга келади деб кутиб ўтирган бандаларингмиз, — дебди овул одамлари.

— Рўйхатдаги бор исмларни тарқатиб бўлган эдим, балки каттароқ бир қабилага қўшилиб, уларнинг номи билан яшаганларнинг маъқулроқдир? — деб сўрабди Олло-таоло.

— Худо бўлсанг ҳаммани барабар кўриб, ўзимизга алоҳида ном қўйиб бер! — Талаб қилишибди овул одамлари бир овоздан.

Парвардигорнинг аччиғи чиқиб, ўйланиб қолибди-да:

— Оз бўлсаларинг ҳам ўтакетган ўжар кўринасанлар. Бош кийимларингга қараб айтсам, ҳозирча Қорақалпоқ бўла туринглар, — дебди.

— Нима десанг розимиз, ишқилиб, бизнинг номимизни ҳам бошқалардек уч марта қичқириб айтсанг бас, номимизни олам эшитсин! — деб яна талаб қилишибди аждодларимиз.

— Аввал рўйхатга номларингни ёзмай туриб оламга жар солиб бўлмайди, — дебди Худо.

— Қачон ёзасан? — деб сўрашибди боболаримиз.

— Балки сизлардек унут бўлганлар яна бордир, шунинг учун фаришталаримни қайта йиғиб, қўшимча номларнинг рўйхатини тузиб чиқай, кейин яна айланиб келаман, — дебди Худо.

Овул аҳли: «Ундай бўлса, майли», деб рози бўлишибди.

Худо шу кетганча қайтиб қорасини кўрсатмабди. Боболаримиз кўп кутишибди, жуда кўп кутишибди. Ахир, Олло-таоло бизларнинг олдимизга келишга эриниб, балки номимизни қайсидир бошқа қитъада яшовчилар рўйхатига қўшиб юборгандир, деган илинжда ўз номларини қидириб эл кезибдилар, эллардан элларга ўтибдилар. Шундай қилиб, Европа халқлари рўйхатида «Печенеглар», «Черные клобуки» деган қўш номларни учратиб, «Эҳ-ҳа, бизнинг «Қорақалпоқ» деганимизни унугиб, шундай номларни берворган экан-да!» дея ўйлабдиларда, ким «Печенег!» деб чақирса ҳам, «Черные клобуки!» деб чақирса ҳам, «Лаббай!» дея жавоб бериб яшайверишибди. Бироқ Худо жар солиб ном қўйган халқлардек ўзларини оламга танитолмабдилар.

Сўнгра удар Осиё халқлари рўйхатида бўш қолган «Кулоҳи сиёҳ», «Қалпоқ», «Қора бўрклилар» деган номларнинг борлигини эшитиб, яна ортга қайтибдилар ва кимда-ким шу номларнинг қайси бирини айтиб чақирса, «Лаббай!», «Мен!» дея жавоб бериб юраверишиб-

ди. Бироқ, бу ишдан ҳаг бирор натижа чиқмабди. Номсиз яшаш -- номаълум яшаш! Хўрлик-ку бу! Охир-оқибат улар, гарчи жўнгина, таҳқиромуз бу лса-да, ҳар қалай, яратганнинг ўз оғзидан «Қорақалпоқ» деган номни эшитган қадимий маконларига қайтиб келибдилар. Ана шу ерда бир кунмас бир кун Худонинг излаб келишидан умидвор бўлиб, энди маконини ўзгартирмасликка аҳд қилиб яшайверибдилар.

Ушандан бери уззукун қулоғини осмонга тутавергани сабаб бошқа халқларга нисбатан қорақалпоқларнинг қулоқлари каттароқ экан.

Шундай қилиб, бизнинг халқимиз, номи худо томонидан қулоғига уч марта қичқириб айтилмагани учун оламга номаълум бўлиб қолаверган.

1917 йилга келиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясидек янги, қудратли, адолатли куч туғилди. У ер юзига ҳақиқат ва адолатнинг Ол байроғини қадади. Шу пайтга қадар номаълум халқлар қаторида қорақалпоқларни ҳам илк бор излаб топди. Унга 1924 йилда «Қорақалпоғистон автономияси» деган ном берилди. Бу номни улуғ сўветлар мамлакати халқларининг рўйхати-га мангу ўчмас бўёқлар билан ёзиб қўйди. Она тилида алифбе тузиш, китоб ёзиш ва нашр этиш ҳуқуқини берди.

Романларим номланишида халқ номини учинчи бор қўллашдан мақсадим шуки, Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар рўшнолик кўрмаган халқимга ўғай боладек қараган ўша фаромушхаёл худо ўрнида ўзим халқимга бир фарзанд сифатида бу оламга «Қорақалпоқ!», «Қорақалпоқ!», «Қорақалпоқ!» дея уч марта бор овозим билан жар солмоқдир.

*Савол:* Бу китобнинг ёзилиш услуби сиз учун янгилик эмасми?

*Жавоб:* Халқимизда «Ким ўз хатосини иккинчи бор такрорласа — адашгани, бироқ янгилик яратиш йўлидаги дастлабки хато — ҳали хато эмас» деган нақл бор.

Мен шу нақлга суяндим.

Отам ҳар сафар: «Сен янги уй қурмоқчи бўлсанг, юрт мақтаган уйлардан камида ўн иккитасини кўриб, шундан кейингина қуришни бошла. Бироқ, бу — улардан бирортасига тақлид қил, дегани эмас. Сен ўзингникидан қолма, ҳеч кимни такрорлама», деб насиҳат қилар эди. Кўча бийимиз эса: «Агар сен созанда бўлишни

хоҳласанг, қўлингдаги дуторни худа-беҳуда тинғирлата-вермай, энг яхши созанданинг торлари таранг, овози тиниқ дуторини олиб, ўн икки пардасини бирма-бир чертиб кўргандан кейин, ўз дуторингдан керакли оҳангни топишга ҳаракат қил», деб ўргатарди. Бир пайтлар сувдан кўрқиб қочганимни ҳеч қачон эсидан чиқармаган онам: «Агар сен яхши сузишни ўрганмоқчи бўлсанг, машқни саёзроқ сувдан бошла, бироқ ҳар сафар танангни сувга ўргатиш учун ўн икки марта шўнғиб олда, кейин сузавер», дерди.

Мен қурувчи ҳам, созанда ҳам, сузувчи ҳам бўлолмадим. Бироқ ҳар бир янги китобимни бошлар эканман, улар айтган насихатларга содиқ қолдим. Саъдий, Монтень... каби улкан сўз санъаткорларининг асарларини, қадимги дунё ва ўрта аср файласуфларининг ҳар хил мавзулардаги рисоаларини, «Минг бир кеча», «Қобуснома» сингари кўплаб ўлмас обидаларни эл-юрт мақтаган яхши иморат намуналари сифатида такрор-такрор назардан ўтказдим. Уларнинг ҳар бирини торлари созланган, оҳанги мафтункор дутор каби қўлимга олиб, авж пардаларини изладим. Улкан мутафаккирларнинг денгиздек теран ҳикматлар оламига шўнғиб, бу оламни ўзимча бўйладим.

Ёшлигимда ота-онамдан, бобомдан, кўп яшаб кўпни кўрган донишманд қариялардан, кўча бийларидан, адабиёт муаллимимдан эшитган беҳисоб ҳангома ва афсоналар, ҳикматли нақл ва ривоятлардан, биринчи мураббийимнинг маслаҳатига кўра тутган кундаликларимдан шу китобда фойдаланар эканман, мен уларни қурилла-жаж янги иморатнинг пойдевори ва гишталари деб билдим. Ўзим чертишга чоғланган дуторнинг торлари ва оҳанг пардаларига айлантириш учун ҳаракат қилдим.

Уша асарлар умр аравамга қўшиладиган янги бир асов отни дурустроқ жиловлаб, кўнгилдаги манзил тарафга қичаб — йўрттиришда менга улкан мадад бердилар.

Шу ўринда яна бир ҳолни эслатиб ўтмоқчиман: китобга киритилган афсоналар ва ҳар хил ҳангомаларни тарихий ҳақиқат деб тушунмаслик лозим. Кўпгина афсона ва ривоятлар дунёда ҳали ёзма адабиёти шакланмаган халқларнинг тинч-тотув яшаш, ягона бир мақсад йўлида бирлашиш ҳамда «худо» деган тушунчанинг уйдирма эканини далиллаш учун айрим сўз усталари томонидан оғзаки равишда яратилган адабиётнинг бу-гунги кунга қадар етиб келган бебаҳо нуқраларидир.

Мен уларни ўзаро пайвандлаб, янгиликнинг қимматини бўрттириброқ кўрсатиш йўлида фойдаландим, холос.

Умид қиламанки, зеҳн қўйиб ўқиган китобхонга бу ҳол аён сезилади.

Бир халқ бошқа халқ учун ечилиши мушкул жумбоқ бўлганидек, бир одам иккинчи одам учун ҳам мутлақ муаммо, сирли бир дунёдир.

Қадимги донишмандлар фикрига кўра, муайян халқнинг кечмишларини билиб олмоқ учун унинг бир авлодига хос қисматни тўлароқ ўрганиш ҳам гоҳо етарли. Халқни тушуниш учун унинг ҳамма вакиллари билан бирма-бир суҳбатлашиш шарт эмас. Баъзан биргина одам билан гаплашиш ҳам кифоя. Чуңки бир одамнинг бошқа биров билан суҳбати — ечилиши мушкул икки жумбоқнинг жуфтлашуви ёхуд икки қоронғу оламнинг бирлашиб, зимистонга айланиши эмас, аксинча жуфт жумбоқнинг бирваракайига ечилиши, ёруғ оламга тушган икки соянинг дафъатан икки чироққа айланиши, инсоният осмонида янги жуфт юлдузнинг пайдо бўлиши! Шундай эмасми?..

Бу саволга роман-эссенинг мен танлаган шакли, ишонаманки, тўла жавоб бера олади.

## 1

Тиббиётчиларнинг аниқлашича, қирқ ёшдан кейин одамнинг кўзи тобора хиралашаверади. Менинг ҳам кўзойнак тақшимга тўғри келди. Кўзойнакнинг фойдаси шуки, худди ёшлик чоғларимдагидек, майда ҳарфларни ҳам қийналмай ўқий оладиган бўлдим. Шундан кейин кўнглимда яна бир орзу уйғонди: «Болалик чоғларимдан то бугунга қадар ўзим гувоҳ бўлган барча воқеа-ҳодисаларни бир чеккадан тўла-тўқис хотирамда қайта тиклай оладиган асбоб бўлса экан!..

Уйлай-уйлай:

— Йўқ! — дедим ўзимга ўзим. — Ёшлигимни кўз олдимда тўла гавдалантиришга қодир асбобнинг бўлмагани яхши! Акс ҳолда киши ёшлигида йўл қўйган хатоларию нодонликларини эслаб, ўзи ё замондошларининг олдида уялиб, мулзам бўлиб қоларди. Қарилик кўпчилик учун узоқ умр йўлининг ўзига хос фароғатли манзилига эмас, кўнгилларни ҳасрат, афсус-надоматга тўлдирувчи даҳшатли қийноққа айланарди. Ахир, пушаймонга тўла бир кун гоҳо қувончли ҳафталар,

ойлар, ҳатто йилларни ютиб юборишга қодир юҳо эмасми!

Бундай юҳолар қай биримизда йўқ дейсиз!

Ахир, ҳаммамиз ҳам «тирик жон», «хом сут эмган банда»миз-да!

Экканингни ўрасан, деб уқтирарди отам.

«Пухта ўйламай экилган уруғдан ҳосил олиш у ёқда турсин, ўша уруғнинг ўзидан ажраб қолишинг ҳам ҳеч гап эмас!» дерди Кўча бийимиз.

\* \* \*

Асарларим нашр этилиб, ёзувчи деган ном қозона бошлаганимдан бери бир ошнам менга уч марта рўпара келди. Ушанда ҳар гал унинг саволларига берган жавобларим бот-бот эсимга тушади-ю, қаттиқ хижолат чекам.

Дастлаб учрашганимизда ўша ошнам мендан: «Ёзувчи деганлари ким ўзи?» деб сўраб қолди. Мен: «Ёзувчи — ишчи, бироқ оддий ишчимас, иш кунини тугатгач, апил-тапил тамадди қилиб, ўз хоҳишига кўра дарҳол иккинчи иш кунини бошлаб юбораверадиган ишчи! Танҳо ўзи бетиним ишлайвераган ишчи, билгинки, ёзувчи бўлади», дедим.

Мендан бошқачароқ жавоб кутган шекилли, ўша лаҳзадан эътиборан ошнамнинг менга муносабати ўзгарди-қолди. Гоҳида учрашсак, у ўзини зиёли, мени — ишчи фаҳмлаб, ақл ўргатади, ҳар хил панд-насиҳатлар қилади...

Орадан бир неча йиллар ўтиб, романларим матбуот саҳифаларида мақтала бошлаганидан кейин, ўша ошнам олдимга келиб, мулоимгина сўради: «Қорақалпоғистонда нечта ёзувчи бор?»

Мен ўйлаб ҳам ўтирмай: «Иккита», дедим. У: «Кимлар?» деб сўради. Мен: «Қаипберганов ва бошқалар», дедим.

У менга энсаси қотиброқ қаради-да: «Мақтанчоқ!» деб пўнғиллаганча нари кетди. Орадан кўп ўтмай, йўл устида яна рўпара келиб қолувдик, салом-алиқдан аввалроқ сўроққа тутди: «Уша икки ёзувчининг қай бири зўр?» Уйлаб ўтирмасдан жавоб бердим: «Албатта, «бошқалар» зўрроқ».

Унинг чиройи очилиб, мен билан илиқ хайрланди.

Гоҳо ўзгачароқ тасаввурда юрган пайтларим эсимга тушса, энди хижолатдан ёниб кетгудек бўламан...

Аmmo бу оламда ўтмишининг эслашдан кўрқиб, келажакдан ноумид бўлиб яшашнинг ёмони йўқ. Одаммисан — одамлигининг айт, фақат роҳатини айт! Ким бошқаларни алдамоқчи бўлса, аввало ўзини алдагани!

Кўча бийининг айтгани: — Умирбек лаққи бегона юрт кўчаларидан қўшиқ айтганча ўтиб бораётган экан, ўйинқароқ болалар уни қуршаб, туя босди<sup>1</sup> қилишибди. Умирбекнинг уларга кучи етмай, ҳолдан тойиб, ўлар ҳолга келганида шумлиги тутиб:

— Болалар, нариги овулда бир сахий кўринган одамга этак-этак олма улашанти. Олмаси тугаб қолмасдан бориб олинглар. Кейин мен билан ўйнайверасанлар, — дебди.

Болалар гапга лаққа ишониб, қўшни овул тарафга югура кетишибди.

Ёлғиз ўзи қолган Умирбек уст-бошининг чангини қоқиб, қўлини пешонасига соябон қилганча, болаларнинг ортидан бир муддат қараб турибди-да: «Ие, мен ёлғон айтган эдим шекилли! Бироқ, мабодо ёлғон бўлса, шунча бола ишонармиди. Мен ҳам олмадан қуруқ қолмай», дея ўйлаб, болаларга эргашибди...

«Ёзганларига аввало ўзи ишонмадим, бундай ёзувчи китобхонни ҳам ишонтира олмайди», дерди адабиёт муаллими.

\* \* \*

Ёшлигимда онамдан: «Одам учун энг қийин нарса нима?» деб сўраган эдим, у дарҳол: «Одам учун энг қийин нарса бошқалардан ақл ўрганиш», деб жавоб берди.

Ўшанда жавоб менга маъқул тушган эди. Сабаби — катталардан кўпроқ нарсани ўрганишга қанча уринмай, буни уудалай олмай қийналиб юрган кезларим эди.

Улғайиб, ўзим ота бўлгач, онамдан яна сўрадим: «Одам учун энг қийин нарса нима?» Онам бу сафар ҳам дарҳол жавоб берди: «Одам учун энг қийин нарса — бошқаларга ақл ўргатиш».

Бу жавоб ҳам менга маъқул тушди. Сабаби — ўз болаларимга кўп нарсаларни ўргатай дейман-у, ҳеч нимани ўргатомай куйиб-ёниб юрган кезларим эди.

<sup>1</sup> Туя босди — болалар ўйини. Кўпчилик болалар биргаликда ўзларидан кучлироқ болани ўртага олади, кўплашиб йиқитишади.

Хўш, бугун мен учун энг қийин нарса нима?  
«Қорақалпоқнома» деган ном қўйиб китоб ёзиш.  
Нега?

Биринчидан, ҳозир ҳамма ақлли. Назаримда, ҳатто кўпчилик кимга ақл ўргатишни билолмай, ҳайрону сарсон юрибди. Бу китоб эса, яна боз устига насихат-гўйлик қилаётганга ўхшайди. Иккинчидан, халқимнинг номини рўкач қилиб, ўзим ҳақимда китоб ёзаётган-декман.

Бас, шундай экан, ўзининг кўрган-билганларини бошига сиғдиролмай, қўшимча бош сифатида ён дафтарчасини чўнтагида асрайдиганларда бу китобга қандай эҳтиёж бўлиши мумкин?

Афсуски, баъзилар ўзларини шунқор санаб, нақ осмонни кўзлагани билан, ақалли пашшачалик ҳам учигача чоғи бўлмаса не ажаб! Гоҳо битта пашша бир қозон ошни ҳаром қилиши мумкинлигини ким билмайди дейсиз.

Оғиздан чиққан бир калима сўз одамни бошқаларга эл қилиши ҳам, ёв қилиши ҳам мумкин.

Одамлар бор — оқар дарёга ўхшайди: бири иккинчисига қўшилиб, уммон ҳосил қилади-да; она-заминимизни яшнатади.

Одамлар бор — бири итфеъл, иккинчиси мушукмижоз. Улар учрашганида бир-бирига ҳурпайишиб, ўзларига ҳам, теварақдагиларга ҳам кулфат орттиради.

Оталар бор — фарзандлар донғи учун яшайди, фарзандлар бор — оталар шони деб!.. Мен-чи?

Йигирманчи асримиз фавқулодда зиддиятлар асри.

Бировлар қўшнисиникига меҳмонга чиқиш учун зиракка зор, бировларни эса, кўнгли дунёнинг яна қай бурчига боришни тусаб қолар экан, деб товушдан тез учар самолётлар йўлида мунтазир.

Бировлар биттаю битта рақибини ўз измига бўйсундириш учун алақайси чакалақзорда ўқ-ёй яшаш билан машғул. Яна бировлар бутун дунёни ёппасига ўз измига бўйсундириш учун атом ва ядро бомбаларини бетўхтов ишлаб чиқармоқда. Не бахтки, бизнинг мамлакатимиз бундай ёвуз ниятлардан батамом ҳоли эканлиги барчага маълум.

Ҳали-ҳануз даҳрийлар билан художўйлар ёнма-ён. Бири одамлар кўз олдида ўзлари яшаётган олам сирасрорини очиш, дунёнинг келажагини равшанлаштириш билан банд. Иккинчиси эса ҳеч ким кўрмаган-билмаган ёлғон дунё ҳақида уйдирмалар тўқиш билан овора...

Бу ҳол ҳар бир одамдан фаол умр, теран мушоҳада, мустақил, янгича фикрлай олишни талаб қилади.

Бироқ, китоб яккаш ҳикматли гаплар мажмуи бўлса ҳам қизиғи йўқ. Сабаби — ҳаётга эндигина қадам қўяётганлар бор...

Ҳар бир одам ўз халқининг ёруғ ва қоронғу тарафларини ўзида акс эттирувчи кўзгу. Донишманд бошқаларнинг эркинроқ яшаши, эртасига ишонч кўзи билан қараши учун қанчалик пурмаъно ривоятлар, афсоналар ўйлаб топмасин, бу ҳали ўша одамнинг халқ тимсоли, ўз халқининг тили ва дили бўлиши учун кифоя қилолмайди...

\* \* \*

Эллик ёшга тўлганимда дўстларим йиғилишиб, ярим аср яшаб қўйганимни вақтинча бўлса-да унуттириш учунми, уни иккита йигирма бешга бўлиб, кўнгил кўтарувчи гаплар айтдилар. Мен бу гапларнинг самимийлигига ишондим.

Ишонч бировни бахтли, бировни бахтсиз қилади. Шахсан мен бошқаларга ишонч кўзи билан қарашни истайман. Агар кимдир бу ишончимни поймол қилса, ўйлайманки, мен эмас, ўша одамнинг ўзи бахтсиз!..

Бахт ҳам, бахтсизлик ҳам аввало тансиҳатликка, қолаверса, одамнинг феълига боғлиқ. «Феълига яраша», деганлари бежиз эмас, ахир!

Қўрқоқлик — бахтсизлик белгиси. «Қўрқоқлик» деганда фақат ўлим ё совуқ қурол каби «кўзга аён кўриниб турган» даҳшатдан қўрқишни тушуниш хато. Ножўя гап айтишдан қўрқиш — чинакам даҳшат мана шу! Халқнинг, ўйламай сўзлаган оғримай ўлади, деган ибратли мақолида нақадар улкан ҳикмат бор!

Нотавон кўнгил, дейдилар. Албатта, ҳеч ким ўз кўнглини нотавон ҳисобламайди. Шундай бўлса-да, мудом нимадандир гумонсираб, хавотир олиб яшайди.

Ким билсин, балки одамзод ўз кўнглининг нотавонлигини билолмай армондадир?..

Мана, менинг кўнглимни ҳам гумон чулғаб олди: ўзимдан ўзим ҳар хил шубҳаларга бораман. Айтган гапимга ишонмайдиганлар кўпчилик эмасмикин, деб хавфсирайман.

Учинчи йигирма беш (чорак) чўққисига оёқ қўярканман, умр йўлимда биринчи чорак қандай ўрин тутгани ҳақида хаёлга чўмиб, кўрган-кечирганларим,



қулоққа чалинган гаплар, айрим хулосаларим, беҳисоб афсус-аттангларим, оз бўлса-да ўзимга кўпдек кўринаётган баъзи бир иш тажрибаларимга асосланган ҳолда кўнглимда йиғилиб қолган гапларимни рўйирост изҳор этсам, менга ҳамма ишонармикин?

«Бировларга ўз овулидан чиққан дононинг оғзи сассиқ туюлади», дерди отам.

«Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ», деб кўп огоҳлантирарди онам.

«Ўз уйдан топилган олтиннинг қимматини биладиганлар камдан кам», дерди Кўча бийимиз.

\* \* \*

Агар инсон умрини муҳташам бинога қиёсласак, йигирма беш ёшдан нечтасини яшашидан қатъий назар, дастлабки йигирма беш йил — шу муҳташам бинонинг пойдевори, кейинги умри — тўрт деворию жиҳозлари. Баъзилар уйни пойдевор кўтариб туришига етарли эътибор бермайдилар. Уларни кўпинча уй деворининг пишиқлиги, қандай жиҳозлар билан безатилгани қизиқтиради. Бу ҳолга ҳавас қилиб бўлмайди. Кўп нарса пойдеворга боғлиқ.

Кўча бийининг айтгани: Қорақалпоқлар бир пайтлар уй солганида пойдеворсиз қурардилар. Агар пойдеворлик уйни учратиб қолсангиз ҳам, диққат билан қарасангиз, у одатда ҳас-хашақдан ё чангалдан, нари борса қамишдан юпқагина, шунчаки деворни қийшиқ уриб қўймаслик учун тўшалган пойдевор бўларди. Уйнинг ўзига зеб беришга-ку, бутун ҳунари, топган-тутганини аямай сарфлайверган. Қарабсизки, бир неча йил роса безатилган уйда яйраб ўтиради-да, орадан ўн йилча ўтар-ўтмас пойдевор нураб, уй эгасини босиб қолгудек ҳолга келади.

Мен айрим ижодкор зиёлиларимиз орасида, айниқса уларнинг асарларида қорақалпоқларнинг уй қуриш таомилига хос аломатларни, яъни тағзаминсизликни сезгандек бўламан. Бу албатта, афсусланарли ҳол.

\* \* \*

Тараддудлана-тараддудлана, ниҳоят бу китобни давом эттиришга ўзимда журъат сезарқақман, аввало эллик ёшга тўлган кунимда шаънимга айтилган илиқ гапларнинг барчасини яна бир карра хаёл элагидан

ўтказдим. Ва шунга амин бўлдимки, дарҳақиқат, ҳозирга қадар қандай яхши-ёмон ишлар қилган, қандай китоблар ёзган бўлсам, уларнинг барчаси умримнинг биринчи чорагида ўзлаштирган билимларим, ўқиб-ўрганганларим, кўрган-кечирганларим, эшитган-билганларим билан боғлиқ экан.

Бироқ, бу ҳолни рўқач қилиб биринчи йигирма беш ёш ҳақида батафсил тапириш тугул гапришга чоғланишнинг ўзи қуруқ мақтанчоқликка ўхшайди.

Мақтанчоқлик — қарилик аломати.

Бундай деб кексаларни ранжитиш ҳам тўғри эмас. Қариялар бўлмаса, ёшлар ўзларининг ёшлигини тушунмай, худди чироқлари ўчган шаҳар кўчаларида қолгандек бўлар эдилар.

Отам айтган афсона: Қадим замонларда Эрон ва Турон подшолари ўзаро ихтилофда экан. Улар ўртасидаги низоларга бош сабаб: ҳар бири ўз подшолигининг қонун-қоидалари, халқининг урф-одатларини иккинчи подшоликка ҳам тадбиқ қилишни хоҳлар экан. Бироқ ҳар икки подшоликда бир хил таомил — ногирон туғилган болалару қарияларни эл-юртдан олис саҳрога обориб ташлаш одати бор экан. Чунки улар ўз қорнини ўзи тўйдиролмайдиган одамларни боқишни хазина учун ортиқча даҳмаза, деб биларканлар. Қайсиям бир йилда икки давлат ўртасидаги низолар кескинлашиб, қаттол уруш бошланибди. Икки тарафнинг ҳам кучи барабар келиб, уруш узоққа чўзилибди. Униси ҳужум қилса, буниси чекиниб, униси қочса, буниси қувиб, ахири жанг чеки-чегараси йўқ саҳрога келиб тўхтабди. Икки тарафнинг ҳам аҳволи танг бўлибди, лашкарлар қултум сув тополмай бир чеккадан қирила бошлабди. Охир-оқибат, икки подшо бир-бирига элчи йўллаб, урушни вақтинча тўхтатиш, сув топиб жон сақлаш мақсадида ўзаро муслаҳатлашишга мажбур бўлибди. Чоратрофга чопар йўллашибди. Ҳеч ким яқин теваракдан сув тополмабди. Лашкарлар сувсизликдан қирилиб битаёзибди. Ушанда Турон подшолигининг бир ёш навқари шоҳ олдида бош эгиб:

— Шу атрофдан сув топиш йўлини кўрсата оладиган бир одам бор, — дебди.

— Қаерда ўша одам?! — деб сўрабди подшо.

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз айтаман, — дебди навқар.

— Кечдим, айт, — дебди подшо.

— Үша одам менинг отам эди...

— Қанақасига?.. Чўлга обориб ташламаганмидинг? — деб ажабланибди подшо.

— Отам менга жуда меҳрибон эди. Кичкиналигимда ўта нимжон, ногирбон эдим. Отам мени орқалаб ўстирди, даволаб, парваришлади, сизга навкарлик даражасига етказди. Шу боис, қаригач, олдидаги қарзимни узиш учун чўлга обориб ташламадим. Ихчамгина сандиқ ясаттириб, ичига ўтқаздим-да, ҳозиргача ўзим билан бирга орқалаб олиб юрибман. Сизнинг Эрон подшоси билан маслаҳатингизни айтувдим, отам: «Мен сув топиб бераман, подшо ҳузурига олиб бор», деди...

— Қани, сандиқингни ерга қўйиб, тезроқ очсангчи! — деб шоширибди подшо.

Навкар сандиқни очибди. Қордек оппоқ соқоли кўксини қоплаган нуроний бир чол сандиқдан чиқиб:

— Болалигимда шу саҳрода жанг бўлган эди. Бизлар енгилиб, чекинаётганимизда, душман фойдаланмасин, деб бир булоқни кўмиб кетган эдик, — дебди.

— Үша булоқни ҳозир топа оласанми? — деб сўрабди подшо.

— Топа оламан, — дебди чол.

Подшо чолни бедов отга ўтқазиб, ёнига бешта навкарини қўшибди. Чол қум устида от чоптириб, юра-юра, ниҳоят, ёнидаги навкарларга бир тепаликни кўрсатибди-да: «Очинг!» дебди. Тепаликнинг ярми кавланмасданоқ зилол сувли булоқнинг кўзи очилибди. Бутун лашқари билан изма-из ётиб келган подшо бу нажотбахш мўъжизадан бениҳоя таъсирланиб:

— Кексалардан ажралиш — ақл-донишдан ажралиш билан барабар экан. Бундан кейин ким қарияларни чўлга обориб ташласа, боши ўлимда, мол-дунёси талонда! — дея фармон берибди.

Булоқ сувидан Эрон лашқарлари ҳам баҳраманд бўлибдилар.

Шу булоқ бошида икки юрт подшоҳи дўст тутиниб, ўйлашиб-кенгашиб, ўша қарияга мангулик соябон ҳамда донишмандлик нишонаси бўла оладиган, ҳеч қачон ранги ўнгмас, ҳеч қачон тўзмас чиройли бир қалноқ инъом этганмиш...

Одамлар йўлдан адашмаслик учун зарур юлдузларнинг икки тури бор: бири — тун зулматини ёритиб, бепоён осмонда чарақлаб турган табиий юлдузлар. Иккинчиси — кўп яшаган, кўпни кўрган қариялар, дер эди онам.

Адабиёт муаллимининг айтганларидан: Кексаларга ҳурмат — ўтмишга ҳурмат демакдир. Бироқ, Ғарбий Европадаги айрим ёшларнинг ҳатти-ҳаракатларида ўтмишга ҳурматсизлик сезилади. Бу ҳол кўпроқ Шарқ адабий меросини баҳолашда аён сезилади.

Агар она-Еримиз бўлмаса, коинот ҳақидаги тасаввурларнинг ўзи қаёқда эди! Одамзод осмонга чиқиш учун ҳам ердан қувват олади. Худди шундай, Ғарбни Шарқнинг ўзи яратмаганми? Шу нуқтаи назардан қарасак, бугунги Ғарб адабиётига Шарқ классик дидактикаси пойдевор бўлганини инкор этиш беҳуда.

Вақт ўтиши билан ҳар қандай чуқур қудуқни ҳам даврлар пардаси қоплайди. Ўз найтида фавқуллодда тегналикка эга бўлган Шарқ классик адабиётини қуруқ дидактика, шунчаки панд-насиҳат дея инкор этиш ўрнига бу адабиётни Шарқнинг кўп жабру жафолар, зулумотларга тўлуғ оламни гуллайтиб-яшнатиш йўлида авлодларнинг яна адашиб-улоқмаслиги учун қолдирган харитаси ёхуд шамчироғи сифатида баҳолаш тўғрироқ бўлув эди.

Ҳозирги электр нурлари шамчироқ шуълалари остида кашф этилди. Буни инкор этиш ҳали фикри қўним топмаган болакайнинг: «Мени онам эмас, отам тугди», дейишидек гап!

Начора, ҳар бир одамнинг дунёга мустақил ўзига хос қарашини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Ҳатто, қадрдон дўстим нега мендек ўйлай олмайди, дея уни ёзғириш ҳам инсофдан эмас.

«Олло таоло ўз бандасини зулматдан асрагай», дерди онам ҳар оқшом уйқўга ётиш олдидан. «Қодир эгам вақтида тонг оттирганига минг қатла шукур», дерди момам тонг-сахарда уйқудан бош кўтара туриб.

Одамзод учун икки қуёш бор: биринчиси — табиий офтоб, иккинчиси — руҳий офтоб, яъни — китоб. Қуёшсиз тириклик йўқ! Китобсиз тириклар қалбини тагин зулмат эгаллаб олиши ҳеч гап эмас.

## 2

Баъзилар: «Мен фалон китобни ўқий бошлагандим, ухлаб қолдим», деб китобнинг ёмон ёзилганига ишора қиладилар. Менда эса аксинча: ётиш олдидан қўлимга олган китобим яхши бўлсагина яхши ухлайман, яъни, янги бир дунёга кириб, ўзлимни унутаман-да, эрталаб уйғонганимда, юзимни китоб ёпиб қолганини кўра-

ман. Ётиш олдида ёмон китоб қўлимга тушиб қолгудек бўлса, менда ачинишми, гижинишми, ижирганишга ўхшаш қайфият уйғонади-да, уйқум қочади. Китоб-ку, охиригача ўқилмай қолиб кетаверади, бироқ аллама-қалгача ухлай олмайман.

Бу «инжиқ» феълимни ўйлаб, гоҳо мен ўз хаёлим, ўз тасаввурларим билан бошқалардан ажралиб, дунёда танҳо-ёлғиз қолгандек сезинаман. Бу ҳолатдан даҳшатга тушаман.

Одамни ёлғизлик оздириб-тўздиради, дейди донолар.

Ростдан ҳам, ёлғизликнинг турган-битгани азоб. Ҳаётнинг турфа чигалликлари ёдингизга тушади. Билиб-билмай йўл қўйган хатоларингиз ортингизда қолган чакалакзор эмас, манзилингизни қоплаб олган чангалзордек умрингизни азобга қўяди, жонингизни эговлайди.

Айни пайтда танҳо ётиб ё танҳо юриб ўй суришдан лаззатлироқ ҳеч нима йўқдек. Бутун ер куррасини хаёлан кафтийнгизга қўндириб, унинг паст-баландини, қаерида қандай ишкали борлигини кўриб, бирон-бир ҳукм-хулосага келиш эрки ўзингизга берилади. Албатта, бундай ўткир кўз ҳаммада бўлавермаслиги мумкин. Бўлган тақдирда ҳам, ҳамма бир хилда кўравермаслиги табиий. Агар дунёда яшаган жами одамлар оламнинг бино бўлишидан ўзича кам-кўст топиб, уни тўлдиришга ихтиёр қилганида ёхуд ортиқча даҳмазаларни топиб, улардан халос бўлишга чоғланганида эди, ер курраси ўйдим-чуқур эмас, аллақачон теп-текис бўлур эди.

Уйлаб қарасангиз, бу дунёнинг кам-кўстлари сон-саноқсиз. Аммо уларни тузатаман деб янги бир ишқал ҳосил қилувчилар, яъни, қош қўяман деб кўз чиқарувчилар ҳам йўқ эмас.

Ҳар қалай, энг даҳшатлиси — дунёга лоқайд қаровчилар!

\* \* \*

Ёлғизликда кечган ўй, кўп ҳолларда фавқулодда қудратга, ҳатто дунёни «кўтариш»га қодир! Ер юзини шов-шувларга кўмиб, не ажабки, гоҳо таҳликаю ғул-ғулага солиб турган турфа-туман илмий кашфиётлар ёлғизликдаги ўйлардан туғилган; энг ноёб, умри боқий китоблар танҳоликда кечган ўйлар маҳсули — яккаликда ёзилган.

Бахтга қарши, дунёни зир титратиб, одамзод бошига неча-неча офатларни бошлаб келган қирғинбарот уруш-

лар, мислсиз қон тўкишлар ҳам аввал-бошда кол-лектив ўй-фикрлар маҳсули бўлмаган.

Агар ҳокимият тепасида турган айрим худбин кимсаларнинг шахсий ўй-режалари амалга ошгудек бўлса эди, дунё нақ остин-устун бўлиб кетарди. Бундай талотўп замонларни кўҳна тарих яхши билади. Бу ёруғ оламга мангу ўчмас қора доғ солиб кетган шохдор Искандар Зулқарнайнинг, ёввойи Чингизхоннинг, қонхўр Гитлернинг буткул дунёни топтаб, ягона ҳукмдор бўлиш режалари ҳам ёлғизликда сурилган хом хаёллар маҳсули эди. Бундай пайтларда ёлғизликдаги ўйлар туфайли ҳосил бўлган муаммони ечишга, худбин ниятлар билан кўтарилган қилич дамини кесишга оммавий фикр керак бўлади.

Танҳоликда туғилган ўйларига ёлғиз ўзининг кўзи билан қараб, бошқалар фикрига бепарво — лоқайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

**Онамнинг насиҳатларидан:** Ёлғизликда миянгга келган фикрлар гоҳо кўлмак сув юзасида бир кўриниш бериб, қайта шўнғиган алдамчи балиқ, гоҳо булут остидан бир милтираб, кўздан йўқолган юлдуз. Уларнинг орасидан халқингга фойдалисини, халқинг орқали инсониятга керагини ажрата олиш, амалга ошириш — бу ўзлигини топишдаги ўта машаққатли йўлдир...

Ўзлигини топиш йўлида айна пайтда хаёлингизга келган фикр — касалликни аритувчи шифобахш гиёҳ, кеч келган фикр — соғ таъингизни емирувчи балойи азим.

Бир қарашда оддийгина ҳақиқатларни кеч тушуниб етганлигим сабабли ўз умримда қанча-қанча ютуқларни қўлдан бой бермадим!

Вақтида фойдаланилмаган фикрларнинг қанча-қанчаси вақтида ичилмаган қатиқдек ачиб-бижғиди, ичилмай тўкилди!

**Қарияларнинг ҳангомаларидан:** Умрида кўп жабру жафолар кўрган Бердақ шоирнинг кўнгил сандиғи замона дардларига тўлиб кетса, ўз чекига тушган дард-аламларига таниш-билишлари, дўст-биродарларини шерик қилиб, уларнинг ҳам кўнглини чўктирмай қўя қолай деб денгиз қирғоғига бораркан-да, оқ ёлли тўлқинларга термулган кўйи ё бўлмаса, Амударё ёқасига келиб, унинг ҳайқириб оқишига кўз тиккан кўйи, шундай ҳасрат қилар экан:

— Эй, кўм-кўк денгиз, эй, оқар сув! Менга йўл кўрсат, маслаҳат бер. Бу дунёнинг ишларини сира тушунолмай қолдим-ку! Бировларнинг кўнглига қараб иш қилсам, мени тескари тушунишади. Баъзида, энди тескари тушунсин, деб жўрттага чапақай иш қилсам, бунисини шу туришича тушунадилар. Агар адашсам, жўрттага адашяпти, деб ўйлашади. Яхши иш қилсам, шу ишни ўзини ўйлаб қияпти, деб гумонсирашади. Мен ниҳояти шоирман, дунёнинг йиқилмас устун эмасман, ахир! Мен ҳам одамман-ку! Одамнинг ўзини ўзи идора қилолмай қоладиган пайтлари кўп бўлади. Майли, мени ким қандай тушунса, шундай тушанаверсин, ўзимча ҳақман, дунёнинг ҳақлигини тилайман, ҳақлик учун қўшиқ ёзаман, ҳақлик учун ишлайман. Бутун умрим ҳаққа, ҳақиқатга бағишланган. Шунда ҳам бу дунё билан тил топишолмай доғдаман. Начора, кўргулик экан, тил топишар пайтлар ҳам келарда...

Ўзи ҳақида, юрагидаги энг эзгу, пинҳоний туйғулари ҳақида баралла гапириш имкони буюк шоир яшаган замонда йўқ эди, албатта. Шу сабабли ҳам тарихда не не Бердақлар «тушини сувга айтган», «Искандарнинг шохи бор»лигини кўра-кўра, тўлиб кетган юрагини қудуққагина изҳор этган, холос.

Бизнинг замонамиз бутунлай бошқача. Бунга биргина ёрқин мисол: Совет рассоми Коненков ўз автопортрети учун Ленин мукофотига сазовор бўлди...

Ҳар қалай, одам боласининг бир-бирини тўғри тушуниш йўлидаги интилиши — абадий!

✓

\* \* \*

Ўзимдан ҳам ўзлигимни, ҳам халқимни топиш учун ўзим ҳақимда очиқ-ошкор фикр юритишни астойдил истасам-да, бари бир нимагадир кўнглимни андиша, истиҳола ҳисси қамраб олаверади. Бердақнинг тилини тугик, ўзини тортинчоқ қилиб қўйган сабр-тоқат, қаноат, андиша туйғулари қонимда ҳали-ҳануз яшаб келмаётганмикин? Ё нуқсонларимни юртга ошкор этишдан қўрқаманми? Хуллас, нимадир йўлимда гов...

Балки бу «нимадир» — ўзимни ўзим кам билишимни бошқалардан яширишнинг аломати бўлиб чиқар? Ўзинг ҳақингда гапириб, ўзинг хатога йўл қўйишинг қандай оқибатга олиб келиши эса барчага аён.

Ҳар қалай, кўнгилга келган гапларни вақтида айтиб, ҳумордан чиқмоқ керак. Акс ҳолда, одам боласи аслида

бепоён бу оламда, чексиз-чегарасиз кенгликда умр кечи-  
ради-ю, ўзини худди эшиксиз — туйнуксиз, тўрт девор  
ичида қамалиб қолгандек сезади.

Онамнинг насихатларидан: ўз фикрининг йўқлиги  
учун донолар ўзини айблади, нодонлар эса дўстини...

Донолик — ёғсиз-пиликсиз чироқ, у ҳар қандай зим-  
зиё зулматда ҳам сизга йўл топиб беради.

Нодонлик — кўргилиқдан баттар. У сизни куппа-кун-  
дузи жар ёқасига етаклайди, саҳродаёқ денгизга  
чўктиради, денгизда эса қумга кўмади.

Отам айтган афсона: Қадим замонда буюк Турон  
шоҳи қўл остидаги юртларга чопар йўллаб:

— Халойиқ, менга Олло-таолодан ваҳий келди, ким-  
нинг кўнглида худодан не ўтинч бўлса, келиб айтсин,  
мен парвардигорга етказаман. Бироқ битта шартим  
ҳам бор: ким агар худога ўз тилагини айтмоқчи бўлса,  
аввало бир оёғини кестиради, — дебди.

Бу ғаройиб шартга, табиийки, ҳеч кимнинг юраги  
дов бермабди.

Орадан бир неча кун ўтиб, ниҳоят бир мард топи-  
либди. Шоҳ ҳузурига келиб, шартга биноан унинг  
кўз олдида бир оёғини кестирибди.

Шоҳ бу мард одамга ажабланиб қараганча:

— Қани энди тила тилагингни? — дебди.

— Пушти панохимиз! Шу тилагимни худога етқа-  
зингки, унинг ўз бандалари учун жаннатни яратганига  
мингдан-минг қуллуқ. Бироқ дўзахини бутунлай йў-  
қотсин! — дебди ҳалиги одам.

Шоҳ мийиғида кулиб:

— Шу оқшом тилагингни худога етказаман. Хотир-  
ринг жам бўлаверсин, дўзах мангуга бузиб ташланади, —  
дебди.

Мард одам бир оёғи бадалига буткул одамзодга  
яхшилик қилганидан мамнун, «Энди ҳамма мендан мин-  
натдор бўлади, йўлимга пойандоз тўшайди», деб ўйлаб  
севинчдан оламга сиғмай, хиргойи қилганича, уйига  
қайтиб бораётган экан, бир нечта йўлтўсар дуч келиб,  
ногиронлигини кўришлари биланоқ, ўртага олибди  
ва эғнидаги бутун кийим-кечакларини ечинтириб  
кетишибди. Ҳалиги одам бу ноҳақликдан юрак-бағри  
хун бўлиб, бир муддат ўйланиб ўтирибди... Ахири  
кўнгли қаҳру ғазабга тўлиб шоҳ олдиға қайтиб борибди.  
Илтимос қилиб иккинчи оёғини ҳам кестириб ташлабди.



— Тагин қандай тилагинг бор? — деб сўрабди шоҳ, алланечук қаҳрли овоз билан.

— Иккинчи оёгим эвазига Олло таолога тезда етказсангиз, дўзахини зинҳор буза кўрмасин! — деб ёлворибди у.

Шоҳ беихтиёр илжайиб кесилган иккинчи оёқни ҳовлидаги итнинг олдига ташлатибди-да, бош вазирини чақириб:

— Шу бугундан эътиборан менинг дўзахимни ҳам тезроқ қуриб битиринглар! — деб буюрибди.

— Ие, сизнинг ҳам дўзахингиз борми? — деб сўрабди мард одам.

— Қўл остимдаги тартиббузарларни, салтанатга қарши турувчиларни ташлайдиган зиндон — менинг дўзахим, — дебди шоҳ. Шундай деб у хазинасидан шерозий қора бўрк олдириб, мард одамнинг бошига кийдирибди-да:

— Кўнглимдаги ишни тезлаштишга сабабчи бўлганинг учун мендан сенга совға, — дебди.

Биз, қорақалпоқлар, ана ўша — иккала оёғидан ажраган одамнинг авлоди бўлсак ажаб эмас.

Айрим одамларимизнинг унча-мунча ишга дадил қўл уролмай сабр-қаноат, бориға шукур қилиб яшаш кайфиятлари бобокалонимиздан бизга қолган мерос бўлса керак.

— Жабр кўрганлар қаторида бўлсанг ҳам, жафо қилганлар қаторида бўлмаганинг яхши, — дер эди онам.

— Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади-да! — дерди отам.

\* \* \*

Ўзи ҳақидаги рост гапни тан олмаслик одабийликдан эмас. Мен ўз умримда жуда кўп хатоларга йўл қўйдим. Гоҳо ёзган китобларим ҳам йўл қўйган хатоларим бўлиб туюла бошлайди.

Агар мен бирон-бир ишда хатога йўл қўйсам:

«Хатолардан кейин донолик келади», дерди бобом.

Мен бу гапга ишонардим.

«Беайб парвардигор. Хато қилиш — яратган эганинг ўзидан бошқа барчанинг пешанасида бор», дер эди ммом.

Мен бу гапдан юпанардим.

«Хато қилаверадиган йигит — қоқилиб-суринавера-

диган от, бундай от билан ҳеч ким олис сафарга чиқмайди», дерди онам.

Мен сергак тортиб, энди хато қилмаслик учун бел боғлаб, енг шимардим.

«Одам бўлиб тирик юрганингга шукур қилавер, бир амаллаб кун кўраверасан», дерди отам.

Мен шаштимдан тушиб, бамайлихотирликка берилардим.

Бундай пайтларда онам отамга тик қараб: «Бир амаллаб кун кўрганларнинг ҳаммаси ҳам одам бўлавермайди», дерди.

Мен ўйланиб қолардим.

Эри бир хато қилишда давом этаётгандекман.

### 3

Афсуски, бутун умри давомида тузукроқ уй қуролмай ё фақат пойдевор қўйиш билан, ё пойдеворсиз чиройли уй солиш билан машғул усталарнинг ишини эслатувчи инсоний қисматлар ҳам учраб туради. Бундайларнинг умри болаликдан яна боламикка қараб йўналган, зое кетган, бой берилган умр. Бундай умр — ибрат эмас, мевасиз дарахт, ишлатилмай сўррайиб қолган қуруқ ёғоч, йўнилмаган таёқ. Бундай умр — нафақат одамнинг ўзи ёхуд қариндош-уруғлари учун, балки бутун инсоният учун ҳам, давр учун ҳам иснод, фожеа, йўқотиш...

Тириклиги учун бошқаларни суюнтира олмаган одамнинг кўрган куни — чивиннинг кўрган кунидек бемазмун. Чивиннинг қаноти бор, бироқ унга ҳамма жирканиб қарайди. Одам боласининг энг эзгу тилаги — ҳеч кимга жирканч кўришмаслик, аянчли туюлмаслик.

Бу дунёда ёшлик билан қариллик орасини кўнгилдагидек яшай олмайдиганлар, афсуски, кўпчилик.

Тўғри, рост гапни айтиш — барча даврларда жасорат саналган. Бироқ, мажруҳни «мажруҳ», чўлоқни «чўлоқ», деб чақириш ўтакетган нодонлик.

Кўчамизда яшайдиган кўзлари ожизроқ бир қарияни болалар «Сўқирота» дейвергани учун у кўчиб қутулди.

Гоҳо донога, «нодон» десанг, мийиғида кулимсирайди. Бироқ аҳмоққа «нодонсан», десанг, бошингга балони сотиб олганинг!

Хатоингни тан олиш, йўл қўйган хатоинг учун бошқалардан узр сўраш — мардлик. Хатони тузатиш — донолик, такрорлаш нодонликдир. Такрорланган хато —

юрак жароҳати, пойафзалинг ултонидан ниш чиқариб, товонга қадалувчи мих, бундай хато — ўлганда тобутингиз остидан ҳам мих бўлиб чиқаверади.

Кўча бийининг айтгани: Хоразмнинг ўтакетган золим ҳукмдорларидан бири Оллоқулихон умрида кўпгина бегуноҳ одамларни ўлдириб, ҳадсиз-ҳисобсиз гуноҳу зинолар билан донг чиқарган. Ҳеч қачон ҳеч кимдан кечирим сўрашни хаёлига келтирмаган хон бир куни дардга чалиниб, ўлим шарпаси кўзига кўринган пайтдагина ювош тортиб, дунё бебақо, тож-тахт бевафолигини тушуниб етибди. Бироқ нотавон кўнгил экан, ўзидан кейин ёмон от қолдирмаслик илинжида одамларни тўплаб: «Менинг гуноҳларимни кечиринглар, қазо қилсам, хонлар қабристонига кўминглар!» дея ўтинибди. Тириклигида ҳеч кимга бўй бермаган хонни одамлар хонлар қабристонига олиб борувчи йўлакка кўмибдилар. Йўлкадан ўтган ҳар бир одам қабрни тепкилаб, бир туфуриб ўтадиган бўлибди.

Ҳозирга қадар Хивага саёҳатга борган сайёҳлар шу қабрни тепкилаб, унга бир туфлайдилар.

«Умр бўйи гуноҳ қила-қила, охир-оқибат «сўфи»га «айланиш»дан ортиқроқ нодонлик йўқ», дея кўп такрорларди отам.

«Ҳар қандай ишга қўл уришдан аввал оқибатини ўйла. Бу ишингдан бошқаларга зарар етмайдиган бўлсин», деб ўргатарди онам.

«Яхши умр кечираётган бўлсанг ҳам, ўлимнинг қандай бўлишини ўйла. Буни ўйламаслик хатога олиб келади», дерди момом.

#### 4

Ёшлигимда қайси қариянинг хизматини қилмайин, барчасининг дуоси бир хилда бўларди: «Умринг офтобдай ёруғ бўлсин».

Ўз вақтида мен бу дуоларнинг маъносини теран англаб етмай, «Ёмон бўлса, нега худо тунни яратдийкин?» дея ажабланардим.

Бундан ҳам ажабланарлиси:

«Тун яхши», дердилар қовун ўғирлашга борадиган болалар.

«Тун яхши», дердилар менга хат ташитадиган ошиқлар.

Кейинчалик тушундимки, кексаларнинг: «Умринг офтобдай ёруғ бўлсин», деганлари асли: «Ҳаётингда ўзингга сирдош, жондош-қондош, гапларингга чанқоқ, қадрдон, дилкаш суҳбатдошларинг кўпроқ бўлсин», дегани экан. Ҳаётинг ҳам, кўнглинг ҳам офтобдай чарогон бўлиши учун бундай суҳбатдошлар жуда-жуда зарур экан.

Ҳатто нотаниш одам билан суҳбатлашишнинг ҳам гашти бор: янги бир дунё кашф этгандек бўласиз.

Бу ҳикматли гап умримнинг ҳеч қачон сўнмас йўлчи юлдузи бўлиб қолди.

\* \* \*

Замонга хос беҳисоб имкониятларни тўлароқ ишга солиб, дўст-биродарларим билан тез-тез гаплашиб турай, янги-янги дўстлар орттирай, бошқалар ҳам мен билан дўст тутинсин, деган ниятда уйимга телефон туширдим. Афсуски, мен ўйлагандек бўлиб чиқмади. Уйдаги ҳаёт мароми тубдан ўзгарди-қолди. Кутилмаганда телефон жиринглайди. Бир сесканиб, шоша-пиша трубкани кўтараман. «Кимсан?» сўрайди биров. «Мен» дейман. «Кимнинг уйи?» дейди. «Бизнинг уй!» дейман. «Аҳмоқ!» дейди-да, трубкани жойига қўяди. Сал ўтмай телефон яна жиринглайди. Трубкани шошилишч қўлимга оламан, «Кимсан? дейди. «Мен!» дейман. «Мен деганинг ким?» «Қаипбергеновман». Телефон яна узилиб қолади. Бир оздан сўнг тагин жиринглайди. Тагин трубкага қулоқ тутаман. Яна ўша савол! Гапни чўзмаслик ичун «Қаипбергеновман!» дейман. «Қайси Қаипбергенов?» — деб сўрайди. «Қорақалпоғистонлик Қаипбергенов» дейман. Яна «Аҳмоқ!» деган сўзни эшитишга улгураман, холос. Кўп ўтмай, тагин жиринглайди. Яна ўша савол: «Кимсан?» Бу мени бошқа бирон Қаипбергенов билан адаштиряпти шекилли, деб ўйлаб, кейин-кейин, худди ҳарбий хизматни ўтаётган аскардек, дам «Уртоқ Қаипбергенов эшитади», дам «Коммунист Қаипбергеновман», дам «Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Қаипбергеновман», дея барча унвону атоқларимни қўшиб айтдиган бўлдим. Бари бир...

Бу ҳолга ҳам кўникдим. Гоҳо ишхонамда ҳам баъзи бир ноҳақликларга тоқат қилолмай, амалдорроқ бировнинг камчилигини юзига рўй-рост айтсам, ҳолироқ жойга чақириб, дағдаға қилади: «Кимсан ўзи?!» Бошқа бир вазиятда кўнглини топиш учун унинг

шаънига илиқ сўзлар айтсам, мийғида кулиб, яна сўроққа тутади: «Менга яхши кўринмоқчимисан? Хўш, ўзинг кимсан?..»

Бора-бора бу аҳволга ҳам кўника бошладим.

Бир гал жўраларимга эргашиб бегона одамнинг уйига меҳмонга бордим. Уй эгаси гап орасида «Кимсиз?» деб сўради. Мен «Ёзувчиман!» дедим. У эса, ҳазиллашибми, ажабланибми, энсаси қотибми, шундай деди: «Ие, мен сизни одаммикин, десам...»

Бундай дилхираликларга ўрин қолдирмаслик учун, биров сенга «Кимсан!» демасидан аввалроқ ўзинг ўз олдинга шу саволни кўндаланг қўйиб яшаганинг маъқул экан.

«Мен кунига неча марта остона ҳатлаб ташқарига чиқсам, шунча марта кенг дунёга қўшилганим, неча марта ичкарига кирсам, шунча марта уйимни бу кенг оламга ошно қилганим», дерди отам.

Шундай деган отам ким эди ўзи?

Қарияларнинг ҳангомаларидан: Ўзини бутун оламга ҳукмдор деб билган Сулаймон подшо: «Кимда-ким менинг хизматимда бўлиб, буйруқларимни бекаму кўст бажо этса, ўша одам тилагига етади», деб юртга жар солдирибди. Бошларига қора қалпоқ кийган бир гуруҳ одамлар унинг хизматига енг шимариб боришибди. Сулаймон подшо «Э-э, қорақалпоқлар, менинг биродарларим!», деб уларни мақтаб-мақтаб ишлатаверибди. Қорақалпоқлар унинг мақтовларидан шишиниб, куну тун тиним билмай ишлайверибди. Оч қолсалар «очқадик» демабдилар, қаҳратонда «совуқотдик», саратонда «офтоб урди» деб зорланмабдилар. Подшонинг қўл остида яшовчи бошқа халқлар эса, олдига ҳар хил талаблар билан бот-бот келиб, ишларини битириб кетаверишибди. Сулаймон подшо уларнинг талаблари билан ҳисоблашиб, илм сўраганга — илм, бойлик сўраганга — бойлик, мансаб сўраганга — мансаб, унвон сўраганга — унвон бериб, оғзидан чиққанини жағига ёпиштириб ўтираверибди. Кун-тун хизматида юрган қорақалпоқлилар эса, ҳеч нарса сўрамаганлиги учун подшонинг марҳаматидан четда, шунчаки содиқ хизматкор бўлиб қолаверибдилар. Бир куни уларнинг бошлиғи Сулаймон подшога: «Бизларга эркинлик бер» деган экан, подшонинг қаҳри келиб: «Кўнгди эркинлик тусаб қолган кимсан ўзи?», деб сўрабди. Шу гапдан сўнг улар Сулаймон подшонинг қўл остидан бирин-сирин қочиб,

қуйи Амударё ёқасидаги қалин қамишзорлар орасидан ўзларига бошпана тиклаб, куни ўтганига қувониб яшайверишибди. Подшонинг олдига арз-дод билан бо-ришмабди. Подшо ҳам кечаги содиқ фуқаросининг холи не кечаётгани билан қизиқмабди. Фақатгина кўз олдида юрганлар билан олдига тез-тез арзу дод билан келиб, ҳар хил талаблар қўйган чаптастлар билан иш кўришда давом этаверибди...

Мабодо шу халқ ноодил подшога: «Бизга нисбатан бундай адолатсизлик қилдинг, хўш, ўзинг кимсан мунча?», дея қатъий саволни кўндаланг қўйганида эди, у нима деб жавоб берарди? Албатта, савол тегишли жавобсиз қолмасди-я! Аммо бунинг учун улар аввало ўз олдиларига «Биз киммиз?» деган саволни қатъий қи-либ қўйишлари керак эди.

\* \* \*

«Кимсан?» деган саволни аввало ўзига ўзи қўя олмаган одам ўзгаларнинг жавобидан қаноат ҳосил қи-лолмайди. Чунки ҳали ўзини ўзи тушуниб етмаган одам бошқаларни қандоқ тушунсин?!

Тушунмаслик ҳам, тушунтиролмаслик ҳам барча нодонликларнинг ибтидоси. Шу боисдан ҳар бир одам-нинг аввало ўз-ўзидан «Мен кимман?» деб сўраши одамзод бино бўлгандан бери мавжуд дастлабки савол деб қараш билан бирга бу саволни ўз олдингизга ҳар куни такрор-такрор қўйиб яшаш керак бўлади. Акс ҳолда хатога йўл қўясиз. Хатолардан донолик туғилади, дея ўйлаб айни хатони такрорлайвериш эса, юқорида айтилганидек, ақлдан эмас. Ўз хатоингизни энг аввало ўзингиз кечириб қўя қолиш ҳам одамий-ликдан эмас.

Бу саволга жавоб излаш йўлида хатолардан бутун-лай холи одамни топиш қийин. Шунинг учун бошқалар билан муомалада эҳтиёт бўлиш керак. Аммо эҳтиёт бўлиш билан иш битмайди. Бу иш — кўр одамнинг олдинга қадам ташлашдан аввал ўз йўлини ҳассаси билан пайпаслайверишдек гап. Ҳолбуки, кўр-кўрона хатти-ҳаракатлар билан халқингизни танимоқ тугул ўзингизни ўзингиз танишингиз ҳам мушкул. Хуллас, инсон умрининг туб мазмуни — «Кимсан» деган сўроққа дурустроқ жавоб топиш. Бунинг учун эса, гоят мураккаб бу дунёнинг калава иплари чатишиб-чигаллашиб кетган хилма-хил йўлларида аввало халқингизнинг йўлини

ажратиб олиш, ундан ўз сўқмоғингизни топиб яшаш керак бўлади.

«Кимсан?» деган саволга энг осон жавоб «Одамман!» дейиш.

Бироқ, ўзингизнинг одамлигингизга бошқаларни ишонтириш учун бутун бир умр керак бўлади.

\* \* \*

...Бир қарашда, одамнинг ўзи ҳақида гапириши ҳам, ёзиши ҳам жуда осондек. Аслида жуда қийин иш бу!

Осонлиги — одатда одам ўзини шу қадар яхши биладиганга ўхшайдики, ҳатто уни бу кенг оламда ўзидан бошқа ҳеч ким тушунмайдигандек, ҳеч қачон тушунолмайдигандек туюлаверади.

Қийинлиги — одам ўзи ҳақидаги рост гапни ҳеч қачон тўла-тўқис айтолмайди: баъзи ҳолларда бу андак ноқулай туюлади, бошқа вазиятда сир-асрорини ўзгаларга ошкор этишдан қўрқади, ўзига ошириброқ баҳо беради ёхуд кўнглидаги тўғри баҳони ўзига муносиб кўравермайди, хуллас — қийин! — Ҳалқ ҳақида ҳам худди шундай.

Мана, бугун мен ҳам «Кимсан?» деган сўроққа рўйи-рост жавоб бергим келади. Бироқ, гапни нимадан бошлашни билмай ҳайронман.

Бальзак ўзи ҳақида гапиргудек бўлса, улуғ одамга ҳурмат маъносиде аввал бош кийимини олиб, кейин гап бошлар экан. Албатта, бу маълум даражада муболағали, ҳазиломуз нақл. Аммо, ҳар қандай муболағада ёхуд ҳазилда ҳақиқат учқуни бўлади.

«Тўтиқуш патларининг чиройлилиги учун эмас, одамларнинг сўзини такрорлагани учун қадрли», деган эди отам.

Ҳолбуки, ким тўтиқуш бўлишни хоҳлайди?

Ҳеч ким!

Тўтиқушни гапиртиришга, бутун оламни ўзгартиришга қодир куч — одамнинг ўзи!

Лекин, ҳар қалай, баъзи одамларнинг хатти-ҳаракатларини зеҳн солиб кузатсангиз, уларнинг «Кимсан?» деган саволга жавоб беришида ўзининг бетакрор сиймо эканини бўрттириб кўрсатишга мойиллиги сезилади. «Мана мен!» деган хитоблар қулоқни қоматга келтиргандек бўлади. Айрим фаҳм-фаросатлироқ, мулоҳазакорроқдари эса, «Мен!» деган нидонинг ост-устини андавалаб ташлайди.

Ҳар қалай «Мен!» дея кўксига урадиган айрим манман одамларни айблашдан аввал, ўз «Мен»ини теранроқ бўйлаш, унга синчковлик билан чуқурроқ назар ташлаш керак бўлади. Бу иш одамнинг ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам фойдалироқ.

«Кимсан?» деган сўроққа «Дўстларга таянчман!» деган жавобнинг бўлсин», деб ўргатарди онам.

«Аттанг, ҳаётда ичи пўк «таянч»ларнинг ҳали-ҳануз топилиб туриши одамни ўқинтиради-да», дерди отам.

«Инсон учун энг мустаҳкам, мангулик таянч — халқи», деб кўп уқтирарди бобом.

Бизнинг халқимиз макондан маконга дарбадар кезиш, ўз маконини ёвдан ҳимоя қилиш йўлидаги кўндан-кўп қирғинбаротлар натижасида қирилиб-камайиб, Орол денгизининг тошқинидан ҳосил бўлган кўлмак сувда яккаланиб қолган балиқлардек оз бўлса-да, унинг урф-одати, ҳаётдан умиди кўп. Унда уммон балиқларининг феъл-атвори бўлса не ажаб! Халқимиз ана шу фазилати билан бахтли. У ўз фарзандлари учунгина эмас, барча дўст-биродарлари учун ҳам мустаҳкам таянч!

\* \* \*

Ота-онадан фарзандга баъзи бир хусусиятлар мерос бўлиб ўтганидек, халқдан унинг ҳар бир вакилига ҳам кўп фазилатлар ўтади. Ўз навбатида, айти лажзаларда пайдо бўлиб, халқингизнинг кундалик турмушига чуқур сингдириш лозим бўлган урф-одатлар ҳам талайгина. Бунинг учун ҳар бир одам аввало ўз халқини англашга интилиб яшамоғи лозим.

Халқда унинг ҳар бир вакилида алоҳида-алоҳида зуҳур кўрсатган характер хусусиятлари мужассамланган. Шу сабабдан халқни англаш учун одамга бутун бир умр керак бўлади.

Муайян халқнинг бошқа халқлардан фарқли жиҳатларини англаб етиш ҳам осон иш эмас. Барча халқларга хос муштарак фазилатлар соҳиби бўлиш эса — ҳар бир одам боласи учун энг эзгу ният, муқаддас орзу, ушалмас армон...

Халқларнинг бир-биридан фарқли томонларини англаш учун аввало чақалоқ ётган бешикка диққат билан разм солиш керак бўлади.

Онам укаларимни бешикка белар экан, чўчимасин деган мақсадда ёстиғининг остига нонми, китобми



ё пичоқми — нимадир қўярди. Бу нарсалар бир пайтлар менинг ҳам ёстигим остида бўлгани шак-шубҳасиз. Онамнинг айтишича, нони бор одамга бало-қазо таҳдид солмайди. Китоби бор одамни хавф-хатар четлаб ўтади. Пичоғи бор одамдан эса, ҳар қандай ёвузлик ҳам ҳайиқиб туради.

«Чақалоқнинг бошига тилла буюм қўйиб бўлмайди, — дея огоҳлантирарди онам. — Бу ёруғ оламдаги жамики офатларнинг, жанжал-низоларнинг, қаттол урушларнинг асосий сабабчиси — касофат олтин».

Менга нимагадир чақалоқ ёстигининг остига пичоқ қўйиш одати ҳам ёқавермайди. Ҳатто пичоққа бағишлаб шеър ёзган шоирларга ҳам кўнглимда гинам бор. Қанча мақталмасин, пичоқ — пичоқ, унинг бирламчи вазифаси ниманидир кесиш, сўйиш...

Сўйиш?..

Беихтиёр вужудингиз сесканади!

Онамнинг насиҳатларидан: Совуқ қурол билан фахрланиш ботирларнинг иши эмас, қўрқоқларнинг иши.

Пичоқ дўстлаштирмайди, ёвлаштиради.

Пичоқ ушлаган одам билан йўлдош бўлсанг, мудом ҳадиксираб яшайсан.

Қарияларнинг ҳангомаларидан: Кунлардан бир куни бекорчиликдан зерикиб ўтирган Хоразм хони: «Мерганлар мусобақасини ўтказиш керак», деб юборибди. Унинг оғзидан нима чиқса, шуни муҳайё қиладиган вазирлари уч кун ичида хонликдаги барча моҳир мерганларни Хива қалъасига йиғибди. Мерганлар санъатини баҳолаш учун хонликнинг номдор одамлари қаторида Бердақ шоир ҳам чақиртирилибди.

Бу воқеа куз пайтида бўлган экан. Мусобақа шарти бўйичи хон Хива осмонидан қибла тарафга қайтаётган ғоз ё оққушлар галасидан қайси бир қушни кўрсатса, мерганлар айна шунисини отиб тушириши керак экан.

Бердақнинг элатида борган мерган: «Бир ўқ билан ўнта қушни отиб тушираман», деб мақтанибди. Ҳамма ҳайрон қолибди.

— Қани, от-чи! — дебди хон олисдан учиб келаётган бир гала ғозларни кўрсатиб.

Мерган узоқ кўзлаб туриб отибди. Орадан бир оз вақт ўтар-ўтмас, ғозлар галаси питраб, бирин-кетин

ерга қулаб тушаверибди. Фақат айримларигина галадан ажралиб чиқиб олис-олисларга қочиб қолибди.

— Шоир, элатингдан келган мерганнинг галабаси сенга ҳам қутлуғ бўлсин! Мен бу мерганни саройга олмоқчиман! Айт-чи, унга қандай мукофот берганим маъкул? — дебди хон.

Бердақ мерганга яқинлашиб: «Сен бир ўқ билан ўнта ғозни қандай отиб туширдинг?» деб сўрабди.

— Мен милтиғимга оддий ўқ солмадим, йигирматача сўна солдим. Улар қушларга етиб бориб, ҳар иккитаси биттадан ғознинг кўзларини чақаверди. Кўзларини сўна чаққан ғозлар ҳеч нимани кўролмай, ерга қулаб тушаверди, — дебди мерган ўз тadbиркорлигидан ғурурланиб.

Умрида хон олдида бўйин эгмаган Бердақ шоир тўсатдан унинг оёқларига бош уриб:

— Улуғ хонимиз, бу мерганнинг жазоси — ўлим! — дебди.

— Нега энди?! Менимча, бу мерган янги бир илм яратган-ку? — деб ажабланибди хон.

— Бундай илм бир кун келиб халқимизнинг бошига етади, сиздек улуғ хоннинг ҳам бошига етади, — дебди шоир.

Буюк шоирнинг ўтинчларига ҳеч қачон қулоқ солмаган хон ажабланиб ён-верига қарабди, жамоанинг шоирни қувватлаб бош чайқаётганини кўриб:

— Бу гапинг ёлғиз ўзингнинг фикрингга ўхшамайди-ку, шоир? — дея сўрабди.

— Шоир ҳамиша халқнинг фикрини айтиши, ҳукмдорлар олдига кўпчилик учун зарур талабларни қўйиб яшаши керак, — дебди Бердақ.

— Атоқли шоирнинг тилаги бажо келтирилсин! — деб буюрибди хон...

Онамнинг насиҳатларидан: Эрта ҳамманинг вақти шушлигига сабабчи бўлсанг, бугун ўзингнинг бир марта йиғлаганингга ўкинма.

Эртага болаларингнинг тинч-осуда ухлашига кўзинг етса, уйқусиз, тунларинг учун ҳам ўкинма.

Инсоннинг бахти — ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам фароғатли умр кечиришига сабабчи бўлишида. Агар бу иш умрингни талаб қилса ҳам, ўкинма!

Отамнинг насиҳатларидан: Одам ўзининг одамлигини бир лаҳзага бўлсин унутдими, у ўз умрига зомин бўлибгина қолмай, инсоният ҳаётининг яшнаб турган дарахтига тушган қуртга айланади.

Одам бирон жойга борган маҳалида, қаер ўзининг муносиб ўрни эканини билиши шарт.

Таклифсиз тўрга ўтма, камтар бўламан деб ўзингга тегишли ўринни ҳар кимга бўшатиб бераверма.

Ўз ўрнингни халқимнинг ўрни деб тушун. Халқимиз учун ўринни Улуғ Октябрь инқилоби буюк Ленин қўли билан белгилаб берган. Уни қадрлаш, авайлаб-асраш, ҳамиша бообрў ўрин бўлиб қолишига эришиш менинг ишим эмас, бошқаларнинг иши, деб бир четда қўл қовуштириб турган фарзанд халқидан ажралади.

Халқ ўз ўрнини ақли расо ўғил-қизлари орқали оламга кўз-кўз қилади.

Доно фарзанд отасининг ҳам, халқининг ҳам бўса-гадаги ўрнини тўрга олиб чиқади.

Нодон фарзанд отасининг ҳам, халқининг ҳам тўр-даги ўрнини пойгакка тушириб қўяди.

\* \* \*

«Қорақалпоқнома»ни ёзиб ўтирибман-у, нимагадир аввало ўз умрим ҳақида ўйлаб, ўзимни кўзгуда кўриб тургандек бўлавераман. Бальзакка ўхшаб Буюк одамга (ҳар қалай, Бальзак ўзи орқали халқининг буюклигини назарда тутган бўлса керак) ҳурмат деб ўзим ҳақимда ҳангома айтиш олдида бош кийимимни олишга-ку, юрагим дов бермайди-я! Бироқ, бари-бир, минг хаёлга бораман. Мабодо ўзим деб халқим ҳақида номақбул гап айтиб қўймасмикинман, қабилидаги гумон искан-жасида қоламан. Бу нотавон кўнглим ўзини осмон чоғламаяптимикин, дея хавотирланаман.

«Меваги дарахтнинг шохи пастга қараб эгилади», дейилади, халқ донолигида.

«Камтарлик — доноларнинг нодонлиги», дер эди Кўча бийи.

Бобом билан гурунглашганимда, ҳар гал у: «Дунёда ўзидан из қолдиришни ният қилмайдиган одам бўлмайди», дерди.

Демак, менинг ҳам ниятим шу китоб орқали ўзимдан, начора, осмондан келсам ҳам айтай, халқимдан муносиб бир из қолдириш эмасми?

Муҳими — одамнинг ўз ортида қандай из қолдириши-дагина эмас, замондошлари ва келгуси авлодларнинг уни қандай тушунишида ҳам.

Кўча бийининг айтгани: Амударёнинг қуйи соҳилларидаги тўқайзорлар орасида яшайдиган овул одамлари кунлардан бир куни ўзаро маслаҳатлашиб:

«Теварагимизда, дарёнинг нариги тарафида ҳам овуллар борми-йўқми, одам юбориб билишимиз керак. Агар бор бўлса, борди-келди қилишимиз керак», деган аҳду қарорга келишибди. Эсемурод деган бир одам даврадан отилиб чиқиб: «Бу ишни мен бажараман», дебди-да, йўлга равона бўлибди. Овулдошлари унга яхши тилаклар билдириб, иззат-икром билан кузатиб қолишибди. Эсемурод шу кетишда дарёнинг нариги тарафига сузиб ўтибди. Бу ерда ҳам худди ўзларидек одамлар борлигини кўриб қувонибди. Улар билан танишиб-гурунглашиш иштиёқида овул чеккасидаги бир уйга кирибди. Бу уйнинг эгаси Кенжамурод деган одам экан. Эсемуроднинг гапларини тинглаб-тинглаб ахири кўни-қўшниларини йиғибди-да: «Мана, овулдошлар, овулимизга бегона одам келди, бу одам элни бузади», дея ваҳима қилиб, охир-оқибат Эсемуродни пичоқлаб ўлдирибди. Овулдошлари Кенжамуродни овулнинг доно, тадбиркор ҳимоячиси фаҳмлаб, унга тириклигидаёқ лойдан ҳайкал ўрнатишибди. Бир неча йилдан кейин, Эсемуроднинг қандай ҳалок бўлганлигини эшитган элати: «Бизнинг овулимизга дўст қидириб чиққан биринчи доно эди», деб унга ҳам лойдан ҳайкал ўрнатибди.

Албатта, ҳар бир овул ўзича ҳақ!

Тарихий маълумотлардан: Магеллан экспедицияси аъзолари 1521 йилда Филиппин оролларига қадам қўяди. Улар Испаниядан янги ороллارни кашф этиш мақсадида йўлга чиққан эдилар. Бироқ, Мақтан оролида яшовчи одамлар экспедиция аъзоларини бизни қириб ташлашга келган душманлар, деб ўйлаб, Лапулапу исмли йўлбошчиларининг буйруғига кўра, уларга қарши уруш очадилар. Бу жангда Магеллан ўлдирилади. Лапулапуга ҳайкал ўрнатилади. Мана шу Лапулапунинг ҳайкали ҳалигача мақтанликларнинг Ватан ҳимояси йўлида жон берган дастлабки қаҳрамони сифатида ҳурмат билан тилга олинади.

Ҳар бир инсон ўзининг эзгу ниятлари ва олижаноб ишлари билан халқининг қисматига, тарихига маълум даражада таъсир кўрсатиши табиий ҳол. Шу сабабдан ҳам кўҳна донишмандлар: «Ҳар ким ўз ўрнида халқ», дея такрор-такрор уқтирганлар.

Бобомнинг насиҳатларидан: Ҳар бир одам эрталаб

ишга кетаётиб ўзига-ўзи «Кимсан?» деб сўроқ қўйса, кеч-қурун уйқуга ётишда «Бугун сен ким бўлдинг?» деса, бундай одамдан ўзига ҳам, халқига ҳам, инсониятга ҳам зиён-заҳмат етмайди.

Одам учун энг аъло фазилат — ўзига зиён-заҳмат етказмаган ҳеч бир жонзотга жабр қилмаслик.

Ҳар инсон ўз халқининг бир жигарбанди. Ҳар инсонга ўз халқи — тириклик бахш этувчи қон томири.

Агар кимдир бировга жабр-зулм етказишга чоғланса, у бир халқнинг жигарини эзгани.

\* \* \*

Одам боласининг ўз ўтмишига аҳён-аҳёнда бир назар ташлаб олиши — тепадан пастликка ёхуд ёруғ жойдан қоронғуликка қараши эмас, бўй-бастини тўлатўкис кўрсатувчи кўзгуга қарашдек гап. Кўзгунинг қийшиқ кўрсатадигани ҳам, тўғри кўрсатадигани ҳам бўлади. Муҳими: кўзгунинг қандайлигини аввало ўзинг яхши билишинг керак!

Олам бино бўлгандан бери одамларнинг бир-бири ҳақида гапириш одати бор. Афсуски, кўпинча бири иккинчисидан камчилик қидиради. Агар ҳар ким аввало ўзидан камчилик, ўзгалардан фазилат ахтариб яшаганида эди, дунё аллақачон яхшилар кўнглидагидек гўзал бўларди.

Яхшиларсиз бирлик йўқ. Ҳар қандай гуруҳда яхши одам бўлади. Куррамизнинг ўз ўқидан тойиб кетмай бир маромда айланиши, осмоннинг ерга қулаб тушмай, жойида тургани ҳам яхшиларнинг шарофатидан.

Ишқилиб, ҳар бир одам ўз умр йўлига назар ташласа, гоҳ узун, гоҳ қисқа ёзилган сўзлардек қадамларни, гоҳ бежирим, гоҳ қийшиқ-қингир, гоҳ ўқлоғдек-ўқлоғдек, гоҳ чумоли изи ҳарфлардек қадам изларини кўриши шубҳасиз.

Бу қадамлар, бу излар унинг умр нарвонидаги пиллапоялардир. Қай бир пиллапояда ўзини бардам сезди, қай пиллапояда тиззаси қалтиради, қай босқичда кимга суянди, қай босқичда йиқилди — бунисини аввало ҳар кимнинг ўзи айтиши керак. Ўзингиз ҳақдаги ҳақиқатни бўяб-бежамасангиз, теварагингиздаги баҳоловчилар ҳам янглишмайдилар.

Баъзиларнинг умр йўлидаги адашуви — ўзини бу дунёнинг устун деб хаёл қилишида. Бошқаларнинг адашуви — тўйса, ўзини ҳеч қачон очқамайдигадек;

очқаса — ҳеч қачон тўймайдигандек сезишида. Яна бировларнинг адашуви — кимгадир ёшлик, кимгадир қарилик мангуга берилгандек туюлишида.

**Қарияларнинг ҳангомаларидан:** Қадим замонларда қайсидир хонлиқнинг атоқли полвони бўлган экан. Хон уни мақтаб-мақтаб, ҳеч қачон уйланмасдан полвонлик қилавериши учун: «Уйлансанг, кучинг қолмайди», деб ишонтиради. Мақтовсуяр полвон мутлақо уйланмасликка онг ичади. Дўст-биродарлари аҳдидан қайтиб, уйланишни маслаҳат берадилар. У маслаҳатларга қулоқ солмайди. «Кучимни ўзимда сақлаб қоламан», деб аҳдида қаттиқ туриб олади. «Хонга берган номаъқул ваъдангдан қайт», деган дўстларини қувиб юборади. Ана шунда болалик қадрдонларидан нимжонроқ биттаси полвоннинг олдига келиб: «Яхши, полвон жўра, майли, сен уйланмай кучингни танингда сақлайвер, мен сен билан йигирма беш йилдан кейин кураш тушаман» дейди. Полвоннинг ҳам қайсарлиги тутиб: «Яхши, йигирма беш йилдан кейин сен билан кураш тушиб, суякларингни синдирмасам, ўзимнинг кўзларимни ўзим ўйиб олганим бўлсин», деб қасам ичади. «Кўрамиз, ўшанда сени ерпарчин қилмасам, мен ҳам ўз кўзларимни ўзим ўяман», дейди нимжон жўраси. Улар шартларини қоғозга тушириб, хон ҳузурида аҳд-паймон қиладилар.

Инсон умридек тезоқар дарё бормикин сира! Кўз очиб юмгунча йигирма беш йил ҳам ўтиб кетади. Шартлашилган куни, уларни хон ҳузурига чақириб, курашни томоша қилиш учун кўп қур йиғади. Соч-соқоли оппоқ оқарса-да, ҳали бели букилмаган Полвон, йўғон билакларини силаб-сийпаб аввалгидек талтанглаганча, майдонга чиқиб келади. Нариги тарафдан унинг нимжон жўраси ҳам алпқомат уч йигит қуршовида ўртага чиқади. У аввалгисидан ҳам нимжонлашган, соч-соқоли оппоқ оқариб, қадди ёйдек эгилган эди. Буни кўрган полвон хохолаб кулиб:

— Сочилажак суякларингни ёнингдаги йигитларга тердириш учун эргаштириб келяпсанми? — дейди тегажоқлик билан.

— Йўқ, аввалига сен мана шу йигитлар билан курашасан! — дейди нимжон.

— Нега энди?! — деб Полвон қаҳр билан унга қўл узатаётганида йигитлардан биттаси қўлини шаппа ушлайди.

— Қўйвор! — дейди Полвон

— Нега қўйвораркан? — дейди нимжон жўра. — Сен хоннинг мақтовига учиб: «Мен кучимни бўйимда сақлайман», деб уйланмагандинг. Мен бўлсам уйланиб, ўз кучимни етти боламга тақсимлаб бердим. Ҳалиям тўрттовини уйда қолдириб, каттароқ учовини эргаштириб келганим. Қара, улкани йигирма тўрт яшар, ўртанчаси йигирма икки яшар, кичкинаси йигирма яшар. Ҳозирча шу учовини енгиб кўр-чи! Ушанда мени енгганинг!

— Яша, азъамат! Ютуқ сеники! — дея гувранишди одамлар.

Ушанда Полвон афсус-надомат билан:

— Оҳ, гафлатда кечган умрим-а! — деб, пешонасига қўш қўллаб урган экан, икки кўзи оқиб тушибди...

Ҳаётда нималар бўлмайди, қандай ўкинч — армонлар йўқ дейсиз!

Айрим одамларнинг бошидан кечирганлари кимгадир эртадек, яна кимгадир муболағадек туюлиши мумкин. Уларни қандай тушуниш, ҳаёт сабоқларидан қандай таълим олиш ҳар кимнинг ўз иши, албатта.

Кўча бийи айтган афсона: Бердақни хон ўз ҳузурига чақиртирибди-да: «Бу дунёда менга кўп нарса кулгили туюлади, деган экансан. Хўш, айтайлик, менинг нима кулгили?» — деб сўрабди.

— Алдаганимни, тулкигимни халқ тушунмайди, деб ўйлаб қилган қинғир ишларингизнинг барчаси кулгили, — дебди шоир.

Хон унинг бу оқилона жавобига тан бериш ўрнига ич-ичидан зил кетганча хаёлга чўмибди-да, бир пайт:

— Сен қандай одамларни ўзингга душман ҳисоблайсан? — деб сўрабди.

— Ҳалқнинг елкасига ўтириб олиб, мен халқни бошлаб боряпман, деган одамни ўзимга душман ҳисоблайман, — дебди Бердақ.

— Қандай душманлардан қўрқмайсан? — деб яна сўрабди хон.

— Ўзимдан ақлли душманимдан қўрқмайман. Ақлли душман енгишига ишонмагунча мени беҳуда овора қилмайди, — дебди шоир.

Хон яна ўйланиб қолибди-да, шоирга зарбоп тўн кийдириб.

— Қалай, мени мақтаса арзийдими? — деб сўрабди.

— Арзийди,— дебди Бердақ кулимсираб.— Бироқ, хон саройи бировларнинг патини юлиб, бошқа бировларга қанот қилиб ёпиштириладиган жойлиги аввалдан маълум.

— Улуғ хонимизга тил теккизма! — дебди лаганбардор вазир.— Бир доно бош мингта хумкаллани кўрғайди.

— Рост айтасиз,— дебди Бердақ.— Бир ақлсиз бошнинг мингта донони хўрлайдиган пайтларини ҳам кўриб юрибмиз.

Лаганбардор вазирнинг жазаваси тутиб, Бердақ шоирдан бу гапга дадил талаб қилибди.

— Баъзи одамларнинг нодонлиги,— дебди шоирдангал,— ўзининг ноҳақлигини яшириш учун сувдан ўт чиқаришга уринишида.

Вазир довдираб, хонга қарабди:

— Нодонлар умрбўйи осмонга тош отишади,— дебди хон.— Бироқ улар осмонга отилган тош ўз бошига қайтиб тушишини ўйламайдилар.

— Баъзи бировлар одамларнинг бошига чиқиб оладилар-да, ўзларини осмон санайдилар. Бироқ, одамлар бир силкинса, оёқости бўлишларини ўйлаб кўрмайдилар,— дебди шоир.

Хон қаҳр билан қовоғини уюбди.

Жаллодлар Бердақнинг боши устида қилич ўйнатишибди.

Шоир аҳволнинг танглигини сезиб, шундай тагдор гап қилибди:

— Улуғ хонимиз, ижозат берсангиз, яна бир кўрган билганимни айтиб ўлсам. Биз денгиз ёқасидаги қамишзорлар орасида ўсганмиз. Уша ерда бир ҳолнинг шоҳиди бўлганман: тунда қамишзорлар оралаб юрсангиз, кутилмаганда кўзингизга нимадир ялтираб кўринади. Олдига яқинроқ борсангиз, қимирлайди. Қўлингизга олиб қарайсизки, ниҳоят тилла кўнғиз экан!

Шоир шундай дебди-да, хон билан сарой аҳли бу гапнинг мағзини чақиб улгургунча, саройдан чиқиб кетибди.

Онамнинг насиҳатларидан: Душманининг йўқлиги одамнинг донолигини билдирмайди.

«Менинг душманам ким учун, нима мақсад билан яшапти?», дея ўзингизга ўзингиз савол бериб яшасангиз, умр йўлингизда панд емайсиз.



Дўстига қараб эмас, душманига қараб ҳам одамнинг кимлигини билса бўлади.

Меҳмоннинг олдига тансиқ таом қўймасангиз ҳам, дастурхон устида очиқ юрагингиз турсин. Бундан бисотингиз камайиб қолмайди.

Бобом айтган афсона: Худо бир куни ўз бандаларини олдига тўплаб: «Мен нақадар сахийман, сахийликда менга тенг келадиган ким бор?», деб сўрабди. «Сахийликда сиздан ҳам ошиб тушадиган бир овул бор!», дебди ғойибий бир овоз. «Қасрда ўша овул!», қаҳрланиб сўрабди Худо. «Амударёнинг қуйи қирғоғида», дебди яна ўша овоз... Худо ўзича: «Бу оламни яратган, одамзодга жон ато қилган сахийликда беназир менман-ку! Саҳоват бобида мен билан баҳс бойлашган ким экан?!», деб ўйлаб, қаттиқ қаҳрланибди. Амударё ёқасига ҳар хил касалликлар юборибди, одамлар бошига кетма-кет офатлар солибди. Бемаҳал совуқ йўллаб, экинларини хазон қилибди. Ана шундан кейин одам қиёфасига кирибди-да: «Қани, энди улар менга ўз сахийлигини кўрсатсин-чи», дея гижинганча ўша сахийликда ном қозонган овулга борибди. Эшиги олдида тўққизта болакай ўйнаб ўтирган чеккароқдаги кулбага кириб, меҳмон бўлиб келганини айтибди. Уй эгаси меҳмон келганидан қувониб, уни тўрга таклиф қилибди. Уйда бор-йўғи бир кафт гуруч билан бир чўмич ёғ қолган экан. Уй эгаси аёлига шавла пиширишни буюрибди-да, овқат пишганида ташқарида ўйнаб юрган болаларини ҳам чақирибди. Бир лаганча шавлани дастурхонга қўйибди. Сир бой бермай: «Олинг, меҳмон, олинг, болаларим», дебди. Тўққиз боласи бир чўқимдан олганидаёқ товоқнинг таги кўриниб қолишини билган уй эгаси, болалари лаганга қўл чўзаётганида тирсаги билан атайлаб чироқни туртиб юборибди. Аёли чироқни қайта ёққунича уй эгаси болаларининг товоққа чўзилган қўлларини маҳкам ушлаган кўйи: «Олинг, меҳмон, олинг, болаларим», дея овқатга таклиф қилиб ўтираверибди. Аҳволни тушунган болалари ҳам қоронғида ўзларини худди овқат еяётгандек тутиб жимгина ўтираверишибди. Меҳмон лагандаги овқатни еб, обдан тўйганида аёл чироқни ёқибди.

Меҳмон уй эгаларининг юзларига қарабди, ҳеч бирида ўкинч сезмабди, аксинча, меҳмоннинг қорни тўйганидан ҳаммалари мамнун эмиш.

— Кучлилар нон еган дастурхонига тупурмайди деб ўйлайсизми? — деб сўрабди меҳмон дабдурустдан.

— Ақллилар дастурхон эгасининг кўнглидагини эмас, ўз кўнглидагини гапиргани маъқул, — дебди уй эгаси.

Меҳмон ўрнидан туриб: «Сизнинг яхши хизматингизни муносиб тақдирлаб, қалпоқ совға қиламан»; дебди-да, хуржунидан бир қора қалпоқ чиқариб, мезбонга берибди.

Уй эгаси меҳмоннинг Худо эканини билмасдан:

— Совға бериб бизни хижолатга қўйманг, меҳмон. Биз ҳар қандай меҳмонни Худодан бир ёш кичик, отамиздан бир ёш улкан деб биламиз. Совғага ҳожат йўқ, уйимиздан хурсанд бўлиб кетсангиз, бизга шунинг ўзи кифоя. Келганингиз учун раҳмат! — дебди.

— Йўқ, бу қалпоқ совға эмас, сизларнинг сахийликда Худо билан баҳслашганингиз учун қарғиш аломати, — дебди меҳмон.

— Меҳмоннинг қарғиши ҳам биз учун олқиш, — дея уй эгаси у берган қалпоқни бошига кийибди...

Ана шундан кейин худонинг бу овулга қайтиб қадам босишга юзи чидамай, ҳатто қўл остидаги халқлар рўйхатидан ҳам номини ўчириб ташлаган эмиш...

Тўғри, халқимиз сахий. Ота-боболаримиз: «Топган-тутганингни меҳмоннинг олдига қўй, энг тансиқ таомингни меҳмонга илин, меҳмон отангдан улуғ», каби кўп ҳикматли насиҳатлар қолдирганлар. Афсуски, баъзилар бу яхши таомилни ўзларича талқин қилиб, лаганбардорлик ё таъмагирликка айлантириб юборишларини ҳам сезиб қоласизки, бу ачинарли ҳолдир.

Ҳар қандай урф-одат одамнинг кийган тўнига ўхшайди: тўзса — янгилайсиз, бироқ кимдир тўзмаган тўнини ўзгартирмақчи бўлса, у аввало ўз уйидаги одамларга жабр қилади.

## 5

Ҳар бир одам бошидан кечирганларини хотирлар экан, ўз замони, муҳити, теварағидаги одамларни назарда тутган ҳолда, ҳаётида рўй берган хуш ё нохуш онларни улар билан узвий боғлиқликда баҳолашга ҳаракат қилади. Менинг отам ё бобом болалик чоғларини эслаб, кўп нарсалардан ўкинсалар-да:

— Бизнинг ёшлигимиз қанча оғир бўлмасин, ҳар

қалай, сизларни бахтиёр кунларга етказгани учун қувонамиз, — дердилар.

Бугунги кунда мен ҳам болаларим ҳаётини ўзимнинг болалик ҳаётимга қиёслаб, бу икки ўртадаги ер билан осмондек фарқни кўриб, кўнглим дам фахрга, дам изтиробга тўлади. Бу, албатта, 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши барча тенгдошларим қатори менинг ҳам қалбимга солган ўчмас жароҳатларнинг изи. Лекин бу оғир болалик йиллари фарзандларимизга тинчлик — фаровонлик бахшида этгани учун бугун менга мутлақо афсусланарли туюлмайди. Оталар умри бизга, бизнинг умримиз — фарзандларимизга нечоғли бахт-саодат олиб келган бўлса, болаларимиз ҳаёти ўз болаларининг янада нурафшонроқ ҳаётига пойдор бўлишини қайси ота-она орзу қилмайди дейсиз! Ҳар бир ота-она келажак учун яшамайдим, ахир! Бироқ, афсуски...

**Кўча бийининг айтгани:** Овулимиздаги бир бева аёлнинг ёлғиз ўғли бор эди. Урушқоқроқ бола эди. Бир куни ким биландир муштлашиб, бурни пачоқланиб келди. Она арзандасини тезда дўхтурга кўрсатган экан, дўхтур унга: «Ўғлингизни пучуқликдан қутқара оладиган ягона йўл — тоғайлари бутун бошқа бурун қўйиш», дебди. Ким унга ўз бурнини беради?» «Менинг бурним бўладими?» деб сўрабди бечора она дўхтирдан. «Яхши бўлади, ҳатто ўғлингизга бошқа бурун ўрнатилгани ҳам билинмай кетади, ҳусни ҳам бузилмайди. Бироқ ўзингиз-чи?», дебди дўхтир. Она: «Мени кўяверинг, боламини исноддан қутқарсангиз бас», дея ялиниб-ёлвориб жарроҳлик столига ётибди... Болага онасининг бурни яхши битиб, худди ҳеч нима кўрмагандек шифо топиб, касалхонадан қайтибди. Бироқ, муштипар она пучуқ бўлиб қолибди. Ўғлини тарбиялаб қаторга қўшибди. Боласи эр етиб, уйланмоқчи бўлибди. Мана шунда арзанда ўғил: «Қизлар пучуқ онамдан жирканиб менга тегишни истамайди», деб ўйлаб, онасини уйдан ҳайдаб юборишнинг пайига тушибди. Бу аёл бир куни менга кўрган-кечирганларини айтиб:

— Уйдан бош олиб кетардим, бироқ овулдаги кўрган-билганлар: «Сен ўз онасини уйдан ҳайдаган онабезорисан», деб қизларини бермай қўйишидан кўрқаман, — деди.

Мен унга қандай маслаҳат беришни билмай ўйланиб ўтирган эдим, аёл ўз режасини айтди:

— Киндик қоним тўкилган овул аҳли рози бўлса, мен ўғлим билан шаҳарга кўчардим, — деди.

— Бу арзанданг сени шаҳарда хўрламайди, деб ўйлайсанми, — деб сўрадим.

— Бир гап бўлар, — деди аёл.

Орадан кўп ўтмай, улар шаҳарга кўчишди. Кейинчалик эшитсам, она бисотидаги бор дунёсини сотиб, боласига уй олиб берибди. Узи яқин теварақдаги одамларнинг кирини ювиб яшайверибди. Уғли уйланибди. Ёш оилада чақалоқ туғилибди. Келин-куёвлар ўзларининг ота-она бўлганларидан қувона-қувона, гўдакнинг чирқиллаб йиғлашига тоқат қилиш у ёқда турсин, уни ер-кўкка ишонмай, навбатма-навбат қўлларида кўтариб парваришлай бошлабдилар. Бироқ... Ёш онанинг бола тарбиялашда тажрибасизлигини билган пучуқ кампир оғиз-бурнини оппоқ рўмол билан танғиб, уларнинг уйига келибди. Иш қидириб юрганини айтибди. Ёш она ундан боласига энагалик қилишни ўтинибди. Кампир рози бўлибди. Энаганинг болажонлигидан мамнун бўлган бека бир куни: «Бошқа кўчадан қатнаб юргунча, бўш турган хонага биратўласи кўчиб кела қолинг», дея ўтинибди. Кампир ҳали уларга оғиз-бурнини кўрсатмаган экан, бу ерга биратўласи кўчиб келиши мумкин эмаслигини англашиш учун рўмол остидаги бурнининг пучуқлигини таърифлабди. «Ўзингиз бегона бўлсангиз ҳам, оналик меҳрингиз ҳурматга лойиқ экан, бундан кейин юзингизни очиб юраверинг», дебди бека. «Ундай бўлса, аввал эринг билан маслаҳатлаш-чи, қизим, агар эринг ҳам мендан жирканмаса, майли, кўчиб келай», дебди.

Ёш она эри билан маслаҳатлашибди. Йигитнинг кўзларига ёш қуйилиб, хотинининг олдида бошини ҳам қилганча бор ҳақиқатни айтиб берибди. Ана шундан кейин ёш ота-она кампирнинг оёғига йиқилиб кечирим сўрабди. «Агар жони жонимизга пайванд манави жигарбандимиз қариб аянчли аҳволга тушганимизда бизларни ташлаб кетса... бундай ноинсофликни ҳеч ким кўрмасин», дейишибди.

Кампир жимгина ўтирган кўйи бир қўли билан ўғлининг, иккинчи қўли билан келинининг бошини силабди. Шу пайт уйқудан уйғониб чирқиллаб йиғлаган гўдакка уччовдон баравар талпинибди...

Бир-бирини танимайдиган бегона одамлар орасидаги муносабатлар гоҳо тушунарсиз бўлса, бунинг ажабланарли жойи йўқ. Бироқ она билан фарзанд ўртасида

ҳам рўй берадиган англашилмовчилик — даҳшат! Дунёдаги жамики кулфатларнинг ибтидоси мана шу, ахир!

**Момомнинг насиҳатларидан:** Ота-оналарнинг ўз болаларига яхшилик тилаши уларнинг донолгини англатмайди. Бундай тилаги йўқ ота-онанинг эс-ҳуши жойида эмас. Бироқ шунисига ҳайрон бўламанки, баъзи бир ота-болаларни кўриб, нима бало, булар ўзаро душманми, деб ўйлаб қолади киши! Одам боласи учун бундан ортиқ бедодлик бўлмас!

Мабодо виждонингизга хилоф, ножўя иш қилсангиз, аввало халқингиздан, кўни-қўшниларингиздан, айниқса, ўз болаларингиздан кўрқинг.

**Отам айтган афсона:** Қадим замонларда Мўмин исмли бир бечора дурустроқ иш ахтариб кўп элларни кеза-кеза ахири қайси бир юртдаги хон саройининг олдига келиб тўхтабди.

Шу кунларда хоннинг ёлғиз қизи хасталаниб ётган экан. Табиблар фикрича, қизнинг қошидан жилмай, куну тун унинг юзини елпиб ўтира оладиган чидамли, аҳдига содиқ, холис ниятли одам керак бўлиб турган экан. Қанча тухфа аталса-да, бу мушкул ишга ҳеч кимнинг юраги дов бермай, юраги дов берганларнинг чидамию поклиги етмай турган экан. Мўмин бу мушкул ишни бажариш истагини билдирибди. Хон уни синаб, чидамлилиги, нияти поклигига ишонч ҳосил қилғач, қизининг қошига ўтиришга рухсат берибди. У қизнинг бошида ўтириб, бир кун елпибди, икки кун елпибди, уч кун, тўрт... етти... Орадан бир йил ўтибди, икки йил ўтибди, уч йил ўтибди, қиз сира ўзига келмасмиш. Қизнинг соғаявермаганидан куюна-куюна хон ҳам касалга чалинибди. Шундай қилиб, хон ўлими олдидан: «Қизим, ҳушингга келсанг, юзингни елпиб ўтирган Мўминга турмушга чиқ, у менинг ўрнимга тахтга ўтирсин, бутун мол-дунём икковларингга насиб қилсин», деб васиятнома ёзиб, хаста қизининг кўксига қўйибди. Мўмин васиятномани очиб ҳам кўрмасдан, аввалгидек қизни елпиб ўтираверибди. Орадан яна етти йил ўтибди. Кунлардан бир кун Мўмин зарурат юзасидан кўчага чиқибди-да, эшик олдида қўл чўзиб турган девонадан бир мuddат қизнинг юзини елпиб туришни ўтинибди. У эшикдан чиқар-чиқмас, қиз кутилмаганда кўзларини очибди. Ҳушига келиб, кўксида турган васиятномани очиб ўқибди. Уқибдию, ўзининг неча йиллардан бери беҳуш ётганини англаб:

— Менинг бошимдан ҳеч қаяққа жилмай елиб ўтирган сенмисан? — деб сўрабди девонадан.

— Ҳа, менман, — дебди девона.

— Унда мен сенинг жуфти ҳалололингман! — деб, қиз девонани ўзига тортиб қучоқлаб, ўпишаётганларининг устига Мўмин қайтиб кирибди.

— Кет, кет! — дебди девона, қизни ундан қизганиб.

— Кет! — дебди қиз ҳам девонага қўшилиб.

Мўмин улар олдида бош эгиб, бор гапни айта бошлабди, бироқ қиз гапларга ишонмай, тезроқ шу ёлгончидан қутула қолай, деган хаёлда совға деб бошига қора қалпоқ кийгизибди-да, юртидан бадарға қилибди...

Бизларга, болам, алданиб-лақиллаб яшаш, ўз меҳнатимизнинг роҳатини кўролмай яшаш ота меросдек гап.

**Момоннинг айтгани:** Қайси хонадон аҳли ўзаро тинч-тотув, аҳил яшаса, ўша уйдан қут-барака, бахт-саодат аримайди. Худди шунингдек, тинч-тотув яшаган эл-юрт ҳам бахтли.

Тинч-тотув яшаган одамнинг умри узун бўлади. Кўп яшашдан ортиқ бахт борми сира! Шундай дейман-ку, бироқ, ўзим қаторилар ўлиб кетиб, мени тупроққа қўйгувчилар орасида умр йўлимни кўрган-билган, яхши-ёмонлигимни эсга олиб гапирадиган одам қолмаса, бундай узоқ умр худди қумга сингган ёмғир томчисига ўхшайди. Бундай узоқ умр ўз овулингдан бегона овулга кўчиб бориб яшашдек кўнгилсиз.

Ишқилиб, одам боласининг аввало ўзини ўзи тушунгани маъқул. Ана шунда одам дўст-биродарларини, халқини тушунади. Қарабсизки, одамзодни тушунишнинг тор сўқмоғи вақти келиб, кенг ва равон йўлга туташади. Кенг йўл эса, одамни олисларга етаклайди.

Баъзилар ўзини мақтай деса, бошқаларга эриш туюлишидан ҳадиқсирайди, бошқа бировни мақтай деса, ҳамманинг дарров ишона қолишидан хавфсирайди. Мана шундай ортиқча мақтовлардану беҳуда ҳадиқхавотирлардан сақлан, ўзингга ўзинг завол бўлма.

Одамнинг кўнгли нозик, гулдан ҳам нозик!

Одатда ҳар бир одам ўзининг кимлигини англашга ё англатишга чоғланар экан, гапни дастлаб туғилган кунидан бошлайди.

Аввалига мен бу одатга зид иш қилмоқчи эдим. Сабаби, қачон, қаерда, қай шароитда туғилганимнинг кимга қизиғи бор? Муҳими — одам бўлиб яшашда эмасми ахир!

Кейинроқ билсам, бу — масалага бир томонлама қараш экан.

Илк бор овулдан шаҳарга ўқишга отланарканман, паспорт олиш учун туғилганлигим ҳақидаги гувоҳнома зарур экан денг, гувоҳнома учун... қачон туғилганимни аниқ билиш керак бўлиб қолди.

Овул советига бордим. Хужжатларда туғилган йилим икки хил йил кўрсатилибди. Уйга келсам, отам бир кунни, онам бошқасини айтади. Бу саналардан бирида қатъий тўхташ ҳам мумкин эди, бироқ ҳеч ким қуруқ гапга ишониб гувоҳнома ёзавермайди. «Болам, сен тугул отангнинг ҳам, менинг ҳам туғилган кунимиз номаълум, бироқ сеникини аниқлаганимиз бўлсин», деб бобом кўнглимни хотиржам қилди-да, мени тўппа-тўғри район ЗАГС бўлимига етаклади.

ЗАГС бўлими биносининг эшигини аста очсам, бўлим бошлиғининг қошида яна бир нотаниш одам ўтирибди. Унга қараб, кўча бийларидан бирига ўхшайди, деб ўйладим. Эшикни қайта ёпдим. Эгнидан ҳарбий гимнастёрка тушмайдиган ЗАГС бўлимининг бошлиғи эшик очилганида мени эмас, бобомни кўриб қолган шекилли, ичкарига чақирди:

— Ҳа, ота, неварангизга гувоҳнома керак бўлиб қолдими? — деб сўради у бобом билан қуюқ кўришаркан.

Бобомнинг ажин қоплаган қорамғиз юзи булут остидан чиққан қуёшдек чарақлаб кетди:

— Шундай, бўтам, шундай! — дея соқолини тутамлади.

— Ота, ўзингиз қачон туғилгансиз? — деб яна сўради бошлиқ мийиғида кулганча.

Бобом елка қисди.

— Тўғрисини айтсам, билмайман, чироғим.

ЗАГС бўлимининг бошлиғи энди беихтиёр илжайганча:

— Лоақал отингизни биларсиз? — деб сўради тегажоқлик билан.

— Ота-онамнинг қулоғимга азон айттириб, уч марта қичқириб қўйдирган оти Ҳакимниёз, — деди бобом.

— Хўш, гапингизнинг ростлигини тасдиқлайдиган қоғозингиз борми?

— Қоғозим йўғ-у, бироқ эсимни таниганимдан буён Ҳакимниёзман. Эринганлар қисқартириб Ҳаким деб ҳам чақиради. Айтгандай, совет ҳукуматининг дастлабки йилларидан бошлаб мажлис ўтказганда, ҳар гал ким келиб, ким келмаганини белгилашарди. Уша қоғозлардан менинг ҳам отим чиқса кераг-ов.

ЗАГС бўлимининг бошлиғи ерга қараганча, андак ўйлашиб ўтирди-да, бошини кўтариб деди:

— Халқимизнинг тақдири ҳам Сизникига ўхшайди, оқсоқол. Ҳатто унинг қачон пайдо бўлгани, оти энг аввал қаерда, ким томонидан қўйилгани ҳам ҳалигача жумбоқ. Тарихчиларимиз ҳар хил тахмин қилишади. Бироқ шуниси аниқки, халқимиз Осиёдан Европага, Европдан Осиёга кўчиб-қўнавериш жуда кўп сарсон бўлган...

Кўча бийи айтган афсона: Ота-боболаримиз ҳақиқат, адолат, пешоналарини силар пуштипаноҳ излаб, тоғлардан тоғларга, воҳалардан воҳаларга, эллардан элларга кезиб умр кечирганлар. Қидирганларини ҳеч қаердан топмай, сарсон юрганларида, дунёнинг бир бурчида «Куёв ўрис элати»<sup>1</sup> деган мамлакат бормиш. Шу мамлакатнинг подшоши барча одамларга дўстлик қўлини чўзгани учун узун қўлли Юрий<sup>2</sup> номини олган экан. Бу одам барчага меҳрибонмиш, асли бизнинг халққа куёвмиш, қабиладаги гапларни эшитиб, ўша юртга қора тортиб борибди. Узун қўлли Юрий ростдан ҳам меҳрибон, бағри кенг инсон бўлган экан. Элга эл қўшилса — давлат, деб уларга юртининг шарқий чегарасидаги серҳосил ерларни ажратиб берибди. Уша вақтларда халқимиз «Пешоналилар», яъни, «Кенг манглайлилар» деб номланар экан. Боболаримиз узун қўлли Юрий подшо элига шарқ тарафдан ҳужум қилган босқинчиларга қарши туриб: «Агар битта қолмай қирилиб кетсак ҳам, бизга марҳаматини аямай ер берган Куёв ўриснинг бир қадам ерини ёвга бериб қўймаймиз», дейишиб, ёвга қарши кўксини қалқон қилибдилар. Подшо бу фидойиликлари учун совға тариқасида, қолаверса, бошқалардан ажралиб турсин деб боболаримизнинг ҳар бирига қуббадор узун қора қалпоқ кийдирган. Бундай қалпоқни Куёв ўрислар эли «Черный клобук» дейишаркан. Ушандан бизнинг ботир халқимиз «Черные клобуки» яъни қорақалпоқ-

<sup>1</sup> Куёв ўрис — Киев Руси дейилмоқчи.

<sup>2</sup> Узун қўлли Юрий — Юрий Долгорукий, XII асрдаги Суздаль ва улуг Киев князи.



лар деган ном олибди. Шундай қилиб, боболаримиз тили ва динининг бошқалигига қарамаёдан, ўзларидек оқкўнгил, ботир Куёв ўриё эли билан қиз олишиб, қиз беришиб, қуда-анда бўлиб яшайверишибди. Узун қўлли Юрий подшо тириклигида қанотлига қоқтирмай, тумшуқлига чўқитмай уларга ғамхўрлик қилибди. Афсуски, узун қўлли Юрий подшодан кейин мамлакатга аллақайси ёвуз, қудратли душман бостириб келиб, элу элатлар пардек тўзғиб кетибди. Боболаримиз тагин бошпанасиз, ватансиз қолиб, яна сарсонликка тушибдилар. Аввалига Болқон тоғлари теварагида «қора бўрклилар» деган ном билан яшабди. Яна бир пайт «хап саними» деб юрган душманлари уларни тирқиратиб қувганида, нақ Сулаймон тоғи этакларида бир тўхтаб, бу атрофда «Қавми кулоҳи сиёҳ»номи билан яшабди. Кейинчалик улар бу маконда ҳам муқим яшашга имкон топмай, Туркистонга келибди. Қисмат уларни бу ерда ҳам узоқ ушлаб турмабди; вақти келиб, тагин ҳар тарафга тўзғиб кетишибди.

\* \* \*

Халқимизнинг феъл-атвори, урф-одатлари, дунёқарашини, теранроқ бўйлаб, ўзингизча мушоҳада қилиб кўрсангиз, бу афсоналарнинг барчаси ростга ўхшайди. Дарҳақиқат, халқимиз тарих ўйинларида сарсари коптбодек дунёнинг у чеккасидан бу чеккасига, у макондан бу маконга кўн бадарга бўлган. Боболаримиз даврлар тўфонларида гоҳ уммонлар қаърига чўкиб, гоҳ яна юзага қалқиб чиқиб, ҳар гал омон қолиб яшайверганлар. Давр суронларидан омон чиқишга-ку чиққанлар. Бироқ, барибир, қорақалпоқлар халқ сифатида бу беҳаловат ва сершовқин оламни яшнатиш — яшартишга қандай ҳисса қўшди, бу йўлда кимларга қандай таъсир қилиб, кимларга қандай зиён-заҳмат етказди, деган саволлар ҳам беихтиёр олдингизда кўндаланг бўлади. Қорақалпоқлар тарихи — ярим кўчманчи, мабодо қўним топгудек бўлса, меҳнатдан бўйин товламайдиган деҳқоннинг тарихи, саратон оташида куйиб, тоғ-тошларда товони тилиниб мол ҳайдаган подачининг тарихи. Бу халқнинг тарихини ёзган ҳарифлар — ватандан ватанга дарбадар кезган пайтларида қўноқ жойларда қолган ўчоқлар. Унинг ўз тарихини ёзган қаламлари — янги маконини гуллаиб-яшнатиш умидида ер ҳайдаган омуш-бўйинтуруқлари. Унинг ўз тарихини ёзган сиё-

ҳи — макон тутган ерини ҳимоя қилиш йўлида аёллар ва норасида болаларнинг оталар қонига аралаш-қуралаш оққан кўз ёшлари! Бу халқнинг феъл-атворидаги алланечук олазараклик — қўш ҳайдаганда бир кўзи омочида, иккинчи кўзи теварагида, кўчса — бир кўзи олдинда, иккинчи кўзи ортида, қўнса — бир кўзи уйқуда, иккинчиси нотинч ётганининг натижаси. Бу халқнинг озлиги, ночорлиги, устига устак, кўп уруғга бўлинганлиги сабаб, бир уруғининг бошқасига ола қараганлиги туфайли йиққан-терганларини кучлилар босиб олаверганлар. Шунинг учун бўлса керак, боболаримиз ҳеч қаерга маълум ва машҳур бош қалъа, пойтахт ҳам тиклай олмаганлар. Бугунги археологлару тарихчилар «Қорақалноқ шаҳарлари» дея ўрганиб ва бошқаларга ўргатиб юрган жойлар — ёвдан ҳимоя қилувчи қўрғон сифатида, сув тошқинларидан сақлагулик тўғон сифатида гоҳ тепа-тепа, гоҳ узунчоқ кир шаклида уйилган тунроқларгина қолди.

Бу халқнинг энг яхши фазилати — бир маконда андак ўтроқлашса, сув топса, нон топса, дарров қўшни қидирган, дўст излаган, ўзларининг оз сонлигини, ожиз-ночорлигини тушуниб, кучлироқ паноҳ излаган.

Одамзоднинг босиб ўтган йўли, кўрган-билганлари, ҳаётини тажрибалари бир-бирининг давомига, ягона уммонга келиб қуйилувчи дарёнинг ҳар хил ирмоқларига ўхшайди. Айни пайтда, ҳар қайсисининг қисмати бир-бирига ўхшаш, шу баробари, бири иккинчисини ёрқинроқ кўрсатувчи турфа ранглардан иборат камалакни эслатади. Агар инсоният тарихини бепоён уммонга қиёсласак, унга келиб қуйилувчи дарёю ирмоқларидан бирида, гарчи кўзга яққол ташланавермасам-да, ҳар қалай халқимнинг ҳам номи борлиги одамни қувонтиради.

Тарихий дараклардан: Ёзма тарихи йўқ кўплаб халқлар каби қорақалпоқларнинг келиб чиқиш тарихи узоқ йиллар муаммо бўлиб келган эди. Сўнгги йилларда амалга оширилган илмий тадқиқотларга кўра, ўғиз-печенег қавмларидан бир гуруҳига нисбатан қўлланилган, «қора қалпоқ» сўзига ҳамоҳанг «Черные клобуки» атамаси XII асрдаги рус йилномаларида учрайди. «Черные клобуки»лар рус князлари билан шартномалар тузиб, кенг майдонни эгаллаган, улар юртининг маркази Поросолдаги Торческ қалъаси бўлган.

Улар Киев Руси князлигининг гражданилари ҳисоб-

ланиб, рус аскарлари билан бирга ҳар хил ташқи душманларга қарши жангларда кўп қатнашганлар.

Бу билан «қорақалпоқ» сўзига мазмунан яқин этноним илк бор Украина территориясида мавжуд эди, дея тасдиқлаш ҳам қийин, албатта. Шарқшунос П. П. Иванов Абу Фазл Бойҳақийнинг «Тарихи Бойҳақий» китобини ўрганиб, XV асрдаги Хоразм шоҳларининг лашкарида «Қалпоқ» исмли лашкарбоши бўлганини, бироқ бу «қалпоқ» атамасининг лашкарбошига даҳли йўқлигини, ўша пайтлардаги таомилга кўра, лашкарбошига ўзи бошқарувчи халқ номи берилишини алоҳида таъкидлайди. Шундай қилиб, олим «Қорақалпоқ» сўзига маънодош «Қалпоқ» этноними XI асрда Орол бўйларида яшаган, деган фикрга келади. У мазкур фикрга далил сифатида қорақалпоқ фольклорига «қорақалпоқ» сўзининг тутган ўрнига, ўз шеърларида «қалпоқ» сўзини кўп қўллаган Бердақнинг «Шажара»сига асосланади. Тарихчи Эн — Нувайрнинг XIV асрга мансуб халқлар рўйхатида половец — қипчоқ тоифалари ичида «қора бўркли» деган атама учрайди. П. П. Иванов фикрига кўра, гарчи қорақалпоқлар қипчоқлар уюшмасига «қора бўрклилар» номи билан қўшилсалар-да, миллий ўзига хослигини сақлаб қолганлар, бироқ тил ва этнографик хусусиятлар кучли таъсирга учраган.

Қорақалпоқларнинг аниқ номи илк бор шайбонийлар сулоласидан 1583—1598 йилларда ҳукмронлик қилган Абдуллахоннинг Сиғноқдаги Зиёвиддин мақбарасига 1598 йилда берган ёрлиқномасида учрайди. Абдуллахон бу ёрлиқномасида Сиғноқ атрофида яшайдиган ўтроқ, ярим кўчманчи ҳар хил уруғлар қаторида Қорақалпоқ халқининг номини тўлиқ келтирган.

1723 йилги Жунғор ҳолигининг Туркистонга босқини сабабли ҳар томонга қочиб, «оқтовон чувринди» номини олганлар қаторида қорақалпоқлар катта ўрин тутган. Улар уч гуруҳга бўлиниб кетганлар...

\* \* \*

Қорақалпоқ халқининг бу бўлиниши бир ўтовнинг учга бўлиниши, бир қозоннинг уч бўлакка ажралиб санишидек гап эди. Ушанда қорақалпоқларнинг бир гуруҳи Хитой, Афғон элларига қараб кўчади. Иккинчи гуруҳи Урта Осиёнинг кенг далаларида бўлиниб-бўлиниб яшаб қолади. Учинчи гуруҳи эса, ҳозирги Қорақалпоғистон АССРда яшовчи қорақалпоқларнинг бобо-

Калонлари. Улуғ рус ёзувчиси И. С. Тургеневнинг: «Россия бизларсиз яшайверади, бироқ бизларнинг ҳеч биримиз Россиясиз яшай олмаймиз», деган доно Фикрини эртaroқ англаб етганлар шекилли, улар: «Бизга Улуғ Россиясиз омонлик йўқ», деган қадимий эътиқод сабаб бобокалонларининг афсоналарида рус йилномаларида сақланиб қолган ўтмишига содиқ қолиб, Россия тарафга йўл оладилар. Бироқ қаҳратон қиш, очарчилик узоқ сафарга имкон бермайди. Улар Сирдарёнинг қуёи соҳиллари, Орол денгизи ёқаларини макон тутиб, қозoқларнинг кичик юз хонлиги таркибида яшаб қоладилар. Бу орада уларнинг оқсоқоллари кичик Юз хонлиги билан бирга Россия давлатига қўшилиш ҳаракатига тушадилар. 1743 йилда қорақалпоқларнинг атоқли ботири Маманбий бошчилигида Петербурга элчилар жўнаб кетади. Маман қиролича Елизавета Петровнанинг қабулида бўлиб, ундан Улуғ Россия давлатига қўшилганликлари хусусидаги ёрлиқномани олишга мушарраф бўлади. Бироқ, саройдаги ички низо-жанжаллар кучайиб, қироличанинг қорақалпоқларга берган ёрлиги унутилади. Қорақалпоқлар қўшни хонликлар тарафидан яна қувгинга учрайди. Лекин балиққа кон Орол денгизидан олислаб кетолмай, Амударёнинг қуёи соҳилларига томон кўчиб, Хива хонлигининг қўл остига ўтади. 1873 йилда Россия салтанатидан генерал Кауфман бошлиқ ҳарбийлар келиб, қорақалпоқларнинг Россия империясига батамом қўшилганлигини тасдиқлайди, Хива хонлигидан ажратиб олади.

Хуллас, буюк рус халқининг мустаҳкам таянч бўлиб, ўз ҳимоясига олгани сабабли, тарих довулларида қисматдош ўзбек, қозoқ, туркман халқларининг оғаларча кўмаклари туфайли улар «Қорақалпоқ» деган қадимий номини сақлаб, Улуғ Октябрь революциясига етиб кела олдилар. Агар Улуғ Октябрь социалистик революцияси бўлмаганида, улуғ рус халқи бўлмаганида, большевиклар партияси бўлмаганида халқимиз ёғи қуриб, пилиги куйиб битган чироқдек даврларнинг аллақайси буржидаги жинкўчаларидан бирида тубсиз жарликка итқитиб юбориларди, тамом-вассалом!

Тарих бундай машъум қисматларнинг қанча-қанчасига гувоҳ бўлган, ахир!

Қарияларнинг суҳбатидан: — Бизда кимгадир қовун сўйиб берсангиз, еб бўлгач, аввал бу қовунни эккан-тикканга, кейин сўйганга, қолаверса, еганга раҳмат

айтади. Биз саодат манзилига омон-эсон етиб келганимиз учун аввало буюк рус халқидан миннатдормиз.

«Тукқан — она эмас, парваришлаб ўстирган — она», деган донолар. Бизнинг пешонамизни силаб камолга етказган онамиз — Улуғ Октябрь соҳиястик революцияси!

— Очлигингда бир марта тўйдириб, бошингни силаган уй остонасига қирқ марта салом бер, деган боболаримиз. Биз бугунги нурафшон ҳаётимиз учун улуғ совет халқларининг мустақкам дўстлиги қаршида ҳамиша бош эгамиз!

— Биламизки, кўчамизда яшовчи истаган одамингизни тўхтатиб: «Халқимизнинг онаси ким?», деб сўрасангиз, ўйланиб турмасдан: «Улуғ Октябрь соҳиястик революцияси», дейди. «Халқимизнинг асл номи жаҳон халқлари рўйхатига қачон ёзилиб, унга халқ сифатида қачон паспорт берилади?», деб сўрасангиз, ўйланиб турмасдан «1924 йил», дейди.

Кўча бийи айтган бу гаплар юқоридаги фикрларнинг мантиқий якунига ўхшайди.

\* \* \*

Отам айтган афсоналар: Чимбой бозорига кўп марта бориб, талай жарчиларнинг гапларини эшитганман, бироқ шулардан иккитаси ҳеч эсимдан чиқмайди. Биринчисида отам билан боргандим. Отам бозордан майда-чуйда харид қилиб чиққунча, эшакни ушлаб туриб тингладим. Аллақандай ола ёвмит от минган бир жарчи пайдо бўлди-да, отини қамчилаган кўйи, бозор оралаб, овози борича бақириб-чақираверди:

— Халойиқ, тинчланинглар, эшитинглар! Шаҳримиз ҳокими ернинг киндиги — улуғ Петербургга бориб келди. У номи оламга машҳур Оқпошшони кўрибди, Оқпошшо у билан гаплашибди! Хушхабарни эшитинглар!.. Тинчланинглар!..

Бир пайт ола-говур бозор сув қуйгандек жимиб қолди. Жарчи узангига оёқ тираб, от устида тик турганча:

— Халойиқ! Шаҳримизнинг ҳокими савдо иши билан Петербургга борганида, бир жинкўчадан ўтиб бораётган экан, кутилмаганда гала отлар қуршовида соябонли, ҳашаматли файтунни кўриб, ёпирим, шу аравадаги одам Оқпошшомасмикин, деб юраги ҳаприқиб кетибди. Шу пайт аллаким файтундан бошини чиқариб: «Эй, кимсан ўзинг?» деб сўрабди. Ҳокимимиз зеҳн солиб қараса, Оқ-

пошшо жанобларининг худди ўзлари! Ҳокимимиз суюна-суюна: «Қорақалноқман! Чимбой шаҳрининг ҳокими-ман!» дебди. «Ҳой нодон, йўлни бўшат!..», дебди Оқ-пошшо. Ана шундай, халойиқ! «Оқпошшо ҳазратларини ўз кўзи билан кўриб, унинг ўз оғзидан танбеҳ эшитиш ҳам биз қорақалпоқлар учун улкан бахт! Мен бахтлиман!» деб келди шаҳримизнинг улуғ ҳокими. Шу билан хушxabар тамом! — деди-да, жарчи нариги бозор тарафга от чоптириб кетди.

Бозор аҳли ўзаро гурунглашиб, кулишиб, кимдир шаҳар ҳокимини, кимдир подшони гоҳ мақтаб, гоҳ сўкиб, ҳар ким ўз гапини маъқуллаб қолаверди.

Иккинчи марта, совет ҳукумати даврида шундай бўлди.

Уша пайтлар мен Бекниёз оқсоқол деган одамнинг отбоқари эдим. У Чимбой шаҳрида аллақандай идорага кириб чиққунча, отини ушлаб тургандим. Шу куни ҳам бозор эди. Худди болалик пайтларимда кўрганимдек ола ёвмит от минган жарчи бозор оралаб от чоптирганча: «Ҳе-ей, халойиқ, тинчланинглар, эшитинглар! Оллоёр Дўстназаров<sup>1</sup> дунёдаги ягона қизил шаҳар — улуғ Москвадан қайтиб келди. У Ленинни кўрибди, Ленин у билан гаплашибди», деб овози борича қичқираверди. Бир пайт, бозор аҳли тинчланиб, қулоқлар динг бўлди. Жарчи отини минбар қилиб, устида тик турганча, гап бошлади. Ҳали-ҳали эсимда, шундай деди: «Халойиқ! Дўстназаров дунёда ягона қизиллар шаҳри Москвага борганида, Улуғ доҳиймиз Ленинни кўрибди...»

«Қандай кўрибди? Нима дебди? Гапнинг бўларини айтсанг-чи тезроқ!» деб чувиллашди бозор аҳли.

«Бундай бўлибди, — деди жарчи андак нафас ростлаб. — Дўстназаров Кремль деган улкан саройнинг олдидан ўти бораётган экан, отсиз-ҳўкизсиз, ўзи юрадиган усти очиқ фйитун ёнига келганида, кутилмаганда тўхтаб, ичида ўтирган одам бошидаги шапкасини қўлига олиб, ғижимлаб ушлаганча, уни имлаб чақирибди. Дўстназаров чопқиллаб олдига борибди. Қараса, Ленин экан! Қувонганидан нима қилишни билмай, довдираб қолибди. Ленин ундан, кимсан, деб сўрабди. У: «Қорақалпоқман!» дебди. «Биламан, биламан! Қорақалпоқлар қадимий, жафокаш халқлардан. У оз сонли

<sup>1</sup> Дўстназаров — Туркистон КП Қорақалпоғистон обкоми биринчи таъсис Комитетининг масъул котиби.

халқ бўлса-да, автоном ўлка бўлиши керак. Халқингнинг азалий орзуси бу! Халқингнинг орзусини тез кунда рўёбга чиқарамиз!», дебди Ленин.

Бозор аҳли бу гапдан яна чувиллашиб: «Халқларвардоно йўлбошчимиз Ленинга раҳмат! Буюк рус халқига раҳмат! Дўстназаровга балли!» дея бақириб-чақиришди. Уша куни бозор савдо-сотих майдони эмас, тўй-тантана майдонига айланди... Орадан кўп ўтмасдан бизга автономиялик берилди.

Кўча бийи айтган афсона: Ленинча миллий сиёсат негизида 1924 йили тузилган махсус комиссия мажлисида Урта Осиё халқларининг миллий чегараланиши масаласи муҳокама қилиниб, ҳар бир халқни мустақил миллий республикага айлантириш муаммоси ҳал қилинаётган экан. Мажлисда ўз халқининг номи тилга олинмаганидан дили оғриган Дўстназаров ўрнидан учиб туриб:

— Қорақалпоқларни унутишга кимнинг ҳаққи бор?! — дебди.

— Қорақалпоқлар денгиз бўйида яшайдиган, бошига қора қалпоқ кийгани учун шундай ном олган Хоразм ўзбеклари-ку! — дебди бир овоз.

— Йўқ, қозоқларнинг қора қалпоқли бир уруғи, — дебди яна бир овоз.

— Йўқ, қорақалпоқлар оқ қалпоқли қирғизнинг қора қалпоқли эгизаклари, — дебди тагин кимдир.

— Йўқ, улар туркманларнинг узокроқ бир уруғи, — дебди яна бир овоз.

Улардан сўнг, ер остидан чиққандек бўғиқ бир овоз:

— Урта Осиёда қорақалпоқ деган алоҳида миллат бор эканми ўзи? — дея ажабланибди, юракларга гулгула солиб.

Дўстназаров бу гапларга нарво қилмай, мажлис раисидан рухсат ҳам сўрамай, тўппа-тўғри минбарга чиқиб борибди:

— Уртоқлар! Дўстлар! Қорақалпоқ халқи бор. Бу халқнинг борлигидан жаҳон пролетариатининг улуғ доҳийси доно йўлбошчимиз Лениннинг ўзи хабардор эди! Бизга автономия беришни Лениннинг ўзи ваъда қилган, — дебди.

Зал бирдан гувраниб қўйибди. Кейин: «Ленинча таълимотга кўра қорақалпоққа автономия берилиши

керак!», деган таклифлар эшитила бошлабди. Шовқин-суронлар андак босилган пайтда аллаким:

— Дўстназаров, тилингиз кимларга яқин? — деб сўрабди.

— Қорақалпоқлар ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, озарбайжон, татар, бошқирд, қумиқ, нўғай тиллари билан бир дарахтнинг ҳар хил шохларига ўхшайди, деган экан, номи тилларда дoston Маман бий, — дебди Дўстназаров. Кейин у қорақалпоқ халқининг миллий хусусиятлари, урф-одатлари ҳақида гапирибди. Сўнг, ўтмишимизнинг хазин қўшиғи «Бўзатов»ни айтиб берибди. Унинг гапларини мамлакатимизнинг оқсоқоли Калинин қувватлабди. Ўзбек Файзулла Хўжаев, қозоқ Сакен Сайфуллин, туркман Қайғисиз Отабоев ва бошқалар сўзга чиқиб, қорақалпоқлар алоҳида бир халқ эканини айтибди. Ана шундан кейин ҳамма бир овоздан: «Қорақалпоқларга автономия берилсин!», деб бақириб-чақириб, юртчилик эмасми, одатдагидек бир қўлини эмас, иккала қўлини баравар кўтаришибди.

ЗАГС бўлими бошлиғининг айтгани: Ўша чегаларни белгилашга бағишланган мажлисда залдан яна бир овоз:

— Ҳар бир миллатнинг атоқли одамлари бўлади. Бироқ, бизлар шу пайтга қадар қорақалпоқларнинг атоқли одамларини эшитмаган эканмиз, деб пўнғиллаган экан, Дўстназаров шундай жавоб қилибди:

— Қорақалпоқ деган халқ борлигини эшитмаган сиздек қулоғи оғир одам унинг атоқли фарзандларини қаёқдан билсин? Дурустроқ эшитиб олинг, мен айтай: ўзбеклар учун Навоий, туркманлар учун Махтумқули, қозоқлар учун Абай, украинлар учун Шевченко, руслар учун Пушкин қандай қадрли бўлса, ўтган асрда яшаган Бердақ деган шоиримиз қорақалпоқлар учун худди шулардек азиз! Давлат бошлиқларидан бир мисол айтсам, руслар учун Петр Биринчи ардоқли бўлса, ўн саккизинчи асрда яшаган афсонавий Маман бий биз қорақалпоқлар учун шундай ардоқли. Агар Пётр Биринчи Россиядан Европа тарафга эшик очган бўлса, биз — қорақалпоқлар учун Маман бий улуғ Россия тарафга шундай эшик очган, деб ўйлаймиз. Октябрь инқилоби даврига келиб тўхтасак, Файзулла Хўжаев — ўзбекларнинг, Сакен Сайфуллин — қозоқларнинг, Қайғисиз Отабоев — туркманларнинг ор-номуси, миллий равнақи учун қандай курашган бўлсалар, мана, мен Оллоёр Дўстназаров ҳам шулар сафида турибман! — деб гапини тамомлабди Дўстназаров.



— Болам, аслида бу афсоналарнинг тагида рост гап ётибди, менга ишонавер. Энди манови набирамнинг туғилган йили, ойи, кунини белгилаб қоғоз ёзиб бер,— деди бобом ЗАГС бўлимининг бошлиғига.

— Ота, неварангиз ўз вақтида овул Советининг ЗАГС дафтарчасида рўйхатдан ўтмаган экан. Бу, албатта, сизнинг айбингиз эмас, неварангиз қаториларнинг кўпчилиги гувоҳномасини энди олишяпти. Биз неварангиз у ёқда турсин, халқимизнинг туғилган йилини аниқлашда ҳалига қадар афсоналарга асосланамиз. Энди, сиз неварангизнинг туғилган йилини аниқлашим учун бирон-бир далилларингиз бўлса, айтсангиз,— деди ЗАГС бўлимининг бошлиғи.

— Тўлепберген менинг тўнғич неварам,— деди бобом, қордек оппоқ соқолини силаб-сийпаб.— Шунинг учун ўзимнинг умримга боғлиқ воқеаларнинг ўндан тўққизини унутиб юборсам ҳам, унга боғлиқ ҳамма кўрган билганларим яхши эсимда. Биринчи далилим шуки, неварам йилқи йили туғилган эди. Иккинчи далилим — этик тақсимлаш йили туғилган. Учинчи далилим — «Ўзбекистоннинг атоқли шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Шоҳимардонда тошбўрон қилиб ўлдирилибди», деган шум хабар келган йили туғилган. (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни эслашимнинг биринчи сабаби — менинг ҳам отим Ҳакимни ёз, иккинчи сабаби — совет ҳукумати ўрнатилган йилларда бу одам бизнинг юртимизга келиб, Хўжайли бозоридаги қовурдоқхоналар теварагида ўраллашиб юрган етим болаларни йиғиб юрганини ўз кўзим билан кўрганман.)

— Эскилар ҳам жуда ақлли бўлишган-да! — деди ЗАГС бўлимининг бошлиғи, олдида турган календарга кўз ташлар экан.— Йил — ҳисобини ҳар ўн икки йилда бир алмашадиган қилишган. Ёшни аниқлаш учун ўн икки йилга адашиш мумкин эмас. Йилларнинг жониворлар оти билан белгиланишида ҳам теран маъно бор. Масалан, қуён йили, ит йили, чўчқа йили, сигир йили, сичқон йили... туғилганларнинг ҳар бирида йилини эслатувчи қандайдир бир белги бўлади... Неварангизнинг йили йилқи эканлиги ҳам тўғри. Биласиз, колхозлаштириш йилларида юк араваларига қўшиш, экин майдонларини шудгорлаш, экинга ишлов бериш, овулдаги яхши-ёмон хабарни узоқ-узоқларга тезроқ етказишда асосий улов — йилқи эди.

— Ҳали айтдим-ку, Тўлепберген тўнғич неварам. Ини огага қараб ўсади. Гоҳида укалари тортолмаган аравани судраш ҳам шу боланинг гарданида-да, — деб, бобом унинг гапларини ўзича тўлдиришга уннаб кўрди.

— Йилқининг хосияти кўп, масалан, кавш қайтармайди, сув ичса одамга ўхшаб оғзини чайиб ичади... — деди ЗАГС бўлимининг бошлиғи бармоқларини бир-бир букиб. — Хуллас, иним, кўриниб турибдики, 1929 йилда туғилгансан. Энди-чи, мен сенга айтсам, иним, ҳар бир ишингда йилқи феълингни оқла! Бир ишни икки қилма. Мабодо ёзувчи бўлсанг, бошқаларга ўхшаб бир воқеани дам ҳикоя, дам дoston, дам пьеса қилиб ёза-верма. Ота, энди сиз менга, этик тақсимлаш йили, деганингизни тушунтириб беринг.

**Бобомнинг жавоби:** Неварам туғилган куни тонг-саҳарда эшик олдига бир чопар келиб: «Этик тақсимлашга бағишланган йиғилишга борасиз», деб кетди.

Овулда янги артель ташкил этилаётган эди. У пайтларда йиғилишга деса, одамлар худди тўйга чақирилгандай югура-югура боришарди. Мен ҳам-шоша-пиша йиғилиш бўладиган жойга бордим. Борсам, артелнинг ҳамма аъзолари йиғилибди. Артель бошлиғи — Кенжамурод деган батрак қизил ёпилган стол олдида туриб:

— Овулдошлар, райондан артель аъзоларига этик юборишган экан. Этик тақсимлашга бағишланган йиғилишни очсам, қаршилиқ йўқми? — деб сўради. Утирганлар: «Очавер, очавер!», — деб бараваар чувиллашди.

— Ундай бўлса, этик тақсимлашга бағишланган мажлисимиз очиқ, — деди Кенжамурод вазминлик билан. — Узларингизга маълум, мен артель бошлиғиман. Нима кўп, кунни — кун, тунни — тун демай юришим кўп. Шунинг учун бир жуфт этик менга тегишли бўлса керак?..

— Тегишли! — дейишди кўпчилик.

— Тегишли деб билганлар қўл кўтарсин! — деди бошлиқ.

Ҳаммамиз қўл кўтардик.

— Биласизлар, менинг ҳамма ташвишларимга хотиним Турсун ҳам шерик. У вақтда овқатимни пиширади, кўрпа-тўшагимга гард юқтирмайди, хуллас, айтаверсам иши кўп. — Унга ҳам бир жуфт этик тегишлидир? — деб сўради бошлиқ.

— Тегишли! — дейишди яна аллакимлар.

— Ундай бўлса, қўл кўтаринглар! — деди бошлиқ. Ҳаммамиз қўл кўтардик.

— Биласизлар, менинг ёлғиз ўғлим Тўлибой жийрон қашқамнинг ем-хашагига қарайди. Бундан ташқари, кеч-қурунлари Ликбезга ҳам қатнайди. Қоронғида қоқилиб-суриниши мумкин. Шунинг учун унга ҳам бир жуфт этик тегишли бўлса керак, албатта?

— Тегишли! — дейишди одамлар.

— Ундай бўлса, қўл кўтаринглар! — деди бошлиқ. Ҳаммамиз қўл кўтардик.

— Уртоқлар, бор-йўқ этикларни тақсимлаб бўлдик. Шу билан этик тақсимлашга бағишланган йиғилишимиз ёпиқ, — деди бошлиқ.

ЗАГС бўлимининг бошлиғи лаб-лунжини базўр йиғиштириб:

— Бу воқеа ҳам 1929 йилда бўлгани кўриниб турибди, — деди. — Мен армияда фаргоналик бир йигит билан бирга хизмат қилган эдим. У Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни оғзидан қўймай, 1929 йилда Шоҳимардонда диндорлар томонидан тошбўрон қилиб ўлдирилганини кўрганман, дерди. Демак, сизнинг тўнғич неварангиз учала ҳисоб бўйича ҳам айнан 1929 йилда туғилган экан. Айтгандек, неварангизнинг исми нега Тўлепберген?

— Қаипберген, Тўлапберген деган икки ўғлим бор эди. Кичиги сўзакка чалиниб қазо қилди. Ёлғиз ўғлим қолгач, уни эртароқ уйлаб қўювдим. Олло таоло тилагимни даргоҳида қабул қилиб, ўлган ўғлим Тўлепбергеннинг ўрнига ўғил туғилди. Мен ҳам кўп уйлаб ўтирмай, унинг отини Тўлепберген деб қўя қолдим. Буёғини сўрасанг, худо ўлган ўғлимнинг ўрнига ўғил тўлаб берди, тагин отасининг отига уйқаш.

— Неварангиз йиғлаб туғилганмиди ё ухлабми? — деб сўради ЗАГС бўлимининг бошлиғи, бобомга андак тегажоқлик билан.

— Кампирим неча бола туққан бўлса, биронтасида ҳам уйда бўлмаган эдим. Шу неварам туғиладиган куни қувона-қувона ўтовнинг сиртидан эшитиб турдим. Туғилиши биланоқ чириллаб йиғлайверди. Чамамда у бу дунёда яшашдан ҳам гувоҳнома олишнинг қийинроқлигини ўшандаёқ билганми, дейман-да!

Утирганлар гурра кулишди, ЗАГС бўлимининг бошлиғи хушнуд илжайганча, гувоҳнома ёзишга тутинди.

— Энди-и, бу боланинг туғилган кунини мен белгилай, — деди Кўча бийи.

Бобом ҳам, ЗАГС бўлимининг бошлиғи ҳам унга итоаткорлик билан қаради.

— Мен ҳамма гапларингизни жимгина тинглаб ўтирдим, — деди Кўча бийи кўкрагини андак кериб. — Тўлепбергеннинг туғилган йили ҳаводан олинган маълумотлар орқали аниқланди ҳисоб. Мана шундан абадий хотира бўлиши учун яхши гапларни ҳавога таратадиган радио кунига туғрилаб, «7 Май кунини туғилган» деб гувоҳномага ёзилсин.

ЗАГС бўлимининг бошлиғи менга гувоҳномани тутқазар экан:

— Мана, Тўлепберген Қайипберганов, сен 1929 йилнинг 7 май кунини туғилгансан. Чўртанбой овулида. Унутма! — деди.

## 7

Элсиз ер етим.

Ерсиз эл етим.

Ватансиз инсон етим!

Чўртанбой! Бу сўз асли дарёнинг номи. Болалик пайтларимда лимма-лим бўлиб оқарди. Бошқа балиқларга қараганда чўртанга бойроқ бўлган экан. Ҳар икки соҳили ола-куроқ овулларга тўла бу дарёнинг суви тортилиб, ўзанини ўт-ўлан қоплаганига кўп йиллар бўлди. Шунда ҳам менинг кўзимга Чўртанбой ёқалари оловдек кўринадди, ҳатто, қовжираб-қуруқшаб ётган ўт-ўланлари ҳам мен учун тўтиёдек, жингиллари — гул лоладек!

Бола кезларимда Чўртанбой ёқаларида овулимиздан бошқа овуллар ҳам борлигини билсам-да, бари бир, буткул Қорақалпоғистоннинг киндиги бизнинг овул бўлса керак, деб ўйлардим. Сабаби, овулда бирон киши тўй қилса ё бировнинг қазоси етса, одамлар йиғилиб, чор тарафга хабарчилар отланиб қолишарди. Ана ундан кейин қарабсизки, бу тўй ёки маъракага бизларга нотаниш, ташқи қиёфалари овулдошларимга ўхшамайдиган одамлар оқиб келаверишарди. Бундан ташқари, аллақачонлардан тўй-маъракага айтувчилар тез-тез келиб туришарди. Шуларга асосланиб мен: «Бизнинг овул бутун Қорақалпоғистоннинг маркази, ахир, ҳеч қаерда тўй-маърака овулимиз одамларисиз ўтмаяпти-ку», деб ўйлаб қолардим.

Уйимизда (бошқа уйлар ҳам бизнинг уйимизга ўхшаса керак, деб ўйлайман) бирон-бир қувончли воқеа рўй берса, бундан бутун Қорақалпоғистон хабардору,

биз билан баравар суюнаётгандек, кўнгилсизликдан эса бутун Қорақалпоғистон бизга қўшилиб хафа бўлаётгандек туюларди. Агар уйимизда кимдир ноҳўя иш қилиб қўйса ё бобом ўз ўғли (отам) билан, момом келини (онам) билан гап талашиб қолсалар, қўшнилари бунга сезиб қолишидан хавотирланишиб, овозларини пасайтириб, оҳиста гаплашардилар. Бундай пайтлар бобом ҳар сафар: «Астароқ, қўшни эшитса, бутун эл-юртга ёйилади», дея огоҳлантирарди. Балки шунинг учундир, менга қўшнимизнинг уйи буткул Қорақалпоғистоннинг кўрар кўзи, эшитар қулоғидек туюларди. Уша пайтлар мен бутун Қорақалпоғистонга баҳо бериш учун қўшнимизнинг уйини яхши билиш етарли, бутун оламга баҳо бериш учун эса, Қорақалпоғистонни яхшироқ билиш кифоя бўлса керак, деган хаёлга борардим. Ҳозир ҳам шу фикрдаман. Башарти, инсониятнинг тарихий тараққиёт йўлига, бу тараққиётнинг бирон-бир даврига назар ташлаш даркор бўлса, овулимиз мен учун ўзига хос бир телескоп вазифасини ўтайди. Овулимиз тарихи орқали буткул Қорақалпоғистон, қолаверса, бутун жаҳон тарихини тасаввур этиш мумкин, деб ўйлайман.

Шундайликка — шундайку-я, бироқ, бари бир, тарихчилар ўтмишга доир қанча-қанча мантиқли хулосалар, тахмин — фаразларни ўртага ташламадилар, уларнинг ҳеч бирига кўнглим тўлмайдигандек. Сабаби, ҳар бир одам ўтмиш ё келажакка баҳо берар экан, аввало ўзи яшаган давр кўзи билан қарайди, ўз даврининг тафаккур тарзи, ўз муҳити ва шахсининг муқаррар равишда чекланган имкониятларидан келиб чиқиб баҳолайди.

Қурувчилар тили билан айтганда, ҳар бир авлод ўзидан аввал яшаб ўтган авлод устига урилган девор, келгуси авлодлар учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Юзаки қараганда, авлодлар бир-бирларини такрорлаб яшаётганга ўхшайди. Турфа хил қисмат, мақсад, орзу-ният ва илинжлар билан яшаётган одам боласини аввало бир нарса бирлаштиради — шу она — Ер! Ҳамма ҳам ерга оёқ тираб яшайди. Ҳеч бир авлоднинг янғидан кашф этган ўз ери йўқ, отамерос маконибор, унинг чегараси бор. Аждодларимиз ҳам биз бугунги кунда яшаб турган Ер устида яшаганлар.

Хуллас, авлодларни ҳам, буткул одамзодни ҳам шу табаррук замин бирлаштиради. Инсониятни, қолаверса, буткул олам тарихини кўз олдимизда ястаниб ётган мана шу қутлуғ замин ўз кифтида азот кўтариб турибди.

Одамзоднинг қувонч-қайғуси, шодлик-ғамини саҳоватли сийнасига сиғдирганча, не бахтки, ўз меҳварида бир маромда айланиб турибди.

Инсонга кўп нарса ўз онаси орқали ўтади. Шунинг учун ҳам ер онага қиёсланади, «Она — Ер» деб таърифланади. У умр шаъми сўнган инсон жисмини ўз оғушига олгани учун «Она — Ер» аталмаган, одам боласига ҳаёт бахшида этгани учун «Она — Ер» аталган. Она Заминни яшнатиб-яшартиб, унга она қалби, она саҳоватини инъом этган куч — тириклар. Заминни яшнатувчи ҳам, хароб этувчи ҳам одамларнинг ўзлари! Бугунги кунда Она — Ерга бағишлаб қанча-қанча қасидалар, не ажабки, қанча-қанча марсиялар битиш мумкин.

Ер — фалсафий категория. Айни пайтда Ер — бизнинг ҳар биримиз каби жонли организм.

«Яратган онамиз — Ер!» дея уқтиришдан чарчамасди онам.

«Ер — худо, у мангулик тимсоли», дейилади афсоналарда.

«Қочган ҳам худо дейди, қувган ҳам» мақолидан фойдаланиб айтсак, Ер «Менга одам керак», дейди, одам «Менга ер керак», дейди.

Бизга қадар яшаб ўтган одамларнинг ўзига хос қисматлари, орзу-армонлари ер ва инсон муносабатларини яна бир карра эслатгандек бўлади. Подшолару хонлар: «Халқ мени қўллаб-қувватласин!» деб фуқародан умидвор яшаса, халқ: «Бизга ғамхўр бўлсин, йўл бошласин», деб подшою хонлардан умидвор яшаган. Ер билан Одамнинг бир-биридан умиди ҳам шу. Ер: «Одам боласи менга хизмат қилсин!» дейди. Одам: «Ер менга хизмат қилсин!» дейди.

\* \* \*

«Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ».

Бир умр зулматда сарсон-саргардон яшаган менинг халқим бу ҳикматли гапга қатъий ишонгани сабабли нурли келажакдан умид узмаган — оз сонли бўлса ҳам кенг ерни эгаллаган.

Қарияларнинг ҳангомаларидан: Қадим замонларда бир қорақалпоқ бийи солиқдан йиғилган пулларни хонга олиб бориб топшириш учун йўлга отланибди.

Қайтишда бола-чақасига совға-саломга айрбошлаш мақсадида бир ботмон гуруч олиб кетмоқчи бўлибди. Хуржунининг бир палласига — гуруч, иккинчи палласига — тош солиб, от устига ортибди. Шу пайт ўн яшар невараси олдига келиб: «Бобо, мени ҳам шаҳарга ола кетинг», деб ёлворибди.

— Узимдан бошқа икки ботмон юк бўлди, устига сени ҳам миндирсам, отга оғир бўлмайдами, болам, — дебди бий.

— Хуржуннинг иккинчи кўзидаги тош нимага керак? — деб сўрабди невараси.

— Шундай қилмасам, хуржун от устидан оғиб кетади-ку, болам, — дебди чол.

— Бобо, бир маслаҳат берсам майлими? — деб сўрабди невараси.

— Қани айт-чи?

— Хуржуннинг бир кўзидаги тошларни тўкиб, гуручни иккала кўзига бараварлаб солиш керак, — дебди невараси.

Соддадил чол болакайнинг ақлига қойил қолиб, чўнқайиб унинг пешонасидан ўпибди-да, гуручни невараси айтгандек юклаб бўлгач:

— Қани энди то шаҳаргача йўл соябонли бўлганида эди, отни аравага қўшардим-да, ҳамма невараларимни бирга олиб кетардим, — дебди.

— Соябонли йўлнинг нима кераги бор? — деб сўрабди яна невараси.

— Саратон жазирамаси бўлса, очиқ араванинг устидан ёш болаларни кун уриб кетмайдами, чироғим? — ажабланиб сўрабди қария.

— Бунинг йўли осон, — дебди ўшанда невараси. — Араванинг тўрт бурчига тўртта ходани михлаб, устига бир кўрпа ташлаб қўйилса, тап-тайёр соябон бўлади-қўяди.

Қари бий ўн яшар неварасининг донолигидан суюна-суюна ўша сафарини бошқа кунга қолдирибди-да, ҳамма овулдошларини йиғиб, хонга олиб борадиган пулларни эгаларига тарқатибди, кейин:

— Халойиқ! Қорақалпоқлар! Невараларимиз жуда ақлли бўлиб улғаяётган экан. Эртанги халқимиз ақлли бўлади деган сўз бу! Демак, бундан кейин ҳар тарафга тарқалиб макон қуриш керак! Кўп ер эгаллаш керак! Келгуси авлодга кўп ақл қолдирмасак ҳам, кўп ер қолдирайлик! Ана ўшанда нима қилишни уларнинг ўзлари билади! — деб насиҳат қилибди.

— Тарқоқ бўлсак, бунақада ёв босиб олмайдими? — деб сўрабди аллаким.

— Қудратли, меҳр-оқибатли халққа орқа суяб яшаш кераклигини невараларимизнинг ўзлари тушуниб оладилар, — дебди кекса бий.

— Сиз дунёда бундай қудратли, меҳр-оқибатли мамлакат борлигига ишонасизми? — деб сўрабди яна аллаким.

— Ҳа, биламан, — дебди кекса бий, қатъий қилиб. — Бундай қудратли, меҳр-оқибатли мамлакат — улуғ ўрислар эли.

\* \* \*

Қорақалпоқлар эгаллаган ер, дарҳақиқат, кенг, бироқ ўта зах.

— Бу захликнинг сабаби шуки, асрлар бўйи ҳар хил ниятларда устида ўйноқлаган отлардан қуйилган беҳисоб терлар, муштипар оналару норасида болалар тўккан шашқатор кўз ёшлари, — дейишади кўпни кўрган оқсоқоллар.

— Бу оз сонли бўш-баёв халқ чекига тушган шунча кенг ернинг ҳаммаси унумдор бўлганида эди, бурунги талон-торождар замонида босқинчилар бу ерни ҳам пешонасига сиздирмай, яна кўчириб юборган бўларди — дейди тарихчилар.

— Агар саводим бўлганида, бизнинг еримиз қадимда буткул дунёнинг ҳасрат киндиги бўлганлигини оламга жар солиб ёзар эдим, — деган эди бобом.

Бобом айтган афсона: Одам Атонинг фарзандлари кўпайишиб, бир уйда яшаш мушкуллашгач, у ҳар бирига алоҳида уй қуриб, бўлак чиқариш ҳаракатига тушибди. Ҳар бир одамнинг ўз ўчоғига ўт ёқиб, ўз кўмочига кул тортиши учун эса даставвал ер керак. Шунинг учун Одам Ато ҳамма болаларини йиғиб, ким қаерда яшашни хоҳласа, ўша ерни мангулик ватан қилиб олсин, дебди. Бу кенг оламини уларга тақсимлаб беражаклигини айтибди. Бироқ, олдимга навбат билан келинлар, деб буюрибди. Болалари суюна-суюна, худди ота-онасидан ажралиб чиқса олам гулистон бўладигандек, ҳар ким, чекимга, энг яхши ер тушса эди, дея ошиқиб, ота эшиги олдида навбат кутибди. Ер талашиш бошланибди. Барча қавмдошларининг энг яхши ерни қўлга киритиш



учун талашиб-тортишаётганини кўриб, дили оғриган отанинг Қорақалпоқ исмли кичикфеъл бир фарзанди: «Отанинг қулоғини ҳеч бўлмаганда бир товушдан тинч қўй», деган хаёл билан ухлаб-ухлаб, талашиш-тортишиш тугагандан кейин, ҳузурига борибди.

Ота учун ҳамма фарзанд барабар!

— Э-э-й, болам-эй, шу пайтгача қаёқларда юрувдинг? Сенга тузукроқ ер қолмади-ку! — дебди у бўш-баёв ўғлига ачиниб.

— Ҳечам қолмадими?

— Қолмади эмас, қолди! Бироқ олишга ҳеч кимнинг юраги бетламаган, қумлоқ деб қумлоқ эмас, тоғ-тош деб тоғ-тош эмас, бийдек дала деб дала эмас, кўл деб кўл эмас, сахро деб сахро эмас, жонли мавжудот борса, тирик қайтиши мушкул, ҳеч бир қардошинг хоҳламаган «Борса келмас» дея довруғ қозонган дардисар ер қолди, болам! — дебди Одам Ато.

— Менинг ўз ерим бўлса, бас, Ота, — дебди Қорақалпоқ. — Гиёҳ ўсмайдиган ерни гул қиладиган ҳам, ўсган гиёҳни таг-томири билан қуриладиган ҳам, ердан эл қочирадиган ҳам, ерга эл қўндирадиган ҳам, сенинг авлодинг — ўзимиз эмасми, Ота?

Одам Ато бўш-баёв, лекин, ақлли фарзандининг бу гапидан мамнун бўлиб манглайини силабди-да, «Борса келмас» қай тарафдалигини кўрсатибди. Бола отаси кўрсатган тарафга қараб, секин йўлга тушибди. «Борса келмас»ни топиб борибди. Тақдирига шуқур қилиб, овлоқ бир чеккада қамишдан қапа қурибди.

Қарияларнинг ҳангомаларидан: «Борса келмас»да яшаш, егулик — ичгулик топиш бобокалонимиз учун жуда мушкул кечибди, шунда ҳам у тақдирига шуқур қилиб, ўзига теккан ерни бир четдан ўзлаштириш ҳаракатига тушибди. Дастлабки йиллари ҳар қанча меҳнат қилмасин, болаларининг қорнини тўйдиролмай, ўтганкетганга қўл чўзиб, тиланчилик билан умр кечирибди. Ҳар қалай, ўзининг сабр-тоқат билан қилган астойдил меҳнати туфайли Она-Ерида даставвал уч хил ўсимлик кўкартиришга муваффақ бўлибди:

Биринчиси «Тўрангил» деб аталади. Унинг шоҳлари тарвақайлаб кетган, пўстлоғи ғадир-будир, кўпинча эграйиб-букрайиб ўсади. Ўтга ташласанг, ловуллаб ёнади, бироқ ёлқини кўп сақланавермайди.

Тўрангилнинг букрлиги боболаримизнинг серзаҳмат

меҳнатдан эгилган белини англатади. Шохларининг тарвақайлаб кетиши — қадимда боболаримизнинг чор тарафдан ўтган-кетганга қўл чўзиб оч-афтодаҳол яшаганини кўрсатади. Пўстлоғининг ғадир-будирлиги «Борса-келмас»ни одамзодга фойдали экинзорга айлан-тириш учун бийдек далада жазирама офтоб тиғи остида тер тўкиб қилинган оғир меҳнат туфайли қорайиб, дағаллашган юзу қўлларнинг белгиси. Ўтда ёнган пайтдаги оташ ёлқини — одамзодга меҳр-муҳаббатидан нишона. Чўғининг кўп сақланмаслигининг боиси шуки, «Борса келмас»да ўсган боболаримиз авлодларининг озлигидан, заифлигидан нишона. Бироқ, бари бир тўранғил ўз ерининг кўрки. Иморатларнинг тепаси шу тўранғил билан ёпилган, тобутлар шу тўранғилдан ясалган...

*Иккинчиси «Маялиш»* деб аталади. Уни қор остидаги суғуриб олиб сувга ботириб, ўтга ташласангиз ҳам ловуллаб ёнаверади. Бу қорақалпоқларнинг «Меҳнат» деса ҳам, «Душманга қарши жанг» деса ҳам, ҳамини шай туришидан нишона. Одам боласига тафт бериш учун ҳар қандай шароитда ловуллаб ёнишга шайлигидан нишона.

*Учинчиси «Қовға»* деб аталади. Уни бир неча кун қуёшда қуритиб, кейин оловга ташласангиз ҳам ёнмайди, Молга берсангиз, мол емайди. Бу баъзи бир қорақалпоқ боболаримизнинг одам қаторида, халқ қаторида юргани билан, ўзидан ва ўз уруғидан бошқага батамом лоқайд феълидан нишона.

Мана шу учта ўсимлик «Борса келмас»да кўкартирилган дастлабки гиёҳлар эди. Бободехқонларимиз булардан ташқари яна кўплаб мевали дарахтлар экиб кўкартиришга ҳаракат қилганлар. Қўли гул инсон меҳнати мислсиз мўъжизалар яратиши мумкинлигига амин бўлганлар. Келгуси насларга меҳнатсеварликни васият қилиб қолдирганлар. Авлодлар ҳам боболар васиятига содиқ яшаганлар: «Борса келмас»ни обод ўлкага айлантира бошлаганлар. Минг афсуски, кўплаб талафотларнинг ибтидоси ер эмасми! Одамзодни таҳликаю гулуғулага солиб, бир халқни иккинчисига ёвлаш-тирган талай-талай қаттол урушлар мана шу ер учун бўлмаганми, ахир!

Кўча бийининг айтгани: Овулимиздаги «Кўҳна қўниш» деган кўчада яшайдиган икки қўшни ҳовлилари ўртасида урилган пахса девор бирининг ерига бир қаричча ўтиб кетгани учун ҳали-ҳануз жанжаллашади.

Қорақалпоқ еридан бир кафт тупроқ олиб, ҳидла-сангиз, унидан қон иси анқийди. У «Борса келмас»да йўл тополмай адашиб, бир-бири билан ғажиб ўлган ҳайвонлар қони эмас, одам қонининг иси. Истаган ерга белкурак урсангиз, белкурагингиз нимагадир шақирлаб тегади. Бу шақирлаётган тош эмас, ўлган ҳайвонларнинг суяги ҳам эмас, одамнинг суяги, «Борса келмас»ни гуллаиб-яшнатиш йўлида жонини тиккан боболарнинг суяги. Туғилган ерига тўкилган кўз ёшларини қуритиш йўлида серзаҳмат меҳнатда жон таслим қилган авлодларнинг суяги! Она-юртни ташқи душмандан ҳимоя қилиш мақсадидаги кўпгина қонли олишувлар туфайли беҳисоб жойларнинг «Қумбосган», «Қизкетган», «Болашаҳид», «Қўйқирқилган», «Маслаҳаттепа», «Қонли кўл», «Ўтеш ботиришнинг қабри», «Қонли ёп», «Тупроққалъа», «Эликқалъа», «Енбошқалъа», «Нозлимхон сулув» каби минглаб тарихий номлар билан аталиши бежиз эмас! Қатрада қуёш акс этганидек, бу атамаларнинг ҳар қайсиси турли-туман афсонага асос бўлган. Ҳар бир афсона эса, ўзича бир тарих, ўзича дoston, бутун бошли бир давр.

Маҳаллий атамалар ҳақида қарияларнинг гурунглари-дан: Қумбосганининг нега «Қумбосган» деб аталиши ҳақидаги афсоналардан бирини эшитинг: қадим замонларда бир доно дунёдан кўз юмиш олдиан Ҳасан-Хусан ўғилларини ёнига чақириб гап бошлабди:

— Болаларим, ўзларингизга маълум, ҳар қайси бир таноблик икки бўлак ерим бор. Бир бўлаги унумдор, иккинчи бўлаги шўрхок. Икковингга ҳар бўлақдан ярим таноб-ярим танобдан беришим ҳам мумкин эди. Бироқ мен бундай қилмоқчимасман. Сабаби, икковларингиз вақтида бир қоринга сиғган бўлсаларингиз ҳам, бу кенг дунёда тинч-тотув, қўшни бўлиб, бир ерда яшай олмайсизлар. Буни мен одамларнинг қисматларида кўп кўрдим. Шунинг учун ҳар бирингиз алоҳида бир бўлагига эга бўлинг. Шўрхок тарафи кимнинг чекига тушса, мен унга бутун мол-дунёмни қўшиб мерос қолдираман. Чунки шўрхок ерни эпақага келтириш учун кўп куч керак.

Бу оқилона тақсимотга болалари дарров рози бўлишибди. Шунда ҳам отаси уларни норози қилмаслик учун чек ташлабди. Ҳасанга унумдор бир таноб ер,

Ҳусанга шўрхок бир таноб ер билан бирга мол-дунё мерос тегибди.

Эгизаклар чекига тушганидан қувона-қувона, алоҳида алоҳида уй бўлиб яшай бошлабдилар.

Ҳусан ўзига теккан шўрхок ерни эпақага келтириш ўрнига отасидан қолган мол-дунёнинг кучи билан айшишратга муккасидан кетибди. Кўп ўтмай, бор буд-шудини созуриб, тамомлабди.

Энди у акаси Ҳасандан ёрдам сўрашга мажбур бўлибди. Ҳасан унинг илтимосига бир марта хўп депти, икки марта хўп депти, уч марта хўп депти. Ахири аччиғи чиқиб:

— Ерни эпақага келтириш ўрнига ҳамма пулингни айшу ишратга сарфлаб битирдинг, энди сенга ҳеч нима бермайман, — депти.

Ҳусан акасидан хафа бўлиб кетибди-да, собиқ улфатларини чақириб, улар билан бирга уйининг қошига қум ташишга тушибди. Анча кун ташибди. Каттакон уюм ҳосил бўлибди. Бир оқшом Ҳусаннинг уйдан Ҳасаннинг уйи тарафига қараб кучли довул турибди. Ҳусан фурсатдан фойдаланиб, тезда улфатларини чақирибди-ю, қум уюмини осмонга тўзғитаверибди. Туни билан тўзғитибди. Эрталаб қарасалар, Ҳасаннинг унумдор даласини ёппасига қум босиб қолибди. «Қумбосган» деган ном мана шундан қолган экан.

— Қорақалпоғистоннинг бир ери шўрхок, бир ери қумлоқлиги ўша Ҳасан-Ҳусан авлодларининг бир-бирларига ола қарашлари сабабли экан-да!..

— Шундай, шундай!

— Нукус шаҳрининг қоқ ўртасидан кесиб ўтадиган Қизкетган сойининг номи нима учун «Қизкетган» деб аталиши ҳақидаги кўпдан-кўп афсоналардан мен ҳам биттасини айтиб бермоқчиман, эшитинглар: Амударё бир пайтлар «Жайҳун» деб аталган. Жайҳун дарёсидан бир ярим чақирим олисда жойлашган кичкина бир овул дарёдан қовоқда сув ташиб экинини суғорар экан. Бу овулдаги бир бева аёлнинг юзлари ойдек, сочлари тундек, қошлари қундуздек ниҳоятда сулув Ойша исмли бир қизи бор экан. Ойша овулдошларини мушкул аҳволдан қутқариш мақсадида бир куни кўчага чиқиб: «Кимда ким Жайҳундан овулғача ариқ қазишга бел боғласа, мен ўша одамни севаман», дея жар солибди.

— Бир йигит қазиб битказа олмайди-ку! — дейишибди овул одамлари.

— Нечта йигит қазинга чиқса, ҳаммасини суяв-  
раман! — дебди қиз.

Одамлар Ойшанинг бу гапларини нотўғри тушуниб,  
уни овулдан қувиб юборибдилар. Қиз овулдан бош олиб  
кетганча, бошқа овуллардаги ёш йигитларни йиғиб, қа-  
зувни бошлаб юборибди. Ариқ қазилиб, овулига сув  
келган куни қиз ариқ ёқасига чиқиб:

— Йигитлар, мен ваъдамга вафо қилиб, барчангизни  
баравар севаман, сизларга бундан кейин ҳам руҳан мадад  
бўламан! — дея ҳайқириб, тошқин сойга ўзини отибди...

Халқ ана шу янги сойга «Қизкетган» деб ном қў-  
йибди.

— Мен бўлсам, сизларга «Болашаҳид» ҳақида айтиб  
бермоқчиман: бир ота-бир онадан туғилган Ҳасан билан  
Ҳусаннинг авлодлари йиллар ўтиб, ўзларидан кўпайиб,  
нақ икки овул бўлибди. Бобокалонлари битта бўлгани  
билан, ҳар бирида ўзича урф-одатлар, дунёқарашу, фикр-  
лаш тарзи шаклланиб, бу икки овул ўртасидаги тафовут-  
лар зиддиятларга айланибди. Уларнинг ҳар бирида  
худбинона, ёвуз ниятлар уйғонибди. Бир йили Ҳасан-  
нинг авлодида болалар жуда кўп туғилиб, чорак асрдан  
кейин овул учун жой торлик қилиб қолиши мумкинлиги  
уларни ўйлантириб қўйибди. Бу ташвишли ўйлар қўшни  
овулга ҳам маълум бўлиб, улар чорак асрдан кейин Ҳа-  
саннинг овули тарафидан келиш эҳтимоли бўлган хавф-  
хатарнинг олдини олиш учун турли-туман ҳийла-най-  
ранглар ўйлаб топиш ҳаракатига тушибдилар. Ахири  
бир туллак бийни қўшни овулга элчи қилиб жўнатибди-  
лар-да, уларнинг болаларини тарбиялаб беришга хоҳиш  
билдирибдилар. Овул одамлари болаларнинг ўз ота-она-  
ларини унутиб юборишларидан қўрқиб, бу таклифни  
рад қилишибди. Шунда элчи бўлиб келган бий ўз  
тарбияларига олмоқчи бўлаётган болаларнинг рўйха-  
тини тузиб, уларнинг ҳар бири учун тилхат беражакла-  
рини, керак бўлса, қачон ота-оналарини кўришни иста-  
салар, овул дарвозаси очиқ туражаклигини маълум  
қилишибди. Хуллас, уларни ишонтиришиб, болаларни ўз  
тарбияларига олишибди... Орадан бир ой ўтар-ўтмас,  
кўпчилик ота-оналар ўз болаларини кўриш учун келса-  
лар, биттасиям йўқ эмиш.

— Болаларимиз қани? — деб сўрашибди улар, бош  
бийнинг ҳузурига кириб.

У ота-оналарни янги қабристонга бошлаб борибди.

— Бу қанақа қабристон? — деб сўрашибди ота-она-  
лар, юраклари увишиб.

— Йигирма беш йилдан кейин овулимиз бошига ёғилладиган хавф-хатарнинг олдини олиб, мана шу ерда болаларингизни шаҳид қилдик, — дебди бий.

Ота-оналарнинг фиғони фалакка чиқиб, бийга ташланибдилар. Унинг гўштини нимта-нимта қилиб, қабристонга сочиб ташлабдилар. Бари бир бу билан ҳеч ким аламдан чиқолмабди, ҳеч нима ўзгармабди. Уша қабристон эса «Болашаҳид» деб атала бошланибди.

— Уша ёвуз одамлар бизларнинг боболаримиз-масмикин?

— Оз сонли бўлиб қолганимизга сабаб — бундай ёмон иллатларнинг юқумли ирсий касалликдек насл суришидан бўлса ажаб эмас!

«Қўй қирилган» номининг келиб чиқиши ҳақида мен шундай афсона эшитганман: Ҳасан-Ҳусанга ўхшаб бир ота-онадан туғилган икки ўғилнинг авлодлари ўсиб-униб, гуркираб турган икки элат бўлиб ян аётган йилларда, бир овулга нариги овулнинг даласи ўта ҳосилдор кўришиб, уни қўлга киритиш йўлларини ахтаришга тушибди. Шу мақсадда бегона юртлардан қурола-аслаҳа келтирибди-да, элатдошларининг овулини қуршовга олибди. Қуршовда қолган овул одамлари аҳволнинг танглигини сезиб: «Ҳамма ҳомиладор аёлларни, демакки, наслимизни омон сақлаб қолишнинг ягона йўли шу», деб жамики қўйларни бир чеккадан бўғизлабдилар. Иккиқат аёлларнинг устига қўй терисини ёпиб, овулдан бирин-кетин чиқариб юбораверибдилар. Теварақдан пайт пойлаб турган қуроли навкарлар тизилишиб келаётган «қўйлар»ни бирин-кетин отиб ўлдираверибдилар. «Қўй қирилган» деган ном ана шундан қолганмиш.

Бугун ўзимча шундай тусмол қиламанки, иккиқат аёлларни қўй териси остида қуршовдан қутқаришни маслаҳат берган одам қўшни овулнинг айғоқчиси бўлса керак.

\* \* \*

«Ҳеч бир элни четдан келган ёв енголмайди, ичингдан чиққан ёв ёмон», «Узингдан чиққан балога қайга борарсан давога» деганлари ҳаққоси рост, — дерди бобом.

— Ички сир-асрорингни билишга ишқибоз дўстингдан кўрқ, — дерди отам.

— Ҳамма жанжал-тўполоннинг, қирғин-баротларнинг илдизи — ерга тўймаслик. Борига шукур қилишни ўрганиш керак, — дерди онам.

— Одамнинг кўзи бир сиқим тупроққа тўлади, деган нақлга ўзим оғриганимдан бери ишониб қолдим. Масалан, энди менга кераги икки-қулочғина ер! — дерди хаста ётган момом.

...Ҳар қалай, энг мушкул пайтларда ҳам халқ ота-мерос ерини севди, асраб-ардоқлади, уни гуллагиб-яшнатиш йўллари ахтарди. Замонлар сурони бошига қандай офат, кулфат тошларини ёғдирмасин, барчасига мардона бардош берди.

Агар қудратли ёв боболаримиз сув ичган дарё бўйларини ишғол этгудек бўлса, улар қақроқ далаларини пешона терлари билан сугордилар. Агар қудратли ёв қора булут бўлиб, қуёшли осмонни тўсиб қўйсалар, улар экин далаларини ўзларининг оташ нафаслари билан иситдилар. Хуллас, замонлар оқимининг не-не қаттол сурону тўфонларига сабот-матонат билан бардош бердилар. Лекин бу халқ бошқаларга зуғум ўтказиш фикридан йироқ бўлди. Вақти келиб душманларимизга отамиз, деган шум ният билан қўлтиғига тош яширмади. Одамларнинг, одамзоднинг меҳрига ишониб яшади. Гарчи қачонлардир рўй берган қудратли суронлар, дош бериш мушкул бўлган босқинлар туфайли ўз маконларини ташлаб кетишга мажбур бўлса-да, ҳеч бир авлод ҳеч қачон ўз ота маконини унутмади. Орадан неча-неча йиллар, асрлар ўтса-да, охир-оқибат, отамерос юртина қайтиб келаверди. Яна ўша «Борса келмас»ни гуллаган боғу бўстонга айлантиришдек азалий иши билан машгул бўлаверди.

Даврлар суронлари аждодларимизни қандай мушкул аҳволларга гирифтор этмади дейсиз! Боболаримиз кечмишлари вақт-вақти билан, худди ўз бандидан узилган кузги япроқдек, саргардонлик бўлди ва ҳар гал янги куртак бўлиб қайта ниш уриб чиқаверди! Гоҳ аргумоқ от олдида ҳайдалган асир, гоҳ ўзгаларнинг аравасига қўшилган жафокаш от бўлди. Гоҳи йиллари баланд тоғ бағрида беғам-беташвиш шаталоқ отиб ўйнаган жайрон янглиғ эмин-эркин юрганида давр зилзилаларидан ларзага келиб қулаган тоғ кўчкиларининг остида ёппасига гала-гала бўлиб қирилди.

Аммо бутун бошли халқни қириб битириш мумкин эмас. Халқнинг умрини қисқартириш ҳам мумкин эмас! Боболаримиз қақнус қушдек кул остидан яна қад тиклаб, тагин отамерос ерини яшнатиш ҳаракатига тушавердилар...

Ҳар қандай жароҳат вақт ўтиши билан шифо топади, бироқ унинг излари сақланиб қолади. Дунё харитасига диққат билан қарасангиз, буткул ер юзида «Борса келмас» дея номланган икки нуқта борлигини кўрасиз: бири — ҳозирги Қорақалпоғистонда, иккинчиси — Орол денгизининг қоқ ўртасида. Иккаласи ҳам энг қадимий, чеки-чегараси йўқ «Борса келмас»нинг қолдиқлари. Биз яшаб турган ўлка бир пайтлар «Борса келмас» бўлганига ҳозир ҳеч ким ишонмайди. Қорақалпоғистон бўйлаб ўтган темир йўлнинг бир станциясигина ўша кўҳна ном билан «Борса келмас» деб аталади.

## 8

Бизлар бир ота-онадан туғилган тўрт ўғил, икки қиз — олти ака-сингилмиз. Ҳар қайсимизнинг феъл-атворимиз ҳам, дунёни тушунишимиз ҳам ҳар хил. Бундан қатъий назар, ука-сингилларим мени бир томондан ёши катта деб ҳурматимни жойига қўйсалар, иккинчи томондан сиз бошқачароқ тарбиялангансиз, дейишиб, қариндошлар орасида менга кўпроқ масъулият юклашга мойиллик билдиришади. Улардаги бу майл хусусида ўйларканман, бешаласининг феъл-атвори бир-бирига ўхшашдек, дунёқарашларида ҳам алланечук муштараклик бордек, фақат мен улардан ажралиб турадигандекман, бошқачароқдекман. Нега? Сабаби — ўзимнинг улардан аввалроқ туғилиб, ота-онамнинг тўнғич ўғли, бобом билан момомнинг тўнғич невараси сифатида ҳамиша диққат-этибор остида бўлганим, умр алифбосини тўртталасидан баравар ўрганганим, тўрт хил сабоқни ўзаро муқояса қилиб ўсганимда бўлса керак. Бу тўрт мураббий эса, мени шундай тарбияладиларки, ҳар бири ўз умрида йўл қўйган хатоларни такрорламаслигим учун қандай ютуққа эришган бўлсалар, барчасини менга бахшида этиб, ютуқларим кўпроқ бўлиши учун астойдил ҳаракат қилдилар. Тўғри, улар барчамизга ҳолис ният билан қарардилар, албатта. Бироқ, назаримда, ҳамма гап шундаки, мен ўзимдан кичикроқ бешта ука-сингилларимга нисбатан бобом билан момомнинг тарбиясини кўпроқ олиб улгурдим. Бобом Ҳакимниёз, гарчи, алифни калтак деб билса-да, ўзи яшаган давр талабларига, турмуш фалсафасига тез мослашувчан одам эди. Момом Бибизоҳида ҳам саводсиз эди. Бироқ, турмуш дошқозонида обдан қайнаб-пишган, ҳаёт ҳақида



Ўзининг қатъий тушунчаларига эга, бу тушунчаларини ўзгартиришни кўпда истайвермайдиган одам эди. Хуллас, бобом ҳам, момом ҳам ўз даврининг, таъбир жоиз бўлса, типик вакиллари эди.

Бобом билан момом табиатан ўзаро сиғишавермайдиган одамлар эди-ю, бироқ жуда аҳил яшардилар. Бирини иккинчисига овозини андак кўтариб гапирганини эшитмаганман. Назаримда, улар бир танганинг икки тарафи, бир чопоннинг авра-астарига ўхшардилар.

Ҳар қалай, момом менга ўтмишнинг энг оғир, мудҳиш томони бўлиб кўринарди. У киши айтган тарихий ҳангомалар биз — невараларнинг кўз олдимизда қора ўтмишнинг даҳшатли манзараларини пайдо қиларди. Бу кампир табиатан ўта камгап эди. Мабодо кўнгли ийиб бирон-бир янги ҳангома, эртак, афсона айтгудек бўлса, кутилмаганда чечанлашиб кетарди. Бу афсоналар одатда худонинг номи билан боғланмасдан қолмасди. Момом афсона бошлаганида биз неваралар тугул бобом ҳам, ота-онам ҳам маъюс тортиб, ваҳимадан титраб-қақшаб ўтирардик. Худди куппа-кундуз куни бехос ертўла зулумоти бостириб келгандек, уй деразаларига қора парда тутилгандек туюлар эди.

Мен мактабда ўқиб, ажабтовур савод чиқаргач, момонинг олдига ҳар қанча янгиликлар, хушxabарлар олиб келмайин, у ўзининг умр фалсафасидан бир қадам ҳам чекинмади. Бу фалсафанинг моҳияти: «Одам боласи ёлғизликка маҳкум. У хоҳ ота-онаси ё қариндошуруғлари, хоҳ дўст-биродарлари, хоҳ ўз фарзандлари даврасида бўлсин, бари бир, ёлғизликка маҳкум бўлиб қолаверади. Сабаби — ҳар бир одам бу дунёда якка-ёлғиз ҳолда туғилади, шу якка-ёлғизлигича ўлади».

Момонинг бу фалсафаси ҳеч қачон ёдимдан чиқмасди. Узим ўқиган ҳар бир китобдан уни рад этувчи жавоб қидирардим, бироқ ҳеч бир китоб мени тўла қаноатлантиролмасди. Шунинг учун момом балан баҳслашолмасдим ҳам. Момом ўз умрининг охирига қадар (1945 йилнинг ёзида қазо қилди) беш вақт номозини қанда қилмади. Қаттиқ оғриб ётганида ҳам, ҳеч бўлмаганда қўлларини ҳаракатга келтириб номоз ўқирди. Гоҳо уйда картошқадан бошқа егулик қолмаса-да, картошка ота-боболаримизнинг емиши эмас, деб, уни бирон марта татиб кўрмаган кўйи, дунёдан кўз юмди.

Бугун ўша антиқа феълини эсларканман, бечора момонинг ўзи ўз уйида, ўз бола-чақалари, невараларининг

қуршовида ҳам якка-ёлғиз яшаган экан-да, деган хаёлга бораман.

Ҳар қалай, кейинчалик — пединститутда ўқиб юрган кезларимда момонинг ёлғизлик ҳақидаги кўҳна фалсафаси хаёлимни болаликдагидек асир қилмасди. Лекин ўзимда унинг таъсири борлигини сезардим. Марксистик диалектика асосларини ўқиб, ўзлаштиргач, «худо» деган тушунчанинг уйдирмалигини англаб етдим-да, ёшлигимда бобом, момом онгимга сингдирган кўҳна диний тушунчалардан батамом халос бўлдим. Менинг ҳаётга янгича қарашларим ота-онамининг қалбида тошдек қотиб қолган диний тушунчалар билан ёнма-ён яшайверди. Бир уйга сиғишдик. Дунёқарашлардаги тафовут важдан бирон марта хафалашмадик.

Бобом, таъбир жоиз бўлса, кийила-кийила тўзган эски чопонга ўхшарди. Бироқ у айтган ҳаџгомалар, панд-насиҳатлар, унинг кўпгина одат-кўникмалари, ҳатти-ҳаракатлари бизнинг замонамизда ҳам бемалол кийса бўладиган, ҳеч қачон оҳори ўчмас чопонга ўхшарди...

Бобом 15—20 ёшларида Бердақни ўз кўзи билан кўп марта кўрган, гапларини тинглаган. Унинг қизиқ-қизиқ ҳангомалари аксар Ойдўс бобо ҳақида бўларди. Эл орасида «Ойдўс бий сотқин бўлган» қабилидаги ҳар хил гаплар юришига қарамасдан, унинг отини ўзгача бир ҳурмат-эҳтиром билан тилга оларди. Ҳеч қачон «Ойдўс бий», демасди. Ҳамиша «Ойдус бобо» дея эъзозлаб тилга оларди. Бердақнинг «Ойдўс бобо» дostonини шoirнинг ўз оғзидан эшитганини фахрлашиб уқтирарди-да, кейинги пайтларда айтилиб юрган «Ойдўс бобо» дostonидан норози бўлиб: «Буни қайси дўзахи ўзгартириб халқ орасига ёйдийкин-а?», дея жиғибийрони чиқарди. Мен кўпинча бобомнинг ҳангомаю афсоналарига қизиқиб, оқшомлари у билан бир тўшакда ачомлашиб ётардим. Бундай пайтда бобом то мен ухлаб қолгунимга қадар гапдан тўхтамасди. Қовун қўриқловда-ку ҳамиша бирга ётардик. Бобомнинг ҳар галги одати — менга овқатдан кейин қандай фотиҳа қилишни, қўрққанда ёки уйқу олдидан қандай калима келтиришни бир марта такрорлатиб олгандан кейингина узоқ-узоқ ҳангомаларга ўтарди.

Баъзан қовунполиз тепасида ухламасдан гаплашиб ётсак ҳам, қовунимиз ўғирланганини ё бўлмаса энг ширин қовунларни шоқоллар билан итлар чала-ярим еб кетганини биратўласи тонг отганда билиб қолардик.

Бобом жуда афсусланиб: «Ҳай аттанг-а!», дея ўкинганча, ўтириб қоларди. Мен эсам унга раҳмим келиб, қозиққа боғланган кўзичоқдек теварагидан айланаверардим. Шу пайт йўлда бирон-бир одам кўриниб қолдими, тамом, бобом қайғусини дарров унутарди-қўярди. Ўзининг носвой шишаси тўла бўлса ҳам, йўловчига пешвоз чиқиб, носвой сўрарди-ю, уни суҳбатга тортарди. Суҳбат чоғи мени ёнидан жилдирмасди. Агар суҳбат қизиса, сув босиб кетсаям ёхуд қовунларни ит еб ётган бўлсаям, мени ишга буюрмасди. Суҳбатдоши кетганидан кейин, сув босган дала бошида ялангоёқ лой кечиб юрган кўйи: «Ҳечқиси йўқ, болам, ҳозир сувни пастликка эндирамиз, ҳалигидай гурунга ишқибоз одамларни бўлса, топиш қийин», дерди.

Полизни сув босса ҳам қимирламай эшитган афсонам: Чингизхон ўзига қарши бош кўтарган элатларни йўл-йўлақай яксон қилиб, ўрислар мамлакатининг чегарасига етиб келганида, тўсатдан қаттиқ қорбўрон бошланибди-да, бир муддат тўхташга мажбур бўлибди. Қаҳри қаттиқ қонхўр хон бекор ётишдан зерикиб, лашкарига: «Ким агар қордан одам ясаса, унга отнинг калласидек олтин инъом этаман», деб маълум қилибди. Ҳамма навкарлар қордан одам ясашга киришиб кетишибди. Агар кимдир қордан одам ясагани ҳақида хонга хабар етказса, хон ўша заҳоти бориб, қор одамни қиличи билан чопиб ташларкан, тамом-вассалом! На бирон гап айтаркан, на ваъда қилган инъомини бераркан. Навкарлар орасида ёлғиз ўғли билан юрган бир чол бор экан. У хоннинг кутилмаганда бундай эрмакка ружу қўйиб қолганининг маъносини ўйлай-ўйлай, ўзича хон: «Навкарларим яқинроқ ўрис овулларида одамларни асир олиб, уларни қорга кўмиб, қор одам ясармикан», деган шум ниётда бўлса керак, дея тахмин қилибди. Бироқ, бу тахминини ҳеч кимга айтолмай жимгина ётаверибди. Умри бино бўлгандан бери камбағалликдан боши чиқмай яшаган қария: «Ёлғиз ўғлимни қандай бахтли қилсам экан?» деб кўпдан бери бош қотираркан. Ҳеч ким Чингизхоннинг кўнглидагидек қор одам ясай олмаётганини кўрган чол, ниҳоят, ўғлини олдига чақириб:

— Болам, биз етти отаси ҳам қорни тўймай ўсган халқнинг авлодимиз. Ҳеч бўлмаганда сендан кейин яшайдиган авлодларимизнинг ташвишини қилсак бўлармиди, — дебди.

Ўғли ажабланиб:

— Хўш, нима қил дейсиз? — деб сўрабди.

— Менинг тахминимча, Чингизхон ночор-нотавон, касалмандроқ навкарларнинг қор одамга айлантирилишини кутиб ётганга ўхшайди. Шунинг учун бугун тунда мен далага чиқиб совуқда тик турай. Сен муздек сувни олиб келиб устимдан қуявер. Қарабсанки, тарашадек қотиб қоламан. Эрталабгача қор ёғса устимга ёпишади. Ана шунда сен Чингизхоннинг олдига борасан-да, қордан одам ясадим, деб хабар қиласан. У сенга отнинг калласидек олтин беради.

— Йўғ-э, қўйсангиз-чи, бундай қилиб бойигандан... Аччиғланибди ўғил.

— «Йўқ»инг нимаси?! — дебди чолнинг ҳам жаҳли чиқиб.— Бари бир умрим битиб турибди. Бугун бўлмаса эртага ўламан. Бекорга ўлиб кетавераман. Мени кўмадиган сиёқинг ҳам йўқ. Отасининг ўлигини кўчада қолдирди, деб одамлар сендан кулишади. Мени қор одамга айлантирсанг, улуғ хоннинг шартини бажариб, туҳфа оласан, бой бўласан. Отнинг калласидек олтини бор одамнинг отасини ҳамма ҳурматлаб, тобутини елкасида кўтаради. Мен шўрлик ўлиб бўлсаям «Мана мен» деган лашкарбошиларнинг елкасига бир миниб хумордан чиқай.

Ўғил ўйланиб қолибди. Чол унга ялиниб-ёлвориб, ўғлининг бойиб кетишига сабаб бўлса, бу дунёдан армонсиз кетажagini айтиб, ахири кўндирибди.

Шундай қилиб, навкар отасини ўзи маслаҳат бергандек қор одамга айлантирибди-да, эрталаб хон чодирига хабар етказибди. Чингизхон чошгоҳга яқин лашкарбошиларини эргаштириб қор одамни кўришга келибди. Қараса, нақ кўнгидагидек иш. Хон бир норгул навкарига қор одамни қилич тигидан ўтказишни буюрибди. Навкар қор одамга қулочкашлаб қилич тортибди. Қор одам иккига бўлиниб қулаганида унинг ҳақиқатан ҳам одамлигини кўриб, ҳамма донг қотиб қолибди.

— Яша, шартимни кўнгидагидек бажарибсан! Олтинни олишдан аввал айт-чи, бу қандай одам ўзи? — деб сўрабди хон.

— Отам эди, — дебди йигит.

Чингизхон навкарнинг жавобини эшитган заҳоти уни глаб кўрсатиб:

— Бунинг ўзи ҳам қилич тигидан ўтказилсин! — деб буюрибди.

— Нега энди?! — деб сўрабди йигит йигламсираб.

— Навкарларимнинг ақли бўлса, яқинроқ овуллардаги ўрисларни олиб келиб, мана шундай қор одамлар ясар, деб умид қилган эдим. Мен сени фаҳм-фаросатли навкар деб олтин бермоқчи эдим. Отнинг калласидек олтин учун ўз отасини аямаган сендек оқпадар эрта бир кун душманларим муштдек олтин бериб, «Шу оқшом лашкарларнинг чодирига ўт қўй» ё «Чингизхонни ўлдир», деса, тап тортмай бажараверишинг мумкин экан. Сендек ҳафтафаҳмнинг умри қисқароқ бўлгани маъқул, — дебди.

Шундан кейин Чингизхон йигитнинг қайси халқдан эканлигини сўраб билибди-да, қўл остидаги навкарлар орасида қорақалпоқ борки, ҳаммасини қириб ташлабди...

Бу иш кейинги авлодлар учун яхши бўлган экан. Афсонавий Маман бий ўрислар мамлакатига борганида: «Ноҳотки Чингизхон лашкарлари орасида бирон қорақалпоқ келмаган бўлса?» деб суриштирганида, ўрислар давлатига қарши қилич кўтарган битта ҳам қорақалпоқ топилмаганмиш.

**Қовунинг яхшисини ит еб ётганида ҳам, қимирламай ошитган афсонам:** Қаҳри қаттиқ жаҳонгир Темури қай юртга борса, босқинчиликни бошлашдан аввал, чеккароқ овуллардан бир неча кишини тутиб ўлдирарканда, шу йўл билан халқнинг иродаси — руҳий қудратини синаб кўрар экан. Урислар юртининг чегарасига етганида ҳам мана шу усулни қўлламоқчи — чеккароқ бир уй эгаларини тутиб ўлдирмоқчи бўлибди. Уй эгасининг етти ўғли бор экан, еттови баравар Темурнинг ҳузурига бориб: «Хоҳлаган бировимизни ўлдиринг, бироқ отамиз тирик қолсин», деб ўтинибди. «Маъқул, мен битталарингни ўлдираман», дебди жаҳонгир. Ака-укалар ўлимга шайланибдилар. Темурнинг қаҳри келиб, уларнинг ҳаммасини алоҳида-алоҳида ертўлага қамаб, оёқ-қўлларини маҳкам боғлаб ташлашни буюрибди. Бир навкарининг қўлига ханжар тутқазиб, ўриснинг тўнғич боласи ётган ертўлага кирибди. Йигитнинг иягини кўтариб туриб: «Ур!» деб буюрибди. Навкар ханжарини йигитнинг бўғзига қадаган пайтда Темур: «Қани, ўриснинг боласи; ўлар олдидан энг сўнгги тилагингни айт», дебди. Йигит киприк қоқмай: «Улуғ Темур, мени ўлдиргандан кейин номардлик қилиб, ваъдангизни унутма-

сангиз, отамга зиён-заҳмат етказмасангиз бас, сўяверинг» дебди. Темур уни ўлдирмай, ўша ханжарли навкари билан ўриснинг иккинчи боласи ётган ертўлага кирибди. Унинг ҳам бўғзига ханжар тақаб: «Отангининг ўрнига сени ўлдирмоқчиман. Улимнинг олдидан сўнгги тилагинингни айт», дебди. «Улуғ Темур, мени ўлдиргандан кейин номардлик килиб, ваъдангизни унутмасангиз, отамга зиён-заҳмат етказмасангиз бас, сўяверинг», дебди у ҳам. Темур уни ҳам ўлдиrolмай, ўриснинг учинчи боласига келибди. Унга ҳам икки акасига айтганларини такрорлабди, йигит ҳам икки акасининг Темурга жавобини такрорлабди. Уни ҳам ўлдиrolмай, тўртинчи ертўлага кирибди. Тўртинчи ўғил уч акасининг гапларини такорорлабди — отаси учун ўлишга тайёрлигини айтибди. Бешинчи, олтинчи, еттинчи ўғил ҳам акаларига ўхшаб отасининг ўрнига ўлишга тайёрлигини яна бир карра тасдиқлашибди. Темур ака-укаларнинг ҳеч бирини ўлдиrolмай, чодирига қайтиб келибди-да, лашкарларини йиғибди. «Умрим бино бўлиб бундай жасур ўғиллари бор халқни кўрмаган эдим. Бугун талон-тарож қилганимиз билан буларнинг бола-чақалари эртага биздан ўч олгани боради. Бу жуда хавфли! Яхшиси юртимизга қайтамыз!» дебди.

Ханжар ушлаганча Темурнинг ёнида пилдираб юрган навкар — қорақалпоқ эқан. У ўша куниёқ Темурдан қочиб, ўз юртига келибди-да, одамларни йиғиб: «Ёвга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашишни ўрганмоқчи бўлсак, болаларимиз ота-боболаримиз васиятларига содиқ, мард-жасур бўлиб ўссин десак, ўрислар юрти билан бирлашишимиз керак», дебди.

Боболаримизнинг бошқа халқлардан кўра, ўрис халқига бир баҳя яқинроқлигига ана шу воқеа сабаб бўлса ажаб эмас!

\* \* \*

Бобом уйга қарияларни бот-бот чақириб, улар билан ҳангомалашини яхши кўрарди. Уй ичидагилардан кимдир бу феълини ёқтирмай қовоқ уйса: «Сен ундай қилма. Меҳмон — атойи худо, дунёнинг даракчиси», дерди.

Меҳмон келмаган кун у мени эргаштириб Кўча бийининг уйга борарди ё бўлмаса, уни уйга чақириб қайтарди.

Бобомнинг бу иши ҳаммадан кўпроқ менга хуш ёқарди. Чунки қариялар йиғилди дегунча ўчоқ теварагида ҳангома қизиб кетади. Қадимда ўтган шоирлар, донолар, ботирлар, халқимиз тарихи ҳақида узоқ-узоқ суҳбатлар, баҳс-мунозаралар бошланади. Ҳадеб меҳмон кутавериши уйдагиларга андак малол келарди, албатта. Сабаби — бошқаларни меҳмон қилиш тугул, ўзимизнинг тўйиб овқат ейишимиз қийинлашган пайтлар, ҳар қалай, бўлиб турарди.

Бундай ҳолларда бобом:

— Энди-и, ҳар бир халқ нимаси биландир фахрланади. Масалан, тоғли элатлар тоғ-тошлари билан, осмонни бўйлаган шунқорлари билан мақтанади. Анови чўққининг нариги тарафида сен билмайдиган гўзал ўлкалар бор, ажойиб боғ-роғлар бор, деб мақтанади. Бизда ундай тоғлар йўқ. Биз мақтанадиган тоғ — уйимизнинг остонаси. Ким бўсағамизни ҳатлаб ичкари кирса, унга мақтанадиган гўзал ўлкамиз — бола-чақамиз. Кўз-кўзлайдиган ажойиб боғ-роғимиз эса, бисотимизда бори тўкилган дастурхон. Бизлар мақтанадиган шунқор — меҳмон шаънига сўядиган товугимиз, — дерди жўшиб.

Бобом уйда егулик ҳеч, вақо йўқлигини ҳам ўзича оқларди: «Меҳмон ўз насибаси билан келади. Худо унинг ризқини меҳмон келадиган уйга қирқ кун аввал сочиб қўйган бўлади, шунинг учун ҳеч қисинманглар, меҳмон келса, уйимиздаги ўз насибасига келади», деб ҳаммамизни юпатарди.

Табиатан отам — момомга, онам бўлса, бобомга яқинроқ эди.

Онамнинг меҳмонга қовоқ уйган вақти бўлган эмас. Кундузи ишдан чарчаб келса ҳам, пешонасини тириштирмай, елиб-югуриб, меҳмонларнинг хизматини қиларди. Онамга асосий кўмакчи ўзимман. Кўпинча ўчоққа ўт ёқиб тураман. Мол емай қолган дағал ҳашак қозонни ё қумғонни тез қайнатиши у ёқда турсин, ўчоқни ҳам тезда қиздира қолмайди. Шунинг учун хашакни ўчоққа ортини узмай пешма-пеш тиқиб туришим шарт. Чарчаб ёки бўлмаса совуқ кунлари олов тафтида мудраб андак тек қолсам, онам биқинимни қаттиқ чимчилаб: «Гапни эшит!» дейди. Эшитмай қолишдан кўрқаман. Онам ҳам, худди бобомга ўхшаб эртаси куни: «Кеча меҳмонлар нималарни гаплашишди?» деб албатта сўраб-суриштиради. Жавобдан адашсам қаттиққўл онамдан таъзиримни ейман, камида бир шапалоқ дейверинг.

Онам овулдошлари орасида сўзга чечанлиги, ҳозир-жавоблиги билан довруғ қозонган аёл эди. Овулда тўймаърака бўлса, онам бош-қош, қизлар билан йигитларнинг «чойхўрлик» кечаларида қизларга бош янга ўзи. «Чойхўрлик» — ҳозирги тил билан айтганда, қизлар билан йигитларнинг танишув кечаси. Базм таомилига кўра, қизлар билан йигитлар бир уйга йигиладилар-да, икки тарафга бўлиниб чой ичадилар. Қизлар бир қаторга тизилишди, йигитлар иккинчи қаторда болдуруш қуриб ё чўккалаб ўтирадилар. Хуллас, ким дастлаб келган пайтида қандай ўтирган бўлса, то базмнинг охирига қадар шу алфозда ўтириши шарт. Йигитлар тарафни «йигит оғаси», қизлар тарафини «қизлар янгаси» бошқаради. Бундан мақсад, албатта, чой ичишгина эмас, аввало бир-бирларининг иродаси, феъл-атворини синаш. Базм давомида қизлар ҳам, йигитлар ҳам ҳар хил ҳикматли гаплар, пурмаъно ҳангомалар айтишадилар, хушмуомалалик, одоб-икром, назокат-нафосат қоидаларига нечоғли риоя қила олишларини амалда кўрсатадилар. Онам мени бу базмларнинг ҳеч биридан қолдирмасди. Ҳамиша ёнида олиб ўтирарди. Базмлар одатда ярим кечага қадар давом этарди. Мабодо мудрай бошласам, онам биқинимни чимчилайди: «Гапларни эшит!» дейди. Андак ўтиб, яна мудрай бошласам, яна чимчилайди, қаттиқроқ чимчилайди: «тингла!» дейди. Қайтишимизда мени орқалаб ё етаклаб келаётиб, бугунги базмда нима бўлганини, нималарни эшитганимни сўрайди. Жавобимни эринмай тинглайди. Эртасига ё бўлмаса уч-тўрт кундан кейин ҳам бўшроқ вақти бўлса, яна сўрайди. Мабодо унутган бўлсам ҳамишагидек жазолайди! Тагин бир нарсани онам қатъий огоҳлантирган: «Менинг олдимга маслаҳат сўраб келган қизлардан биронтасининг сирини икки оёқли бандага ошкор қилсанг, остинг — ер, устинг — тепки бўлади», деган. Онам бир сўзли аёл эди. Умр бўйи ўз сўзининг устидан чиқиб яшади.

Меҳмон кутиш-ку, бизнинг асосий ишимиздек эди. Онам ишининг кўплигига қарамасдан: «Уғил-қизи бор уй озода бўлиши керак», деб уйнинг ичи тугул, ташқарисини ҳам, ўн-ўн икки қадамча атроф-теварагини ҳам ёғ тушса ялагудек қилиб супургани супурган; тансиқроқ таом пиширса: «Меҳмонга турсин», деб илингани илинган эди.

Бобом бўлса кечга томон ҳовлида ё дарвоза олдида ўтириб, атойи худо — меҳмон кутгани кутган эди.



Энди ўйлаб қарасам, бобом ҳам онам ҳам бизларга уй тарбиясини кам билиб, овул тарбиясидан, кенг жаҳон тарбиясидан имкон қадар кўпроқ тажрибаларни уйга олиб киришга интилиб яшаган эканлар.

\* \* \*

...Отам ҳам, онам ҳам саводсиз эди. Тўғри, вақтида кечки ликбезда ўқиғач эмасми, отам «Қайипберген» деб, онам «Гулхан» деб исmlарини лотин алифбосида бир амаллаб ёза олишарди. Бироқ бошқа бирор сўзни на ўқиш, на ёзишни билишарди. Шу саводсизлиги учунми, ишқилиб, отам звено бошлиғидан юқорироқ лавозимга кўтарилмади. Онам эса шу саводи билан (хотира кучи, амалий билимлар туфайли) тракторчилик курсида ўқиб, Улуғ Ватан уруши йилларида тракторчилик қилди. Оғир йиллар тақозо этган бўлса керак, онам ўз касбини шу қадар чуқур ўзлаштирган эдики, то ҳаётининг сўнгги ойларига — етмиш тўрт ёшига қадар, уй олдидан бирон-бир трактор ўтиб қолса, қаерида қандай иллати борлигини товушини эшитибоқ айта оларди. Бу гапда муболаға йўқ, мен хотира, тажриба, амалиётнинг буюк қудратини таъкидламоқчиман, холос.

Отам билан ўзимнинг орамизда қандайдир дилси-ёҳликлар рўй берганини эслаёлмайман. Лекин шу гап хотирамда яхши сақланиб қолганки, бир гал бобомдан: «Бобо, отангизнинг қайси гапи эсингизда қолган?» деб сўраганимда у шундай жавоб қилган эди:

— Мен эр ета бошлаганимда, отам: «Болам, икковимиз бир-биримизни тушунолмай қоляпмиз-ку?», деган эди. Ушанда отамнинг бу гапидан ажабланган эдим. Кейинчалик ўзимнинг болам (сенинг отанг) эр етганида, мен ҳам унга отам айтган гапни такрорлашга мажбур бўлдим: «Болам, икковимиз бир-биримизни тушунолмай қоляпмиз-ку?» дедим. Балки вақти келиб у ҳам сенга шу гапни айтар, сен ҳам ҳали ўз болаларингга шундай дерсан.

Ростдан ҳам, улғайиб йигит бўлган пайтимда отам: «Тўлепберген, сени тушунолмай қолдим-ку?...» дея ажабланган эди.

Мана, ўзимнинг болаларим ҳам эр етди. Ўйлаб қарасам, ота-бола бир-биримизни яхши тушунмайдиганга ўхшаймиз. Демак, кишилик жамиятининг ривожланиши учун дунёни тушуниш борасида авлодлараро тафовут абадий экан-да?..

Мен отамнинг йигирма бир ёшида, онамнинг ўн тўққиз ёшида кўрган тўнғич фарзандиман. Гарчи, онамнинг иссиқ бағрида, отамнинг суйиб-эркалашлари остида ўсиб-улғайган бўлсам-да, онадаги асосий тарбияни бобом билан момодан олганман.

Бобом бир гапни кўп такрорларди: «Болам, йиғлагандан сўрама, кулгандан сўра. Йиғлагандан сўрасанг — ўлгани, кулгандан сўрасанг — кўргани бўлади».

Момом бот-бот насиҳат қиларди: «Болам, йўлдан бирон нарса топиб олсанг, йўлдошингга айт, йўлдошинг бўлмаса: «Шундай нарса топиб олдим:», деб уч марта қичқир. Кейин уни биринчи дуч келган одамга бериб кет!»

Мен ўз вақтида бу насиҳатларга қанчалик амал қилганимни айтиб, мақтанолмайман ҳам, афсусланолмайман ҳам. Бироқ, улғая бошлаганимда юрагимдан мустақкам ўрин олган икки туйғуни ҳис қилганим ёдимда: биринчиси — кимдир йиғлаб турган бўлса, менинг ҳам йиғлагим келади, кимнингдир шўх-хандон кулаётганини эшитсам, менинг ҳам кўнглимда алланечук енгиллик пайдо бўлади, хоҳламасам ҳам, ҳар қалай, беихтиёр илжаяман. Иккинчиси — ҳали-ҳануз йўлдан бирон нима топиб олсам ё болаларим топиб, уйга олиб келса, уни рўзғорда фойдаланишдан ор қиламан. Кимгадир топшириб қутуламан. Бу гапларни, албатта, ўзимни мақташ учун айтаётганим йўқ. Демокчиманки, ҳар бир одам аввало одам, бинобарин, одамийлик унинг қонида бор. Ҳамма гап ўша «қон»ни ҳаракатга келтиришда.

«Одам деган сўз — бошқаларга бўлган меҳр-оқибатнинг ўлчови», дерди момом.

«Одам» деган сўз остида «Сен бошқаларга қанчалик кераксан?», деган савол ҳам ётади. Ким ўзига бу саволни беролмас экан, у одам боласи эмас, одам шаклидаги ножинс», дерди бобом.

## 9

Ёш авлодни тарбиялашда ҳар бир эл, ҳар бир халқнинг ўз тажрибаси, миллий таомили бўлганидек, ҳар бир оила ҳам ўз тажрибасига, ўз тарбия усулларига эга.

Энди ўйлаб қарасам, бундай таълим-тарбия тажри-

баси бизнинг оиламизда ҳам бўлган экан: аввало бобом ё момом, отам ё онам кўп айтадиган ҳар хил ҳикматли гаплар, афсоналар, нақллар, ҳаётий ҳангомалар... Қолаверса, айрим урф-одатлар, маросимлар, тўй-маъракалар. Уйинларни айтмайсизми!.. Айниқса узун кечалари тўшакка кириб, чироқ ўчирилгач, ўзаро айтишадиган «Биздан бир чумчуқ қочди», деб бошланувчи оғзаки ўйинимиз бўларди. Одатда унга уйдаги ёшу қари — ҳамма иштирок этарди. Уйиннинг тартиби, масалан, шундай:

— Биздан бир чумчуқ қочди, — дейди биринчи одам.  
— Қандай? — деб сўрайди иккинчи одам.  
— Клоқлари қалқондай, — дейди яна биринчи одам.  
— Нечта ўғил, нечта қизи бор? — дейди иккинчи одам. Биринчи одам андак жим қолади-да, кейин: «Тўрт ўғли, уч қизи, икки сиғири, тўққиз қўйи бор...», дейди. Ёки: «Етти ўғли, уч қизи, момоси бор, қураётган иморати бор, ўн олти товуғи бор...», дейди. Хуллас, овулимиздаги бир уй ўйин бошловчининг хаёлида туради. Уни топиш учун ҳар ким ўзича овулдаги кимнинг уйида нечта боласи бор, уй-жойи, туриш-турмуши қандай, бирма-бир хаёлидан ўтказиб: «Тўрт ўғли, уч қизи, икки сиғири, тўққиз қўйи бор уй — Эсемуротнинг уйи», дейди. Ёхуд: «Етти ўғли, уч қизи, момоси, қурилаётган иморати, ўн олти товуғи бор уй — Қаллибекнинг уйи», дейди. Уйин бошловчи ўзи назарда тутган уй айтиммагунча «Йўқ!», «Йўқ! деб ётаверади. Бошқалар эса, билган уйларини бирин-бирин айтиверишади. Агар сир тутилаётган ўша уйнинг бирон-бир муҳимроқ белгиси унутилиб қолса, топиш қийинроқ бўлади. Бундай ҳолларда айтувчи айбдор. Агар бундай уйлар бир нечта бўлса, ўша сир тутилаётган уйнинг ўзигагина хос бирон-бир белги ҳам қўшиб айтилади. Масалан, «Аёли сотувчи» дейилдими, Эсемуротнинг уйи эмас, Кароматдиннинг уйи бўлади. Ким топишмоқни тўғри ва тез топса, ўша одам — ғолиб. Ғолиб ўз навбатида «Биздан бир чумчуқ қочди...» деб, янги ўйин бошлаши мумкин.

Биз — болалар кўпроқ ўйин бошловчи бўлиш учун эртасидан бошлаб овулимизни яхшироқ билиб олиш ҳаракатига тушиб қолардик. Овулдан кўчиб кетган хонадон ҳам ёки овулимизга янги кўчиб келган одамлар ҳам биз — қизиқувчан болалар назаримиздан четда қолмасди. Буларгина эмас, фақат бизнинг уйимиз билан борди-келдиси бор, бошқа овулларда яшовчи қариндошуруғларимизнинг уй ичини билиш ҳам ўйин учун асқотиб қоларди-да, ахир.

Энди ўйлаб қарасам, бу ўйин эрмак учун айтиландиган шунчаки оддий топишмоқ эмас, балки уйқу олди-дан овулимизни, овулдаги ҳар бир оила, ҳар бир одамни кўз олдингга келтириб, уларнинг турфа қисматлари, кечмиш — кечирмишларини бирма-бир хотирлаш мақсадида боболаримиз яратган муҳим тарбия воситаларидан бири экан. Бугун энди тенгдошларим билан ўтирганимда уни қўмсаб: «Уша ўйин ҳозирги болалар учун ҳам жуда керак-да!», десам, улар: «Ҳозир радио бор, телевизор бор...», дея эътироз билдиришади. Тўғри, эътироф этмоқ лозим, бугунги болалар дунёнинг қай бурчида, қай бир овлоқ мамлакатда нималар рўй бераётганини яхши билишади. Аммо ўз овулида, шундоққина девор-дармиён қўшнисининг хонадонидан нималар бўлаётганлигини мундоқ бир сўраб кўринг-чи!..

Момом бот-бот такрорлайдиган бир жуфт афсона: Қадим замонларда бир донишманд Чўртанбой тўқайни оралаб ўтган сўқмоқ йўлда эшагининг устида нон кавшаб бораётган экан, ноннинг бир ушоғини беҳос ерга тушириб юборибди. Дарров эшагини тўхтатибди-да, ўша нон ушоғини излабди. Бир кун излабди, икки кун излабди, бир ҳафта излабди — тополмабди. Ахири ўша нон ушоғи одамларнинг оёқлари остида топталмасин деб, яқинроқ овулга эшагини сотибди-да, пулига нон ушоғи тушган ернинг теварагини тўрт девор билан қуршаб чиқибди.

Эсларингда бўлсин, ноннинг ўзи ҳам нон, ушоғи ҳам нон, дея ҳикоясини якунларди момом.

Ростдан ҳам, Чўртанбой тўқайини кесиб ўтган кўҳна йўл ёқасида усти ёпилмаган тўрт девор бўларди. Момом бизга бу кўҳна деворни ўша нон ушоғи устига тикланган кўрғон, деб тушунтирарди. Йўл-йулакай нон кап-паласак, ўша эшақли киши эсимизга тушарди. Ҳатто кечалари тушимизга кириб чиқарди. Бизга нонни авайлаб-ардоқлаш кераклигини уқтиргандек бўларди.

Яна: Қадимда бир бойнинг арзанда ўғли бўлган экан. Бир куни у ёзилиб бўлганидан кейин ярим нондан кесак ўрнида фойдаланибди-да, ҳожатхона деворининг тирқишига тиқиб қўйибди. Орадан ҳафта ўтмай, шундай бир довул бошланибдики, ҳамма экинларни пайхон қилиб ташлабди. Юртда очарчилик авж олибди. Одамлар очликдан ўла бошлабди. Бойнинг эркатой ўғли ҳам очдан ўлар ҳолда шишиб ётар экан, бирдан ўша ҳожатхона деворининг тирқишига ўзи тиқиб қўйган нон асига

тушиб қолибди. Судралиб бориб тирқишга қараса, нон ҳалигача ўша жойда турган экан. Олай деса, шишиб кетган қўли тирқишга сиғмай, тили билан олиш учун оғзини босганида, тирқишнинг нариги тарафидан бир илон чиқиб, унинг тилидан чақибди. Бола тил тортмай ўлибди. Ана шундан кейингина элда яна тўқчилик бошланибди.

...Бизлар бола пайтимизда қўлимизга нон ушласак, дарров бу ривоятлар эсимизга тушарди-да, нон ушоғини увол қилиш у ёқда турсин, мабодо йўлимизда нон увоқ кўриб қолсак, дарров териб олардик-да ё ўзимиз сувга чайиб ердик, ё қушларми-товуқларга едирардик.

Шу нарсани комил ишонч билан айтоламанки, менга тенгдош дўст-биродарларим орасида нонни оёқ ости қиладиган одам йўқ. Мана мен деган пулдорлари ҳам оёғи остида бир дона гуручдек нон ушоғи ётганини кўрса, энгашиб олиб, пуфлаб-тозалаб оғзига солади ёки қушлар еб кетсин деб йўл ёқасидаги дарахт бутоғига қўйиб кетади.

Нон одам меҳнатининг маҳсули. Маркс ва Энгельс таълимотига кўра, одамнинг ўзини ҳам меҳнат яратган. Демак, меҳнат барчамизнинг устозимиз, волидаи мукарамамыз. Одам ўз устозини ё онасини ҳаминиша қадрлаб-эъозлаши лозим.

«Меҳнатсиз тириклик йўқ», дея бот-бот такрорларди бобом.

Кўча бийи айтган афсона: Қадимда бир элатда Қардўс деган биров яшаган экан. Ғилай кўзи учун эмас, қинғир ишлари учун одамлар унга «қийшиқ» деган лақаб кўйишибди. Узиям «қийшиқ» деганларича бор экан. Утакетган тошбағир, кўзга аён кўриниб турган айбини айтсангиз, ҳам, бўйнига олмайдиган сувюқмас, тирик жонга озор беришдан роҳатладиган тенги йўқ каззоб экан. Овулдошлари унинг устидан арз қилиб, овулдан қувиб юборишни ўтиниб борганда, оқсоқоллар: «Яна бир оз сабр қилайлик, тарбиялаб кўрайлик-чи, балки инсофга келиб қолар», дейишибди. Хуллас, ҳеч бир йиғин, тўй-маъракадан уни ҳам четда қолдирмабдилар. Ўша пайтларда шаҳар олис бўлгани учун овул орасидан беш-олти одамни сайлаб, ҳамма уларга топган-тутганини топшириб, бозорга юборар экан. Бир сафар овулдошлар: «Қардўс қийшиққа ҳам ишонч билдирайлик-чи, қани, ишончимизни оқлармикин», дейишиб, синамоққа уни беш одамга кўшиб, Хива бозорига жўнатишибди. У

бозорга кетаётиб, йўлни кесиб ўтганча зув қатнаётган чумоли галасига дуч келибди-да: «Бу кумурсқалар нега менинг йўлимни кесиб ўтади? Ҳаммасини ўлдираман!», дея ғазабланиб чумолиларни бир чеккадан топтайверибди. Ҳамроҳлари: «Қўй энди, юр, бозордан кеч қоламиз», деса ҳам қулоқ солмабди. Ахири, ҳамроҳлари уни қолдириб, йўлларида кетаветишибди. Хива бозорида савдо-сотиқни битириб, ортларига қайтаётиб қарасалар, Қардус қийшиқ чумоли уяси устига йиқилиб тушган, кумурсқалар унинг оғиз-бурнидан кириб-чиқиб ётган экан...

Ожиз деб ҳатто чумолига ҳам ноўрин озор етказсанг, ўшанинг қўлида ўласан, дерди момом.

Биз ака-укалар эртак айтишарканмиз, бу афсонани бот-бот эслаб, ўзимиздан кичикка ҳеч қачон озор бермасликка аҳдлашардик.

Халқимизнинг қадимий урф-одатига кўра, фақат ўғил болаларгина мол сўйиши мумкин. Биз ака-укалар учун бу таомил ёқмасди. Уйга келган меҳмонга товуқ сўйиш зарурати туғилса, онам бизларни тутолмай, товуқни қўшнилари уйига олиб чиқишга мажбур бўларди.

Мен гўшт ейишни жуда яхши кўраман, лекин шу кунга қадар қорамол у ёқда турсин, товуқни бўғизлаётган одамнинг ёнида туролмайман. Даҳшатли манзара-да, бу, ахир!

Онам айтган афсона: Қадим замонда бир серфарзанд киши бола-чақасини қалин тўқайзор ичидаги капасида қолдириб, ўзи шаҳарда, бир бойнинг эшигида ишлар, шундай қилиб, базўр рўзгор тебратар экан. Бировнинг қўлидаги оғир меҳнатдан чарчаб-толиқиб, шунда ҳам болаларининг қорнини тўйдиролмай боши қотиб юрганида, аллақандай тоғ этагида олтин бор эмиш, деган гапни эшитиб қолибди-да, ўша тарафга йўл олибди. Рўзгор тебратиш ўн икки яшар тўнғич ўғилнинг гарданига тушибди. У укалари билан бирга ертўла ёнидаги тўқайдан ўтин йигиб, аввалига яқинроқ уйларга орқалаб обориб сотиб, жамғарган пулига эшак сотиб олибди. Кейин ўша эшак билан ўтинни шаҳарга олиб бориб сотадиган бўлибди. Ўтин чопиш баробарида тўқайнинг бир чеккасидан кундаю томирларни тозалаб бораверибди. Эрта баҳорда омов, ҳўкиз ва уруғлик сотиб олиб, ўша очилган ерга буғдой экибди. Буғдой бехато кўкариб, кузда ўзи буғдой сотиш даражасига етишибди.

Ота ўша кетганича уч йилча овора-ю сарсон бўлиб, ҳеч қаердан олтин тополмай, бироқ уйига икки қўлини бурнига тиқиб бўш қайтишга юзи чидамай, шуҳардаги бир бойдан озгина қарз сўраш учун кетаётиб қарасаки, ўғли бир кўчада қоп тўла бугдой сотиб турганмиш. Ажабланганча, унинг қўлидан ушлаб:

— Бу қанақаси, ўғлим?... — деб сўрабди.

Бола бор гапни айтиб берибди.

Ана шунда ота аввалига: «Ие, олтин шундоққина уйимизнинг ёнида ҳам бор экан-ку!» дея бениҳоя ҳайратга тушибди. Кейин ўғлига эргашиб уйига қайтибди-да, янги ер очиб, даласини кенгайтиришга киришибди.

Кимки астойдил меҳнат қилса, уйининг ёнидаги қумтепани олтинга айлантира олади, дейди доно халқ.

Сидқидилдан меҳнат қилган одамнинг юзи ёруғ бўлади. Тинч-тотув, беминнат умрнинг негизи — меҳнат, деб кўп уқтирарди онам.

Бобом бот-бот такрорлайдиган афсона: Бухоролик бир савдогар Чимбойга кўп келиб юриб, бир мулла билан танишиб қолибди-да, у билан қиёматли дўст тутинибди. Шу орада бир сафар бухоролик савдогар Чимбой бозорига олиб келган молини сотолмай хуноби чиқиб, қайтариб олиб кетишга оғриниб ўтирган экан, ёнига мулла дўсти келиб:

— Бунақа овора бўлиб юргунча, ўтмас матоҳингни менга қолдириб кета қолсанг-чи, — дебди.

— Дўстим, мен сотишга ўрганган одамман. Эвазига нима берасан? — дебди савдогар.

— Мабодо сен ўлиб қолсанг, жаназангни бепул ўқийман, — дебди мулла.

Савдогар рози бўлиб, сотилмаган молини унга қолдириб кетибди.

Бироқ, бу сафардан кўрган зарарига қаттиқ ачиниб, унинг ўрнини қоплаш мақсадида Ҳирот шаҳрига бориб келишни ният қилибди. Шу орада Ҳирот йўлида каллакесар йўлтўсарлар кўп экан, деган овоза тарқалибди. Ёнида йўлдоши, туяларига бош-қош бўлиб борадиган одам топилавермабди. Топилганда ҳам, кўп пул талаб қилибди. Ана шунда савдогар тўппа-тўғри чимбойлик мулла дўстининг олдига бориб:

— Мен билан бирга Ҳиротга боришингга тўғри келиб турибди, — дебди.

— Нега? — деб сўрабди мулла ажабланиб.

— Ҳирот йўлида каллакесарлар кўп дейишади. Ма-

бодо мени йўлда ўлдириб кетишса, бошимда жаноза ўқийсан, — дебди савдогар.

Мулла ноилож рози бўлибди...

Дўстлик холис бўлмай, қарзга берилган пулга ўхшаса, бундай дўстлик — бамисоли мўрт ип билан кийимга қадалган тугма, қаерда тушиб қолганини ўзинг ҳам билмай қоласан.

Одам ўз дўстининг хатоларини кечириб ўрганмаса, дўстсиз қолади. Дўстининг ёнида туриб, ўзингни ўйлайверсанг, бу ҳам хато. Икки ўртада кўринмас жарлик ҳосил бўлади. Бу жарлик эса, одатда душманингга жуда-жуда қўл келиши мумкин.

Боболаримиз қолдирган афсона ва нақллар, ҳикматли гаплар ҳақида ўйласангиз, гоҳо ҳар қандай пурмаъно афсона ҳам ёлғонга ўхшайди. Афсона бошқа, ҳаёт бошқадек туюлади. Ахир, ҳаёт ўз номи билан ҳаёт-да! Унда ҳамиша беистисно бир тарзда амал қилиш мумкин бўлган ягона дастурни топиш мушкул-да, ахир!

Эсимни таний бошлаганимдан бери мен дўстсиз қолишдан мудом хавотирланиб-кўрқиб яшадим. Сабаби — бошқа таниш-билишларимга нисбатан ўзим учун вақт ўта зиқ, ноёб бир неъматдек туюларди. Ҳар куни белгиланган бир ишни тугаллаб ё бирон бир китобни ўқиб битиролмай шошганим шошган эди. Бу инжиқ феълим мени талай дўстларимдан жудо қилди.

Талабалик йилларимда бир қадрдон дўстим менга, кинога борайлик, деб қолди. Мен кечаси ўқий бошлаган китобимнинг охирига етгунча бетоқат эдим, узримни айтдим. У мендан ҳафсаласи пир бўлиб, кетиб қолди. Қайтиб келмади. Китобни ўқиб тугатгач, ўзим қидириб бордим. «Сенга дўст эмас, китоб керак экан, ўқийвер!» деди у.

Одатда дўстлашиш учун орзу-интилишлар, хоҳиш-истаклар, дунёқарашлар мос келиши керак. Бироқ, ҳар қадамда қилдан қийиқ қидираверсанг, ўзингга қийин.

Одамнинг бир нави умр кечириши учун муайян обҳаво, егулик-ичгулик кифоя қилади. Аммо чинакамига бахтли яшаш учун аввало содиқ дўст керак экан. Бунга мен ўз умрим бадалида кўп бор амин бўлдим.

Мангулик дўст ахтариш — ўз умрингизни мангулик синовга қўйиш билан баробар. Гоҳо уни бош билан тош йўнишга қиёслаш ҳам мумкин.

Бош қаттиқми, тош қаттиқми, деганда бош қаттиқ демакнинг маъниси шу! Чунки чинакам дўстлик ўз-ўзидан бино бўлмайди. Ё сиз ўз иродангизни дўстингиз-



нинг иродасига бўйсундиришингиз керак, ё дўстингиз ўз иродасини сизнинг иродангизга бўйсундиришга мажбур.

Дўстларнинг бир-бирларини беистисно тушунишларидан қудратлироқ куч йўқ. Лекин бунинг учун ўзингизда мавжуд имкониятларни тўла сафарбар этишингиз керак бўлади.

Назаримда одамнинг умрини икки қисмга ажратиш мумкин: дўст ахтариб яшаш, дўст билан яшаш. Бутун умр дўстсиз яшаш ҳам, дўстлар ўртасида вақтинчалик англашилмовчиликлар рўй бериши ҳам мумкин. Бу ерда бирламчи шарт, энг муҳими — одамнинг ўзида чинакам дўстлик туйғусининг бор ёки йўқлигида.

Инсон ҳаёти ҳам жонли организмга ўхшайди: у худди ўзидек умрга доя бўлади. Дўстлик ҳам жонли организм; сизнинг дўстлигингиз худди ўзидек дўстлик яратса, бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ.

Ўзингизни чинакам дўстликка чоғлаш, ёш авлодда мустаҳкам дўстлик туйғуларини қарор топтириш учун, албатта, у қадар кўп нарса керак эмас. Чунки одам боласи эсини таниганидан бери ўзини қуршаб турган муҳит билан имкон қадар фаолроқ муносабат учун йўл қидиради.

Бу йўлнинг чинакам дўстлик йўлига айланиши аксарият ҳолларда ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ.

Чинакам дўст — мустаҳкам таянч, юракка қувватгина эмас, кўнгилдаги ҳар қандай жароҳатга малҳам бўла олувчи асл мўмиё.

Бобом бот-бот такрорлайдиган афсона: Ойдўс бобонинг оёғига аллақандай яра чиқиб, уйда ётганини эшитган бир дўсти кўнгил сўраш учун унинг олдига келибди. Жароҳат Ойдўс бобога қаттиқ азоб бераётган экан. Дўсти унинг қаттиқ қийналаётганини кўриб, жуда ачинибди. Ачингани шунчаликки, ўз уйига қайтган заҳоти: «Дўстим вой оёғимлаб зор қақшаб ётганида, менинг ўйноқлаб юришга ҳаққим йўқ», деб ўз оёғига ўзи пичоқ урибди.

Вақти келиб, Ойдўс оёғи тузалибди. Дўстининг жароҳати эса, оёғига урган пичоқ занглаган экан, газак олиб, йиринглаб, ахири чўлоқ бўлиб қолибди.

Аҳволдан хабар топган Ойдўс бобо ўз жонига ўзи қасд қилган чўлоқ дўстига ҳамдардлик билдириш у ёқда турсин: «Калласи йўқ одам ҳеч қачон содиқ дўст бўлолмайди», деб унинг холидан хабар ҳам олмабди.

Дўстнинг нодонлиги ҳар икки томонга кулфат келтиради. Муҳтож пайтингизда суянчиқ бўлолмаган дўстнинг баҳридан ўтган маъқул. Номард билан узоқ дўст бўлиб, ахири ажралишганингизда одатда шунча йиллик самимий туйғуларингизнинг елга совурилганига эмас, шунча йиллик ишонч-этиқодингиз топталганига ачинади киши. Аммо, ҳар қалай, бу дунё тўйхона бўлмаганидек, бир муддат қўниб ўтиладиган меҳмонхона ҳам эмас. У одамнинг мудом ўкиनावериши, яккаш афсус-надомат чекавериши учун яратилмаган. Бу дунё ҳар бир одамни хушудлик билан кутиб олади-ю, аммо озмунча машаққат, заҳмат, кулфатларга гирифтор этадими! Уларга саботматонат билан бардош беришнинг бирламчи омили — халққа дўстлик, халқ билан ҳамнафаслик. «Дунёда энг тўғри йўл халқ танлаган йўл», деган ҳикматли гап бежиз айтилмаган, ахир.

**Бобомнинг насиҳатларидан:** Қордек оппоқ кийим тез кирлангани сингари, дўстликни ҳам оппа-осон гардғубор қоплаши қундузги куёш, тундаги ойдек аниқ-равшан нарса. Лекин, бундан дўстнингни янгилаб туришинг керак, деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Кийимнинг янгиси, дўстнинг эскиси яхши.

Одам боласидаги энг бирламчи фазилат — дўстнинг манфаатларини ўз манфаатларингдан юқори қўйиш. Энг ёмони — дўстингдан бунга муносиб жавоб ололмаслик. Шунинг учун ҳам донолар: «Ҳисобли дўст айрилмас», деганлар.

Икки одам ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашнинг асосий шартлари қандай бўлса, икки мамлакат ўртасидаги дўстликда ҳам худди шундай.

Ким манман бўлса, ўша одам дўстидан тезда ажралиб қолади.

Манфаат асосига қурилган дўстлик — соядек ўткинчидир.

**Онамнинг насиҳатларидан:** Дунёга кўз қарашлари ўзаро мос келмайдиган дўстлар бир омовни икки тарафга тортаётган қўш ҳўкизга ўхшайди.

Дунёдаги энг оғир юк — дўстлик. Ўзаро баҳслашганда эҳтиёт бўлмаган, дўстининг кўнглига қарамаган одам ўз юкини дўстининг елкасига ағдараётганини сезмай, икки орада малоллик пайдо қилади.

Бир-бирининг қадамини пойлаб яшайдиган одамлар ҳеч қачон чинакам дўст бўлолмайди.

Чинакам дўстлик аввало ота-онангга, қолаверса, ўз халқингга қадрдонликдан бошланади. Ана шундагина сен ҳар бир дўстингнинг қадрини била оласан.

Отам қайта-қайта такрорлайдиган афсона: Қадим замонда туғма кўр бир болакай бўлган экан. У: «Нега мени бундай яратдинг?» деб худога нола қилибди. «Бунинг сабаби — сенинг отанг ҳам, онанг ҳам ғирт ёлгончи, балохўр эди», дебди худо. Бола бунга жавобан лом-мим деёлмай, қисматига тан бериб яшайверибди. Кунлардан бир куни у нимагадир қоқилиб йиқилибди. Нимага қоқилганини билиш учун пайпаслаб қараса, ярми ерга кўмилган тошдек оғир бир нарса экан. Базўр кўтариб, ёнидан ўтиб бораётган одамдан: «Манови нима?» деб сўрабди. «Ие, олтин-ку!» дебди ўша одам ҳайратланиб. «Ма, сен ола қол!» дебди болакай. «Ие, сен ҳали олтиннинг нималигини билмайсанми?» деб сўрабди нотаниш киши баттар ҳайратга тушиб. «Олтин ҳақида кўп эшитганман, унинг нималигини яхши билман. Бироқ, бу олтин меники эмас», дебди бола. Йўловчи инсоф-диёнатли одам экан: «Олтининг ўзингга буюрсин», деб йўлида давом этибди. Бола ҳайрон бўлиб: «Ҳей, олтин йўқотган борми?» деб жар солибди. Ҳеч ким индамабди. Уйига боришга ота-онасининг ёлғонидан қўрқиб, олтинни тўппа-тўғри қозига обориб топширибди.

Уша куннинг эртасига бола уйқудан уйғонса, кўр кўзлари очилганмиш...

Кўча бийининг айтгани: Мен шундай бир воқеанинг шоҳиди бўлганман. Овулимизда Обод жар ёрилган йили бир бола туғилиб, отаси унинг отини Обод — Ёриқ қўйган эди. У ўтакетган ёлгончи, ғирт тухматчи, балохўр бўлиб улғайди. Ана шундан сўнг ўз отаси ҳам, одамлар ҳам унинг «Обод» деган отини унутиб, лақаби билан «Ёриқ» деб чиқирадиган бўлишди. Бир куни мен унинг қўшни овул тарафдан қизил сигир стаглаб келаётганини кўриб қолдим. Бироқ, сигирни ўғирлаб олиб келяпти, деб хаёлимга ҳам келтирмадим. Эртасига қўшни овулдан биров: «Қизил сигир ўғирлатдим», деб из қувиб, бизнинг овулимизга келди. Мен кеча Ёриқ деган одамнинг қизил сигир етаклаб келаётганини кўрганганини айтдим. Сигирнинг эгаси мени эргаштириб тўппа-тўғри Ёриқнинг олдида борди-да: «Бир қизил сигир йўқотдим, мабодо кўрмадингми?»

деб сўради. «Кўрган бўлсам, икки кўзим оқиб тушсин», деди Ериқ.

Сигир эгаси унинг ичган қасамига ишонмай, оғилхонасига бостириб кирди-да, салдан сўнг ўзининг сигирини етаклаб чиқди. Аслида у ярамасни ўша куниёқ милиция қўлига топшириш керак эди. Бироқ, у: «Энди бунақа номақбул бузоқнинг гўштини емайман», деб ялиниб-ёлбориб омон қолди... омон қолди, дейиш тўғри бўлмас, чунки эртаси қараса, кўзлари кўр бўлмасаям, ҳар қалай, қийшайиб қолибди. Уша кундан овул одамлари уни Ериқ қийшиқ деб чақирадиган бўлишди. Аттанг, уни сизлар кўролмай қолдингизлар-да, ўтган йили ўлиб кетди.

...Эсимда, ўшандан кейин ўзим укаларимда бир одат пайдо бўлди: шу рост гапиряптими ўзи, деб иккилансак, дарров бир-биримизнинг кўзимизга қараймиз.

Онам айтган афсона: Қадим замонларда Эрон шоҳи қай бир юртни босиб олганида, аввало болаларни асир олибди. Утакетган ёвуз — қаттол шоҳга ҳеч бир онанинг кўз ёшию илтижоси зиғирчаям таъсир қилмабди. Ёш болаларни қўйдек ҳайдаб ўз юртига — қибла тарафга кетаверибди. Она бечоралар овул четидаги баланд тепаликнинг устига чиқиб, болалари кўздан яширингунча бўтадек бўзлаб қолаверишибди. Болаларни ҳайдаб кетаётган шоҳ бирон марта ортига қайрилиб қарамабди.

Орадан етти йил ўтиб, шоҳ қайсиям бошқа бир юртни босиб олиш учун шу юрт тупроғидан ўтиб бораётган экан, овул чеккасидаги баланд тепаликнинг устида қибла тарафга кўз тикиб турган бир тўда аёлни кўриб қолибди. Уларнинг олдига яқинлашиб, нимани кутиб туришганини сўрабди.

— Болаларимизни кутиб турибмиз,— дейишибди аёллар.

— Болаларинг қаёққа кетган?— деб сўрабди шоҳ.

— Эрон шоҳи асир олиб кетган эди,— дебди оналар.

— Қачон?— деб сўрабди шоҳ.

— Бундан етти йил аввал,— дебди аёллар.

— Етти йилдан бери шу ерда турибсизларми?!— деб сўрабди шоҳ.

— Болаларимиз кетганидан бери ҳеч биримиз пастга тушиб овқатланиб келганимиз йўқ,— дейишибди аёллар.

Шоҳ отдан тушиб тепаликка кўтарилибди. Тепаликнинг Ғарбий ёнбағридаги қабристонга кўзи тушиб:

— Бу қанақа қабристон? — деб сўрабди.

— Болаларини кута-кута умидсизликдан бағри эзилган оналарнинг қабристони, — дейишибди аёллар.

Шоҳнинг оёқларидан мадор кетиб, турган ерида йиқилибди-да, тепаликдан юмалай-юмалай тўппа-тўғри қабристонга қулаб тушибди...

Отамнинг насиҳати: Бизда: «Ота қарғиши ўқ, она қарғиши...», деган гап бор. Бу — бировларнинг ўйлаб топгани. Жаҳонда она қарғишидан кучлироқ қарғиш йўқ. Чунки она қарғиши — она-Ер қарғиши. Она қарғиши — киндик қонинг тўкилган, сени тарбиялаб камол топтирган она-Ватан қарғиши!

## 10

Мени беш ёшимдаёқ мактабга бериш ҳақида уйда маслаҳат бўлди. Бобом билан момом кенжатоё қизларини (отамнинг кичик синглиси Арувхон, у мендан беш ёш катта, аввалги гал муаллим чақириб келганида момом: «Қизим ўқимайди!» деб оёқ тираб туриб олган эди) мен билан бирга мактабга беришга аҳд қилди.

Лекин, бу маслаҳат ҳадеганда амалга ошавермай, бобом билан момом ўртасидаги баҳс-мунозара анчага чўзилди. Момом: «Буларни аввалига эски муллада ўқитиб, икковимиз ҳам нариги дунёнинг қарзидан қутулайлик», деса, бобом: «Ҳеч қандай мулла-пулла керак эмас, тўппа-тўғри совет мактабига оборавераман», деб ўз сўзини маъқуллайди.

Муллага кечалари, қоронғи тушганда бориш керак экан. Момом бўғирсоқ пишириб, товоққа солиб, Арувхон иккимизни икки қўлида етаклай бошласа, бобом бизнинг бўш қўлимиздан маҳкам ушлаб, уйдан чиқармайди. Эрталаблари эса, бизлар уйғонган заҳоти бобом ҳол-жонимизга қўймай, икковимизни икки қўлида мактабга етакласа, бўш қўлларимизга момом тирмашиб, бўсага ҳатлатмайди.

Арувхонга ҳам, менга ҳам бари бир эди: мулла яхшими, муаллим яхшими — билмаймиз, лекин муллага қоронғида обормоқчилигига қараганда, унинг яширинча ўқитмоқчилигини фаҳмлагандек бўлардик.

Ахири бу курашда момом ғалаба қозонди. Рўзанинг биринчи куни кечқурун аммам икковимизни икки

қўлида етаклаб, бўғирсоқ тўла тогорани бошига қўйиб, муллага олиб борди.

Мулла уйида экан. У таёқдай озгин, кўсанамо, юзи оловда обдан куйгаң рапидадек қоп-қора одам экан.

— Ҳа, Бибизоҳида кампир, қизинг билан неварангни ўқишга олиб келдингми? Ниятинг даргоҳида қабул бўлсин! — деди у саждага бош қўйиб ўтирган ола-қуроқ кўрпачасидан қўзғалмай.

— Олиб келдим, муллам. Икковининг ҳам эти сизники, суяги бизники, — деди момом.

Мулла юз тузилиши ўзига ўхшаб кетадиган, холадак озгин ўн беш-ўн олти яшар ўғлига им қоққан эди, бола ташқарига чиқиб кетди. Сал ўтмай, қайтиб кирди-да, отасига «йўқ» дегандек ишора қилди.

Мулланинг айтгани: Худо одамзодни яратиб бўлиб, қафи энди, шу бандамни бошқаларидан ақллироқ, билимлироқ қилиб яратай-чи, деб тагин биттасининг бошига кўпроқ мия қуйибди-да, алоҳида ўқитибди. Вақти келиб уни синаш учун бошқа бандалари қатори олдига чақириб:

— Қани, бандаларим, мен сенларни яратдим, ақл ато қилдим, жамики тирикликка сенларни бош қилиб сайладим. Хўш, менда ҳам камчилик борми? — деб сўрабди.

— Сизда камчилик нима қилсин! Умр бўйи сиздан миннатдор бўлиб яшаймиз, — дебди ҳамма бир овоздан.

Ана шунда унинг алоҳида ўқитиб, ақллироқ қилиб яратган бандаси оҳиста ўрнидан туриб:

— Қудрати чексиз Худойим! Манови бандаларинг нотўғри айтяпти. Ростини айтсам, кўп ишларинг норасо! — дебди.

Худо унинг нималарни назарда тутаётганини фаҳмлабди-да, умматларидан бирига им қоқибди. У илдам бориб, ўша билиман, ақлли одамнинг бошига қора қалпоқ кийдирибди. Қалпоқ одамнинг ақлини камайтириб, билимини йўқотишдек фавқулодда кучга эга экан. Билимли одам бошига қалпоқ кийган заҳоти ўзининг нима деяётганини ҳам тушуниб етмай: «Қодир эгам, мен хом сут эмган бандангни авф эт, хато қилдим!» дебди...

Ана, кўрдингми, яратган эгам ўша қарғишини энди-энди унутиб келаётганида, қорақалпоқ авлодига кўп билим беришнинг кераги йўқ. Беш маҳал номоз ўқишни билса, оз-моз пул санашни билса, шунинг ўзи

бас-да. Совет ҳукумати худога қарши ўқитади. Болаларнинг касрига ота-қорақалпоқ яна Худонинг қарғишига учраб қолмасин, кампир!

Яна: Кўҳна ривоятларда айтилишича, одам боласи лойдан бино бўлган экан. Яратган эгам дастлаб бир гала одамнинг танасини қолипдан чиқарибди-да, ҳар бир танага улаш учун соғроқ туироқдан калла ясаш мақсадида қўшимча лой қорибди. Калланинг лойини обдан қориб пишитибди. Шундай қилиб, каллалар тайёр бўлгач, қатор ётган таналарга битта-биттадан калла улаб кетаверибди. Бироқ ўнтача танага калла етмай қолиб, қўшимча лой ийлашга мажбур бўлибди. Бунга қадар танага уланган каллалар бўш ётмасин деб, уларга вақтинча бош кийим кийдириб қўйибди, Яратган эгам қўшимча каллаларнинг лойи пишиб етилгунча сабри чидмай, уларга биратўласи жон ҳам ато қилиб юборибди. Улар қаторида ҳали бош уланмаган бир гавдага жон битиб, ўрнидан қўзғолибди. Ўша калласи йўқ тана кимнинг бобокалони экани ҳали-ҳануз номаълум, лекин кимда-ким беш вақт номозини қанда қилса, билгинки, ўша бошсиз одамнинг авлоди.

\* \* \*

Беш яшар боланинг ҳам ўзига яраша ўй-фикри бўлади. Мен ўшанда муллани жуда ёмон кўриб қолдим. Бироқ, ноилож эдим, чунки унинг гаплари момомга маъқул келаётганди. Шундай қилиб, аввал-бошда момомга иштиёқ билан эргашиган бўлсам, энди ҳаммаси пучга чиқиб, уйга елсиз пуфакдек бўшашиб-шалвираб қайтдим. Йўл-йўлакай момом ҳам лом-мим демади. Ўша муллани эсласам, ҳали-ҳануз жиним қўзийди. Бечора халқимнинг неча-неча аср бўйи мана шундай туллак муллалар қутқусига лаққа ишониб, уларнинг етакловига ночор эргашиб кечирган умрига қаттиқ ачина бошлайман. Менинг оз сонли халқим Улуғ Октябрь галабасига қадар даврлар суронида сарсари кезиб, ундан номлари оламга машҳур алломалар етишиб чиқмаганига бош сабаб — ўшандай калтабин муллаларнинг касри!

«Яхши билан ҳамроҳ бўлсанг, яхшилик, адолат, ақл-донийш ҳақидаги ҳангомаларни тинглайсан. Ёмон билан ҳамроҳ бўлсанг, ўғрилиқ, зўравонлик, таркидунёчилик ҳақидаги совуқдан совуқ гаплар танангни жунжиктиради», деб насиҳат қиларди бобом.

«Агар от билан эшакни ёнма-ён қўйсанг, эшакнинг нуқси отга кўпроқ уради. Чунки одатда яхшиликдан кўра ёмонлик юқумлироқ бўлади», деб насиҳат қиларди онам.

Уша кунининг эртасига бобом бизларни тонг-саҳарда уйғотиб, мактабга обориш тараддудига тушиб қолди. Нимагадир ўқишга ҳафсалам қолмаган эди, лекин бобомга қаршилиқ қилиб ўрганмаганман — унга эргашдим.

Бир пайтлардаги Шулеён бойнинг уйи мактаб экан. Биз келганимизда, талай болалар йиғилиб улгуришибди. Ораларида ўн беш-ўн олти ёшли ўсмирлар ҳам, қиз болалар ҳам бор.

Муаллим келди. Чамамда, йигирма ёшлардаги, ўта сипо кийинган, истараси иссиқ йигит экан. У бобом билан қуюқ кўришиб:

— Ҳакимниёз ота, неварангиз ҳали ёшга ўхшайди-ку, — деди.

— Ёш бўлсаям қизимдан қолишмаслигига имоним комил, — деди бобом.

— Ундай бўлса, майли, кўрамиз, қолаверсин-чи. Арувхон аммасига эш бўлиб юрар, — дея муаллим рози бўлди.

Муаллимнинг айтгани: Болалар, ўқиш, билимли бўлиш инсон умридаги энг эзгу иш. Ким яхши ўқиб, пухта билим эгалласа, ёлғиз отасининг эмас, ўз халқининг, қолаверса, буткул инсониятнинг асл фарзанди бўлади. Бундай одамлар ҳақида ҳали сизлар кўп нарса билиб оласизлар. Ўқишдан кечикдим, ёшим ўтиб қолди, деб афсусланиш керак эмас. Мен бир мисол айтай. Бизнинг ота-боболаримизга ўхшаб денгиз ёқасида ўсган Ломоносов деган ялангоёқ рус деҳқонининг ўн тўққиз яшар ўғли уйидан қочиб кетади-да, ўқиб-ўрганиб, охир-оқибат, отаси Ломоносов номинигина эмас, бутун рус фанини дунёга танитади. Инсоният номини ҳурмат билан тилга оладиган билимдон одамга айланади.

Муаллим бу гапларини шу қадар ҳаяжонланиб айтдики, «Ломоносов деган бу одамнинг қадрдон жўраси экан-да», деган хаёлга бориш мумкин эди. Шундай хаёлга бордим, ишқилиб:

— Энди ўзингиз ҳақингиздаям гапириб беринг, — деди болалардан бири.

— Мен ҳам сизлардек саводсиз бир деҳқоннинг боласиман. Район марказида очилган беш йиллик мактабда ўқидим...



Гарчи, муаллим ўзи ҳақида қисқагина гапирган бўлса-да, кўпчилик болаларда унга ҳавас уйғонди. Муаллим бизларни эргаштириб қўшни хонага олиб чиқди. У ерда қаторасига териб қўйилган косаларда тўла ширгуручнинг буғи бурқираб турарди. Муаллимнинг кўрсатмасига биноан ҳар биримиз бир косанинг олдига ўтирдик-да, ейишни бошлаб юбордик. Аммам эса косани нарироқ суриб қўйди-да, жимгина ўтираверди. Муаллим унинг ёнига яқинлашиб: «Совутмасдан олсанг-чи!» деган эди, ўшанда ҳам қўл қовуштириб ўтираверди.

— Саҳарлик қилганмидинг? — деб сўради муаллим.

— Ҳа, — деди Арувхон.

— Ё рўза тутасанми? — деб сўради муаллим.

— Саҳарлик қилган одам рўза тутади-да! — деди аммам.

Болалар гурра кулишди.

Аммам нимадандир ҳурккан улоқдек сакраб турди-да, менинг билагимдан маҳкам ушлаганча, эшик томон судради...

Уша-ўша аммам мактабга қайтиб қадам босмади. Аммамнинг бахтига, бу можародан бир ҳафтача ўтар-ўтмас, оиламиз бошқа овулга кўчди. Бунга сабаб, бобомнинг Бекниёз деган туғишган иниси бор эди. Икки оиладан икки одам — нариги уйдан Бекниёз бобомнинг хотини Менгли момом, бизнинг уйдан эса, отам колхозга аъзо эди. Лекин икки оилага ажратилган еримиз бор эди. Бир куни колхоз раиси эшик олдида от ўйнатганча, бобомни чақириб:

— Сенинг уйингдан келинингни, Бекниёзнинг уйдан унинг ўзини колхозга аъзо қилмасанг, овулдан кўчасан, гап шу! — деди-да, бобомдан жавоб ҳам кутмай, дабдурустдан юзига устма-уст қамчи тортиб юборди.

Бобом юзидан оққан қонни сидирганча, донг қотиб қолаверди. Кечқурун иниси — Бекниёз бобом билан маслаҳатлашган эди, у кўчишни таклиф қилди. Отам ҳам кўчиш тарафдори эди. Янги кўчиб келган овулимиз бизларни яхши кутиб олди. Отам ҳам, онам ҳам баб-баравар колхозга аъзо бўлиб кирдилар.

Бобом мени шу овулдаги мактабга олиб борган эди, кичкинасан деб қабул қилилмади. Арувхон учун муаллимнинг ўзи келди, бироқ аммам кўнмади. Бобом ҳам, отам ҳам, онам ҳам, мактабга борсанг-чи, деб қистади, ҳатто ялиниб-ёлворди, у эса момомнинг пинжига суқилиб, бу гапларни эшитмагандек тураверди. Аммам тен-

ги қизларнинг мактабда ўқиб, уйда ўзимга ўхшаш укаларига ҳарф ўргатиб ўтирганларини кўриб ҳавасим келарди. Шунинг учун: «Амма, ўқисангиз-чи!» деганимда, у: «Мулланинг айтганлари эсингдан чиқдим!» деб мени жеркиб берган эди. Мен аммамни мактабга қизиқтириб: «Муаллимнинг гаплари эсингиздами!» деганимда, аммам гапни қисқа қилди: «Ўқишда улгуролмай, бошсиз одамнинг қизи, деган ном олишни истамайман, тамом-вассалом!».

Бобом мени мактабга эртaroқ олишлари учун ҳар қанча жон куйдирмасин, бу ниятига орадан роппароса уч йил ўтгандан кейингина эришди.

## 11

Бир гал нақ қиш чилласида, кечки қорасовуқда бизнинг уйга ёнида тўрт нафар қарияни эргаштириб Кўча бийи келиб қолди. Гарчи, кутилмаган меҳмонлар уй ичини андак ташвишга қўйган бўлсалар-да, ҳамма уларни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Уйимизда тишга босгудек битаю битта товуқ қолган эди, отам уни сўйди, момом патини юлиб, қозонга босди, онам товуқ шўрва билан ейишга қотирмоч нон ёпиш учун бир кепчик жўхорини тозалаб, қўл тегирмонга ўтирди, мен ўзимнинг одатдаги машғулотибга киришдим — ўчоққа ўт ёқишга тутиндим. Бобом меҳмонлар билан ҳангома бошлаб юборди. Аммам уйнинг бир бурчагида укаларимни йиғлатмай-сиқтатмай, ўйнатиб ўтирди.

Қарияларнинг гурунгларида: — Меҳмон кутишдан меҳмон бўлиш оғирроқ. Бунинг сабаби шуки, сен ўзингни кутаётган даражага лойиқсанми, йўқми — билиш осон эмас...

— Бировларнинг берган қаймоғидан ўз онанг берган аччиқ айрон афзалроқ.

— Баъзи уйлар орасидаги борди-келдига теранроқ назар солсанг ғалати бир ҳолни сезасан киши! Бизга ўхшаш оддий одам амалдорроқ бировнинг уйига меҳмон бўлиб борса, ўзи еб-ичадиганидан ташқари уй эгасига ҳам бирон нима олиб боради. Амалдор ўзининг қўл остидаги бировнинг уйига келса, аксинча, қўл қовуштириб келади-да, тўйгунча еб-ичиб, устига-устига, ўзи билан бирон нима олиб кетишни ўйлайди.

— Айрим одамларнинг сахийлиги — уйига келган меҳмонни душмандек кўриб, унинг қўнглини юмшатиш

учун йўл қидираётган устамоннинг туллаглигига ўхшайди.

— Лекин халқимиз очиққўнги. Қайси қорақалпоқ билан учрашсанг, сен билан ҳозир тугул эртага қандай гаплашишни ҳам авзойидан билиб турасан киши...

— Алданганлар орасида бўлсанг ҳам, алдовчилар орасида бўлма, деб боболаримиз бекорга насиҳат қилмаган-да!

— Ибн Сино, қанча мол-дунё тўплама, еган-ичганинг ўзингни, қолгани бошқаларни, деган экан.

— Бўшанглик ҳам, анқовлик ҳам болаликнинг бир белгиси. Халқимиз орасида ҳали одамзоднинг болалик чоғларини бошидан кечираётганлар қанча бўлса, ўттиз-қирқ ёшидаёқ етмиш яшар чолга ўхшаб қолганлар ҳам ўшанча.

— Ҳар қалай, меҳмон кутиш — халқимизнинг азалий удуми. Бировлар меҳмон кутишни ортиқча даҳмаза ҳисоблаб чимиринади. Бу — нодонлик! Меҳмон кутишга ҳамиша шай одам — яхши одам. Одатда бундайлардан ёмонлик чиқмайди.

Қарияларнинг ҳангомаларидан: Юртлардан юртларга ўтиб, қанд билан савдо-сотик қилувчи бир савдогар бир элда муқим яшаб қолибди. Бу ҳол савдогарнинг ўн икки яшар ўғлига ёқмабди. Сабаби — бу юртдаги ёшу қари — барча уззукун меҳнат билан машғул экан. Савдогарнинг ўғли бирга ўйнайдиган бола тополмай, ёлғиз ўзи зерикиб, отасига: «Бу юртдан тезроқ кетайлик», дея ёлворибди.

Ўшанда савдогар қанд сақланадиган омборига ўғлини эргаштириб кирибди-да:

— Қани, ўғлим, икки челақ сув олиб кел-чи, — дебди.

Бола отасининг буйруғини бир зумда бажарибди. Савдогар икки челақ сувни қанд солинган қопларнинг орасига қуйибди. Эртасига тонг-саҳардан яна ўғлини эргаштириб омборга кирибди. Бола қараса, иккала челақда бир томчи ҳам сув қолмаганмиш.

— Болам, челақларни жойига олиб чиқиб қўй, — дебди ота. Бола ажабланиб:

— Ота, буларнинг ичидаги сув қани? — деб сўрабди.

— Мана, кўрдингми, — дебди савдогар ўшанда. — Неча йиллардан бери не-не юртларда қанд сотганман. Бироқ ҳеч бир элда бундай қилолмаганман.

— Нима бўлди ўзи? — деб сўрабди ўғли ҳеч нимани тушунмай.

— Тушунмадингми? — дебди савдогар мамнун илжайиб. — Икки челақ сувнинг оғирлиги бир ботмон. Мана, шу оқшом қандимиз ўз-ўзидан бир ботмонга кўпайиб қолди. Хўл-қуруқнинг фарқига бормай, қанд топилганига хурсанд бўлиб олдимга югургилаб келаверадиган бундай лақма халқни ташлаб қаёққа борамиз? — дебди савдогар.

Ана шунда савдогарнинг ўғли отаси ўйлаб топган шумликни англаб етибди-да, шу ерда яшайверишга рози бўлибди.

Нақл қилишларича, ҳеч кимга шубҳа билан қарамайдиган ўша лақма, соддадил элат одамлари бизнинг боболаримиз экан.

Яна: Бир серфарзанд одам андақ бўш вақт топилди дегунча болаларига ҳар хил ҳунар ўргатиш билан машғул бўларкан. От минишни яхши ўрганган бир ўғли отасидан оқ фотиҳа олиб, қўшни бир овулга от қўйибди. Кечқурун пиёда қайтиб келибди. Бироқ, катта ўлжани қўлга киритгандек ўзида йўқ хурсанд экан.

— Ие, ўғлим, от қани? — деб сўрабди отаси.

— Отимни ўғирлатиб қўйдим, — дебди ўғли.

— Унда нега мунча хурсандсан? — деб сўрабди отаси.

— Отнинг устида ўзим бўлмаганимдан хурсандман-да, — деб тушунтирибди ўғли. — Агар ўзим бўлганимда, сиз ҳам отга, ҳам менга куярдингиз. Ёлғиз ўзим қайғунгизнинг тенг ярмини камайтирдим-ку, қувонмай бўладими! Энди қолган ярмини бошқа болаларингиз снгилаатсин.

Ота ўғлининг бу гапларини эшитиб, аччиғланишини ҳам, кулишини ҳам билмай:

— Менинг ярим қайғумга битта ўзинг балогардон бўлганинг учун сени бошқалардан фарқлаб турадиган нима совға қилсам экан? — дея ўйланиб қолибди-да, болаларига тиктириб қўйган бир уюм қалпоқ ичидан қорасини олиб, унга кийгизибди.

Бугунги подонлигимизнинг сабабларини ўйлай-ўйлай, ўз отасининг қайғусини тенг ярмига камайтириб, мукофотга қора қалпоқ олган ўша одам болаларининг болалари бизлар бўлсак керак, деган хаёлга бораман.

Яна: Бир серфарзанд ота кўклам пайти ҳамма болаларини олдиға йиғиб, уларга инсон ҳаётининг асл моҳияти табиатга, жонли мавжудотларга меҳр-муҳаббат эканлигини тушунтираётган экан. Шу пайт нақ

тепаларидан бир гала оққуш қанотлари шувиллаганча учиб ўтаётганини кўриб қолган бир ўғил апил-тапил бошидаги қалпоғини қўлига олибди-да, учиб кетаётган оққушлар ортидан югурибди.

— Ҳа, ўғлим, мунча шошилмасанг, қаёққа кетяпсан? — деб сўрабди отаси.

— Мени йўлдан қўйманг, ота. Манови учиб кетаётган оққушлардан биронтаси тухум туғса, ерга тушиб пачоқланади-ку! Увол эмасми? Шунинг учун мен қалпоғимга туғдирмоқчиман, — дебди ўғил.

...Бизлар ўша соддадил, оққўнгил йигитдан ўсиб-унган бўлсак ажаб эмас.

Яна: Уша серфарзанд, пири-бадавлат ота болаларини овул чеккасидаги тепаликка олиб чиқиб, уларга ҳаётнинг пасту баландини тушунтириб ўтирган экан, ёнларидан бир уюр йилқи қуюндек елиб ўтиб қолибди. Бир отнинг туёғи тошга тегиб, чақин чақнабди. Отасининг узундан-узоқ насиҳатларини ноилож тинглаб ўтирган бир ўғли ўрнидан учиб туриб, йилқилар ортидан югурибди.

— Ҳой, болам, мендан берухсат қаёққа кетяпсан? — деб сўрабди отаси.

Ўғли эса:

— Совқотиб кетдик-ку, ота! Ҳалиги отнинг туёғидан ўт олиб келмоқчиман, — дея жавоб берибди.

Халқимизнинг супрасидан ун, дастурхонидан нон ариса ҳам, ўчоғидан олов аримайди. Шунисига қараганда, бизлар ўша от туёғидан олов қидириб кетган оққўнгил йигитнинг авлоди бўлсак керак, дея тахмин қилса бўлади.

\* \* \*

Мен бу ҳангомаларга маҳлиё бўлиб ўтирганимда онам тегирмондаги унни сидириб, ўша холам берган каттакон тоғорага солиб хамир қоришга тушганини билман, бир пайт ўнг оёғим жизиллаб ачишди. Муқдрий бошлаганимни сезиб, кўзларимни очиб қарасам, ўнг оёғимнинг бош бармоқлари орасидан қон сизяпти. Онам чап қўли билан оташкуракни қўлимга тутқазиб: «Ух-лама, эшит!», деб шивирлайди. Ушандагина қўлимдан тушиб, ўчоқ тафтида қизиб турган оташкуракнинг учи оёғимга босилганини англаб етдим. Уйқудан асар ҳам қолмади. Йиғлай десам, онамдан қўрқаман. Онам меҳ-

монларга сездирмайгина оёғимдан оққан қон устига бир чимдим совуқ кул сепди. Қон-ку, кул остида қолди, бироқ оёғимнинг ачишиб оғриши баттар кучайди, шунда ҳам чидадим.

\* \* \*

Бу ёруғ оламга кимлар келиб, кимлар кетмаган!

— Мен бу бепоеён оламни кўнглимга сиғдириб яшадим. Бироқ, ўзим бу кенг оламга сиғмадим, — деган экан девонаи Машраб.

— Мен ўлганда садақа берманг, кўзим очиқлигида оч-юпунларга ўзим кўп садақа бердим, — деган экан Маҳтумқули.

— Эл-юрт юкини елкангда кўтариб, кам қувониб, кўп дард чеккинг келса — шоир бўл, — деган экан Бердақ.

— Менинг умр йўлим — халқимнинг умр йўли, халқимнинг умр йўли — менинг умр йўлим, — деган экан Жиян жиров...

Бир гал Чимбой қалъасининг ҳокими ёш шоирлар мусобақасини ўтказибди. Ёш Бердақ шоирнинг шеърлари бошқаларникидан зўрроқ чиқиб, ҳоким унга беш тилло инъом этибди. Умида бунча кўп пул ушлаб кўрмаган ёш шоир эшикдан ташқарига чиқиш учун йўналган экан, рўпарасидан икки навкар устидан балиқ ҳиди анқиётган бир одамни судраб, шаҳар ҳокимининг олдига олиб кираверибди.

— Ҳоким ҳазратлари, — дебди навкарлардан бири. — Манови одам Орол денгизидан балиқ тутиб, шаҳарга олиб келиб сотиш билан шуғулланади. Бугун у балигини сиз белгилаб қўйган нархдан қимматроққа сотмоқчи бўлди.

— Тўққиз дарра урилсин! — деб буюрибди ҳоким ўйлаб ўтирмай.

— Ҳоким ҳазратлари, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, — дебди ўшанда ёш Бердақ. — Сиз ҳозиргина менинг шеърларим учун беш тилло бердингиз. Манови балиқчи — менинг отам Қарғабой бўлади. Агар бу одам балиқ ушлаб сотиб, мени ўқитмаганида, мен бугун сизни улуғлаш бахтига эришмаган бўлардим. Шунинг учун отам Қарғабойни эмас, уни ўқитмай, оч-юпун балиқчи ҳолида қолдириб кетган отасини топиб жазоласангиз тўғрироқ бўлар эди, — дебди.

— Яша, Бердақ, тилиннга қаймоқ. Сенга шундай бийрон тил берган онаннга раҳмат! — дебди шаҳар ҳоқими, бу бамаъни гапдан таъсирланиб, сўнг навкарларига буюрибди. — Шоирнинг отасини озод қилиб, зарбон чўпон кийгизинглар.

— Уринли айтилган сўз бамисоли мўмиёи асил — ҳар қандай касалга шифо бағишлайди.

— Сўз бамисоли палахмон тоши — бориб тушган жойини қўпориб юборади. Сўз бамисоли ҳаво — қафасга қамаб, занжирбанд қилиб бўлмайди. Сўз бамисоли одамни юксалтирувчи қўш қанот. Сўздан тўғри фойдаланолган Бердақ шоирнинг тупроғи енгил бўлсин!

— Болаларимизга доно шоирнинг йўлини берсин! Улар оёғидан қоқилсалар ҳам, тилидан қоқилмасинлар.

\* \* \*

Меҳмон чолларнинг бу ҳангомаларига иштиёқим шунчалик эканки, оёғимнинг ачишганини батамом унутиб: «Қани, мен ҳам шундай шоир бўлсам эди!» дея орзиқиб қўйдим.

Бу менда кимгадир ўхшаш истагининг илк бор уйғониши эди.

Бобом, худди хаёлларимни уқаётгандек, мен тарафга тикилганча, андак жим қолди-да, кутилмаганда орзиқиб:

— Қани, меҳмонлар, менинг неварамга оқ фотиҳа беринглар-чи, у ҳам эл юкини кўтара оладиган шоир бўлсин, — деди.

Қариялар менга синчковлик билан тикилиб қолишди.

— Нечанчи синфда ўқийсан? — деб сўради бир чол.

— Учинчида, — дедим мен.

Суҳбатга аралашавермай, кўпроқ тинглаб, ўчоқдаги олов тафтида мудрабми, хаёл сурибми кўксига тушган қордай оппоқ соқолини бармоқлари билан тароқлаганча, кўзларини юмиб ўтирган қария бирданига сергак тортиб, менга тикилди. Алланечук нурсиз, бироқ катта-катта кўзлари жуда ўткир экан, мен ерга қарадим. У гап бошлади:

— Ун икки яшар пайтимда бир шеър ёзиб, отамга ўқиб берган эдим. Отам қувона-қувона ўша кунидек мени Бердақ шоирнинг олдига оқ фотиҳа учун олиб борди. Бердақ шоир озгин-қотма, бир оз сийрақроқ соқолига энди-энди оқ оралай бошлаган одам экан. Шеъримни ўта диққат билан тинглаб ўтирди-да, шундай

деди: «Болам, ҳали ҳаётни чалароқ тушунар экансан. Шоир энг аввал ҳаётнинг нималигини теран тушуниши керак. Бироқ, бу ўта қийин иш. Бир қарашда, ҳаёт сену мен, шу кўзга кўриниб турган нарсалар. Аслида ҳаёт деганлари — ўт билан сув, гул билан тикан, қуёш билан зулмат, кулгу билан йиғи, инсоний руҳ билан ҳайвоний руҳ аралаш-қуралаш тугилган бир тугун. Бизга қадар бу тугунни тузук-қуруқ ечиб, ичидагиларини бир-биридан дурустроқ ажратиб берган одамни топишнинг ўзи қийин. Балки бундай одам биздан кейин туғилар. Бироқ, ҳар бир тирик жон ҳаётни ўзича тушуниб, ҳаёт менинг бу ёруғ оламни кўрар кўзларим деса, унинг бир кўзи — муҳаббат, иккинчиси — дўстлик. Агар, умр — мен таяниб турган икки оёғим деса, бири — муҳаббат, иккинчиси — дўстлик». Бу гапларни эшитган отам қўрқиб, Бердақдан оқ фотиҳа сўрамади, мен ҳам шоир бўлиш ниятидан воз кечдим.

— Маҳтумқули болалигида эски, серқатнов кўприкнинг остида уч кун ухлаган экан, шоир бўлиб уйғонибди, — дея гап қўшди меҳмонлардан бири.

Ҳамма бир мuddат жим қолди.

Бобом деди: Менинг неварам кўприкнинг остида Маҳтумқулига ўхшаб уч кун эмас, етти кун ухлашга чидайди. «Ҳаёт» деганлари бўлса, у қадар тушуниб бўлмайдиган жумбоқ эмас. Гап шундаки, уни ҳар ким ҳар хил тушунаверади. Мен, масалан, эллик ёшимда тушундим.

Воқеа бундай бўлди: болалиқдан қадрдон бир дўстим бор эди. Ёшлигиданоқ бошқаларга ўхшаб ўйинкулгу билан иши бўлавермасди. Ута камгап, меҳнаткаш эди. Мен гоҳида уни масхара қилиб: «Одам деган ҳам бунчалик тиним билмай ишлаверадими?» десам, у: «Аввал уйланиб олай, ана ундан кейин дам олавераман», дерди. Уйланди. Лекин ўша меҳнати — ўша меҳнат. Бир куни унинг олдига бориб, уйлангандан кейин дам олавераман, деган эдинг, нега яна тиним билмайсан, деб сўрадим. У мийиғида кулиб: «Болаларим ёш, энди шуларни одам қаторига қўшиб олай, кейин...» деди. Кетдим. Орадан талай йиллар ўтиб, энди болалари эр етди-ку, қарилик гаштини суриб юргандир, деб қидириб борсам, ўзи йўқ. Дунёдан кўз юмибди. «Умр деганлари шу экан-да!» деб ўйлаб қолдим. Азиз меҳмонлар, мен неварамга умрнинг нималигини тушунти-



ришдан ҳеч қачон чарчамаганман, чарчамайман. Нева-  
рамга сизларнинг оқ фотиҳаларингиз керак.

— Неварангга узоқ умр тилама, мазмунли умр тила, —  
деди давранинг бир бурчида бош тебратиб ўтирган  
бир қария. — Ёшлигимда хизматларини қилсам, қария-  
лар: «Умринг узоқ бўлсин, болам», деб дуо қиларди.  
Бу дуони эшитиб, бошим кўкка етгудек бўларди. Сабаби,  
онам мени тугаман деб оламдан ўтган. Тўққиз ёшимда  
отам сувга чўкиб ўлган. Уша дуо-фотиҳалар зоо  
кетмадим; мана, 90 ёшга етиб келдим, икки тиззамдан  
мадор кетди, кўзларимда нур қолмади, қулоқларим  
оғирлашди. Бу даврага ҳам ҳали эварам етаклаб  
келди. Агар шу алфозда яна ўн йил яшайдиган бўлсам,  
ҳолим не кечади, ҳайронман. Ростини айтсам, буёғига  
энди яшагим йўқ. Сабаби — мени биладиган тенгдош-  
ларим қолмади ҳисоб. Менимча, умр — ўзинг яшай  
олсанг қизиқ. Ҳар куни эрталаб менга хизмат қилиш  
учун бир эварам мактабидан кеч қолади. Бошқаларнинг  
оёғига тушов бўлиб кўрган кунинг кун эмас экан  
асти!

Қариялар худди тубсиз чоҳ рўпарасида тургандек  
ваҳима аралаш оғир энтиқдилар.

— Ҳаёт, бари бир, ўз билганидан қолмайди, ҳеч  
кимга бўйсунмайди, — деди бобом.

— Ҳакимниёз, сенинг уйқучи неваранг оёғига онаси  
оташкурак босгани учун ноилождан гап тинглаб  
ўтирган эди, шекилли. Ҳа, майли, сўзинг ерда қолмасин.  
Қани, ўтёқар, қаддингни тик тутиб, ўрнингдан тур,  
қўлингни оч, — деб буюрди кўсанамо чол менга.

Онам елкамдан кўтариб ўзи ҳам ўрнидан кўзгалди.

Бобом ухлаб қолган отамни, кичик неваралари ора-  
сида ётган момонни уйқуларидан уйғотиб келди.

Ҳаммамиз фотиҳага қўл очдик.

Қариялар:

— Ҳакимниёз оқсоқолнинг тўнғич невараси Тўлеп-  
берген шоир бўлсин! — дея оқ фотиҳа бердилар.

Меҳмонлар уйдан чиқар-чиқмас, оёғимнинг ачишиб  
оғриши дарров сезилди. Қонталашиб, шишиб кетган  
оёғимни босолмай ҳақкалаб бориб, тўрда тўшалган  
йиртиқ-ямоқ кигизинг устига ўзимни ташладим.

Шоир бўлиш орзуси оёғимнинг оғришини андак  
енгиллатганга ўшарди. Шу пайт хаёлимга бошқа бир  
уй ўрнашиб олди: «Шоир аввало ҳаётнинг нималигини  
теран тушуниши керак...» Бердақ шоир айтган бу гап  
мен учун ечилмас жумбоқ бўлиб туюлди. Оташкурак

жароҳатлаган оёғим ўрнига энди бошим оғрий бошла-  
ди: «Ҳаёт дегани нима ўзи?..»

...Шундай қилиб, ҳаёт дегани нима ўзи?

Бу саволга жавоб ахтариб бош қотирмайдиган одам  
бормикин? Менимча йўқ бўлса керак!

Ҳаётни тушуниш учун қанчалик кўп ва теран ўйла-  
сангиз, шунчалик тушунарсиз туюлаверади.

Ҳаётда ҳамма жонзотлар жуфт-жуфт бўлиб яшайди.  
Бундай яшаш ҳаётни давом эттириш, уни янги босқичга  
кўтариш учун зарур.

Узаро қарама-қарши икки жинс дунёда тирикликни  
давом эттиради.

Ҳаёт кун ва тундан таркиб топади.

Қарама-қарши зарядлар одамзод учун зарур ёруғлик  
манбаини ҳосил қилади.

Кулгу ва йиғи одамзоднинг яшаётганидан далолат  
бериб тургандай...

Одамлар бор — меҳри дарёи азим.

Одамлар бор — қаҳри тош — метин.

Одамлар бор — бири ўт, иккинчиси сув.

Агар шуларнинг бир қутби бўлмаса, иккинчи қут-  
бининг ўзи билангина ҳаёт тўқис-тугал бўлармиди?

Асло!

Шундай экан, ҳаёт дегани, инсоний умр дегани нима  
ўзи?

Умр — бу дунёга келиш ва кетиш оралиғидаги  
масофа.

Дунёда миллиард-миллиард йиллардан буён ҳаёт мав-  
жуд бўлганлиги маълум. Модомики шундай экан, ҳар  
бир одам боласи бу дунёга келиб-кетар экан, авлод-  
ларга қандай мерос қолдиради?

Авалло, бобо Қуёш билан она-Заминни!

Қуёш билан ерни бизлар ҳам келгуси авлодларга  
мерос қилиб қолдиришимиз керак.

Ҳаёт шундангина иборатми?

Йўқ! Инсоний тирикликнинг маъносию мазмуни  
чексиз. Бироқ энг асосий маъноси иккита.

Ҳаёт — одамнинг одам билан, авлодларнинг авлодлар  
билан **ДУСТАЛИГИ**.

Ҳаёт — одамнинг одамга, авлодларнинг авлодларга  
**МУҲАББАТИ**.

Менинг ҳаётим ўлганимдан кейин бошланади, деган экан Бердақ шоир.

Ҳаёт — халқ бахти учун курашиб яшаш, ҳар бир одам шу мақсад йўлида чақиндек чақнаб, баҳордек яшнаб яшамоғи керак, дея васият қилган Эрназар олакўз.

Қариялар гурунғидан: — Ҳаётнинг ўзи баҳор эмас, ҳаётни меҳнат баҳордек яшнатади.

— Умр яккаш баҳор бўлганида қишнинг нималигини, умр яккаш қиш бўлганида ёзнинг, кузнинг нималигини билмай қолиш хавфи бор. Шунинг учун умрнинг тўрттала фасли ҳам керак.

— Бизнинг кенг даламиз осмонўпар тоғларга боқиб, юксак тоғ бўлишни орзу қилади. Юксак тоғлар эса, кенг дала бўлишни орзу қилса эҳтимол...

— Тоғ қанчалик баланд бўлса, унинг бағри шунчалик совуқ: унда мангулик қор ётади, муз ётади. Кенг дала эса, ҳар мавсумда ўзгариб туради... Табиат ҳодисалари одамзод ҳаётини теранроқ англашнинг бир воситасига ўхшайди, кишини муқоясага ундайди.

— Баъзилар ўзини ҳаёт безагига айлантириш учун яшасалар, баъзи бировлар, аксинча, ҳаётни ўзига зебу зийнатга айлантириш илинжида яшаб юргандек. Ҳаётнинг мана шундай паст-баландини теран англаб яшаш кони азоб. Бундай одам кўп ҳолларда эҳтиёткор, қўрқоқ бўлиб қолади. Бироқ ҳаётда энг даҳшатли нарса — қувлик-шумлик, макр-ҳийла аралашган иш. Маккорлик худди юмшоққина кулга ўралиб олган чўққа ўхшайди, кули кафтинга хуш ёқади-ю, қўлинг куйганини билмай қоласан.

— Кўп одамлар донолик билан шумликни фарқлай олмайди. Аслида улар ўзаро зид нарсалар. Донога ҳамма эргашади, шумликдан ҳамма қочади. Мабодо оқил одам шумлик йўлига ўтдим, гуручнинг — курмакка, бугдойнинг — сулига айлангани мана шу! Бундай одам бамисоли кўринмас чоҳ. Яхшиямки, кўпинча одам боласи бировга қазиган чоҳга ўзи йиқилади.

— Агар маккор кимса қошидаги бир-икки одамни алдаб-лақиллатса, бунга тоқат қилиш мумкиндир. Бироқ, каттакон бир идоранинг бошлиғи ё бутун бир халқ номидан сўзлаш имкониятига эга бўлган одам маккорлик қилса, халқнинг ҳолига вой деяверинг!

— Ҳаётдаги энг хатарли иллат — баднафслик касали. Одам ҳаётни тўғри англаб етмоқчи бўлса, яна ёлғондан, бузгунчиликдан, халқ номига иснод келтиришдан сақланмоғи керак.

Кўча бийининг айтгани: Бир қўшнимизнинг эр етган ўғли жаҳолат устида отасига қўл кўтарганини кўрганман. Ушанда қўни-қўшнилари йиғилишиб, уларни ажратиш учун йигитнинг қўлига ёпишдик.

— Ҳой, яхшилар! Бизнинг ишимизга аралашмаганларингиз маъқул. Аввал-бошдан оталик бурчини тузукроқ адо этолмаган одамнинг жазоси шу. Биринчидан, бу одам ёшлигида ўз отасини (менинг бобомни) кўп уқубатларга дучор қилди. Мен ўз уямда кўрган ишимни қиялман. Иккинчидан, мени ўқитмай, қатордан паст қилиб қўйди. Энди унга жоҳилликнинг нималигини кўрсатаялман. Учинчидан, бу одам ҳар куни кечқурун ичкари уйга биқиниб оларди-да, ёнига пичоқни қўйиб, онамдан яширин пул санарди. Энди билсам, бу одам порахўр экан. Ушланмаган порахўрни бугун ўзим ушлаб, савалаялман, — деди ўғил газабдан бўғриқиб.

Мен ўшанда ҳаётнинг яна бир паст-баландини тушундим.

Қариялар гурунгида: — Ота меҳрини туймаган фарзанд ҳам, ўз фарзандининг эртасини ўйламаган ота ҳам бир-бирларининг умрига завола бўлади. Улар аввало ўзларига, қолаверса, халқига иснод келтиради.

— Одам боласи ўздан баландроқларга тенглашиш учун бўй чўзиб яшайди. Бироқ, ҳар бир тирик жон бу дунёни ўзича кўради, ўзича ҳис қилади.

— Денгиз ҳам ирмоқлардан йиғилганидай, бу дунёда ҳар бир одамнинг ўз феъл-атвори, ўз ақл-идроки билан ё уммонга бориб қўшилади, ё ярим йўлда қуриб битади.

— Ахир, ҳаётда нодонлик борки, донолик бор, донолик борки, нодонлик бор, деганлар ақли расола.

— Беш бармоқ баравар бўлганида, мушт қаёқда эди! Ҳаётни ҳар ким ўзича тушунгани учун ҳам бу ҳаёт бор-да!

— Боғ ҳар хил меваси билан файзли бўлганидай, ҳаёт ҳам ўзининг серқирралиги, хилма-хиллиги билан гўзал.

Кўча бийининг айтгани: Бир куни эшик олдида турсам, қўшним нимадандир хафа бўлиб, бўшашганча келаётган экан. Қўшнинг шод — сен шод, қўшнинг хафа — сен хафа, дейди халқимиз. Кўшнидан кўнгил сўраш учун кечқурун уйига чиқдим. Ёлғиз ўзи уйда хаёл суриб ётган экан, мени кўриб ноилож, хушламайроқ ўрнидан қўзғалди. Шу орада тўрт яшар ўғилчаси кириб, эркаланиб орқасига тирмашган эди, у болакайни алаҳситиш, қолаверса, ҳолироқ гаплашиш учун:

— Қўрага кириб қара-чи, болам, товуқ тухум қилдимикин? — деди.

Болакай отасининг буйруғини эшитган заҳоти ташқарига чопқиллади.

— Қани энди қўл остимдагилар ҳам мана шу боламдай итоаткор бўлганда эди, олам гулистон бўларди-я! — деди қўшним оғир хўрсиниб.

Аҳвол менга бир қадар ойдинлашгандай бўлди.

— Начора, одамзод болалик даврига энди ҳеч қачон қайтолмайди, — дедим уни юпатмоқчи бўлиб.

Қўшним бошини ҳам қилганча, гапнинг пўст калласини айтди-қўйди:

— Кичик бир идорага бошлиқ эдим. Бугун мажлисда «Нотўғри буйруқ беради», «Орқа-олдига қараб иш кўрмайди», деб ҳамма мени сиқувга олса, буниси етмагандек, сайлов қогозидан номимни ўчириб ташлашса бўладими!

Мен унга ҳамдарлик билдириб:

— Ҳаёт шунақа экан-да! — дедим.

У оғир хўрсинди:

— Ҳа, ҳаёт оқимига қарши сузмоқчи бўлган одамнинг ҳоли шу экан...

Ҳар бир мансабдор одам қўл остидагиларнинг нафратига дучор бўлмай туриб, номаъқул ишлари билан уларда норозилик уйғотгани учун, аввало ўзини айблаши, ўзини ўзи жазолаши керак.

Нодонга ақл киришини кутмоқчи бўлсанг, қўл қовуштириб ўтиравермай, ўзингни, қолаверса халқингни улуғлайдиган бирон-бир фойдали иш билан бетиним машғул бўлиб кут, — дерди онам.

Мансаб — кимгадир қанот, кимгадир — чироқ бўлиб хизмат қилади.

Мансаб — сенинг ҳаётинг ўзинггагина эмас, бошқаларга ҳам даркорлигини англайтиш учун сенга боғланган қўш қанот, ўзингу бошқаларнинг йўлини ёритувчи нур, дерди отам.

Бобомнинг айтгани: Қадимда ўтган бир бойнинг арзанда, ишқмас ўғли бор экан. Кўзим очиқлигида бунинг овул бошқарганини кўрай, деб, хон ҳузурига борибди-да, унинг овулга бий қилиб тайинлангани ҳақида фармон олиб келибди. Орадан кўп ўтмай, бой дардга чалиниб, ўлими олдидан ўғлига:

— Уғлим, бир насиҳат айтсам, бажарасанми? — дебди.

— Бажараман, — дебди ўғли.

— Мабодо қўл остингдагилар сенинг тўғри гапингга ишонмай қўйгудек бўлса, бундай қилиб кўрган кунингдан ўлганинг яхши, нариги уйнинг харисига дор боғла-да, ўзингни ўзинг ос, — дебди.

Ёш бий бепаросатроқ экан, ёр-жўраларига ёқиш умидида буд-шудини совуриб, кафангадо бўлибди. Унинг хазинага қўшгулик мол-дунёси қолмаганини билган хон саройга чақириб, мансабидан бенасиб қилибди. Ёш бий хафа бўлиб келаётган экан, олдидан бир йўлбарс чиқиб, унга ҳамла қилибди. Узоқ олишувлардан сўнг йигит йўлбарсни ўлдирибди. Овулга етиб келса, улфат-жўралари бир уйда базм қуриб ўтиришган экан. Уларнинг олдига кириб, андак нафас ростлагач, хон саройидан қайтишда йўлда йўлбарсга рўпара келганини, уни қандай қилиб ўлдирганини айтиб берибди.

— Ёлғон ҳам эви билан-да! Одамни лақиллатмоқчи бўласан-а! — дебди жўралари бири олиб, бири қўйиб. — Йўлбарснинг ёлғиз одамга бўй бериши осонми!

Йигит ўжарланиб ҳар қанча тушунтирмасин, бари бир уларнинг ишонмаслигига ич-ичдан иқрор бўлиб, уйига қайтиб келибди. Ота васиятига кўра ичкари хонага келини олиб кириб, харига арқон ташлаб, бир учини бўйнига боғлабди-да, келини оёқлари билан тепиб юборибди. Унинг салмоғига хари қирсиллаб синиб кетибди. Харининг ичи ковак бўлиб, ковак ҳар хил тилло, кумуш тангаларга тўла экан, бошидан шовва қуйилибди.

Йигит тангаларнинг бир қисмини хонга олиб бориб, ўзининг бийлик лавозимини қайтариб олибди. Хоннинг олдидан келган кунисқ бир уйда базм қуриб ўтиришган ёр-биродарларининг олдига кириб борибди. Саройга нима мақсадда борганини, хондан ўзининг бийлигини қандай қайтариб олганини айтиб берибди. Бу гапни эшитиб, ҳамма уни ўзидан тўрроққа ўтқазиш илинжида ўрнидан тура бошлабди.

— Ё тавба, ҳадеб менга йўлбарс рўпара келаверади-я! — дебди йигит тўрга чиқиб ўтиргач, жўрттага. —

Бу ёққа қайтиб келаётганимда, йўлда нақд еттита йўлбарс олдимдан чиқса бўладими! Отдан тушдим-у, унисини у ёққа, бунисини бу ёққа улоқтирдим. Етталаси ҳам ер тишлаб қолди!

— Тўғри айтасан!— дебди ўтирганлар унинг гапларини маъқуллаб. — Мен бир одамнинг олтига йўлбарсни ўлдирганини кўрганман-у...

— Мен бирваракайига ўнта йўлбарсни енгган одам билан гаплашганман.

— Сиздай мард дунёга бир марта келади!..

Йигит бир муддат жим қолибди-да:

— Вой, фалакнинг гардиши-ей!— дебди оғир хўрсиниб.

Қарияларнинг ҳангомаларидан: Қадимда Беккелди исмли бир бий бу дунёдан кўз юмибди. Беккелди хоннинг энг севимли бийларидан бўлган экан. Шунинг учун биратўласи унинг ўрнига Дўсткелди деган инисини бий қилиб тайинлаш мақсадида хон жанозага келибди. Беккелдининг жанозасига хоннинг ўзи қатнашаётгани учун фотиҳага жуда кўп одам йиғилибди. Фотиҳадан сўнг хон ҳамманинг уй-уйига кетишига ижозат бериб, улар кўздан йироқлашганда Дўсткелдини қошига чақирибди:

— Сен анови оломонни қайта йиғиб кел, уларга бир гап айтишни нутибман,— дебди.

— Ие, хон ҳазратлари, улар менинг чақирганимга кела қолишмайди-ку,— дебди. Дўсткелди астойдил ажабланиб.

— О-о, бечора Дўсткелди! Уларнинг гапингга итоат этмаслигини билмайди деб ўйлайсан шекилли? Уларнинг ортидан бориб: «Сизларни хон чақиряпти!» деб менинг номимдан гапиришга фаҳминг етмади-я! Мен сени овулингга Беккелди бий қилиб кетмоқчи бўлсам, сен бечора Дўсткелди бўлиб қолаверишни сўраб турибсан-а!— дебди хон.

Кўча бийининг айтгани: Тилим заҳарроқ бўлгани учун колхозимизнинг аввалги раиси билан икковимизнинг юлдузимиз тўғри келмай қолди. У кўпчиликнинг олдида лом-мим демасди-ю, икковимиз ҳоли қолгудек бўлсак: «Сен овулдан кўчиб кет, менинг обрўйимга путур етказяпсан», деяверарди. «Қанақа путур?», деб сўрасам: «Айрим одамлар маслаҳат сўраб менинг олдим-

га келишнинг ўрнига сенинг олдинга бораркан», дерди. Тўғриси айтсам, бундай обрўйим борлигини сезмаган эканман. Ичимда ўзимдан мамнун бўлсам-да, оз-моз қўрқай дедим. Сабаби колхозда амали ҳаммадан юқори одам билан сан-манга бориш кундалик тирикчилигимни танг аҳволга солиб қўйиши мумкин-да! Унақасига ўйланиб, бунақасига ўйланиб, ахири районда милиция бошлиғи бўлиб ишлайдиган жиянимнинг идорасига бордим. У мени кўриши билан қабулидаги одамларга рухсат бериб юборди-да, хавотирланиб қаради:

— Тинчликми? Кимнинг устидан шикоят қилиб келдингиз? — деб сўради.

— Шундай, ўзим... — дедим мен.

Жияним:

— Биз шикоят билан келувчиларни тинглаб ўрганганмиз-да, — деб ўзини оқлаган бўлди. — Кейин: — У ҳолда, менга қандай илтимосингиз бор? — деб сўради.

— Ёлғиз илтимосим шуки, колхозимизга борганинг-да раис билан гаплашиб қайтавермай, мени олдинга чақиртириб, қўлимни олсанг бўлди, бошқа тилагим йўқ, — дедим.

— Илтимосингизни ўшанда айтасизми? — деб сўради у тагдор қилиб.

— Вақтида кўрамиз-да, — дедим мен ҳам маъноли кулиб.

У кула-кула хайрлашиб қолди. Бир куни мактабдаги ота-оналар йигилишидан уйга қайтиб келаётувдим, шаҳар тарафдан бир машина зувллаб келаверди. Олдини кесиб ўтишга улгуролмай, кутиб туришга мажбур бўлдим. Машина рўпарамга келганида «гийёқ» этиб тўхтади. Ичидан милиция бошлиғи сакраб тушди-да: «Ие, тоға, ассалому-алайкум!» деб қўлимни олди. Шу орада машинадан яна бир одам чиқиб келди. Қарасам — колхозимизнинг раиси! У ҳам: «Ие, ие, ассалому алайкум овулимизнинг министрига!» деб қуюқ саломлашди. Милиция бошлиғи ҳол сўрай кетди: «Аҳволларингиз қандай, тоға? Яхши юрибсизми? Менга қандай илтимосингиз бор?...» «Раҳмат, аҳволим яхши, бироқ яхши одамнинг айтганлари бўлавермас экан, начора», дедим. «Қани, хўш, машинага ўтиринг, уйингизга обориб қўяйлик», деди жиян. «Раҳмат, сизлар, шошилиб турганга ўхшайсизлар, менинг манови уйда бир ишим бор эди», дея ёлгондакам йўлнинг нариги тарафидаги бир уйга ишора қилдим.

У қуюқ хайрлашиб, машинасига ўтирди.



Уша-ўша колхоз раиси мени кўрган ерида тўхтаб саломлашадиган бўлди, аввалги дўқ-пўписалардан асар ҳам қолмади.

Қариялар гурунғидан: Агар амал ва амалдорлар ҳақида гап қўзғалса, авваллари: «Амал берсанг бойга бер, унинг кўзи тўқ бўлганлиги учун порахўрлик қилавермайди», дейишарди. Октябрь инқилобидан сўнг: «Мансаб берсанг — камбағалга бер, у бошқаларни ҳам ўзига тенг кўриб, барчани баравар тўйдириш ҳаракатини қилади», дейиладиган бўлди.

— Мен ўз умримда кўп мансабдорларни кўриб, мансабдан фойдаланишнинг уч йўли борлигини сездим. Мансаб бировлар учун гулқайчидек гап экан: гулқайчи бачки шохларни кесгандек, ўзига ёқмаган хизматчиларни ишдан четлаштираверади. Мансаб — яна бировлар учун бамисоли соявондек экан: ҳаммага ғамхўрлик қилаётгандек кўриниш мақсадида саноқлигина яхши одамларга қўшиб яккаш лаганбардорларни соясига олавераркан. Мансаб — учинчи бир одамлар учун очиқ-ойдин осмонга ўхшаркан: унинг остида мансабдорларнинг ўзи ҳам, бошқалар ҳам эмин-эркин, баҳамжиҳат яшайверишаркан.

— Идорамизнинг аввалги директори суяги йирик одам эди. Эркак туяқушдек ҳамиша тумшуғи қизариб юрарди. Мансабдан бўшатиш куни одамлар уни курк бўлган товуққа ўхшатишди. «Ана мансабдорнинг аҳволи!» дейишди.

— Мансаб — кўпчиликнинг бир одамда мужассамлашган куч-қудрати, халқ иродаси.

— Мансаб — кўзга кўринмас нур, кимнидир ёритади, кимгадир соя ташлайди.

— Мансабдор одам уч ҳолда ёмон аҳволга тушиб қолади: биринчиси мансаб курсисига ўтиргач, ўз иродасининг коллектив иродасига айланганини сезмай, ўзинигина ўйлашда давом этаверса; иккинчиси — мансаби ўзидан қуйироқларга — қашқир, юқорироқларга — тулки терисини ёпиниб муомала қиладиган устаси фаранг бўлса; учинчиси — ўзига яқинларни гул, узоқроқларни найза билан кутиб оладиган бўлса.

— Буларнинг барчаси билган одамга — ҳаёт мактабидан олинган сабоқлар.

Бобомнинг айтгани: Мен ёшлигимда оқсоқол-қарияларнинг хизматларини қилиб, икки хил олқиш эшитар-

дим. Бирлари: «Уйингда мушугинг кўп бўлсин», деб дуо қилса, бошқалари: «Уйинг олтинга тўлсин!» деб дуо қилишарди. Биринчи хил дуо қилганларни ёқтирмай, иккинчи тилакни эшитганда хурсанд бўлардим. Энди ўйлаб қарасам, биринчи хил дуоғўйлар уйингда дон кўп бўлишини тиларканлар: бир йили эккан буғдойимиз мўл ҳосил бериб, уйимиз дон-дунга чунонам тўлиб-тошдики, уйда сичқонлар кўпайиб кетди. Ушанда битта эмас, иккита мушук асрашга мажбур бўлдик. Кейин, улар ҳам болалаб берди десангиз. Ҳар қалай, уйингда дон мўллигига нима етсин!

«Уйинг олтинга тўлсин!», деганлари олқиш эмас, аслида қарғиш экан. Қўшним савдогар эди. Уйда тилло-си кўпайди. Ўзи, аёли, қизлари у ёқда турсин, ўғиллари ҳам бармоқларига узук тақиб юрадиган одат чиқаришди. Олтин одамнинг ақл-ҳушини ўғирлаб қўяди шекилли, уларнинг уйларидан жанжал аримасди. Бир қарасангиз: «Ўғли аллақайси шаҳарда қўлга тушиб, қамалибди», яна бир қарасангиз: «Суюқоёқлиги учун қизини эри ҳайдаб юборибди», деган совуқ хабарлар эшитилади, денг. Орадан кўп ўтмай, ўша савдогар таниш бир дўкондор билан ўз хотинини ушлаб олиб ўлдиргани учун қамалиб кетди. Яна кўп ўтмай: «Савдогарни қамоқда аллаким пичоқлаб ўлдирибди», деган хабар келди.

Ҳозир ўша олтин тўлиб-тошган уй ўрни тап-тақир майдонлик. Бунақа ерда ўсимлик ҳам ўсмас экан.

Мана, буни ҳам ҳаёт дейдилар.

Кўча бийининг айтгани: Бир пайтлар шаҳарда яшайдиган тоғамнинг ўғли тўй қилган эди. Беточар пайти ҳамма янги келинни бир кўриш умидида уймалашиб турувди. Даврадан четроқда турган бир аёлга кўзим тушиб қолди. Ёнидан ўтаётган одам, шу моховга бирон ерим тегиб кетмасин, дегандек четлаброқ ўтади. Аёлни сув остидаги тошдек йилтиллаган кўзлари теваракка жовдираб боқади. Фижимланган қоғоздек буришиб-тиришган юзларида аллақандай надомат, мунг балқийди. Мен бу аёлни дастлаб йигирма беш йил аввал — шу тобда уйланаётган йигитнинг туғилган кунига атаб берилган зиёфатда кўрган эдим. Уша зиёфатга йигилганлар бир пайт: «Ҳозир Айтжоновнинг хотини келармиш», дея шивирлашиб, тарадудланиб қолишди. Орадан сал ўтмай, аллакимнинг: «Ана, келяпти! Қани, йўлни очиб қўйинглар!» қабилидаги танбеҳлари остида давра қоқ иккига ажралиб, ўртада узунчоқ йўлак ҳосил бўлди.

Ҳамма таҳликаю бетоқатлик билан кутган «Айтжонови-нинг хотини» тўрт аёлнинг қуршовида асыасю даб-даба билан йўлак бўйлаб юриб келаверди. Йўлакнинг икки чеккасидаги издиҳом «Айтжонови-нинг хотини» рўпарасига келганда олдинга талпиниб, у билан қўл олишиб кўришиш ҳаракатига тушиб қолди. Аёлнинг қисқагина, биққи қўлларига қўл теккизиб улгурганлар ўзларини бахтли санаб, қўли етмаганлар «шўрпешоналигидан» афсус-надоматлар чекиб қолаверишди. Ушанда бахтли бўлиш илинжида кўпчилик қатори мен ҳам таваккал деб қўл чўзим. Лекин аёл мен тарафга юз буриб қарамаган кўйи олдимдан ўтиб кетган, мен «бахтсиз» бўлиб қолаверган эдим.

Атрофимга кўз югуртириб, бундан йигирма беш йил илгариги ўша зиёфатга қатнашган, «Айтжонови-нинг хотини» билан қўл бериб саломлашган «бахтиёрлар»дан бирини кўриб қолдим-да, уни ҳозирги тўйда бир чеккада мунгайиб, «унутилиб» турган «Айтжонови-нинг хотини» тарафга имладим.

У қулоғимга шивирлаб: «Ҳаёт шу экан-да!» деди. Ортдан изоҳ беришга тушди: «Бир пайтлар бу аёлнинг эри шаҳарда катта мансабдор эди. Аввалига порахўрликда айбланиб ишдан бўшатилды. Кўп ўтмай, ўлиб кетди. Бугун унга куляпмиз-у, эртага ўзимизнинг аёлимиз қандай аҳволда қолишини олдиндан айта оламизми?..»

Мана, бу ҳам ҳаётнинг турфа-туман эврилишларидан бири.

\* \* \*

Инсон ўз умрида неча марта йиғлаб, неча марта кулмайди дейсиз: Ҳарқалай, одамзод бино бўлгандан бери кулги бор жойда йиғи ҳам бор, бир одамнинг бошқа бировдан ўрганиши ҳам, бир одамнинг бошқа бировга ўргатиши ҳам табиий бир ҳол.

Авлодлар авлодларга мерос қолдириб, авлодлар авлодларга ворис бўлиб яшайдилар. Ёш авлоднинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати, феъл-атворида бундан кўп йиллар, асрлар аввал яшаб ўтган авлодларга хос хислатлар — фазилат ва иллатлар такрорланаётганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бу ҳам табиий бир ҳол. Мабодо ота-боболаримиз ўзлари яратган маънавий-маданий бойликлар, ахлоқий қонун-қоидалар, энг яхши урф-одатларига келгуси авлод амал қилмаслигини аниқ билса, у ҳолда келгуси наслардан афсаласи пир бўлибгина қолмай, ота-

оналик бахтидан ҳам воз кечган бўлар эдилар. Бироқ, ҳеч ким бу дунёда ҳаётнинг батамом тўхтаб қолишига сабабчи бўлишни исташи мумкин эмас. Ҳар қалай, ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз! Одамзод не-не кулфатларни бошидан кечириб, қандай фалокатларга қарши кўксини қалқон этмаган? Шу боисдан ҳам биров бировни юпатмоқчи бўлса: «Тирикчилик — тирриқчилик экан-да! Начора, бу ёлғончи дунёнинг ишлари шунақа экан-да! қабилдаги гаплар билан кўнгилларга таскин беради.

Менимча, ҳаётдаги барча уруш-жанжалларнинг бош сабаби — одамларнинг қаноатсизлигида, дерди бобом.

Одам боласининг ўзи тўйсаям кўзи тўймайди, дерди онам.

Дунёдаги энг ақлли, энг қудратли жонзод ҳисобланмиш одамзоднинг умр йўлига теранроқ назар ташлаб, ўйлаб қарасангиз, аксинча, унинг кўп ҳолларда ўта ақлсиз ва ночор-нотавонлигига, бағоят нозиклигига иқрор бўласиз.

Сирасини айтганда, одам боласини бир оғиз гап билан суйдириш, бир оғиз гап билан куйдириш мумкин.

Одамнинг бахтга эш ойлари — кундек, кунлари — лаҳзалардек югурик, аксинча, мотамсаро чоғларида лаҳзалар — соатдек, кунлари — йилдек узун тўюла бошлайди. Мана шундай пайтларда одамзод нарёгини қўйиб турайлик, лаҳзалардан, соатлардан, кунлардан таркиб топган роппа-роса 1980 йиллик умрни қандай яшаб қўйганга ажабланади киши!

Отамнинг насиҳатларидан: Ҳаётининг маъносизлиги учун ҳар кимнинг ўзи айбдор. Ҳаётдан нолинмай туриб, айбни ўзингдан қидириш — донолик аломати.

Ҳаёт — алғов-далғовлардан, кучлилар билан ожизларнинг ҳаёт-мамот курашидан иборат. Ҳар бир одам учун энг муҳими ўзининг қай тарафда, кимлар билан биргалигини теран англай билишида.

Умринг суронларга қанча бой бўлса, шунча қизиқ. Умрни гафлатда мудраб ўтказган одамнинг ўликдан фарқи кам.

\* \* \*

Тарих қанча-қанча шафқатсизликлар шоҳиди, беҳуда қон тўкишлар гувоҳи бўлмаган! Тарих саҳифаларини бирма-бир варақлаганингиз сайин, тош юраклар ҳам ҳа-

зин тортиб, уммонларда — бўрон, саҳрода тўфон кўргандек ҳайрату таажжубга тушади киши! Гоҳо ўзингизга тасалли бериш учун тириклигингизга ҳам шукур қиласиз!

Бундан чиқди, «умр» деганлари «тириклик»ми?

— Умр — танангда жонинг бор пайтлар, — дерди момом.

— Йўқ, умр — одамзодга фойдали кунларинг, — деб ўжарлик билан уқтирарди бобом.

Бобом айтган афсона: Миср халифасининг бир йиғинида унинг ўчоғига ўт қалаб ўтирган аллақандай карвонбоши:

Халифам, шу тобда жонингизни кўзингизга кўрсатиб қўйми? — деб сўрабди кутилмаган бир ўктамлик билан.

Халифа хохолаб кулиб юборибди-да:

— Қани, кўрсат-чи! — дебди беписанд оҳангда.

Карвонбоши ўрнидан сакраб турибди-да, халифа тиззасида ўйнатиб ўтирган болакайга ташланибди. Улдирмоқчи бўлиб кекирдагини чангаллабди. Халифа ўрнидан сакраб турибди. Карвонбошининг бошини қиличдан ўткажай деса, унғача боласи бўғилиб ўлиши мумкин. Ноилож унинг оёқларига бош урибди:

— Қўйвор, жоним кўзимга кўринди, — дебди.

— Ундай бўлса, мени пайғамбар деб эълон қил! — дебди карвонбоши боланинг бўйнини чангаллаган кўйи.

— Хўп, майли, эълон қиламан, — дебди ноилож қолган Халифа.

Ана ўша карвонбошининг исми Муҳаммад экан...

— Ҳар кимнинг умри ўзига пайғамбарнинг умридан кам эмас, — дейди онам.

Кўча бийининг айтгани: Болалик чоғимда овул чеккасидаги тўқайзорга ўтин тергани борувдим. Қарасам, қалин ўсган чакалакнинг нариги тарафида бир аёл билан бир эркак олишиб ётибди. Бола эмасманми, қўрққанимдан чакалак остида яшириниб ётган ҳолда уларни кузата бошладим. Бир пайт, эркакнинг қўлида ханжар ялтиради. У, қўлида ханжар, аёлга ташланди. Аёл қалтираб-титраб ортига чекинди.

Эркак:

— Жонинг кўзингга кўриндимми? Энди мени ўзингга

пайғамбар деб бил! — деб унинг устига бостириб бора-верди. Ногоҳ эркакнинг оёғига туясингир ўралишиб йиқилди-да, ханжари қўлидан учиб кетди. Аёл жонжаҳди билан ханжарга ташланиб, қўлига олди-ю, узала тушиб ётган эркакнинг устига миниб:

— Жонни кўзга кўрсатиш қандай бўлишини энди тушунгандирсан?! Энди сен менга «Пайғамбарсан» де! «Халол-поксан» де! Бўлмаса!.. — дея гижиниб ўдагайлади.

Эркак икки қўлини аёлнинг оёқларига ипдек чир-маштириб, уларни ўпган кўйи титраб-қақшаб:

— Пайғамбарим!.. Поксан!.. — деди.

Аёл чўнқайиб унинг бошини силашга тушди.

Мана, бу ҳам умр!

\* \* \*

...Умрнинг фавқулодда эврилишлари ҳар хил «пайғамбар»ларни яратишга ўта моҳир. Бироқ, тиз чўкиб «пайғамбар» бўлгандан ҳеч кимга эгилмасдан подачилик қилган минг карра афзалроқдир.

— Ҳаёт не-не асов-бебошларни тизгинлаб, осмондан ерга тушириб қўйишга ҳам моҳир. Агар сен ҳаётда ўз ўрнинг, ўз мавқеингни билмасанг — эл-юрт орала, ўзлигингни топасан, — дея насиҳат қиларди бобом.

— Қисқаси: «От қилиб ўйна», деб болангнинг қўлига таёқ тутқазсанг, вақти келиб боланг: «Суяниб юринг», деб қўлингга таёқ ушлатади. Мана шу икковининг оралиғини умр дейдилар, — дер эди онам.

Ҳар қалай, одамнинг умрида икки хил синов бор: биринчиси — турмуш синови, иккинчиси — йиллар синови. Ҳар иккиси ҳам шафқатсиз синов. Тан-жони соғ одам турмуш синовларидан ўз меҳнати билан ўтиши мумкин. Бироқ, йиллар синови аёвсиз. Дунёдаги энг ёвуз касаллик — қарилик!

— Одам ўз умрида болаликни икки бор яшайди. Иккинчи бор — қариганда, — дерди бобом.

Балки бу кимгадир янгилик бўлиб туюлмас, ҳар қалай, менинг назаримда, ҳаёт — одамларнинг бир-бирларига дўст-биродарлиги; ҳаёт — одамларнинг бир-бирларига меҳр-муҳаббати. Ҳар икки таъриф худди бёбаҳо кашфиёт янглиғ юрагимни орзиқтиради, руҳимда ажиб бир фараҳ уйғотади.

Балки аслида ҳам шундайдир?..

«...Умр — одамнинг одам билан, авлодларнинг авлодлар билан дўстлиги...»

«Дўстликнинг минг бир шарти бор».

«Дўстлик — бутун бошли бир тарих», дейди халқ донолиги.

Тарих — қачонлардир бунёд этилиб, чертишга сошлаб қўйилган сознинг қўш тори: бир торидан — дўстлик, бир торидан — душманлик оҳанглари янграйди. Қайси торни қандай чертиш созанданинг иши, унинг дунёни таниш даражасига боғлиқ. Ҳар қалай, бугунги кунда бу сознинг ҳар икки тори мотам садоларини эмас, тириклик навосини, дўстлик куйини таратмоғи лозим.

Ҳар бир одамнинг дунёга бетакрор, фақат ўзигагина хос қарашлари бўлганидек, ҳар бир халқнинг фақат ўзигагина тегишли хусусиятлари бор, ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатлари, демакки, ўзи яратган чолғу асбоби бор.

Одатда ҳар бир халқ ўзини ўзи таниш даражасига етгандан кейингина ўзини бошқаларга танитиш йўлига ўтади. Яъни, созланган, лекин ҳали чертилмаган чолғу асбобини қўлига олиб, чалишга тутинади. Кўп ҳолларда ёмон чалмайди. Бироқ, бир вақтлар чалинмай сабил қолган чолғу товушларини деб, ўзининг бугунги кун учун ёқимсиз нағмасига зўр берувчилар, бундай нағмалар билан кўпчиликнинг қулоғини қоматга келтирувчи кимсалар ҳам ҳаётда учраб қолади.

Шунингдек, жаҳон тарихи кенгликларидан ўз халқига мансуб чолғу асбобини қидириб, уни жаранглатиб-янграйтиш умидида зарур торга эмас, аллақачон битиб кетган дил яраларига қўл юборганини, уни ўсиқ тирноқлари билан тимдалай бошлаганини сезмай қолиш, мабодо сезган тақдирда ҳам, бу тарихий чолғу-ку, дея ҳасратли нидоларга роҳатланиб қулоқ тутиш ҳоллари ҳам бўлган. Бундай бағритошликлар ўтмишнинг ўзи учунгина эмас, келажак учун ҳам даҳшатли сабоқлардир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, боболаримиз кечмишларида шундайин ҳақиқатлар борки, айтсангиз ҳеч ким ишонмайдигандек. Шундайин афсоналар борки, айтсангиз ҳамма ишонадигандек... Ҳар қалай, аждодларингизни ҳам, ўзингизни ҳам бешафқатлар орасида эмас, меҳршафқат соҳиблари орасида кўрганга нима етсин! Ахир, одам боласи бу дунёга имкон қадар тотлироқ луқмаларни ямламай ютиш учун эмас, оламни яшнатиш учун,

келгуси авлодларга мумтоз обидалар, беқиёс доноликларни мерос қилиб қолдириш учун келмайдими! Кимлар бундай эзгулик йўлида жон фидо қилган бўлса, келгуси насллар уларни олқишлаб яшайдилар. Уларнинг фидойиларча чеккан заҳматлари авлодларгагина эмас, аввало ўзларига беминнат хизмат қилаверади. «Мангу барҳаётлик», деганлари шу бўлса керак! Авлодларнинг ҳамкорлиги, дўст-биродарлиги ҳам мана шу!

Дўстликка эришиш йўли сон-саноксиз қарама-қаршиликлар, заҳмат-машаққатларга тўла.

Одатда одамлар ўзаро зид нарсаларни «Ер билан осмондай», дея изоҳлайдилар. Бу мақбул муқояса эмас. Одамни ер кифтида кўтариб, турфа бало-қазолардан ҳимоя қилиб туради. Чинакам дўст еру осмон вазифасини биратўла адо этади.

Дўстликнинг биринчи шarti — ўзингни ўз иродангга бўйсундира олишингда, дейди онам.

Сен менга ўзингни энг яқин дўстингни кўрсат, сенинг кимлигингни ҳам, умринг қандай кечаётганини ҳам айтиб бераман, дейишади қарилар.

Одам ўз умрига ўзи тўғри баҳо бера олиши учун аввал, дўстлари ҳақида бош қотирмоғи жоиз. Бу унинг ўзлигини, қолаверса, халқини англаш йўлидаги кўпданкўп адашишлардан қутқаради.

«Хастанинг ўзини бахтиёр сезиши учун биргина тилаги бор, бу — соғлик-саломатлик. Соғлом одам ўзини бахтиёр деб билиши учун минглаб тилакка эга», дейди Ибн Сино.

Бош тилак — чинакам бир дўстнинг бўлиши. Чинакам дўсти бор одам бамисоли мевали дарахт. Чала — ярим дўст — чидам, тоқатингиз етса мева берадиган, гафлатда қолсангиз, ҳосил ўрнида қурт-қумурсқалар изгиган мевали дарахтдир.

Дўстлик деган сўз қандай келиб чиққан? Қачон пайдо бўлган?

**Қариялар айтган уч афсона:**

*Биринчи афсона:* Одам Ато ўз авлодлари кўпайгач, ҳар бирига ном қўйиб, ер тақсимлаб берибди. Орадан бир неча йилни ўтказиб, барча авлодларини ҳузурига йиғиб гаплашиш мақсадида чор тарафга чопар йўллабди: «Ҳамма бола-чақаси билан олдимга келсин!» деб буйруқ қилибди. Отанинг гапини ким ҳам ерда қолдирарди, дейсиз. Барча авлодлари у тайин қилган жойга тўпланибди. Одам Ато баланд бир тепаликка чиқиб шундай дебди:



— Одамлар! Ҳаммаларингиз менинг авлодларимсизлар. Ҳар қайсингиз алоҳида бошпана тиклаганингиздан бери бир одамнинг авлодлари эканингизни унута бошлаганингизлар. Ҳар ким ўз кўмочига кул тортиб, бир-бирингизга ёрдам қўлини чўзиш ўрнига кучлиларингиз ожизларни талашни, бир-бирингизга зўрлик — зўравонлик қилишни авж олдириб юбордингизлар. Ана, сизларнинг бу ишингизга арши аълода худо ҳам норизо бўлиб, айбдорларни жазолаш учун дўзах қурдирди. Мен ўз авлодларимнинг дўзахда азобланишини хуш кўрмай, Худонинг олдига борган эдим, у: «Майли, бузиб ташлай, бироқ бекорга бузилмасин, ичини кимлар биландир бир марта тўлдириб бер», деди. Қани, айтинглар-чи, уни кимлар билан тўлдирамиз?

Бу гаплардан кейин ҳамма оғзига талқон солгандек жим қолибди. Бир иккинчисининг панасига яшириниш, бежавотирроқ жой қидириш, ортга чекиниш бошланиб, тўс-тўполон бўлиб кетибди. Иван исмли одам ўзининг кўплаб ўғил-қизлари қуршовида турган жойида тек қотиб:

— Ота, агар Худо ўз ваъдасида туриб, дўзах бир марта тўлганидан кейин уни мангуга бузиб ташласа, агар сизнинг барча авлодларингиз жаннатда яшайдиган бўлсалар, уларга дўстлигим ҳаққи мен ўз болаларим билан бирга ўша дўзахни тўлдиришга тайёрман, — дебди.

— Болаларингиз ҳам тайёрми? — деб сўрабди Одам Ато.

— Отамиз айтдими — тамом, одамзоднинг бахти учун қурбон бўлишга тайёрмиз, — дебди болалари чуғурлашиб.

— Майли, бу гапларингизнинг ростлигини синаб кўраман! — дебди Одам Ато ва хизматкорларига буйруқ бериб, каттакон гулхан ёқтирибди-да: «Қани, Иван, мен сени аввал-бошда ўз тилимда иймон деб атаган эдим, бировлар шунисини осон кўриб Иван деб кетишди, начора мен кўпчиликка бўйсунаман. Буткул авлодимни дўзах оловидан қутқариш ниятинг астойдил бўлса, манави оловнинг ичига болаларинг билан келиб кирчи!» дебди.

Иван болаларига қараб: «Ўғил-қизларим! Буткул Одам Ато авлодига мангу фароғатли умр бахш этиш йўлида олға!», деб хитоб қилган экан, барча ўғил-қизлари отаси Иван буйруғини бажо келтириб, ловуллаб турган гулханга ўзларини отибдилар.

Улар олов тафтидан жизғанак бўла бошлаганларида Одам Ато гулханни тезда ўчиртириб:

— Суюкли ўғлим Иван! Мени авф этасизлар! Ут ичидан сочларингиз оловранг бўлиб чиқди. Олов Худо тилида ўрис дейилади. Мана, энди сизларни Иван ўрис деб атасам, хафа бўлманглар, дебди-да, ортига қараб қочган, чекинган барча одамларни қайта йиғиб: «Авлодларим, манови ақли расо Иван ўрис ўз болалари билан бошқаларнинг бахт-саодати йўлида чин дўстлик намунасини кўрсатди. Ақлингиз бўлса, Иванга эргашинг, ўғил-қизлари билан дўстликда яшаш, уни «оға» деб ордан эргашиш ҳаракатида бўлинглар!» дебди.

*Иккинчи афсона:* Амударё ёқасида қўним топган овуллардан бирида бўлаётган тўйга ҳар хил элатдан одамлар чақирилиб, ҳаммалари улкан ўтовга таклиф қилинибди. Меҳмонлар бир-бирлари билан танишиб, базм энди бошланган пайтда, бир одам эски қора қалпоғини қўлтиғига қисганча, эшикдан кириб келибди. Тўрда ўтирганлар орасида ола дўппили бир одам ўрнидан отилиб туриб, у билан қуюқ саломлашибди, ҳол-аҳвол сўрашибди.

— Дўстим, — дебди бир пайт эшикдан кирган одам овози андак титраб. — Сенинг шу ерда эканингни эшитиб келган эдим. Бу йил совуқ эртароқ тушиб, экиним пишмай қолувди...

Ола дўппили одам гапнинг давомини кутмай, киссадан бир сиқим пул чиқариб берибди. Ёрдам сўраб келган одам унга қайта-қайта раҳмат айтиб, суюна-суюна чиқиб кетибди. У кетгандан кейин, ола дўппили одамнинг кўзлари ёшланиб, маънос тортиб қолибди.

— Ҳа, ўзбек, сенга нима бўлди? Ҳалиги одам қарзга олган пулини қайтармай, еб кетади деб ташвиш тортяпсан шекилли? — деб сўрашибди ёнида ўтирганлар.

— Йўқ, оғайнилар! Шу одам менинг энг қадрдон дўстим. Дўстимнинг экини пишмай ҳазон бўлиб, болачақасининг оч қолгани камдек, олдимга бош эгиб келишига — ҳамманинг кўз олдида хижолат чекишига сабабчи бўлдим. Узим уйига бориб ҳол-аҳволини билмаганимга, ҳали сўрамасидан туриб дўстона ёрдам кўрсатмаганимга хафаман, — деб жавоб берибди ола дўппили одам.

Уша базмда бир ўрис ҳам бор экан, ўрнидан туриб, ўзбекка қучоқ очибди:

— Бормисан, ошна! Мен ўзимга сендек содиқ дўст қидириб юрган эдим, кел, ўртоқ тутинамиз! — дебди.

Ўзбек ҳам ўрнидан қайта туриб:

— Урисларнинг дўсти учун мол-дунёси, пули тугул жонини ҳам аямайдиган оқўнгил халқ экани қадимдан маълум эди-ку. Лекин, биздек оз сонли халқни ўзига барабар кўриб дўст тутинишни хоҳлармикин, деб тортишиброқ юрган эдик. Раҳмат, дўстим! Мени ўзингнинг қондош-жондош дўстларингдан бири, деб бил! — дея қучоғини очибди.

Урис ҳам ўз навбатида:

— Дўстинг мингта бўлса ҳам оз, душманинг битта бўлса ҳам кўп, — дея унга қучоқ очибди.

— Халқлар дўстлиги — икки одамнинг ўзаро қадрдонлигидан бошланади, — дерди бобом.

— Дўстсиз яшаш — тўқайзор ичига қоқилган қурғоқ оғоч ҳолига тушишдир.

— Дўстинг шуҳратпараст бўлса, кунлардан бир кун терингга сомон тикади, — дея огоҳлантирарди Кўча бийи.

«Ҳар бир одам боласининг бу дунёга ўзи билан янги жумбоқ олиб келавериши мени ҳайрон қолдиради», дер эди онам.

Ҳаёстингизни чиғаллаштирадиган нарса сизни қуршаган ташқи оламгина эмас, сиз билан мулоқотда бўлаётган одамларнинг жумбоқлиги. Шулар ҳақида чуқурроқ ўйлаганингиз сари кўнглингизда асл дўстларингизга нисбатан ҳам беихтиёр шубҳа уйғонади. Гумон аралашган дўстлик эса, муз устига қурилган уйга ўхшайди.

Менинг халқим даврлар суронида талай-талай содиқ дўстларидан ажралиб, дам онасини, дам эгизагини йўқотган шумшук кўзидек қайларда тентирамади! Қайлардан паноҳ қидириб, нажот истаб нола қилмади!

Ҳар бир халқ миллий тараққиёт даражасига кўра, ўз тоғлари-ю, ўз чўққиларига эга. Бироқ, бугунги кунда — ҳар бир одамга бутун олам беш бармоқдек аён бўлиб қолган даврда, бундай осмонўпар тоғлару юксак чўққилар хусусида тузукроқ ўйлаб кўрмай гап юритиш туғма кўрнинг аллақандай буюмни пайпаслай туриб «Мановининг ранги оқ», «Мановининг ранги қора» деганига ўхшаб қолиши мумкин.

Қорақалпоқларга ўз тарихи ҳақида сўз очгудек бўлсангиз, баъзи бировлари: «Қўл қўлни ювади, шунинг учун ҳам айрим ҳукмдорлар келажагидан умидвор бўлиб, ўзидан аввал ҳукм сурган хону бийларни дўст билиб, уларга ҳайкал ўрнатади», дейди.

Агар шундай бўлганида, ер юзида ҳайкалдан ўрмонлар барпо бўлмасмиди!

Қорақалпоқларга ўз тарихи ҳақида сўз очгудек бўлсангиз, тагин бировлари: «Қўл қўлга кир чаплайди, шунинг учун ҳам айрим ҳукмдорлар ўзидан аввал ҳукм сурган хону бийларни душман билиб, уларнинг қабрига палахмон тошини отади», деб ҳам айтадилар.

Балки дунёда буюклар шаънига тикланган ҳайкалларнинг кимлигига сабаб шудир?

Дўстлик — ўз умрингни дўстинга бахшида этиш демакдир.

Бироқ, шунинг ўзи кифоями?

Одамнинг иккинчи юраги — кафти, деган ҳикматли гап бор. Шу боисдан ҳам кафт кафтга текканда ғанимлик тоши мумдек эриб, дўстлик пойдевори қўйилади.

Лекин ҳаммавақт ҳам шундай бўлдимми? Бизга қадар қанча-қанча холис ниятли дўстлару, қанча-қанча...-қора ниятли дўстлар яшаб ўтганлар!

— Холис ниятдилардан нима қолди?

— Одамлараро, халқлараро меҳр-оқибатнинг, чин муҳаббатнинг тимсоллари қолди.

Бунинг ёрқин мисоли сифатида Карл Маркс билан Фридрих Энгельснинг дўстлигини ёдга олиш кифоя. Карл Маркс вафотидан сўнг Фридрих Энгельс унинг «Капитал»ини давом эттириб, ниҳоясига етказганини-ку айтмай қўя қолайлик, лоақал ўзининг буюк дўстига кўрсатган беғараз, бетаъма моддий ёрдами туфайлиёқ унинг номи оламда чин дўстнинг бетакрор тимсоли сифатида Карл Маркс билан мангу яшаб қолаверган бўлур эди.

— Қора ниятли дўстлардан нима қолди?

— Одамнинг одамга, халқнинг халққа шубҳа-гумонлари қолди. Сон-саноқсиз номаълум қабрлар қолди! Вайрон этилган шаҳарлар қолди!..

\* \* \*

Кишининг дўстлари ё душманларига нисбатан унинг тақдирига лоқайд қаровчилар кўпроқ бўлади, деган ҳикматли гап барчага маълум. Лоқайдларнинг энг хавфли томони шундаки, улар кўп ҳолларда дўстга эмас, душманга айланиши осон бўлади. Ясенский сўзлари билан айтганда, «Мен дўстларимдан қўрқмайман — нари борса, улар оғир кунда менга сотқинлик қилар, душманларимдан ҳам қўрқмайман — нари борса, улар мени бир амаллаб ўлдирар. Мен учун энг даҳшатли одамлар —

тақдиримга лоқайд қаровчилар, уларнинг қачон, нима қилишини билиш мушкул».

Жиян Жиров замонида биров айб иш қилса, уни оч қолдиришаркан-да, энг ёмон кўрадиган душманини қошига ўтқазиб, унга ўзгача ҳурмат-эҳтиром кўрсатишаркан.

Бердақ замонида ким айб иш қилса, унинг отасини жазолашаркан.

«Болалик чоғимда овулимизда ким ўз дўстига хиёнат қилса, овул оқсоқоллари ўша хиёнаткорнинг душманларини уйига чақириб келиб, етти пуштини бир сидра сўктирарди», дейди Кўча бийи.

Қариялар гурунгида: — Овулимизда Утаган бой деган ғалати бир одам бўларди. У фарзандларининг келажаги учун кўп қайғурарди. Ҳар бир фарзандининг ўзидек бой бўлмаса ҳам, катта амалдор бўлишини, уларни кам деганда овул бийининг ўрнида кўришни орзу қиларди. 1917 йилги Улуғ Октябрь инқилоби сабаб у бутун бойлигидан ажралди-қолди. Машаққат кўрмай ўсган болалари қаттиқ қийналишди. Бу орада Совет ҳукумати камбағал-етимларни ўз паноҳига олиб ўқитди. Қарабсизки, кечаги етим бечоралардан муаллимлар, раҳбарлар етишиб чиқди. Утаган бойнинг уларга ҳаваси келиб, ўғлини ҳам қандайдир йўллар билан ўқишга киритган эди, ёлчителиб ўқимади. Утаган бойнинг алами келиб: «Болалар етимлик кўргандагина эсли-ҳушли бўлиб, ўқий оларкан. Яхшиси — менинг болаларим ҳам етим қолиб, эртароқ эс-ҳушини йиғиб олсину мен орзу қилган мансабларга эришсин», деб бир куни осилиб ўлган экан...

— Бу ҳангоманг нодуруст. Бой деганлари бундай анойи бўлмайди. Улар пихини ёрган туллак бўлишади.

— Эрназар олакўз ҳақида шундай нақл бор: у дўстлар ўртасида тенглик бўлиши кераклигини айтиб: «Биласизларми, биз Хивага борганда каттароқ амалдорларга салом бериб: «Ҳолингиз қандай?» деб сўрасак, хафа бўлишади. Аксинча, биздан улар: «Ҳолингиз қандай?» деб сўраб қолишса, хурсандликдан ўзимизни йўқотиб қўйгудек бўламиз», деган экан...

— Ҳар қалай, кийимнинг янгиси, дўстнинг эскиси яхши.

— Агар дўстларингни хуш кўрмайдиганлар орасидан ўзингга дўст қидирсанг, аввалги дўстларингни душманга айлантирасан.

— Дўст бўлиб юриб душманингга айланган одам сир-асрорингни билмайдиган юзта душмандан хавфлироқ.

«Одамнинг энг меҳрибон дўсти ҳам одам, энг ёвуз душмани ҳам одам», дейди донолар.

Кўча бийининг айтганлари:

*Биринчиси:* Мактабда ўқиб юрган кезларимда Эсемурод деган дўстим бор эди. У билан эгизак қўзилардек бирга юриб, бирга дарс тайёрлардик. Эсемурод андак бебошроқ эди. Бир куни қўшнисининг қовун полизига ўғирликка тушибди. Эрталаб Эсемурод икковимиз дарс тайёрлаб ўтирган эдик, қовуннинг эгаси из қувиб келиб, каравот тагига яширилган иккита қовунни топиб олди. Бир пайт у Эсемуроднинг қулоғидан чўзиб, сен ўғрисан, деб шовқин-сурон кўтарди. Шу орада қўшнилари йиғила бошлади. Қўшнилари олдида дўстимнинг юзи шувит бўлиб қолиши мумкинлигини сезиб: «У эмас, мен ўғирладим», дедим. Қовуннинг эгаси энди менинг қулоғимдан чўзиб тўппа-тўғри мактабга олиб борди. Аслида қовунни ўғирлаган Эсемурод эса менга бепарво қараб тураверди. Рост гапни бўйнига олмади. Мен дўстликнинг ҳаққи-ҳурмати гапимни икки қилмай: «Мен ўғирладим!» деб туравердим. Уша кундан бошлаб болалар менинг отимни айтмай, «Ҳой, ўғри!» деб чақирадиган бўлишди. Бу ҳолдан хўрлигим келиб, отамга айтган эдим, отам: «Уғлим, дўстликка садоқат бўлгани яхши, энди Эсемуродни сотмай қўя қол-у, бироқ бундай дўстдан ўзингни четга тортганинг маъқул», деб эртасидан бизни бошқа овулга кўчириб олиб кетди...

*Иккинчиси:* Овулдош дўстларимиздан бири қўшни район марказидаги катта бир лавозимга кўтарилиб кетди. (Бу одам қазо қилган. Марҳум шаънига ёмон гап айтишни халқимиз маъқул кўрмайди. Шунинг учун унинг отини айтмай, «Бир йигит» дея қолай). Уша «Бир йигит» орадан икки йилча ўтиб, овулга айланиб келди, эски қадрдонларидан беш кишини уйига таклиф қилди.

«Дўстингни куттирма — йўлидан қолар, душманингни куттирма — сирингни олар», деб ўргатган халқимиз. «Хўп» дедигу уйига бордик. «Бир йигит»нинг эшигини очсак, уйда нақ остонага қадар энг қимматбаҳо гиламлар тўшаб ташланган. Ичкарига кирганимиз сари ҳайратимиз ошаверди. Олти хонанинг ҳаммасида биттадан гарнитур. Уларнинг ҳар бирини сотиб олиш учун бир одам икки юз сўм ойлик билан озиқ-овқатга, кийим-

кечакка, бошқа кундалик заруратларга пул сарфламасдан беш йил ишлаши керак бўлади.

Мезбон хизмат юзасидан ташқарига чиқиб кетган эди, бешовлон ҳайратимизни ичга сиғдиролмай, ўзаро гаплаша бошладик.

— Бунча мол-дунё порадан тўпланган бўлса керак, — деди биримиз.

— Йўқ, уччига чиққан савдогар бўлса керак, — деди иккинчимиз.

— Балки ўғридир? — деди учинчимиз.

Шу орада «Бир йигит» кириб: «Куй тинглаб ўтирингизлар, дўстлар», деди-да, ёнимиздаги стол остидан магнитофон чиқарди. «Ўзи қандай куйни ёқтираркан, ўшанисига қараб касб-корини билиб оламиз», деган хаёлда бетоқатлик билан кута бошладик. Бир пайт магнитофон тилга кирди. У ташқарига чиқишдан аввал бизга сездирмай мурватини бураб кетган экан денг, ким нима деган бўлса, ҳаммаси бир бошдан такрорланаверди: «Бунча мол-дунё порадан тўпланган бўлса керак...», «Йўқ, уччига чиққан савдогар бўлса керак...», «Балки ўғридир?...» Ҳаммамиз ажабланиб бир-биримизга қарадик.

— Дўстларим, мендан шубҳаланманглар, бу районнинг одамлари шунақанги меҳрибон эканки, ўзлари олиб келиб беришаркан. Мен ёлғиз сизларгагина муҳтож бўлиб турган эдим, — деди «Бир йигит» айтган гапларининг фаҳмига бориб-бормай.

— Порахўрга пок дўстликни инъом этиш — унга пора бериш билан баробар, — дея дўстларимиздан бири гапнинг пўсткалласини айтганча ўрнидан турган эди, ҳаммамиз қўзғалдик.

Ушандан кейин ҳеч ким унинг уйига қадам босмади. Мабодо ўзи қўнғироқ қилгудек бўлса, овозини эшитишимиз билан гапни қисқа қилишга келишдик: майли, ҳаромдан тўплаган мол-дунёси билан дўстлашиб юрарсин!

Орадан кўп ўтмай, «фалончи ўлибди», деган хабар келди. Аниқ сабабини билиш учун докторга борсак, у «Юраги сиқилиб ўлган. Пули кўп экан-у, дўстлари йўқ экан!» деди.

*Учинчиси:* Кримда курортда бўлганимда шундай бир афсона эшитдим: атоқли рус князларидан бири Воронцов деган одам Қримнинг Алунка деган энг сўлим ерида қурдирган ҳашаматли саройида бамайлихотир дам олиб ётган экан, эшик олдида басавваг бундай одам пайдо бўлиб-

ди. Бўсагани қўриқлаб ётган ит унга қараб вовуллайверибди.

— Тек ёт, мен князь Воронцовнинг дўстиман, — дебди басавлат одам итга қараб.

Шунда бирдан итга тил-забон битиб:

— Дўстлигинга ишонаманку-я, бироқ мен князь Воронцовнинг итимаан. Шу сабаб берухсат ичкарига киритмайман, — дебди.

Ичкарида бу гапларни эшитиб ётган князь Воронцов ўрнидан туриб дераза мўраласа, узоқдан уни ўлдириш ниятида келган, бироқ ити туфайли уйга киролмай ортига қайтиб кетаётган душманини таниб қолибди.

Уз ҳаётида қисматдош, маслакдош бўлган талайгина дўстларининг ҳеч бирига ҳайкал ўрнатмаган князь Воронцов ўша ити ўлганида уни шон-шавкат билан дафн этиб, устига тош ҳайкал ўрнатибди.

Дўстинг ит бўлса ҳам сенга содиқ бўлсин, деган ҳикматли гап ўшандан қолган бўлса ажаб эмас!

\* \* \*

Танҳо қолиб, дўстлар ҳақида хаёлга чўмганда дам ажабланади, дам фахрланади, дам афсусланади киши!

Айрим дўстларингизнинг ҳар бир ютуғингиздан астойдил суюниши оила аъзоларидан бирининг ҳаётида рўй берган бирон-бир қувончли воқеадан суюнишига ўхшайди. Одатда ҳар бир оила аъзосининг умумий ғалабага қўшган ҳиссаси нақадар салмоқли бўлса, демакки, севинчи ҳам шу қадар чексиз бўлади. Мамлакат миқёсидаги ютуқларга муносабатда ҳам шундай. Энг муҳими — ўзингизникими, ўзганиникими, ютуқлардан астойдил қувона олмақ керак!

Онамнинг насиҳатларидан: Одамлар кўп ҳолда ўзига керак бўлмай қолган буюмни бошқага ошириш ё сотиш учун мақтайди. Дўстинг сени кўз олдинда мақтай бошладими, ҳушёр торт, тагин сотиб юрмасин!

Дўстлик гоҳо лавозим билан айнанлашиб қолади: сен юқори лавозимларга кўтарила борганинг сари: «Мен сенга дўстман», дея кўксига уриб келувчилар ҳам ошибтошиб бораверади. Бироқ, мансабингдан бўшашингни билган заҳотиёқ, аксинча, сендан юз ўгирибгина қолмай, сенинг камчилигингни қидириб устингдан юмалоқ хат ёзувчилар тобора кўпаяверади.



Кўча бийининг айтганлари: Бир пайтлар мени масъул лаозимлардан бирига тайинлашди. Дарров дўстларим кўпайди.

Бир куни кутилмаганда ишдан бўшадим. Бу гапдан хабардор уч дўстимга рўпара келиб қолдим:

— Намунча хомушсан, бошинг ҳам, касалмисан? — деди бири салом-алиқдан аввал.

— Сени биз фақат машиналарда юриш учун яратилган деб ўйлардик, пиёда қолибсан-ку! — деб пичинг қилди иккинчиси.

— Ақлинг ўзимиз қаторилигига энди ишонгандирсан? — деб пичингни янаям кучайтирди бошқаси.

Бу одамлар уйимга тез-тез келиб туришарди. Тўрт-товлон апоқ-чапоқ эдик. Гурунглашганда дунёни унутиб юборгудек бўлардик. Заҳар-олуд гапларини эшитмагандек: «Қани, дўстлар, уйга юринглар!», дедим. Авваллари учалалари ҳам менинг таклифимни кутиб ўтирмай уйга келаверар: «Сизнинг уйингизга келиб турмасак, ўзимизни худди етим кўзидек сезамиз», дейишарди. Бу сафар ўзим таклиф қилсам ҳам, биронтаси уйимга қадам босмади.

Ушандан бери ҳар бир дўстимга шубҳа билан қарайдиган бўлдим. Ҳаммадан гумонсирайвериш — фазилат эмас, албатта. Бироқ, начора, дўстдан ҳам гумонсираб яшашга мажбур бўлар экан киши!

ЯНА: Байрам кунларидан бирида шаҳардаги кўрлар жамияти ошхонасининг олдидан ўтиб бораётган эдим, қаттиқ бақириқ-чинқириқни эшитиб, ичкарига бош суқдим. Уч-тўрт одам байрам муносабати билан пиво ичишаётган экан. Зеҳн солиб қарасам, пиёлаларга ичимлик қуйилгани сайин: «Менга — оз, сенга — кўп қуйилибди», дея бири иккинчисининг пиёласига бармоғини суқиб кўришяпти. Шовқин-суроннинг боиси шу экан.

Шубҳа ва ҳасад — дўстлар орасидаги энг даҳшатли, бедаво касалликлардандир.

\* \* \*

Одам боласига хос бир нуқсон — ўзини ҳамиша баландроқдан қидириш, меҳнат қилаётганлар орасида эмас, насиҳат қилаётганлар орасида бўлишга мойиллик. Бу нуқсонни талай-талай дўстлардан жудо бўлгандан кейин, тушуна бошлайди киши! Дўст топниш осон эмас. Биров билан дўст бўлиш учун вақтида унинг майли билан ҳисоблашиш ё сизнинг майлингиз билан ҳисоблашиши

керак бўлади. Акс ҳолда дўстликка путур этади. «Одамнинг кўнгли отим носвойдан (ҳозир «бир дона сигаретдан») қолади», деган гап бежиз айтилмаган.

Энг эзгу дўстлик — халқнинг билан дўст бўлмоқ!

Халқ сизу бизнинг дўстлигимизга муҳтожми?

И. С. Тургенев фикрини андак ўзгартириб айтганда, халқ сизсиз ҳам, менсиз ҳам яшайверади. Бироқ бизнинг ҳеч қайсимиз халқсиз яшай олмаймиз.

Халқнинг бағри кенг, сабр-тоқати бениҳоя!

Халққа хос бағрикенглигу бениҳоя сабр-тоқатни ўша халққа мансуб буюк шахсларда ҳам яққол кўриш мумкин.

Қариялар ҳангомаларидан: Ҳазрати Навоий ўзининг энг яқин шогирдлари қуршовида қандайдир йиғиндан қайтиб келаётган экан, Ҳусайн Бойқаро саройнинг ғаламис аъёнларидан бирига рўпара келибди. Навоий ҳамроҳларидан ажралиб чиқиб, унга таъзим қилибди.

Шогирдларидан бири ажабланиб:

— Ахир бу одам Сизнинг душманингиз эди-ку, ҳазратим? — деб сўрабди.

— Тўғри, бироқ мана шундай душманларим бўлмаганида эди, мен сизлардек дўстларни тополмаган бўлардим, — дебди доно устоз.

Дарҳақиқат, ҳар бир душманингиз сизни дўст ахтаришга ундайди.

— Чинакам бир дўст — умрингга янги мазмун, янги шодлик бахш этувчи яна бир ёшлик, — деган экан Бердақ шоир.

— «Дўстлик — бир одамнинг бошқа одамга ишончи», айни пайтда «Ҳисобли дўст ажралмас», деган гап ҳам бор. Менимча, дўстларнинг бир-бирларига ёрдамини писанда қилиб, ўзаро ҳисоблашавериши дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам бермайди. Шунинг учун ҳам ҳаётдаги энг оғир синов — дўстларнинг бир-бирини тушуниш имтиҳони, — дерди онам.

Дўстлик синовидан ҳам оғирроқ яна бир синов борки, бу — вақт синовидир. Вақт эртадир-кечдир, ҳамма нарсанинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб ташлайверади.

Бу синовлардан ўзим дурустроқ ўта олмадимми ё баъзи бир дўстларимми, ёки ҳар кимни ҳар хил қисматга дучор этувчи ҳаётнинг чигал сўқмоқлари сабаб бўлдимми, хуллас, ёшим эллиқдан ошиб ортимга қарасам, атиги учтагина дўстим билангина борди-келди қиладиган бў-

либ қолибман. Үзим билан тўрттамыз. Тўрттовлон йиғил-  
сак, дунёнинг тўрт қутби бирлашгандек бўлади. Касб-  
коримиз тўрт хил бўлишига қарамасдан, жуда аҳилмиз:  
кимдир хафа бўлса, қолган уччовимиз учта суянчиқ бў-  
либ унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиламиз. Гоҳи-  
да биттамыз қолган учтамызнинг иродамызга бўйсунсак,  
гоҳо аксинча, учтамыз биттамызнинг гапимизга амал  
қиламиз... Баъзида тўрт хил давлат раҳбарларининг  
қўшма мажлисида ўтиргандек сезамиз ўзимизни. Бу ҳол  
ҳеч биримизда ҳеч қандай малол уйғотмайди. Меҳмон-  
дорчиликка борсак, бир-биримизни ўзимиздан тўрроққа  
таклиф қилиб, биримизнинг пальтомизни ечишда кўмак-  
лашишга бошқамиз тайёр турамыз. Бу жуда яхши кунлар  
экан. Орадан вақт ўтиши билан тўртталамызнинг феъл-  
атворимиз ҳам, шунга боғлиқ ҳолда ўзаро муносабатла-  
римиз ҳам ўзгара бошлади. Биримиз ёшлигимизда рўёб-  
га чиқара олмаган орзуларимиз йўлида бетиним ишлай-  
диган меҳнаткашга, иккинчимиз пулга тузоқ қўйган  
дунёпарастга, учинчимиз эзма-такаббурга айландик. Тўр-  
тинчимиз эса: «Эсиз зое кетган ёшлигим», дея афсус-  
лана-афсуслана, «ишқ базми» — айшу ишратга муккаси-  
дан кета бошладик.

Феъл-атвордаги бу кескин ўзгаришлар натижасида  
энди тўй-маъракаларда — тўрни, бир машинага ўтиргу-  
дек бўлсак — олдинги ўриндиқни ўзаро зимдан талаша-  
диган бўлиб қолдик.

Одатда душманларингиз ночорлигингизни билиб  
қолдими, бас — юзингизга балчиқ чаплаш «машгулоти»  
ни кучайтириб юборади. Тўртталамызда ҳам пайдо бўл-  
ган феъл-атвор орамиздаги жарликни тобора кенгайти-  
риб, ҳар биримизнинг юзимизга лоий чаплаш учун қулай  
имкониятлар пайдо қилди. Душманнинг бу «иш қуроли»-  
ни дўстлардан бири ушлаб олиб, эгасининг ўзига қараб  
улоқтирмаса, ҳар қанча абжир бўлганда ҳам, у устингиз-  
га келиб ёпишаверар экан. Қарабсизки, балчиқ сизга  
зиён-заҳмат етказмаса ҳам, уст-бошингизда қўланса ҳид  
анқийверади.

Тўрттовимиздан тўрт хил ҳид анқий бошлади.

Феъл-атворимиз тўрт тарафга қараб кетгач, энди  
бир-биримиз билан учрашиб қолганимизда, лоақал ким-  
нинг устида қандай ҳид анқишини айтиб қўймасликка  
ҳаракат қиладиган бўлиб қолдик. «Тўғри гап туққанинг-  
га ёқмайди», «Тўғри гапни айтсанг — хафа бўлади»  
қабилидаги баҳоналар топилди. Мабодо қизиққонлик  
қилиб, устидан қўланса ҳид баралла анқиб турган дўсти-

мизни покланишга ундаб, хавф-хатардан огоҳлантирсак, у гапларимизга мутлақо ишонмаслик одатини чиқарди. Ёки: «Сен аввал ўзингни билсанг бўлармиди», дея ўзаро пичингнамо гап отишдек янги одатлар пайдо бўлди. Мана шундан кейин сохта такаллуфга ружу қўя бошладик. Бир-биримизда бузилишга юз тутган одамийликнинг қўланса ҳидини сезганимизда ҳам: «Сен чинакам ақл-донишга консан, юзларингдан нур ёғилади-я!» дея зўр бериб мақташга тушиб кетдик...

Нега шундай?

«Одамнинг ортида қолган барча гуноҳу савоб ишлари қариган пайтида олдига ўтади. Мана шу синовга ҳамиша ҳозир турмоқ керак», дер эди уйимизга келган қариялар.

«Нуқсонларингни рўй-рост айтган одамни душман ҳисоблама», деб насиҳат қиларди бобом.

«Рост гапни айтяпман деб, дўстингнинг айбини юзига тамга қилиб босавериш ҳам дўстликдан эмас», дерди Кўча бийи.

«Дўстларинг кўп бўлишини хоҳласанг, одамларнинг яхшилигига ишониб яша», дерди онам.

«Адашганга душманлик қилма», деб қайта-қайта уқтирарди отам.

## 14

Шундай қилиб, «Умр — одамнинг одамга, авлодларнинг авлодларга муҳаббати»...

— Одамнинг кўнгилдагидек умр кечирishi учун буткул инсониятни севиш шарт эмас. Бир одамни астойдил севиш билан ҳам руҳий фароғатга эришиш мумкин, — дейди донолар.

— Сени буткул инсониятнинг севиши ҳам шарт эмас, бир одам астойдил севса, олам гулистон! — дейди қариялар.

— Бу дунёда сени чин дилдан севадиган одам борлигига ишонишдан ортиқроқ бахт йўқ, — дейди онам.

**БОБОМ АЙТГАН АФСОНА:** Кунлардан бир куни хон Бердақ шоирни ҳузурига чақиртириб, дабдурустандан:

— Халқ нима учун мени яхши кўради, сабабини айт-чи? — деб сўрабди.

— Сизни яхши кўришга халқни икки нарса мажбур қилади: биринчиси — халқни тўйдирувчи фармонингиз,

иккинчиси — халқни қўрқитувчи қиличингиз! — дебди шоир.

— Ундай бўлса, халқ сени нима учун яхши кўради, бунинг ҳам иккита сабабини айт-чи! Олдиндан огоҳлантириб қўяй: шоирлигим учун, гап сотиб нон топаман, сўзим билан севдираман, дема. Касб-коринг мен учун бир чақа! — дебди хон.

Шоир ўйланиб ҳам ўтирмасдан:

— Биринчиси — менинг халққа бўлган фарзандлик муҳаббатим, иккинчиси — халқнинг менга оналик муҳаббати, — деб жавоб берибди.

\* \* \*

Ер юзида ҳаёт пайдо бўлгандан бери «Дастлаб эркак яралганми ё аёлми?» деган азалий жумбоқ мавжуд. Бу жумбоқнинг бир қарашда жўнгина, аммо энг тўғри ягона ечими бор: иккаласи баравар! Муҳаббатсиз ҳаёт йўқ, ҳаётнинг абадийлиги йўқ! Узлуксиз ҳаёт оқимнинг ибтидоси ҳам, манбаи ҳам муҳаббат!

Муҳаббат тенгликни талаб қилади. Тотувлик мангу бўлиши учун сизнинг унга муҳаббатингиз билан унинг сизга муҳаббати баравар келмоғи керак бўлади. Ота-боболаримизнинг: «Сен суя олсанг, у ҳам суя олади», дейишлари бежиз эмас.

Афсуски, муҳаббат ҳақидаги туманли тасаввурларига кўра, ҳаёт сўқмоғида адашиб-улоқиб юрган одамлар оз эмас. Қизиги шундаки, улар адашганларини кўп ҳолларда ўзлари билавермайдилар, билсалар ҳам, тан олавермайдилар. Шу боисдан бўлса керак, «Муҳаббатда тентакларгина бахтли», «Муҳаббатда беномуслар бахтли» қабилдаги гаплар ҳам йўқ эмас. Булар, моҳиятан олганда, мутлақо нотўғри фикрлар, албатта.

Муҳаббат — кўз олдимизда дунёни мунаввар қилиб турган қудратли зиё! Айни пайтда ер юзидаги кўпгина уруш-низоларга сабаб бўлган, кўплаб кўнгилларни вайрон қилган куч ҳам — муҳаббат! Ота-боболаримизнинг: «Яхши бўлиб туғилиш мумкин, яхши бўлиб яшаш қийин», деган нақлида ҳам аввало муҳаббат назарда тутилгандек.

Муҳаббат кўп ҳолларда сабр-қаноат, чидам-тоқат, садоқат, сабр-матонат, жасорат тушунчалари билан ҳамоҳанг.

— Қизларнинг сабр-тоқатлилиги ҳақида ўйласам, кўз

олдимда дунё торайиб қолгандай туюлади,— дейди Кўча бийи.

— Узим аёл бўлсам ҳам: «Менга қиз берма!» деб, худога кўп нола қилдим, лекин... — дея зорланаверарди момом.

— Айрилиққа чидаб, муҳаббатга эришиш — умрнинг кизиги мана шу, — дерди отам.

Ҳар бир одамнинг муҳаббатини унинг умр паспорти, дейиш мумкин. Кимнинг умри қандай бошланиб, қандай тугаши шу «умр паспорти»ни қандай олишга боғлиқ. Фарқ шундаки, расмана паспорт ошкора, тантанали равишда тақдим этилади. «Умр паспорти» — муҳаббат эса, ҳар бир одамнинг ботиний туйғуси, у яширин бошланади, юракда пинҳон тугилади, ошкораликни ёқтиравермайди...

Қариялар айтган афсоналардан: Қадим замонда Орол денгизининг бўйида яшовчи бир элатнинг атоқли уруғ оқсоқоли ёлғиз қизи билан бева қолибди. Қизи чунонам гўзал бўлибдики, ой деса оғзи, кун деса кўзи бор, суқсурдай сулув экан.

Уруғ оқсоқоли ягона қизи эрга тегиб кетса, ўзи якка-ёлғиз қолишидан кўрқиб «Ким агар Орол денгизининг сувини қирғоққа ташиб қуритса, қизимни ўша одамга бераман», деб эълон қилибди.

Бу ғалати шарт ҳаммани ўйлатиб қўйибди. Ахир, бир одам бутун умр тиним билмай ишласа ҳам, Орол денгизи сувини челақлаб ташиб тугатиши мумкинми сира!

Ўша элатдаги бир камбағалнинг ёлғиз ўғли уруғ оқсоқолининг сулув қизига ошиқи беқарор экан. Шартни эшитган заҳоти, отасига: «Ота, мен бугундан бошлаб Орол денгизининг сувини ташиб тугатишга киришмоқчиман», — дебди. Отаси унинг ниятини фаҳмлабди-да:

— Болам, аввал қизнинг отасига кўринсак бўлармиди, — дебди.

— Вақтни ўтказиб нима қиламиз, ота? Денгизнинг сувини қуритиб, шартини бажаргандан кейин биратўласи сиз совчиликка борарсиз. Атоқли уруғ оқсоқоли, албатта, шартдан тониб кетмас, — деди ўғли.

— Ундай бўлса, болам, ёлғиз ўзингга оғирлик қилар. Мен сенга ёрдамлашай, — деб, отаси ҳам қўлига челақ олиб, ўғлига эргашибди. Шундай қилиб, улар Орол денгизининг сувини челақлаб олиб ташқарига тўкишни бошлаб юборибдилар. Орадан бир ой ўтибди, икки ой ўтибди, уч ой... йил... Ота-бола тиним билмай денгиз сувини челақлаб қирғоққа тўкаверибди.

Ҳеч кимнинг совчиликка келмаётганидан мамнун уруғ оқсоқоли қизини йигитлардек кийинтириб, овга ўргатибди. Овчилик — ҳаётнинг кўпдан-кўп ташвишу галваларини унутишнинг бир йўли. Улар қизгин ов билан машғул бўлиб, ўзларини овутиб юраверибдилар. Бир куни кенг далада қуюндек учиб юрган бир кийикка дуч келибдилар. Ота-бола кийикни ушлаш ниятида ортидан от қўйибдилар. Кийик жон-жаҳди билан Орол денгизини ёқалаб қоча-қоча бир чакалакзорга ўзини урибди-ю, кўздан ғойиб бўлибди. Икковлон кийикни қидириб топиш умидида чакалакзорни оралай-оралай, ахири тополмай, чарчаб-ҳориб сайҳонликка чиқсалар, денгиз ёқасида икки одам кўринибди. Булар ким бўлдийкин деб узоқдан тикилиб қарасалар, икковининг қўлида икки челақ, теварагида нималар бўлаётганига парвойи палақ, худди ўзаро мусобақалашаётгандек, ҳар бири ўз челагини Орол сувига апил-тапил ботирармиш-да, қирғоққа қараб чопармиш. Сувни тўкар-тўкмас яна денгизга қараб югурармиш. Уруғ оқсоқоли билан қизи: «Булар қанақа эси паст одамлар ўзи?!» дея ажаблана-ажаблана, уларга яқинлашибди.

— Ҳой, одамлар, нима қиялпсизлар? — деб сўрабди уруғ оқсоқоли.

Ота-бола уларни танимай:

— Кўриб турибсиз-ку, денгизнинг сувини қирғоққа тўкиб қуритмоқчимиз, — дейишибди-да, бошқа сўз қотмай яна шоша-пиша ишларини давом эттираверишибди.

— Ҳой аҳмоқлар, — дебди энди уруғ оқсоқоли ошкора мазах билан. — Денгизнинг сувини челақлаб қуритиб бўларканми сира?!

— Нега бўлмасин? — деб ажабланиб сўрабди йигит.

— Мумкин бўлмаса, элатимизнинг атоқли уруғ оқсоқоли қизини узатиш учун бундай шарт қўймасди, — дебди отаси.

Уруғ оқсоқоли ҳайрон бўлибди.

Шу пайт қиз отидан тушиб, отаси миниб турган отнинг олдинги оёқларини қучоқлабди.

— Мени уларнинг ёнида қолдириб кетишингизни ўтиниб сўрайман, ота, — деб ёлворибди.

Уруғ оқсоқоли гап нимадалигини эндигина фаҳмлаб:

— Нимага? Булар ҳали денгизнинг сувини тўкиб тугатмади-ку! — дебди.

— Ота! — дебди ўшанда қиз. — Оролнинг сувини ҳеч ким ҳеч, қачон ташиб қуритолмаслигини била туриб, мана шундай шарт қўйганингизда сўзингизга ишонади-

ган оққўнгил, муҳаббатга содиқ йигит қидиргансиз. Ма-на, ўшандай йигит рўпарангизда турибди-ку!

Оқсоқол қизининг бу гапларига нима деб жавоб беришни билмай, овга чиққанида киядиган қора чопони-ни қоқ иккига йиртиб, бўлғуси куёвбола билан қизи-нинг бошига ташлабди-да, индамасдан ортига қайтибди.

Амударёнинг қуйи соҳиллари билан Оролнинг жану-бий қирғоғида яшаган ота-боболаримиз ана ўша йигит билан қиздан туғилиб, ўсиб-унган бўлсалар ажаб эмас!

ЯНА: Сулаймон подшо қизларидан бирини ниҳоятда камбағал бир йигитга эрга берибди. Йигитнинг бошқа-лардан фарқ қиладиган бир хусусияти бор экан: юраги шундоққина кўриниб тураркан. Янги келинчак бошқа аёлларнинг яхши кийиниб, безаниб-тақиниб юришлари-га ҳаваси келиб, бир куни подшо отасига:

— Мени кўриниб турган юрагидан бошқа ҳеч вақоси йўқ одамга эрга бергунча, яхши яшаб, яхши ичиб-ейишга қурби етадиган бой-бадавлатроқ одамга берсангиз бўл-масмиди, ота, — деб ўз тақдиридан нолибди.

Айтишларича, Сулаймон подшо худо билан гаплаша олар экан. Гаплашиб, қизининг илтимосини бажо кел-тирибди. Уша кундан эътиборан йигит бойиб кетибди. Бироқ, аввалгидек юраги қизга кўринмайдиган бўлиб қолибди.

Келинчак энди кўнгли тусаган қимматбаҳо кийим-ларни истаганча сотиб олармиш-у, бироқ эрининг юраги зим-зиё эмиш. Бу ҳолдан афсусланиб, тагин отасининг олдига келибди. Энди у аксинча:

— Ота, менга ҳеч қандай мол-дунёси керак эмас, эримнинг юраги аввалгидай кўриниб турса бўлгани! — деб ёлворибди.

— Майли, бироқ эрингнинг юраги тагин кафтдаги-дек кўриниб турсин десанг, бунинг учун Худога икки кўзингнинг нури керак бўлади, қизим, — дебди Сулай-мон подшо.

— Бари бир севганимнинг юрагини кўролмасам, бундан нима фойда? — деб ажабланибди қизи.

— Ушанда сен эрингнинг юрагидан бошқа ҳеч нимани кўролмайдиган бўлиб қоласан, — дебди отаси.

— Ундай бўлса, розиман. Ишқилиб эримнинг юра-гини кўриб яшасам бас! — дебди қизи.

«Айрим хислатлар уруғ қувлайди, наслдан наслга ўтади. Севганига бир умр содиқ аёллар Сулаймон подшо-нинг ўша қизидан туғилган эмиш. Бундай аёлларнинг аксарияти Аму бўйларида яшармиш», дейди Кўча бийи.



Ҳаётда ким ўз нафсига қул бўлса, ундан ҳамма жирканади. Муҳаббатда ҳам шундай!

Муҳаббат — ўта аччиқ неъмат, татиб кўрсангиз, беихтиёр кўзларингиздан ёш чиқаради. Муҳаббат — ўта ширин неъмат, татиб кўрсангиз, шираси тилни ёргудек, ўзингизни сархуш этгудек. Шу боисдан кўҳна донишмандлар муҳаббатда сабр-тоқат, вафо — садоқат энг олий бахтнинг гарови, деганлар... Лекин, бари бир, ҳаётда муҳаббатга энгил-елпи қараш учраб туради.

— Ит — вафо, хотин — жафо, — дейди айрим эркаклар.

— Эркакларга ишониб бўлмайди, — дейди айрим аёллар.

Нега?

— Ишқ-муҳаббат бор жойда, рашк, қизганиш ҳисси ҳам бўлади. Бироқ кимнинг кўнгил мулкида рашк туйғуси ошиб-тошиб кетган бўлса, демак, бундай одам ўзга бировни эмас, ўзини севгани. Одам боласи ўз рашкига қул бўлиб қолмаслиги керак, — дейди онам.

**Бобомнинг айтгани:** Болалик чоғимда бир мулла қўшнимиз бўларди, ўзи ўтакетган рашкчи эди. Аёлини уйдан ташқарига чиқармасди. Хотини эса ниҳоятда хушмуомала, оқкўнгил, ҳалол-покиза аёл эди. Бир куни эшикларининг олдидан бир тиланчи ўтиб кетаётган экан, аёлни унга раҳми келиб, нон олиб чиқиб берибди.

Шу пайтда эри уйига қайтиб келаётган экан, аёлининг бегона эркак қошида турганини кўрибди-ю, уйга етаклаб кириб дабдурустан: «Уч талоқсан!» дебди.

У пайтлардаги таомилга кўра, эри «уч талоқ» қўйган аёл уйдан бош олиб чиқиб кетиши шарт бўлган. (Агар кейинчалик эри бу гапни аччиқ устида айтиб юборганидан пушаймон бўлса, хотини бошқа бир эркак билан вақтинчалик никоҳдан ўтиб, ажралишгандан кейингина аввалги эри билан қайта никоҳдан ўта олган.)

— Ие, мен нима гуноҳ қилдим ўзи? — деб сўрабди аёл ҳанг-манг бўлиб.

— Сен бегона эркак билан гаплашдинг, — дебди мулла.

— У одам соқов эди, — дебди хотини.

— Соқов бўлса, у сенинг юзингга боқиб роҳатланган, — дебди эри.

— Ахир, унинг кўзлари кўр эди-ку, — дебди аёл.

— У ҳолда ўша эркакнинг юзига боқиб сен роҳатланасан,— дебди эри.

Хуллас, улар ажрашиб кетибдилар...

Аёл муҳаббати тип-тиниқ бир кўзгу. Тўғри, икки томонлама кўзгу ҳам бўлади. Бундай кўзгунинг бир томонида ўзингизни кўрсангиз, нариги томонида кимдир тургандай туюлаверади. Бундай кўзгуга қарай олиш керак. Одатда тиниқ нарсани тез гард-ғубор қоплайди. Тиниқ нарсага доғ туширишни истовчилар ҳам топилиб туради.

— Муҳаббат — одам умрининг туз-намаги, унинг меъёрини билмаган кишининг умри ё маза-матрасиз, ё аччиқ бўлади,— дейди онам.

**Отам айтган афсона:** Қаттол қиличи билан доврўғ қозонган жаҳонгир Темур қариб, ўлим тўшагида ётганида унинг болалик қадрони:

— Қани, ўлим олдидан ростингни айт-чи, сен бу шоншавкатинг учун кимдан миннатдорсан? — деб сўрабди.

Темурланг ўйлаб ўтирмай:

— Уч одамдан миннатдорман, — деб жавоб берибди.

— Улар кимлар? — деб сўрабди қадрдон жўраси.

— **БИРИНЧИ ОДАМ — ХОТИНИМ**, — дебди жаҳонгир. — Мен жангу жадалдан чарчаб-ҳориб, душманларимдан қақшатгич зарба еб, ғам-аламга ғарқ бўлиб қайтган пайтларимда у ҳар гал хушмуомаласи, ширин-шакар сўзлари билан кўнглимда таскин-тасалли уйғота олди. Уйимга душманим кириб келган тақдирда ҳам, қовоғини уймай, унинг олдига дастурхон ёзаверди. Сидқидилдан ёзилган тўкин-сочин дастурхон устида қаттол душманларим юввош тортиб, менинг олдимда бош эгадиган, кейинчалик кўрган жойида қуюқ саломини қанда қилмайдиган бўлишди.

— Хўш, иккинчиси ким? — деб сўрабди жўраси.

— **ИККИНЧИ ОДАМ ҲАМ — ХОТИНИМ**, — дебди Темур. — Менинг олис юртлардан ғалаба билан қайтишимни интизорлик билан кутгани етмагандай, «Эрим мағлубиятга учраб хафа бўлиб келса, кўриб кўнгли кўтарилсин, мабодо ёв қўлида ўлса, эсдалик бўлар», деб номимга қасрлар, миноралар, мадрасалар қурдиран эди.

— Яна кимдан миннатдорсан? — деб сўрабди жўраси.

— Мен миннатдор **УЧИНЧИ ОДАМ ҲАМ — ХОТИНИМ**, — дебди Темур. — Мен бу дунёда кўпдан-кўп қирғинбарот урушларга сабабчи бўлдим. Агар жанг

майдонида ўлсам, душманларим жасадимни қарға-қуз-ғунларга ем қилишлари аниқ эди. Шуни билиб, менинг ўлигимни кўчада қолдирмайдиган, вақти келиб қазо қилсам, салтанатимни, тож-тахтимни эгаллаб, чала қолган ишларимни давом эттира оладиган фарзандлар туғиб берди.

Кўча бийининг айтгани: Эрназар олакўз халқни хонликка қарши исёнга уюштиришда баҳамжиҳат иш кўриш мақсадида олтмиш бий билан аҳду паймон қилиб, бир олмани бўлишиб еб, кўнгли хуш бўлиб ўтирган экан. Дабдурустан: «Биз хонликнинг дўзахидан қутулганимиздан кейин ҳам айрим уйлар дўзахлигича қолаверади», дебди. Бийлар ажабланиб: «Қайси уйлар?», деб сўрашибди. «Қайси уйнинг бекаси ёмон бўлса — ўша уй нақд дўзах», дебди Эрназар олакўз.

Одамзод бир-бирига меҳмон, деган нақл бор. Бироқ узатилган қиз эрининг уйида ўзини меҳмондек ҳис қилса, бундан ортиқ кулфат йўқ, — деган эди отам.

— Одам муҳаббатни ўзига вақтинчалик меҳмон деб билдими, асл бахтсизлик мана шу, — деган эди онам.

Қариялар гурунгидан: — Дунёдаги энг оғир юк ҳам, энг енгил юк ҳам муҳаббат юки. Уни янада оғирлаштириш ё енгиллатиш ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ.

— Дунёдаги энг заиф ип ҳам, бақувват ип ҳам муҳаббат риштаси. Уни узиш ё маҳкамроқ боғлаш ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ.

— Бировлар: «Муҳаббат дўзахга ўхшайди», деб ҳасрат қилади. Бошқалар эса: «Муҳаббат жаннатга ўхшайди», дея оғзидан бол томади.

— «Дўзах», «Жаннат» деганлари аслида йўқ нарсалар. Бироқ улар ҳақидаги тасаввурларда жон бор. Муҳаббатни дўзах ё жаннатга айлантириш кўпинча ҳар кимнинг ўз қўлида.

— Одамнинг ўз-ўзига яратган дўзахи — муҳаббатга хиёлати. Бундан ҳам мудҳишроқ дўзах — рашкчилиги!..

— Одамнинг ўз-ўзига яратган жаннати — эзгу нияти, муҳаббатга садоқати, ишончи!

— Одамнинг оламга муҳаббатини икки хил кўз билан ўлчаш мумкин. Биринчиси — бадбинона кўз, иккинчиси — некбинона кўз, — дейди донолар.

Бадбинона кўз қилдан қийиқ ахтарaveraди. Некбинона кўз — ҳар бир нарсага ҳайрат, завқ-шавқ, ошуфталик билан боқади. Дунёга некбинларча қараш болалик-

ка хос. Бироқ, ҳайриятки, бу ноёб фазилат айрим катта ёшдаги одамларда ҳам сақланиб қолади. Акс ҳолда олам биз учун бус-бутун нуқсонлару хатолардан иборат бўлиб қолармиди, ким билсин!

Бугунги кунда ҳаётга бадбинларча, танқидий кўз билан қараш болаларда ҳам йўқ эмас. Сабаби — жаҳонда неки бор, барчаси кунба-кун телевизор экранига, ахборот воситаларига жо-бажо, уларнинг кўз олдида муҳайё этилмоқда. Лекин болани бола демаслик, кичкинтойларнинг ақли катталар билан барабар деб хаёл қилиб, тарбиядан четда қолдириш — одамзоднинг бу ёруғ оламга бўлган муҳаббатига путур етказиш билан баробар. Боланинг муҳаббат ҳусусида худди катталардек мулоҳаза юритиши — ҳали муҳаббатнинг ўзи эмас. Нечоғли билимдон бўлмасин, ҳар бир одамнинг, айниқса, болакайнинг ҳис-туйғулари парваришга, эъвозга, тарбияга ҳамиша муҳтож.

Сабабини билмайман-у, лекин, ҳар қалай, менда ҳаётга некбинларча қараш устун. Ҳали-ҳануз мени ҳайратга солмайдиган одам ҳам, буюм ҳам, ҳикматли гап ҳам, ривоят ҳам йўқдек.

♦ Қариялар айтган афсоналар: Бир мамлакатнинг донишманд подшоси қаригач: «Энди тож-тахтимни ўғлимга топширай-да, кўзим тириклигида унга юрт бошқариш сирларини ўргатай. Токи эрта бир кун тириклик билан видолашар пайтимда унинг адолатли ҳукмдор бўлиб қолажасига ишонч ҳосил қилиб, дунёдан беармон кетай», деган фикрни кўнглидан кечирибди. Хуллас, ўн беш яшар ўғлини тахтга ўтқазибди. Бола подшо аввалига юртни отасининг маслаҳатларига амал қилган ҳолда бошқаришга киришибди. Лекин орадан йиллар ўтган сари тобора золимлашиб бораверибди. Ҳузурига нажот истаб келган арзгўйларни сабр-тоқат билан тинглаш, ҳақни ноҳақдан ажратиш ўрнига иккала тарафни ҳам айблаб ё иккала тарафни ҳам оқлаб юбораверибди. Аҳвол шу даражага етиб борибдики, шаҳзода шаҳар кўчаларидан ўтганида, ўтирганнинг орқасига, турганнинг бошига қамчи урмай ўтмайдиган бўлибди. Қари подшо бу аҳмоқликларга чидай олмай холи қолганларида, насиҳат қилса, ўғли: «Яхши-яхши», деб рози бўларкан-да, яна ўз билганича кўнгли тусаган ишни қилавераркан. Унинг зулмидан сабр косаси тўлган халқ нажот истаб ота

хузурига кела бошлабди. Ана шунда қари подшо: «Бунинг эс-хуши жойидами ўзи?» дея ажабланиб, қўшни юртдан машҳур бир фолбинни олдириб, фол очирибди.

Фолбин фолини очиб, натижасини айтиш чоғида қари подшодан ўғли билан ёнма-ён ўтириб тинглашни ўтинибди.

— Агар фолинг ёлғон чиқса, бошинг кетади, — дебди ёш подшо.

— Икковингизни ёнма-ён ўтқазидан мақсадим ҳам шу — рост гапни айтиш. Шаҳзодам, сиз ўғил эмас, қиз боласиз, — дебди фолбин.

Қари подшонинг ранги ўзгарибди.

— Шохим! — дебди фолбин оҳистагина. — Агар маликам тезроқ турмушга чиқмаса ё бутун эл-юртни хонавайрон қилади, ё ўзини-ўзи бўғиб ўлдиради.

Бола подшо отасига тикилибди. Унинг ўтли қарашларига дош беролмаган қари подшо кўзларидан шашқатор ёш оқиб, ноилож тан олибди:

— Начора, подшо ҳам хом сут эмган банда экан, — дебди у. — Узоқ йиллар фарзанд кута-кута, ахири ўғиллик эмас, қизлик бўлдим. Нима бўлса ҳам шу фарзандим тож-тахтимга эгалик қилиб, ўрнимда қолсин, деган ниятда халққа: «Ўғил туғилди», деб овоза қилган эдик. Кейинчалик бу сирни ошкор қилолмадим.

Малика суюна-суюна фолбиннинг оёғига бош қўйибди...

Муҳаббат — бу бир касаллик, уни вақтида даволай олиш керак.

Яна: Сулаймон подшонинг ёлғиз қизи бўлган экан. Кунларда бир куни қизи балоғатга етгач, уни тезроқ узатиш ташвишида шаҳарга чиқибди-да, катта гузар ёқасига бориб ўтирибди. Сохт-сумбати келишган бир йигит ўтиб бораётганини кўриб, қуюқ салом берибди. Уйда балоғатга етган қизи борлигини айтибди. Йигит подшога бир қараб: «Шошилинч иш билан кетаётган эдим. Ҳалироқ уйингизга борарман», дебди-да ўтиб кетаверибди.

Сулаймон подшо ўзича: «Таклифим бу йигитнинг кўнглига ўтиришмади шекилли, йўқса пайсалга солмасди», деб ўйлабди-да, унинг изидан келаётган яна бир йигитни тўхтатиб, уйда балоғатга етган қизи борлигини айтибди. Бу йигит ҳам қаёққадир зарур иш билан кетаётганини айтиб: «Кечроқ уйингизга бораман», дебди. Сулаймон подшо ўзича: «Бу ҳам менинг подшолигимдан қўрқиб, қуруқ ваъда билан жўнаворди», деб ўйлаб-

ди-да, кечга қадар кута кута, ахири нарироқдан ўтиб бораётган бир йигитни кўрган заҳоти тўхтатибди. Олдига борибди. Ҳол-аҳвол сўрашибди. Ахири аввалги икки йигитга айтган гапларини такрорлабди: уйда қизи балоғатга етиб ўтирганини маълум қилибди. Бу йигит аввалгилардек пайсалга солиб ўтирмай, дарров рози бўлибди. Сулаймон подшо уни эргаштириб сарой дарвозасининг олдига борганида бояги икки йигитнинг икки тарафдан шоша-пиша келаётганига кўзи тушиб, юраги шувиллабди. «Агар бу иккови ҳам ваъда бўйича қизингизга келямиз, деса қандай жавоб қиламан? Ахир, подшодан лафзсизлик чиқса...», деб ўзидан хафа бўлиб, нажот истаб кўкка қўла чўзибди: «Эй, қодир эгам, мен янглишдим, ўзинг маслаҳат бер. Йўл кўрсат», дея илтижо қилибди. Ногоҳ қулоғига: «Йигитларнинг учаласини ҳам уйингга бошлаб киравер», деган садо эшитилибди. Бу гапдан кўнгли таскин тошиб, уч йигитни эргаштирганча ичкарига кириб қараса, уйда ёлғиз қизи эмас, уч қиз ёнма-ён ўтирганмиш. Уччаласи ҳам эгизаклардай, бирини иккинчисидан фарқлаб бўлмасмиш. Ичида «қодир эгаси»га шукроналар айтиб, уч қизни уч йигитга таништирибди, бараварига тўй қилиб узатибди. Орадан бирор йил ўтиб, қизларини соғина-соғина, ахири уларнинг уйларига боришга бел боғлабди.

Аввалига уйи яқинроқ қизиникига борибди. Қизи билан куёви уни яхш кутиб олибди, меҳмон қилибди, сарполар кийдиришибди. Эртасига кетин олдидан куёв боласидан: «Уғлим, хотининг дурустми, тотувмисизлар!» деб сўрабди.

— Яхши-ю, бироқ баъзида арзимаган сабаб билан итдай юмма талайди, қўшниларим олдида шарманда қилади, — дебди куёви.

Сулаймон подшо ўйланиб қолибди. «Ҳов ўшанда, худонинг қудрати билан уйимдаги қизларим учта бўлиб қолган кун итим йўқолган эди. Қодир эгам мени йигитлар олдида ўсал бўлмасин, деб итимни қизга айлантирган экан-да. Манови ўша қизга айланган итим экан-да», дея хаёлидан кечирибдию:

— Начора, болам, толеинг шу экан, энди чидайверасан-да, — дея тасалли берган бўлиб, иккинчи қизиникига йўл олибди.

Иккинчи қизиникида ҳам бир кун меҳмон бўлиб, эртасига хайрлашув олдидан куёв боласидан: «Уғлим, хотининг дурустми, тотувмисизлар?» деб сўрабди.

— Тотувликка тотувмиз. Бироқ... мушукникидай

ўтқир тирноғи бор. Айтганини қилмасам нақ юзимга чанг солади, — дебди куёви.

Сулаймон подшо сукутга толиб: «Ҳов ўшанда — худонинг қудрати билан уйимдаги қизларим учта бўлиб қолган куни мушугим йўқолувди. Қодир эгам мени йигитлар олдида ўсал бўлмасин деб мушугимни қизга айлантирган экан-да. Манови қизга айланган ўша мушугим экан-да», дея хаёлидан ўтказибдию:

— Начора, болам, толеинг шу экан, энди чидайверасан-да, — дея тасалли берган бўлиб, учинчи қизининг уйига равона бўлибди.

Учинчи қизиникида ҳам бир кеча меҳмон бўлиб, кетар олдидан одатдагидек куёв боласидан: «Ўғлим, хотининг дурустми, тотувмисизлар?» деб сўрабди.

— Тотувмиз, ота. Шу пайтга қадар на у менинг юзимга, на мен унинг юзига тик қараганимиз йўқ, — дебди куёви.

Сулаймон подшо мана шу қиз ўзининг асл қизи эканини тушуниб, мамнунлигини яширолмай:

— Толе сенга кулиб боққан экан, болам! — дебди ва улар билан борди-келди қиладиган бўлибди.

*Яна:* Тинчгина тирикчилигини қилиб, меҳнат билан машғул бўлиб юрган қорақалпоқ юртига кутилмаганда ёв бостириб келиб, эл орасидаги ўн ёшдан эллик ёшгача жамики эркакларни асир олиб, қўлларини боғлаб қул қилиш учун ўз юртларига ҳайдаб кетиш тараддудига тушибди. Бибиойша исмли жасур, бийрон, сулув бир келинчак ёв лашкарбошисининг олдида дадил кириб бориб, ундан элга зуғум қилмай, меҳр-шафқатли бўлишни талаб қилибди.

Лашкарбоши ҳеч бир мусулмон юртида бундай жасур аёлни кўрмаган экан. Андак тараддудланиб туриб:

— Сенинг киминг бор ўзи? — деб сўрабди.

— Қирқ яшар эрим билан ўн яшар ўғлим ҳайдалиб кетяпти, — дебди аёл.

Ҳам сулув, жам жасур, ҳам сўзга чечан аёлга ўхшайсан. Майли, сенга биттасини қолдира қолай. Хўш, эринг қолсинми ё ўғлинг қолсинми? — деб сўрабди лашкарбоши.

— Эримни қолдиринг. Эрим омон бўлса, ҳали ўғиллик бўлаверармиз, — дебди аёл тап тортмай.

Лашкарбоши кўзлари косасидан чиққудай чақчайиб:

— Топдинг-а, лаънати! Агар ўғлимни қолдир, деганингда, сени бебошвоқ деб каллангни олмоқчи эдим. Қани, энди менинг хотиним ҳам сендай вафодор бўлса!

Сендай эрига садоқатли, доно аёл учун овулингдан ҳеч кимни асир олмаганим бўлсин! — деб ҳамма бандаларни озод қилиб юборибди.

Ана, аёл! Ана, муҳаббатга садоқатнинг оқибати!

Ҳар куни эрталаб пайпоқ кияётганимда оташкуракдан оёғимда қолган тиртиққа кўзим тушади-да, онамнинг: «Гап тингла!..» деганлари қулоқларим тагида қайта янграётгандай, дунёдаги жамики оналар бир аёлнинг овози билан: «Гап тингла!» дея уқтираётгандай бўлаверади. Шу боисдан онамнинг огоҳлантиришлари ҳаммиша эсимда. Айтайлик, ҳеч бир қизнинг ички сирини ошкора қилмоқчимасман. Фақат бу ўринда «чой ичишиш» маросимидан кўзда тутилувчи мақсадни равшанлаштириш мақсадида бир гал рўй берган кичик бир воқеани эслатиб ўтмоқчиман:

...Онам ҳар гал «чойхўрлик» бошланишдан аввал қизларни алоҳида ўтқазиб мойсўкка, ёғ топилмаса, қуруқ сўкка обдан тўйғазарди. Айниқса мечкайроқ қизларга сўкни мажбурлаб едирарди. Бундан мақсади — базм пайтида қизларнинг дастурхонга ҳадеб қўл чўзаверишларига эҳтиёж қолдирмаслик, йигитлар узатган чойни олиб ичишга иштиёқларини ошириш. Ҳар гал онам яна шундай насиҳат қилишни ҳам унутмасди: «Ким билан товоқдош бўлсанг ҳам, унинг кўпроқ ейишига имконият бер. Бироқ бу ниятингни сездириб қўйма. Товоқдошингдан аввал овқатга қўл ўзатма. Ундан кейин қолиб ейишни давом этти раверма!»

Онам бу насиҳатини уйда ҳам кўп такрорларди.

Бир гал ҳар доимгидай базм ниҳоясига томон ҳамманинг қўли ювдирилиб, палов тортилади. Қизлар тарафга бир товоқ, йигитлар тарафга бир товоқ қўйилди. Таомил бўйича, йигитлар биринчи бўлиб овқатга қўл узатадилар. Қизлар орасидан Анор деган бир қиз ёқасидан тўғнағич олиб, бир дона гуручни санчиб ея бошлаган эди, онам унинг биқинини чимчилаб, йигитлар тарафга им қоқди. Мен ҳам қарадим. Уринбой деган бир йигит чўнтагидан қаламтарошини чиқариб, бир гуручни иккига бўлиб, ҳар ярмини оғзига бир солиб, тамшаниб ўтирган экан.

Шундай қилиб, сиполикда қизлар тарафнинг енгилгани ҳаммага аён бўлди.

Онам нохуш бир қайфиятда ўтирди-да, «Чой ичишиш» тугагач, қизларни тўғри уйга эргаштириб келиб, Анорни андак койиди:



— Ҳамма йигитлар лаганга қўл узатиб бўлгунча чидамай, нега тўғноғичга осилдинг?! Эркак — игна, бизлар — ипмиз, ҳеч бўлмаса ожизалигингни унутмай, йигитларнинг ҳаммаси товоққа қўл чўзишини кутишинг керак эди-ку, қизим?!

Эртасига оқшом чоғи онам уч қизга чанқовуз чалишни ўргатиб ўтирган эди, эшикдан қовоғи уюлганча Анор кириб келди.

— Тинчликми? — деб сўради онам хавотирланиб.

— Кечаги сипо Уринбойдан совчилар келиб, менга нон ушатибди, — деди у норозилик билан йиғламсираб.

— Қанчага баҳолашди? — деб сўради қизлардан бири.

— Ун мингга, — деди у минғирлаб.

— Мени ўн мингга баҳолашса жон-жон дердим, — деб орзиқди Турсунгул исмли буғдойранг қиз.

— Менга ўн беш минглик қалин моли тўламаса, ҳеч кимга тегмайман, — деди оққубадан келган Урингул.

— Менинг онамни рози қилиб, ўрнимга бир соғин сигир қолдиришса ҳам рози бўлардим, — деди дўмбоққина, қорачадан келган қиз — Ойхон.

— Сен нега индамай қолдинг? — деб сўради онам Анордан.

— Бу қизларнинг ҳамма гаплари номаъқул. Менинг нарҳим билганга арзон, билмаганга қиммат, — деди у ҳасрат билан.

— Масалан, сенга қанча қалин тўласа, рози бўлар эдинг? — деб сўрашди қизлар бараварига.

— Ким менинг муҳаббатимга яраша муҳаббат инъом этса, шугина кифоя эди, — деди у.

Онам Анорни бағрига босиб, пешонасидан ўпди-да:

— Эшитдингларми, қизлар?! — деди ҳаяжонланиб. — Ҳар бирингизнинг асл баҳойингиз мана шу!

... Уша йиллар қизлар тўп-тўп бўлиб шаҳарга боришни, шаҳарда киноларга тушиб ё писта чақиб юришни ҳавас қилардилар. Анорга боғлиқ воқеадан сўнг овулимиз қизлари кунба-кун ўзгара бошладилар: айрим қизлар бозорга борганда сотаётган қовунидан бир тилим узатган йигит биланми, писта чақишини кўриб, гап отган йигит биланми, ё бўлмаса, «Чой ичишиш» оқшомида гап-сўзлари ўзига ёқиб тушган йигит биланми тезда аҳду паймон қилишиб: «Муҳаббатимга яраша муҳаббат топилди» дейишиб, қочиб кетаверадиган одатни бошлаб юбордилар.

Муҳаббатга бундай енгилтакларча муносабат асрлар

мобайнида шаклланган миллий психология, яхши урф-одатларни тубдан ўзгартириб юбориши мумкин эмас, албатта. Ҳар қалай, бугунги кунда ҳам муҳаббат — кўпчилик ёшларимиз учун энг жиддий синов, энг жумбоқ туйғу, инсонийлик мезони бўлиб қолмоқда. Бу туйғунинг ҳамиша ким учундир ундов, ким учундир сўроқ белгиси бўлиб қолаверишига шак-шубҳа йўқ.

Ҳаётда ҳар бир одам фақат ўзигагина қарашли сўроқ белгиси ё ундов белгисига эга. Гоҳо кимнингдир қисматидаги сўроқ белгиси бошқаларнинг тақдири учун ундов белгисига айланиши ё аксинча, кимнингдир қисматидаги ундов белгиси бошқаларнинг тақдири учун сўроқ белгисига айланиши мумкин. Айни шу боисдан ҳам дунёда хилма-хил нуқтаи назарлар, англашилмовчиликлар, ихтилофлар кўп бўлса эҳтимол. Айрим одамлар у ёқда турсин, бутун бир халқнинг кечмишига теранроқ назар ташлаган сари, якка шахс тақдири билан у мансуб халқ тақдири ўртасида жуда кўп муштарак жиҳатлар борлигига иқрор бўлади киши!

Қорақалпоқ халқининг ким қандай атаса, шунга рози бўлиб, гоҳ «қалпоқ», гоҳ «черные клобуки», гоҳ «қора бўркли», гоҳ «кулоҳи сиёҳ», гоҳ «қорақалпоқ» деган номлар остида, худди шамол учирган туяқориндек, Осиёдан Европага, Европадан Осиёга сарсон-саргардон тентирашлардан иборат шум қисмати тақдири азалга қаратилган улкан савол аломати эмасми, ахир?!

Одатда саволга ҳар хил жавоб бўлади. Лекин фақат Улуғ Октябрь Социалистик Революциясигина халқимизнинг асрий саволларига энг муносиб жавоб топиб берди: ота-боболаримнинг пешона тери, яланг оёқлари остида ийланиб, юрак қони билан суғорилган шу қадар кенг — ясси майдонни чегаралаб: «Бу ер — Қорақалпоғистон!» дея ундов белгисини қўйди.

**Онамнинг насиҳатларидан:** Отасини қадрламаган одамни боласи хўрлайди.

Ўз отасига чинакам фарзанд бўла олган одам халқига ҳам фарзанд бўла олади.

Ким элим деса, эли уни фарзандим дейди.

Юртинг учун ўлиш — ўлим эмас, аслида қайта туғилиш, дейди донолар.

**Бобомнинг насиҳатларидан:** Агар ким, биринчидан, ваъдасига вафо қилмаса, иккинчидан, дўстликда ростгўй бўлмаса, учинчидан, ҳамма жойда ўз шаънини муно-

сиб қадрламаса, бундай одам муздан бино тиклаб, ўз номини қорга ёзгани!

Афсуски, муздан тикланган бинонинг сирти ялтироқлигига қараб, ундан ибрат олиш керак, дейдиганлар ҳам, ундайлардан ибрат олиб яшашга ҳаракат қиладиганлар ҳам оз эмас бу ёруғ оламда!

Инсон бошқа биров билан гаплашганида: «Мен биргина одам билан эмас, бутун бошли бир халқ билан, буткул инсоният билан сўзлашяпман», деб ўйласа, демак, ўзлигини излаб, одамга ўхшаб яшагани шу!

Кўча бийининг айтгани: Бир меҳмондорчиликда ўтирганимизда кутилмаганда бош билан соч ҳақида шундай тортишув бўлди:

— Нима учун одамнинг боши бошқа аъзоларидан юқорироққа жойлашганини ўйлаб кўрсанг, уни ҳамиша ҳурматлаб, эъзозлаш кераклиги маълум бўлади,— деди биров.

— Бош бутун гавдадан юқорироқ жойлашгани тўғри. Бироқ, ҳамма ташвишлар ҳам шу бошга ёғилади. Қолаверса, қарилик ҳам, ёшлик ҳам, донолик ҳам, нодонлик ҳам бошда рўй-рост кўриниб туради,— деди яна биров.

— Оғиздан ножўя сўз чиқса ҳам, оёқ бежо қадам босса ҳам, қўл расво нарсани ушласа ҳам, кўз ифлос нарсага тикилиб қарайверса, ҳам, ҳаммасига бош айбдор,— деди уй бекаси.

— Бировга тўғри баҳо беришдан аввал унинг бошига зеҳн солиб қараган маъқул. Боши ишлайдиган одамни унинг сочидан билса бўлади,— деди яна кимдир.

Қарийиб тенгдош, аксарияти эллиқдан ошган ҳамсуҳбатлар орасида ҳали сочининг бир толаси ҳам оқармаган Бекжон исмли одам жимгина гап тинглаб ўтирган эди. Ҳазил-мутойибага ишқибозроқ бир одам: «Ие, Бекжоннинг бошида нега битта ҳам оқ тола йўқ?» деб сўради содда муғомбирлик билан. Бошқаси эса, худди шу саволни кутиб тургандай, «муносиб» жавоб қилди: Бошида сочини оқартгули мия бўлмаганидан кейин, оқармайди-да!..

Гурра кулги кўтарилди. Сабаби — даврада сочи оқара бошлаганлар кўпчилик эди. Сочлари қоп-қора Бекжон кўпчилиқнинг кулгусига жавобан ҳеч нима деёлмай, мийиғида кулиб ўтираверди. Унинг бу кулгуси сочи оқарганлар устидан масҳарага ўхшарди.

Мезбон аёл яна гапга аралашди:

— Меҳмонлар, гапларингизга, кулгуларингизга қараганда сизлар ҳали ёш болага ўхшайсизлар. Ахир, билмайсизларми, мия — соч озиғу-ку. Одамнинг мияси камайган сари бошдаги соч оқараверадида.

Оқ сочлиларнинг қовоғи уюлди. Сочи қора Бекжон ошкора мазах билан хохолаб кулмади-ю, лекин, ҳар қалай, қаддини фоз тутиб, ўтирганларга гердайиб қаради.

Гарчи медицина нуқтаи назаридан қай бир талқин тўғри эканини аниқлаш мушкул бўлса-да, уй бекасининг гапларидан сўнг ҳамма жиддий хаёлга чўмди.

\* \* \*

Мана, бугун мен ҳам юзимга кўзгу тутиб, ўз сочларимга қарайман-да, ич-ичимдан зил кетаман: сочимда оқ толалар кунба-кун кўпайиб бормоқда. Демак, уларнинг озуқаси, яъни, мия камайиб бормоқда... Қайси ишларим эвазига бу оқ толалар, билмайман. Кўнглимда гашлик, изтироб, алам, таажжуб!.. Бу ҳолат — соч оқидан эмас. Узим шу пайтга қадар баҳоли қудрат машғул бўлиб келаётган иш — чинакам ижодий меҳнатнинг қачон бошланганини билолмасликдан туғилган ҳайрат, билишга иштиёқ...

Ким учундир умр йўли туғилган кундан бошланади. Бошқа биров чинакам умрни турмуш қурган кундан бошлаб ҳисоблайди. Яна биров учун тўнғич фарзанди туғилган кун — бу дунёда ўз ортидан из қолдирган кундан бошланади. Яъни, у умр йўлини боласининг ёши билан белгилайди. Чинакам умри ўлган куниндан бошланган одамларни ҳам кўҳна тарих яхши билади. Қандай бошланиши, қандай ҳисобланишидан қатъий назар, ҳар бир одам тириклиги учун кимнингдир олдида ўзини қарздор ҳис қилади. Агар уни очиқ-ошкор тан олиш имкониятига эга бўлмаса, юрагида сир тутати. Энг муқаддас бисот янглиғ бошқалардан пинҳон сақлайди.

Менинг умр йўлим қандай бошланган? Кимдан қарздорман?

Бобом ҳар гал мен билан гаплашганида: «Одам боласи балоғатга етгандан кейин уч хил қарз билан яшайди: биринчиси — ўтмишдан қарз, иккинчиси — бугундан қарз, учинчиси — эртаги кундан қарз. Бирор қарзингни унутсанг, ўзингни ўзинг қарғишга гирифтор қиласан», дерди. Бу гаплар кўпинча бобом айтган ҳан-

гомаларнинг ё муқаддимаси, ё хотимаси бўлиб мудом такрорланаверарди.

Чуқурроқ мушоҳада юритган сари ўз жамиятимдан, ўз халқимдан қарздорлик ҳиссини ҳам тобора теранроқ ҳис қиламан. Чунки аввало ўзим мансуб жамият туфайли, халқ туфайли менинг ҳаётимда ёруғ кунлар кўп бўлди. Шулар орасида кундузи — қуёшдек, кечаси — ойдек равшани, менинг адабиётдек фусункор оламга дастлабки қадамни қўйган куним.

«Адабиёт — инсоншунослик, инсон эса, ўз жамияти, ўз замонининг барча мусбат ва манфий жиҳатларини равшан акс эттирувчи кўзгу», дея такрорлашдан чарчамайди ҳар бир адабиётшунос.

«Ёзувчилик шуҳрати деб ёзувчилик билетини қўлга киритган талай одамларнинг яхши бадиий асар яратиш ўрнига ғийбат, иғво, шикоятбозлик билан машғул бўлиб қолганини кўп кўрганман», дейди бизнинг Кўча бийи.

Ёзувчи меҳнатини нақ афсонавий дўзахга қиёсласа бўлади. Ёзувчиликнинг оловли курсисига фавқулодда истеъдод ва сабот эгаларигина бардош бера олади. «Адабиётга шон-шуҳрат ахтариб кириб қолган-у, тополмагач, қайтиб чиқиб кетолмай юрганларнинг анча-мунчаси ичоғриққа ўхшайди: уларнинг юрган йўлида қўланса ҳид қолади», деган эди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор.

Мен қандай қилиб ёзувчи бўлиб қолдим? Тўғриси, бу бошқалар тугул ўзимга ҳам жумбоқ.

Тан олишим керакки, мен ўтиришларда қизиқ-қизиқ латифалар айтиб кулдирмаганман. Теша тегмаган гапларни қойиллатмаганман. Ёки бўлмаса, биров билан баҳслашиб, сўзга чечанлигимни кўрсатиб, энгиб чиққанганимни ҳам эслай олмайман. Нимадандир куйинсам ё суюнсам, кимгадир айтишим керак бўлган гаплар кейинчалик — ёлғиз ўзим қолганимда, уйга келиб, танҳо тўшакка чўзилиб ётганимда ёдимга тушаверади. Шунда ўрнимдан туриб, мени баҳсда энгган одамнинг олдига қайтиб боргим келади. Илож қанча, бобомнинг: «Вақтида фойдаланилмаган қилични тошга ур», деган насиҳатини эшитиб улғайганман. Қарабсизки, ўз вақтида айтилмаган гап ташқарига йўл тополмай, ични куйдирувчи ўтга айланади. Ич куйиб, ўз ёғингизга ўзингиз қоврилиб ётишдан оғирроқ азоб бормикин бу дунёда?!

Одам дилтортар қадрдони билан гурунглашса, ҳовури тарқайди. Мен ҳам юрагимда қайнаб-тошган ҳо-

вурни сиртга чиқариб енгиллашай дейман. Бироқ, ёнимда ўзимни тушунадиган одам тополмай, столга ўтираман-да, ёзишга тушаман. Ҳамма ўқиғанда тушунадиган, зерикмайдиган шаклга келтириш ҳаракатида қайта-қайта ёзаман. Учираман, кўчираман, ўчираман, кўчираман... Кунлардан бир кун бу ёзганларим асар ҳолига келади. Шундай қилиб, назаримда, ёзувчи бўлганга ўхшайман. Гоҳо ўзимнинг бу тахминимга ҳам шубҳаланиб қоламман. Сабаби — ёзувчилик фавқулодда чидам-тоқат, сабот-матонат, заҳмат демакдир. У ёниқ дил тафтида обдан тобланган фикрларнинг пишиқлиги. Шу фикрларни ўз вақтида, мухтасар бадиий шаклда қоғозга тушириш учун курсига миҳланиб ўтира олиш лаёқати...

Уйланганимдан сўнг, орадан бирор ҳафта ўтар-ўтмас, онам мени ҳолироқ жойга чақириб олди:

— Болам, — деди у. — Вақти келса, чойнак-пиёла ҳам чўқишади. Эр-хотин бир-бирини қанчалик суйиб турмуш қурмасин, аҳён-аҳёнда икки ўртада дилсиёҳликлар, ўзаро гап талашилар бўлиб туради. Бундай пайтда эркак киши ўзини тутиши, жаҳлга эрк бермаслиги керак. Бироқ, бунинг бир оғир томони — аламингни ичинга ютиш. Аёл кишининг жаҳли чиқса, мушукни уриб, товоқ-қошиқларни бир-бирига уриштириб, нари борса бир-иккитасини синдириб енгил тортади. Эркак киши ичини енгиллатиш учун ўзига маъқул иш топиши керак. Бу жиҳатдан сенинг омадинг бор. Сабаби — шеър ёзсан. Хотинингдан аччиғлансанг, индамай бориб ёзув стилинга ўтир...

Мен онамнинг насиҳатларига амал қилишга интилиб яшадим. Балки шу сабабли ёзувчи бўлгандирман.

Отамнинг насиҳатларидан: Кимнинг бўш вақти кўп бўлса, ўша одам жанжалга мойил келади.

Ақлли йигит ҳеч қачон бекор қолмаслиги керак.

Иш билан машғул одамга худонинг ҳам кучи етмайди...

\* \* \*

Бола қалби ҳали ҳеч нарса ёзилмаган оқ қоғоз, деган экан буюк педагоглардан бири. Бу гапнинг илмий жиҳатдан тўғри ё нотўғрилигига кафолат беролмайман. Бироқ, ҳар қалай, шуниси аниқки, кичкиналигимда ўта таъсирчан эдим. Оғзим очилиб, нафасимни ичимга ютиб тинглаганим айрим афсонларнинг бош қаҳрамонларига ҳавасим келиб, тезроқ шулардай бўлишни орзу қилар-

дим. Баъзи афсоналарнинг қаҳрамонлари юрагимда даҳшат уйғотиб, қўрққанимдан туни билан ухлолмай чиқардим.

Бундай руҳий ҳолатларни қай бир болакай бошидан кечирмаган дейсиз! Бироқ, уларнинг барчаси ёзувчи бўлганми?

Йўқ!

Ёзувчи бошқалардан ортиқми?

Йўқ!

Ақллироқми?

Йўқ, йўқ!!!

... Ёзувчилик, назаримда, бошқа одамлар ва айниқса, ўз халқнинг қисматига масъуллик демак; ўзингда халқингни, халқингда ўзингни кўра олиш демак; халқ (унинг ичида ўзингиз ҳам борсиз) манфаатлари йўлида бетиним кураш, халқингизнинг сизга берган тарбиясини ўзига қайтариш демакдир. Бу борада Лев Толстой улкан ибрат. Буюк рус халқининг бой тарихи, у яшаган даврга хос кескин зиддиятлар Лев Толстойни тарбиялаб камол топтирган бўлса, ўз навбатида, худдий Ой Қуёшдан нур олиб, оқшом чоғи, ўша нурни оламга таратаётгандек, у ҳам халқнинг мураббийига айланди. Бундай иқболга ҳамма ҳам сазовор бўлавермайди. Лекин буюк саркарда Суворов айтганидек, генералликни орзу қилмаган солдат — солдат эмас!

Узини доно ҳисоблаб бошқаларга маслаҳат бериш, ақл ўргатиш у қадар қийин иш эмас. Аммо ўзингизнинг мустақил фикрингизни муайян изчиликка, бадиий сўз воситасида қоғозга тушириш, кўпчилик мароқ билан ўқигудек шаклда ёзиш эса, аксинча, осон иш эмас. Ёзувчи мана шундай энг мушкул ишга ўз ихтиёри билан қўл урган... саркотиб! Чинакам ёзувчи ўз халқининг саркотиби, ўз замондошларининг саркотиби, ўз даврининг саркотиби!

Мен бутун умр мана шундай саркотиб бўлиш орзуси билан яшадим. Бу ҳақда Сизлар билан ушбу китобнинг иккинчи қисмида батафсилроқ, рўй-ростроқ сўзлашишга ҳаракат қиламан.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

---



*Ҳар бир одам ўтмишга, бугунга, эртанги кунга баб-баравар жавобгардир. Китобнинг одамдан фарқи шундаки, китоб инсониятнинг бой ҳаётий тажрибаси асосида дунёга келади. Шу боис ҳам у кўпроқ бугунги кун, янада кўпроқ, инсониятнинг келажаги учун масъулдир. (Адабиёт муаллимининг гапларидан.)*



...Онам оёғимга чўгланиб турган оташкурак босиб олган оқшомдаги оқсоқол меҳмонларнинг ҳангомлари, уларнинг менга шоирлик тилаб қилган дуолари кундузи соядек эргашиб, кечалари тушимга кириб, хотирамга бир умр муҳрланиб қолди.

Ҳар куни эрталаб уйқудан уйғонганимда, балки кечаси шоирга айланиб қолгандирман, дея ўйлаб, аллақандай мўъжиза кутаман. Афсуски, ҳеч қандай мўъжиза рўй бермади — менга шоирлик қаёқдандир келиб қолмади! Бу ҳолдан ташвишга тушаман, беихтиёр ғашланаман, кимдандир мадад кутаман, нимагадир талпинаман...

Бобом мендаги ўзгаришларни сезиб, уйга китоб олиб келиш ишқига тушди. Шаҳарга — бозорга борса, китобсиз қайтмайдиган бўлди. Бобомга ишқилиб, китоб бўлса бас эди. Уйимизда она тили, арифметика, тарих, география дарсликлари бир нечта нусхадан йиғилиб қолди. Шулар қаторида нақд олтита «Алпомиш» достони бор эди, эсимда. Биттаю битта дostonнинг бошқа нусхасида янгилик бордек, бобом ҳар қайсини ҳижжалаб ўқитгани сайин ўзимга ёд бўла бошлаган сатрларни китобга қарамай ўқисам, назаримда шоирлик у қадар қийин ишмасга ўхшайди. Бироқ «ичимдан шеър тўқиб чиқариш» ниятида олдимга оқ қоғоз қўйсам, бирон калима сўз ёзолмай дostonдаги сатрларни такрорлайман, холос!

Бир куни Махтумқулининг қандай шоир бўлиб қолгани ҳақида эшитган афсонам эсимга тушиб, ёзнинг зимистон оқшомида уйдан чиқиб кетдим-да, овулимизни қоқ иккига бўлиб оқувчи ариқнинг устига қурилган кўприк тагига кирдим. Ниятим — Махтумқулига ўхшаб кўприк тагида бир кеча ухлаш. Ушанда мен ҳам эртасига шоир бўлиб уйғонишим мумкиндек!

Ойсиз тун зимистонига кўзларимни базўр ўргатиб, ариқ бўйидаги япасқи тошдан ўзимга қулайроқ жой то-

пиб, оёқларимни энди узатганимни биламан, қарасам, шундоқ ёнимда, сув ичида икки олачипор илон бир-бирига чирмашиб ётибди. Нима қилишимни билмай, ҳатто қимирлашга қўрқиб, илонларга бақрайиб тикилган кўйи ўтирган эдим, бир пайт илонлардан бири оҳиста бошини кўтариб қирғоққа чиққан қурбақани тишлаб олди-да, мен тарафга силжий бошлади. Бутун вужудим титраб-қалтираб, ўрнимдан учиб турдим-у уйга қараб зингилладим...

Бари бир... шоирликдан кўнгил узолмадим. Назаримда, қариялар ўз фотиҳалари билан менга шоирликни қўшқўллаб тутқазишган, мен эсам, ландовурлик қилиб, қўлимда турган нарсани йўқотиб қўйгандек эдим. Топиб олишим керак! Иштиёқим кучайгандан кучайди. Янги бир шеър ўқисам, яна ўқигим келаверади... Тилимга қай сўз келиб қолса ё кимдандир янги сўз эшитсам, беихтиёр унга оҳангдош сўз қидира бошлайман. Кўклам чоғи заранг ерни, ҳатто сўқмоқ йўл, одамлар билан гавжум, метиндек гузар-майdonларни тешиб чиққан ўт-ўланларни кўриб, ҳайратга тушаман. Қиш бўйи дийдираб турган яланғоч дарахт шохларининг куртак ёзиб, янги ҳаётни қай тарзда бошлаётганини кўриш умидида уларга узоқ-узоқ тикиламан. Кузда эса, дарахт япроқларининг шитирлаб тўкилишига термулиб туриб, кўнглимда алланечук мунг-ҳасрат туйгандек бўламан. Шу кузатишларимни шеърга солгим келади, ҳеч уддалаёлмайман. Бунинг учун менга мудом нимадир етишмай тургандай, нимадир камдай туюлаверади. Нима экан у? Билмайман, билолмайман. Ким биландир маслаҳатлашгим келади. Лекин қани, қаерда ўша маслаҳатгўй? Нима қилишни, кимдан маслаҳат сўрашни билмай доғдаман.

Тўртинчи синфда, катта танаффус пайтида кимдандир, шоирлар, олимлар унутувчан бўлармиш, деган гап чиқиб, ҳаммамиз ҳайратга тушиб қолдик. Ҳатто уйга берилган вазифани тайёрламай бориб ҳар гал унутганини баҳона қиладиган болалар ҳам оғизларини очиб, кўзларини лўқ қилиб, анграйиб қолишди. Дарсдан сўнг уйга қайтарканман, ҳайратим таажжубга айланди: мен унутувчан эмасман. Кимдан қандай афсона, эртак, матал ё достон эшитган бўлсам, ҳаммаси эсимда турганга ўхшайди. Ҳатто айримлари тушимга кириб, туни билан ўша эшитган воқеаларнинг ичида «яшаб» чиқаман.

Ана шундан кейин, ўйлай-ўйлай, «Мен унутувчан эмасман, шунинг учун энди шоирликдан кўнглимни

узай», деб турганимда миямда шундай саволлар гужгон ўйнаб қолди:

«Мана, бобом қўшниларникига меҳмонга чиқса, дам оёғидаги ковушини, дам бошидаги чўғирмасини унутиб қолдираверади. Тагин, қаерда унутиб қолдирганини эслаёлмай, уйдан қидиргани-қидирган. Хўш, нега бобом шоир эмас?»

«Мана, момом кунига неча марта номоз ўқиганини ҳам унутиб, сал бўш қолди дегунча жойнамозини ёзиб, алланимани пичирлагани-пичирлаган. Хўш, нега момом шоир эмас?»

«Отам бўлса, ликбезда муаллими ўргатган ҳарфларни йўл-йўлакай унутиб, уйга келганда мендан эзмаланиб сўрагани-сўраган. Ахир, отам шоирлик қилиш тугул ўзиниям дурустроқ ёзолмайди-ку?!»

«Синфдошим Бибиойша муаллимимизнинг уйга берилган вазифасини унутиб қўйиб, ҳар оқшомнинг уйимизга чопқиллаб келгани-келган. У нега шоир эмас?»

«Синфимизда ҳалигача кўпайтириш жадвал ёд олмаган болалар бор. Улар нега шоир эмас?..»

Бу саволлар кўнглимда ажабтовур юпанч уйғотди.

Бир куни муаллимимиз дарсдан сўнг ҳаммамизни олиб қолиб: «Болалар, мактабдаги энг юқори синф бизнинг синфимиз. Қуйи синфларга ибрат бўлгудек деворий газета чиқаришимиз керак. Бунинг учун, майли, сизларга уч кун муҳлат бераман. Ҳар қайсингиз биттадан мақола ё шеър ёзиб келасизлар», деди.

Муаллимнинг топшириғи менга онамнинг кўрсатмасидан ҳам ортиқроқ эди. Уч кун бадалида беҳисоб кўп қоғоз қораладим. Ахири, синфдошим ҳамда қўшним Бибиойшага бағишлаб «Ялқов қиз» деган саккиз қатор шеър ёздим.

Гарчи бу шеър учун кейинчалик кўп хижолат чеккан бўлсам-да, ҳар қалай, ҳали-ҳануз ёдимда сақланиб қолган:

Уқишдан кечикиб қолади,  
Арифметикадан икки олади,  
Тарихдан жавоб берса,  
Елгонни қаторлаштиради.

Узи сулув, оппоққина,  
Баҳона топишга уста,  
Отини сўрасанг — Бибиойша,  
Бироқ ўзи ялқов қиз.

Муаллим ҳамманинг ёзиб келганлари қаторида менинг шеъримни ҳам ичида ўқиб чиқди-ю, юзимга тикилиб туриб шундай деди:

— Қаипбергенов, шу гапларни қулоғинга қуйиб ол: биринчидан, бошқаларни танқид қилишнинг икки тури бор — камчилигини тузатиш мақсадида танқид қилиш ва ғаразли ниятда танқид қилиш. Буни фарқлаб олиш керак. Иккинчидан, адабиётда ёлғончилик ҳиёнат билан барабар. Агар сен ҳаётда бир одамга ёлғон айтсанг, адабиётдаги ёлғонингни минглаб одам ўқиши мумкин.

Муаллим бундан бошқа бир сўз демади, бироқ ўша шеърим қандай бўлса — шундай ҳолида деворий газетанинг навбатдаги сониди босилди.

Гарчи Бибиойша ўша кундан эътиборан мен билан гаплашишни бас қилган бўлса-да, ҳар қалай, қайтиб дарсдан ҳам кечикмайдиган бўлди. Аста-секин аълочи ўқувчилар қаторига қўшилди. Муаллим эса, мени кўчада тасодифан учратиб қолса, отимни эслаёлмай: «Ҳа, шоир!», деб чақиршига одатланди.

Бу лақаб дам мақтовга ўхшайди, дам ҳақоратдек туюлади. Сўзларни зўрма-зўраки қофиялаштирганим бўлмаса, ўзимда ошиб-тошиб ётган шоирлик қобилиятини сезавермасдим.

Шунда ҳам шеър ёзишни бас қилолмадим. Кундалик вазифаларни бажариб бўлган заҳоти бўйра устига ётиб оламан-да, шеър ёзишга киришаман. Гоҳо қаддимни кўтариб ўтирган кўйи хаёлга толаман. Онам менинг нимадандир қийналиб-зўриқаётганимни сезиб, қошимга буғдой қўғирмоч ёки сўк қўйиб кетади.

— Ёлғиз хаёл суриб ўтиравериб, тагин жағинг қаришиб қолмасин, чайнаб ўтир, — дейди.

Онамнинг бу ҳурмат-эҳтиромига муносиб шеър ёзолмаганимга ичим ўтдай ёнади. Нима қилай, чорасизман. Уйлаб қарасам, ўзим эмас, онам шоирга ўхшайди. Сабаби у менинг нима билан оворалигимни сўрамаса ҳам билади, аҳволимни ҳис қилади.

— Нимаики ёзсанг, муаллимнингга кўрсатавер, болам. Бу овулдаги энг саводхон, энг ақлли одам муаллим, — дейди онам доимо.

Бобом айтган кўпдан-кўп ҳангомаларга қараганда, бурунги шоирлар дастлаб овул бошлиқларига, дўст-биродарларига бағишлаб қўшиқ тўқиб чиқариш биланоқ кўзга тушаверганлар. Шоирлар ҳар бир одамни бутун бошли олам деб тушунганлар.

Мен учун мактабим — бир олам, муаллим эса шу

оламнинг эгаси. Шундай экан, муаллимга атаб шеър ёзиш машқига тушдим. Талай кун машаққат торта-торта, ахири бир тундаёқ ўзидан ўзи ўн икки қатор шеър пайдо бўлди.

Муаллимга аталган биринчи шеърим бўлгани учун эмас, муаллимимдан дакки эшитганим учун бу шеър ҳам хотирамда сақланиб қолган. Мана ўша шеър:

Овулимизнинг доноси  
Болаларнинг паноси —  
Узоқ яша, муаллим,  
Раҳмат сенга, муаллим.

Сени доим сийлаймиз,  
Вазифанг бажарамиз,  
Ҳеч тартибсиз бўлмаймиз,  
Олқиш сенга, муаллим.

Сени кўрса қочар мулла,  
Кўрдик бунинча неча бора,  
Онт ичамиз: илло-билло,  
Аъло ўқиймиз, муаллим.

— Бу шеърнинг ўзимга маъқул тушгани шунчаликки, эртасига мактабга бордим муаллимимга: «Янги шеър ёзувдим, ўқиб берай», дея ўтиндим. Бутун синфдошларим олдида ғоз турганча ўқиб бердим.

— Қаипбергенов! — деди муаллим жимгина тинглаб бўлгач. — Сен Бердақ шоирга бир шогирди шеър бағишлаб, ўзига ўқиб берганида устознинг нима деганини эшитганмисан?

— Йўқ, — дедим.

— Утир, эшит! — деди муаллим ўта жиддийлик билан. — Сенга ўхшаган ҳовлиқмароқ ёш шоир устози Бердақни кўкка кўтариб шеър ёзиб борган экан. Улуғ шоир уни жимгина тинглаб ўтирибди-да: «Эртага кел, шеъринг учун сенга мукофот бераман», дебди. Ёш шоир севинчдан юраги тўлиб-тошиб эртасига ваъдалашган вақтидан аввалроқ етиб борибди.

Улуғ шоир уни кўриб-кўрмагандек пинагани бузмабди.

— Устоз, кечаги ваъда бўйича келувдим, — дебди ахири ёш шоир чидамай.

— Кўриб турибман. Биласанми, кеча сен мени алдаб,

суюнтириш умидида тиришиб-тирмашган эдинг. Ҳисоб-ни тенглаштириш мақсадида мен ҳам сени алдаб, бир кеча қувонтиргим келди, — дебди улуғ шоир.

**Бобомнинг насихатларидан:** Биринчидан, ҳеч ким бошига лойиқлаб тикилмаган чўғирмани ёқтирмайди. Иккинчидан, ўзининг бўз чопонига ўрганиб қолган одамга зарбон тўн совға қилсанг: «Бу ерда бир гап бор», деб шубҳаланади. Учунчидан, ўзи баландда турган одамни сен баланддасан, деб мақтайвериш кўп ҳолларда бахилликка ўхшаб кетади.

**Қарияларнинг ҳангомаларидан:** — Бердақ шоир Хивадан кечроқ қайтиб, кўзлаган манзилига етолмагач, йўл устидаги нотаниш овулларнинг бирида тунаш учун бурилган экан, гузарда ёлғиз йўловчига рўпара келибди. Жуда қимматбаҳо либослар кийган бу йўловчи юпунгина кийинган шоир билан саломлашиб, шу овулда тунаб ўтиш нияти борлигини, бироқ ҳеч кимни танимаганлиги учун қаёққа боришни билмай, тараддудланиб турганини айтибди.

«Қисматимиз бир хил экан. Юр, қўноқ жойни бирга қидирайлик», дебди шоир. Шундай қилиб, улар ташқариси озодароқ бир уйнинг эшигини тақиллатиб, «худойи меҳмон» ликларини маълум қилишибди. Уйда қандайдир бир қувончли воқеа шарафига зиёфат берилаётган экан. Бундай пайтда меҳмон қабул қилмайдиган уй бўлмайди. Мезбон уларни очиқ чеҳра билан кутиб олибди. Бироқ, икки меҳмоннинг бир-бирига нотанишлигини билмай, фақат кийимларигагина қараб, Бердаққа пойгакроқдан, иккинчисига тўрдан жой кўрсатибди. Эл-юртининг таомилига кўра, бундай зиёфатга келган меҳмон оламда нима гаплар бўлаётганини, лоақал йўл-йўлакай кўрган-билганини гапириб, ибратли ҳангомалар, афсоналар айтиб бериши керак. Икки меҳмон навбатма-навбат гапириб, кўрган-билганларини ҳикоя қилиб бўлиши билан, мезбон уларнинг ўринларини алмаштириб ўтқазибди. Яна бир оз гаплашганларидан сўнг Бердақни ўтоғасининг ўрнига ўтқазибди. Иккинчи меҳмоннинг тутуруқсиз гапларидан безор бўлиб, мезбон ундан зиёфат тугагунга қадар бошқа хонада дам олиб туришини илтимос қилибди.

«Таниган ерда доно улуғ, танимаган ерда — тўн улуғ», дейилади халқ мақолида.

«Зиёфатга борганингда гап билмасанг, лоақал тилингга маҳкам бўл — бир чеккада ўтириб қайтасан», дейди қариялар.

Шуларни эслаб, менинг шоирлигим бошқаларнинг гашини келтирса, бундай шоирликнинг нима кераги бор, деган хулосага келдим. Лекин, ҳар қалай, ўзимча куймаланиб, шеър машқ қилишни ташламадим. Назаримда, ичимга сифмаётган ўй-фикрларим, айтмоқчи бўлган гапларим кўпдек. Уларни қаергадир бўшатиб хумордан чиқишим керак-ку, ахир!

Кимнинг оғзи бўшлиги сабаб бўлди — билмайман, «Ҳақимниёз чолнинг тўнғич невараси шоир экан», деган гап қўни-қўшнилар орасида ёйила бошлади. Бу хабар бобомнинг қулоғига ҳам етиб борибди.

— Ялангоёқ этик кийса, босарга ер топмас экан. Биз бечораларнинг уйидан шоир чиқиши ҳам шунга ўхшайди. Энди сени кўча бийининг олдига олиб боришим керак, — деди бобом.

Бобом айтдим, тамом!

Кўча бийи лўппи, япасқи, силлиқ юзини мен томон буриб, юм-юмалоқ кўзларини менга қадади-да: «Калланг каттагина экан. Шу калланинг ичи тўла мия бўлса, бир нима чиқар, чиқмай қолмас», деди.

— Шоир бўлмоқчи, — деди бобом.

Кўча бийи сонига шапатилаб қотиб-қотиб кулди. Бобом унинг бу қилиғини ёқтирмади. Мен ўсал бўлдим.

— Қани, шоир бола, айт-чи! Масалан, дейлик, колхозимиз раисининг ишдан бўшатилишини истасанг-у, бироқ у бўшамай турганида, ишинг тушиб олдига борсанг, нима деган бўлардинг? — деб дабдурустдан сўраб қолди Кўча бийи.

— Раис оға, фалон иш билан олдингизга келдим, дер эдим.

— Бундай эмас-да! Шоир гапини пардозлаб, пардалаб гапириши керак. Демак, бундай вазиятда аввалига: «Собиқ раис оға!» деб бўлиб (эсингда бўлсин, «собиқ») деган сўзни қўшиб айтсанг, уни пичоқсиз сўйганинг!), ана ундан кейин илтимосингни айтаверсанг бўлади. Мабодо муаллимингни ёқтирмай қолсанг, унга ҳам бир гап айтишдан аввал: «Собиқ муаллим оға!» деб чақирсанг, асл бадийий сўзнинг устаси бўласан-қўясан.

— Яша, чироғим, неварамга шоир бўлишнинг йўллари ургат, кўп ургат! — ўтинди бобом Кўча бийига ихлос билна термулиб.

Кўча бийининг айтгани: Мен ёшлик пайтимда овулимиздан бир шоир чиқди. Шоир деганлари дастлабки пайтларда енгилтабиатроқ, ҳовлиқмароқ бўладими дейман. Утиришларда, ҳатто шунчаки уч-тўрт одам йиғилиб қолса бас: «Шеър ўқиб берайми?» деб қисталанг қилаверарди. Ҳеч ким сўрамаса ҳам ўрнидан туриб шеър ўқийверарди. Аввалига бир оз зеҳн қўйиб тинглаган одамлар ҳам бора-бора ундан зерика бошлашди. Уша шоир билан баробар овулимизда бир қўчқор уриштирувчи ҳам чиқиб қолди. Тўй бўлса бас, овул-аймоқ унинг қўчқорига ишқибоз бўлиб ортидан эргашаверарди. Уришқоқ қўчқори туфайли овулда уни билмайдиган одам қолмади. Анови шоиримиз эса, кўп ўтмай, шаҳарга кўчиб кетди. Аҳён-аҳёнда газетада номини кўриб қоламиз. Лекин қўчқор уриштирувчи то умрининг охиригача овулимиздаги энг машҳур одам бўлиб қолаверди. Боши ёрилган қўчқорини сўйиб, бола-чақаси билан қўлинг ўргилсин шўрвасини ичиб ётаверарди. Қўни-қўшнилари, овул аҳлини ҳам шўрвадан бенасиб қолдирмасди. Неварангиз ҳали ҳаётнинг асл моҳиятини яхши тусунмайдиганга ўхшайди, оқсоқол — дея нақлини хотималади Кўча бийи.

— Шунинг учун ҳам олдинга етаклаб келдим-да, — деди бобом.

Кўча бийининг айтгани: Ёшлигимда қармоқ билан балиқ овлашни яхши кўрардим. Кўл бўйига бориб, қармоққа иладиган чувалчангларимни товоқчага солиб қўйган эдим, биттаси ўрмалаб товоқчадан чиқиб олди. Қармоғимни қўлимда ушлаган ҳолда, қани нима қиларкин, деб чувалчангнинг ортидан қараб туравердим. У озодликка чиққанига қувониб, шоша-пиша бурилиб-эшилиб ўрмалаётган эди, қаердандир бир чумчуқ учиб келиб, чувалчангнинг тепасига қўнди-да, уни чўқилаб ейишга тутинди. Еб бўлгач, қанотини қуёшга тоблаб, ҳузур қилиб ўтираверди. Шу орада қаердандир қирғий пайдо бўлиб, чумчуқни тишлаганча кўл ёқасидаги тўранғил шохига бориб қўнди. Шу ерда чумчуқнинг патларини тўзғита-тўзғита еб, шохга қанотларини ёзиб эндигина мизғиган эди, кўз очиб юмгунча бўлмай лип этиб шоқол пайдо бўлди-да, қирғийни бўйнидан ғарчча тишлаб олди. Шоқол тўранғил оралаб келаётган эди, кутилмаганда нимадир «шарақ» этди-ю, шоқолнинг фигони кўкка чиққудек бўлди. Шу орада нарироқдаги тўранғил панасидан



бир одам чиқиб келди. Ана шундагина мен шоқолнинг қопқонга тушганини билдим. Уша одам суюнганча югуриб бориб, шоқолнинг бошига қўлидаги узун темир билан қулочкашлаб икки марта урди-да, оёғидаги қопқонни бўшатиб, бояги ўрнига қайта қуриб қўйгач, менинг ёнимга келди. Мен қармоғим қимирламасин, деб гапирмадим. У менинг кўнглимдан ўтганини фаҳмладими, жимгина ортига қайтиб, шоқолнинг терисини шилиб олди. Терини офтобшувоққа ёйиб қўйди-да, бугунги ўлжасидан мамнун бўлиб, ўт-ўланлар устига чалқанча ётди. Шу орада унинг жон ҳалпида чинқиргани эшитилди. Югургилаб олдига борсам, бўйнига илон чирмашиб олибди. Унга қўлимдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилдим. Бироқ ажал чангалидан қутқариб қоллолмадим. Илонни мен ўлдирдим.

Мана, сенга ҳаёт! Ким мана шундай ҳаётни ёзса, ҳаётнома ёзгани.

**Бобомнинг айтгани:** Мен шу колхозга аъзо бўлиб кирганимдан бери уч марта раис ўзгарганига гувоҳ бўлдим.

Биринчи раис амалга минган заҳоти ҳаммани хонасига йиғди-да, аввалги раиснинг даврида бизга қийин бўлганини айтиб, энди аҳвол яхшиланишини ваъда қилиб иш бошлади. Кейинчалик ҳам у тез-тез шундай мажлис ўтказиб, ўзининг колхоз ҳаётига киритаётган янгиликларини, ҳар биримизга кўрсатаётган ғамхўрлигини эслатиб турди. Кунлардан бир куни у ишдан бўшади. Иккинчи раис собиқ раиснинг ишдан бўшатилгани яхши бўлганини ўзича далиллаб, у бошқарган давр бизлар учун кони азоб бўлганини, энди бизнинг ҳаётимизда жуда кўп янгиликлар рўй беришини айтди. Янги раиснинг ваъдаларига эндигина ўрганганимизда у ҳам ишдан бўшатилади. Учинчи раисимиз ўзидан аввал ишлаган ҳар икки раис замонини бир йўла чиппака чиқарди. Унинг сўзларига қараганда, шу пайтгача колхозимиз ўтириб қолган экан. Энди бизлар учун олтин давр бошланаркан... Бу гапларга ҳаммамиз астойдил ишондик. Бироқ...

Яқинда ўша раис ҳам ишдан олинди. Энди янги раис нима деб келишини кутиб юрибмиз.

Шу гаплар эсимга тушса, ҳаёт араваси дам ундоқ, дам бундоқ гилдирайверадами, ё одамлар замонга мосла-

шиб, аравакашнинг қўшиғини айтиб яшайверадими — тушунмай бошим қотади. Нима бу, ҳаётми, чархпалакми?!

Албатта, ҳаёт!

Онамнинг насиҳатларидан: Аҳмоқнинг ақлли томони шундаки, у аҳмоқлигини ҳимоя қилиш учун ҳеч нарсадан қайтмайди.

Ақлли одамнинг аҳмоқона томони шундаки, аҳмоқларнинг ақлли иш қилишидан умидвор бўлиб, ўз ақлини ҳимоя қилишни ёддан чиқариб қўяди.

Фойдаланилмаган ақл — ишлатилмаган пул.

Ишлатилмаган пул — ялтироқ қоғоз.

Бобомнинг насиҳатларидан: Утакетган ёвуз бўлмаса, болага ёмонлик қилувчилар камдан кам.

Халқимиз узоқ асрлар мана шундай болалик даврини бошидан кечирмаганида, шу қадар оз сонли бўла туриб, балки бугунги кунгача етиб келолмасди.

Меҳнатсиз ейилган бол оғзингда қондек ёқимсиз туюлади. Меҳнат билан еган нонинг, ҳаттоки моғорлаб кетган бўлса ҳам, оғзингда болдек эрийди.

Ҳар бир инсоннинг ўз мақсади бўлади. Ўз мақсадини халқининг мақсадига бўйсундирган одам ҳаётда адашмайди.

Қарияларнинг ҳангомаларидан: Бир ота-онанинг якка-ёлғиз қизи бор экан. Ёлғизгина арзандалари бўлгани учун унинг кўнглига қараб ўстиришибди ва турмушта чиқаришда қозон-товоғигача ҳамма ашқол-дашқолларини тайёрлаб беришибди.

Орадан ярим йил ўтиб қиздан ота-онага:

«Отам берган гиламни ерлар ютди,

Онам берган қозоннинг оғзи битди», —

деган бир байтгина хат келибди.

Ота-она қаттиқ ташвишланиб, қизининг уйига боришса, у ҳалигача қозон ювиш, уй супуришни билмас экан. Овқат қилганда, қозонни ювмай, овқатни қасмоғининг устига пиширавергани учун қозоннинг ичи том битиб қолибди. Гилами эса, бирон марта қоқилмагани, ё бирор марта ювилмагани сабабли ҳар кимнинг оёғига илашиб келган чанг-чунг билан ерга сингиб кетибди.

Ота-она бундай қиз ўстирганига пушаймон бўлиб, ноилож янги қозон, янги гилам сотиб олиб бўришибди. Қизининг кийимлари тўзиб, йиртила бошлаганини кўрган онаси кетар олдида:

— Қизим-ов, ҳеч бўлмаса эгнингга кунига бир кўйлак кийиб олишга қўлинг тегмайдими? — деб уни койибди.

Қиз:

— Тушундим, энди шундай қиламан, — деб қолибди.

Вақти келиб ота-онага қизидан: «Кийимларим оғирлашиб, оёғимга ўралашиб юролмай қоляпман», деган хабар етиб келибди. Она ҳовлиқиб келса, қизи онасининг маслаҳати бўйича устига ҳар кун биттадан кўйлак киявериб, гупчакдек шишиниб, қават-қават кўйлақларининг этаги оёғига ўралашиб, юрай деса суриниб йиқи-лавераркан. Онаси бундай калтафаҳм қизига нима деб-нима қўйишни билмай, ўйлай-ўйлай: «Битган ақл бўлмаса, суртган ақл ҳеч нимага ярамас экан», деб қизини қайта тарбиялаш учун уйига олиб кетибди.

Онамнинг насиҳатларидан: Ёмон ниятли йўловчи ботар кундан умидвор бўлади, яхши ниятли йўловчи чиқар кундан умидвор бўлади. Чиқар кундан умидвор бўлиб яшагин, болам!

Момоннинг насиҳатларидан: Айрим одамлар беш кунлик роҳат-фароғати деб кўра-била туриб ўғрилиқни ҳам қўллаб-қувватлайди. Ҳаётда билиб туриб қингир иш қилиш — чинакам ўғрилик. Бу дунёда ўғрилар кўпми, дейман-да. Гапларининг маънисини тушуниш учун сен аввало ақлингни тезроқ таниб ол, қароғим!

Бобомнинг насиҳатларидан: Аввало, халқ доно. Одамларнинг ўзаро муносабатларидан, ўзининг бошқалар билан, бошқаларнинг ўзи билан муомаласидан тегишли хулоса чиқара билган, қолаверса, уни ўринлатиб қоғозга тушира билган одам — янада донороқ. Бундай одам халқини ҳам доно қилиб кўрсата олади. Бу иш — улуғликнинг ҳам аломати!

— Улуғлик белгиси — ожизларни ҳимоя қилиш, — деб ўргатади Кўча бийи.

— Ожизларни ҳимоя қилиш — қудратлиликдан нишонадир, — дерди отам.

— Улуғликнинг ҳам, қудратлиликнинг ҳам белгиси — ҳалол, пок яшаш, — дерди онам.

**Қариялар гурунгида:** Болалик чоғимда овулимизда ўн икки мучасини ёғ босиб кетган бир бой бўларди. Бойлиги ошиб-тошиб ётсаям бола-чақаси билан бўз кўрпачада ўтириб, қаттиқ нон ерди, пиширган овқатлари ҳам қуруқ ёвгон бўларди.

«Сиз нега бунақа зикналик қиласиз?» деб сўраган одамга: «Овулдаги бошқа одамлар қандай яшаса, мен ҳам шундай яшайман-да, улардан ўтиб қаёққа борардим», деб жавоб беради. Жавобни-ку, берарди, бироқ ҳеч кимга на бир товуқ, на бир кафт буғдой бермасди... Гоҳо-гоҳо, шу бой эсимга тушса, унинг улуғлигини ҳам, аҳмоқлигини ҳам билолмай ҳайрон бўламан.

Овулимиз чеккасидаги қамиш қапада бир девона яшарди. Уйига биров бориб қолса, эғнидаги биттаю-битта чопонини ёйиб, тагига тўшарди. Охтирги ярим нонини дастурхон устига қўярди. Шу қадар саҳийлиги учунми овулимиз болалари ҳамиша эшигининг олдида гирдиқапалак эди. Уша девона эсимга тушса, унинг улуғлигини ҳам, нодонлигини ҳам билолмай, мен ҳам ҳайрон бўламан.

— Ҳамма бир томонга қараб юрганида ер курраси ўз ўқидан чиқиб кетиши ҳам эҳтимол эди, — дейди отам.

— Жаҳон халқларининг кўпдан-кўп уруғларга, миллату элатларга, айрим-айрим мамлакатларга бўлиниб, ҳар бирининг ўз эркича яшаши дунёнинг мувозанатини сақлаб турибди, — дерди гоҳо Кўча бийи.

— Агар ҳамма бир хил бўлганида, одамлар учун гап топилмай, ҳамма зерикишдан ўлиб қоларди, — дерди яна Кўча бийи.

## 2

Тўртинчи синфни тамомлашимиз муносабати билан мактабимизда ота-оналар мажлиси бўлиб, унга уйимиздан бобом қатнашди.

Муаллим биринчи бўлиб менинг баҳоларимни ўқиб эшиттирганида бобом севинчини яширолмай, бошқаларнинг олдида ўзгача бир виқор билан гердайibroқ ўтирди. Район марказидаги пионерлар лагерига бориш учун менга белул йўлланма берилишини эшитганида, мўйловини қайта-қайта силаб: «Тўлек, мен сендан розиман!» деди.

Онамнинг «Сере» деб чақиришини айтмаса, умрим бино бўлиб менинг отимни ҳеч ким бундай бузиб айт-

маган эди. Бобомнинг номимни қисқартириб айтганига боис — ичига сиғмай бораётган севинчни тезроқ билдиришга шошилгани бўлса керак, деб тахмин қилдим. Муаллим мийиғида кулиб:

Бердимурод Бердақ бўлди,  
Бироқ ҳеч ким билган эмас.  
Тўлепберган Тўлек бўлди,  
Бироқ ҳамма билди, мана,

— деди. Утирганлар гурра кулишди.

Муаллимнинг номимни Бердақ билан ёнма-ён қўйганига бошим кўкка етгудек бўлди.

«Шоир бўлсам, ўзимга Тўлек деб тахаллус қўяман». Шундай деб ўйладим-у, аъзои баданимда нимадир ўрмалаётгандек сесканиб кетдим: ўзимни буюк Бердақнинг ёнида тасаввур қилишдан уялмайманми!

«Одам боласидаги энг бебаҳо фазилат — у ҳамиша эртасидан умидвор бўлиб яшайди, ўзини юксакликларда кўргиси келади», дерди онам.

«Одамнинг ҳаётда кўпдан-кўп хатоларга йўл қўйишига сабаб ҳам мана шу; ўзини ҳамиша юксакликларда, ақли расолар орасида хаёл қилишининг натижаси», дерди бобом.

— Ота, сизга бир жуфт савол берсам майлими? — деди муаллим.

Бобом кўнгли яйраб' турган чоғида ҳеч нарсадан қайтмасди ҳам, қўрқмасди ҳам. Гердаийб ўтириб:

— Майли, — деди.

— Биринчи саволим: энг қувончли, яхши кунларингизни айтинг-чи? — деб сўради муаллим.

— Энг яхши кунларим — нима биландир астойдил машғул бўлган кунларим, — деди бобом.

— Энг қайгули, ёмон кунларингиз-чи? — деб яна сўради муаллим бобомнинг биринчи жавобидан мамнун бўлиб.

— Энг ёмон кунларим — ишсиз, бекор қолган кунларим, — деди бобом.

Ота-оналар орасида кимдир:

— Нима учун? — деб сўраб қолди.

Ишсиз, бекор қолган пайтингда мияннга ҳар хил бўлмағур хаёллар келаверади; Уйланавериб-ўйланавериб, энг қадрдон дўст-у, биродарларимдан ҳам камчилик топиб қоламан, — деди бобом.

Ҳамма жиддий тортди.

— Болалар, таътил пайтида Ҳакимниёз отанинг мана шу жавоблари устида пухта ўйлаб, биринчи сентябрга баён ёзиб келинглар, — деб муаллим ҳамма ўқувчиларга рухсат берди.

...Мактабдан қайтишда бобом икковимиз одатдагидай суҳбатни қизитдик. Бироқ, муаллимнинг бобомга берган саволлари унинг жавоблари ҳақида на бобом, на мен лом-мим дедик.

— Муаллимнинг шу гал менга жуда маъқул бўлди, — деди бобом. — Кўксида кўзи бор, жуда-жуда олисни кўрар экан!

Бобомнинг юзига саволомуз тикилдим. У менинг тушунмаганимни сезди.

**Бобомнинг насиҳатларидан:** Одам кўзларининг кўриш чегараси бор. Илм туфайли очилган кўзнинг эса, кўриш чегараси бўлмайди. Чунки бу илм эгасининг кўнгил мулкида очилади.

Халқ орасида «Энг бадавлат одам — илмли одам», деган гап бор. Бунинг маъноси — илм одамнинг юрагида бўлади, ҳеч қачон эскирмайди, ўзи билан бирга яшайди. Уни қанча кўп сарфласанг, шунча кўпаяверади. Бойлик бўлса, сандиқдами, қопдами, ёстиқнинг жилдидами сақланади. Уни қанчалик кўп сарфласанг, шунчалик тез камайиб бораверади. Яна бир фарқи шундаки, илмли одам ўлса, яхши олим эди, деб ҳамма қайғуради. Бойбадавлат одам ўлса, мол-дунёси бизга қоладиган бўлди деб, ҳатто ўз болалари ҳам хурсанд бўлади.

Муюлишдан Кўча бийи чиқиб қолди:

— Ота, неварангиз аълочи экан-а? Кўп яшасин азамат! Ўзи ҳалиям шеър ёзиб турадими? — деди у.

— Ёзиб туради, — деди бобом.

**Кўча бийининг айтганлари:** Шаҳардаги педагогика билим юртида ёши ўтмай қариб, «ота» атаниб юрган бир муаллим бор. У: «Олим бўламан, бунинг учун дунёнинг ноз-неъматларидан воз кечишим керак», деб уйланмади. Мен у билан гаплашиб кўрдим. Гапларининг маъзини чақиб қарасам, ундан олим чиқиш у ёқда турсин, аксинча, одам сиёҳи ҳам йўқолиб бораётгандек. Неваранг ўша муаллимга ўхшаб қолмасин тагин.

**ЯНА:** Бир гал қўшнимнинг товуқлари катак олдида қоқоғлаб юришувди. Дабдурустдан қарчиғай учиб келиб,

уларга ташландию, катта бир товуқни чангаллаганча олиб жүнади. Эшик олдида ер титкилаб юрган хўрозим қарчигайнинг бу ишини кўрган заҳоти жон ҳолатда қанотларини ёзиб қўшнининг товуқ катаги тарафга учган эди, тўппа-тўғри катакка бориб урилиб, тиконли симларга ўралашиб қолди. Уларнинг орасидан хўрозимни базўр чиқариб олдим. Бир марта учаман деб гўнг титкилашга ҳам мажоли қолмаган экан, кечқурун шўрва бўлди.

Неварангга, қарчигайга тақлид қилган хўрознинг ҳолига тушиб қолма, демоқчиман.

ЯНА: Олимлик билан шоирлик бир чопоннинг авра-астарига ўхшайди, ҳушёр бўл, демоқчиман. Шоир бўлиш учун ҳаётни яхшироқ ўрган, демоқчиман.

Қариялар гурунғидан: Ёшлик пайтимда овулимизда кучаниброқ шеър ёзадиган шоир бор эди. Дуч келган одам унга «Сен ҳаётни ўрган, сен ҳаётни ўрган», деяверди. Шундан кейин ҳалиги шоир: «Аввало овул ҳаётини ўрганишим керак», деб овулдаги ҳамма уйларда навбати билан тунаб юрди. Кейин: «Ҳаётни чуқурроқ билай», деб қўшни овулларга ўтди. Ундан кейин: «Ҳаётни янаям чуқурроқ ўрганишим керак», деб овуллардан овулларга ўтиб юриб, охир-оқибат текинхўрга айландида, бор билганидан ҳам ажраб қолди.

— Шоирлик дегани ҳар бир одамнинг ичида худонинг ўзи яратган нур бўлса, керак. Ҳеч ким ҳаётни ўрганиб шоир бўлмайди. Ҳаётнинг ўзи шоир қилади.

— Баъзилар шеър шодликни ифодалайди, дейди. Мен бу гапга қўшилмайман. Ахир шеър халқнинг орзу-армони, дарди...

— Бизнинг совет замонида дард, армон йўқолиб борапти.

— Қўйсанг-чи, одам бор жойда дард ҳам бўлади-да! «Дардсиз — кесак», дейдилар-ку, ахир. Тўғри, дарду армоннинг даражаси бўлади. Шунга боғлиқ шеърдаги дарду армоннинг ҳам ҳар хил даражаси бўлаверади...

— Одам-одамга, ҳукмдор-ҳукмдорга ўрин бўшатиб берганидай, шоир шоирга, шеър шеърга ўрин бўшатиб бераверади.

Бобомнинг айтгани: Бир куни бир ёш йигит олдимга келиб: «Ота, маслаҳатингиз керак», деди. Хўш, деб сўрадим. «Яқинда уйланган эдим, Ҳаётий тажрибам камлиги

учунми, аёлим билан муросамиз келишмай турибди», деди. «Одамга биргина ўз тажрибаси ҳамиша камлик қилади, шунинг учун бошқаларнинг тажрибасига таяниб иш қил», деган эдим. У ҳайрон бўлиб: «Ие, бу дунёда неча миллиард одам бор. Ҳаммасининг тажрибасини ўрганиб чиқиш осонми?» деди. «Оббо, сен ҳали фақат тирикларни айтиб турибсан-ку, чирогим. Тинч-тотув яшаш учун бу камлик қилади. Бизга қадар яшаб ўтганларнинг тажрибаларини ҳам ўрганиш керак!» деб маслаҳат бердим.

Шоирга ҳам маслаҳат шу.

Эшитганмисан, фил қаерда бўлмасин, ўлими олдидан ўз маконига албатта қайтиб келаркан. Ҳаттоки филдан ҳам ўрганса арзийди...

Момоннинг насиҳатларидан: Ҳар қандай вазиятда жисму жонингни қақшатиб турган касаллик билан, ўзинг қарздор одам билан, умр йўлдошинг билан қасдлашма!

Ҳар қандай вазиятда биринчи — ота-онангнинг, иккинчи — устозингнинг йўлини тўсма!

Едингда тутки, бобонг билан момонг ўзларига ҳатто ўлима ҳам биринчиликни тилайди. Улар ўлимда авлодларидан ортда қолиб кетдими, оламдаги энг мудҳиш бахтиқаролик шу!

### 3

Бобом пионер лагерига қолдириб кетди. Нотаниш болалар менга сузонғич қўзилардек жангари туюлиб, уларга бегонасираб қараб, каравотимда жимгина ўтиравердим. Ростини айтсам, умрим бино бўлгандан бери бугун биринчи марта каравотга ётмоқчиман. Энди омонатгина чўзилмоқчи бўлувдим, новча, хушбичим, бугдойранг йигит ёнимга келиб:

— Мен пионервожатийман. Исмин Узоқберган. Фамилиям Бекниёзов. Чимбой педагогика билим юртининг талабасиман. Хўш, сен-чи? — деди.

Мен қаддимни ғоз тутиб.

— Чўртанбой овулидаги Чапаев номли бошланғич мактабдан келган пионерман. Отим Тўлепберген, фамилиям Қаипберганов! — деб бийрон-бийрон жавоб қилдим.



— Менинг ҳам Тўлепберген деган иним бор. У сендан беш ёш катта. Шундай қилиб, мана, танишиб олдик. Қани, айт-чи, қайси тўгаракка қатнашмоқчисан?

«Тўгарак» деган сўзни биринчи марта эшитишим эди, елкамни қисдим.

— Ҳа, дарвоқе, сен бошланғич мактабдан келгансан-а. Келажакда ким бўлмоқчисан?— деб сўради у.

— Шоир! — дедим мен.

— Ундай бўлса адабиёт тўгарагига қатнашасан,— деб йигит сумкасидан бир дафтар олиб муқовасига менинг исм-шарифимни катта ҳарфлар билан ёзди-да, олдимга қўйди.— Шу сенинг кундалик дафтаринг бўлади.

— Бунга нима ёзаман?— деб сўрадим.

Йигит сумкасидан учи очилган рангли қалам чиқариб, менга узатди.

— Кундаликни қандай тутишни, нима ёзишни ўзим ўргатаман,— деди. Сўнг бир зум ўйланиб турди-да: Нечта шеъринг бор?— деб сўради.

— Ҳисобини билмайман,— дедим.

— Санамаганинг яхши. Қани, энг охиргисини ўқи-чи?

Лагерга келаётганимда йўл-йўлакай миямда пишитиб, ҳали қоғозга туширишга улгурмаган шеъримни ёддан ўқидим:

Аёлларнинг умри ўтган тузоқда,  
Эркаларнинг умри ўтган дўзахда,  
Болаларнинг умри ўтган қийноқда,  
Хўрликда яшаган қорақалпоқ халқи.

Эртак, афсоналар бўлди китобинг,  
Талай оғирликка чидадинг,  
Дўст ахтариб кўп дунё кездинг,  
Бугун аҳволинг яхши, қорақалпоқ халқи.

— Шеърингни нима деб номлагансан?— деб сўради янги мураббийим.

— «Қорақалпоқ халқи»,— дедим мен.

— Бу ном шеъринг учун оғирлик қиларкан. Хай, майли, ҳали икковимиз бамаслаҳат бошқа ном топармиз,— деди у.

Мураббийим айтиб туриб ёздирган биринчи кундаликдан:

*1941 йил, 1 июнь.* Аввало китобни қадрлаш керак.

Китоб одамга энг содиқ, энг доно, энг дилкаш дўст. Китоб билан дўстлашган одам — ақли расо одам. Баъзилар учун олдида оққан сувнинг қадри йўқ. Китоб эса шундай бебаҳо уммонки, у фақат ўзини эмас, яна нимани қадрлаш, нимани ардоқлаб-эъзозлаш кераклигини ҳам ўргатади.

*1941 йил, 2 июнь.* Китоб — ичи доноликка тўла сеҳрли сандиқ. Китоб йўлингда ётган бўлса, олиб кўзингга сурт, кўксингга бос, асраб-авайла, ўқиб-ўрган. Ушанда одамларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўласан.

Китоб жилдини ичи одамларга лиқ тўла уйнинг эшиги деб бил! Ҳар қандай шароитда ҳам шу эшикни очишдан қўрқма, эринма, тортинма! Ичидаги одамлар сен билан суҳбатлашишга, сирлашишга муштоқ.

Биров сенга: «Анови уйга кирма, ичида ёмон одамлар бор», деса, майли, ишон. Бироқ китобни ёмонласа ишонма. Китобда ҳаётий тажрибаларнинг бой хазинаси жамланган.

Китобни топтама. Бу иш тирик одамнинг бошига оёқ қўйиш билан баробар.

*1941 йил, 3 июнь.* Шоир бўлиш учун кўп ўқишинг, кўп билишинг керак. Бир ёш шоир Максим Горькийга: «Ҳамма нарсани билишим шарт эмас. Ҳеч ким ҳеч қачон ҳамма нарсани билолмайди-ку, ахир», деб хат ёзганида Максим Горький: «Менимча бу одамдан дурустроқ ёзувчи чиқмайди», деган экан.

Наполеон Бонапарт: «Солдат ўлса, ўрнини қоплаш мумкин. Бироқ шоир ўлса, ўрнини қоплаб бўлмайди», деган экан.

Чингизхон: «Ҳамма шоир менинг хизматимда бўлиши керак. Мени билмайдиган ва мен билмайдиган шоирлар ўлдирилсин», деб фармон берган.

Темур: «Мен аввало лашкарбошимдан қўрқаман. Чунки унинг дилини оғритсам, жаҳл устида жонимга қасд қилиши мумкин. Кейин шоирдан қўрқаман. Чунки унинг дилини оғритсам, ҳалқ бошимга етиши мумкин», дебди.

*1941 йил, 5 июнь.* Афиналилар билан спарталилар зимдан бир-бирларига адоватда бўлсалар-да, ҳар қалай, муросаи мадора қилиб, ўзаро қўшни яшашган экан. Кутилмаганда спарталиларга душман бостириб келибдию

жангда уларнинг кучлари камлик қилиб, қўшни афина-  
лилардан ёрдам сўрашга мажбур бўлишибди. Афина  
ҳукмдори спарталиларни таҳқириқлаш ниятида биргина  
майиб-мажруҳ навкарни ёрдамга юборибди. Спарталилар  
шунисига ҳам шукр, қилиб, навкарни ўз  
жангчилари қаторига қўшибди. Афиналик майиб навкар  
шоир экан, лашкарнинг олдига тушиб, жанговар шеър  
ўқибди. Унинг шеърлари спарталиларга кўтаринки руҳ  
бағишлаб, ғалабага ишонч уйғотиб юборибди. Натижада  
душман мағлуб этилибди.

Демак, гоҳида биттагина шоир бутун бошли лашкар-  
дан қудратлироқ бўлиши мумкин.

*1941 йил, 6 июнь.* «Бир чимдим туз билан таъм кирар  
ошга, бир тузсиз сўз билан ғам тушар бошга», деган халқ  
мақоли бор. Ўйлаб кўрсанг, мақол-маталлар улкан дос-  
тонларнинг, ажойиб-ғаройиб эртагу афсонларнинг ту-  
зи — пировард ғояси, етакчи мазмунига ўхшайди. Ота-  
боболаримиз ўз ҳаётий тажрибаларини ёзиб қолди-  
риш имкониятига эга бўлмаганлиги учун уларни саралаб,  
ихчам шаклга келтириб, авлодлардан мерос қилиб қол-  
дираверган бўлсалар керак. Айрим мақол-маталлар кўп-  
чилик халқларнинг муштарак мероси эканлиги ҳам та-  
биий ҳол. Чунки авваллари ҳам халқлар ўзаро борди-  
келди, савдо-сотиқ қилганлар, қуда-анда тутинганлар.

Афсуски, кейинги пайтларда баъзилар шу мўъжаз  
ҳикматларни ўзлаштириб, ўз кашфиёти сифатида кўрса-  
тиб, шу асосда китоблар ёзиб юришибди. Келажак,  
бари бир, кашфиётчи ким-у, кўчирмакаш кимлигини  
фарқлаб, уларнинг сарагини-саракка, пучагини-пучакка  
ажратиб олади. Мақол-маталлар, қўшиқ, лапар, терма,  
эртак ва афсоналар, ҳикматли сўзлардан қадимги давр-  
ларда яратилиб, бизга қадар обдан сайқал топиб, мукам-  
мал шаклга келган қимматли тарихий обидалар сифатида  
ўрни билан фойдаланганимиз маъқул. Чинакам шоир  
учун улар бир умрлик текин даромад воситаси эмас,  
ижодий ибрат манбаидир. Ахир, биз кўрғазмада сақла-  
наётган бирон бир тарихий обидани, чиройли экан деб,  
қурилишда фойдаланавермаймиз-ку. Халқ мақолларини  
шеърый сатрларга тизиш, халқ қўшиқларини шеърга  
«айлантириш» ҳам шундай одамга эриш туюлувчи сама-  
расиз машғулотдир.

*1941 йил, 7 июнь.* Агар халқимиз тарихини чуқурроқ  
ўргансак, унинг тарихий тақдири ҳақидаги асл ҳақиқат-  
лар асосан афсона ва ривоятларда, кўп яшаб, кўпни

кўрган қарияларнинг ҳангомаларида сақланиб қолганига амин бўламиз. Бироқ, бу оз сонли халқнинг ҳар хил уруғлардан таркиб топганини ҳисобга олсак, айрим ижрочилар ўзларининг уруғчилик майллари ёки шахсий, худбинона режалари асосида тарихимизни бузиб, ўзгартириб кўрсатишга ҳаракат қилганликлари ҳам шакшубҳасиздир. Баъзи тарихчиларимиз бу ҳолга етарли эътибор бермай, кўпинча, «халқ оғзаки ижоди» деган ёрлиқ билан айрим уйдирма гапларни ҳам, айни шамоийлида тарихга мансуб, деб ҳисоблайверадилар. Шунингдек, эски ёзувдаги тарихий китоблар, ёдномаю зафарномаларни ҳам ўз даврининг тарихий ҳақиқати деб билиш хато бўлур эди, албатта. Инқилобга қадар қоғоз-қаламга эғалик, ёзиш ҳуқуқи ва имконияти фақатгина илғор қарашли одамлар қўлида бўлавермагани ойдек равшан. Ҳоким синф учун эса, ўз даври «Олтин давр» ҳисоблангани аниқ.

*1941 йил, 8 июнь.* Адабиётдаги бош масалалардан бири — идеал образ масаласидир. Бу муаммо ҳақида ўйламайдиган, уни ўзича тасаввур қилмайдиган ёзувчи йўқ. Идеал образ, лўнда қилиб айтганда, ҳар бир тирик жон шунга ўхшашни, шундай бўлишни орзу қиладиган хаёлий одам образидир. Бундай образ якка шахс фантазиясининг маҳсули бўлиши — истисно ҳол, уни даврнинг ўзи яратади... Давр яратган энг идеал образ — Ленин образидир. Тилда эътироф этиш — этмасликдан қатъий назар, бугун жаҳонда Лениндек бўлишни орзу қилмайдиган инсон йўқ.

Максим Горький Инсон сўзини бош ҳарф билан ёзиш кераклигини таъкидлаганда, Владимир Ильич Ленинни назарда тутган. Келгуси авлодларнинг унга интилиб яшайжаклигини олдиндан билган.

*1941 йил, 9 июнь.* Лев Толстой ўзининг Афанасий Фетга ёзган хатида: «Бизнинг ишимиз даҳшатли даражада оғир. Лекин бунинг ўзимиздан бошқа ҳеч ким ҳис қилолмайди», деган экан. Яна бир хатида эса, шундай ҳасрат қилган экан: «Жонимни жабборга бериб иш-лалапман-у, бироқ ҳеч нима ёзолмаётганимга ҳафаман. Экин экилиши керак бўлган ерни чуқур шудгорлаш янглиғ дастлабки тайёргарлик ишлари мен учун қанчалик оғир кечаётганини балки сиз тасаввур ҳам қилмасиз. Уйлаб олиш, такрор-такрор ўйлаш, ёзилажак кенг кўламли асардаги ҳар бир одамнинг тақдири қандай кечишини олдиндан пухта ўйлаб олиш, қайта бошдан

ўйлаш, миллионлаб эҳтимолларни ўйлаб, ўшандан бит-тасини ажратиб олиш — ақл бовар қилмас даражадаги мушкул иш бу!»

1941 йил, 10 июнь. Фурманов «Чапаев» романини ёзаётган пайтида «Нари бораман, бери келаман, ётиб ўйлайман, юриб ўйлайман... қатъий бир шаклни узил-кесил танлаб ололмаяпман сира», деб нолинган экан.

1941 йил, 11 июнь. Одам бир ишни бошлаш олдидан ўзида қатъий ишонч ҳосил қилолмаса, шу ишни охирига етказишга кўнглида гумон уйғонса, маслаҳатгўй дўст излайди. Тўғри, кўпчилик билан кенгашиш лозим. Бироқ ўз билганингдан қолмаслигинг ҳам керак.

Маслаҳат сўраганингда, кўнглидаги гапни рўй-рост айтадиган одамнинг қадрига ет!

Кундаликка ўзим ёзганларим.

1941 йил, 12 июнь. Вожатийимиз Узоқберган оға Бекниёзовнинг айтганларини пешма-пеш қоғозга кўчириб, нимани ёздирса — шуни хатосиз ёзган бўлсам-да, улардаги кўп фикрларни тушунолмай қийналаман. Лев Толстой деган ёзувчининг «Қизил қалпоқ» эртагидан бошқа ҳеч бир китобини ўқимаганман. Фет, Фурманов деганлари менга батамом нотаниш. Узоқберган оға эса, менинг тушунмаслигимни билмайдими ё билса ҳам, ўқинмасин, ўзи аста-секин ўқиб, билиб, тушуниб олар, дейдими, ишқилиб, кечаги кун айтиб ёздиранларини бугун сўраб-суриштирмай янгисини ёздираверади. Вақти бўлса, янги шеърларимни ўзимга ўқитиб эшитади. Охирида «Ёзавер, яна ёзавер!» дейди. Тамом.

1941 йил, 13 июнь. Эрталабки бадантарбиядан сўнг чўмилишга бериш учун отрядимиз болалари турнақатор тизилишиб турганимизда, Узоқберган оға Бекниёзов келиб қолди-да, мени сафнинг олдига чиқариб, сўнгги шеъримни ўқишни буюрди. Мен қисилиб-қимтиниб сафнинг олдига чиқдим. Кунни кеча ёзган «Мен бахтлиман, лагерь» деган шеъримни ўқидим. Уқиб бўлишим билан сафда турган болалар баравар қарсак чалишди. Бу менинг шеърим учун чалинган дастлабки қарсаклар эди. Севинчдан юрагим тарс ёрилгудек бўлди.

Узоқберган оға ёнимга келиб: «Бугун Нукусга кетадиган одам бор. Шеърингни конвертга солиб, елимлаб бер. У «Жеткиншек» газетасига обориб топширади, — деди ва кўлимга конверт тутқазди. Мен палаткага кирдим, саҳифанинг қуйроғидаги очиқ жойга. «Бу шеърни

ўқиганимда отряд қарсак чалди», деган эслатмани ёзиб, конвертга солдим, слимладим ва олиб чиқиб ўша одамга бердим.

Яна мураббийим айтиб туриб ёздирган кундалик.

1941 йил, 14 июнь. Бугунги кунда ҳам дунё халқлари бир-бирларини яхши билмайдилар. Бир халқнинг вакили иккинчи халқнинг вакили билан учрашиб қолса, тафъатан очидиб-ёзилиб гап-лаша оладиган умумий мавзу йўқ ҳисоб. Гап тилларининг бошқа-бошқалигидагина эмас.

Боғ хилма-хил меваси билан қадрли бўлганидай, дунё ҳар бир тилнинг ўзича яшаб, ўз мевасини бераётгани билан гўзал. Олимларнинг кашфиётлари шундай бир элчики, у халқларни, мамлакатларни дам дўстлаштиради, дам ёвлаштиради.

Бизнинг давримизда қадами қутлуғ элчилик родини адо этиш китобнинг ҳам қўлидан келади. Китоб одамларни, халқларни ўзаро яқинлаштиради. Албатта, бундай китоб осонликча яратилмайди. Машаққатлардан қўрқмаслик керак. Қайси бир халқ бўлгуси насллар тақдирини ўйламас экан, демак — ўзини ҳалокатга маҳкум этади. Ҳар бир авлод ўзидан кейинги авлодда яшайди, унга қолдирган китобларида яшайди. Ёшлар, табиийки, аввало бадиий адабиётга қизиқадилар. Жаҳон ёшларининг руҳиятини, ҳис-туйғуларини уйғунлаштириб тарбиялаш мақсадида адабиёт юзасидан оммабон ўқув қуроли яратилса экан! Бундай китоб ўқувчига одоб-иқром, ўзаро меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, мурувват, ҳурмат... нинг нима эканини кўрсатиб берса, бу турли мамлакатларнинг ёшлари учрашганида ўзаро дилкаш суҳбатнинг асосий мавзусига айланиши мумкин эди. Бу дарсликда жаҳон адабиётининг жамики сиймолари жамланмоғи лозим. Бирок, айтилик, Гомер — грек, Данте — италян, Шекспир — инглиз, Лев Толстой — рус, Гёте — немис деб кўрсатилмагани маъқул! Шундай бир дарсликни ўрганиш ўрта мактаб программасига киритилса, нақадар ажойиб иш бўлар эди! Мен бу билан ҳар бир халқ ўзининг миллий адабиётини ўрганмасин, демоқчимасман. Ҳозир қандай бўлса, ўшандай ўрганаверсин. Лекин ўша умумий дарсликка қийслаб ўргансин. Ана шунда ҳар бир одам ўз адабиётига ғоят юксак чўққидан қараб, она адабиётни ўша чўққи томон етаклаш имкониятига эга бўлар эди. Халқлар бир-бирларига басма-бас ривожланарди.

1941 йил, 16 июнь. Халқимиз Улуғ октябрь инқилобининг ғалабаси туфайли халқ сифатида тан олинди. Ёнверига разм солиш, ўзлигини англаш имкониятига эга бўлди. Ривожланишнинг ягона — умумиттифоқ посзидига чиқиб олди. Совет иттифоқидаги барча халқларнинг қандай яхши анъаналари, бой ёзма адабиёти, илмфани бўлса, биз ўшаларнинг ворисларимиз. Бироқ ўзида руҳий тайёргарлиги йўқ одам бошқалар яратган маънавий хазиналарнинг муносиб давомчилари бўла олмайди. Шунинг учун бизнинг болаларимиз кўп ўқишлари керак. Жуда кўп ўқишлари керак! Бошқалардан уч-тўрт баравар кўпроқ ўқишлари керак! Акс ҳолда бир поездда бораётган дўст-биродарларимиз орасида энг саводсизи, энг ночори бўлиб қолаверишимиз эҳтимолдан холи эмас. Албатта, беш қўл баробар эмас. Ҳеч ким, калта бармоғим нега ўсмайди, деб уни кесиб ташламайди. Шундайликка — шундай, бироқ бармоқлар ягона бир мушт бўлиб тугилар чоғи вақтида ҳаракатланадиган, мудом зарур бармоқ даражасига етишмоқ керак. Бунинг учун ҳар бир йигит ва қиз кўпроқ билиши, ўтмишдаги йўқотишларнинг ўрнини ҳам қоплаб улгуриш учун астойдил интилиб яшаши керак.

Яна ўзим давом эттирган кундалик.

1941 йил, 17 июнь. Бугун Бўз кўлда чўмилдик. Кейин коллективимиз қўшни колхознинг маданият саройида концерт берди. «Мен бахтлиман, лагерь» шеъримни ўқиб бердим. Узоқберган оға эрталабдан бери йўқ. Кечқурун лагерда ҳам кўринмади. Қаёққа кетди экан-а?

1941 йил, 18 июнь. Узоқберган оғанинг қаёққа кетганини аниқладим. Онаси касал бўлиб қолибди. Унга дори обориб бериш учун шаҳарга кетган экан.

Назаримда, Узоқберган оғасиз лагерь ҳувиллаб қолгандек.

1941 йил, 19 июнь. Ҳеч нимага қўлим бормайди. На ёза оламан, на ўқий оламан. Отрядимиз болаларининг ўйинларига ҳам қўшилгим келмайди.

1941 йил, 20 июнь. Тушлиқдан сўнг дам олиш учун палатамга бораётган эдим, узоқдан хушнуд жилмайиб келаётган Узоқберган оға Бекниёзовни кўриб қолдим. Қўлида аллақандай кўкимтир қоғоз.

— Тўлапберган, манови сенга! Район почтасидан бориб олдим. Редакциядан! — деб ҳайқирди у узоқданоқ.

Яқин келиб, конвертти қўлимга тутқазар экан, шоширди:

— Қани, тезроқ очиб ўқи-чи, нима деб ёзишибди экан?

Конвертти апил-тапил очдим-да, Узоқберган оғанинг олдида саводимни ҳам кўрсатиб қўйиш умидида овоз чиқариб, шариллатиб ўқий бошладим:

«Ҳурматли Тўлепберген!

Биринчидан, шоир учун ҳар бир шеъри фарзанддек азиз эканлиги ҳаммага маълум. Қўнғиз — оппогим, типратикон — юмшоғим, дер экан. Бироқ шеъринг бизга ўзинг ўйлагандай «оппоқ» ё «юмшоқ» туюлмади.

Иккинчидан, «отряд қарсак чалди», дебсан. Бўлса бордир. Биласанми, баъзи артистлар томошабинларни кулдирганидан суюнади. Майли, суюниш ё суюнмаслик ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Бироқ, томошабинлар ўша артистнинг ўз ролини ўхшатолмаётганига кулаётган бўлишса-чи? Шоирларга муносабатда ҳам худди шундай. Ахир, тингловчилар шоирнинг шеъридан завқланиб қарсак чалиши ҳам, зерикиб қарсак чалиши ҳам мумкин-ку!

Энди шеър ўқийдиган бўлсанг, тингловчиларни кўз қиринг билан дам-бадам кузатиб туриш ёдингдан чиқмасин.

Сенинг шоир бўлиб шаклланишингга тилақдошлик билдирамыз.

Салом билан: «Жеткиншек» редакцияси».

Мен шу пайтга қадар мураббийимнинг олдида ҳали ўсиши керак бўлган бир туп мевали дарахтдек эдим. Энди бамисоли қутилмаганда ичини қурт еб, шохидан узилиб, ифлос ерга келиб тушган бир дона олмага айландим-қолдим.

Мураббийимнинг айтганлари: Бу йил қишда овулимизда Аббоз шоир билан учрашув бўлишини эшитиб мен ҳам бордим. Колхоз раиси учрашувни очиб, кириш сўз айтиш керак экан. Каттакон клубда лиқ тўлиб ўтирган одамлар олдида раис бир парча қоғозга тикилиб туриб:

— Уртоқлар! Биродарлар! Овулдошлар! Юраги олтин сўзлар хазинасига лиқ тўла Содиқ шоир билан учрашувга бағишланган кечани очик деб эълон қиламан! — деди.

— Содиқ шоир эмас, Аббоз шоир, — деб луқма ташлади кимдир.

Раис қоғозга қайта кўз югуртириб:



— Йўқ, Содиқ шоир билан! — деди.

— Нотўғри айтяпсиз. Ахир, Аббоз шоир билан учрашмоқчимиз-ку! Ана, ўзиям ўтирибди-ку! — деди яна ўша одам.

— Аббоз шоир билан учрашмоқчилигимизни ўзим ҳам кўриб турибман. Мана, ёнимда ўтирибди. Бироқ манови қоғозда Содиқ шоир деб ёзилган бўлса мен нима қилай? Ишонмасанглар, мана, ўзларинг ўқиб кўринглар! — деди раис одамларга бақрайиб туриб. Орадан кўп ўтмай, овулимизга Жапак бахши келди. Колхозчилар ҳар галгидай клубга лиқ тўлиб уни тинглади.

Бахши термалару дostonдан парчалар айтиб бўлгач, раис ўрнидан турди:

— Раҳмат, Жапак оға! Овозингиз жуда зўр экан. Ҳузур қилиб эшитдик, — деди.

— Достони, термаси, дўмбирасиниям мақтанг! — деди тингловчилардан бири.

— Бахшининг нимасини мақташни ўзим яхши билман! — Раис жаҳл билан пўнғиллади.

Орадан яна кўп ўтмай, овулга Ойимхон Шомуротова билан Тўхта Раҳманова келди. Яна клуб одамларга лиқ тўлди.

— Ойимхон Шомуротова, Тўхта Раҳманова, сизларга раҳмат! Халқ завқланиб тинглади. Дутор чертишнинг машқини олган экансизлар, — деди раис.

Тингловчилардан бири яна чидай олмади:

— Куйни чалган машшоқ улар эмас, бошқалар! Тўхта билан Ойимхонга раҳматни хушовоз хонандалиги учун айтиш керак!

— Жим ўтир-э, маҳмадана! Бу ерда бошлиқ менман! — деди раис кўксига муштлаб. — Нима дейсан яна? Ҳов ўшандаги хатомни тузатдим-ку, бас қил-да энди!

Одамлар, кимдир кулиб, кимдир хафа бўлиб, яна кимдир газабини ичига ютиб, тарқалишди.

Хафа бўлма, Тўлепберген! Редакцияда ҳам ўша раисга ўхшаб таппа-гайёр жавоблар билан яшайдиган одамлар йўқ эмас.

1941 йил, 22 июнь. Мураббийимиз Узоқберган оға тушлик пайтида мени ёнига чақириб, чўнтагидан икки дона данак чиқарди-да, бирини ўзининг оғзига солди, иккинчисини менга узатди. Кейин оғзидаги данакни чайнаб туриб:

— Мазаси зўр экан! Сеники-чи? — деди.

Менга бергани аччиқ экан, ростини айтдим:

— Аччиқ-ку!

У чўнтагидан яна иккита данак олиб, тагин бирини ўз оғзига солди, иккинчисини менга узатди.

— Қара-я, бу сафар менга аччиғи тушибди. Сеникичи? — деб сўради у.

Меники мазали экан, яна ростини айтдим:

— Буниси ширин экан.

У қўлини елкамга қўйиб:

— Ҳамиша мана шундай ростини айтиш керак. Энди суҳбатимизни кечқурун давом эттирамиз, — деди.

Тушликдан кейин, уйқу олдидан у ҳар доим, яхши ухла, деб кетарди. Бу галги гаплари менга жумбоқ бўлиб туюлди. Палаткага кириб, ўрнимга чўзилиб ётган кўйи редакциянинг хатини қайта бошдан ўқиб чиқдим. Кейин ҳозиргина вожатий айтган колхоз раиси ҳақидаги ҳангомани эслаб, воқеанинг нақадар кулгили, латифана-молигини ўзимча тасаввур қилдим. Икки данакнинг икки хил таъмини қайта туйгандек бўлдим. Бари бир ҳеч нимага тушунмадим. Вожатийимиз нима демоқчи? Ҳар куни тушликдан сўнг мириқиб ухлардим. Бу гал нимагадир ухлаёлмадим. Хаёл суриб, ўйланиб ётавердим.

Кутилмаганда горн садолари янграб қолди. Фавқуллодда аччиқ, аламли, одамни сескантирар даражада фарёд билан янгради. Ҳайрон бўлиб, ё миям чарчагани учун менга шундай туюлаяптимикин, деган хаёл билан, бошимни силкита-силкита, апил-тапил кийиниб, ташқарига чиқдим. Спорт майдончасида ҳамма тизилишиб, қандайдир мажлисга тайёр туришибди. Ҳеч нимага тушунмай қолдим. Бошқалар ҳам ўзим қатори. Шу пайт лагерь бошлиғи келиб, бугун кечаси немис-фашист босқинчилари мамлакатимиз чегарасини бузиб ўтганини, халқимиз учун Улуғ Ватан уруши бошланганини маълум қилди.

Ҳамма ҳангу манг бўлиб қолди. Мунғайишлар, ғазабланишлар, кўзёшлар!...

**Биринчи мураббийимнинг насиҳатларидан:**

*1941 йил, 23 июнь.*

— Тўлепберген, сен менга ёқиб қолдинг. Ишонаманки, ўз орзуингга эришиш йўлидаги машаққатлардан қўрқмайсан. Мен насиҳат қилишни ёқтирмайман. Айниқса, сенга ақл ўргатишнинг кераги йўқ. Лекин шу

нарсани ҳамиша ёдингда тутки, она тилимиз гавдамизни кўтариб турган икки оёғимиз десак, рус тили бизни олис-олисларга олиб учадиган қанотимиз. Сен билан бизга қанот керак, иним, қанот!

Немис шоири Гёте бир одам нечта тилни билса, у ўшанча маротаба одам, деган экан. Бизнинг оз сонли халқимиз шу ақидага таянса, ёмон бўлмасди.

Ҳозир мен тўғри шаҳарга қайтиб, ҳарбий комиссариатга бораман. Фронтга кетаман. Афсоналарга кўра, боболаримиз Киев Русининг озодлиги йўлида жанг қилганлар. Мен ҳам, сен ҳам боболарига содиқ авлодмиз... Омон бўл! Душманни енгиб келгач, сени ўзим албатта қидириб топаман. Тиришқоқлигинг менга маъқул бўлди. Айтгандай, икковимиз дастлаб танишганимизда сен ўқиб берган «Қорақалпоқ халқи» шеъринг ҳали хомроқ бўлсаям, айтмоқчи бўлган гапинг яхши эди. Уша асаринг устида қунт билан ишласанг (бунинг учун бир умр керак бўлади!), кейин уни «Қорақалпоқнома» деб номласа бўлар деб ўйлайман.

Адабиёт деганимиз шунчаки афсоналару ҳикматли гапларнинг ўзигина эмас, уларни юзага келтирган шарт-шароитларнинг, уларни яратган ҳаётнинг бадиий тасвири, демакдир.

Адабиёт — бу ҳаётини тажриба!

Адабиёт — бу инсониятнинг қўшимча кўзи.

Адабиёт — инсон тафаккурининг қаймоғи.

Адабиёт — бу одамзоднинг қувонч-қайғулари, орзу-армонларини авлодлардан авлодларга етказувчи хотира.

Адабиёт — бу замон хотираси, халқ хотираси, одамзод туйғуларининг хотираси...

Анча ушланиб қолдим, иним. Ҳали кўп гаплашамиз. Энг муҳими — ёзавер, тинмай ёзавер! Яна бир гап: адабиёт ҳамма нарсани бевосита ўзинг ўқиб ўрганишни талаб қилади. Уқийвер, ўрганавер. Ҳамма нарсани ўрган, ўйла, ёз!.. Кўришгунча омон бўл, иним!..

У менинг пешонамдан ўпди-да, хайрлашиб, шаҳар тарафга илдам юриб кетди. Оёқларим ерга михлангандек тек қотиб туравердим. Бир пайт отряд советининг раиси қўлимдан етаклаб, ошхонага олиб кирди. Овқат еёлмадим. Кўнглим беҳузур бўлаверди. Ташқарига чиқдим.

Атроф жимжит. Уззукун дарахт шохларига кўниб чақчақлашадиган чумчуқлар ҳам бус-бутун қирилиб битгандек, ҳаммаёқ сассиз — садосиз.

Ўша-ўша, палаткага ҳам кирмай, тўппа-тўғри овулга йўл олдим. Туни билан юра-юра, тонг бўзара бошлаганда уйга етиб келдим.

— Келиб яхши қилибсан, — деди бобом.

— Қоронгида кўрқмай шунча жойдан ёлғиз ўзинг келавердингми? — деб сўради онам менга ҳам ваҳима, ҳам меҳр билан боқиб.

Отам дийдор кўришганимиздан мамнун бўлиб жилмайди.

Момом қучоқлаб, икки чаккамдан ўпди.

Укаларим худди баланд тоққа қарагандек менга анграйишиб қарашди.

Бу ҳолат кўпга чўзилмади: яна ҳар ким ўз ташвиши билан машғул бўлди.

Тушликка яқин онам ишдан келиб, район марказидаги МТСга, тракторчилар тайёрлаш курсига бормоқчилигини маълум қилди.

Отам колхоз идорасига бориб келди-да, хафа бўлиб, мени ҳозирча армияга олмас экан, дея пўнғиллади.

Бобом қарилиги сабабли ишламасди. Идорага бориб, бошлиқдан эшак сўраб, колхозда юк ташувчи бўлишга келишиб қайтганини айтди.

Момом касалмандроқ эди. Мункиллаб бориб, онаминг қозон-ўчоқ ёнидаги ўрнини эгаллади.

Тушдан кейин мактабга бордим, колхоз чорвасига ем-хашак тайёрлаш учун ўқувчилар бригадаси тузилаётган экан, ўшанга ёзилиб қайтдим.

...Кечаси билан лагердан уйга қайтарканман, шоир бўлиш энди менга насиб қилмайдигандек туюлган эди. Шу бир кун ичида кўз олдимда рўй берган воқеалар мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Янги шеър сатрлари ҳаёлимдан бир-бир ўтаверди. Табиийки, бу қувончдан эмас, қайғудан туғилган сатрлар эди. Шунинг учун ҳеч кимга ўқиб бермадим. Қоғозга ҳам туширмадим. Лекин, шоир бўлиш учун ҳеч нима тўсқинлик қилолмас эканда, деб ўйлаб қолдим... Кечаси чироқ ёруғида биринчи мураббийим Узоқберган оға Бекниёзов айтиб туриб ёздирган кундаликни бир чеккадан яна бир карра ўқиб чиқдим...

\* \* \*

Кун ўтган сайин уруш туфайли рўй берган бесаранжомликларга ҳам кўника бордик. Йигитлар камайиб, уларнинг ҳар оқшом овулимиз кўчаларини янгратувчи

шўх-шодон овозлари эшитилмай қолган бўлса-да, ҳаёт ўша-ўша — ўз маромида оқаётгандек. Одамларнинг бир-бирларига меҳр-оқибати ҳам ўша-ўша, йўқ, аниқроғи, янада кучайгандек. Ҳар хил гинахонликлару жанжаллар, ғийбат гаплар йўқ. Бироқ, биров билан бировнинг иши йўқ ҳисоб. Ҳамма тонг саҳардан то шам қоронғусига қадар пахта далаларида, ўз ишлари билан машғул. Ишга яроқли одамлар ҳатто кечалари ҳам қўним топмайдилар: ой ёруғида буғдой ўрадилар, экинларни суғорадилар.

Гоҳо ой нурлари остида шеър дафтаримни қўлимга оламан. Маслаҳат берадиган мураббийим йўқ. Ўзим билан ўзимман. Мана шундай оқшомларда яна иккита шеър ёзиб, редакцияга юборганим эсимда.

#### 4

...Бугун мени шу нарса қаттиқ ажаблантирадики, одатда, «1941-1945 йиллардаги уруш» деб оппа-осон айтиб қўя қоламиз. Гўё шунчаки, оддий бир фактни қайд этаётгандек. Баъзи ёшлар эса ўз-ўзларига яратиб олган «машаққатлар»ни бўрттириб кўрсатиб, Улуғ Ватан уруши хусусидаги ҳар қандай гапларни шунчаки одамни маҳзун торттириш учун айтилаётган уйдирма гап, деб хаёл қиладилар. Бундай ёшлар кўпчилик эмас, лекин битта бўлганда ҳам, уруш даврининг даҳшатларини бошидан кечирганлар учун малол келади.

Не-не қирчиллама йигитлар уруш туфайли қирчинидан қийилиб кетмади. Авваллари ҳамма почтачини бесабрлик билан кутарди. Бора-бора ҳадик-хавотир, қўрқув билан кутадиган бўлиб қолди: гоҳо почтачи олиб келадиган хатлардан кўра қора қоғозлар кўпроқ бўларди-да, ахир.

Гарчи, фронт ичкарисида ўққа учуш хавфи бўлмаса-да, очликдан, уйқусизликдан ўлиб қолиш хавфи ҳар бир одамнинг боши устида кўринмас қиличдек таҳдид солиб турарди...

...Келгуси ўқув йилида бешинчи синфда ўқиш учун овулдан етти-саккиз чақирим наридаги ўрта мактабга қатнашга мажбур бўлдик. Шунча жойга қатнаб ўқиш малол келмасди-ю, лекин дарс тайёрлашга вақт қолмаслиги чатоқ эди-да. Чунки мактабдан тўппа-тўғри пахтага чиқамиз — дала шийпонида тушлик пиширилади, ишлаган одамга бепул тушлик берилади. Ҳозир

эсласам, очиги, ақл бовар қилмайди: бирон-бир ўқувчи муаллимнинг уйга берган вазифасини бажаришга вақти йўқлигини баҳона қилмасди. Тарих, адабиёт сингари фанлардан вазифани юриб кетаётиб — йўл устида ўқиганимиз майли-я, ҳатто математика мисол-масалаларини ҳам оғзаки, ёдаки ечишга ўрганган эдик.

...Қиш яқинлашган сари одатдагидек овулда иш камайди. Қариялар яна аввалгидай уйимизга тез-тез йиғиладиган бўлишди.

Қариялар гурунгідан: — Йигитларимиз урушда енгиб чиқишармикин-а?

— «Йигитларимиз» деганда қорақалпоқ йигитларини айтяпсанми?

— Йўғ-э! Жамики совет жангчилари — бизнинг йигитларимиз-да! Партиямиз барака топсин, ҳамма халқларни шундай аҳил, мустаҳкам оилага бирлаштирди.

— Еттиёт бегона халқларни бир оилага бирлаштирган улуғ доҳиймиз Ленинга балли-ей!..

— Йўлбошчининг зўрлиги ҳам шунда — халқларни ўзига дўстлаштира олишида-да, оқсоқол.

— Халқнинг қудрати бўлса, унинг баҳамжиҳатлигида, Ваганга садоқатида.

— Шундайку-я, бироқ бу касофат уруш халқнинг бошига кў-ўп қора кунларни солди-да. Охири бахайр бўлсин ишқилиб.

— Начора, уруш қурбонсиз бўлмас экан-да, оқсоқол. Бироқ бир неча хонадоннинг бахтсизлиги бутун бир халқнинг бахтсизлиги эмас. Халқ ҳеч қачон бахтсиз бўлмайди.

— Ҳар қалай, куни Гитлерга қолган немис халқининг бахти қаро экан.

— Йўқ, халқ эмас, бу итваччанинги бахти қаро. Ҳали халқнинг қарғиши бу қонхўрни шундай хор қиладики...

— Биродарлар, узоқдаги Гитлерни қўйиб, ўз ўтмишимизни эслайлик. Қорақалпоқ халқи тарихидаги йўлбошчилар: Маманбий, Ойдўс бобо, Эрназар олакўз — шу уччовидан қай бири бахтли, қай бири бахтсиз?

— Ойдус бобо халққа хиёнат қилган. У хиёнаткор бўлмаганида икки ўғлини Хива хонига қарши жанг қилишга юбормаган бўларди. Нима бўлди, иккиси ҳам бегуноҳдан бегуноҳ ўлди-кетди.

— Улар қорақалпоқ юртига бостириб келаётган хон навкарларига қарши жанг қилиб ўлган. Ҳамма Ойдўсга

ўшаб болаларини жангга юборганида эди, юртимизни Хива хони ўзига бўйсиндиrolмаган бўларди.

— Ойдўс бобо ҳақида ҳар хил гап кўп. Биз, бари бир, калаванинг учини тополмаймиз. Ундан кўра Маманбий ҳақида гаплашайлик. Жуда ақлли одам бўлган-да у! Халқимизнинг чинакам халоскори, йўлбошчиси эди. Бироқ авом халқ уни тушуниб етмади, шунинг учун ортидан эргашолмади. Эрназар олакўзни бўлса, халқнинг ўзи йўлбошчи қилиб сайлаган эди-ю, бироқ у замоннинг зайли билан ҳисоблашмай, охир-оқибат енгилди.

— Менимча, Ойдўс бобо авом халқни ўзидан ҳам баландроқ кўтармоқчи бўлган эди, бироқ унинг холис ниятини оми одамлар тушуниб етмади. Ойдўс бобони сотқин дейишлари уни тушуниб етмаганликдан бўлса керак.

— Уйлаб қарасам, биз ҳам бир-биримизни тушунолмай қоляпмиз. Менимча, номи тилларда дoston Маманбий, куч ақллига керак, деб адашган. Ойдўс бобо, куч ожизга керак, деб адашган. Эрназар олакўз эса, оз сонли халқини кучли билиб, куч кучлига керак, деб адашган.

— Ҳаммаси бўлмағур гаплар! Оддийроқ тилда гаплашайлик: баъзилар кичик бир маҳкамага бошлиқ бўлиб қолса, дарров кўзини ёғ босиб адашади. Тагин бировлар бошлиқ бўлиб қолса, салгина кучга дуч келар-келмас эсанкираб адашади. Ҳар иккиси бахтсизлик, қўл остидаги одамларнинг шўри...

— Раҳнамoси бузғунчи юрт — шўрпешана юрт. Бундай пайтда: «Онангни қози зўрласа, додингни кимга айтасан?» қабилидаги мақол тўқишдан ўзга чора қолмайди.

— Халққа раҳнамо бўлиш — одамнинг вақти-вақти билан кийимини алмаштириб туришидек гап. Бироқ... қани энди раҳбар одамнинг кўнгли тоза, нияти холис бўлса. Уз халқини севса, унга ғамхўрлик қилса! Ана ўшанда халқи ҳам уни увадаси чиққан чопондек бир чеккага улоқтирмайди.

— Ёз чилласида олинда кўзу қиш борлигини, қиш чилласида олдинда баҳору ёз борлигини ўйламайдиган раҳбарлар ҳам бўлади. Бундай бурнининг тагидан нарини кўролмайдиган калтабин раҳбарлар бизда ҳам йўқ эмас.

— Чинакам раҳбарнинг иши — халқидан яхшилик кутиш эмас, халқига яхшилик қилиш бўлиши керак.

— Одамни фикрлашга ундамайдиган бошлиқ ҳам, бошқалар фикри бидан ҳисоблашмайдиган бошлиқ ҳам яхши раҳбар бўлолмайди.

— Йўлбошчимиз Сталинда қандай камчиликлар бор деб ўйлайсизлар?

Кутилмаганда дастурхон устида бомба портлагандек, бу саволдан ҳамма даҳшатга тушиб, ёнбошлаб ётганлар ўрнидан сапчиб турди. Турганлар хайр-маъзурни нася қилиб, ташқариги — қаҳратон совуққа ўзларини урди. Кўз очиб юмгунча уйда ҳеч ким қолмади.

Шундан кейин уйимизга қариялар йиғилмайдиган бўлишди. Бобомнинг ҳам уларни йиғишга иштиёқи қолмади. Бу ҳол мени қаттиқ хафа қилди: қарияларнинг ҳар бир гурунги мен учун янги китоб ўқиш билан баробар эди-да, ахир. Энди... Уйдаги битта дostonни ёд биламан. Бошқа қорақалпоқча бадий китоб йўқ. Маълум бўлишича. «Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати» журнали билан «Жеткиншек» газетаси ёпилиб қолибди. Аҳён-аҳёнда «Қизил Қорақалпоғистон» газетаси келиб туради. Ҳафта сайин бир шеър ёзиб, шу газетага юбораман — на босилади, на рад жавоби келади. Мактабдаги ўзим яхши биладиган муаллимлар фронтга кетган. Қолганлари ўқувчиларга аввалгидек талаблар қўяверишмайди.

Кечқурунлари болалар ошиқ ўйнагани чақириб келишади. Мен чиқмасам — ошиқ ўйини бўлмайди. Сабаби: чироқ ёгини топа оладиган одам ёлғиз ўзимман. Онам тракторчи эмасми, уйдан бир шиша ёғ олиб чиқиш менга чўт эмас. Энди «шоир» деган лақабнинг ёнига «чироқчи» деган яна бир лақаб орттирганман.

— «Шоир», «чироқчи» деган сўзларнинг аслида маъноси бир. Қадимдан одамлар шоирларни чароғбон деб билганлар, — дейди бобом.

— Тенгдошларинг ҳамиша керак қилиб, сени қидириб келсалар; ўзинг учун ҳам, биз — ота-оналар учун ҳам зўр бахт шу! Ҳамиша чароғбон бўлиб, одамларга нур улашиб яша илойим! — деб дуо қилади отам.

Афсуски, чароғбонлигим кўпга чўзилмади.

Ўқиш кунларидан бирида овулдаги мактаб йўлагида талайгина болалар йиғилаб, ошиқ ўйнаётган эдик. Эшик очик эди. Кутилмаганда эшик қарсиллаб ёпилди. Ҳаммамиз ялт этиб қарадик: эшик олдида икки эркак, бир аёл бизга дарғазаб тикилиб турибди. Учаласининг қўлида биттадан таёқ. Чироғимни баландроқ кўтариб қараб,



базўр танидим. Эркаклардан бири Қолхон деган боланинг отаси (Қолхон оға ҳозир Хўжайли районидаги «Тошкент» совхозида пахтачилик бригадасининг бошлиғи), иккинчиси Урозимбет деган боланинг отаси (Урозимбет оға ҳозир «Тошкент» совхозида сувчи), аёл эса Турғанбек деган боланинг онаси (Турғанбек оға ҳозир «Қорабойли» овулида сотувчи). Шу пайт кимдир қўлимдаги чироқни пуфлаб ўчирди. Ой ёруғида эшик олдини қоплаб уччовлоннинг ораларида ҳосил бўлган нузли тирқишга даставвал Турғанбек ўзини урдию бир зумда қочиб қутулди. Ортидан бошқа болалар ҳам зипиллаб қочиб чиқаверишди. Эшик олдидагилар сермаган таёқ қай бирига тегади, қай бирига тегмай қолади. Бир пайт таваккал деб мен ҳам ўзимни эшикка урдим. Бироқ қўлимдаги чироқ панд берди шекилли, остонага суриниб йиқилсам бўладими! Кимдир сермаган таёқ ўзимга эмас, чироғимга тегиб, уни чил-чил қилган эди. Урнимдан турдим, ортимга қарамай тўппа-тўғри уйга қуюндек учдим.

— Ҳа, қалайсан, қўлга тушдингми? — деб сўради бобом мийиғида кулиб.

— Улар аввал... уйга келишганмиди? — деб сўрадим мен ҳам бобомга гинали қараб.

— Чароғбонсиз ошиқ ўйнаб бўлмаслигини ким билмайди дейсан! Албатта аввал бу ерга келишди. Бироқ мен қаердаликларингни айтмай алдаб юборган эдим, — дея ўзини оқлаган бўлди бобом.

Шу орада «изқуварлар» уйимизга ҳам етиб келишди. Уларнинг мени аямай урадиган вазоҳати бор эди, бобом ўз ҳимоясига олиб, вазиятни юмшатишга тушди:

— Бир сафар кечира қолинглар. Энди бу тентакка чироқ ушлатмаганим бўлсин, — деди.

— Хўш, келин-чи, келин нима деркин? — Улар бараварига онамга қарашди.

— Ёғ тракторгаям керак. Унинг қадри ўзимгаям маълум, — деди онам бир менга, бир «изқуварлар»га маъноли қараб.

Улар:

— Агар шу ҳол яна такрорланса, аяб ўтирмаймиз, — дея менга пўписа қилиб, бирин-кетин чиқиб кетишди.

Эртаси билсам, Қолхон отаси минадиган отнинг бошига емтўрвани илиб қўйибдию, ошиқ ўйнагани чиқиб кетаверибди. Бир маҳал отаси ташқарига чиқса, от емини

еб битиргач, бўш тўрвадан қутулиш учун уни туёқлари билан эзиб-янчиб, тилка-пора қилиб ташлабди.

Турғанбекнинг онаси сигирини соғиб бўлиб, қўшни-синикига чиқаётганида ўғлига, бузоқни сигирдан ажратиб боғлаб қўярсан, деб тайинлаган экан. У эса унутиб, ошиқ ўйинига жўнайверибди. Онаси алламаҳалда қўш-нисикидан қайтиб кирса, бузоқча ўйноқлаб оғилхонадан чиқиб кетганмишу ташқарида, қаҳратон қиш совуғида серрайиб ўлиб қолганмиш.

Урозимбетга отаси, қишки яхоб яхши бўлади, томорқага сув очиб, тўлганида боғлаб қўй, деган экан. Уларнинг уйлари олдидан каттакон ариқ ўтар эди. Одатдагидек, қиш пайти одамлар фойдаланмаслиги учун ариқ тўла сув оқиб ётган экан. Урозимбет томорқаларига сув ўтадиган қувурни эндигина очганида ошиқ ўйновчиларнинг бақириқ-чақириқлари эшитилибдию ўша ёққа югуриб кетаверибди. Сув томорқани тўлдириб уй бўсағасига келганида отаси кўриб, қувурни бекитар-бекитмас, Урозимбетнинг адабини бериб қўйиш учун уйимизга қараб югураверибди...

Бу можаролар ҳам кулгили, ҳам ачинарли бўлса-да, ота-оналарнинг ўз болаларини жазолаш ўрнига бизнинг уйимизга дағдаға қилиб келганидан норози бўлган эдим:

— Жангда ҳам ёв аввало байроқ кўтарганни отади, — дея мени юпатди бобом. — Чироқ кўтарган сен-ку, ахир!

— Яшин энг баланд дарахтга тушади, — деди момом.

— Кўпчиликка қалқон бўлиб, улар учун калтак ейиш ҳам бахт, — деди онам.

## 5

Муҳаббат эзгуликнинг ибтидоси. Бу ибтидонинг кимда қандай ўсиб-униши тарбияга боғлиқ.

Чин дилдан севиш-севилиш ҳар бир одам боласининг муқаддас орзу-армони. Чин муҳаббат — табиат одамзод учунгина ато этган иккинчи қуёш: у одамнинг дилини кундуздек мунаввар қилиб туради. Икки қуёшдан нур эмиб яшаш — нақадар улкан бахт! Ахир, адашмасликнинг бирламчи шарти — ёруғлик, зиё...

Гарчи, фронтдан бот-бот шум хабарлар келиб турса-да, овул одамларининг меҳнати кун сайин оғирлашиб бораётган бўлса-да, ҳаёт, бари бир, аввалгисидек шитоб билан оқиб ўтаверди. Тўғри, энди «Чой ичишиш» тантаналари деярли бўлмасди-ю, бироқ қизлар ҳамон уйи-

мизга келиб туришарди. Фарқи шундаки, энди узоқ ўтиришолмайди. Кўпинча кечалари келишади — онам билан суҳбатлашишади, ҳасратлашишади. Айримлари аммамга ўхшаб мактабда тузукроқ ўқиёлмаган; жанг майдонидаги йиғитидан олган хатини ўз иниларидан яшириб, менга ўқитиш, жавоб хати ёздириш учун келади. Сабаби — улар менга ўрганиб қолишган. Буёғини сўрасангиз, ишончлироқман — онам қаттиқ тайинлаган гапга оғишмай амал қиламан. — Ҳеч бирининг юрак сирларини бировга ошкор этмайман. «Ости-ер, усти — тепки» бўлишини ким ҳам истарди ахир.

Уйимиз даҳлизсиз биргина хона, бироқ ўтовимиз ҳам бор. Қизлар келганида ё бобом билан момом қўшниларникига чиқиб кетади. Ё (кўпинча шундай бўлади) онам икковимиз ўша қиз билан қиш пайти — совуқ ўтовга, ёз пайти — аксинча, димиққан уйга кириб гаплашамиз. Гоҳо бобом билан момомнинг олдидаёқ гаплашаверамиз. Чунки уйимизда бировнинг гапини бошқага айтадиган чақимчиём, ғийбатчиём йўқ.

Қизларга келган хатлардан: «Кўп ёзувчиларнинг асарларини ўқиб, ўйлаб қарасанг, муҳаббат — ҳаёт чироғи экан, деган хаёлга борасан. Ким қоронғуликдан чироқ томонга юрса — адашмайди. Ким ёруғликдан зулматга қараб юрса, қоқилиб-суринаверади... Мени зиё бўлиб кут, севгилим!..»

\* \* \*

«...Мен сенга муҳаббат изҳор қилганимда нима деганинг эсингдами? Айтган эдингки, бу олам пок муҳаббатга суяниб турибди. Чин муҳаббат — дунёнинг устунни. Алдоқчилар бу дунёнинг устунини кемираётган қуртга ўхшайди. Биз бир-биримизни алдадикми — тамом, бошқалар ҳам бизни алдай бошлайди. Қарабсанки, дунёнинг устунни емирилиб битиши ҳеч гап эмас. Кел, биз иккимиз дунёнинг устунига посбон бўлайлик, деган эдинг. Ушанда сен менга ҳаддан зиёд ақлли туюлиб: «Бу қизга бас келгудек ақлни қаёқдан оламан?» деб қўрққан, шунинг учун сендан йироқлашган эдим. На-юра, энди ўша қўрқоқлигимдан пушаймонман. Фақат сен: «Кейинги пушаймон — ўзингга душман», дема жоним! Энди ақлим

кирди, шекилли-да. Муҳаббат Одам Атою Момо Ҳаво билан баравар дунёга келган сирли-сеҳрли қудрат экан. Сени соғиниб...»

\* \* \*

«...Севгилим! хатим беўхшов бўлса, кечирасан. Қиз зотига биринчи марта хат ёзишим, худо ҳаққи! Овулимиздаги Тўлибой оға «Қорақалпоқ йигитлари тўрт хил бўлади. Бири — «қарсак», иккинчиси — «борсак», учинчиси — «тулки», тўртинчиси — «кулки», — дерди. «Қарсак»лар бир сўзли: ўз муҳаббатини ҳеч кимга ошкора қилмаёқ мурод-мақсадига етишадиганлар. «Борсак»лар қизларни орқаворотдан кузатиб-синаб, униси билан гаплашсаммикин ё буниси биланми, дея ўйланиб-иккиланиб юра-юра муҳаббатини қўлдан бой бериб қўядиганлар. «Тулки»ларнинг хатти-ҳаракати ростакам тулкиларга ўхшайди — алдамчи бўлади. «Кулки»лар эса, ҳали эрийшмаган муҳаббатини дуч келганга мақтана-мақтана ўзининг ҳам, муҳаббатининг ҳам масхарасини чиқариб юрверади. Мен ҳозир совуқ окопда хаёл суриб ўтириб, ўзимнинг «борсак»лардан бўлганлигимга иқрорман. Мени кут, овулга борган заҳоти «қарсак»ка айланганим бўлсин!..»

Онамнинг қизларига насиҳатларидан: Муҳаббат икки одамнинг бир ўчоққа олов ёқиши. Икки томондан бири кўнгилсиз бўлсаям ўчоқда ўт ёнмасдан бурқсийверади. Бурқсиган ўчоқнинг тутуни кўзлардан ёш чиқаради. Муҳаббат ўчоғи ловуллаб турибди, деб гафлатда қолиш ҳам хавfli — ўт сачраб, юзингни куйдириши мумкин. Юзи қора одам бошқалар эътиборидан қолади. Муҳаббат оловини эҳтиёт бўлиб ёқиш керак.

\* \* \*

Муҳаббатнинг кўзи кўр бўлади. У севган одамнинг нуқсонларини ҳам фазилатдек кўрсатади.

Юрагига эмас, кўзларига кўпроқ ишониб қолган одамнинг гул деб хаёл қилгани гоҳо чақиртиканак бўлиб қўлларини қонатади. Шунинг учун ҳар бир одам муҳаббатда, кўзларим алдамаяптимикин, деб ўйлаб кўриши керак.

\* \* \*

Ҳар ким ҳар хил умр кечиради. Эр-хотинларнинг бир-бирларини тушуниши — муҳаббатга ҳоким бўлиш деган сўз. Бироқ ҳамма бир-бирини тушуниб яшайдими? Муҳаббатга қул бўлиб қолганлар йўқми? Бундайлар учун, яхшиямки, халқда ахлоқ қоидалари, урф-одатлар бор, йўқса... Муҳаббат — қўнимсизлик, енгилтаклик эмас. Унга сабот-матонат тоғидан ошиб, ҳижрон саҳросидан кечиб, заҳмат-машаққат уммонидан сузиб ўтганларгина эриша олади.

Шу машаққат-заҳматсиз ҳаётнинг қизиғи ҳам қолмасди. Агар ҳамма муҳаббатга осонгина эришаверганида, одамлар ундан ҳам зўрроқ нарсани қидиришга тушиб қолар эди...

Қизларнинг йигитларга хатларидан: «...Сен муҳаббатни ловуллаб турган оловга ўхшатганимда гапларингга ишонмагандим. Узинг биласан, онам қазо қилганига яқинда бир йил тўлди. Отам мендан уч ёшгина катта бир аёлга уйланмоқчи бўлди. Қизи қатори аёлга уйланиш уятмасми? Мен уни қандай қилиб «она» дейман? Шунинг учун: «Ота, умрнинг баҳори тугул, ёзию кузи ўтиб, олдингизда қиши турганида, уйланишнинг нима кераги бор?» деб сўрасам, отам: «Қизим, муҳаббат — олов. Олов одамга қишда керак-да», деди.

Ана шундагина сенинг ҳақлигингга иқроп бўлдим, шунқорим! Кутаман...»

\* \* \*

«...Бир гал шом қоронғисида юрган эдим, ортимдан қандайдир шуъла тушиб, рўпарамда соям пайдо бўлди. Уз соямга суриниб йиқилдим. Ушанда беихтиёр: «Ҳар кимнинг ўз муҳаббатига қилган хиёнати — сояси, қачонлардир рўпарасидан чиқади-да, олам унга суриниб йиқилади», деб ўйлаб қолдим.

Яна бирда икки ёруғ шуъланинг ўртасида турган эдим. Қарасам, соям битта эмас, иккита. Юролмай қолдим. Ушанда сени ҳам эсладим, менга ёзган хатингнинг бир нусхаси Б...да юрганини эсладим. Ота-боболаримиз айтган «Икки кеманинг бошини ушлаган фарқ бўлади», деган ҳикматли гапини эсладим.

Афсуски, бу ердан олисда, фронтда юртни соғиниб

юрибсан. Бўлмаса: «Айрим йигитларнинг муҳаббатида эл узоқ бобокалони — маймуннинг феъл-атвори ҳалигача сақланиб қолаётганидан ҳафаман», деган гапни юзингга айтган бўлардим...»

\* \* \*

«...Бу дунёга келган ҳар бир одам муҳаббатни ўзича янгилайди ўзича тушунади», деганлари тўғри. Бу гапнинг тўғрилигини далилловчи не-не китоблар ёзилмаган!

Шарқда машҳур «Лайли ва Мажнун» ёки «Фарҳод ва Ширин» достонини эсла. Нақл қилишларича, Мажнун Лайли билан учрашувга ваъдалашиб, шартлашилган жойга бориб турган экан. Лайли қандайдир ташвишлар билан бўлиб ваъдасини унутиб қўйибди. Орадан етти кун ўтиб зарур бир иш билан кетаётганида соч-соқоли ўсиб кетган Мажнунга тўқнаш келибди. «Нима қилиб турибсан?», деб сўрабди Лайли. Ушанда Мажнун етти кундан бери кутиб турганини писанда қилмай, у билан учрашиш умидида ҳозиргина келганини айтибди...

Фарҳод бўлса, арман қизи Шириннинг муҳаббатини қозониш учун тоғ қўпориб, ариқ очибди. Чида!..»

\* \* \*

Бу дунёда одам боласи ҳамма нарсага кўникавераркан. Бошга тушганни кўз кўравераркан. Қирғинбарот уруш авжида. Йигит ёшига етганлар ой сайин армияга кетиб турибди. Келаётганлар камдан-кам. Улар ҳам ишга яроқсиз майиб-мажруҳлар. Овулда турмуш оғирлашгани билан ҳамма ишлар ўша қолипда: пахта етиштириш плани ўша-ўша, буғдой ва бошқа донли экинлар плани ҳам ўша-ўша; ҳатто уруш арафасидагидан кўп бўлса кўпки, оз эмас...

Бир касаллик бошқасини етаклаб келаверади, дейди табиблар.

Кулфат келса — қўшалок келади, дейди қариялар.

Овулимизда тоғни урса талқон қиладиган бўз йигитлар қолмагани камдек, 1942 йилнинг ёзида Амударё ўзининг асрий ўзанига сиғмай, биз тарафга уриб кетгани ҳақида шум хабар тарқалди. Бу барчани таҳликага солиб қўйди. Таҳликадан нима фойда? Хавф-хатарнинг олдини олиш керак! Колхозимиз раиси айни туш пайти беш-олти қариялар билан мен тенги болаларни тўплаб, кеч-қурунга қадар йўлга озиқ-овқат ҳозирлашни тайинлади-

да, эртасига тонг-саҳардан дарё тошқинини тўхтатишга боражаклигимизни айтди. Тўғри йўлни сув босиб кетгани сабабли айланиб, йўлда бир оқшом тунаб, дарё ёқасига етиб келсак, ҳарасот одам. Аксарияти ўзим тенги болалар, қариялар, аёллар. Узунлиги ўн икки-ўн уч метрли омонат сўри устидан бизларга ҳам яшаш учун жой тегди. Шу ерга нарсаларимизни кўйдик. Бобомни пойлоқчи қилиб қолдирдик-да, бошқаларимиз баржага чиқдик. Баржа бизларни дарёнинг нариги қирғоғидан қалин чакалакзор ёнига обориб сувга туширди. Бошиохири йўқ чакалакзорни кўриб, аввалига юрагимиз дов бермайроқ турди-ю, сувга тушгач, кўникай дедик. Тумонат одам тошқин сувни кечиб, шох-шабба кесаяпти. Бизлар билан келган қариялар, аёллар ҳам болталарини қўлга олиб, дарахт кесишга тушиб кетишди. Биз — болалар бўлсак, улар чопган толчивиқларни сув ичида судраб обориб баржага юклашга киришдик. Баржа тўлган заҳоти кичкинагина кема уни сув урган тарафга судраб кетади-да, бўшагач, юқорироқдан айланиб қайтади. Шу алфозда дам кўкракдан, дам бўғиздан келадиган сувдан чиқмай, қош қорайгунча ишлаб, яна ўша баржада бобом қолган ерга қайтиб бордик. Бобом ҳар ким ўзи билан олиб келган кўрпа-тўшакларни бир чеккадан ёнма-ён тўшаб, чой қайнатиб, бизларни кутиб ўтирган экан. Биринчи куни — обдан чарчаган эмасмизми, эртароқ ётдик. Тунга яқин бу чор тарафи очиқ, омонат бошпанага илону қурбақалар тўлиб кетар экан. Бобом қўлига таёқ олиб туни билан шартиллатиб ер саввалаб, теварагимизда гир айланиб чиқди...

Тонг бўзармасидан кема қўнғироғи ҳаммамизни уйғотди. Қарасак, теварагимизда узик-узик ипдай бўлиб сон-саноксиз илонлар ўлиб ётибди. Улардан қўрқиб ўтиришга ҳам вақтимиз йўқ эди. Тушлик чоғи ейдиган нонларимизни олиб, апил-тапил баржага чиқдик. Яна кечагидай иш бошланди. Тагин қоронғу тушганда «бошпанамиз»га қайтдик. Тигин чой ичиб, нон каппалаб, ухлагани ётдик. Тагин бобом туни билан посбонлик қилиб, бизларни гир айланиб илону қурбақалардан қўриқлаб чиқди. Тонгда яна бизни кема қўнғироғи уйғотди. Ҳаёт чархпалаги шу тарзда айланаверди...

Шоир бўлиш учун ҳаётни ўрганиш керак, деган ўғитлар хаёлимга ҳам келмайди. Назаримда, ҳаётни ўрганаётганга эмас, яшаётганга ўхшайман. Бироқ шеър ёзол-

майман. Куни билан сувда юриб чарчаганликданми, кечқурун тўшакка ёнбошим тегди дегунча тошдек қотаман. Тонг-саҳарда эса қўнғироқ товуши уйғотиб юборади...

Орадан ўн кунча ўтганда, чопилган толларни яна олиб кетиш учун келаётган баржада иттифоқо бобом кўринди. Нимагадир қўлини баланг кўтариб олган. Зеҳн солиб қарасам, қўлида аллақандай конверт!

— Тўлек, сенга, болам! Ошпаз олиб келди! — деди.

Судраб келаётганим бир қучоқ толчивиқни баржага ирғитдим-да, бобом узатган конвертни шоша-пиша қўлимга олдим. Адресига қарасам, редакциядан!

— Редакциядан! — дедим ҳовлиқиб. Конверт қалингина эди. Узимча: «Бир шеърим газетада босилиб, ўшани юборишган бўлса-я!» дея орзиқиб, бу мўъжизага дам ишониб, дам ишонмай конвертни йиртдим-да, ичидан хатни чиқардим. Аввалига ичимда ўқий бошладим.

*Редакциядан хат:* Ҳурматли Тўлепберген! Юборган хатларингни пешма-пеш олиб турибмиз. Бироқ, яроқли шеър тополмаяпмиз. Шунинг учун редакция номидан сенга бир ҳикоят юборишни маъқул кўрдик. Диққат билан ўқи. Қайта-қайта ўқи!

Ашаддий бир киссавур бўлган экан. Кунлардан бир куни дабдурустан инсофга келиб: «Шу ярамас касбни ташлаганим бўлсин!» деб қасам ичибди. Ушандан кейин бозор оралаб юрса, қовоқ сотиб ўтирган бир анқовнинг чўнтагидан ўн сўмликнинг учи чиқиб турганмиш. Олай деса қасам ичган. Олмай деса — кўз олдида тайёр ўлжа турибди. Уша одамнинг ёнига икки марта бориб, иккаласида ҳам базўр фикридан қайтибди: «омон-эсон» ўтиб кетибди. Учинчи марта ўтаётиб қараса, ўн сўмлик пул ўша алфозда турганмиш. Пул эгасининг олдига бориб, унинг қулоқ чаккасига тарсаки тортиб юборибди. Қовоқфуруш: «Ие, нега урасан?» дея ўғрининг ёқасидан олган экан; у: «Бўлмаса нега ўзинг пулингни ичкарироқ тиқиб қўймайсан, аблаҳ, нақ бўлмаса қасамимни бузимга бир баҳя қолди-я», дебди.

Мабодо сен шеър ёзишни қўйиб, бошқа иш билан шуғулансанг, қасаминг бузиладими?

*Салом билан, «Қизил Қорақалпоғистон»  
газета редакцияси.*



\* \* \*

Бобом авзойимдан қандай жавоб олганимни фаҳмлаган бўлса керак, баржадан сувга сирганиб тушди-да: — Юр, болам, одамлар ишляпти. Сен андак ҳаяллаб қолдинг, шунинг ҳиссасига ёрдамлашай, — деди.

Менинг бўғзимга келадиган сув бобомнинг ярим белига етди. У эрталабдан бери тиним билмай, дам-бадам пешона терларини сидириб, худди толчивиқда қасди бордек бетиним ишлаётган бир аёлнинг қўлидан болтасини олиб, тол кесишга киришди. Бобом ҳали бақувват экан. Анови аёл икковимиз унинг қесганларини базўр баржага ташиб улгурардик. Бироқ, ҳар қалай, редакциянинг хатини бобомга сездирмай конверт-понверти билан гижимлаб сувга отишга вақт топдим. У олабўтана сув сатҳида кўпикдай оқарганча оқиб кетди.

Ўша кунни бобомдан қолишмай жон-жаҳдим билан ишлаб, қаттиқ чарчаган бўлсам-да, кечкурун тўшакка киргандан сўнг ҳар кунгидек дарров ухлаёлмадим. Сув юзида кўпикдай оқиб кетаётган ўша конверт кўз олдимга келаверди.

Отам айтган афсона: Одам Ато ўз авлодларига ер тақсимлаб юриб, улкан бир дарёга рўпара келибди. Дарёдан ўтиш учун унинг чуқурлигини билиш керак бўлибди. Одам Атонинг бир ўғли отасининг ҳаёлидан кечганини ҳали у айтмай туриб фаҳмлабди-да, ўзини дарёга отибди. Бироқ, шу калла ташлаганича, сув юзасига қайтиб чиқмабди. Алламаҳалда қалпоғи сув юзига қалқиб чиқиб, чайқалганча оқиб кетибди.

Одам Ато ўйланиб турибди-да:

— Анови қора қалпоқнинг эгасидан қолган болалар бўлса, чақириб келиб, шу дарёнинг қуйи қирғоқларига қўним топтиринглар, — деб ер ўлчовчиларга буйруқ берганмиш.

Ана ўша дарё — Амударё экан...

\* \* \*

Мен сувга отган конвертни бобом кўриб қолган шекилли-да. Бироқ бобомнинг ўзи бу ҳақида гап қўзғамасди, мен ҳам индамадим. Лекин шундай бир аламли ўйлар хаёлимдан кечди: «Бундан кейин ҳам манови дарё дунёга қингир қарашларни, одам боласининг юрагига

Ўқдай қадаладиган таҳқиромуз фикрларни, палид сўзларни пўкакдек оқизиб кетадиган дарё бўлиб қолаверармикин ё мана шулардай хор-хаслар билан тўлиб, оқмай қолармикин?..

Онамнинг насиҳатларидан: Нортуя бўталоғини ияги билан ўзига тортса — суйгани.

Одам бировга рост гапни қамчидек силтаса — суйгани.

Оталарча ҳикматга қарши нодонларгина мушт кўтаради.

Отамнинг насиҳатларидан: «Ёшлик бор жойда қариллик бор, донолик бор ерда нодонлик бор.

Уйнинг иссиқ-совуғи қиш тушганда билинади.

Нуқсонингни топиб айтган одам билан ўчакишини — нодонлик.

Айбинг борлигини бўйнингга ол, уни тузатишга ҳаракат қил!

## 6

Мутахассисларнинг эътирофига кўра, Амударё дунёдаги энг тезоқар дарёлардан экан. Уруш келтирган кулфатлар оздек, дарё тошқини овулимизга қўшимча офат бўлди. Кўпгина овуллар қатори бизнинг овулимиз одамлари ҳам ўзларининг асрий маконларидан жудо бўлдилар. Овулимиз ўша 1942 йилнинг августида тошқин сувга фарқ бўлиб, овул аҳли ўн беш чақиримча наридаги Ободёрмиш деган арна бўйига кўчди. Ҳосили етилиб турган экинларимиз сув остида қолиб кетди.

Сентябрдан бошлаб ўқийдиган мактабимиз бўлмагани учун ҳозирча юқори синф болалари бошланғич синф ўқувчиларига дарс бериб туришимиз ҳақида кўрсатма олдик. Яъни, вақтинчалик муаллим бўлиб қолдик. Муаллимлик қилиш билан қиш ҳам ўтди.

1943 йилнинг февралида овул аҳли кўҳна Чўртанбой бўйига (ҳозирги Жданов совхозига қарашли Чапаев номи бўлим жойлашган ерга) кўчирилди.

Икки-уч кун ичида ҳар бир оила ўзига ертўла қазиб жойлашди-да, колхознинг ярим аҳолиси янги ер очишга киришиб кетди. Қолган ярми йигирма чақиримча нардан ариқ қазиб, сув олиб келишга отланди.

Овулимиздан менинг отам (У киши 1908 йилда туғилган.) тенги етти-саккиз одамни шу пайтгача нега армияга олишмаётганини энди тушундим. Улар куч талаб қилувчи оғир иш — янги канал қазिशга жўнатилди. Колхознинг ўзим тенги болалари ҳам уларга қўшилди. Бизлар ҳам иш беришимиз мумкин эди-да.

Сув тошқини туфайли бошпанасидан жудо бўлганлар биргина бизнинг овул аҳли эмасди. Янги канал қазिशга Чўртанбой ёқасидаги тўқайзорлар орасида макон қурган янги овулларнинг ҳаммасидан одамлар келишди. Уларнинг ярмидан кўпроғи ёш-ёш келинчаклар, қизлар, болалар эди.

Шундай қилиб, хозирги Жданов номли, «ВЛКСМ 50 ЙИЛЛИГИ», «РОССИЯ» совхозларини сув билан таъминлаб турган Октябрь канали ўша 1943 йилнинг кўкламида қазиб битирилди ва экинзорларга қадар янгидан очилган ариқчаю отизларга сув етказиб берилди.

Шу канални қазिश ишларида мен ҳам отам билан бирга бир ярим ой қатнашдим. Янги ариқ бошланган ердаги овулнинг ҳар бир хонадонида қазувчилар яшайди. Овулимиз одамлари эса, колхоз отхонасини элақага келтириб, ўша ерга жойлашишди. Мени шу нарса ҳали-ҳануз қойил қолдирадими, ҳаммамиз бир бошпанада ягона оила аъзоларидек ниҳоятда аҳил яшадик. Катта ёшдаги кишилар: «Болалар, ўқишларинг тўхтаб қолганига ўксинманглар, ҳали ҳаммасига улгурасизлар», деб бизларни юпатишарди. Ўз навбатида бизлар: «Тонг-отардан кунботаргача кетмон чопганларингиз камдек, тушлик пайтида, нонуштага қадар ҳарбий машқда юриб, сизларга оғир бўлди-да», дейишиб, уларга раҳмдиллик қиламиз.

Кечқурунлари одамларнинг нафаси биланоқ ётоқхонамиз исиб кетади. Овқат еб бўлган заҳоти ҳамма ўзини тўшакка уради. Лекин дарров ухлаб қолувчилар кам бўлади. Ўзаро гурунлар бошланиб кетади. Ҳар ҳил ҳангомалар, афсоналар айтилади. Фронтдаги жангчилардан келган хатлар ўқилади. Чироқ ўчирилгандан кейин ҳам ўзаро суҳбатлар давом этиб, ким гаплашгиси келса гаплашиб ётаверади. Эшитган эшитаверади. Ухлаган ухлайверади. Бироқ оқсоқолларимиз фронтдан келган айрим қайгули, мунг-ҳасратга тўла хатларни уйқу олдидан ўқишни таъқиқлаб қўярдилар. Мабодо ўжарроқ

биров норозилик билдирса, унга оқсоқоллардан бири: «Ухлаёлмасанг ташқарига чиқиб ёт, ёки бўлмаса, манови болаларга мактаб очиб, ўқит!» дейди, тамом! Бундай гапга эътироз билдириб кўринг-чи!

Уйқу олдидаги савол-жавоблардан: — Кўп бўлса қадри йўқ нарса нима?

— Сув.

— Йўқ бўлса, одам бор буд-шудига алмаштириб олгиси келадиган нарса-чи?

— Сув.

\* \* \*

— Энг яхши одат кимнинг одати?

— Энг яхши одат халқнинг одати.

— Энг яхши кийим кимнинг кийими?

— Бошлиқнинг кийими.

Бу жавобни шарт кесамиз: — Йўқ, энг яхши кийим — халқ кийган кийим!

\* \* \*

— Қаипберген, тўнгич ўғлингдан уялмай ростингни айт-чи, сен жуфти ҳалолинг Гулханга дастлаб қандай гул тақдим этгансан?

— Пахтанинг гулини.

Гурра кулги кўтарилади.

— Кулманглар, йигитлар! Бу дунёдаги энг бебаҳо гул — пахтанинг гули. У кийимга айланади. У ҳозир немис-фашист газандаларига қарши ўқ-дори ҳам бўляпти. Мана шу бизлар қазиётган Октябрь ариғи битса, суви даставвал пахта даласига очилади.

\* \* \*

— Йигитларга яна бир савол: агар боровингиз эрта-лаб худо бўлиб уйғонсангиз, биринчи галда нима қилар эдингиз?

— Мен биринчи галда аблаҳ Гитлернинг оёғига па-лахмон тошини боғлаб қўяр эдим.

— Мен ҳам!

— Мен ҳам!..

— Мен орамиздаги жамики ялқовларга «Сен дўзахга борасан!» деб, қўлларига йўлланма тутқазардим...

Агар бировингиз эртага шоир бўлиб уйғонсангиз, қандай шеър ёзардингиз?

— Мен «Гитлерга ўлим!» деган шеър ёзардим.

— Мен «Ариқ қазувчилар» деган шеър ёзардим.

— Мен «Она» деган шеър ёзардим.

— Мен «Маҳмадоналар» деган шеър ёзардим.

Кимдир пиқирлаб, кимдир хоҳолаб кулди. Ниҳоят, ҳамма жимиб қолди.

— Хўш, ўзинг шоир бўлсанг, нима ҳақида шеър ёзардинг? — деди йўғон товушли одам дастлаб савол берган одамга.

— Мен «Аёллар» деган шеър ёзган бўлардим.

— Нега?

— Нега?! — Сўради ҳамма яна алланечук жонланиб; кимдир орзиқиб, кимдир кинояли илжайиб, кимнингдир хавсаласи пир бўлиб.

— Негаки, аёллар бўлмаса, ҳаёт тўхтаб қоларди. Ҳар ким ўзича хаёл дарёсига шўнғиди.

\* \* \*

— Куч нимада?

— Бирликда.

— Яна нимада?

— Яна бирликда.

— Одамни бошқаларга яхши кўрсатадиган икки аъзонинг номини ким билади?

— Мен биламан. Одамни бошқаларга яхши кўрсатадиган икки аъзонинг бири — юраги, иккинчиси — тили!

— Энди, одамни бошқаларга ёмон кўрсатадиган икки аъзонинг номини ким билади?

— Яна мен айтаман. Одамни бошқаларга ёмон кўрсатадиган аъзоларидан бири — тили, иккинчиси — юраги!

— Тўғри, тўғри!..

\* \* \*

— Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўлдирилган ё қамалганлардан айримлари ҳақида: «У оташин инқилобчи эди», «У пок ниятли раҳбарлардан бири

әди», «Ноҳақ ўлдирилган», «Ноҳақ қамалган», деган луқмалар қулоққа чалиниб туради. Адолатли тузум — Совет даврида нега бундай ноҳақликлар рўй берган?

— Кимни назарда тутаяпсан? Очиқроқ айтсанг-чи!

— Масалан, қорақалпоқларга автономия беришни талаб қилган Оллоёр Дўстназаровни айтмоқчиман.

— Қадим замонда «Гаранглар овули» деган бир овул бўлган экан. Ростдан ҳамма одамлари ҳам кар, ҳам гунг-соқов экан. Кунлардан бир куни кутилмаганда шу овул устидан нимадир гумбурлаб ўтибди. Унинг гулдуриси овул одамларига таъсир қилиб, ҳаммасининг қулоқлари очилиб кетибди. Дабдурустдан тиллари ҳам калимага келибди. Бу ажойиб-гаройиб ҳодиса ҳамманинг аввалги кўникиб-мослашиб қолган аҳволини тубдан ўзгартириб юборибди. Овулда улкан байрам бўлибди. Унга барча қатнашибди. Байрам тантаналаридан сўнг қарашсаки, кутилмаганда рўй берган бу қувончли воқеадан ҳамма ўйнаб-кулиб, ирғишлаб-югуриб юрганида айрим чалишиб йиқилганлар оёқ остида топталиб ётганмиш.

Улуғ Октябрь инқилоби, инқилоб ғалабаларини мустақкамлаш учун кураш йиллари Қорақалпоғистон каби кўпгина юртларнинг қулоғини очиб, тилини чиқарди. Сен айтган нарса ўша «Гаранглар овули»да рўй берган байрамнинг кўнгилсиз оқибатларини эслатади.

\* \* \*

— Агар икки овул урушса, ўз овулининг енгилишини истайдиган, икки мамлакат урушса, ўз мамлакатининг енгилишини истайдиган халқ бўладими?

— Агар ўша овул ё мамлакатни подон ва қонхўр одам бошқарса, шундай бўлади. Масалан, ҳамма ақли бутун немислар ўз мамлакатининг енгилишини истаётгани аниқ!

— Ана шунда улар Гитлердану гитлерчилардан халос бўлади!..

\* \* \*

— Хон замонида бир овсар қорақалпоқнинг хонга қандай қилиб доно кўринганини эшитганмисиз?

— Йўқ, эшитмаганмиз. Қани, айтинг-чи!

— Ухламай эшитамиз, шошилмай айтаверинг.

— Инқилобдан аввалги хон замонасида «Хонёп»

деган янги ариқ очаётган қазувчилар олдига хон келиб, уларга ўз ҳисобидан зиёфат берибди-да: «Энди мен сенларнинг қанчалик доно эканликларингни синаб кўрмоқчиман. Масалан, мён лом-ним демай, имо-ишора қиламан. Ким тушуниб, сўзсиз саволимга имо-ишора билан тўғри жавоб тонса, ўшани беш тилла билан мукофотлайман», дебди. Қазувчилар ҳаяжонланиб хонга кўз тикибдилар. Хон бир бармоғини ҳавога нуқибди. Ҳамма донг қотиб турган экан, кийимлари ўлда-жўлда, ўзи тентакроқ (Тентак бўлмаса, хон билан ақл талашишга жазм этармиди!) бир қазувчи ўрнидан туриб, унга жавобан икки бармоғини нуқибди. Буни кўрган хон энди бармоғини ўз чеккасига нуқибди. Ҳалиги қазувчи бўлса, қорнига ишора қилибди. Хон энди кафтини ёзиб, беш бармоғини кўрсатибди. Қазувчи бўлса, хонга муштини дўлайтирибди.

— Оббо, хумкалла қорақалпоқ-эй, чинакам доно экансан! — деб қойил қолибди хон. Саройга қайтиб боргач, мукофотни бир навқаридан бериб юборишини айтибди.

Маслаҳатгўйлари бу имо-ишораларнинг маъносига тушуниб етмаганликлари учун хон ҳузурида таъзим билан бош эгиб сўрашибди:

— Хон ҳазратлари, биз ғофил бандаларга тушунтириброқ айтинг-чи, сиз нима дедингизу манови қорақалпоқ нима деди?

Хон шундай жавоб берибди:

— Дастлаб мен бир бармоғимни кўрсатиб, «Худодан бошқаям доно борми?» деб сўраган эдим, у икки бармоғини кўрсатиб: «Осмонда — худо, ерда — сиз, икки доно бор» деб жавоб берди. Кейин мен бармоғим билан ўз чекамга нуқиб: «Мияси кўп одам ақллими?» деб сўрасам, у қорнини кўрсатиб, «Йўқ, қорни тўқ одам ақлли» деб жавоб берди. Учинчисида мен беш бармоғимни кўрсатиб: «Беш тиллани ҳозир — ҳамманинг олдида беравераёми?» деб сўраган эдим, у муштини кўрсатиб «Йўқ, бу одамларнинг кўпчилиги ўғри, шунинг учун яширинча бериб юбора қолинг», деб илтимос қилди.

Хон ҳузурига киролмай қолганлар ўша доно қазувчини қуршаб:

— Қани, мундоқ тушунтириб айт-чи, хон нима дедию сен нима дединг? — деб сўрашибди.

Қазувчи бундай тушунтирибди:

— Аввалига хон менга: «Бир кўзингни ўйиб олайми?» деб бир бармоғини кўрсатиб пўписа қилган эди, мен икки бармоғимни кўрсатиб: «Сенинг иккала кўзингни ўйиб оламан», деб уни қўрқитдим. Иккинчисида у ўз чаккасига ишора қилса ҳам, аслида: «Бошингни олсам, қўлингдан нима келади?» деб дағдаға қилганди, мен унга қорнимни кўрсатиб: «Аввалроқ мен сенинг қорнингни ёриб ташлайман», деб эс-ҳушини жойига тушириб қўйдим. Учинчисида у менга беш бармоғини кўрсатиб: «Шапалоққа тобинг қалай», деб сўраган эди, мен унга муштумимни дўлайтиб: «Бир мушт урсам, ўласан-қоласан», дедим. Ана шунда хоннинг капалаги учиб кетди-да, қўрққанидан менга мукофот ваъда қилди.

— Басирга ўз ҳассаси дунёнинг устунидек туюлади, деган ҳикматли гапнинг маънисини шу бўлса керак-да,— дея хулоса қилди отам.

— Одил подшо бўлса, у аввало кимларни ўз хизматига олар эди?— деб сўраб қолди кимдир уйқусираб ётиб.

— У ўзига одам танлайман дегунча лаганбардорлари ялтоқи ялоқхўрлар жамики амал курсиларини эгаллаб улгуришади,— деб жавоб берди яна менинг отам.

\* \* \*

- Аҳмоқ қай пайтда ақлли кўринади?
- Жим турса.
- Доно қай пайтда аҳмоқ кўринади?
- Мақтанчоқ, маҳмадана бўлса.
- Қай ҳолда одамнинг уйқуси қочаверади?
- Чўнтагида пули кўпайса.
- Одамни қай пайтда уйқу босаверади?
- Ақли камайса.
- Соппа-соғ одам дабдурустдан қутура бошласа, қандай касалга чалингани?
- Касалга чалингани эмас, пули кўпайгани.
- Одамнинг ўзи яхши биладиган нима нарсасини бошқалар кўп тилга олади?
- Исмини.
- Одамни узоқ яшашга ундайдиган энг асосий куч нима?
- Унинг эртанги кундан умиди.
- Одамнинг умрини қисқартиришга-чи?



- Унинг эртанги кундан умид узиши.
- Дабдурустдан жавоб бериш мушкул савол нима?
- «Ухляяпсанми?» деган савол...

\* \* \*

Уйқу олдидаги гурунглاردан: Мактабда ўқисин-ўқимасин, ҳар бир одамдан талаб этилувчи нарса — поклик. Пок дил, пок юз, пок сўз... Ифлос сўз аввало айтган одамнинг юзини қаро қилади.

— Бемаъни сўз йиртиқ пулга ўхшайди. Кимга берсанг, ўзинга қайтараверади. Оғингдан чиққан тиканли сўз аввало ўзингни жароҳатлайди. Гапирган гапинг гужум бўлса, соясида ўзинг ҳам баҳра оласан. Оғу бўлса, ўзингни ҳам заҳарлайди. Бол бўлса, ўзинг ҳам маза қиласан.

— Яхши сўз билан илон инидан чиқади, деган гап бекорга айтилмаган, ахир.

— Деворнинг умри қаланган ғишталарнинг сифатию тўғри терилишига боғлиқ бўлганидек, айтилган гапнинг қиймати сўзларнинг маъноси ва ўз ўрнида қўлланилишига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, қурувчилик билан ёзувчилик ўзаро яқин касбларга ўхшайди. Бироқ қурувчилар бир уй қурмоқчи бўлсалар, ғишт терувчи, сувоқчи, бўёқчига бўлиниб, ҳар бири ўзига белгиланган ишни бажаради. Ёзувчи асар яратаётганда ҳаммасининг ишини ёлғиз ўзи бажаради. Энг қудратли техника ҳам унга ёрдам беролмайди.

— Ҳар қандай тилда энг ардоқли иккита сўз бор: «она», «муаллим». Лекин қорақалпоқ тилининг ўзигагина хос биргина сўзни ким айта олади?

— Бу—«ҳовва» деган сўз. Бу қутлуғ сўз тасдиқ маъносидан ташқари кимнинг қорақалпоқ эканини ёки Қорақалпоғистонда яшашини кўрсатиб туради.

— Қорақалпоғистонликлар меҳмонга «ҳовва» деган сўздан бошқасини кам айтишади. Шунинг учун ҳам ҳар бир меҳмон бу сўзга тез ўрганиб кетади.

— Бизнинг она тили муаллимимиз: «Ҳар бир тил ўзининг луғат бойлигини ошириш билан бир қаторда ҳар бир сўз бажарувчи вазифаларни ҳам ошириб бораверади. Ёзувчилар сўзни йўниб, силлиқлаб, ишлов ва жило берадиган усталар», — деб ўргатган эди.

— Ҳар бир тилнинг луғат бойлигигина эмас, ҳаттоки ёзувдаги тиниш белгилари ҳам баъзан одамнинг тақдирини ҳал қилиши мумкин. Адабиёт муаллимимизнинг

айтишича, Виктор Гюго деган француз ёзувчиси китобини чиқарадиган нашриётга қўлёзмасини жўнатиб, хат ўрнига биргина савол аломати (?) юборган эди. Нашриёт директори эса унга жавоб ўрнида ундов (!) белгисини юборганмиш.

— Ана, тилдан моҳирона фойдаланиш, ана қисқалик! Биргина имло белгисида қанча маъно!

— Имлони мақтайверманглар! Боболаримиз имлосиз ҳам туппа-тузук гаплашиб, ҳатто достону қўшиқлар яратиб яшашган. Бугинги сўрасангизлар, менинг ликбезни ташлаб кетишимга ўша лаънати имло сабаб бўлган эди.

— Нега?

— Ҳарфларни тўла ўрганиб, сўз қураштириб ўқишга тушган эдик, бир куни муаллим: «Энди грамматикани ўрганишга киришамиз!» деди. Ҳамма ҳайрон бўлиб қолди. Муаллим ҳам бизларнинг ҳайрон бўлаётганимизга андак ажабланиб қараб турди-да: «Мен ҳозир тахтага бир содда гап ёзаман, унинг эга-кесимини топамиз. Кейин грамматиканинг нима эканини тушунтираман», деди. Шундай дедию тахтага ҳар ҳарфини ўқлоғидай-ўқлоғидай қилиб: «Айтжон уйланди», деб ёзди. Жон-поним чиқиб ўрнимдан учиб турдим-да:

— Елғон! Мен ҳали уйланганим йўқ! — дедим.

Муаллим ўзини оқламоқчи бўлди:

— Бу гапни эга-кесимини топиш осон бўлсин деб ёздим...

— Сизга — осон, менга — қийин! — дедим яна. — Исмин Айтжон эканини била туриб атайин ёздингиз! Энди одамлар нима деб ўйлашади? Энди уйланадиган қизим нима дейди? Туҳмат бу! Муаллим бўлсангиз ҳам судга бераман!

— Кечирасиз, билмабман. Майли, ундай бўлса: «Айтжон тушунмади», деб ёза қолайлик.

— Нега тушунмас эканман? Эшакмия, демоқчимиз? — дедим бу гапдан баттар жиним кўзиб.

Синфдагилардан ҳеч ким орачилик қилолмаслигини кўрган муаллим елкасини қисганча андак ўйланиб:

— Майли, ўртоқлар бўлмаса яна ўзгартирайлик, — деди-да, тагин катта-катта ҳарфлар билан «Ит ҳурди» деб ёзди.

— Энди итга тенглаштирдингизми? — деб яна ўрнимдан сапчиб турдим.

— Йўқ, бу гапда «ит» — эга, «ҳурди» — кесим, демоқчиман, — деди у.

— Шуям дарс бўлибдию! — деб жаҳл билан эшик олдига бордим-да, синфдошларимга: «Юринглар, «ит ҳурди»ни ёзолмасак ҳам туппа-тузук гаплашиб юриб-миз», дедим. Синфда йигирматча ўқувчи бор эди, бештаси ортимдан эргашиб чиқди. Ушанда менга эргашиб чиққанлардан манави менинг ёнимда ётган Қайипберган, Сайилхон, Сафарниёз, Эрниёзлар тирик. Тўғрими?

— Тўғри, — деди биров кўрпа остида пиқ-пиқ кулганча. — Ушанда сенга эргашмаганимизда бугун ҳеч бўлмаса фронтга ўзимиз хат ёзардик. Бизларни армияга олмай юрганларининг сабаби ҳам шу — саводсизлигимиз! Ушанда бешинчимиз Утамиш эди. Армияга кетгандан бери хат ёзмади. Улдига чиқариб юрсак, яқинда хат келиб қолди. Ярадор бўлиб госпиталга тушибди. Бир меҳрибон ўзбек билан танишган экан, хатни ўша одам ёзиб берибди. Икки оғиз ҳол-аҳволини ёзибдию давомида: «Ўқинглар, қорақалпоқнинг саводсиз боласи солдатлик тугул худога ҳам керак эмас экан, болаларни ўқитинглар!» деб қайта-қайта тайинлаб бир бетни тўлдириб насихат ёздирибди...

— Бизларни ўқитган муаллим армияга кетишдан аввал: «Улуг Октябрь инқилобига қатнашган авлод Ленинга эргашиб яшагани учуноқ ўша авлоднинг ҳар бир вакили исмини дарсликка бош ҳарф билан ёзиб чиқиши керак», деб кўп айтарди.

— Урта Осиё халқларида авваллари фамилия бўлмасди. Тарих инқилобчиларга ажойиб бир ҳайкал ўрнатди: уларнинг исмлари болалари тугул неварачевраларига ҳам мангулик хотира бўлиб қолди. Мана Тўлапберганга қаранглар. Отаси Қайипберган ёнида ётибди. Демак, у Қайипберганов бўлади. Энди Тулапберганнинг бола-чақалариям Қайипберганов бўлаверади. Қарабсизки, манови ётган ариқ қазувчи Қайипберган мангулик фамилияга айланади.

Очиги, мен одамлардаги миллий айирмачилик тугул ҳар бирида алоҳида исм-фамилия бўлишига ҳам қаршман. Сабаби, оти айтиладими, тамом, у бошқалардан ажралиб кўрсатилади.

— Ҳар бир одам ўзининг исми билан бошқалардан ажралиб қолмай ўз тақдирининг бетакрорлиги билан ажралиб туради.

— Ҳар бир одамга қўйилган исм аввало унинг бу дунёда бузувчиси ё яратувчи эканини ажратиш кўрсатиш учун керак бўлади.

Уйқу олдидан айтилган эртақлардан: Бир хон қариган чоғида ўғлининг юртни қандай идора қилаётганини кўриб, бу дунёдан хотиржам кўз юмиш учун тириклигида тож-тахтини топширибди. Тахтга ўтирган кунининг эртасигаёқ ёш хоннинг иштаҳаси бўғилиб, бир ҳафта ўтар-ўтмас ўрнидан базўр турадиган ҳолга келибди. Ахири отасининг олдига бориб:

— Менга иштаҳа очадиган дори керак, — дебди.

— Кўнгли тусаган нарсани муҳайё қилолмаса, бу қанақа хон бўлди! — дебди отаси ўғлидан хафа бўлиб.

Ёш хон ўйлана-ўйлана, қўшни мамлакатлардан бўлсаям шундай дорини топиб келаман, деб йўлга равона бўлибди. Шаҳардан чиқаверишда терлаб-тепчиб ариқ қазиётган бир танишини кўриб қолибди-да, ундан ҳол сўрабди.

— Хон ҳазратлари, йўл бўлсин? — ажабланибди қазувчи.

— Юрт тахтига ўтирдиму овқатга иштаҳам паққос йўқолди. Ушанга иштаҳа очадган дори ахтариб кетяпман, — дебди хон.

— Бундай дори менда бор, — дебди ариқ қазувчи.

— Ие, бор бўлса, мени бошқа юртнинг хони олди-да бош эгдириб нима қиласан, ўша дорингни менга бер-да, — дебди хон.

— Майли, бераман. Бироқ уйда эди. Бориб келишга вақт зиқ. Манови ариқни тезроқ битирмасам бўлмайди. Экин-тикин вақти ўтиб кетяпти, — деб зорланибди қазувчи.

— Сен уйга бориб ўша дорини олиб келгунингча ўрнингга мен қазиб тура қолай, — деб хон отидан тушибди-да, унинг қўлидан кетмонини олибди.

Қазувчи хоннинг кетмон уришини аңдак кузатиб, ихлос билан ишлашига кўзи етгач, уйига кетибди.

Хон тиним билмай ариқ қазибди. Кунботарга яқин ишни битириб, пешона терини сидирганча нафас ростлаётган экан, қазувчи етиб келибди.

— Доринг қани? — деб сўрабди хон.

— Қанча олиб келишни билмадим. Узингиз уйга бориб, хоҳлаганингизча ола қоларсиз, — деб, у хонни уйига эргаштириб борибди. Қазувчининг аёли кечки овқатга бир қозон жўхоригўжани пишириб, совутолмай хуноб бўлиб турган экан, хон очликка чидаёлмай:

— Дорингдан аввал манови гўжангдан қуйиб бермайсанми? — деб сўрабди.

Уй бекаси бир косага гўжа қуйиб берибди. Хон: «Жудаям лаззатли экан...» деб мақтай-мақтай яна бир коса гўжа қуйиб беришини сўрабди. Аёл дарров қуйиб берибди. Хон иккинчи косаниям бир нон билин паққос тушириб, обдан тўйганидан кейин:

— Майли, энди мен кетай, дорингни бер, — дебди қазувчига.

Қазувчи мийиғида кулиб:

— Мана, дори, — дебди-да, деворга суяб қўйилган кетмонни олиб, хоннинг олдига қўйибди.

Шундагина ёш хон гап нимадалигини англаб етибди. Отасининг олдига қайтиб, тож-тахтдан воз кечажаклигини маълум қилибди.

Менимча ўша одам бизнинг бобокалонимиз бўлса керак.

Яна: Кенг-дархон далада яшаб ўтган атоқли бир мерган болаларига мерганликни ўргатиш мақсадида уларни олига чақирибди-да, аввало ўзининг нишонни беҳато урадиган моҳир овчи эканини кўрсатиб қўйиш мақсадида нарироқдаги бир дарахт шохига қўниб турган чумчуқни мўлжалаб отибди. Бироқ ўқ тегмай, чумчуқ «пирр» этиб учиб кетибди.

Ушанда мерганнинг Қорақалпоқ исми боласи:

— Раҳмат, ота! — дебди астойдил суюниб.

— Уқ нишонга тегмади-ку. Нимасига раҳмат айтяпсан? Ё одамни масхара қиляпсанми? — дея аччиғланибди отаси.

— Бечора жониворга раҳм қилиб, жўрттага тегизмаганингиз учун раҳмат айтяпман, — дебди ўғил.

Отаси Қорақалпоққа бир олайиб қараган экан, у отасининг ёқтирмай қолганини тушуниб, энди бетгачопарлик қилмасликка онт ичибди. Бу онтини ўз болаларига ҳам васият қилиб қолдирибди.

Яна: ...Золимлиги учун Иван Грозный аталган рус подшосининг бир доно боярига қаҳри тушиб, уни нима қилиб бўлсаям жазолаш мақсадида:

— Уч кун ичида менга темирдан чоксиз тикилган этик олиб келасан, йўқса ўлдираман, — дебди.

Орадан айтилган уч кун ўтибди. Бояр келавермабди. Иван Грозный олдига чақиришгаям сабри чидамай, ўзи найзабардорлари билан боярнинг уйига кириб борибди. Қараса, боярнинг аёли эшик олдига илон изи қилиб қум тўкиб, устидан сув қуяётганмиш.

— Ҳой, нима қиляпсан? — деб сўрабди подшо.

— Қумни сувга қориб ип эшмоқчиман, — дебди аёл.

— Қанақа тентак хотинсан ўзи? Қумдан ип эшиб бўларканми? — дебди қаҳри қаттиқ Иван Грозний беихтиёр қаҳқаҳ отиб.

— Сиз буюрган темир этикни чоксиз тикиш учун қумдан ип йигириш керак-да, — дебди аёл.

Иван Грозний шартта ортига қайтиб, юртидаги барча боёнларни ҳузурига йигибди:

— Ақлни чегаралаш — одамзодга зиён! Бугундан бошлаб рус қизи дунёдаги қайси халқнинг йигитига тегаман деса, қаршилик қилманглар, — деб буюрибди. — Улар қаерда юрсалар ҳам юрт учун қандай хизмат қилишни ўзлари яхши билишади!

Яна: Чингизхон лашкарбошиларидадан бирини ёқтирмас экан. Дабдурустдан ўлдириб юборишга аввалги хизматларини яхши биладиганлардан ҳайиқиб: «Сен менинг олдимга ўн яшар улоқ, йигирма яшар қашқир, ўттиз яшар йўлбарс, қирқ яшар шоқол, эллик яшар тулки, олтмиш яшар туяқуш олиб келасан. Қаердан бўлсаям топасан!» деб антиқа шарт қўйибди. Йигит буткул Ўрта Осиё ўлкаларини кезиб чиқибди-ю, Чингизхон айтган жониворлардан ақалли биронтасини тополмабди. Улимини бўйнига олиб, озиб-тўзиб Амударёни ёқалаб бораётган экан, қараса, бир қиз қовоқчада экинига сув қуйиб юрганмиш. Йигит тўхтаб қиздан қултум сув сўрабди. Қиз сув узата туриб йигитнинг юзи заъфарондек сарғайиб, ўлар ҳолга келганини кўриб, унга раҳми келибди. Ҳол-аҳвол сўрабди. Йигит унга Чингизхоннинг шартини айтибди.

— Чингизхон айтган ҳайвонларнинг ҳеч бири ўша ёшга етмаслиги ҳаммага, қолаверса, унинг ўзига ҳам маълум-ку. Демак, у сизга ёмонлик қилмоқчи бўлганга ўхшайди, — дебди қиз. — Яхшиси, сиз хон олдига айтган жониворларни эмас, ўша ёшдаги эркакларни эргаштириб обора қолинг. Одам ўн ёшида — улоқдай, йигирма ёшида — қашқирдай, қирқ ёшида — шоқолдай, эллик ёшида — тулкидай, олтмиш ёшида — туяқушдай бўлади...

Йигит суюна-суюна қиз маслаҳат бергандек ўн яшар болакайни елкасига ўтқазиб, йигирма, ўттиз, қирқ, эллик, олтмиш ёшдаги одамларни эргаштириб, Чингизхон ҳузурига кириб борибди.

— Буни ким ўргатди? — деб сўрабди хон икки кўзи қонга тўлиб.

— Амударё ёқасида яшайдиган бир қиз ўргатди, — дебди йиғит рўй-рост.

Чингизхоннинг кўзлари ўтдек ёниб, ўша қизни олиб келиб дорга осишни, Амударё ёқасидаги элатларнинг жамики қизларини қилич тиғидан ўтказишни буюрибди.

Ушандан бери Амударё ёқасида қўним топган элатлардаги қизлар бегона одам билан гаплашишдан, ўз ақлини ҳуда-беҳуда ошкор қилишдан қўрқадиган бўлиб қолган.

Уша даҳшатли қирғин қолдирган асоратлар ҳозирга қадар сезилиб туради...

Уйқу олдидан ўқилган солдат мактубларидан: «Ойи! Менга ўқ тегади деб қўрқманг. Ёшлигимдан бадантарбия билан шуғулланганим зап иш бўлган экан. Ҳозир асқотиб турибди.

Баъзи тунлари душман тарафдан қип-қизил чўғдек ёниб ўқ учиб келади. Кўрсам бўлди — ўзимни дам у ёққа, дам бу ёққа ташлайман, дам ўқнинг устидан сакрайман. Ҳеч бўлмаганда биқишиб қоламан... Командирим: «Оббо, қорақалпоқнинг шоввози-ей, яша! Жудаям абжир экансан-а!» деб мақтайди.

Қўшнимизнинг қизи Гулифани келин қилсам дердингиз, манави хатни унгаям ўқитинг. Мен боргунимча ойиси билан маслаҳатни пишитиб қўяверинг. Борган куним бирйўла икки тўй бўлсин...»

\* \* \*

«Суюклим Ойша!.. Жуфти ҳалолликка сени танлаб, адашмаган эканман, деб ўзимча қаттиқ суюнаман. Кичкиналигимда болалар билан ўйнагани чиқсам онам ҳаммиша: «Қорнинг очиб қолмасин тагин», деб чўнтагимга нон солиб қўярди. Мана, сен ҳам онамга ўхшаб ҳар бир хатингда: «Озиб кетмадингми, суюклим? Вақтида овқатланиб турибсанми?» деб сўрайсан. Яхшиси мен сенга дивизия командирининг сўзлари билан жавоб бера қолай. Кунни кеча полкимизга дивизия командири келиб қолди. Ҳаммамизни сафга тизиб, бирма-бир кўздан кечириб чиққач: «Уйларингиздан хат олиб турибсизларми? Овқатлар етарлими?» деб сўради. Шу орада

бирдан менга кўзи тушиб олдига чақирди-да: «Ҳа, қорақалпоқ, қалайсан? Яхши, анча тўлишибсан, молодец! Бошқаларда ҳақингни қолдирмай еб тур!» деди... Еб турибман. Иштаҳам жуда зўр. Юртга семириб, кучга тўлиб қайтаман. Узинг ҳам мени кутавериб озиб қолма, вақтида овқатланиб тур...»

\* \* \*

«Отажон! Онажон! Бу хатни уч кунлик отпускамнинг охирги кунда ёзиб ўтирибман. Уч кунгача командирнинг ертўласида ёнма-ён қўйилган каравотда маза қилиб ухладим. Командир нима еса, мен ҳам ўшани едим. Командир ташқарига чиқиб кетган пайтларида ҳисобот беришга келган кичик командирлар менга гапиришга ботинолмай рухсат сўрайди...

Тўс-тўполон уруш пайтида қандай қилиб отпускаи олганим, албатта, сизларни қизиқтирса керак. Сабаби — мен битта ҳам ўқни зое кетказмасдан нақ ўн бешта фрицни асир олиб келдим. Қандай қилиб, демоқчисиизлар-да? Бундай бўлди: тунда қор гупиллаб ёғиб турган эди. Бирданига беҳисоб фрицлар бостириб келиб қолди. Қарс-қурс найзабозлик бошланиб кетди. Худди «Қўблон» достонидагидек, зангарларнинг олдини найзалаб бўлдим дегунча ортидан яна ғовлаб чиқаверади, ортини найзалаб бўлдим деганда олди ғовлаб келади. Хуллас, талай фрицни нариги дунёга жўнатдим. Бир галаси ортига қочувди, изидан ёлғиз ўзим тирақайлатиб қувишга тушсам бўладими! Алламаҳал, худди тушга ўхшайди, нақ рўпарамда турган фрицлар кўздан ғойиб бўлиб қолди. Одамнинг қони қайнаб кетганида кўзларига ҳеч нима кўринмай қоларкан. Сал ҳовуридан тушиб қарасам, қаршимдаги эски хандақда ўнтача каска қимир-қимир қилади. Аввалига: «Ҳа-а, йигитларимиз дам олиб ўтиришган экан-да», деб ўйладим. Ҳандаққа сакраб тушсам, чулдирашган фрицлар! Юрагим «шувв» этди. Ушандаям қўрққанганимни сездирмай, биттасини сал нарироққа итариб ўзимга жой очиб олдим. Ёнимда турган фриц ўрисчани ўзим қатори биларкан, бир амаллаб гаплаша бошладик.

— Кимсан? — деб сўради у.

— Совет жангчисиман, — дедим.

— Совет жангчиси эканингни биламан, миллатинг нима?



— Қорақалпоқман, — дедим.  
— Дунёда шундай халқ борлигини билмас эканман? — деди у менга ажабланиб қараб.

— Нега билмайсан? Ахир, дунёда қорақалпоқлар яшамайдиган мамлакат йўқ-ку, — дедим мен астойдил гина қилиб.

— Дунёдаги энг кўп халқ хитойлар, иннайкейин... — дейверган эди, гапини шартта узиб:

— Ростингни айт, сенинг юртингда ҳам меҳнаткаш, ҳам содда, ҳам доно одамлар борми? — деб сўрадим.

— Ундайлар ҳар бир миллатда топилади, — дея иқрор бўлди хумпар.

— Ана ўшалар — қорақалпоқ! — дедим мен.

У бирдан хоҳолаб кулди. Ёнидагилар туртиб, нега кулаётганини сўрашди шекилли, ишқилиб, яна ўзаро чулдирашиб қолишди. Бир пайт ўнг биқинимда турган қўшним:

— Доно бўлсанг айт-чи, сенинг халқинг дунёнинг киндиги қаердалигини биладимиз? — деб сўраб қолди.

— Албатта билади-да! — дедим.

— Америкадами, Германиядами? — Яна сўради у бесабрлик билан.

Қўйиб берсам, унинг талай ўсмоқчилашини сезиб:

— Дунёнинг киндиги Нукуснинг остида, — деб, гапининг пўсткаласини айтдим-қўйдим.

— Нукус дегани қаер? — Қаранг-а! Нукусни билмайди-я бу аблаҳ!

— Нукус — Қорақалпоғистон Автоном республикасининг пойтахти! — «Ана, билмасанг — билиб ол!»

— Бизга шуниси маълумки, СССРда ҳар бир иттифоқдош республика ўзининг миллий байроғига эга. Хўш, сизларда-чи?

— СССРда ҳар бир миллат тугул, ҳар бир одамнинг ўз байроғи бор, — дедим.

— Мен 7 ноябрда, 1 Майда ҳар бир одам кўксига тақиб чиқадиган бир парча латтани сўраётганим йўқ. Ундай байроқни коммунистлар билан камсомоллар ҳам-манинг кўксига мажбуран тақиб қўйишини яхши билемиз, — дея пичинг қилди у.

— Йўқ, билмас экансиз. Ҳеч ким мажбур қилмайди. Аксинча, коммунистлар ўша байроғимизнинг ҳамшиша ҳилпираб туришига ғамхўрлик қилади, — дедим мен.

— Шу вақтгача бизга номаълум қанақа байроқ бўлди бу?

— Бу байроқ — ҳар бир одамнинг юзидаги кулгу, Ҳозир бутун совет халқининг бир жон-бир тан бўлиб сизларга қарши жангга отланишидан мақсади ҳам мама шу байроқни сақлаб қолиш. Бу — яхши ният, шунинг учун ҳам ғалаба биз томонда! — дедим.

Шу пайт тонг бўзариб келаётган эди, у юзимга тикилиб туриб:

— Бундай доно гапларни қаёқдан ўргангансиз? — деб сўради.

— Руслардан, — дедим.

У тагин ёнидагиларга алланима деган эди, ҳаммалари нималарнидир чулдираша-чулдираша, ахири ўринларидан туришди. Ёнимда тургани елкамга қўлини қўйиб:

— Қани, бошла! — деди.

— Қаёққа? — деб сўрадим.

— Тарихда оти номаълум сизлардек халқники шунча доноликка эриштирган экан, русларга қарши нега урушянимиз ўзи?! Сен бизларни уларнинг олдига бошлаб бор, — деди. Шундай қилиб, норғул-норғул ўн беш немисни ҳеч бир зиён-заҳматсиз штабга эргаштиб келдим...

Ана, болаларингизнинг донолигию мардлиги! Фахрлансангиз арзийди!»

\* \* \*

Фронтдан келган қорахатлар сабаб овулда йиғи-сиғи, дод-фарёд тез-тез эшитилиб туради. Бунинг устига, каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам иши оғир, ейиш-ичишининг тайини йўқ. Лекин ҳаёт деб аталмиш кўҳна чархпалак, минг машаққат билан бўлса-да, ҳар қалай, бетиним айланиб турибди... Ҳар оқшом айтиладиган ҳангомалар, эртагу афсоналардан, жангдаги йигитларнинг гоҳ жўрттага муболағадор, гоҳ рост гаплар ёзилган қизиқ-қизиқ хатларидан сўнг қариялар ҳам, ўрта ёшдаги кишилар ҳам, биз — болалар ҳам чарчоқни унутамиз. Баъзи кечалари гурунг билан тонг ҳам отади. Бироқ ҳеч ким уйқуси чала қолганидан хафа бўлмайди. Тонг отар отмас ҳамма иш қуролини олиб ариқ қазишга чиқиб кетаверади.

Роппа-роса бир ярим ой деганда «Октябрь ариғи»га сув очилди. Бу воқеа қувончи овулимиз одамлари билан тақдирдош бўлиб, Чўртанбой тўқайига макон қурган барча овуллар учун фронтдаги совет жангчиларининг янги бир шаҳарни озод қилишдан кам эмасди.

Чўртанбой тўқайи орасида бир оқшом улкан тўй-тантана бўлди. «Бизнинг кечаги шовқин-суронимиз ҳатто Германияга ҳам етган бўлса керак!», деди эртасига кимдир биров.

Чатоқ томони шунда эдики, янги ариқда сув туриши қийин бўларкан. Кутилмаган еридан уриб кетаверади. Шунинг учун, худди чегара қўриқлангандек, «Октябрь ариғи»нинг бутун узунлиги колхозлараро тақсимланиб, ҳар бир овул ўзига ажратилган масофага ариқ ёқаловчилар қўйди. Колхозимиздан мен, Сарсенбой (ҳозир у Хўжайлида механизатор бўлиб ишлайди), Шомурод (у ҳам) учқовимиз ариқ пойловчи бўлиб қолдик. Кечқурунлари навбат билан овулдан егулик-ичгулик олиб келишга боришимизни ҳисобга олмаганда, то кузга қадар ариқ ёқасидан бир қадам жилмадик. Бекор ўтган кунимиз бўлгани йўқ. Кунига камида учта-тўртта жойдан уриб кетган сувни вақтида тўхтатиб қоламиз. Буёғини сўрасангиз, ўртоқларимнинг иккаласи ҳам гапга чечан, эртатка кон. Хуллас, зерикишга вақт йўқ.

Ёзнинг сўнги кунларида сувга зарурат андак камайгач, ҳаммамиз овулга қайтдик. Бизлар келишимиз биланоқ икки колхоз ўрталиғидан томшувоқ мактаб қуриш иши бошлаб юборилди. Биз болаларни ҳам ажаблантирган, ҳам суюнтирган ҳол шу бўлдики, ҳали мактабдан бошқа бирон-бир томшувоқ уй қурилгани йўқ — ҳамма-ҳамма аввалгича ертўлаларда, қамиш капаларда яшайди...

Мактабимиз сентябрнинг охирларига «битди-битди» бўлиб, биринчи октябрдан ўқиш бошланди. Бироқ, энг юқори синф — бешинчи синф эди. Бизларни тўртинчи синфда ўқитган Қайипбек оға Пиримбетов мактабга директор бўлди. Мени бешинчи синфни қайтадан ўқиш учун чақириб келишди. Уша йили еттинчи синфда ўқишим керак эди. Бешинчи синфда нима қиламан?

— Шоирлигинг бор эди — ўшани давом эттирасан. Мактабдаги деворий газетанинг редактори бўласан, — деди директор.

Бу таклиф менда қизиқиш уйғотиши табиий эди.

## 7

1945 йилнинг январида орзуларимга янги қанот боғлаган, ҳаётимда кескин бурилиш ясаган бир воқеа рўй берди: мактаб директори ўз кабинетига чақириб:

— Тушгача 6-синф ўқувчисисан, тушдан кейин 2 ва 4-синфларни қўшиб ўқитадиган муаллим бўласан,— деди.

«Наҳотки? Йўғ-э!..» Ҳаяжонланганингизда тилингиз калимага келмай қолар экан.

Бу кутилмаган таклиф туйнукдан келиб тушган куёш нури бўлиб кулбамиз ичини ҳам, кўнглимизни ҳам ёриштириб юборди. Юзлари севинчдан чарақлаб турган онам бирдан тараддудланиб қолди:

— Муаллимнинг тузукроқ кийим-кечаги бўлиши керак-ку?!

Ана шундагина ўзим кийиб юрган гуппи чопон минг ямоқлигига, устига-устак, улар ҳар хил рангдаги мато билан ҳар хил вақтда ямалгани учун гуппининг асл (қора) рангини аниқлаш буёқда турсин, охирги ямоқларнинг ҳам бир қатори тўзиб, яна ямоқталаб бўлиб турганига эътибор қилдик.

Янги гуппи сотиб олишга уйда пул йўқ, сотиб пул қилгулик мол йўқ, янгироқ кигиз, кўрпа ё бошқа бисот йўқ. Ҳатто онамнинг бир-икки кийиб; тўнғичимга келин туширганда чиқараман, деб сандиққа босиб қўйган кўйлақларининг энг сўнггиси ҳам бу йил қишда ярим ботмон жўхорига айрибош бўлиб кетган.

— Ҳар бир хурсандлик ўз ортидан кутилмаган хафагарчиликни ҳам эргаштириб келади,— деди момом.

Бобом узоқ ўйланиб ўтириб, ахири синиқ товушда:

— Бир иложи топилар,— деб бизни юпатган бўлди. Ҳамма унга умидвор кўзларини қадади. Бироқ бобомнинг қандай илож топмоқчилиги бизга қоронғу эди.

— Бугун эрталаб қазо қилган қўшни чолнинг ўтган йили шаҳардан сотиб олиб келган шинели ҳали йиртилмаган эди, шекилли? — деб сўраб қолди бобом шу пайт маслаҳатомуз оҳангда.

— Ҳа, нима эди, умрингда қилмаган ишни қилиб, ўлик ювмоқчимидинг? — деди момом андак аччиғланиб.

— Колхозда ўзини худо санайдиган анови тентак раиснинг олдига бош эгиб, ёрдам сўраб боргандан кўра, ўлик ювган афзалроқ. Бу ҳам савоб иш, ҳам ўлик ювганга унинг бир кийими тегади. Кўп яшаган қариядан неварамга эсадлик бўлсин, деб ўша шинелни сўраб кўрмоқчиман.

— У одам қариликдан ўлгани йўқ. Қўни-қўшнилари тугул ўз уйидагилар жирканадиган касал билан оғриб

ўлди. Ундай касалдан қолган кийимни тўнғичимнинг эғнига яқин келтирмайман! — деди онам.

— Бунинг йўли осон, — деди отам онамга қия қараб. — Қорабароқнинг кулига яхшилаб ювсанг, топ-тоза бўлади-қўяди.

Менинг муаллим бўлишим ҳақидаги хушхабар дастлаб уйга яшин тезлигида илиқ нур олиб кирган бўлса, шундай тезликда елдимдек йўқолиб, уй ичини совуқ бир зулмат қоплади — ҳамма жимгина ўз ўрнига ётди. Тонг-саҳардан одатдагидек ҳар ким ўз ишига кетди. Бобом ҳеч кимга ҳеч нима демай кеча ўлган чолнинг уйига йўл олди. Тушгача ўқиб, уйга келганимда бобом менга ҳар галгидек меҳрибонлик билан қараб:

— Келдингни чирогим, — деди-да, эшик ёнидаги деворга қоқилган илгичдан эски шинелни қўлига олди. — Ма, кий болам. Камликнинг камоли ҳам бўлар. Ўлган одамнинг кийимини кийиш гуноҳ эмас, савоб. Мен ўлганимда ҳам кимдир кийимимни сўраб келади, — деди.

Мен бобомнинг сўзини икки қилган эмасман.

Шинелга ҳали ямоқ тушмаган бўлса-да, енглари йиртилган экан. Ўлган чол паканароқ одам эди, шинел менга лоп-лойиқ келди.

— Келиннинг қўли ишдан бўшайвермайди. Момонгнинг кўзлари ночор. Сен билан отанг учқовимиз игна-ипга нўноқмиз. Енгларини чуноқ қилиб қирқиб ташлагунча яхшиси қайириб қўя қолганинг маъқул. Енгларини қайириб, билакларини шимариб юрган йигит улўсифат кўринади, — деди бобом.

Бу гап менда кўтаринки руҳ пайдо қилди. Гуппининг ўрнига бобом ушлаб турган шинелни кийиб (ўша пайтларда қандай бўлмасин шинел кийиш болаларнинг орзуси эди), енгларини қайирдим-да, муаллимлик ишимни бошлаб юборишга кетдим.

Мактаб директори Қаипбек оға мени узоқдан кўрди-ю, саҳт-сумбатимга қараб туриб, хушнуд илжайди:

— Ана, азамат бўлибсан-қопсан! Энди ўқувчиларингнинг олдида ҳам эр етган муаллимдек кўринасан!

Эски шинель мени катта йигит қилиб кўрсатишга кўрсатди-ю, бироқ бир гал тушлик пайтида колхозчи қиз-келинчаклар билан бир лагандан овқат ейдиган бўлиб, гўштини тўғраётганимда шинелимнинг енглари сидирилиб тушиб кетиб одамни шунақанги ўсал қил-

дики! Бари бир шинелни ташламадим, чунки бошқа кийимим йўқ эди. Муаллимлик қилиб олган ойлигимни эса, онам ёзги кийим-кечак учун жамғара бошлади.

\* \* \*

Колхознинг аҳволи ҳаммага аён. Армиядан келаётганлар эса, ишга эмас, кўпроқ маслаҳат беришга ярайди. Шундай экан, колхозда ўқувчилар ҳал қилувчи куч.

Муаллимлар бизлар билан далада бирга юриб, ҳам янги дарс ўргатиб, ҳам ўтилган дарсларни сўраб улгуради. Фақат математиканинг иши оғироқ. Математика муаллими чап қўлини бутунисича жанг майдонида қолдириб келган йигит эди. Шу одамгина ўжарлик қилиб, ўз фанидан дарс ўтиш учун ўқувчиларни синфга етаклаб киради...

Мактаб директори менга кўпроқ шеър ёзишни топшириб қўйган. Шеърларим, асосан, колхоздаги илғорларни мақтаб, қолоқларни танқид қилиб битилган сатрлардан иборат. Ҳар куни тушлик пайтида бир бригаданинг дала шийпонида шеър ўқийман. Баъзан Совинформбюро хабарларини ҳам шеъга айлантирган пайтларим бўлган.

Шеърларимни яна редакцияга жўната бошладим.

Редакциядан олинган яна бир жавоб:

«Ҳурматли Тўлепберген! Яна шеърларингни бизга ёмғирдай ёғдиришга тушдинг. Сен ёзишдан чарчамасанг, биз ўқишдан қийналмаймиз. Бироқ учта нарсадан огоҳлантириб қўймоқчимиз.

*Биринчидан*, ўзани тор, суви саёз ариқ шалдираб оқади. Баъзи ёшларнинг адабиётга кириб келиши мана шундай ариқнинг оқишига ўхшайди. Сен ҳали ёшсан, албатта.

Юборган шеърларинг ҳам шошқалоқ, ҳам ялқов, ҳам нодон қурувчининг уй қуриш ниятида пойдеворсиз тўрт деворни тиклар-тиклмас, қиғир-қийшиғини текисламай, сувамай, устини ёпмай туриб «битди-битди» қилиб комиссияга кўрсатганидек ган.

*Иккинчидан*, шоирлик фикр-туйғунинг тиниқ чашмаси. Сен ўз шеърларинг билан чуқур қудуққа кичкинагина челақ тушириб, уни ҳам тўлар-тўлмас тортиб олаётган шошқалоқ келинчакка ўхшайсан.

Учинчидан, айрим чаласаводлар ҳамма аллақачон кўриб-билиб турган нарсадан беҳабар юради-юради-да, кунлардан бир куни тўсатдан эшитиб-кўриб қолгудек бўлса, гўё катта бир янгиликни кашф этаётгандек бу кўрган-эшитганини айтиб дунёга жар солади. Узини ўта саводхон, билимдон кўрсатишга тиришади...

Сен ҳам ўқиркансан, ҳам ўқитаркансан. Шунинг учун билиминг кам, саводинг чала, демоқчимасмиз. Адабиёт махсус саводхонликни талаб қилади. Бу гапни мендан бошқалар ҳам билмасмикин, деб ҳайқиқиброқ иш кўришни талаб қилади.

Ёзавер, бироқ дафтарингга эмас, кўпроқ юрагинга ёз.

Салом билан, «Қизил Қорақалпоғистон» газета редакцияси».

Бу гап ҳам мен учун беҳос бошимга келиб тушган яна бир чўқмор бўлиб, талай пайтгача гарангсиб юрдим.

Биров камчилигини юзингга даңгал айтса, жаҳлинг чиқади. Ана шунда лабингни қаттиқ тишлаб жаҳлингни ичингга юта олсанг, ўзингни ҳам, айбингни юзингга айтган одамни ҳам тушуниб етасан, дерди бобом. Мен энди ўзимнию камчилигимни кўрсатган одамни тўғри тушуниш ҳаракатида бўлдим.

\* \* \*

Отам, онам, бобом — учалалари ишга эрта кетишарди. Гарчи, касали қайта кўзиб, уззукун кўрпа-тўшак қилиб ётса-да, укаларимга момом уйда бош-қош эди. Бир тунда — Бибифотима, Бибизухра исмли эгизак сингилларимнинг туғилганига икки ой тўлай деб қолган эди (улар 1945 йилнинг 14 мартада туғилган) — момом қаттиқ оғриб чиқди. Момомнинг вақтбемаҳал аҳволи оғирлашиб қолаверишига кўникиб қолганлигимиз учун апилтапил кийинаётган эдим, бешикдаги сингилларим чириллаб йиғлайверишди. Уларнинг йиғисига ҳам ўрганиб қолганмиз. Чунки одатда бири йиғи бошласа, иккинчиси унинг товушигаёқ уйғонади-да, икковлон жўр бўлиб йиғлай-йиғлай, ахири йиғидан тинишади.

Менинг мактабга отланаётганимни кўрган момом:

— Қадримни тикишгаям ҳолим келмай, силлам қуриб турибди, болам. Сингилларингни келиннинг олдига обориб эмизиб кел ё нон чайнаб бериб, қоринларини тўйдириб кет, — деб қолди.

Мактаб деворий газетасини кеча уйга олиб келиб тайёрлаган эдим. Уқишимга кечиксам, директорга шуни баҳона қиларман. Уқитишга кечикмасам бўлди-да, дея ўйлаб, қайта ечиндим.

Момом оғзидаги ягона тиши билан ҳар бурчидан бир тишлайвериб, юм-юмалоқ бўлиб қолган, устига-устак талайгина кирлаган бир чақмоқ қандни ёстигининг остидан олиб, менга узатди-да:

— Нонга мановини қўшиб чайнаб оғизларига солмасанг емайди. Жуда айёр-да бу қизлар, — деди.

Шундай қилиб, эгизак сингилларимни упугим билан қанд аралаштириб ҳўлланган нонга тўйлаб, чошгоҳга яқин уйдан чиқдим. «Октябрь аригининг ёқасидаги дўнгликка чиқиб, мактаб тарафга кўз югуртирсам, ўқувчилар, ҳозиргина қафасдан озод этилган кийиклардек, мактабдан ўйноқлаб чиқиб, чор тарафга тарқалишаётган экан.

Раҳима (икковимизнинг оналаримиз қариндош, бир синфда ўқиб, бир партада ўтираимиз) мен томонга югуриб келаверди. Дам-бадам суриниб йиқилади. Туриб яна югуради. Кўприк мен турган ердан сал юқорироқда эди. Одатда Раҳима шундан айланиб ўтарди. Бу гал тўппа-тўғри рўпарамга келиб ўзини сув тўла ариққа отса бўладими. Ҳеч нима кўрмаётгандек. Базўр қўлидан тортиб чиқардим.

— Бу қанақаси? Тинчликми? — деб сўрадим ярим пўписа, ярим таажжуб билан.

У энтика-энтика базўр: «Халилакам келяпти. Ибодуллакам келяпти!» деди-да, яна олдинга интилди. Ортидан мен ҳам югуриб:

— Айт, қаерда? Олдига чиқайлик-да! — дейман. У эшитмайди.

— Уруш тўхтади! Акаларим келяпти!.. Ойимга айтаман! Ойимга тезроқ етказаман!.. — дея қичқирганча, елиб кетаверди. Тўхтаб, ортидан қараб қолдим. Ҳар ўн-ўн беш қадамда йиқилиб ер қучоқлайди-да, отилиб туриб яна югуради. Яна йиқилади, яна туради...

Бу — 1945 йилнинг 9 майи эди. Овулимиз район марказидан ўттиз чақиримча олисда, радио йўқ... Кейин билсам, райондан хушxabарни тезроқ етказиш учун овулларга отлиқ чопарлар жўнатилган экан. Шулардан бири мактабимиз ойнасини уриб синдириб, йўл-йўлакай: «Уруш тўхтади! Уруш тўхтади! Армиядан йигитларимиз келишяпти!..» дея ҳайқирганча, ўтиб кетган экан.



Уша куни овулимизда қандай байрам бўлганини таърифлашга тил ожиз. Ҳар қалай, тирик жон борки у ёқ-бу ёққа югургилади, ирғишлаб ўйнади, бақириб-чақирди, қўшиқ айтди... Овул тўйига камгаплиги, сипойлиги билан донг таратган бир оиланинг кенжа қизи Раҳима, унинг отаси, онаси, опаси, кенжа акаси, тарки одат қилиб, бири-бирига басма-бас шунақанги ажойиб қўшиқлар айтишдики!.. Ҳеч ким ҳеч қачон кўрмаган ўйинлари билан овул аҳлини шунақанги ҳайратда қолдирдики!..

Овул одамларининг айниқса бу оилага эътибор қилиб, ҳайратга тушишининг боиси бор эди: юраклари орзиқиб, «ана келади», «мана келади» деб кутганлари — Халил, Ибодулла исмли азамат йигитларнинг иккаласи ҳам ҳалок бўлгани ҳақида аллақачон қора қоғоз келгани уларнинг ўзларидан бошқа барчага аён эди...

Бу шодликни мотамга айлантириб, болаларининг ўлимини айтишга эса, ҳеч кимнинг юраги дов бермасди.

Ҳатто бобом ҳам, онам ҳам бу ишни зиммаларига олишдан қатъиян бош тортдилар.

— Менинг туғишган опам Бибихон ажойиб аёл. «Эртасидан умид одамнинг умрини узайтиради», деб кўп айтарди. Майли, кутаверсин, уни эртасидан ноумид қилмаганимиз маъқул, — деди онам овул оқсоқолларига.

**Бобом айтган афсона:** Олло таоло дастлаб одамларни яратганда ҳар бирига: «Сен бу ёруғ дунёда фалон йил умр кўрасан!» — деб, қачон ўлишини аниқ айтиб юбора-вераркан. Орадан бир оз вақт ўтиб қарасаки, одамларнинг ҳеч бири ҳеч қандай иш қилмайдиган, ашаддий танбал бўлиб қолишибди. Кўпчилиги ўзига дурустроқ бошпана тиклаш, кундалик емиш учун экин экиш бу ёқда турсин, уззукун таралабедод қилиб ётаверармиш. Бу аҳволдан худонинг қаҳри келиб одамларнинг бир неча ўтоғасини олдиға чақирибди-да:

— Хўш, нега ишламаяпсизлар? — деб сўрабди.

— Ишлашнинг нима кераги бор? Ахир, бари бир, роппа-роса юзга чиққан куни ўламан-ку! — дебди бири.

— Мен бир юз саксон ёшимда ўлишимни била туриб нега ишларканман! — дебди иккинчиси.

— Сиз менга катта ҳиммат кўрсатиб: «Минг йил яша!» дедингиз. Бари бир минг йилдан кейин ўладиган бўлгач, азиз жонимни қийнашнинг нима ҳожати бор?», дебди учинчиси.

Худонинг ҳафсаласи пир бўлиб, бош қашиб қолган экан, ўтирганлар орасидан кимдир ўридан турибдию ёнига бориб қулоғига оҳиста шивирлабди: «Майли бўлар иш бўлди, ҳозир буларга: «Мангу яшайсанлар», деб қайтаравер. Лекин келгуси авлодларнинг ҳеч бирига неча ёшида жонини олишингни айтмаганинг маъқул. Ана ўшанда кимни ёқтирмасанг, унинг жонини хоҳлаган пайтингда оласан-қўясан».

Олло таоло мийиғида қулганча, ўзининг парвардигорга хос ўктам товуши билан:

— Бандаларим, майли, хотиржам юраверинглар. Юз йил ё минг йил деб ўтирмай, ҳаммаларингга абадий умр ҳадя этаман, — дебди.

Барча бу ёлғондан қувона-қувона ортига қайтибди.

— «Кичкина халқ катта орзу билан яшайди». «Ота-она тирик кетган фарзандининг тирик қайтиб келишига ишониб яшайди». «Бугунгача маълум қилинмаган қоракхатлар энди ҳамнашлик сир бўлиб қолаверсин», — дейишди овул оқсоқоллари.

1945 йилнинг 9 майдан кейин овул кўчалари қайта жонланди. Кечқурунлари яна улардан шодон кулгилару шўх-хандон товушлар эшитиладиган бўлиб қолди. Бироқ, бари бир, уруш арафасидагидек авжи банд эмас. У ёқ-бу ёққа ўтиб бораётган қўлтиқтаёқли майиб-мажруҳлар кўринади. Уларнинг атиги тўрт ярим йил, ҳаттоки бир-бир ярим йил аввал кучини қаерга сиғдиришни билмай юрган азамат йигитлар бўлганини эслайсан-да, беихтиёр хазин ўйларга чўмасан, кулиб келаётган бўлсанг — жиддий тортасан, тез келаётган бўлсанг — қадамингни секинлатасан, оҳиста келаётган бўлсанг — қадаминг илдамлашади. Хуллас, лоқайд қололмайсан...

Шундай кечинмалар кўнглимда хазин шеър бўлиб бетиним кезади. Ёзай дейман ҳеч келиштиролмаيمان...

«Бу йил еттинчи синфда ўқиганим маъқулмикин ё муаллимликни давом эттираверсаммикин?» дея иккиланаман. «Ишлашим керак, олис шаҳарларга ўқишга кетиш учун пул тўплашим керак», деган фикрга келиб тўхтаيمان. Шу фикр хаёлимга мустаҳкам ўрнашиб олади.

Августнинг ўрталарида эгизак сингилларимни ҳовлида ўйнатиб ўтирган эдим, ўзим иккинчи синфда ўқитган болалардан бири ёнимга югуриб келиб, мактабга келган РайОНО инспектори мени чақираётганини айт-

ди. Уйда сингилларимни олиб қоладиган ҳеч ким йўқ эди, шу сабабдан икковини икки елкамга ўтқаздим-да, ялангоёқ ҳолимда инспекторга рўпара бўлдим. Мен унинг ташиқи қиёфасидан инспектор эканини билдим. Бироқ у мени танимади. Ҳатто «кимсан?» деб бир оғиз сўрамади. «Ҳой бола, укаларингни йиғлатмай уйга олиб кетсанг-чи», деб жеркиб берди. Ортимга қайтиб кетавердим. Бироқ, йўл-йўлакай танамга ўйлаб, унинг чақиришга чақириб, бир оғиз гаплашмагани қаттиқ алам қилди. Онам эндигина ишдан келиб, нон ёпиш учун тандирга ўт қалаётган экан. Қаяқдан келаётганимни, инспекторнинг муомаласини оқизмай-томизмай айтиб бердим. Онамнинг қаттиқ жаҳли чиқиб кетди. Эртасига ҳам жаҳли тарқамади. «Инспекторга икки оғиз сўзини айтолмаган лапашанг, энди овулдан жўнаю ўқишни ўзинг топ!» деб яна узоқ койиди. Ҳатто бир-икки дўппослади ҳам. Ахири бирор ҳафталик егулигимни ғамлаб, бир тўрвага солиб, орқамга танғиб боғлади-да:

— Қани, жўна, шу кетганингдан бирон ўқиш топиб кирмасанг остона ҳатлаб қайтиб келма! — деб тайинлади. Менинг овулдан чиқиб кетганимга ишонч ҳосил қилган бўлса керак, талай жойгача кузатиб борди.

Онамнинг насиҳатларидан: Тўнғич фарзанд — кейинги фарзандлар юрадиган йўл.

Тўнғич фарзанд — кейинги фарзандлар ўтадиган кўприк.

Тўнғич фарзанд — кейинги фарзандлар интилиб ўсадиган бақувват чинор.

Бобом айтган афсона: Одам Ато ўзининг ҳадсиз-ҳисобсиз ўғил-қизларига «Ўзбек, ўрис, татар, грузин, қорақалпоқ...» деб от қўйиб, мустақил оила бўлишдан аввал ҳар бирига энчи тақсимлаш учун уларни йиғибдида, олдларига тўрт қопнинг оғзини очиб қўйибди. Қоплардан бири — олтинга, иккинчиси — донга, учинчиси — пичоққа, тўртинчиси — китобга лиқ тўла экан. Ота ўғил-қизларига қопларни кўрсатиб: «Ким нимани хоҳласа, ўшани олсин!», дебди. Одам Ато кичик ўғилларидан бири Қорақалпоқни яхши кўрар экан. Шу ўғли олдига келганида донни кўрмай, ё олтин, ё китобни ола қолсин, деган ниятда ўрнидан туриб, донли қопнинг устига ўтирибди. Қорақалпоқ Отасининг ниятини фаҳм-

ламай, «Ота, бундоқ тура туринг-чи!» деб қопдан бир кафт донни энчи сифатида олибди. Одам Атонинг оёқлари остига тўшалиб ётган тол чивиқларидан бирини сўрамаёқ олибди-да, ўз ўрнига бориб турибди.

— Бу чивиқлар билан мен-ку, айтганимни бажармаган фарзандларимни савалайман. Хўш, сен нима қилмоқчисан? — деб сўрабди Ота.

— Агар олган доним ҳосил бермаса, мен бу чивиқ билан мол боқиб кун кўраман, — деб жавоб берибди қорақалпоқ.

«Бобомиз ўшанда китобга ёпишганида эди, билимдон отанинг авлоди бўлардик», деб ўқинади бобом.

«Отанинг хатосини тузатган фарзанд — отага содиқ фарзанд», деб ўқтиради онам.

\* \* \*

Остонагача — битта йўл, остона ҳатлаб чиқсанг — мингта йўл, дейди ақли расола.

Уйдан онамнинг «зуғуми» билан ёлғиз ўзим чиқиб кетган бўлсам-да, районга боргач, менга қисматдошлар — ўқиш қидириб юрганлар топилиб қолди. Қўшни колхоздан Ҳасан Каримов (ҳозир у Кегейли районида врач), Тўлибой Ирсекеев (ҳозир у Нукус районида муаллим) деган болалар билан учрашиб, танишиб, маслахатлашиб, учовлон тўппа-тўғри Чимбой шаҳридаги педагогика билим юртига йўл олдик.

Чимбой дейиш билан кўнглимда нажотбахш умид уйғонди. «У ерда биринчи мураббийим Узоқберган оға Бекниёзовни топиб олсам зўр бўларди-да! Уша одам ёрдам берарди. Менда у киши айтиб туриб ёздирган кундалик бор-ку, ўшани кўрсатардим. Кўриши билан мени эсларди, кейин шоирликка ўргатарди».

«Агар урушдан омон қайтмаган бўлса-чи?»

Бу шубҳа бутун вужудимни титратиб юборди. Бир муддат тиззаларимдан мадор қочди.

— Тўлапберган, еттинчини битирганинг ҳақида гувоҳнома олмаганмисан? — деб сўраб қолди Ҳасан менинг хаёлимни бўлиб.

— Йўқ, — дедим.

— Билим юртига еттинчини битирмаганларни олмаслиги мумкин, — деди у.

Юрагим шув этиб кетди.

— Менда олтинчи синфни битирганим ҳақидаги гу-

воҳнома бор, — деди Тўлибой. — Униям уруш бошланган йили олган эдим.

— Менда ҳам шундай, — деди Эсон. — Уруш бошланган йили олтинчини битиргандим. Лекин гувоҳномани яқиндагина ёздириб олдим.

— Мендаям олтинчининг гувоҳномаси бор. Шу йил битказганман. Агар ўртада узилиш бўлмаганида, ҳозир саккизинчи синфни битирган бўлардим, — дедим мен.

Чимбой йўлидаги Мойёп кўприги устида ўтириб, тўрваларимиздан яримта-яримтадан нон олиб, сувга ботириб еганча ўзаро маслаҳатга тушиб кетдик. Энди нима қиламиз? Ўқишга кетдик деб чиқиб, киролмай, икки қўлимизни бурнимизга тикиб ортга қайтсак — ўлим-бўлмаган тақдирда ҳам, ҳар қалай, уят!

— Менда бир фикр бор, — деди Тўлибой бугдойранг кўзларида кулгу ўйнаб. — Биласизларми, олтини саккизга айлантириш жуда осон. Гувоҳномалар, тошбосма эмас-ку, сиёҳда ёзилган.

Ҳасан Каримовнинг қовурилган бугдойдек қорамағиз, япасқи юзи гул-гул яшнаб кетди. Тўлибойни қучоқлаб, ўпиб олди-да, уни мақташга тушди:

— Ана, ақл! Ана, мия! Сен бу калланг билан Совнарком бўлишинг керак! Мана, сен билан биз уруш туфайли тўрт йил ютқазганмиз. Тўлапберган икки йил ютқазган. Тўлапберган бизлардан ёшроқ, шунинг учун майли, у умрида ҳеч нима ютқазмаган бўлсин. Майли, биз икковимиз икки йилдан ютқазган бўла қолайлик. Шу гап орамизда қолсин. Келишдикми?

— Келишдик! — деди Тўлибой.

— Келишдик! — дедим мен.

Учаламиз ҳам гувоҳномаларимизни чиқардик. Дарҳақиқат, ҳаммаси сиёҳда ёзилган.

У пайтларда авторучканинг нима эканини билмасдик, бироқ ҳаммамизда рангли (химический) қалам бор эди.

— Қалам учини тил билан ялаб туриб тузатсак, сезилиб қолиши мумкин. Сувга ботириб ёзиш керак! — деди Ҳасан. Шундай қилиб, уччовлон қўл ушлашиб кўприк тагига тушдик-да, сунбуланинг тиниқ суви ёқасида роздек қатор ўтириб олиб, «Қани, бошладик!» деган команда билан ҳар биримиз ўз гувоҳномамиздаги олти рақамини саккиз рақамига ўзгартирдик.

— Ана, қорақалпоқ болаларининг ақли! — деб хитоб қилди Ҳасан.

— Энди биратўласи иккинчи курсга кирадиган бўлдик, — астойдил суюнди Тўлибой.

Билим юртининг қабул комиссиясида ҳужжатлари-мизни қабул қила туриб «Сизлар иккинчи курсга оли-нишларингиз керак, фақат она тилидан ёзма имтиҳон топширасизлар», дейишди. Менинг шу йили олтинчи синфни битирганим иш берди шеклилли, ёзма имтиҳон-дан яхши ўтиб, иккинчи курсга қабул қилиндим. Ҳасан билан Тўлибойнинг тўрт йил ўқимагани панд берди: улар ёзма имтиҳондан йиқилгани учун биринчи курсга қабул қилинди. Бу ҳол мени ўйлантириб қўйди. «Уқишга бирга келиб, улардан икки-уч ёш кичик бўла туриб, бир курс юқорида ўқиш уятмасми? Бунинг устига айбим ҳам бор. Мен ҳам олтини саккизга айлангирганман!» Шунинг учун улар билан маслаҳатлашиб, эртасидан иккинчи курсга эмас, биринчи курсга кириб ўтиравердим.

Орадан бир кун ўтиб, билим юрти ўқув бўлимининг мудирини (ҳозир Нукус шаҳрида яшайди, пенсионер) синфимизга бостириб кирди-да:

— Ҳей, Қаипбергенов, бошингдаги ақлинг қорнинг-га, қорнингдагилар бошингга алмашиб кетган қанақа боласан ўзи?! — деди жиғибийрони чиқиб.

Бу гап менга қаттиқ ботди. Ноилож ўрнимдан туриб, ўз курсимга чиқдим.

...Билим юртида бўш вақтимиз кўпга ўхшайди. Шу боис энди шоирликка иштиёқ мени ўзига бутунлай асир қилиб олди. Ўзим учун бошдан оёқ янгиликдан иборат бўлган шаҳарда ҳар бир нарса мени ҳаяжонга солади. Кечқурунлари кўрган-билганларим ҳақида шеър ёзишга ўтираман. Бироқ, бари бир, ҳеч келиштирол-майман. Биринчи мураббийим Узоқберган оғани қандай бўлмасин топиб олишим керак, деб аҳд қилдим. Аҳта-ришга тушдим. Билим юртининг шу ерлик хизматчилари-дан сўраб-суриштириб дарагини топдим. Қарангки, Узоқберган оға шу педагогика билим юртидан фронтга ариза бериб, кетганича қайтиб ишга келмаган экан. Уйи-нинг адресини олиб, бориб келишга отландим. Қора-ўзак районининг ўнинчи овулида — Андреев номидаги колхозда яшаркан. Чимбойдан пиёда ярим кунлик йўл экан. Топиб боришим қийин бўлмади. Афсуски, яхши ният билан қилган сафардан барча умидларим пучга чиқиб, кўнглим хуфтон бўлиб қайтдим. Узоқберган оға ҳам, у кишининг укаси Тўлепберген оға ҳам урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлган экан. Мени уларнинг ота-оналари — иккала азаматидан жудо бўлиб, якка-ёлғиз қолишган, сочлари оппоқ, мункиллаган чол-кампир ку-тиб олди. Мени ҳайратга солган нарса шу бўлдики,

Узоқберган оғани эслаб, ҳўнграб йўғлаганимда ҳам чол йўғламади:

— Болам, ўз юртини ҳимоя қилиб, душман ўқидан ўлган йўғит шаҳид бўлади. Бундайларга йўғламаслик керак. Улар билан фаҳрланиш керак, — деди Бекниёз ота.

Кампир чой қайнатиб юриб, гап орасида менинг уруғимни, оти-зотимни сўраб-суриштира бошлади. Жавобларимни эшитиб, Бекниёз ота қаттиқ ҳаяжонланди.

— Ие, ўзимизнинг Ҳаким оғанинг неварасимсан? Буни қара-я! Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бобонг билан бирга ишлашганман. Мен оқсоқол эдим. Ҳаким оға мendan ўн ёш катта эди. Отбоқарим эди. Совет ҳукуматини бирга қурганмиз. Жамай душманларига қарши бирга жанг қилганмиз.

— Тўлепберген, сен менинг Узоқберганжонимни кўрганимда тузукроқ насл-насаб сўрашмагаң экансанда, а? — деб сўради кампир овози титраб, нимадандир умидворлик билан.

— Сўрашганида у армияга кетишдан аввал пионер лагерида Ҳаким оғанинг неварасини кўрдим, деб айтган бўларди-ку! — уқтирди Бекниёз ота. — Биласан-ку, кампир, Узоқберганжоннинг феъли янғича эди. Ҳовва. Ҳозирги ёшлар бизлардан ақллироқ. Улар бир-бири билан уруғ тугул миллат сўрашмайди. Оз сонли ҳалқимизнинг аввал-бошдан майда уруғларга бўлингани сабабли ривожланишдан орқада қолиб кетганини Узоқберганжоним жуда яхши биларди!

Мен улардан Узоқберган оғанинг сўнгги хатларини сўрадим. Кампир кўҳна сандиғини очиб:

— Мановиниси Узоқберганжоннинг хатлари, мановиниси Тўлепберганжоннинг хатлари, — дея икки тахлам хат узатди.

Хатларга бир чеккадан кўз югуртира бошладим. Талайгина хатлар шеър билан ёзилган эди.

— Иккалалари ҳам шоир экан-ку! — дедим мен ҳайратимни яширолмай.

Онаизор мунгайиб, кўзларига ёш олди.

Бекниёз ота:

— Ҳовва! Бироқ Узоқберган зўрроқ ёзарди! — деди соддадиллик ҳамда ғурур билан.

Кампир тагин сандиғига қўл узатиб, ундан бир даста дафтар олди.

— Манавиларнинг ҳаммаси Узоқберганжонимнинг шеърлари. Қора қоғоз келгани билан ўлғанига ишон-

майман боламнинг! Кетаётганида буларни менга бериб: «Ойи, омон-эсон қайтиб келаман, ўшангача эҳтиёт қилиб сақлаб қўйинг», деган эди...

— Тўлепберган ҳам ўзимизнинг ўғлимиз, кўрсин, кейин яна олиб қўярсан, — деди Бекниёз ота.

— Манавинисини бўлса, шундоқ бир кўр-да, ўқимай қайтиб бер, — деди кампир охирида қалингина дафтарни узатаркан.

Начора, мен дафтар муқовасига ёзилган сўзларнигина ўқий олдим. Унда: «Кундалик. У. Б.» «Биз қорақалпоқ ёшлари илми, Инсоният тўплаган бой хазинани эндигина ўрганишга киришдик. Аввалига ўзимизни тарбиялаб, кейин тезроқ халқимизни тарбиялашга ўтишимиз керак. Бунинг учун шошилиш керак! Ҳозир ҳаммадан орқадамиз...» деб ёзиб қўйилган эди.

Бир дафтарда Пушкиндан, иккинчисида Лермонтовдан, учинчисида Шекспирдан, тўртинчисида Гётедан таржималари бор экан. Узи ёзган шеърлардан қўлимга тушган бир нечасини ўқиб кўриб, ўзимнинг шоир бўлиш ниётида юрганимдан уялиб кетдим.

...Инсон умрида қандай ўкинчлар, пушаймонлар, афсус-надоматлар бўлмайди дейсиз! Уларнинг аксариятига одамнинг ўзи сабаб, ўзининг уқувсизлиги, нодонлиги, йўл қўйган хатолари сабаб! Бундай пайтда одам ўзини аввало бошқаларнинг олдида кечиролмайди! Мен ҳам ўшанда бу муштипар чол-кампирдан Узоқберган отанинг барча хатларини, кундаликларию шеърларини, жамики дафтарларини сўраб олиб кетмаганим учун ўзимни ҳеч қачон кечиролмасам керак.

Мен бориб кетгандан кейин орадан икки йилча ўтиб, Амударёнинг бир тошқинида Узоқберган отанинг овули сув остида қолиб кетибди. Кўпчилик ўз бошини омон олиб чиқишга базўр улгурибди. Орадан сал ўтмай, бечора чол-кампир ҳам бу дунёдан кўз юмибди...

\* \* \*

Чимбойда бир ойча ўқиб, курсдошлар билан энди таниша бошлаганимизда, кунлардан бир куни, билим юртига бизга қўшни колхоздан Фаҳриддинов Баҳовиддин (ҳозир Жданов номи совхознинг Чапаев номи бўлим бошлиғи) деган бола ўқишга келди. У ҳаммамиздан бир неча ёш каттароқ эди. Уруш йилларида колхозда ҳисобчи бўлиб ишлаган экан. У пайдо бўлдию бизда ҳаловат йўқолди.



— Болалар, бундай билим юртида юргунча Нукусдаги пединститутнинг бир йиллик тайёрлов курсига кирсак, келгуси йили ўқишни биринчи курсдан бошлаб кетаверардик, — деб қолди у бизни ҳовлиқтириб.

— Зўр фикр! — деди Ҳасан. — Билим юртини уч йилда битириб, кейин киргандан шуниси маъқул! Урушнинг касофати билан йўқотган йилларимизнинг зарарини тўла қоплаймиз!

Тўлибой боқибегамроқ, ким нима деса рози бўлаверадиган бола эди. У ҳам тарки одат қилиб:

— Тезроқ олий маълумотли бўлардик! — деди астойдил ҳаяжонланиб.

Биринчи мураббийимнинг ўз кундалиги муқовасига «Шошилиш керак!» деб ёзиб қўйгани беихтиёр эсимга тушди-ю, мен ҳам бу таклифга бажонидил қўшилдим.

Эртаси саҳармардонда Нукусга борадиган бир юк машинасига ўтирдик.

Нукусда Қизкетган сойнинг ёқасидаги уйлاردан бирига жойлашдик.

Ҳасан икковимизнинг шапкамиз бир хил матодан тикилган бўлиб, тикилиши ҳам қарийб бир хил эди. Эрталаб туриб қарасак. Баҳовиддин Ҳасаннинг шапкаси соявонига рангли қаламда отнинг қашқасидек қилиб «Тўлапберган» деб ёзиб қўйибди.

Ҳасан билан Баҳовиддин тенгдош, қолаверса, овулдош бўлганликлари учунми, жуда иноқ эди. Лекин шу ҳазил сабаб кутилмаганда иккови муштлашиб қолишди. Тўлибой икковимиз базўр уларни ажратиб қўйдик. Одатда улар: «Ини деган оғасининг ҳурматини қилиши керак» деб, ўз юklarини менга кўтартиришарди. Муштлашувдан сўнг ижара хонадан чиқишда: «Ўзингдан кичкинани авайлаш керак!» деб, иккаласи барабар менинг юкимни кўтармоқчи бўлишди. Тўлибой мени астагина бир чеккага тортиб: «Сезяпсанми, иккаласи ҳам сени ўз тарафига оғдириб олишнинг пайтига тушиб қолди. Мана шунақа, катталар муштлашса, кўпинча бунинг кичкиналарга фойдаси тегиб қолади!» деб шивирлади.

Институтга яқинлашганимизда, Ҳасан шапкасини қўлига олиб:

— Манови безоринамо ёзув билан мени институтга олмайди, — деб йўл устида таққа тўхтаб қолди.

— Биласизларми, биз қорақалпоқларнинг ота-боболари ҳисоб-китобни яхши билмагани учун, ўз ҳақларини ажратолмай қун кечирган. Яхшиси — институтни қўйиб, Хўжайлидаги молия техникумига кирсак қандай бўлар-

кин? — Баҳовиддин ҳам иккиланиб тараддуланиб қолди.

Ҳасан Чимбойга қайтиб боришга, директорнинг «Қаёқда юрибсанлар?» — дея койиб-тергашидан қўрққани учун бўлса керак. Баҳовиддиннинг бу таклифига дарров рози бўла қолди.

Хўжайли молия техникуми бизларни қабул қилмади. Нима қилишни билмай, бошимиз қотиб, ахири техникум билан бир бинода жойлашган педагогика билим юртининг директорига учрашиш керак, деган тўхтамга келдик.

Суюклари бузуқ, норғул, юзи чўзиңчоқ одам — билим юртининг директори Юкиниш Одилов бизнинг гапларимизни жимгина тинглаб ўтирди-да:

— Қани, ҳужжатларингни кўрайлик-чи, — деди.

Баҳовиддиндан бошқаларимиз Чимбойдаги билим юртидан ҳужжатларимизни олмасдан, ҳалаканинг итидек лақиллаб юрганимизни тушуниб, қаттиқ ўкинишга тушдик.

Директор мийғида кулди-да:

— Ораларингда кичиги сен экансан. Тўғриси айт, Чимбой билим юртининг нечанчи курсида ўқийсанлар? — деб менга қаради.

— Иккинчи курсида, — дедим мен.

Кутилмаганда у ўрнидан турди-да:

— О-о, бечоралар! Уруш бўлмаганида ҳозир ҳаммангиз институтда юрган бўлардингизлар-а! Қани, ортидан юринглар-чи, иккинчи курсга обориб ўтқазаман, — деди.

Уч ўртоғим баравар ўрнидан туриб, оғзи қулоғига етгудек ҳолатда директор ортидан юрди. Мен ҳам уларга эргашдим.

Бу — 1945 йилнинг октябри эди...

«Тил — одамларни бир-бирларига яқинлаштирувчи восита», дерди тил муаллими. «Адабиётнинг бирламчи унсури — тил», дерди у адабиёт дарсида.

Ҳамма ерда бўлганидек, Хўжайли педагогика билим юртида тил дарсларини ҳам, адабиёт дарсларини ҳам бир муаллим ўқитади.

Менинг бутун фикр-зикрим — адабиётни кўпроқ ўқиб-ўрганиш, адабиётни чуқур тушуниш. Муаллимимиз яқиндагина ҳарбий хизматдан келган йигит экан. Бир қарашда адабиётнинг ашаддий ишқивозига ўхшайди. Аммо, нимагадир она тили дарсларини алоҳида ҳафсала билан ўтарди. Бунинг маънисини кейинроқ тушундим...

...Дунёни яхлит бир организм деб тасаввур қилсангиз, унда сон-саноксиз тиртиғу чандиқларни — беҳисоб кам-кўстларни ҳам кўрасиз. Бу кам-кўстларнинг кўплигига бош сабаб — одам боласи фойдаланадиган тилларнинг бениҳоя хилма-хиллигида, деган хаёлга ҳам борасиз гоҳо. Лекин... аслида тилларни ҳар хил қилиб яратган куч — одамларнинг ўзларимасми?!

Энг сўнги маълумотларга қараганда, инсоният 2796 тилда сўзлайди. Ер юзида саккиз мингга яқин шева бор. Ҳар бир тилнинг луғат таркиби ўша тилда сўзлайдиган халқнинг миллий бойлиги, ҳеч нима билан алмаштириб бўлмайдиган бебаҳо бойлиги! Унинг бир сўзини беўрин қўллаш тирик одамнинг бир аъзосини жароҳатлаш билан баробар.

Ҳаттоки, ҳар бир сўз жонли организмга ўхшайди. У қачонлардир туғилган. Туғилган нарса эса, вақти келиб ўлади ҳам.

— Жониворлар билан муомала қилганда эҳтиёт бўлиш керак. Йўқса ё ўзингни, ё уни майиб қилиб қўясан, — дерди онам.

Бобом уйга меҳмон бошлаб келганида, ҳар сафар уй ичидагиларга: «Меҳмон деганни суюниб кутиб олинглар, иссиқ овқатларинг бўлмасаям иссиқ-иссиқ сўзларинг бўлсин», деб уқтирарди.

Ҳар бир сўз ечилиши мушкул жумбоқ. Уни тўғри ечсангиз, юрар йўлингизу қалб қаърингизни ёриштириб юборади. Чунки ҳар бир сўз жумбоқ бўлиш билан бирга бу жумбоқ дунёни тушунишу тушунтиришнинг ўзига хос калити. Тил одамларни бирлаштиришнинг энг қудратли воситаси!

Лекин, ўйлаб кўрайлик, тили бир, миллати бир, ватани бир одамлар бир-бирларини беистисно тушуняптиларми? Паспортида айни миллат номи ёзилган, «она тилинг» деган саволга айнан жавоб ёзадиган бутун-бутун халқлар ўзаро иноқ, тинч-тотув яшашяптими? Минг афсуски, йўқ! Бугунги араблар ёхуд форсларнинг фоже қисматларини тасаввур қилинг!.. Хўш, инглиз, француз ёхуд испан тилида гаплашувчилар-чи? Уларни ўзаро аҳил деб бўладими?

Октябрь инқилобига қадар тиллари ўзаро яқин ўзбек, қирғиз, туркман, озарбайжон, татар, бошқирд... хонликларни ўртасида birlik бор эдими?

Бугун шу ҳол кўпчиликка аёнки, тинч-тотув яшаш учун тил бирлигидан ҳам аввалроқ дил бирлиги — одилона тузум, социалистик жамият керак экан. СССР бунинг ёрқин мисолидир. СССРда илгари, яъни Октябрь инқилобига қадар ёзма адабиёти ривожланмаган халқлар учун рус, арман, грузин, украин, ўзбек ва бошқа халқларнинг бой адабий мероси ягона ибрат мактаби бўлиб хизмат қилди. Бу ибрат мактаби буюк рус тили туфайли мислсиз қудрат касб этди.

Рус тили керак! Бу тил аввало бирлаштирувчи қурол сифатида жуда-жуда зарур!

Қорақалпоқ тилидаги дастлабки алифбо рус ёзуви асосида яратилди!

Қариялар ҳангомаларидан: Оллоёр Дўстназаров қорақалпоқ халқига автономия берилишига эришибди-ю, бироқ оқибатини ўйлаб боши қотибди. Ахир, автономия бўлганидан кейин идоралардаги турли-туман расмий ёзишмалар, йиғилишлар қорақалпоқ тилида олиб борилиши керак. Ленин шундай деб васият қилган. Дўстназаров қорақалпоқ тилида иш юритишга киришай деса, халқ ёппасига саводсиз. Бу ҳол-ку, унга аввалдан маълум эди. Лоақал халқнинг саводини чиқариш учун қулайроқ бир алифбе бўлса экан! Нима қилишини билмай, автоном республика бўлмай қўя қолсакмикин, дея иккиланиб, яна Москвага отланибди.

Москвада уни қорақалпоқларнинг йўлбошчиси сифатида кутиб олишибди-да:

— Дўстназаров, ҳеч нимадан ҳавотирланма, ҳар қалай, араб ҳарфларида ёза оладиган саводли одамлар бор-ку! Мана, Сибирда пайдо бўлганидан бери шу пайтгача ёзув нималигини билмайдиган халқлар яшайди. Ҳаттоки шу халқларда ҳам ўз она тилида ўқиш-ўқитиш иши йўлга қўйилмапти. Яхшиси, сен тезда ўз юртинга қайтиб бор-у, қорақалпоқ алифбесини туздиравер! Ҳеч нимадан кўрқма! — деб ортига қайтаришибди. Юртига кўнгли тоғдай ўсиб келган Дўстназаров барча саводи борларни йиғиб, уларга дастлабки қорақалпоқ алифбесини яратишни топширибди.

— 1917 йилги Улуғ Октябрь инқилоби СССРдаги барча туркий халқларни бир-бирларига яқинлаштириб, мангу дўстлаштирди... Бироқ, йигирманчи йилларга келиб, айрим миллатчилар аслида бу халқларнинг дўстлигига раҳна солиш мақсадида озарбайжон, ўзбек, қозоқ,

қирғиз, туркман татар, бошқирд, қорақалпоқ, нўғай, қумиқ... тилларини бирлаштириш, бу тилларнинг барчаси учун ягона ёзув, ягона алифбе тузиш керак, деб чиқдилар.

Бу фикрни далиллаш учун улар: «Акс ҳолда, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, нўғай, қумиқ... сингари майда тилларда келажақда роман яратиш мумкин эмас», деган баҳонани рўқач қилишган экан.

Ана ўшанда:

— Йўқ, бу нотўғри гап! Қорақалпоқлар серфарзанд халқ. Унинг ўн болали бир оиласига кириб, болаларининг бири гапирсин, бошқалари унинг гапини такрорласин, десанг, сени қувиб юборади. Тўққиз боланинг тўққиз хил ўйлаш қобилиятини ягона одам ўз гарданига олиши мумкин эмас! — дебди Оллоёр Дўстназаров.

— Олмазор боққа кириб, бир тупидан бошқасини кесиб ташлаймиз, уларнинг ҳам мевасини қолган ягона тупдан олаверамиз, десанг, ҳар бир ўзбек деҳқони «эси жойидами бунинг?» деган хаёлга боради. Шунча тилларнинг турфа хил мевасини биргина тил бера олмайди! — дебди Файзулла Хўжаев.

— Халқни ўз тилидан жудо қилиш — унинг ўтмишинигина эмас, бугунию келажагини ўзи билан бирга қўшиб ерга кўмиш эканини ҳар бир қозоқ яхши билади. Бизга қадар қозоқ тилида яратилган адабиётнинг тақдирига ким жавоб беради? — дебди Сакен Сайфуллин.

— Давр шамолларида учиб бошқа юртларга бош олиб кетган туркманларга Ватанни унуттиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Инқилобни тушуниб етмай, ҳовлиқиб чет элга кетган туркманлар она тилини соғиниб ўз юртларига қайтганида, биз уларга нима деймиз? — дебди Қайғисиз Отабоев.

— Баравар ёниб турган ўн чироқнинг ёғини бир чироққа қуйиб, каттакон бир чироқ ёқаман дейиш — ўтакетган аҳмоқлик! — дебди бир москвалик тилшунос.

Ахири ҳар бир халқ, жумладан, қорақалпоқлар ҳам ўз ёзуви, она тилидаги алифбени яратиш устида иш бошлабди.

\* \* \*

Декабрнинг охирларида курсимизда бир аёл пайдо бўлиб қолди. Унинг юриш-туриши, гап-сўзлариданоқ

эри билан ажралишгани, оила қурган жувонлиги билиниб турарди. Дабдурустдан пайдо бўлиб қолган бу аёл туфайли бутун курс аҳлида кутилмаган ўзгаришлар рўй бера бошлади. Тил ва адабиёт муаллимимиз энди тилга нисбатан адабиёт дарсларини ўзгача бир шавқу иштиёқ билан ўтадиган бўлди. Бир куни Навоийдан, бошқа бир куни Маҳтумқулидан, учинчи куни Абайдан, тўртинчи куни Бердақдан ишқий шеърларни ёдаки ўқийди. Немис шоири Гейнедан, рус шеърятининг қуёши Пушкиндан таржима, деб ўқиган шеърлари ҳам мазмунан ёддан айтган шеърларига жуда-жуда ўхшаб кетарди.

Кимнинг шеъри бўлса — бўлавермайдими, ишқилиб у шеър ўқиса бас, ҳаммамиз жон қулогимиз билан тинглаймиз. Қизиги шундаки, курсда ҳеч ким ўша ягона жувоннинг исмини айтмайди. Ёши кичикроқлар «Адабиёт опа», ёши каттароқлар «Адабиёт синглим» деб чақиришадиган бўлишди. У ҳам бундай ғалати лақабдан хафа бўлмайди. Адабиёт дарсларида муаллим аллақайси шоирдан таржима деб ўқиган шеърларни диққат билан тинглаб ўтиради-да, дабдурустдан: «Сиз у шоирни шахсан танисангиз керак!» деб сўрайди. Муаллим эса: «Йўғ-э!» дея завқланиб кулади. Хулласи калом, бу жувоннинг соддалиги ё муғомбирлиги, адабиёт муаллимининг эса шунчаки шеър ишқибози ё шоирлиги, яна бошқа кўпдан кўп нарсалар биз учун ечилмас жумбоқ бўлиб қолди.

Адабиёт муаллимининг айтганларидан: Қадим замонда икки мамлакат ё икки халқ ўртасидаги муносабатларни ривожлантириб, дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида ўзаро қиз олиш-қиз беришлар расм бўлган. Бизнинг давримизда бу вазифани адабиёт бажаради, китоб бажаради. Шу боисдан ҳар бир халқнинг адабиётини ўша халқнинг балоғатган етган қизига қиёслаш мумкин. Шу маънода бошқа тилга таржима қилишга яроқсиз китоб — қари қиз!

— Адабиёт ва муҳаббат сўзлари аслида маъноси бир-бирига яқин, қарийб синоним сўзлар. Ахир, адабий асарнинг туб моҳиятида муҳаббат ётиши ҳам бежиз эмас-да.

— Муҳаббатга эришиш йўли қанчалик машаққатли бўлса, адабиётга кириб келиш йўли ҳам шунчалик машаққатли.

— Ҳамма ҳам муҳаббат кўчасидан бир марга ўтади.

Худди шундай, ҳамма ҳам адабиётда ўзини бир карра си-  
наб кўриш орзуси билан яшайди.

— Муҳаббатда нотайин одам — тузсиз овқат. Ада-  
биётда ёмон ёзилган китоб ҳам — тузсиз овқат.

— Ўзи бахтсиз одам ўзгани ҳам бахтли қилолмайди.  
Худди шундай, ўз халқига манзур бўларли китоб яратол-  
маган ёзувчи ҳеч қачон халқ номидан гапиролмайди.

— Адабиёт сўзи «одоб» ва «уят» деб аталмиш икки  
сўздан таркиб топган. Муҳаббатда ҳам зарури — одоб  
билан уят.

— Муҳаббат — жамики тириқликнинг онаси. Муҳаб-  
бат — қуёш. Худди шундай, адабиёт ҳам жамики тар-  
биянинг ибтидоси, Китоб — офтоб. Минг афсуски,  
қуёшга ҳам қора чаплаш ниятида юрганлар йўқ эмас,  
Улар қасқдан пайдо бўлади, ҳоли нима кечади — бу  
саволларга ҳам муносиб жавобни адабиёт бера олади.

Хулоса шуки, ҳар бир халқнинг жамият тарихида  
тутган ўрни аввало ўша халққа мансуб адабиётнинг  
даражаси билан белгиланади.

«Адабиёт опа»нинг айтганларидан: Одамзод табиати-  
даги қаноатсизлик психологиясини адабиёт ва муҳаббат-  
га боғлаб изоҳлаш тўғри эмас.

— Ягона манглай остидаги икки кўз бир-бирини  
кўролмаганидай, эр-хотинларнинг бир-бирини кўргани-  
кўзи, отгани — ўқи бўлмаса-да, сирти — ялтироқ, ичи —  
қалтироқ оила бўлиб яшайвериш ҳоллари учраб туради.

— Аёл ёмон эр билан, эр ёмон аёл билан муроса  
қилолмагани каби ҳеч ким ёмон китоб билан муроса  
қилиб яшай олмайди.

Адабиёт муаллими айтган афсона: Навоий улкан бир  
гужум соясида ўзининг ёш шогирдларини йиғиб, янги  
ёзган газалини ўқиб бераётган экан. Ёнларидан ўтиб  
бораётган енгилтабиат бир жувон тўхтаб:

— Ҳой, Навоий, сен нега бу ёш-ёш йигитларни  
ўзингга ипсиз боғлаб, бошларини қотириб ўтирибсан?  
Ҳозир бир қош қоқсам-у, ҳаммасини ортимдан эргаш-  
тириб кетаман, — деб мақтанибди.

Ушанда Навоий жувонга:

— Тўғри, шогирдларимнинг кўпчилиги сенга эрга-  
шиб кетса ажаб эмас, чунки пастга тушишдан кўра юқо-  
рига чиқиш оғирроқ, — дебди...

Шу афсона адабиёт муаллимининг бизга айтган энг сўнги ҳикматли гапи бўлди. «Адабиёт опа» май ойларида математика муаллимига турмушга чиққан эди, қайтиб билим юртига қадам босмади.

Математика муаллимимиз ниҳоятда камгап, бироқ пошнаси ғарчиллайдиган туфли кийиб юрарди. Адабиёт муаллими навбатдаги тил дарсига кирганида, синфимиздаги бир саркашроқ бола тинчгина ўтиролмай «Муҳаббатда нутқ товушидан кўра оёқ товуши чопағонроқ эканми дейман? Бу муаммо адабиётда қандай?» деб сўраган эди, муаллимимизнинг юзи шолғомдек қизариб, синфдан отилиб чиқиб кетди-ю, ўша-ўша қайтиб қорасини кўрсатмади.

Ҳафтада икки марта, 'лоақал бир марта адабиёт дарси бўлмаса, бошқа ҳамма фанлар рангсиз-туссиз, шу боис кўнгилсиз туюларди. Менинг билим юртида шоир бўлиш умидим ҳам ўша адабиёт муаллимимиз билан бирга кетиб қолгандек эди.

## 9

Иккинчи курсдан учинчи курсга ўтиш имтиҳонлари бошланган куни билим юртининг директори Юкиниш Одиловнинг ўзи синфимизга кириб, журналдан фамилияларимизни бирма-бир ўқиб — йўқлама қилиб чиққач: «Ким она тили ва адабиётдан бугунга қадар олган баҳоларининг ўртачасига рози бўлса, қўл кўтарсин?» — деб қолди.

Қочиб кетган тил ва адабиёт муаллимимиз баҳога сахийроқ эди, шунинг учун ҳамма бараварига қўл кўтарди.

Одилов биз ўқийдиган педагогика билим юрти директорлигидан ташқари Хўжайли шаҳридаги биринчи бўлим халқ судьяси, шаҳар халқ маорифи бўлимининг бошлиғи ҳам бўлиб ишлар экан. Буларга қўшимча энди у бизга қорақалпоқ тили ва адабиётидан дарс бера бошлади. Бу ҳол бизда ҳам қўрқув, ҳам таажжуб, ҳам фахр ҳиссини уйғотди.

**Одиловнинг айтганларидан:** Тил — халқнинг энг ноёб бисоти. Унга хиёнат қилиш — халққа хиёнат, онага хиёнат билан баробар. Бу бисотдан тўғри фойдаланишга эса, кўпроқ газеталару китоблар ўргатади.



Адабиёт — бу ҳаёт. Ҳар бир асар ҳаётнинг бадиий сўз билан ёзилган бир парчаси. Бадиий асар ўқувчининг ҳаётни кенгроқ ва теранроқ тушунишига ёрдам беради. Ҳаётдан атрофлича сабоқ олишни астойдил хоҳловчи адабиёт ихлосмандлари учун шаҳар халқ маорифи бўлими билан суд идорасининг эшиклари ҳамиша очиқ!

\* \* \*

— Одам ҳаёлида мангу яшайдиган уч мамлакат бор: ақл мамлакати, бойлик мамлакати, орзу мамлакати. На-чора, ҳар бир инсон айти пайтда шу учала мамлакатнинг граждани бўлишни хоҳлайди.

Бироқ, бундай гражданликни шу уч мамлакат этироф этадими-йўқми, одам шу уч мамлакат йўлида сарсонсаргардон қолиб кетмайдими — ҳар бир инсоннинг ҳаётидаги бош вазифаси — шундай муаммони ўзича ҳал этиш.

Бу дунёда ҳар бир одам боласи зиммасига нимаики юкланган бўлса — шуларнинг барчаси адабиётнинг ҳам гарданида!

Янги вазифаларни кўнгилдагидек адо этиш учун янги йўл қидириш лозим.

Узоқ сафарга чиқмоқчи бўлган одам дастлаб ўзига таниш сўқмоқлардан юриб, машқини пишитиб олиши керак бўлади.

Янги уй қурмоқчи бўлган одам учун бошқаларнинг уйини томоша қилиш кифоя эмас, уларда яшаб ҳам кўриш керак...

Қорақалпоқ тили имлосини ишлаб чиқишда шундай талабларга асосланилган.

Газеталардан хабарлар: «...Қорақалпоқ тили ёзма адабий тил сифатида 1924 йилдан бери мавжуд, ўша йили қорақалпоқ тилидаги дастлабки газета араб графикасида чоп этилди».

«...1930 йилда араб графикаси лотин графикаси билан алмаштирилди».

«...1940 йилда лотин графикасининг ўрнига рус графикаси қабул қилинди».

«Рус графикасини қабул қилиш қорақалпоқ халқи учун икки жиҳатдан фойдали эди, яъни, ягона графика воситасида ҳар икки тилда баравар ёзиш ва ўқиш имконияти пайдо бўлди».

Яна Одиловнинг айтганларидан: Рус тили СССРдаги ҳеч бир халқларнинг она тилига, жумладан, қорақалпоқ тилига ҳеч бир зиён-заҳмат етказмаган ҳолда ўз бойлиги билан бирга буюк маданият қарвонини ҳам бошлаб келди. Бу қарвон хазиналари — жаҳон тараққийпарвар маданияти, шу билан бирга мамлакатимиздаги Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи, Закавказье ва Урта Осиё халқларининг бой миллий маданиятлари эди. Шу қарвон туфайли ҳар бир халқнинг миллий маданияти ҳам ўзига қайтиб келгани барчага аён. Бугунги кунда бойиған, тўлишган, янгиланган миллий маданият намуналари рус тили орқали яна бошқа халқларга етиб бормоқда. Бошқача айтганда, буюк рус тили СССРда яшовчи ҳар бир халқнинг зўр суръатлар билан ривожланаётган миллий маданияти билан бошқа халқларни яқиндан таништирувчи восита, тиллараро буюк элчи вазифасини адо этмоқда.

Биз қорақалпоқлар буюк рус тили адо этаётган маданият робиталик ролидан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Сабаби биз СССРнинг ягона дўстлик оиласида маданият қолоқлик ботқоғидан халос бўлдик. Бугун энди дунёнинг қай бурчидан меҳмон келиб, миллий тилимизнинг ҳозирги ривожланиш даражаси билан танишмоқчи бўлса, аввалгидек уялиб ўтирмаймиз. Адабий тилимиздаги ютуқларни кимдир яхши кўролмас экан, бунга энди, ўша одамдаги кўриш қобилиятининг ночорлиги сабаб...

...Қорақалпоқ тилининг луғат таркибини бойитишда таржиманинг роли беқиёсдир. Яхши таржимон аслиятдаги ҳар бир сўз ва жумлага ўз тилидан мутаносиб сўз ва ибора қидириш жараёнида унда камдан-кам қўлланиладиган ёхуд мутлақо қўлланилмайдиган сўз ва ибораларни топиб, муомалага олиб киради. Натижада тил тобора бойиб бораверади.

...Тилимизнинг луғат таркибини бойитиш учун ҳеч бир бегона сўздан қўрқмаслик керак, халқ бу сўзни аста-секин тушуниб, ўрганиб-ўзлаштириб олиши муқаррар.

\* \* \*

Одиловнинг судьялик кабинетига ўтган дарсларидан: Кичкина бўлса ҳам юзлари қаримсиқ, кўзларида катталарга хос мунг чўккан ўн икки яшар жиноятчига адабиёт муаллими Одилов:

— Қани, иним, йигитчасига гаплашайлик-чи. Ростингни айт, уйингга келган меҳмонни нега болта билан чопиб ўлдирдинг?— дея ҳайрхоҳлик, ачиниш билан тикилди.

— У меҳмон эмас, колхозимизнинг бригадирин эди. Отам фронтга кетгач, бригадирлик шу одамга қолди. Отамнинг урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлгани ҳақида қора хат олдик. Шундан кейин бу одам уйимизга тез-тез келиб, ётиб қоладиган одат чиқарди. Бир куни у отамнинг, тўшагида ётиб, «Чархпалак дунёни қара-я! Аввалига бригадирлигини олувдим, мапа, энди хотинини...» деб мактана бошлади.

— Ойинг билан тил топишгандирки...— Одилов аччиқ кулди.

— Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Отамни фронтга кузатаётиб онамнинг: «Улгунимча кутаман, тўшагингни ҳеч кимга топтатмайман!» деб қасамёд қилганлари шундоққина эсимда турибди ахир! Йигит бўла туриб онамнинг отамга садоқатини ҳимоя қилмаслигим керакмиди?..

Одилов айтган афсона: Қадим замонда сенга ўхшаган бир йигит ўзининг бева онасини жуда-жуда ҳурмат қилар экан. У ўзининг бирон-бир яхши иши учун кимдандир олқиш эшитишга муяссар бўлса, ҳаминша «Кечирасиз, олқишни менга эмас, онамга айтинг. Онанг узоқ яшасин денг?» дея илтимос қилавераркан. Бир куни уйларига нотаниш одам меҳмон бўлиб келибди. Бола унга сидқидилдан хизмат қилибди. Нотаниш меҳмон эртасига кетаётиб:

— Болам, менга кўрсатган иззат-икроминг учун кўпдан-кўп раҳмат, умринг узоқ бўлсин, — деб дуо қилибди.

— Йўқ, азиз меҳмон, онамга раҳмат, онанг узоқ яшасин, деб дуо қилинг?— дебди йигит.

— Вой, подон болам-эй, онам узоқ яшасин десанг, нега уни эрга бера қолмайсан?— деб мийигида кулибди меҳмон.

Йигитнинг бу гапдан аччиги чиқиб:

— Сиз нега онамни ҳақорат қиляпсиз?— деб меҳмонни урмоқчи бўлган экан, онаси орага тушиб:

— Меҳмонга ёмон гапирма, болам, бу одам тўғри айтяпти,— дебди.

Шу гапдан кейин йигит катта тўй қилиб, онасини ўша нотаниш одамга узатибди...

Жинояткор бола ўйланиб қолди...

**Яна бир куни:** Ун етти-ун саккиз ёшлардаги бир йигит эшикдан отилиб кирди-ю, адабиёт муаллимимиз Одиловга:

— Гражданин судья, сиз нега адолатни ҳимоя қилмадингиз? — деб маломат ёғдирди.

— Нима гап ўзи? Утириб, ҳовлиқмай бир бошдан айтсанг-чи, — деди адабиёт муаллими, йигитга жой кўрсатиб.

Йигит ўтирар-ўтирмас қизишиб ҳасрат қила бошлади:

— Мен 1941 йилда овулимиздаги бир йигит билан ён қўшнимизнинг Гулифа исмли бўй етган қизи ўртасида хат ташувчилик қилдим. Гулифа опа йигитни жонидан ортиқ яхши кўрарди. У йигит билан учрашувга борганида, мени ота-онамдан сўраб, ўзи билан бирга эргаштириб кетарди. Ота-онасиям қизини мен билан борганида истаган жойига ишониб юбораверарди. Кўпинча овул чеккасидаги тўқайга ўтин тергани чиқардик. Мен Гулифа опамнинг эркалаб-суйиб, бошимни силашларидан суюна-суюна, йигит берган икки чақмоқ қандни сўрасўра, қиз учун ҳам, ўзим учун ҳам ўтин тераверардим. Улар бўлса, гаплашиб ўтираверишарди. Шу орада кутилмаганда Улуғ Ватан уруши бошланиб, йигит ҳарбий хизматга чақирилди. Гулифа опам у билан бирга фронтга кетмоқчи эди, олишмади. Сабаби — у иккиқат экан.

Аҳволни билган овулимиз кайвонилари апил-тапил энг ичида Гулифа опани йигитнинг уйига келин қилиб туширдилар. Орадан икки кун ўтиб, йигит жангга отланди.

Ушандан кейин Гулифа билан дўстлигимиз тағинам мустаҳкамланди. Икковимиз узоқ-узоқ ҳасратлашамиз, эрини ким ўзарга мақтаймиз. Чақалоқ туғилганида унга қандай исм қўйишнинг маслаҳатини қиламиз. Талайгина отларни ёқтирмай, ахири ўғил туғилса — «Енгиш», қиз туғилса — «Енгишгул» қўядиган бўлдик. Орадан ўн беш-йигирма кун ўтар-ўтмас фронтга кетганлардан хат кела бошлади. Нимагадир ёлғиз Гулифанинг эридан хат келмайди. Бир ой кутдик, икки ой кутдик, ҳеч қандай хат-хабар йўқ.

Орадан уч ой ўтганда овулга икки милиционер келиб, йигитнинг уйини тинтув қилди. Гулифа опам ҳам, мен ҳам нима гаплигини тушунмаймиз. Учинчи куни

ўша икки милиционер тўқай тарафдан соч-соқоли ўсиб кетган бир одамни овулга ҳайдаб келди. Қарасак, Гулифа опамнинг эри. Армиядан қочиб, овул сиртидаги тўқайда яшириниб юрган экан. Гулифа опам бу гапни эшитиб, эрининг турқини ҳам кўришни истамабди, уззукун йиғлаб-сиқтабди. Кечқурун менинг олдимга келиб, ўз аҳдини маълум қилди.

— Бу сотқиннинг зурёдини туғмайман!

Мен уни юпатиб:

— Бундай қилманг, опа, у сизнинг болангиз, ахир сиз яхшисиз-ку, — деб ёлвордим.

У индамасдан ортига қайтиб кетди.

Туни билан юрагим ҳаприқиб, уйқум келмай, тонг-саҳарда уйига борсам, Гулифа опам йўқ. Одатда сахар-мардонда туриб ертўладаги мол-ҳолга қарашини билардим. Кўриб кўнглимни таскин топтириш учун ертўлага тушсам, Гулифа опам тўрда қулочини ёзиб чалқанча ётибди. Қорнининг устида тегирмонтош, икки оёғи қон. Тегирмонтошни базўр кўтариб, «Гулифа опа, Гулифа опа!» десам, индамайди. Дунёдан кўз юмибди... Ана шу аёлнинг, қолаверса, туғилажак фарзандининг ўлимига сабабчи бўлган ўша нокас энди овулда бемалол юрибди. Уни сиз судлаб, сиз озод қилибсиз!

— Қочоқлар учун амният бўлди, иним.

— Ахир, у икки одамнинг қотили-ку! Нега лоақал шу икки одамнинг ўлими учун жавоб бермайди?!

Адабиёт муаллими Одилов бошини ушлаган кўйи жим қолди...

Яна бир куни: Бир милиционер икки аёлни олдига солиб, Одиловнинг кабинетига кириб келди.

— Кечирасиз, ўз бошлиғим кабинетига йўқ экан, сизнинг олдингизга киришга мажбур бўлдик, — деди милиционер. — Бу икки аёл ҳаммомдан чиқаверишда бир-бири билан соч юлишиб турган экан.

— Исmlарингиз нима? — деб сўради адабиёт муаллими, ўта вазминлик билан.

— Менинг исмим Ширин, миллатим — қорақалпоқ, — деди қийиқ кўзли, суяклари бузуқроқ аёл. — Бироқ манави манжалақининг қорақалпоқлигига гумоним бор.

— Бундай ифлосга мен отимниям, миллатимниям айтмайман! — деди Шириннинг олдида унинг қизидек кўринадиган жиккаккина, озгин-қотма аёл.

— Исмингизни айтмасангиз ҳам нима гаплигини айтарсиз?— деб сўради, адабиёт муаллими, унга совуққон ва қаҳрли назар билан тикилар экан.

— Бу аёлни ҳаммомда биринчи кўришим эди. Ноилож бир хонада ечиндик. Бирга чўмилиб, бирга кийиндик. У менинг олтин узугимга қизиқиб, «Қани, бир тақиб кўрай-чи», деб сўраб олган эди. Менинг ўрта бармоғимга тақадиган узугим унинг чинчалоғига лоп-лойиқ келди. «Ярашаркан», деди-да, қайтиб бермади-қўйди. «Бермайсизми, ахир бу узук онамнинг кўзини кўрган ягона бисот эди» десам, «Бор-э!», деб жеркиб ташлади. Жанжалимиз шундан бошланди.

— Ё тавба, аёл ҳам шунчалик беҳаё бўладими?!— дея Ширин узукли чинчалоғи билан яноғини сидирди.— «Бу узук меники», деб қай юз билан айтяпсан ўзи? «Ўрта бармоғимга тақардим», дейди-я тагин бу уятсиз!.. Эрим ўлсин деган шум ниятдаги фар аёлларгина ўрта бармоғига узук тақади, билдингми! Яна бу беҳаёнинг уялмайнетмай: «Онамнинг кўзини кўрган», дейишини қаранглар! Бундай беҳаё билан ҳаммомга тушиш у ёқда турсин, бир шаҳарда, ягона ер устию осмон остида яшаб турганимдан ўлганим яхшироқ, вой шўрим?!

Адабиёт муаллими бир у аёлга, бир бу аёлга қараб:

— Кимнинг ҳақлигини ҳозир оппа-осон аниқлаймиз, бироқ унгача менинг бир шартим бор,— деди.

— Майли, айтинг шартингизни,— деди озгин аёл, майин товуш билан.

— Ўлимдан бошқа ишнинг тезроқ бўлгани яхши!— деди Ширин ҳовлиқиб.

— Шартим шуки, олтин узук кимники бўлса, ўша аёл манови талабаларнинг кўз олдида ечинсин!— деди адабиёт муаллими.

Ширин апил-тапил ечина бошлади. Озгин келинчак эса:

— Вой ўлмасам, шунақаям аҳмоқона шарт бўларканми!— дея юзини кафтлари билан бекитганча, ташқарига отилди.

Адабиёт муаллими: «Сендай юзсизларнинг бошқага туҳмат қилишидан осони йўқ!» деди-да милиционерга уялмай ечина бошлаган Шириннинг чинчалоғидаги олтин узукни ташқарига чиқиб кетган аёлга обориб беришни буюрди ва бизларга қараб шундай деди:

— Ҳаётдаги айрим чигалликларни ўйлаганинг сари, адолатнинг гавҳарга ўхшаб юзада эмас, ўта чуқурда ётажаклигига амин бўласан киши! Унга етиб борол-

маслик ё кўра-била туриб ундан кўз юмиш — ўтакетган сўқирлик!

Одиловнинг горОНОдаги кабинетида ўтган дарсларидан:

Биз кабинетга кириб борганимизда, адабиёт муаллими Одилов кексароқ бир муаллим билан суҳбатлашиб ўтирганкан, суҳбатини давом эттираверди:

— Оқсоқол, ҳозир талаб бошқача. Лоақал билим юртида сиртдан ўқисангиз ҳам майли эди...

— Манави ёшлар билан бир партада ўтиришдан уялмасдим, бироқ энди алгебра, химия, астрономия деганлари миямга кирармикин?— деди кекса муаллим мунгайиб.

— Раҳмат, оқсоқол, тўғриси тун олдингиз! Мен ҳам ўрнингизни билим юртини битирган ёшлардан бирига бўшатиб бериш тўғрироқ бўлмасмикин, дейиш мақсадида сизни бу ерга чақиртирган эдим.

— Менинг ўқитадиганим — биринчи синф. Китобни шариллатиб ўқиёлмасам, кўпсонларни кўпайтириш, бўлишни билмасам ҳам, ҳар қалай, алифбени, юзгача санашни биламан. Биринчи синф болаларига шунинг ўзи кифоя эмасми? Мен иккинчи синфга дарс берай, деб сендан ҳеч қачон сўрамайман. Хўп десанг, бир афсона айтай.

Кекса муаллим айтган афсона: Бир юртнинг подшоси кутилмаганда ўлиб қолибдию маслаҳатгўйлар нима қилишни билмай, ўйлашиб-кенгашиб ахири аллақайси шаҳарда кўп ўқиб, билимдон бўлиб қайтган бир йигитни юртга подшо қилиб кўтаришибди. Билимдон йигит тахтга ўтириши билан теварагидагилар, ҳатто ўзини подшоликка кўтарган маслаҳатгўйлар ҳам унга бесавод, шу сабабли ақлсиз кўриниб, «Сен ўқимагансан! Сенинг билиминг йўқ!» дея рўпара келган одамни айблаб, кўпчилликни қийнай бошлабди. Оми халқ билан-ку, мутлақо гаплашмайдиган бўлиб қолибди. Охир-оқибат барчанинг норозилиги кучайиб, юртда қариндошга қариндош яроғ кўтариб, қон тўкишлар бошланажаклигини сезган маслаҳатгўйлар яна ўзаро кенгашгани йиғилибдилар. Улардан бири: «Подшомизнинг билимини камайтириб, оддий халқ даражасига туширадиган дори топайлик», дебди. Ушандай дорини топиб, подшога ичиришган экан, подшонинг билими ўртачароқ ҳолга келиб, халқ билан тил топиша оладиган доно подшога айланибди.

Адабиёт муаллими мийиғида кулиб сўради:

— Манови талабалар ҳам билим юртини битиргач, бу ерда олган билимларини унутиб, биринчи синф даражасига тушишлари керак, демоқчисиз-да, а?

— Ҳамма ҳам афсоналарнинг мағзини тўғри чақавермайди. Узинг горОНО мудирӣ бўлсанг ҳам, гапларингдан адабиёт муаллимининг нафаси келиб турибди. Раҳмат, иним! — деб кекса муаллим мамнун ҳолда ўрнидан турди-да, бизга тикилди. — Болалар, шуни унутмангларки, халқимиз афсоналарга, доно нақлларга ниҳоятда бой. Уларнинг мағзини чақиш ҳам тарбиянинг бир тури.

Одиловнинг насиҳатларидан: Эшитишимча, буюк рус ёзувчиси Фёдор Достоевский: «Биз барчамиз Гоголнинг «Шинель»идан чиққанмиз» деган экан. Хўш биз қорақалпоқлар шунга ўхшаш нима гап айтсак бўлади? «Халқимизнинг доно афсоналарию эртакларидан чиққанмиз», десак, адашмаймиз.

— Кўп, жуда кўп ўқиб-ўрганиш керак. Ўзларингиз ҳам Достоевскийдек янги фикр айтиш, янгилик яратишга интилиб яшашларингиз керак.

— Инсоният ҳаётидаги энг ноёб фазилат омонатга хиёнат қилмаслик, — деган донолар.

— Шогирдликни кўнгилдагидек адо этиш, — устозликка тайёргарлик деган сўз. Ҳар бир адабиётчи ўз ҳолича устоз.

— Еппасига устозликка интилиш яхши, бироқ ҳамма нарса ўз ўрнида азиз.

— Овулимизда бир одам тўсатдан қаттиқ касал бўлдию тиббий ёрдам бўлимида ҳамшира бир пенициллин укол қилгач, кутилмаганда отдек бўлиб кетди. Бунни кўриб овулда қим нима билан оғримасин, ўша ҳамширага пенициллин укол қилдириш учун югуравериб; кўпчилик эски касалини ҳам қўздириб олгани сабабли ўша ҳамширани ҳалигача қарғайди.

Адабиёт ҳамма нарсани бевосита ўрганиб, ўқиб ўқиш, уққанингни уқтириш демак!

\* \* \*

...Билим юртини битказишимизга бир ҳафтача қолганида редакциядан яна бир хат олдим.

Редакциядан хат: «Ҳурматли Тўлабберген! «Тилагим» деган шеърингни олдик! Бу шеъримни адабиёт



муаллимнинг маслаҳатларига амал қилган ҳолда ёз-дим, дебсан. Гапларингга тўла ишониш билан бирга жа-воб тариқасида бир ҳикоят ёзиб юборамиз.

Қадимда Сержон ота деган одамнинг Қаллибек исмли жуда ақлли, ҳозиржавоб бир ўғли бўлган экан. Отаси нимаики буюрмасин, «Хўп бўлади» деб бажара-вераркан. Қўни-қўшнилари ўз болаларини койиған-ларида уларга Қаллибекни ибрат қилиб кўрсатишар-кан. Шунга қарамасдан кунлардан бир куни Сержон отанинг ўз ўғлини чинқиртириб ураётганини кўрган қўшнилари унинг атрофига йиғилишиб:

— Ие, Сержон ота, бутун овул аҳлининг сизга ҳур-мати баланд эди. Бу қанақаси? Ахир, кўчамизда ўғлин-гиз Қаллибекдек буюрган ишингни «хўп» деб бажара-верадиған меҳнатқаш, итоаткор бола йўқ-ку! Ҳаммамиз ўз болаларимизга ўғлингизни ибрат қилиб кўрсатсаг-у, сиз бўлсангиз, уни дўппослаяпсиз. Шу ҳам адолатдан-ми?! — дея қаттиқ норози бўлишибди.

— Оббо, қўшниларим-эй! — дебди Сержон ота қизи-шиб. — Тўғри, менинг ўғлим меҳнатсевар, итоаткор. Айтилган ишни ҳеч гап-сўзсиз бажараверади. Мен уни айнан шунинг учун дўппослаяпман-да! Агар бу кўрнамак яхши одам бўлса, айтганимни бажаравергунча ўзи билиб, ўзи ўйлаб, одамга айттирмай ўз кўнглидан чиқариб нимадир қилиши ҳам керак-да!

Бу гапдан сўнг қўшнилари уй-уйларига жимгина тарқалишибди...»

...Редакциядан юборилган бу ҳикоят мен учун ечили-ши мушкул яна бир тилсим бўлиб туюлди.

Мураббийим Узоқберган отанинг айтиб туриб ёздир-ганларини қайта-қайта ўқиб, ундан тилсимлар эшигини очишга қодир сеҳрли калит қидирдим. Шу вақтга қадар ўзим эшитган ҳикматли гаплар, афсоналар, ҳангомалар-ни бир-бир хотирладим. Назаримда очилиши лозим бўлган тилсимлар кундан-кунга кўпайиб бораётгандек.

Шоир бўлишни сидқидилдан хоҳласам, энди мен учун ягона йўл — олий ўқув юртига бориб ўқиш!

Билим юртини битиргандан кейин ҳам шундай орзу билан овулга келиб, аввало бобом билан маслаҳат қил-дим. Бобом мени яна кўча бийининг олдига етаклаб борди.

— Максим Горький олий ўқув юртини битирмаёқ атоқли ёзувчи бўлган-ку! — деди у.

Мен овулда муаллим бўлиб ишлай бошладим.

Сабаби ҳали-ҳануз мен учун жумбоқ, РайОНО ўзим яшайдиган овулда ўн йиллик мактаб бўлишига қарамасдан овулдан беш чақиримча наридаги колхознинг етти йиллик мактабига йўлланма берди. Директор менга 4-синфда тўла, 5—6 синфларда эса математикадан дарс берувчи муаллим сифатида буйруқ чиқарди. Ярим йилдан кейин мактаб пионерларининг мураббийси қилиб тайинлади. Гарчи, директор ўзи қорақалпоқ тили ва адабиётидан дарс бераётган бўлса-да, мактабдаги адабиёт тўғарагини бошқаришни ҳам менга топшириб қўйди.

Зиммамга қанча кўп иш юклангани сари ўзимга нисбатан ишончу ҳурмат ҳам шунчалик ортиб бораётгандек туюлиб, жон-жаҳдим билан ишлашга тушдим.

Бобом айтган афсона: Қадим замонларда бир одам ўзининг кўпгина болалари орасида меҳнаткаш, итоаткор, ҳам жуссаси кичкина, ҳам ўзи хушфеъл бир ўғлини жуда яхши кўраркан. Қаерга борса, уни ҳам ёнида олиб юраркан: оғирроқ юкини кўтартираркан, овқат пиширтираркан, гулхан ёқтираркан. Бу хизматлар учун боласини ҳовлиқтириб: «Ақлли болам, сенсиз мен кун кўролмайд қолардим», деб мақтайвераркан. Уғил отасининг бу мақтовларидан шишиниб, ака-опаларининг ўз ихтиёрларига кўра эркин яшаб, қай бири ўқиб, қай бири савдогарлик билан шуғулланиб — бойиб, қай бири қуро-яроғ ишлатиб — шуҳрат қозониб юрганига парво қилмай, отасининг хизматларини бажаравераркан. Кунлардан бир куни акалари уйланиб, опалари эрга чиқиб, қўша-қўша фарзандлар кўриб, ўз бошпаналарига эга бўлаётганига унинг ҳам ҳаваси келиб, отасидан: «Нима, мен шундай юравераманми?» деб сўрабди. Отаси: «Энди ақлинг кирдимми?» дея кулибди-да, уни Амударёнинг қуйи соҳиллари, Орол денгизи ёқасига етаклаб келиб: «Шу денгиздан балиқ тут, болам», деб топшириқ берибди. Бола отаси айтгандек дарёга қармоқ ташлаб ўтирган-ида, уйли-жойли акаларидан бири отасини тайёр ошга таклиф қилиб келибди. Ота балиқ овлаётган боласини паққос унутиб, уйли-жойли ўғлининг ортидан эргашиб кетаверибди...

Бизлар ўша отаси унутиб кетган меҳнаткаш, итоаткор, ишонувчан йигитнинг авлодлари бўлсак не ажаб! Ҳаддан ташқари ишонувчанлик ҳам одамга панд берадиган пайтлар бўлиб туради.

Онам айтган афсона: Бобонг айтган одамга ўхшаш яна бир серфарзанд кишининг болаларидан бири ҳам ақллироқ, ҳам ота-онасига бошқалардан кўра меҳроқибатлироқ бўлиб ўлғайибди. Шунинг учун уни ҳамма болаларидан ортиқ кўраркан. Бироқ, қариндошларида унга нисбатан ғараз, кўролмаслик авж олиб, қаёқдаги туҳмат гаплар билан уни отасига ёмонотлиқ қилибди. Ҳаттоки қозини қўлга олиб, ўлим жазосига маҳкум этибди. Отаси суюкли ўғлига ачиниб, тирик қолармикин деган умидда қозининг қўлига яширинча пул қистириб, ялиниб-ёлворибди:

— Майли, икки варақ қоғозни ол-да, бирига: «Ўлдириласан», иккинчисига: «Озодсан», деб ёзиб, баравар қилиб букла. Айбдор болам қоғозлардан қай бирини олса, ўшанга ҳаммамиз рози бўлайлик, — дебди. Қози шартга кўнибди. Бу хабар отанинг бошқа болаларига етиб борибди. Улар айбдорга: «Озодсан» деган қоғоз тушиб қолишидан кўрқибди. Шунинг учун қозига оталаридан ҳам кўпроқ пул бериб, иккала қоғозга ҳам: «Ўлдириласан!», деб ёздирадиган бўлишибди. Шундай қилиб, қози айбдорни чақириб, унга икки қоғозни кўрсатибди-да:

— Мановиларнинг бирида: «Озодсан!», иккинчисида: «Ўлдириласан!», деб ёзилган. Қай бирини олсанг, ўшани очиб ўқиймиз. Нима чиқса толеингдан кўраве-расан, — дебди. Айбдор йигит оғаларининг бир шумлики бошлаётганини сезибди. Бироқ улар билан талашиб-тортишиб ўтирмабди. Икки қоғоздан бирини олибди-ю, очмасдан оғзига солиб, икки ямлаб ютиб юборибди. Кейин: «Қози жаноблари! Майли, толеимдан кўрганим бўлсин. Қўлингизда қолган қоғозни очиб ўқинг!», дебди. Қози кўпчиликнинг кўз олдида нима баҳона топишни билмай, ноилож қўлидаги қоғозни очиб ўқибди. Ундан «Ўлдириласан!» деган ёзув чиқибди.

— «Озодсан!» деб ёзилган қоғозни топибсан. Озод этилдинг! — дебди ноилож қози.

Унга ёмонлик соғинганлар лом-мим дейишолмабди. Уша доно йигит, айтишларича, бизларнинг бобокалонимиз экан.

— Доно бир гап нақ бўзғингда турган юз қиличдан баравар халос қилади, — дейди момом.

Отамнинг ҳангомаларидан: Яқинда мен колхозизмнинг раиси билан гаплашиб қолдим. Тўғрироғи, у фирт маст экан, суяб уйига обордим. Мастлик — ростлик, дейдилар. Унинг менга айтган гапларини айтмай.

«Кайипберган, колхозга раис бўлиб сайланган кунимдан бошлаб менга қарши сўзлайдиганлардан, йиғилиш бўлса, камчиликларимни юзимга тап тортмай айтаверадиганлардан йўлини топиб қутулган эдим. Ҳозирга келиб ҳеч ким юзимга тик қараёлмайдиган бўлди. Гўё ишларимда ҳеч бир камчилик йўқдек. Бироқ, бригадаларни айлансам, кўп ишларнинг ўлда-жўлдалигини кўраман. Ёлгон ахборотлар, қўшиб ёзишларни ичим сезиб турибди. Кимдан: «Ишлар қалай?» деб сўрасам, тўтиқушдай «Сиз туфайли ҳаммаси яхши», деб жавоб беради. Энди бу камчиликларни қандай қилиб тузатсам экан, деб ақлим ҳайрон. Тўғриси, аввал-бошда камчиликларни рўй-рост айтадиганларни ёнимдан жилдирмаслигим керак экан. Бир кунмас, бир кун ишларимнинг чуви чиқмаса деб кўрқаман...» дейди йиғламсираб.

Кейинги пушаймон — ўзингга душман эмасми, болам?

\* \* \*

...Мен бобом билан онам айтган афсоналарни, отамнинг ҳангомасини қизиқиб эшитган бўлсам-да, обдан ўйлаб кўрмадим. Сабаби — ишим кўп, вақтим йўқ эди. Дарсдан чиқиб, жамоат ишлари билан шуғулланаман, кечқурунлари эртанги дарсларга тайёрланаман. Буларнинг барчаси мен учун мароқли, бироқ вақт талаб қиладиган ишлар. Қолаверса, андак бўш қолдим дегунча шеър машқ қиламан. Айримларини редакцияларга юбораман. Агар ўзим илтифотидан умидвор бўлган газетанинг бирон сонини кўролмай қолсам, худди ўша сонда шеърим босилиб чиққандек туюлаверади. Мендан аввалроқ ўқувчиларимдан бири кўриб, табриклар қолармикин, деган илинжда синфга кирган заҳоти: «Газеталарни ўқиб турибсизларми?» — деб сўрайдиган одат чиқардим. Улар менинг асл ниятимни тушунмай, раҳбар бўлгандан кейин талаб қилади-да, деб ўйлаб, айримлари: «Ҳовва» дейди, баъзи бировлари: «Уйимизга газета кечикиб келяпти», қабилдаги баҳонани рўкач қилади. Бошқа бировлари, худди сирини фош бўлишдан кўрққан айбдордек, миқ этмай ўтираверишади.

Баъзан шеърларимга редакциядан нордонроқ жавоб келса, ўзимни қаерга қўйишни билмай, дўзах азобига гирифтор бўлганимдан афсусланаман. Шеър ёзмай де-

сам, ўзимни тўхтатолмайман. Гўё кўз олдимда олам торайиб, нафасим бўғилиб қолаётгандек бўлади. Ёзишга берилиб кетганимда-ку, дунёни паққос унутаман. Аллакимларнинг менга қилган ёмонликлари ҳам, редакциядан олганим аччиқ-тизиқ хатлар ҳам унут бўлади. Шеърга қофия тополмай ўзимча терлаб-тепчиб ўтирганимда эса, гўё далада байрам бўлаётгандек. Чиқай десам, бу байрамлар менинг шеърларимсиз ҳеч кимни қувонтирмаётгандек. Гоҳо назаримда бу олам одамларнинг бир-бирларига тил учигаги манзиратларию ёлгон-яшиқ гапларидан иборатдек туюлади. Шунинг учун бу шовқинсуронларга тўла оламни бир чеккада холисона кузатиб, одамларнинг қаердан чиқиб, қай тарафга бораётганини айтиб (эслатиб, кўрсатиб, огоҳлантириб) турадиган жарчилар камлик қилаётгандек. Бундай жарчилар, фаҳмимча, шоирлар! Мен ҳам бир жарчи бўлишим керак, дейман ўзимга ўзим. Шундай юракни орзиқтирувчи ўйлар хаёлимни банд қилса-да, ишни ташлаб кетолмай, иккинчи йили ҳам муаллим бўлиб қолавердим. Бу йили мактабимизнинг директори ўзгариб, собиқ директори-мизнинг ўрнига республика газеталарида дам-бадам шеърлари чиқиб турадиган Тожиддин Сейтжонов (ҳозирда Қорақалпоғистон халқ шоири) келди. Бу ажойиб ташриф кўнглимда янги-янги орзулар уйғотди...

Икковимиз маслаҳатлашиб, мактаб ўқувчилари иштирокида кичик-кичик пьесаларни саҳнага қўйиш орқали ўзимизни адабиётга, адабиётни ўзимизга яқинлаштириш ҳаракатига тушдик. Бу ҳаракатлар ҳам узоққа чўзилмади. Келгуси йили райОНО мени овулдан йигирма чақирим олисдаги бошланғич мактабга юборди... Овулимизда ўн йиллик мактаб бўла туриб, райОНОда яна нега бундай йўл тутишганига, очиги, ҳали-ҳануз ҳайрон қоламан!

Янги мактаб шундоққина Амударё ёқасида эди. Бўш вақтларим дарё бўйидаги қарағайдек адл ўсгани учун «Олтин тўқай» деб аталувчи қалин тўранғилзор орасидан ўтади. Қорақалпоқ тилида босилиб, қўлимга тушган китоб борки, аллақачон ўқиб туширганман. Халқ оғзидан ёзиб олинган тўртта дoston, бир неча афсонаю эртак китоблари, ўтмишдаги тўрт-беш нафар шоирнинг халқ орасидан тўплаб босилган шеърый китоблари, совет давридаги ёзувчиларимизнинг урушдан аввал ёзган икки-уч қиссаларию ҳажми олтиш-етмиш бетдан

ошмайдиған уч-тўртта ҳикоялар ва ўнтача шеърлар тўпламлари — ҳаммаси шулардангина иборат холос.

Биринчи мураббийим Узоқберган оға айтиб туриб ёздирганидек, рус тили бизни юксалтирувчи қанот. Лекин бу тилни қандай ўрганиш керак? Лоақал рус адабиётидан таржималар кўп бўлса экан! Улар ҳам бармоқ билан санарли даражада оз...

Амударё ёқасидаги «Олтин тўқай»да ёлғиз юриб, шуларни ўйлаганим сари миллий адабиётимизни яратувчилардан, ёзувчилару таржимонлардан хафа бўлиб кетаман. Нега улар кўп ёзишмайди, нега лоақал бошқа тиллардан кўпроқ таржима қилишмайди?

Бундай фикрларни мен билан бирга ишлашган муаллимлар ҳам, мактабимиз ўқувчилари ҳам, хуллас, кўпчилик айтарди...

— Узинг бажаришинг мумкин бўлган ишни бошқалардан талаб қилиб ўрганма, — деб уқтирарди отам.

— Елкамдаги юк оғир деб бошқаларга юк тақсимлашга одатланма, — деб насиҳат қиларди момом.

— Доҳиймиз Ленининг бир васияти ҳаминша ёдингда турсин. У киши: «Уқи, ўқи ва яна ўқи!» деб тўғри айтган, дер эди бобом.

— Болам, билиминг ҳали саёзга ўхшайди, ўқинингни давом эттирсанг-чи! — деб онам ҳафта сайин шу бир гапни қулоғимга қуярди.

...Келаси йили янги очилган пединститутга кириш учун Нукусга йўл олдим.

## 11

Одамнинг умрида нималар рўй бермайди дейсиз! Гоҳо ниманидир орзу қиласиз, бироқ орзуингизнинг ушалиши амримаҳоллигига иқрор бўлаёзган пайтингизда, кимдир ўша орзуингизни нақ рўпарангизга келтиради-қўяди.

Менинг ҳаётимда ҳам шундай бўлди: 1950 йилнинг биринчи сентябрь куні қорақалпоқ тили ва адабиёти факультетининг биринчи курс талабалари аудиторияга жам бўлиб: «Қани, дастлаб қайси фандан ким, қандай ўқитувчи кираркин?» деб эшикка термулиб ўтирганимизда ортидан бир неча одамни эргаштириб институт ректори Турдимурод Бекимбетов кириб келди. Ҳаммамизни бирров назардан ўтказган: «Қани, сен тур! Қани,

сен түр!» деб беш-олтитамизни ўрнимиздан тургазди. Ортдан эргашиб ташқарига чиқдик. Хуллас, қирқтача талаба бошқа бир аудиторияга йиғилдик. Ректор нутқ сўзлаб, гапининг якунида шундай деди: «Сизлар рус тили ва адабиёти факультетида ўқийсизлар. Хоҳламаганлар ҳужжатларини қайтариб олишлари мумкин».

Очиғи, рус тилида ўқиш мен учун ҳам қувончли, ҳам кўрқинчли эди. Чунки ўзим танлаган факультетга рус тилидан кириш имтиҳони топшираётганимда «Пушкин» сўзини — мужской род, «Мы любим Пушкина» гапидаги «Пушкина» сўзини эса, женской род деганим учун йиқилаёзганимда, рус тили муаллимига ялиниб-ёлвориб базўр «уч» олган эдим. Сабаби, ўшанга қадар хаёл қилишимча, «а», «я» билан тугаган сўзларнинг барчаси, қай тусланишдалигидан қатъи назар, женской род эди... Шунда ҳам институт ректорининг таклифини рад этолмадим.

Биринчи мураббийим такрор-такрор айтганидек, рус тили бизга юксак парвоз имконини бера оладиган қанот экан, балки энди чинакам қанотга эга бўларман! Бироқ... дарсларни ўзлаштиролмасам-чи? Ўзлаштиришим керак! Овулга қайтсам: «Тўлапберган ўқиёлмапти» деган гап бўлса, ўлим-ку! Овул одамлари устингдан мазахлаб кулдими, тамом, бутун оламга масхара бўлганинг. Ана ундан кейин яшашнинг қизигиям қолмайди!

Демак, куну тун қаттиқ шуғулланишим керак... Баъзи кунлари овқатланишга ҳам вақт тополмайман. Буёғини сўрасангиз, бот-бот чўнтакда ҳам ғириллаб шабада эсиб қолади...

Устига устак, қаттиқ зўриқишдан бўлса керак, 18 сентябрь куни тўсатдан шундай оғриб қолдимки, соғайишим гумондек эди. Бу мен учун юлқиниб олдинга интилаётган тулпорнинг шунчаки тайғалиб йиқилиши эмас, кутилмаганда тубсиз жарга рўнара келиши билан барабар бир кўргулик эди. Ота-онам оми одамлар, укаларим ҳали кичкина, бу ерда менга бир нима бўлиб «жар»га йиқилсам, қирқ чақирим жойдаги шаҳардан жасадимни овулга олиб кетиш уларга осон бўлмас, деб ўйлаб уйга қайтдим. Уйдагилар мени ҳар галгидек мамнун кутиб олишди. Нима гаплигини авзойимдан тушунишди шекилли, бироқ ҳеч бири сир бой бермади. Эртаси куни тонгсаҳарда қон тупуриб ётганимни кўриб онам:

— Мана ман деган врачлари бор шаҳардан нега келдинг, болам-ов! — деб зорланди.

Нега келганимни тушунтиролмадим, кўзларимдан ёш қуйилди.

**Онамнинг насиҳатларидан:** — Биринчидан, эркак киши йиғламаслиги керак. Иккинчидан, сенинг манови касалингни бобонг ҳам, мен ҳам, отанг ҳам, укаларинг ҳам даволаёлмаймиз. Учинчидан, ёш ўлса ҳамма қайғуради. Овул бир марта қайғурсин деб келган бўлсанг, майли! Бироқ, сендай ақли калта тўнғичнинг ўлимидан қайғургунча укаларингнинг ташвишини қилганим маъқулроқ!

**Бобом айтган афсона:** Қадимда кўрсавод бир элат бўлган экан. Элат саводсизлиги учун атрофидагилардан кўп хўрлик тортса ҳам ҳеч ким ўз боласини бошқа юртларга ўқишга юборишни хоҳламас экан. Бир она номусга чидаёлмай, ўзининг ёлғиз ўғлини ўқишга юбормоқчи бўлибди. Бола тантиқроқ экан, уйдан кетгиси келмабди. Она кетишга мажбур қилибди. Шунда йигит: «Сен мени ёмон кўрганинг учун қувяпсан», дея онасидан ўпқаланиб, овулдан бош олиб чиқиб кетибди. Она ўғлини юборишга юборибди-ю, лекин кўнгили узолмай, баланд тепаликка чиқиб, у кўздан ғойиб бўлгунча ортидан қараб қолибди. Бола шу кетишда кўп йиллар ўқиб, улкан аллома бўлиб, элига қайтибди. Юртига яқин келаверишданоқ овулда нима гап экан, дея диққат билан қараса, тепалик устида қаққайиб турган бир одам кўринибди. «Ким бўлди бу?» деб ажабланибди. Яқинроқ келиб қараса, ўз онаси! «Онажон!» деб қучоғини ёзганича, у томонга югурибди. Қучоқламоқчи бўлган экан, онаси йиқилиб тушибди. Ажабланиб қараса, онаси аллақачон жон таслим қилган экан-у, ҳилвиллаган гавдаси базўр тик турган экан. Аллома овул одамларини йиғиб, нима гаплигини сўраган экан, маълум бўлибдики, онаси уни ўқишга кузатиб қолганича, ўша тепаликдан қайтиб тушмаган экан...

— Уз онанг муштини қанчалик кескин сермамасин, бари бир қаттиқ урмайди, — дерди отам.

— Арслон изидан, йигит ниятидан қайтмаслиги керак, — дея насиҳат қиларди Кўча бийи.

**Отам айтган афсона:** Бир юртдаги бир донгдор киши касалга чалинибди-ю, тили калимага келмай соқов бўлиб қолибди. Бу ҳолдан қаттиқ хафа бўлиб, соқов яшагандан ўлимни афзал кўрибди. Ҳатто ўлакса жасади



ҳидиниям шамол юртига олиб келолмайдиган овлоқ  
ғор топиш учун тоғ оралаб кетаверибди. Кунлар кетидан  
кунлар ўтиб, ҳолдан тойиб, бир бақатерак остида дам  
олгани ўтирибди. Тирик банданинг кўзларига тўйим  
борми сира! Ҳалиги соқов нажот истаб юқорига қараган  
экан, шохлар орасидаги улкан уяга кўзи тушибди. Уяда  
нима борлигини билиш учун теракка ўрмалаб чиқиб  
қараса, учта полапон. Полапонларнинг бири хомуш  
тортиб, иккинчиси мамнун илжайиб, учинчиси хушнуд  
кулиб ўтирганмиш. Одам боласининг ҳайрон бўлиб  
турганини кўрган учинчи полапонга бирдан тил би-  
тибди:

— Ажабланма, ҳой одам! — дебди шўх-хандонлик би-  
лан. — Бизлар бир онадан туғилган уч полапонмиз.  
Онамиз емиш қидириб кетгандан бери тотувгина яшаб  
турувдик. Кеча бир илон ўрмалаб чиқиб, учовимиздан  
қай биримизни қачон ютишини айтиб кетди. Мана,  
мановини бугун кечқурун ютади. Шунинг учун у хомуш  
тортиб ўтирибди. Мана, бунисини эртага кечқурун  
ютади. У ўзининг яна бир кунлик умри борлигидан  
мамнун бўлиб кулимсираб ўтирибди. Менинг олдимда  
эса, нақд уч кунлик умр турибди. Шунга қувонганим-  
дан чақчақлаб кулиб ўтирибман.

Одам бу полапонларни ўлимдан сақлаб қолиш учун  
куну тун илоннинг йўлини пойлабди. Илон тун ярмидан  
ошганда бамайлихотир ўрмалаб келаётган экан, одам  
унинг бошини мажақлаб ташлабди.

Эртасига қаердандир полапонларнинг онаси учиб  
келибди. У Семурғ қуш экан. Полапонларнинг ёнида  
ўтирган одамни кўриб, аҳволни билгач, «Раҳмат сенга,  
ҳой одам! Биз осмонда учиб буткул оламни кеза олсак  
ҳам ниҳояти бир қушмиз. Сен — одамсан, тирик бўлсанг,  
қўлингдан келмайдиган иш йўқ!» дебди ва қаёққадир  
учиб кетибди. Кўп ўтмай, тумшугида бир чўп олиб  
келиб, одамга едирган экан, унга тил битиб, бемалол  
гапирадиган бўлибди...

Эскиларнинг айтишига қараганда, ўша одам бизлар-  
нинг бобокалонимиз экан.

У ўз болаларига: «Агар ким тирикликдан безор  
бўлса — менинг авлодим эмас», деган эмиш...

...Одам боласи ўзининг бу ёруғ оламда яшаётгани  
учун аввало ота-онаси, қолаверса, жамики жонзот олди-  
да ҳамиша қарздор, — дейди доно халқимиз.

— Одамлар бир-бирларидан аввало ҳурмат қарз-  
дор, — деган экан афсонавий Маман бий.

Қариялар гурунғидан: Ҳар қандай оламшумул кашфиёт кўпинча якка шахс ақлининг маҳсули. Одамнинг қудрати чексиз. Шу боисдан ҳам у ўзини Буюк дейишдан андиша қилиб, Олло Таолони кашф этган. Аслида чинакам Худо — одамнинг ўзи!

— Инсоннинг ўзини Худо деб эълон қилмаганига сабаб — ҳаётдаги нуқсонларнинг сабабчиси сифатида ўзини эмас, бошқани кўрсатиш истаги бўлса керак.

— Ҳа, одам боласини кўпинча тубанликка маҳкум этувчи бош иллат мана шу — ўз қисматида рўй берган кўнгилсизликлар учун ўзгаларни айбдор деб билиши.

— Лекин, бари бир, ҳар ким эъқанини ўради, ёмонлик соғинган — ёмонлик кўради, яхшилик соғинган — яхшилик.

— Одам Ато: «Мен ўлгач, авлодларим ғам-ташвиш чекавериб, тагин таркидунё қилиб юрмасин», деб ҳар бир халққа бир ҳазилкаш яратиб қолдирганмиш; русларга — Иван дурачокни, тожикларга Мушфиқийни, ўзбекларга Насриддин афандини, қозоқларга Алдар кўсани, қорақалпоқларга Умирбек лаққини... Хафа бўлганингда уларнинг қизиқ-қизиқ латифалари руҳингга қувват, танингга мадор беради.

— Одам боласи қандай мушкулотни бошидан кечирмасин, бари бир, кўнглидаги эзгу туйғуларини асраб қолишга қодир:

— Яхшиликнинг яхшилик эканини одамлар у ёқда турсин, онгсиз жониворлар ҳам фарқлай олади...

— Узи билан бир даврда яшаб турган душманини кўра-била ундан аввал ўлишни ихтиёр қилган одам — номард, — дейди Кўча бийи.

— Донолар: «Тириклигимнинг ўзиёқ душманим учун ўлим билан баробар», деганлар, — деб уқтирарди онам.

— Эртасидан ноумид яшаш — шайтоннинг иши, — дерди момон.

— Мен бой берган жамики нарсаларни ютиб олсанггина содиқ фарзандсан, — дейди отам.

...Менинг ўқишдан оғриб келганимдан кўни-қўшнилар ҳам хавотир олишиб, бирин-кетин келиб кўра бошлашди. Онам уларнинг кўнгил сўрашларига ўрин қолдирмаслик учун: «Қани, қўшни, айтинг-чи, бобонгиз ё момонгиз ўлим олдидан айтган энг сўнгги гап ёдингиздами?» деб сўрайди. Онамнинг феълени яхши билган қўшнилар: «Сенга бунинг нима кераги бор?» дея ажабланмай саволга жавоб қайтарадилар.

Онамнинг дабдурустдан берган саволига кўшникларнинг жавобларидан:

«...Менинг бобом тўшак ёнида ўтирган момомга: «Сен билан ажрашиб, ўз эркимча бир кун яшаб ўлсам, армоним қолмасди», дедию дунёдан кўз юмди».

«...Менинг бобом бир пиёла чой сўради. Қайнаб турган қумғондан чой дамлаш учун чойнакнинг ичидаги шамани тўкмоқчи эдим, «Тўкма, уйда чой оз, устига дамлайвер», деди-ю тилдан қолди».

«...Не-не азобларни кўрганда ҳам ҳасрат қилмаган момом кутилмаганда: «Ўзим учун бир кун ҳам яшай олмадим-ов!» деб кўзларига ёш олди».

«...Менинг бобом: «Болаларим, ўрнимга сизлар қол-япсизлар, армоним йўқ...» деб бир яйраб кулди-ю, жон таслим қилди».

«...Бизлар янги уй қураётгандик. Касалманд бобом елкамга суяниб ҳали битмаган хоналарни бирма-бир айланди. «Мен мана шу хонада яшайман, тагига тўшайдиган тахталарнинг пишиқроқ бўлаверсин», деди-да, ҳушидан кетди. Қарасак, жони узилган экан».

«...Менинг бобом китоб ўқитиб эшитишни яхши кўрарди. «Яхши бўлсам, ўзим ўқишни ўрганаман», деган кунининг эртасига қазо қилди».

«...Менинг бобом «Оҳ, қайта туғилсам эди, узоқ яшаш учун нима қилиш кераклигини билиб туғилган бўлардим», — деди.

...Онам касал ётган тўнғичининг устида нима учун бундай тушқун руҳдаги ёқимсиз гапларнинг айтилишига йўл қўяётганидан қаттиқ аламим келиб, эртаси саҳармардонда уйғондим-да, уйдагилар билан хайрлашмай, йўлга чиқдим. Катта йўл ёқасида юк машинасини кутиб турганимда, онам ортимдан етиб келиб, нону қовурилган товук солинган тўрвани жимгина қўлимга тутқазди.

Шаҳарга келишим билан тўппа-тўғри врачга кўриниб, шифохонага ётдим. Бир ойча даволандим. Бутунлай соғайишга фурсатим йўқ эди. Чидашга тўғри келди — институтда ўқишни давом эттирдим.

Бобом бир ганини кўя такрорларди: «Ўз ҳаётимда бошимдан кечирган уч воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди, — дерди у киши. — БИРИНЧИ СИ: овулнинг саёз сойларида сузганимда, ҳеч ким етолмайдиган моҳир сузувчи атаниб юриб, Орол денгизига чўмилишга берган эдим,

Қаринг ёқасига етганимданоқ тиззаларим қалтирай-  
қзди; ИККИНЧИСИ: умрини овулда ўтказган мен  
шўрлик шаҳарга биринчи марта борганимда, танишларим  
овози тугул ўз товушимни ўзим эшитолмай шаҳардан  
қайтгунимча қулогим батанг бўлаёзди: УЧИНЧИСИ:  
тўнғич неварамга китоб олиш мақсадида шаҳардаги  
китоб дўконига кираётиб, овулимизнинг мулласини  
кўриб қолдим. Унга энг яхши китобларни танлаб бер,  
деб қўлидан етаклаб кирганимда «Қуръон»ни ёддан  
биладиган мулла деганинг китоб дўконининг остона-  
сида бир муддат анқайиб турди-ю, ҳушидан кетди.

...Мен институтнинг рус тили ва адабиёти факуль-  
тетига адабиётдан дастлабки лекцияларни тинглай  
бошлаганимданоқ бобом бот-бот эслайдиган мана шу уч  
воқеанинг қаҳрамонига айландим-қолдим: тиззаларим  
қалтирайди, қулогим шанғиллайди, шу пайтга қадар  
ҳаттоки отлариям қулогимга чалинмаган ёзувчилару  
улар яратган асарлар ҳақида эшитиб, ҳушимни йўқота-  
ёздим; шоир бўлиш орзуим учун атрофимдагилардан  
қаттиқ уялдим.

Менинг аҳволимни тўғри тушунган одам — Аган Ни-  
кифорович Сидоров деган ўқитувчимиз бўлди. Гарчи,  
бу одам адабиёт назарияси ва халқ оғзаки ижодидан  
дарс берса-да, назаримда, рус ва жаҳон классик  
адабиётини сув қилиб ичиб юборгандек эди. Гўё  
азбаройи мен учун муаллим бўлиб ишлаётгандек,  
кўпинча дарсдан сўнг уйига эргаштириб кетади.  
«Вақт тошиб, албатта ўқишим» учун китоблар беради.  
Унинг меҳрибонлигидан бошим осмонга етгудек бўлиб,  
берган китобларини тушунсам-тушунмасам ўқиб чиқа-  
ман. Бу китобларни теранроқ тушуна борганим сайин  
Аган Никифорович Сидоров билан орамиз ҳам тобора  
яқинлашаверди. У мени адабиёт уммонига етаклаб олиб  
киргани сари шоир бўлиш орзуимдан хижолатлигим  
орта борди. Ўз ёғимга ўзим қоврилаётгандекман,  
калавамнинг учини йўқотиб қўяётгандекман.

**Адабиёт назариясидан дарс берган Аган Никифо-  
рович Сидоровнинг маслаҳатларидан:**

...Адабиёт — ҳар ким кириб, тўйиб кетаверадиغان  
тўйхона эмас. Шуҳрат тақсимлайдиган таванхона ҳам  
эмас. Табиат ато этган чинакам истеъдодинга қўшимча  
атрофлича билиминг, ақл-фаросатинг, одамзод учун

қимматли эзгу ниятинг, пок виждонинг бўлсагина «Адабиёт» деб аталмиш муҳшатам қасрнинг дарвозасига яқинлашишингда маъни бор. Унутма: бу даргоҳнинг тўрида Гомер, Данте, Умар Ҳайём, Навоий, Шекспир, Маҳтумқули, Гёте, Пушкин, Бальзак, Лев Толстой, Максим Горький, Михаил Шолохов, Бердақдек сиймолар ўтиришибди. Улар адабиёт даргоҳига қабул қилдими — йўқми, ҳамма гап мана шунда!

«Адабиёт» деб аталмиш қасрга киришни сидқидилдан истасанг, қўлингдаги шамга маҳлиё бўлавермай, ўзинг учун бу даргоҳдан муносиб ўрин қолдиришинг керак. Пойгакроқдан ўрин топсанг ҳам майли, муҳими ҳеч ким кўкрагингдан итариб: «ўрнинг йўқ» демаса бас! Мабодо бир мuddат ташқарига чиққудек бўлсанг, ўрнинг бўшаб-ҳувиллаб қолгани бошқаларга сезилиб туриши ҳам керак.

Бунинг учун сенда икки нарса: аввало билим, қолаверса, ҳаётий тажриба етишмайди.

...Ҳаётнинг бошқа жабҳаларида бировга биров суянчиқ бўлиши мумкин. Адабиётда сенга ҳеч ким тиргович бўлмайди. Ёзувчиликка ҳеч ким ҳеч кимни ўргатолмайди. Бировнинг сенга ижирғаниб қарамай, астойдил хайрихоҳ бўлиши учин аввало ўзингда мустаҳкам пойдевор яратишинг шарт!..

«Қани ўша пойдевор?»

«Энди мен нима қиламан?»

— Камчилигим кўп деб қўрқма, бошқалардан кичкинаман деб ўксинма, тез улгурай деб шошқалоқлик қилма, лекин хотиржамликка ҳам берилма! Ёдингда тут: сен яшаётган аср нечоғли фавқулодда серғалва, суронли бўлмасин, аввалги асрларнинг давоми, холос.

Сен мансуб бўлган халқ якка-ёлғиз эмас. У СССР халқларидан бири;

СССР ер куррасини ўзига тортган оҳанрабодек қудрати бениҳоя мамлакат.

Ўзинг туғилган овулда турибоқ буткул инсоният тақдирини ўйлаш, кишилиқ жамияти тарихи, унинг келажаги ҳақида қайғуриш мумкин.

Мен кичкинагина бир халқ вакилиман, ҳаммадан юксакроқ чўққига интилишнинг нима кераги бор, дема. СССРда ҳамма халқларнинг эрки ўзида. Бироқ, ҳеч бир халқ ўз ҳолича ривожланмайди. Адабиёт ҳам яхлит бир организм: унинг кичиги йўқ.

Иисон орзулари шу қадар бениҳояки, гоҳо улар ўз соҳибини ерда қолдириб, чексиз коинотга парвоз этиши мумкин. Эзгу орзу йўлида астойдил интиланган нияти холис одам эртадир-кечдир мурод-мақсадига этиши муқаррар.

Она юртингга, она халқингга қандай кўз билан қараш керак — энг муҳими мана шу! Буюк ёзувчиларнинг сезгирлиги, интуицияси, ноёб истеъдоди, бутун қудрати аввало шунда бўлса керакки, улар жузъий бир воқеада бутун жамият аҳамиятига молик моҳиятни кўра олади.

Гомерни ўқиганда қадимги дунёнинг афсонавий манзаралари, Дантени ўқиганда Урта асрларнинг бадиий тафаккур уфқлари, Умар Ҳайём, Навоийни ўқиганда муаззам Шарқ донишмандлиги, Лев Толстойни ўқиганда XIX асрда фавқулодда жунбишга келган Россия, Михаил Шолоховни ўқиганда Улуғ Октябрь инқилоби даврининг бутун мураккаблиги кўз олдинда рўй-рост намоён бўлади.

Нима учун шундай?

Дунё фақат икки қутбдан: яхши билан ёмондангина иборат эмас. Муҳими — ёмонни ёмондан, яхшини яхшидан фарқлай олиш. Бу иш ҳар хил воситаю бўёқларнигина эмас, аввало пўлатдек мустаҳкам ирода, қатъий мантиқни талаб қилади.

Классик адабиётни ўқимай, билмай туриб, ёзувчи бўлишга интилиш ҳеч бир устахонани кўрмай моҳир дурадгор бўлишни хаёл қилиш билан тенг.

...Шарқ одамларининг бадиий идрок психологиясини ҳам яхши билган бу ўқитувчининг насиҳатларига амал қилмаслик, назаримда, мен учун кечирилмас гуноҳдек эди. Энди бу устознинг ўзини яхшироқ ўрганай, деган қарорга келиб тўхтадим.

Қанчалик кўн ўқиб, жаҳон адабиёти уммонига теранроқ шўнгиганим сайин рус адабиёти менга тобора қадрдонлашиб бораверди. Бу адабиёт мен учун энг теран уммон, энг юксак чўққи бўлиб кўринаверди. Узим ўқиган китоблардаги рус кишиларининг энг аъло характерларида меҳрибон Аган Сидоровни топгандек бўлдим.

Буюк рус ёзувчиларидан Успенскийнинг кўпроқ статистикага, Короленконинг публицистикага мойиллиги, Лев Толстойнинг аввал-бошдан фалсафа ва тарихга мустаҳкам таянгани, Тургеневнинг даврга хос сиёсат,

замон оқимига ҳамоҳанг асарлар ёзгани хусусида кўп лекциялар тингласам-да, уларнинг айрим асарларини синчиклаб ўқиш натижасида шуни фаҳмладимки, бу санъаткорларнинг ҳеч бирини лекцияда айтилган айрим ўзига хосликлар билангина чеклаб қўйиш мумкин эмас экан. Бошқача айтганда, уларнинг бирига хос хусусиятларни иккинчисида, учинчисида... ҳам топиш мумкин экан.

Лев Толстой ижоди хусусидаги беҳисоб қарашлар орасида айниқса бир фикр менга манзур бўлди: Толстойнинг буюклиги адабиёт учун нимадир қилганидагина эмас, бепоён Россияни қудратли кўзгуга айлантириб, Россиянинг ўзини ўзига ва бутун дунёга ҳар томонлама кўрсата олганида. Назаримда, бу ғоят теран маъноли фикр эди!

Нима учун Лев Толстой ўз замонаси учунгина эмас, бизнинг давримиз учун ҳам ижодий новаторликнинг тимсоли бўлиб хизмат қилади?

Адабиётдаги новаторлик эски бино ўрнида тикланган янги бинонинг ўзига хослигидек нарса эмас. Назаримда, Лев Толстойга хос новаторликнинг муҳим белгиси — ҳаётни, одамлар қисматини, характерларни бутун мураккаблиги билан бевосита ёритганида, батафсил тасвир ва таҳлил этганида, уларни оширмай ё камайтирмай айнан кўрсата олганидир.

Лев Толстойни яқинроқдан таниганим сайин юрагимни ваҳима босаверди. Адабиёт йўлида дастлабки қадамини қўяётган мендай бошловчи ижодкор учун санъаткордек бўлиш у ёқда турсин, у яратган асарларни ўқиб-ўзлаштиришнинг ўзи мушкул туюлди. Агар ҳар бир халқнинг адабиётини унинг шаҳодатномаси деб билсак, Лев Толстой буюк Россиянинггина эмас, инсоният йилномасида XIX асрнинг бетакрор шаҳодатномаси бўлиб қолади. Спортчилар тили билан айтганда, Лев Толстой сўз санъатининг энг юксак чўққисига кўтарила олган альпинистдир.

Халқидан ўрганмаган ёзувчи — бемақсад тентираган кема. Бундай кемалар адабиёт уммонида, афсуски, оз эмас. Аммо Лев Толстойни халқдан ўрганиш ва халқнинг руҳий чанқоғини қондиришнинг бемисл намунасини кўрсатган буюк толиб ва буюк устоз дейиш мумкин. Адабиёт тарихи ундан оламшумулроқ ёзувчини ҳали билмайди.

...Билиш жараёнининг чеки-чегараси йўқ, аммо билимнинг чегараси бор. Одамнинг билими маънавий-маданий савияси унинг ҳар бир иши, хатти-ҳаракати, гап-сўзида аён кўриниб туради. Шу ташқи аломатлар орқалиёқ бошқа одамни била оладиган киши, бир сўз билан айтганда, мутафаккирдир.

Қуёш чарақлаб турганида унинг қадри билинавермагандек, адабиёт тарихида ҳам чинакам мутафаккирни тушуниб етмаслик ҳоллари учраб туради. Тушунган тақдирда ҳам мутафаккирни мутафаккир деб мардона эътироф этган одам хусусида, ўзини ҳам буюкликка даҳлдор кўрсатмоқчи, деб ўйлаш ҳоллари йўқ эмас. Одамни бундай ман-манликда айблашдан аввал ҳар бир давр ва унинг маҳсули бўлмиш ҳар бир шахсга холисона сергак назар, очиқ кўз билан қараш малакасини ҳосил қилиш бизни кўпдан-кўп англашилмовчиликлардан халос қилган бўлур эди.

Нечоғли буюк бўлмасин, ҳар бир ёзувчи аввало тирик жон, ўз замонасининг вакили.

Одам меҳнати билан одам. У дунёни ўзига хос идрок этиш йўлидаги муттасил интилиши, бетакрор руҳий олами туфайлигина одам!

Рус адабиётининг ҳар бир классиги ботиний тўлқинлари бор теран уммонга ўхшайди. Бу уммонларда чўкиб кетиш ҳам мумкин, кенг қулоч ёзиб эмин-эркин сузиш ҳам мумкин.

Фёдор Достоевский яратган уммон шу қадар теранки, унинг ҳар бир асари билан танишганингизда, дам ёруғликда туриб, қоронғуликка қараётгандай, дам зулмат исканжасидан халос бўлиш учун олис-олисларда милтираган хира шуълага талпинаётгандек бўлади киши! Назарингда, шу шуъланинг нарёғида мангу фароғат ўлкаси ястаниб ётгандек. Такрор-такрор ўқиганингиз сари хаёлингизни асир этган манзаралар тобора кенгайиб, жозоба касб этиб, ойдинлашиб бораверади. Санъатнинг бош мақсади — одамдан одам қидириб топшидир, деган мутафаккир ёзувчи ҳар бир қаҳрамонида одам боласининг нечоғли муаммолигини кўрсатибгина қолмай, бу муаммони ҳар бир асарида бетакрор тарзда ечганига амин бўлаверасиз.



...Гоголь асар ёзаётганида ўз қувваи ҳофизасига ишонмай, тасвирланаётган воқеаларга доир тафсилотларни бошқа одамлардан, дўст-биродарларидан сўраб-суриштираркан. Мабодо, ким биландир тортишиб қолса, баҳс пайтида муносиб сўз тополмай, тезда таслим бўларкан. Лекин эртасига ўша баҳсни келган жойидан давом эттиришни истаб қоларкан. Бу одатдан дастлаб хабар топганимда Гоголни ўзимга қиёслаб, ўзимнинг баъзи одатларимдан фахрланганларим ҳамон ёдимда.

Буюк рус адабиёти билан яқинроқдан танишиш туфайли унинг тўрт буржида қад кўтарган бири-биридан маҳобатлироқ, бақувватроқ тўрт чинор кўз олдимда намоён бўлди: Пушкин, Лев Толстой, Фёдор Достоевский, Михаил Шолохов. Бу чинорларнинг ҳар бири ўзича, бири иккинчисига даҳлсиз тарзда яшнаб турган бўлсалар-да, аслида уларнинг илдизлари рус заминининг туб-тубида ўзаро тутатиб-чатишиб кетган. Бугунги кунда жаҳон адабиёти бўстонидаги ҳар бир ниҳол бу чинорларга ҳавасланиб бўй чўзади.

Мазкур тўрт санъаткор ижодига доир тадқиқотлар ҳозир шу қадар беҳисобки, ҳатто, назаримда, улар қаламига мансуб ҳар бир жумла таҳлил этилгандек. Бироқ, ҳеч бир танқидий-илмий асар бу буюк мутафаккири санъаткорлар меросининг моҳиятига етиб боролгани йўқ. Ҳали-вери етиб бориши ҳам амримаҳол. Бу санъаткорлар билан тиллашмай туриб, ижод майдонига қадам қўйиш — эшкаксиз қайиқда уммонга чиқиш билан баробар.

Баъзи қаламкаш дўсларим ўз интервьюларида Пушкин ё Толстой, Достоевский ё Шолохов номини устоз сифатида тилга оладилар. Буюк санъаткорларни устоз деб билиш яхши. Бироқ, унутмаслик керакки, устоздан ўзмаган шогирд шогирд эмас. Бинобарин, устозининг номига доғ тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлмоқ, оқибатини ўйлаб мақтанмоқ зарурдек кўринади менга.

### 13

Кўз кўрқоқ, ҳаёл ботир... Гарчи, кўп ўқиганим сайин кўрқоқлашаётган бўлсам-да, шоирлик орзусидан кўнгил узмадим. Билим юртида ёзган «Тилагим» номли шеъримни қайта ишлаб, яна редакцияга юбордим. Орадан кўп ўтмай, 1951 йилнинг ёзида Нукусдаги марказий

богда жойламанган кутубхонада газета-журналларни варақлаб ўтириб, республика ёшлар газетаси «Жас ленинши»да «Тилагим» деган шеърга кўзим тушиб қолди. Бундоқ зехн солиб қарасам, менинг шеърим! Кутубхонада юрагимни тарс ёргудек бу қувончимни баҳам кўриш учун ён-веримга қарайман. Аксига олиб бирон танишим учрасачи! Кутубхоначи аёлга: «Манови менинг шеърим!» дейишдан ўзимни базўр тўхтатиб қолдим.

— Мақтаниш йнгит кишининг иши эмас, — деб огоҳлантирарди онам.

Нима бўлса-бўлсин, ўша газетани яширинча қўйнимга тиқиб, биронта танишим учраб қолармикин, деган умидда боғ оралаб кетаётган эдим, қарасам, нақ дарвоза олдидан овулимизнинг Кўча бийи ўтиб боряпти. Қувончим ичимга сиғмай, салом берган заҳоти қўлига газетани тутқаздим. Ички саҳифани очиб кўргунича сабрим чидамай, газетани ёзиб, фамилиям билан шеъримни бармоғим билан нуқиб кўрсатдим. Кўз югуртириб чиққунига қадар ўз келажакимни қандай тасаввур қилишимни ҳам айтиб улгурдим. Гўё гапларимни қувватлаётгандай бош қимирлатиб турган Кўча бийи бир пайт менга мийиғида кулиб қаради:

— Ҳалиям шоир бўлиш фикридан воз кечмадингми?

— Ие, нега воз кечарканман? — дедим ҳафсалам пир бўлиб.

У андак сукут сақлаб турди-ю, тагин саволга тутди:

— Бу деганимки, шоирлар ҳақидаги латифани ҳалигача эшитмадингми?

— Институтга келганимдан бери ўзимизнинг қорақалпоқ шоирларидан бошқа Пушкин, Гёте... деган шоирларнинг китобларини ўқиб юрибман. Жаҳон адабиётининг улкан намоёнчаси Лев Толстойни ҳам оз-моз биламан. Бироқ шу пайтгача ҳеч бири ҳақида латифа эшитмадим, — деб ноилож иқрор бўлдим.

— Мен уларингни айтаётганим йўқ. Ўзимизнинг қорақалпоқ шоирлари ҳақидаги бир латифани сўраб турибман, — деди Кўча бийи.

— Йўқ, эшитмадим. Хўш, қанақа латифа экаң бу?! — деб сўрадим астойдил таажжубланиб.

Кўча бийининг айтгани: Улуғ Ватан уруши йилларида маҳаллий ҳокимият қорақалпоқ шоирларидан иборат махсус бир команда тузмоқчи бўлибди. Шоирлар ўта-

кетган ватанпарвар халқмасми, ҳаммалари: «Яхши! Зўр!» деб бу ташаббусни қўллаб-қувватлашибди. Айтилган вақтда ҳарбий комиссариат олдига йиғилишибди. Уларни бўй-бўйи билан сафга тизиб:

— Қани, «биринчи, иккинчи...» деб санаглар-чи! — дейишган экан, ҳар бир шоир ўзига навбат келганида «биринчи», «биринчи» деяверибди. Командир булар тунунмаяпти шекилли, деб санашдан мақсад кимнинг нечанчи эканини эмас, нечта одам йиғилганини аниқлаш эканини айтиб бўлгач, тағин:

— Қани, қайта бөшдан «Мен биринчи», «Мен иккинчи», «Мен учинчи» деб ҳисоб бўйича санаглар-чи! — деб буюрибди.

Шоирлар яна аввалгидек:

— «Мен биринчи», «Мен биринчи», «Мен биринчи» деяверишибди. Шундай қилиб, десанг, қорақалпоқ шоирларининг ҳеч қайсиси иккинчи бўлишни истамагани сабабли улардан команда тузилмай, ҳар бири бошқа-бошқа командага қўшилиб урушга кетган экан.

...Кўча бийи, ўзининг фавқулодда иштиёқ билан илҳомланиб айтган бу латифаси гўё бутун шаҳарни қулдираётгандек, кўкрак кериб ғоз турарди. Яшириш не ҳожат, қаттиқ алашим келди.

— Бу латифани фақат шоирларга эмас, ҳаммага нисбатан айтса бўлаверади, — дедим андак жаҳл билан. — Бу дунёда биринчи бўлишни ким истамайди?! Масалан, цехдаги ишчи биринчи бўлишга интилмайdimи? Интилади. Колхозда бригадир биринчи бўлишга ҳаракат қилмайdimи? Ҳаракат қилади. Бошқа касбдагилар ҳам шундай. Бутун-бутун районлар, областлар, республикалар-чи? Ҳаммалари ҳам биринчи бўлишни хоҳлайди. Чунки ҳар бир одамнинг кўнглида: «Мен биринчи бўлишим керак», деган яхши ният бўлади. Масалан, мана, мен ҳам биринчи бўлгим келади. Айтайлик, сиз ҳам Кўча бийларининг орасида биринчи бўлишни хоҳлайсиз. Билсангиз, бу нуқсон эмас, фазилат. Яхши ният — ярим давлат, деб бежиз айтишмайди-ку, ахир. Аслида бу ҳаёт талаби!..

Кўча бийи менинг қизишиб уқтиришларимдан мамнун бўлиб:

— Гап шоирлар ҳақида кетаётгани учун айтдим-қўйдим-да! — деди ўзини оқламоқчидек.

— Шоирларнинг қуроли — сўз! — дедим яна бўш келишни истамай. — Биласиз, кўпинча бир сўз бир неча маънони англатади. Мен сизга ҳозир «Ёмонсиз»

десам, ўйланиб қоласиз. Сабаби шу биргина сўз билан сизни тупроққа қориштириш ҳам, кўкка кўтариш ҳам мумкин. Шоирларнинг сўз тизиши гишт теришдек осон эмас. Уста шогирдга: «Гиштни қийшиқ қўйибсан-ку», деб танбеҳ берса, у хафа бўлмайди-ку, тўғрими? Шоирларнинг ўзаро таллашиб-тортишишларига ҳам шундай кўз билан холисона қараш керак. Улар бир-бирини кўпинча матбуот орқали танқид қилади. Айрим сўзларни ноўрин қўллаб, баъзи фикрларни чалкаштирганини айтади. Бу бир-бирини камситгани эмас, аксинча, бир-бирига ўргатиб, хатоларни тузатишга чақиргани.

— Шоирлар бир-бирларининг камчиликларини матбуотда ёзиб чиққунча юзма-юз туриб айта қолса бўлмадикин? — деб сўради Кўча бийи андак ёввош тортиб.

— Шундай қилсаям бўлаверади. Бироқ гап аллақачон чоп этилган асар ҳақида кетади-да. Асар матбуотда эълон қилиндими, унга муаллиф жавобгар бўлса-да, энди кўпчиликнинг мулкига айланади. Кўпчиликнинг мулкидаги камчиликлар яна матбуотда кўпчиликка очиқ-ошкор айтилиши керак, — дедим.

— Айтмоқчи, шоирга қалам ҳақини қандай тўлашаркин? — деб сўради у дабдурустан ўзгариб.

— Ҳозирча олиб кўрмадим-у, бироқ бир шоир танишим ҳар сатрига ўн сўмдан (1961 йилдан бери — бир сўмдан) пул олганини, бу энг кам нарх эканини айтган эди, — дедим.

— Энг кўпи қанча экан? — деб сўради у.

— Ҳар сатрига йигирма сўмгача (ҳозир — икки сўмгача) тўлайди, дейишади.

— Кунига неччи сатр ёзса бўлади? Сен, масалан, манови йигирма сатр шеърингни қанча вақтда ёздинг?

— Бир кечада, — дедим жўрттага.

Кўча бийи кутилмаганда ўзгариб:

— Юрсанг-чи, овқатланайлик, — дея таклиф қилиб қолди. Илтифотига кўнглим бўй бермай, истаб-истамай турганимни сизди шекилли:

— Катта шоир бўлиб, бойиб кетганингда қайтарарсан. Ҳозирча талабанинг бир тўйгани — чала бойгани. Юр, менинг ҳисобимдан ресторанга кирәмиз, — деб қис-таланг қилаверди.

Ноилож (бажонидил) рози бўлдим.

Ресторанда қулоқларни қоматга келтирар даражада оркестр садолари янграётган экан. Кўча бийи жой-

лашиброқ ўтиргач, бир музикантни олдига чақириб, қўлига ўттиз сўм берди ва бизлар овқатланиб бўлгунимизча чалмай туришларини илтимос қилди. Чолғувчи лом-мим демай ортига бурилиб кетди-ю, бир оздан сўнг яна қошимизга келиб, Кўча бийига олтмиш сўм узатди. Кўча бийининг юзи дувва қизарди, бироқ пулни олмади.

Оркестр музикасини давом эттирди.

— Кўрдингми, музикачилар қанчалик маданиятсиз, — деб пўнғиллади Кўча бийи.

Шу орада туркманча куй чалиниб қолди.

— Туркманлар музика бобида биздан ортада қолиб кетган, — деди у ижирғаниб. — Эшитяпсанми, ёқимсиз-а?

— Сизга қайси халқнинг куйлари ёқадий ўзи? — деб саволига чап бериш учун ўсмоқчиладим мен.

— Зўр куйлар қорақалпоқларда-да! — деди у жўжа-хўрозлардек кўкрак кериб.

Мен ўзимнинг мусиқа бобидаги қарашларимни баён қилиб, аксинча, бизнинг бастакорларимиз ортада судралиб қолаётганини айтмоқчи, улар басталаган куйлар зўр бўлганида бошқа юртларда ҳам ижро этилмасмиди, демоқчи эдим... Кўча бийи ҳисоб-китоб учун официантка аёлни чақириб қолди.

Ташқарига чиқдик. Ўтмиш адабиёти классигига ўрнатилган ҳайкалнинг нақ бошида ўтирган қарғани менга кўрсатиб:

— Шуюм ёдгорлик бўлибди-ю! — деди масхараомуз кулиб. — Бу армонли дунёда ўзидан мангулик хотира қолдиришни истовчилар жуда кўп экан-да, а? Мен, масалан, ўзимга ҳайкал ўрнатишларини ҳечам истамасдим. Манавиндай бошимга қарға ўтирадиган бўлса, ҳайкалнинг нима кераги бор? Сен ҳам шоирликни ҳавас қилганингда вақти келиб ўзингга ҳайкал ўрнатишларидан умидвор бўлсанг керак-да?!

Мен унга жавоб бермай, ҳайкалнинг бошига қўниб турган қарғани ҳуркитиб юбордим-да, шаҳар ташқарисига чиқадиغان автобуслар бекати томон юрдим.

— Шоир классикка айланиши учун унинг камчиликларидан беҳабар ҳамма таниш-билишлари ўлиб кетиши керак, — билагонлик билан деди Кўча бийи ортимдан эргшиб келар экан. Сўнг тагин мени саволга тутди:

— Қани, айт-чи, шеър эмас, оддий сўз билан ёзганларга қалам ҳақини қандай тўлашади?

— Билмасам. Ҳар қалай, ҳажмига, ҳарфлар сонига қараб аниқлашади, дейишади. Масалан, қирқ мингта

харф бир босма тобоқ бўларкан. — Жавоб бердим индамаслик одобдан бўлмас, деб ўйлаб.

— Демак, ҳарфларни кўпайтиравериш керак экан-да! Бунақа экан, сен оддий сўз билан ёзишга ўтсанг бўларкан.

— Насрий асар ёзишни уйддалаёлишимга ҳозирча шубҳам бор. — Очиғини тан олдим.

— Ўйларингни шеърӣ йўл билан ёзиш осонми ё қора сўз биланми? — дея яна ўсмоқчилади у.

— Бир хил полвонларнинг ўнг қўли кучлироқ, бир хиллари, аксинча, чапақай бўлади. Тўғри, шундай полвонлар ҳам борки, уларга ўнг-чапи баробар. Ёзувчилар ҳам шунақа: кимдир шеърға, кимдир насрға уста, — дедим.

— Ие, унда Йўлмирза Оймирзаев адабиётда ўнги-чапи баробар полвон экан-да! — дея у яна мени масхара-лаб кула бошлади. — Демак, сен ҳам Йўлмирза Оймирзаев бўлмоқчи экансан-да, а?

— Менинг Гёте ё Пушкин, Бальзак ё Толстой, Хемингуэй ё Шолоховдек бўлгим келади, — дедим масхараомуз кулгидан оғриниб.

— Бундай қасқдаги нотаниш одамларга эргашиб ўзингни пастга урма, — деди у энди менга сидқидилдан жони ачиётган меҳрибон ака қиёфасига кириб.

Автовокзалда Кўча бийи чиқиши керак бўлган автобус ҳали йўқ экан.

— Шу пайтгача овулимиздан шоир чиқмаган эди, — дея гапни гапга улаб кетди у. — Бундан кейин сенга маслаҳат беришга ҳам жиддийроқ тайёрланиш керакка ўхшаб қолди. Ҳозирча бир-иккита енгил-елли маслаҳатимни айтиб турсам майлими?

— Маслаҳат тош эмас, кўтараверса бўлади, — дедим мен.

Кўча бийининг маслаҳатларидан: Бу дунёни ёлғончи дейдилар. Ёлғончини эса, фақат ёлғончи енга олади.

Одамнинг нодонлигини кўра-била туриб, унга маслаҳат бераверма, вақти келиб ўзининг хатоси учун ҳам сени айблади.

Кўпчиликнинг иши учун айбдор саналсанг, хафа бўлма, ўзингни бардам тут. Яшин ҳам аввало мевали дарахтга тушади.

Ёлғиз чопганида югурик кўринган отни мақташдан эҳтиёт бўл! Югурик от кўпкарда маълум бўлади.

Юкни нор кўтаради. Қаторда норинг бўлсин, бироқ бошқаларнинг юкини кўтаришдан ҳеч қачон бўйин товлама.

Ўзингда бошқаларни, бошқаларда ўзингни кўр. Бироқ ўзингнимас, ўзгаларни кўпроқ авайла. Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса дўстингга ур, деган халқ мақоли бежиз айтилмаган.

Хафа бўлсанг, сабабини ўзингдан ахтар. Хурсанд бўлсанг, сабабини бошқалардан ахтар.

Кўча бийи айтган афсона: Қадимда бир серфарзанд подшо барча ўғил-қизларини олдига чақириб: «Бу дунёда яхши яшаш учун нима қилиш кераклигини, ўзаро дўст-биродар, билимли-донишманд бўлиш йўллариини ўргангач, қайтиб келасанлар» деб чор тарафга тарқатиб юборибди. Ҳар ким ҳар йўлга тушиб, олис сафарга отланишибди. Озгин-нимжонроқ бир болакай катта йўлни қўйиб, кичкина сўқмоқдан кетаверибди. Бир неча кун йўл юриб, чарчаб-ҳориб, йўл озиги тугаб, кўзлари киртайиб, бир тепаликда дам олиб ўтирган экан, рўпарасидан тош дарвоза кўринибди. Яқинроқ бориб қараса, унга: «Шу дарвозани очиб кирган одам хазинанинг калитини топиб олади», деб ёзиб қўйилганмиш. Йигит суюна-суюна тош дарвозани ўрнидан силжитишга жон-жаҳди билан тиришиб-тирмашибди. Тирноқларининг қонаб кетганига ҳам парво қилмай, зўр-базўр дарвозани қия очган экан, нариги тарафидан бир илон чиқибди. Йигит илондан кўрққанидан тош дарвозани ташлаб ортига қочганча, бор овози билан чинқирибди. Чинқирикни эшитган оғалари етиб келиб, тош дарвозадаги ёзувни кўрибдилар-да, суюна-суюна уни тағин ўрнидан силжитишган экан, ака-укалар нечта бўлса, ўшанча илон дарвозанинг нариги тарафидан отилиб чиқибди. Мардроқлари тап тортмай ҳар бири рўпарасидаги илонни ўлдириб, ичкарига кираверибди. Илондан енгилганлари ташқарида қолаверибди. «Озгин-нимжон бола» рўпарасидаги илонга тик боришдан кўрқиб, яна ортига қайтибди. Орадан бир неча йил ўтиб, акаларига учрашган экан, илон ўлдириб, метин дарвозадан ўтганлари олиму шоир бўлиб, подшо отасидан ўзига ер ажратиб олиб, эл-юрт орасида ҳурмат-аҳтирому роҳат-фароғатда яшаётганмиш.

Озгин-нимжон болакай улардек бўлишга қизиқмай, подшо отасига ҳам учрамай, узоқ-узоқларга бош олиб кетибди.

Унинг бола-чақалари ҳам метин дарвозага яқинлашай деса, отаси айтиб берган илон воқеаси юракларини шувиллатар экан...

Ҳар гал шу афсона ёдимга тушса, ўша «озгинимжон бола» бизнинг бобомизмасмикан, деб ўйлаб қоламан...

...Автобус аллақачон келиб тўхтаган, ичи йўловчиларга тирбанд бўлиб улгурган экан, энди ўрnidан кўзголаётганида кўриб қолдик-да, ортидан югурдик. Кўча бийи автобуснинг икки тарафга букланиб очиладиган эшигини маҳкам ушлаб туриб ўзини ичкарига олган заҳоти ортидан эшик ёпилиб, чопонининг бари ташқарида ҳилпираганча кетаверди. Энди у менга ҳар доимгидан ҳам қадрдонроқ, меҳрибонроқ, донороқ туюла бошлади.

\* \* \*

Зерикишдан ўчакишиш ёмон.

Ёшлар газетасида биринчи шеърим босилиб чиққанининг қувончи тез орада кўнглимни тарк этиб, энди катталар газетаси (ҳозирги «Совет Қорақалпоғистони»)да шеър чиқаришим керак, деган ўй бутун вужудимни қамраб олди. Натижада кўкламги экиш мавсумига бағишлаб шеър ёздим-да, редакциянинг адабиёт бўлими эшигини қоқдим. Киришга рухсат берилди. Ичкарида бўлим мудури билан гаплашиб ўтирган қорақалпоқ халқ шоири Содиқ Нуримбетов менга ўрин бўшатиш учун кетиш тараддудига тушган эди, бўлим бошлиғи:

— Содиқ оға, андак сабр қилсангиз, ёш шоирнинг машқини бирга эшитардик, — деб қолди.

Бу гапдан ўзимда йўқ суюниб кетдим: ахир, шеъримни икки шоир баравар эшитмоқчи. Икковида ҳам ўзимга нисбатан меҳр-шафқат ҳиссини туйиб, қироат билан шеър ўқишни бошлаб юбордим. Терлаб-тепчиб ўқиб бўлувдим ҳамки:

— Нима бу, қофияланган агроном маслаҳатими ё кўклам манзарасими? — деди бўлим мудури.

Мен энди ҳовуридан андак тушиб, шеъримнинг етакчи ғоясини батафсил тушунтира бошладим. У, мийиғида кулганча, гапларимни жимгина тинглаб ўтирди-да:

— Мана, энди тушунарли бўлди, — деди дабдурустандан жиддийлашиб. — Бироқ бу шеърингни газетада эълон қилишдан аввал битта шарт қўяман. Розимисан?

— Розиман! — дедим.



— Газета чиққан куни эрталаб қирқ мингга яқин хонадонга тарқатилади. Бундан ташқари, автоном республикадаги барча дўконларда сотилади. Шартим шуки, сен манови шеъринг босилиб чиққан куни эрталаб ўша қирқ минг хонадонга бирма-бир кириб чиқасан, барча дўкончаларнинг олдига бориб турасан.

— Нега энди? — деб сўрадим ҳайратдан донг қотиб.

— Садағанг кетай, иним, йўқса шеърингни ҳозиргина менга тушунтирганингдай ҳар бир газетхонга ким тушунтириб чиқади? — деди бўлим мудири.

Содиқ шоир айтган афсона: Ҳиндлар юртининг машхур мохорожаси Тож Маҳал мақбарасини зиёрат қилишга келганида нотаниш одам унга қуллуқ қилиб, ўзини номдор рассомман, деб таништирибди. Аллақандай сурат ҳам совға қилибди.

— Бу нима? — деб сўрабди мохорожа.

— Аждаҳонинг сурати. Сизга совға қилиш учун атайлаб чиздим, — дебди нотаниш рассом.

Ўша пайтлар ҳинд элида аждаҳолар ҳақида ҳар хил ривоятлар кенг тарқалган экан.

— Аждаҳо дегани шунақа бўларкан-да. Бу совғанг учун сенга ташаккур! — дебди мохорожа. — Хўш, энди бу суратнинг баҳосини айт-чи?

— Юз тилла, — дебди рассом.

Мохорожа унга юз тиллани берибди-да:

— Энди сен менга манови Тож Маҳалнинг суратини чизиб бер-чи, ҳақиға ўн минг тилла инъом қиламан, — дебди.

Рассом аста-секин ортига чекиниб, қочиб қолишнинг пайига тушибди. Мохорожа унинг шум ниятини сезиб, соқчиларига ушлаб, дорга осишни буюрибди...

...Ҳеч ким кўрмаган аждаҳони чизиб каби, ўзинг билмайдиган нарсани бўрттириб ёзиш жуда осон, — деб афсонага яқин ясади Содиқ шоир.

— Ўзинг учун қизиқ туюлган гап бошқалар учун ҳам қизиқарли бўлаверади деб ўйлама, — дерди онам.

— Бу кўҳна дунёнинг ўзидек ҳар бир одам боласи ҳам бус-бутун жумбоқ. Барча жанжалу гафолар ана шу жумбоқларни ечиш йўлида келиб чиқади, — дерди бобом.

— Сенга бошқа биров қанчалик сирли туюлса, сен ҳам унга шунчалик сирли туюласан. Бироқ, жумбоқнинг мушуқлиги ечилгунга қадар, — дерди момом.

Қариялар гурунгида: Бу ёруғ оламнинг паст-баландини, фалакнинг гардишини тўла англаб етишни хоҳламайдиган одам боласи йўқ бўлса керак.

— Агар ер юзидаги барча одамларни бир жойга тўплаб, ҳар бирининг кўрган-билганлари, ўй-фикрларини ўз оғизларидан эшитишнинг имкони бўлганида эди, худди ташқи қиёфалари ўхшамаганидек, гаплари ҳам ҳеч қачон бир хил бўлмасди. Биз яшаб турган олам ҳақида бари бир узил-кесил фикрга келолмаган бўлардик...

— Шу боисдан ҳам кундузни тушуниш учун тун бор, бугунни тушуниш учун ўтмиш билан келажак бор, ёлгонни билиш учун рост бор, дейди отам.

— Не-не ёлгонлар борки, айтсанг ҳамма ишона қолади. Не-не рост гаплар борки, айтсанг ҳеч ким ишонмайди, — дея кўп такрорларди Кўча бийи.

— Нима гапирсанг ҳам эҳтиёт бўлиб, ўйлаб гапир. Оғиздан чиққан ҳар бир сўз учун бош жавоб беради, — дерди онам.

## 14

Матбуотда бир шеъримни эълон қилсам бас, мени ҳамма таниб, дарров Ёзувчилар союзи чақиртирса керак, деб ўйлардим. Кўн ўтмай, бу хомхаёл экани маълум бўлди. Лекин, бари бир, кўнгила қургур бот-бот ўша тарафга талпинаверади. Оёқларим Ёзувчилар союзи-га стаклайверади. Ахири оёқларимга эрк бердим. Раиснинг кабинетига киришга ботинмай, кимсасиз қабулхонада ўтира-ўтира яна ортимга қайтдим. Ҳар қалай, қуруқ қайтмадим. Ушанда Ёзувчилар союзи ёғочдан қурилган бир қаватли бинога жойлашган эди. Қабулхонада ўтирганымда юпқагина эшикдан ичқарида бўлаётган суҳбат баралла эшитилиб турди.

Ёзувчилар союзи раисининг қабулхонасида эшитган суҳбатдан: — ...Мени динга мойил деб тушунманглару, эскиларнинг айтишича, ҳар бир одамнинг икки елкасида икки фаришта ўтирармиш. Улардан бири одамнинг савоб ишларини, иккинчиси гуноҳ ишларини ёзиб бора-верармиш. Одам нариги дунёга борганида ўша гуноҳ-савоб дафтарлари олдига қўйилармиш. Бу-ку, якка одам ҳақидаги диний гап... Бироқ бизда ҳар бир одам тугул бутун бошли халқнинг бугунга қадар кўрган-кечирганлари, унинг савоби у ёқда турсин, гуноҳи ёзилган

китоб ҳам йўқ. Бунга сабаб, гуноҳ-савобни қайд этиб борадиган «фаришталар», ҳозирги ибора билан айтганда, носирларнинг йўқлигида. Агар насрий жанрларни ривожлантириш ҳаракатини қилмасак, халқимиз тарихининг жуда кўп саҳифалари боз-бояғидек қоронғулигича қолаверади...

— Насрни ривожлантириш ҳақидаги масала бугунги йўғилиш кун тартибига киритилгани жуда тўғри бўлган! Бу иш урушдан аввалроқ йўлга қўйилиб, айрим ўртоқлар ўз қаламларини насрда синаб кўра бошлаган эди, бироқ уруш панд берди.

— Барчангизга маълумки, шеърият — адабиётнинг ривожланиш йўлидаги болалик даври. Биз қачонгача бола бўлиб қолаверамиз, ўртоқлар! Бизлар ҳам бошқа халқларга ўхшаб, йирик эпик полотнолар яратиш йўлига ўтишимиз керак...

— Ҳой, ука, тўхтаг! Сиз бунақа шеъриятни камситгунча диссертациянгиз билан шуғулланиб жимгина юраверинг, дурустми! Буюк Навоийни, Жомийни, Умар Ҳайёмни, Некрасовни, Бердақни, манови ёнимизда ўтирган ажойиб халқ шоирлари Аббос Добилов билан Содиқ Нуримбетовни ҳақорат қилманг!

— Кечирасиз, мен яхши шоирларимизни камситмоқчимасман. Биламан, шоир — халқнинг тили. Шоир — халқнинг фаҳри! Бироқ...

— Буюк Навоий қишлоқ оралаб ўтиб бораётган экан, бир уйдан қизлар жўр бўлиб айтаётган қўшиқни эшитиб, тўхтаб қолибди. Қизлар шоир ғазалини ўзларича куйга солиб айтишаётган экан, бу ҳолдан мамнун бўлиб диққат билан тинглай бошлабди. Зеҳн солиб эшитса, улар ғазалнинг айрим сатрларини ташлаб, бузиб айтишаётганмиш. Ушанда Навоий уйга бостириб кирибди. Қизлар гилам тўқишаётган экан, тўппа-тўғри борибди-ю, гиламнинг ипларини тортқилаб, гулини бузмоқчи бўлибди. Қизларнинг жаҳли чиқиб:

— Ие, ие, бу қанақаси? — дея улуг шоирнинг устига ёпирилишибди.

— Нега унда манови гиламларингиздек не-не машаққату заҳматлар билан, яна денг, сизлардек, кўплашиб эмас, ёлғиз ўзим тўқиган ғазални бузиб айтаяпсизлар? — дебди шоир. Бу одамнинг улуг Навоийлигини билган қизлар узр сўрашга тушибди. Шоир ҳам қизиққонлиги учун қизлардан узр сўраб чиқиб кетибди...

— Хўш, танқидчи укамиз, бунисига нима дейсиз энди?

— Бердақ шоирнинг отаси Қарғабой бир куни уйига ҳовлиқиб кирибдию аёлига дабдурустан: «Қани, бўла қол, тезда Бердақни ювинтириб-кийинтири-чи! Уни Хивага олиб бормоқчиман. Бизга бахт кулиб боқадиганга ўхшаб турибди», дебди. «Нега?» деб сўрабди аёли унинг муддаосини тушунмай. «Хивадаги хон саройида ишлаш учун энг доно, энг барно бир болакай қидиришаётган экан. Бу ёруғ оламда Бердақимиздан ақллироқ, чиройлироқ бола бўлиши мумкинми сира!» дебди Қарғабой. Аёли фаҳм-фаросатли экан, ичак-силласи қотиб кулибди. Қарғабой унинг ҳай-ҳайлашига қарамай, ўн яшар Бердақни тез-тез ювинтириб кийинтирибди-да, эшагининг ортига мингаштирибди. Кечаю-кундуз йўл тортиб, Хивага уч кун деганда етиб борибди. Хон саройига кириш учун бирин-кетин уч соқчининг олдидан ўтиш керак экан. Биринчи соқчиёқ Қарғабойга: «Шу қулоқлари қалқондай, бурни чўмичдай тасқара боласини уялмай олиб келиб турганини қаранглар!» деб масхара-ралаб кулибди. Қарғабой боласининг сулувлигини нари-бери исботламоқчи бўлган экан, соқчилар уларни уриб-сўкиб шаҳардан ҳайдаб чиқаришибди.

Ҳар кимга ҳам ўз фарзанди дунёдаги энг ақли расо, барно бўлиб кўринаверади. Қарғабой ўша дакки-дашномдан кейин то ўла-ўлгунича: «Менинг ҳам ақли, ҳам чиройли боламни кўра туриб саройга киритмаган хоннинг одамларига лаънат!», дея қарғаниб яшабди...

Шоирнинг шеъри ҳам — фарзанди. Уни камситишдан уялсангиз бўларди, иним!

— Бердақ ўша дакки-дашномдан кейин чиройлилиги билан эмас, сўзларининг ўткирлиги, ҳозиржавоблиги билан хон саройини қулатмасаям, ҳар қалай, зир титратган шоир бўлган.

— Шеъриятга тил теккизилмасин!..

— Халқ ҳаётини қайси жанрда кенгроқ кўрсатиш мумкин? Шу ҳақда гаплашайлик, ўртоқлар!

— Насрий асарларга конкурс эълон қилиш керак!..

Онамнинг насиҳатларидан: Сендан фикр айтиш лозим бўлса, хаёлингга келган гапни тилингга чиқараверма. Кўзингга кўриниб турган нарса ҳақида тил учидаги гапни айтаётганингда ҳам аввалига уч марта ютиниб ол!

Ўзинг ҳақингда гапиришинг керак бўлса, тўғри экан деб билган гапингни айтаверма. Аввало қалбингга

кулоқ сол, ён-верингга қара, қай гапни айтиш мумкинлигини билиб ол!

Агар икки одам бир-биридан арз қилиб олдингга келса, икковининг ҳам эркин гапиришига имкон бер. Гапларини оғирроқ бўлиб, холис туриб эшит. Ушандагина тўғри ечимга кела оласан. Сабаби, қарға — оппоғим, типратикон — юмшоғим, деганидек, ҳар кимнинг ўз гапи ўзига энг зўр ҳикмат!

...Ҳар қалай, Ёзувчилар союзида бўлиб ўтган ўша гойибона суҳбат кўнглимда чуқур из қолдирди.

Асрлар мобайнида оғзаки ижодиёт ва айрим шоирларнинг замона гардишларига қарши ҳасрат-надомат, ишқ-муҳаббат ҳисларига лим-лим шеърлари руҳида яшаб келган халқим реалистик насрни қандай қабул қиларкин?!

Теранроқ мушоҳада қилиб кўрсам, аксинча, бу халқ, реалистик асарларга бағоят чанқоқдек. Болалик чоғимда Лев Толстойнинг «Кавказ асири»нинг қорақалпоқ тилига таржимасини бобомга ўқиб берганимда, бобом менга ўша куни ҳеч бир иш буюрмай, ҳикояни ўқиб тугатгунимга қадар жимгина тинглаб ўтирган-да, кейин:

— Бу дostonнинг сўзлари шеърдай уйқашиб келмаса ҳам, воқеаси дostonларимиздагидай осмон билан ернинг ўртасида осилиб қолмас экан. Ерда тураркан. Ҳавойи гаплар эмас, нақ ҳаётнинг ўзи-я,— деган эди қаттиқ ҳаяжонланиб. Эсимда, ҳатто эртасига Жилиннинг қисматини бошқа қарияларга қорақалпоқ одамнинг қисматидек ҳикоя қилиб берганди.

Ўзимдан ўзим илҳомланиб, қаламимни насрда ҳам синаб кўриш мақсадида кўпдан бери хаёлимни банд қилиб юрган бир воқеани ҳикоя қилиб ёзишга ўтирдим. Кўп ўтмай, ёзиб тугатдим ҳам. Ўқиб чиқсам, ўзимга маъқул.

Фарзанднинг ишига ота-онасининг баҳосидан ҳам юксакроқ, самимийроқ баҳо бўлиши мумкинми сира! Ҳа, унга ота-она қарғишидан даҳшатлироқ қарғиш ҳам, олқишидан эзгуроқ олқиш ҳам бўлиши мумкин эмас!

Янги ёзилган ҳикояни редакцияга жўнатишдан аввал отам билан онамнинг фикрини билишни маъқул кўрдим. Бобом аввалги йили қазо қилганди...

Ота-онам ҳикоямни ихлос билан тинглашди. Отам етти ўлчаб, бир кесадиган одам эди. «Қани, сен бошлаб тур-чи!» дегандек онамга қия қаради. Онам одатдагидек ўктамлик билан гапни қисқа қилди:

— Нимадир етишмайди.

— Менимча ҳам бир камчилиги бордек, — деди отам.

Бироқ, иккалалари ҳам ҳикоянинг қандай камчилиги борлигини, нима етишмаслигини айтиб беролмадилар. Ҳазимча қайта-қайта ўқиб, ўйлана бошладим. Дарҳақиқат, унда энг муҳим нимадир етишмай тургандек. Лекин нима? Билолмай доғдаман!

Эртасига эрталаб онам:

— Сера, менимча, кечаги ёзганинда қўни-қўшниларингга, юртингга меҳр етишмас экан, — деди.

— Ҳовва, юртининг экинзорларини, кенг далаларини кўрганда кўюнишинг, суюнишинг, соғинишинг сезилмайди, — дея отам онамнинг гапини тўлдиришга тушди.

— Қўни-қўшниларга, эл-юртга, кенг-ясси далаларга меҳр-муҳаббатми, соғинч кўнгилда юртдан олисроққа кетганда туғилса керак, — дедим ўзимни оқлашга тиришиб.

— Йўк, Сера, — деди онам. — Мен, масалан, ҳар куни эрталаб қўни-қўшниларимни, манови дала ҳавосини, қуёш нурини соғиниб уйғонаман. Бу ҳам юртни соғиниш, юртга меҳр!

— Тўғри! — деди отам онамни қувватлаб. — Ҳар куни эрталаб экин далаларини, таниш-билишларини, эл-юртини соғиниб уйғонмаган одам, сенларнинг тилинг билан айтганда, ватанпарвар бўлолмайди.

Уларнинг тапқидидан кўнглим чўкиб-синиқиб, хаёлларим алгов-далгов бўлиб, Нукусга қайтдим. Хонамизга келсам, юрист оғайнимиз Қутлимурод оға Урозов ўтирибди. Бу кишининг доно маслаҳатлари, кутилмаган мантиқий далиллари эшитган одамни қойил қолдиргани учун ҳам келинлари ҳурматлаб «юрист қайноға!», ўғил-қизлари эса «юрист ота!» деб чақиришарди. Қулай фурсатдан фойдаланиб, дастлабки ҳикоямни шу «юрист ота»га ҳам ўқиб берсаммикин, деган фикрга келдим.

У бировнинг гапини сабр-тоқат билан эшита оладиган одам эди. Қимирламай сукут сақлаб ўтираверди. Ҳикоямнинг бутун-бутун саҳифалари ўзимга ёд бўлиб кетганмасми, ўқиштиб кўз қирим билан қараб-қараб қўяман. Аввалига иштиёқ балқиган юзи тобора ўзгариб бораверди. Пешонасидаги мошдеккина ҳолини қайта-қайта силанга тушди. Сездимки, манзур бўлмаяпти. Бир амалаб ўқишни тугатдим.

Юрист отанинг насиҳатларидан: Биз юристлар биронинга ҳакамлик қиларканмиз, уни келтириб чиқарган сабабларни қидирамиз. Ҳикояингда бўлса, уларни қидириш йўқ. Ҳар бир қаҳрамоннинг ўзи билан ўзи овора. Ён-берида ким борлигини кўрмайди, нима борлигини билмайди. Марксистик диалектикани ўқиганмисан ўзи? Табиатда ҳамма нарса бир-бирига боғланиб-чатишиб кетган. Бирини иккинчисини тўлдиради, бири иккинчисини келтириб чиқаради ё шикор этади. Ёзувчи — ҳаёт дарслигини яратувчи одам. Шунинг учун у табиатдаги ҳар бир ҳодисани чуқур англаб етмаса, унинг моҳиятига кириб бормаса, ёзганига ҳеч ким ишонмай қўяди.

Ёдингда бўлсинки, инсон умрининг мазмунини ўлчовчи мезон — унинг атрофдагилар билан муносабатида.

Осмонга қара, қуёш нега турибди? Шамол нега эсади? Теракларнинг барглари нима деб шивирлайди?.. Ҳаётнинг турган-битгани жумбоқ! Одам теварагидаги нарсаларни ҳаммаша кўриб-сезиб тургани учун уларнинг ўзига таъсирини аксарият ҳолларда англаб етавермайди. Ҳа, энди, анови бор нарса-да, манови нарса ўз ўрнида-ку, мен йўқ нарсани қидириб тонай, дейди баъзи бировлар. Йўқ нарсани қидириш беҳуда иш, бари бир уни топиб бўлмайди. Аввало бориға таяниб, борнинг борлигини кўрсата олиннинг ўзи — ҳикмат!

Юрист ота айтган бир жуфт афсона: Аввал-бошда бутун жаҳонга бир шоҳ ҳукмдорлик қиларкан. Йиллар ўтиши билан қабилало элатлар кўпайиб, бир ҳукмдорнинг юрти бошқариши мушкуллашибди. Шу сабабдан: «Ҳар бир овул саройда мен билан ўтириб, эл-юртни идора қиладиган битта-битта дошмандни ҳузуримга юборсин!» деб чор тарафга жар солдирибди. Барча овуллар ўзларича маслаҳатга йиғилиб, шоҳнинг буйруғини бажо келтиришибди. Биргина овулдан ҳеч ким келавермабди. Шоҳ бу ҳолдан безовталаниб, ўша овулга маҳсус чопар йўллабди.

Орадан кўп ўтмай, бутун овул аҳли чопарга эрганиб саройга келибди. Шоҳ ажабланиб:

— Бу қанақаси? — деб сўрабди овулдошлардан.

— Сизнинг ёнингизда ўтиришга ҳаммамизнинг ҳам иштиёқимиз зўр. Шунинг учун орамиздан бир одамни танлаш мушкул бўлди, — дебди овул оқсоқоли.

Шоҳнинг қаҳри келиб:

— Бир-бирингизга гайирлик қилмай, холис туриб ораларингиздаги энг донишманд бир одамни қолдирмасангизлар, айтиб қўяй, саройимда сизларнинг сўзингизни сўзлаб, ор-номусингизни ҳимоя қиладиган ҳеч ким бўлмайди, — дея гапни қисқа қилибди.

Овулдошлардан биронтаси: «Саройда фалончи қолсин!» деб айтолмай тура-тура, ахири ҳаммалари ортларига қайтишибди.

ЯНА: Уша шоҳ саройида маслаҳатгўйлар кўпайибди, талай бойлик тўпланибди. Саройнинг шуҳрати кундан-кунга орта борибди. Энди бу шуҳратни кўролмайдиган ғаламислар пайдо бўлибди. Саройни улардан ҳимоя қилиш учун ҳар бир овулга: «Биттадан навкар жўнатилин!» деб яна жарчилар йўлланибди. Барча овуллар бу гал ҳам ўзаро маслаҳатлашиб, саройни ҳимоя қилиш учун битта-биттадан навкар юборишибди. Саройга бир маслаҳатгўй юборишнинг уддасидан чиқолмаган ўша овул аҳли яна жамулжам бўлиб шоҳ ҳузурига келибди. «Сизни, саройингизни уруғ-аймоғимиз билан ҳаммамиз барабар ҳимоя қилмоқчимиз!» дейишибди. Шоҳ бу гал ўйланиб олиш учун уларга сарой ташқарисида бир оқшом тунашга рухсат берибди. Бахтга қарши ўша тунда саройга ёв бостириб келиб, туни билан қиргин-барот жанг бўлибди. Шоҳ эрталаб уйқудан уйғониб, сарой ташқарисига чиқса, талай навкарлар ўлдирилган, ярадор бўлган. Кеча келган овул аҳлидан биргина одам тирик қолибди.

Шоҳ ундан:

— Бошқа овулдошларинг сени навкарликка қолдириб, қайтиб кетишдими? — деб. сўраган экан, у шоҳга сарой теваарагида ҳар бири ёвнинг бир навкарини қучоқлаганча ўлиб ётган одамларни кўрсатиб:

— Мана, менинг овулдошларим, — дебди.

— Ёв келганида мени ёки шаҳзодаларни нега уйғотмадинглар? — деб сўрабди шоҳ.

— Сиз билан ўғилларингизнинг, аёнларингизнинг тинчлигини бузадиган бўлсак, бу дунёда нима қилиб юрибмиз?! — дебди у.

Шоҳ ўша йигитнинг пешонасидан силаб: «Оббо, бечора-ей, бир элдан ёлғиз ўзинг қолибсан-да! Сен энди ҳамиша бошқалардан ажралиб тур. Узиму насл-насабимнинг тинчлиги учун ёвларим билан жанг қилиб ўлган элатдошларингни ҳеч қачон унутмаслигинг



учун манови мотам белгиси бўлсин!» деб унинг бошига қора қалпоқ кийгизибди...

...Ёзувчи бўлсанг, мана шундай афсоналарга ҳам суян. Бу афсоналарда улкан ҳикмат бор. Ҳеч бўлмаганда, халқимизнинг тарихий тақдирини, миллий хусусиятларини кўрсатувчи ҳақиқат учқуни бор. Ҳақиқат деганлари кимнидир адои тамом қилувчи заҳар, кимгадир шифо бахш этувчи мўмиёи асил. Китобинг душманлар учун заҳар, дўстлар учун дори бўлиб хизмат қилмас экан, бундай ёзувчиликнинг баҳридан ўтганинг маъқул! Ахир, шунинг учун ҳам ёзувчининг меҳнати инсоният кашф этган меҳнат турларининг ҳеч бири билан таққослаб бўлмайдиган даражада оғир!..

\* \* \*

Биринчи ҳикоямнинг биринчи мунаққидлари, гарчи адабиётдан йироқроқ кишилар эсалар-да, менинг ўйларим яна остин-устин бўлиб кетди.

— Ким ўз халқини қанчалик севса, халқи ҳам уни шунчалик севади, — дейилади халқ ҳикматида.

— Ўз онасини ҳурмат қилмаган одамнинг бошқа оналарни ҳурматлай олишига ишонма, — дейилади жаҳондаги кўпгина халқлар ҳикматида.

— Ҳамма одамлар бир-бирларини бараварига яхши кўраверганларида эди, ёмон кўришнинг нима экани номаълум бўлиб қоларди. Ўзидан нуқсон қидирмаган одам бошқаларнинг фазилатини холис баҳолаёлмайди, — деб ўргатарди бобом...

Назаримда энди мен учун қўни-қўшниларим, дўст-биродарларим, эл-юртимга меҳр-муҳаббат, соғинч туйғуларисиз тириклик ўлим билан баробардек эди.

15

Кўнглимдаги орзуларим тўла рўёбга чиқиши учун нима қилиш керак?!

— Ер қондириб суғорилмаса, уни чуқур шудгорлаб, экинни бир текис кўқартганингдан фойда йўқ, ҳосил ололмайсан, — дер эди отам.

— Яхшилаб совутилмаган отни шошқалоқлик қилиб кўпқарига қўшавермаслик керак, — дер эди бобом.

Ҳали тузук-қуруқ бир шеър ёзолмай юриб, дабдурустдан ёзиб ташлаган ҳикоям туфайли эшитган дакки-

дашномларим ўзимнинг ҳали қондириб суворилмаган ер, яхшилаб совитидмаган от эканимни аён кўрсатди.

Энди фақат бадний асарлар билангина эмас, уларнинг қандай яратилгани, умуман, қандай яратилиши, кимлар яратилиши ҳам яхшироқ билиб олишим керак!

Қайсидир бир мутафаккирнинг: «Санъат қурбонлик талаб қилади», деган гаинини дастлаб ўқиганимда, бунинг маъноси бутун ҳаётинини, ҳатто уйқуга ажратилган вақтинини ҳам санъат йўлида сарфлаш эканини тушуниб етмай, «Ким ҳам адабиёт учун ўз ихтиёри билан жонини фидо қиларди!» дея ажабланганларим эсимга тushса, ҳали-ҳануз хижолат тортаман.

«Мен адабиётга учар юлдуз бўлиб келдим, чақмоқ бўлиб кетаман», деган Мопассаннинг ўн йил ичида ўн та шеърини тўплам, олти та роман, ўн олти та новелла ва ҳикоялар тўплами, уч очерклар тўплами, қатор хроникалар ёзганини ўқиганимда, юрагим орқамга тортиб кетди.

Ҳали тириклигидаёқ шухрати оламни тутган, жаҳон китобхонларининг ҳурматига сазовор бўлган буюк Гётенинг ҳадеб ёзиш билан мангул бўлавериб, бу ёруғ дуйёнинг гашту фароғатларидан овлоқ хонанишликда умр ўтказгани сабабли чеккан афсус-надоматлари! Тафаккур уфқи чексиз Лев Толстойнинг «Уйқу» ҳикоясини 29 мартаба кўчиргани, шоҳ асари «Уруш ва тинчлик»ни эса 15 марта қайта бошдан ёзиб чиққани, ўшанда ҳам чон этилгандан кейин ўзининг кўнгли тўлавермаган ўришларини эслаб, қаттиқ ўқиганларини ўқиганимда юрагим ўртанди. Чеховнинг кўрган-эшитганларини қайд этиб қўйиш учун ҳамisha ён дафтар билан юрганини, Бучинининг эса, аксинча, бирон-бир ён дафтар тутмаганини ўқиганимда ўзимни икки ўт орасида қолгандек сездим. Печа-печа шоҳ асарлар яратган Эдгар Поининг сарсонлик-саргардонликда яшаб, хорзорликда ўлиб кетганини, ўз халқининг содиқ фарзанди, чинакам ватанпарвар Чернишевский Россиянинг душмани сифатида жазоланганини, «Бовари хоним»дек асар муаллифи Флоберга «Францияда ахлоқ қондаларига нутур етказди», дея не-не прокурорлар айбномалар ёзганини ўқиганимда, аъзойи баданим титроққа тушди. Михаил Шолоховнинг «Тинч Дон» асари дастлаб кичик бир китобча сифатида бошланиб, ахирини тўрт жыллик эпопеяга айланиб кетганини билганимда, тиззаларим қалтираб, бўгини-бўгинларим бўшаниб кетди...

Мана шундан кейин ҳар бир классикнинг йўли мени қудратли оҳанграбодек ўзига тортиб, ўтирган ўрнимдан туришга вақт тополмайдигандек аҳволда қолдим. Бетиним ўқиганим сари тобора улғаяётганимни ҳис қилсам-да, назаримда ажабтовур гангиб-эсанкирагандекман. Алланечук вазминлашиб қолдим. Хаёлим буюк санъаткорлар асарлари орасида сарсари кезиб, уларнинг адабиёт майдонида чалган кўнгироқ садоларидан қулоқларим том битгудек бўлди. Орзумга эришиш йўлидаги хаёл қушига эрк беришдан қўрқинчим кун-бакуи ортиб, кўзларим тиниб бораётгандек эди.

Онам айтган афсона: Бир донишманд фарзандларини ўстириб-улғайтириб, ҳар бирининг ўз аравасини ўзи тортишига рухсат берибди-ю, уларни минглаб сўқмоқлар кесишган жойга олиб келиб: «Қани, болаларим, оқ йўл, ҳар ким ўзи хоҳлаган сўқмоғига тушиб кетаверсин», дебди. Болалар, кимдир икков-учов бўлиб бирикиб, кимдир ёлғиз ўзи<sup>1</sup> апил-тапил бир сўқмоққа тушиб кетаверибди. Журъатсизроқ бир йиғит қайси сўқмоқдан кетишни билмай, туриб-туриб, ахири отасининг уйига қайтиб келибди.

— Ҳа, болам, нега қайтиб келдинг? — деб сўрабди отаси.

— Қай сўқмоқдан кетишни билмадим, — дебди йиғит.

— О-о, бечора болагинам-а! Олдинга ҳаётнинг минг хил сўқмоғини қўйсаму, ундан ўзинга маъқулин тандаёлмасанг, қанақа одам бўлдинг сен?! — деб отаси ўғлидан юз ўгирибди.

Айрим фарзандлар қонида ўша инжиқ, ноқобил одамнинг феъли ҳали-ҳануз сақланиб қолаётганига ўкинадди киши...

Кўча Бийининг айтгани: Болалик пайтида бир қўшнимизнинг ёлғиз ўғли бўларди. Чўндек озғин, ўтакетган инжиқ эди. Бир куни унинг онаси онамнинг ёнига келиб: «Болагни бериб тур-чи, мен ўғлимга овқат егизиб олай», деб илтимос қилди. Онам унинг илтимосини ерда қолдирмади. Борсам, ҳалиги аёл боласининг олдига бир лаган палов қўйиб: «Ейқол, ўғлим, йўқса манови бола еб қўяди», деди. Уша заҳоти болакай лаганга чанг солиб, таом тугагунча апил-тапил ейверди. Ана шундан кейин ҳалиги аёл мени

тез-тез онамдан сўраб олиб кетадиган бўлди. Биров овқат еяётганда тишининг зангини сўриб ўтиришдан ортиқроқ азоб бўлмаса керак. Бир куни чидаёлмай аҳволни онамга айтувдим, мени бошқа юбормай қўйди. Бу билан қўшнининг боласига пешкаш қилиш учун бола топилмай қолмади, албатта. Энди отаси бошқа қўшниларнинг болаларини сўраб олиб келадиган бўлди. Бора-бора овулнинг нариги бурчидан, кейинчалик қўшни овуллардан бола сўраб олиб келадиган бўлишди.

Уша чўпдек озгин бола вақти келиб семирди, ҳарсиллаб-лорсиллаб, ахири кунлардан бир кун юролмайдиган бўлиб қолди.

Баъзи шоирларимизнинг ёстиқдек-ёстиқдек китоблари қўлимга тушиб қолса, ўша қўшнимизнинг хомсемиз боласини эслайман...

«Пала-партиш ўқийвериш ҳам пала-партиш овқат ейверишдек гап: охир-оқибат мачал бўлиб қолишинг мумкин», дерди адабиёт муаллимим.

\* \* \*

Мен энди онам айтган афсонадаги умрнинг минглаб сўқмоқларидан биттасини танлаёлмаган одамнинг, Кўча бийи айтган хомсемизнинг қисматини ўзимда кўрган-дек бўлдим. Бу тасаввур руҳимни безовта қилиб, юрагимга баттар ғулғула солди. Нима бўлса бўлсин, менга қадар очилган кенг-равон кўчалар қошидан ўз сўқмоғимни қидириб кўришга аҳд қилдим.

Уқиб-ўрганганларимга кўра, Чехов ибораси билан айтганда, одамдаги ички гўзаллик ташқи гўзалликка мутаносиб бўлса, ўз сўзининг устидан чиқадиған лафзи ҳалол бўлса, у ўзига ҳам, атрофдагиларга ҳам таъсир ўтказа олади, тарбияланади, тарбиялайди. Бу борада ҳам Лев Толстой ҳаммамиз учун ибрат. У фавқулодда меҳнатсевар инсон сифатида аввало ўз халқидан ўрганди, инсоният тарихидаги энг етук сиймолар руҳидан озиқ олди. Охир-оқибат ўз халқининг тарбиячисига айланди. Буткул инсониятнинг устозларидан бири бўлиб қолди.

Лев Толстойдек оламшумул санъаткор бўлишни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз! У дунёни шундоққина кафтида тутиб фикр айтувчи закий зот сифатида инсониятнинг ҳаёт фалсафасини бадий сўз воситасида ифодалашнинг бетакрор намунасини кўрсатди. Кўҳна Шарқ адабиётининг бой хазинасидан ҳам баҳраманд

бўлиб, бу фалсафани одамзод маънавиётидаги умумжаҳон симфониянинг муҳим бир чолғусига айлантиришга ҳисса қўшди.

Назаримда, бу гаплар ҳам ҳали чуқур ва атрофлича билим эмас, буюк санъаткор ижодига ошуфта боқатган мухлис тасаввурининг ифодаси бўлса керак. Чунки билимнинг ҳали саёзлиги, кеч ўқий-ўргана бошлаганим ўзимга аён. Бу кемтикни тўлдириш, кечикканимнинг ҳиссасини чиқариш йўлидаги бор имкониятларимни ишга солдим. Буюк санъаткорларнинг умр йўлию асарларига ўзлимни, ўз билимни ўзимга аён кўрсатувчи кўзгу сифатида такрор-такрор назар ташлашни одатга айлантирдим. Умар Ҳайём ва Фузулий, Навоий ва Бердақ асарлари кўҳна тарих кечмишларидан замонамизга қадар етиб келган нидолар, қиргинбарот уруш суронлари, қиличлар жаранги, одамзодни эзгуликка чорловчи даъваткор ҳайқириқлар бўлиб қулоқларим остида акс-садо бериб турди. Бальзак ва Флобер, Диккенс ва Тургенев романлари бу санъаткорлар яшаган даврлардан бизга мангулик хотира бўлиб қолган тарихий воқеалар тасвири шифатидагина эмас, ҳаётнинг баайни ўзи, инсониятнинг суронли кечмишларини акс эттирувчи тиниқ кўзгулар сифатида кўз олдимизда намоён бўлади.

Лекин, ҳар бир одамнинг кенг дунёга чиқадиган эшиги — ўз уйининг эшиги. Бу чексиз оламга боқиб ҳайратланиш учун ҳам, дунёни теранроқ англаб етиш учун ҳам аввало ўз уйингда нима бор-йўқлигини яхши билиб, ҳар бир буюмнинг сифати — фазилати ва нуқсонини илғаб-англаб олишинг шарт. Мен она адабиётимга қайта шўнғидим. Шу пайтга қадар ўзимни азот кўтариб йўртган она адабиётим энди назаримда озгин-нимжон тойчоққа ўхшаб қолди.

Кўча Бийи айтган афсона: Кунлардан бир куни буюк Хоразм шоҳи қорақалпоқларнинг бош бийи Ойдўс бобони Хивага аллақандай базмга таклиф қилибди. Кўпни кўрган Ойдўс бобо базмга ёлғиз бормаслик учун бошқа юртларда узоқ яшаб, талай билимларни ўзлаштириб қайтган бир одамни ўзига маслаҳатгўй қилиб ола борибди. Бундан кўзда тутган мақсади: мабодо хоннинг кўнглида меҳр-илтифот уйғониб, қорақалпоқ юртига мустақил хонлик бериш нияти пайдо бўлса, юртни бошқариш ишларида мана шундай билимдон, оқил йигитларим менга кўмакдош бўлади,

демоқчи экан. Шундай қилиб, хон базм чоғи Ойдўс бобою у эргаштириб келган йигит билан бир лагандан ош ебди. Бу ўша замонларда хон тарафидан кўрсатиладиган энг зўр илтифот экан. Палов еётганларида хоннинг кўксини қоплаган қалин қора соқолига бир доно гуруч ёпишиб қолибди. Меҳмонлар олдида хоннинг ноқулай аҳволда қолганини кўрган маслаҳатгўйи шундай байт ўқибди:

Садаганг кетайин Хиванинг хони,  
Сизни кўрса чиқади барчанинг жони.  
Хоразм тўқайида бир пиёда қолди,  
Беш отлиқ юбориб олдириг уни.

Байтни эшитган хон гўё бармоқлари билан соқолини силамоқчи бўлиб гуруч донасини киши билмас тушириб юборибди.

Бу ҳолга қойил қолган Ойдўс бобо ташқарига ёзилиш учун чиққанларида, эргаштириб келган йигитни қошига чақириб:

— Хоннинг маслаҳатгўйи ўқиган ҳалиги байтнинг маъносини тушундингми? — деб сўрабди. — Қара, «Хоразм тўқайи» дегани хоннинг соқоли эди. «Бир пиёда» — соқолга ёпишиб қолган гуруч донаси эди. «Беш отлиқ» дегани — беш бармоқ эди. Кўрдингми, қандай чиройли гап қилди!

— Ойдўс бобо, ҳеч гап еманг! Хотиржам бўлаверинг, мабодо сизнинг соқолингизга ҳам гуруч ёпишиб қолса, мен ўша маслаҳатгўйдан ошириб юбораман. Шунча йилдан бери бекорга ўқибманми! — деб йигит уни ишонтирибди.

Эртасига ҳам хон уларни базмга чақириб, яна бир лагандан овқат ебди. Ойдўс бобо маслаҳатгўйини синаш мақсадида атайлаб соқолида гуруч донасини қолдирибди. Ошалаб овқат еётган маслаҳатгўйининг бунга кўзи тушиб:

— Ойдўс бобо, Ойдўс бобо! Кеча кечқурун ёзилаётиб айтганингиз келди. Соқолингизни силаб анов гуручни тушириб юборинг, — дебди.

Хон хохолаб кулганча:

— Ойдўс бобо, ўқимишли деб мақтаб юрган манови маслаҳатгўйингнинг савиясини билмай туриб, хал-

қингни менинг хошлигимдан ажратиб олмоқчи, мустақил хонлик тузмоқчи бўлганинг қизиқ! — деб ўрнидан туриб кетибди.

\* \* \*

— Халқимиз фарзандларининг юрт бошқара олишларига ҳали эртароқ шекилли-да, — деяверарди бобом.

— Чала билгандан билмаган маъқулроқ, — дерди онам.

— Одамдаги энг ёмон иллат — билимдонликни пеш қилиш, — дерди отам.

— Биров билан чинакамига дўстлашишнинг бирламчи шarti — унинг ёмонини яшириб, яхшисини ошириб кўрсатиш, — деб кўп уқтирарди Кўча бийи.

...Ёшлигимда ўзим завқ-шавқ билан ўқиган айрим ёзувчиларимизнинг асарларидан, кўпдан-кўп афсона-лару хангомалардан янада яхшироқ баҳраманд бўлиш, уларга балодроқдан туриб чуқурроқ назар ташлаш мақсадида такрор-такрор ўқиш ва шу орқали ўзлигимни теранроқ англаш машқига тушдим. Мақсадим ўша-ўша: халқ билан тил топишиш — жоир бўлиш!

Қариялар хангомаларидан: Золим хон саройида унга содиқ, билимдон бир хизматчи бўлган экан. У ҳар куни ишга кечикиб келаркан. Бу ёмон одати учун хон уни жазоламоқчи бўлибди. Бироқ, бундай билимдон, керакли хизматчининг ҳар гал ишга кечикиш сабабини аниқлашни бошқаларга ишонмай, бир куни эрталаб унинг уйига ўзи борибди. Қараса, хизматчи мункиллаб қолган онасига нон чайнаб бераётган экан. Ана шунда золим хон ўз аҳдидан қайтиб:

— Онасини мана шундай ҳурматлай олган одамда гуноҳ бўлмайди, — деб унинг олдида бош эгибди.

ЯНА: Бир онанинг ёлғиз ўғли бор экан. У куну тун яккаю ягона арзандасининг йўлида пой-патак бўлиб, ўғлининг бирон марта қовоқ уйиб мунғаймаслиги учун ўлиб-тирилар, ҳеч қачон қаттиқ гапирмас экан. Насиҳат қилганда ҳам, бирон иш буюрганда ҳам айтадиган сўзлари «қароғим», «чироғим», «бўталогим» экан. Болам ўқиб, қаторидан олдинда бўлсин, ақл тўпласин, деган ниятда аёл топган-тутганини сотиб-йигиб, ўғлини бегона юртларга ўқишга юборибди. Бола етти йил ўқиб келибди. Она тагин аввалгидек унга

гиргиттон бўлиб, топган-тутганини ўғлига ичириш, едириш, кийдиришга тушибди. Бироқ йигитга онасининг ҳеч бир хатти-ҳаракати ёқмасмиш. Онаси олдига овқат олиб келса бас: «Унақа эмас, бунақа», деб йўқ жойдан жанжал чиқаравераркан. Тикиб берган кийимларини ёқтирмай, ҳақоратлайвераркан. Онаизор жавоб қайтаргудек бўлса, унга мушт кўтариш одати ҳам чиқибди.

Арзандасининг инжиқлигига чидай-чидай, ахири тоқати тоқ бўлган она кунлардан бир куни уни ёнига ўтқазиб, насиҳат қилмоқчи бўлган экан, йигит: «Мен сендан эмас, сен мендан насиҳат тинглашинг керак», деб онасини уриб-уриб уйдан бош олиб чиқиб кетибди. Овул яқинидаги тўқайга бориб, бир туп тўранғил-нинг остида ётган экан, қаёқдандир ёлғиз кучугини эргаштириб келаётган итга кўзи тушибди. Зерикканидан итнинг ҳаракатларини кузата бошлабди. Қараса, ит бир туп жинғилнинг панасида туриб, шохда қўниб ўтирган анқов чумчуқни ушлаб олибди-да, патларини юлиб-юлиб, кучугига берибди. Ўзи оч она ит тумшугини ялаб-тамшаниб, кучугининг тўйганидан мамнун бўлиб қуёшга тобланиб ётибди. Қорни тўйган кучук сакраб-ўйноқлаб, оч онасини тишлаб, юмма талашга тушибди.

Йигитнинг кучукка қаҳри келибди: «Муштдай чумчуқни ўзи ейишга кўзи қиймай қорнини тўйдирган онасини нега талайди занғар!» дея уни уруш учун ўрнидан турган экан, қўлида кўза кўтарган ўз онасини кўриб қолибди. Она жаҳл устида уйдан овқат емай чиқиб кетган ёлғиз ўғлим очқаб қолмасин, деб унинг ортидан овқат олиб келаётган экан. Ана шунда ўғил ўзини гуноҳкор сезиб, кечирим сўраш учун онасига қараб югурибди. Она бўлса, боламнинг жаҳли ҳалигача тарқамай, яна урмоқчи бўляпти шекилли, деб ўйлаб ортига қарай-қарай қочиб бораётган экан, бехосдан эски бир қудуққа тушиб кетибдию тил тортмай ўлибди...

Онани ҳар қандай оғир вазиятда ҳам оналик меҳри тарк этмайди. Аммо фарзанд ҳам ўзининг фарзандлик бурчини унутмаслиги лозим.

— Она — халқ дейдилар. Ҳар бир халқнинг ўз фарзандига меҳр-саховати чексиз. Фақат уни ҳис қилмоқ, халқ олдидаги фарзандлик бурчини муносиб равишда адо этмоқ керак.

Бобомнинг насиҳатларидан: Ўзинг ҳақингда гапирмоқчи бўлсанг аввало ота-онангни ўйла. Агар гапларинг



ёлгон бўлиб чиқса, эл-юрт аввало ўзингга эмас, ота-онага лаънат айтади. Кейин тингловчини ўйла. Балки унинг ҳам сенга ёргиси келаётган ўз дардлари бордир. Қолаверса, ўзингниям ўйла. Ўзинг ҳақингда кўп гапириш — мақтанчоқликнинг бир кўриниши. Мақтаниш бўлса, ожизларнинг ўз ожизлигини яшириш усули.

**Онамнинг насиҳатларидан:** Ўзингни икки нарсадан соқит қил: биринчиси — ўзбилармонлик, иккинчиси — ёлгончилик.

\* \* \*

Она адабиётим хусусида қандай хаёлларга бормай, уни бошқаларга қандай таърифламай, буларнинг бир чеккаси ўзимга ҳам тегишли, албатта. Чунки мен қандай асар ёзишимдан қатъи назар аввало «қорақалпоқ адабиёти» деб аталмиш боғнинг мевасиман. Бу боғнинг сермахсуллигидан фахрлансам ёки ҳосилининг чўғи йўқлигидан афсуслансам, ҳар икки ҳолнинг боиси худписандлик ё нописандлик эмас, хайрихоҳлик.

— Ўзининг ожиз томонини яшириш хом сут эмган бандага хос одат, — дерди бобом.

— Ожизлигингни яширганинг билан кучайиб кетмайсан, — дея огоҳлантирарди отам.

— Касалини яширган бемор ўлимини тезлаштиради, — деб кўп уқтирарди онам.

...Ҳар қалай, она адабиётим энди мен учун болалик чоғимда қувона-қувона кийган, улғайгач, эгнимга тор келиб қолган энг яхши кийимларимга ўхшарди.

16

Газеталарнинг редакцияларига тез-тез бориб турардим-у, бироқ Ёзувчилар союзига бораверишдан тортинардим. Назаримда, у даргоҳда яккаш беғараз, билимдон, авлиёсифат одамлар бўлади. Улар билан бемалол, юзма-юз туриб, ҳайиқмай гаплашиш осонми! Саволларига муносиб жавоб беролмасанг, бамаънироқ бир гап айтолмасанг, уят-да! Икки ўртада мулзам бўлганинг қолади. Йўқ, мен ҳали ёзувчилар билан юзма-юз туриб гаплашишга тайёр эмасман. Лекин ўша бир гал Ёзувчилар союзи раисининг қабулхонасида ўтириб, эшик

ортдан эшитган суҳбат эсимда. «Ёзувчилар союзи насри ривожлантирмоқчига ўхшайди. Бирон нима ёзиб, мен ҳам ўзимга яраша «совға» билан борсам эди», дея орзиқаман. Бироқ уддалаёлмайман. Хуллас: «Нима бўлса бўлди, таваккал, аввалига нима ҳақда ёзиш кераклигини маслаҳатлашиб кўрай-чи», деб Ёзувчилар союзига тағин кириб бордим. Қабулхонага кирсам, эшик ланг очик. Ичкарида бир гуруҳ ёзувчилар аллакимнинг китобини муҳокама қилмоқчи бўлиб туришган экан. Менга ҳоч ким «кел» демади ҳам, «кимни қидириб юрибсан?» деб сўрамади ҳам. Остонадан ҳатлаб, кирган ердаги бўш ўриндиққа омонатгина ўтирдим.

Ёзувчилар союзидаги ўзим илк бор қатнашган муҳокамадан хотирамда сақланиб қолганлари:

*Тақризчи:* Мен биринчи тақризчи бўлганлигим учун қўлёзмани батафсилроқ таҳлил қилмоқчиман. Очигини айтсам, тўпламнинг биринчи қисмидаги насрий асар менга маъқул келмади. Сабаби, қаламга олинган рост воқеалар ёлғонга, ёлғони ростга ўхшайди. Муаллиф ҳаётни яхши билмайди. Колхозда қанчадан-қанча одам ишлашини назардан қочириб, улар орасида биргина зарбдорни кўрсатиш билан кифояланган. Устига устак, табиат тасвири ноаниқ. Олтмишинчи бетда қиш тасвирланган. Олтмиш учинчи бетда эса, яна қиш бошланди, дейилган. Баҳор қаёққа кетди. Ёз қани? Куз қаёқда қолди?

*Муаллиф:* Сиз синчиклаб ўқимабсиз. Мен аввалги тўрт бетда тўрт мавсумни кетма-кет тасвирлаб қутулганман.

*Тақризчи:* Кечирасиз, мен диққат билан ўқиб чиққанман. Бироқ, сиз китобингизда шундай даврни қаламга олгансизки, у пайтда ўзингиз ҳали туғилмаган эдингиз. Узингиз кўрмаган-билмаган нарсани ёзиб бўларканми? Бу реалистик адабиётга ёт!..

*Савол:* Бу асарда сизга маъқул жиҳатлар борми сира?!

*Тақризчи:* Бор. Бу китоб шоир одамнинг ёзган насрий асари экани сезилиб турибди. Муаллиф воқеаларни насрий ёзсаям, қаҳрамонларини кўпинча шеърий йўл билан ганиртиради.

*Савол:* Китобнинг иккинчи бўлими-чи?

*Тақризчи:* Иккинчи бўлимда ҳаммаси шеърлар. Мен бу шоирдан янгилик кутгандим. Афсуски, тополмадим. Эски тартиб билан икки қаторни бир, тўрт қаторни

бир қофиялаштирган. Агар 6-8 қаторни бараварига қофиялаштирганида эди, бугунги куннинг талабига жавоб берган бўларди. Чунки шеърлар асосан дўстлик мавзуга бағишланган. Шундай бўлганидан кейин, ахир дўстлик шеърларнинг қофиясида ҳам бир қарашдаёқ кўзга кўришиб туриши керак-да! Шеърнинг шаклидаки дўстлик йўқ экан, мазмунида қаёқдан бўлсин? Муҳаббат мавзудаги шеърлар ҳам шаклан номаъқул. Уч сатр қофияланади, тўртинчиси эркин. Бу мавзудаги шеърларда икки сатр қофияланиб, учинчи сатр эркин келганида ҳаётийроқ бўларди. Мана шунда шакл билан мазмун бирлашарди. Баъзи ўринларда банднинг сўнгги икки сатри бир-бири билан аразлашиб қолган эр-хотинларга ўхшайди. Энди «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган сиёсий шеърга келсак, бу шеър жуда яхши ёзилган. Шеърнинг ҳар бир сатри чинакам пролетарга ўхшайди. Яъни қисқа бўгинли сўзлар бир-бирларига занжирдай уланиб турибди.

*Муаллиф:* Шеърларимга берилган баҳога мутлақо қўшилмайман. Бировнинг боғини мевасиз деб ёмонотлиқ қилиш осон! Хўш, тақризчининг ўз боғида нима бор? Айтиб қўяй, шеърларимга ҳеч ким тил теккиза кўрмасин! Билсаларинг, менинг бир шеърим юз минг нусхада босиладиган журналда эълон қилинган! Демак, мени юз минг ўқувчи билади. Қирқ одам исмингни биладими, анойимассан, дейди халқимиз. Исминни юз минг журналхоннинг билиши менинг кимлигимни кўзларингга кўрсатиб турган бўлса керак?!

Уртоқ тақризчи, ўқиган тўртта китобингизу ёзаётган диссертациянгни пеш қилиб, бу ерда оғзингизга келган гапни валақлайверманг, дурустми! Эҳтиёт бўлинг, сиз эрта-индин фан кандидати бўладиган одамсиз. Шунинг учун бунақа ҳавойи гапларни қўйиб, менинг бир шеърим юз минг нусхалик марказий журналда босилиб чиққанидан бутун Қорақалпоғистон хабардор бўлиши учун: «Ёзувчилар союзи автоном республикадаги ҳамма идораю ташкилотларга махсус хат ёзсин!» деган бамаънироқ бир таклиф киритсангиз, дуруст бўларди. «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган шеърим ҳақидаги фикрингиз жуда тўғри. Мана бу бошқа гап! Шунақа бўлсин, иним!

*Савол:* Мен бир нарсага тушунмаяпман. Муҳокамага қўйилган тўнламнинг биринчи бўлимидаги асар қиссами, поэмами, романи, нима ўзи?!

*Муаллиф:* Кўрга ҳасса ушлатгандек «роман» деб ёзиб қўйибман-ку!

*Тақризчи:* Муаллиф камтарлик қилмаган.

*Савол:* Хўш, унинг романлигини нима билан исботлайсиз?

*Муаллиф:* Адабиётимизда ҳанузга қадар роман яратилмаган. Шундай экан, биринчи романнавис мен бўлишим керак.

*Йиғилишга раислик қилувчи:* Максим Горький оламшумул «Она» романини камтарлик билан «қисса» деб кўрсатган. Гоголь «Ўлик жонлар» асарини насрда ёзса ҳам, «поэма» деган.

*Савол:* Кейинги пайтда шоирларимиз орасида кўчирмакашлар ҳам учраб турибди. Бугунги муҳокамага қўйилган китоб қандай экан?

*Муаллиф:*...Манови муҳокама қилинаётган романимни, майли, тақризчининг камтарлик ҳақидаги фикрига қўшилиб, «қисса» деб атай қолай. Мен бу асаримни аввало юз минг нусхада чиқадиган журналда шеъримни чиқарган таржимонга юборган эдим. У ўқиб, мана, қандай жавоб ёзибди. Айнан келтираман: «Дўстим! Сизнинг бу қўлэзмангизни ўқиб чиқиш мен учун жуда оғир бўлди. Назаримда сиз бу нарсангизни катта талант билан ёзганга ўхшайсиз. Бироқ, уни ёзишга қадар биронта китоб ўқимаганингиз сезилиб турибди!» Ана, ўртоқлар, гап қаёқда! Ахир, кўчирмакашлик қилиш учун аввало ўша китобни ўқиб кўрган бўлишим керакмасми?!

*Йиғилишга раислик қилувчи:* Энди иккинчи тақризчининг фикрини эшитайлик.

*Иккинчи тақризчи:* Мен ўз фикримни ёзма равишда баён қилганман. Шунинг учун гапиришимга зарурат бўлмаса керак?

*Муаллиф:* Бу одам ортиқча бош қотириб ўтирмай, ҳар бир йиғилишда такрорлаб юрган фикрларини менинг китобимга нисбатан ёзибди-қўйибди, мана дастлабки жумлани ўқиб бера қолай: «Қорақалпоқлар боласи тилга кирган кундан бошлаб уни одам қаторига қўшилган деб ҳисоблайди. Шунга яраша муомала қилади. Чунки тил-забони бор одам сўз билан истаса суйдиради, истаса куйдиради. Ахир, суяксиз тил одамларни ўзаро яқинлаштириш, тушуниш-тушунтириш қуролигина эмас, улар ўртасида низо уйғотиш, бир-бирларига ёвлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкинки, бунинг инкор этиш амримаҳол...» Мана, шу тахлитда давом этаверади.

*Луқма:* Давоминиям эшитайлик.

*Муаллиф:* Тақриз сизлар учун эмас, мен учун ёзилган.

*Иккинчи тақризчи:* Давоми муаллифга фойдали маслаҳатлар.

*Муаллиф:* Нимаси фойдали? Бошдан охиригача мени пичоқсиз сўйгансан-ку, тагин «фойдали»миш! «Асарнинг тили ёмон», дегансан, «Муаллиф диалог тузишни билмайди», дегансан... Сен кўп ҳаддингдан ошаверма, бола! Яқинда бир ёш ёзувчига мавзу бера туриб, «Тез ёз, йўқса бошқалар илиб кетади», деганингни эшитганман. Бу гап ноқобил онанинг ўз боласига: «Тез ухла! Йўқса ҳозир милиционер обкетиб қолади», деганига ўхшайди. Бунақа адабиёт билан милиционерни пўписа қуролига айлантиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Одамзод бу дунёнинг устун, гултожи! Дунёнинг гўзаллиги одам билан! Шу боисдан ўтган асрда яшаган классигимиз Ажиниёз шоир: «Бу дунёнинг кўрки одам боласи» деб ёзган. Афсуски, одамлар орасида бир-бирларини тушунмайдиганлар ё тушунишни истамайдиганлар ҳали ҳам кўпчилик. Улар айниқса ёзувчилар орасида кўп. Бунга тил сабаб эмас, қуёш сабаб эмас, ер юзининг қитъаларга бўлиниб кетгани ҳам сабаб эмас! Хўш, унда нима сабаб? Ана шу масала ҳаммамизни жиддий ўйлантириши керак!..

*Иккинчи тақризчи:* Қани энди, шу гапларингизга яқинроқ, бамаънироқ фикр асарларингизда ҳам бўлса экан!

*Муаллиф:* Ақлинг етганида эди, топган бўлардинг! Билсанг, ақли расо одамларгина ёзувчи бўлади. Уни тушуниш учун танқидчининг ҳам ақли расо бўлиши керак. Оддий одамлардан ақлироқ бўлиши керак.

*Йиғилишга раислик қилувчи:* Уртоқлар, ўзимизни қўлга олайлик. Шахсан мен бизнинг давримизда ёзувчи оддий одамлардан ақлироқ, у улардан кўпроқ ўйлайди, деган гапга қўшилмайман. Чунки ёзувчи ҳам ўз замонасининг фарзанди. Ёзувчининг бошқа одамлардан фарқи шундаки, кўнглидагини маълум тартибда, тингловчилар ва ўқувчиларга ёқимли шаклда ифодалай олади. Афсуски, баъзи ўртоқлар бу ўзига хосликни ақли расолик деб такаббурлик қиладую асарини ўзидан ақлироқлар ўқишини унутиб қўяди. Мен сизнинг айрим шеърларингизни ўқиб кўрдим. Бугунги куннинг долзарб мавзуларига бағишланган. Ҳозиржавоб бўлиш яхши.

Давр нафасини ҳис қилиш ҳам яхши, албатта. Бироқ, шунга эътибор берингки, долзарб мавзуларда ёзилгани билан шеърларингиз худди чала пишириб меҳмоннинг олдига қўйилган тансиқ таомга ўхшаб турибди. Ҳажвий шеърларингиз эса, уқувсиз мерганнинг пешланмаган ўқни дуч келган тарафга отишини эслатади одамга...

*Муаллиф:* Тухмат! Бўхтон! Асли шу адабиётни чаласавод бошқарганидан ғирт оми одам бошқаргани маъқулроқ экан — лоақал кўпчиликнинг фикри билан ҳисоблашиб иш кўради. Худди шундай, адабиётнинг танқиди билан, чалакам-чатти бўлсаям, ўзи асар ёза оладиган одам шуғуллангани маъқул. Мана, иккинчи тақризнини қаранг. Ўзи ҳеч нима ёзолмайди-ю, менинг асаримга айб тақади. Бу одам аввалги мажлисда: «Ўзим айтишни истамаган ё айтолмаган гапларни мендан талаб қилманг», деб, Лев Николаевич Толстойдан кўчирма келтирган эди. Хўш, бугун уялмай-нетмай нега ўзим айтмаган гапларни мендан талаб қиляпти?

*Иккинчи тақризчи:* Истасангиз, яна бир кўчирма келтираман: афиналик файласуф Диоген аллақандай базмда тинимсиз арфа чалиб ўтирган бир йиғитга ишора қилиб: «Қаранглар, ёмон чаларкан-у, бироқ чалишни бас қилмас экан. Яхшиямки, ҳар қалай ўғри эмас. Агар ўғрилигини мана шундай бас қилмаганида эди, жуда ёмон бўларди», деган экан. Хўш, сиз?..

*Йиғилиш раиси:* Энди, ўртоқлар, бир қарорга келайлик. Муаллиф бугунги муҳокамадан тегишли хулоса чиқариб, қўлэзмасини қайта ишлаганидан кейин яна муҳокамага қўйсинми ё тўппа-тўғри нашриётга олиб боравергани маъқулми?

— Ҳеч қасёққа олиб бормаё уйида сақлагани маъқул!

— Бу қадар нонсоф бўлмайлик! Қайта ишлаб, муҳокамага олиб келсин!

— Муаллифни қийнаб нима қилдик, тўппа-тўғри нашриётга олиб бораверсин-да!..

\* \* \*

...Адабиётдан тинглаган сабоқларим, ўқиган китобларимга кўра, назаримда ёзувчилар ўтмишдан бизнинг замонамизга етиб келган, ўлим билмас мўъжизавий қудрат соҳиблари. Бугунги ёзувчилар ҳам менинг тасаввуримда замонамиздан келгуси асрларга мангулик хотира машъалини элтувчи авлиёсифат, закий зотлар эди-

лар. Шу боисдан ёзувчилар билан бақамти келиш, юзмаюз туриб гаплашиш мен учун фавқуллодда бир ҳодиса бўлиб қолишига қатъий ишонардим. Бугунги муҳокама эса менинг тасаввуримни остин-устин қилиб юборди: узоқдан чиройли кўриниб, сени ўзинга беҳад мафтун-маҳлиё этадиган дала эсдаликлари бўлади (бундай эсдаликлар айниқса Қорақалноғистон далаларида бисёр). Улар олисдан кўҳна шаҳар қолдиқларидек маҳобатли кўринади. Ёнига бориб қарасангиз, оддийгина тупроқ уюми холос. Базўр қад кўтариб турган деворга қўла теккизгудек бўлсангиз, шувиллаб тутдек тўкилиб кетади. Қўлёмаси муҳокама қилинган ёзувчи ҳам, биринчи тақрирчи ҳам, ўша дала эсдаликларининг баайини ўзи эди. Биринчи мураббийим Узоқберган Бекниёзовни яна эслаб кетдим. «Эҳ, лаънати уруш, сен бизни кимлардан жудо қилдинг?!» дея ўзимча фикрладим. Бизнинг адабиётимиз ҳозир ривожланиш жараёнининг қай босқичида турибди экан? Рус адабиётидаги Карамзиннинг «Бечора Лиза» си ёзилган даврни энди бошдан кечирмоқчимизми?..

— Одам болалик, балоғат, қариллик даврларини бошидан кечиради, — дерди бобом.

— Адабиётнинг ҳам болалик, балоғат ва қариллик даврлари бўлади, — деб ўргатган эди мактабимиздаги адабиёт муаллими.

— Йўқ, адабиётнинг эмас, ҳар бир талантининг болалик, балоғат ва қариллик даврлари бор, — дея аниқлаштирди билим юртидаги адабиёт муаллими.

Булар бадий асар яратувчи чинакам ижодкорни назарда тутиб айтилган гаплар. Ҳаётдаги энг даҳшатли ҳол — балоғат даврини бошдан кечирмай, болалик даврида «бир ҳатлаб» қариллик даврига ўтиш. Ҳолбуки, «бадий адабиёт — балоғат даврида яратилган асарлар билангина тирик», дейди айрим адабиётшунослар.

Мабодо шундай бўлса, нега ёзма адабиёти ўн саккизинчи асрдагина фаол ривожланишга юз тутган рус адабиётида шу асрнинг ўзидаёқ «инқилоб» сўзини адабиёт тарихида биринчи бўлиб тилга олган Радиншев дастлабки инқилобий адиб сифатида кўз олдимизга келади-ю, унинг ижодкор сифатида болалик, балоғат ва қариллик даврларини қандай бошдан кечириб улгурганини ўйлаб ҳам кўрмаймиз? «Петербургдан Москвага саёҳат» номли публицистик асари Радиншевини, қолаверса, у мансуб рус адабиётини бирданга жаҳон минбарига олиб чиқмаганидир ахир!

Ёзувчи адабиётга қанчалик пухта тайёргарлик билан кириб келмасин, у янги асар яратиш асносида аввало халқининг тақдири хусусида бош қотиради, ана шундан кейингина ўз қисматини ўйлайди. Чинакам ижод жараёнидаги ёзувчи янги фарзанд кўраётган онадек оғир, айна пайтда, тотли тўлғоқларни бошидан кечиради. Она тўлғоқ азобида қийналиб ётганида ҳам, «Шу фарзандим қандай одам бўлар экан», дея ўйлаганидек, Гомер ва Умар Ҳайём, Шекспир ва Лев Толстой ҳар бир асарини яратаётганида: «Шу фарзандим билан мен инсониятга нима демоқчиман? Келгуси наслларга ўзим яшаб турган давр ҳақида қандай янги гап айтмоқчиман?» қабилдаги саволлар устида бош қотирганлари аниқ. Акс ҳолда:

Гомер сиймоси, кўзлари соппа-соғ бир қария сифатида ҳозирга қадар сақланиб қолиши ҳам эҳтимол эди-ю, бироқ у яратган «Илиада» ва «Одиссея» дostonлари бир жуфт кўз қорачиғидек даврлар оша бизга етиб келмасди;

Бир қўлида ҳасса, иккинчи қўлида май тўла жом ушлаган дарвиш сифатида кўз олдимизда гавдаланувчи Умар Ҳайём рубойлари ҳаёт фалсафасининг мумтоз бадиий ифодаси сифатида жаҳондаги барча тилларда такрорланмас эди;

Театрнинг бечораҳол суфлери бўлмиш Шекспир трагедиялари одам боласининг азалий ва абадий изтироблари сифатида жаҳоннинг саҳналарида намойиш этилармиди?

Лев Толстой тарки дунё қилган якка-ёлғиз қария, хонанишин авлиё қиёфасида кўз олдимизда гавдалансада, у яратган асарлар инсоний муносабатлар диалектикаси сифатида яшаб қолмаган бўларди.

Хўш, Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзида мен илк бор иштирок этган муҳокамага қўйилган китоб-чи? Унда нима дейилмоқчи?! Муҳокамада сўзга чиққанлар-чи?..

«Ҳали ўрганишим керак, ўйланишим керак». Ўрганишга-ку, баҳоли қудрат ўрганияпман. Лекин ҳали-ҳануз ўйлаб ўйимнинг тагига етолмайман.

Бошқаларнинг саволлари тугул ўзимнинг саволларимга ҳам тузук-қуруқ жавоб тополмасдан туриб, пединститутни битиришим билан «Амударё» журнаliga



ишга чақирилдим. Улуғ Ватан уруши муносабати билан чоп этилиши тўхтаб қолган «Қорақалпоғистон адабиёти ҳамда искуссвоси» (ҳозирги «Амударё») журнали ўша 1955 йилнинг иккинчи ярмидан қайта тикланган эди.

Редакция штатида муҳаррир, масъул котиб, машинистка, фаррош, корректор, мен — жами олти киши эдик.

Менинг зиммамдаги вазифа — редакцияга келган қўл-ёзмаларни ўқиб чиқиш, яроқсизларига жавоб ёзиш, дам муҳаррирнинг, дам масъул секретарнинг буйруғига биноан босмахонага қўлёзма обориш, корректорга ёрдамлашиш, пахта терими пайтида колхозчиларга ёрдам учун идоралардан одам сўралгудек бўлса, биринчи бўлиб отланиш. Сўнгги вазифани адо этишда менинг ёнимга гоҳо фақат фаррошгина қўшилиши мумкин эди.

Ўзим учун ҳали-ҳануз қизиқ туюладиган ҳол шундан иборатки, муҳаррир ё масъул котиб ҳузурига киришга юраги дов беравермайдиганлар менинг олдимга келадилар. Бошлиқларга арз-истакларини мен орқали маълум қиладилар. Кўпчилик ёзувчилар муҳаррир ё масъул котиб олдидан чиққач, менинг ёнимда андак нафас ростлашади. Табиийки, ҳеч ким жимгина ўтиравермайди. Баъзилари бош муҳаррир ё масъул котибга бўлган аламини мендан олиб, хумордан чиқади. Кўпинча мен билан ҳасратлашади, менга маслаҳат беради. Айримлари эса, менинг бор-йўқлигимга парвойи фалак, ўзича гудраниб ўтираверади. Ким нима демасин, бу ўзига хос арзи ҳол — монологуға ўхшарди. Мен уларни диққат билан эшитаман. Айримлари оғзига келган гапни қайтармай айтаётгандек туюлади. Айримлари туппатузук, бамаъни гапга ўхшайди. Менга пичинг қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Баъзилар худди менинг кўнглимдаги гапларни айтади. Эшитганга эриш туюладиган бемаъни гаплар ҳам бўлиб туради... «Ҳар қалай, бу гапларни уйга боргандан кейин танамга ўйлаб кўрай, балки адабий жараёнга тезроқ сингишиб кетишимга ёрдами тегиб қолар», деган хаёл билан ўзимча «Муаллифларнинг монологлари» деган умумий ном остида махсус ён дафтар туздим. Қайси гап кимга тегишлилигини фақат ўзимгина фарқлашим учун муаллифлар исм-шарифларининг бош ҳарфларини, гоҳо охирги, ҳатто тенг ўртасидаги ҳарфини «Исми шариф» сифатида ёзиб боравердим.

1955 йил, 3 август

*...Бундай деди:* Журналда ишлаш — ёзувчининг қитиқ патиға тегиш. Шунинг учун, сен, Қайибергенов, муаллифларнинг қитиқ патиға тегишдан аввал ўзининг қитиқ патингни ўлдириб олганинг маъқул. Бу ўзингга ҳам, муаллифларга ҳам фойдали бўлади.

*С...Бундай деди:*...Шарқ адабиётидаги қаҳрамонларга хос хусусият шундаки, улар панд-насиҳатга мойилроқ. Ғарб адабиётидаги қаҳрамонлар эса, ўша дидактикани келтириб чиқарадиган хатти-ҳаракатларни бевосита амалга оширадилар. Шу икки томонни ўзида бирлаштирган асар — яхши асар бўлади...

*М...Бундай деди:* Кеча менинг олдимга Кўча бийимиз келиб, «Шоир ошна, биласанми, бола тезроқ ота бўлсам дейди, ота қайтатдан бола бўлиб қолсам, дейди. Худди шундай, қизлар тезроқ улғайишни орзу қилади, кампирлар қайтатдан қиз бўлиб қолишни орзу қилади. Чинакам умр шу орзуларнинг оралиғида. Қўлингдан келса, мана шуни ёз!» деди. Очиги, менинг бир марта огзим куйган. Бошқалар фикридан фойдаланаман деб кўчирмакаш атанишимга бир баҳя қолган. Агар Кўча бийи айтган орзуларнинг оралиғи — чинакам умр эканлигига ишонсанг, шунинг сен ёза қолсанг-чи. Яхши асар чиқса, сени бунга мен ундаганимни тан ол, маъқулми? Ёмон чиқса, сени биринчи бўлиб ўзим кўчирмакаш деб танқид қиламан...

1955 йил, 16 август

*Ш...Бундай деди:* Агар бирон бир қолғувчи Шаляпин ижросини айнап такрорласа, буюк созанда бўлади. Аммо бирон бир ёзувчи Шекспир ё Лев Толстойни айнап такрорласа, нусхакашликда айбланади. Нега шундай?

*А...Бундай деди:* Артистлар миллий хусусиятларни намойиш қилиш учун саҳнага ўтган асрларнинг кийимини кийиб чиқади. Бу қанақаси? Утмишни қўмсанми ё моданинг зўри ўтмишда бўлган, дейилмоқчимми?

Уйлаб кўрсанг, артистларимиз саҳнага кийиб чиқадиган кийимларни ўша даврларнинг оддий фуқароси эмас, мана мен деган бойваччалари кийган. Хўш, шундай

экан, нега бунақа қиламиз? Ё одамларнинг аксарияти уларни ўз вақтида киёлмагани учунми?

Тўғрисики тан олиш керак, артистнинг кийими, дарҳақиқат, ҳавасни келтиради, ҳамманинг кўзини ўйнатади. Бугунги кийимларимиз ҳам келгуси асрларда артистлар эғнида кўзларни қамаштириб турармикин? Биз — ёзувчилар шундай саволларга жавоб беролмаяпмиз. Балки янги журналимиз бу муаммоларга доир адабий ўйларга ҳам ўрин ажратгани маъқулдир?..

1955 йил, 17 август

*И...Бундай деди:* Бир шоирни биламан. Хотинига уззукун китоб ўқишни буюриб қўяди-да, ўзи тараллабедод қилиб юраверади. Одамлар саводсизлигимни билиб қолмасин, деб, хотини ўқиган китобларнинг номиши, қисқача мазмунини ими-жимиди билиб олади. Кейин худди ўзи ўқигандай бошқаларга гапириб юради.

Нима бу, хотин-қизларни эксплуатация қилишнинг янги турими ё ўша шоирнинг хотини китоб ўқиш бўйича унинг ёрдамчисими?..

1955 йил, 18 август

*С...Бундай деди:* Болалик чоғларимда ким қандай ўйин бошласа, қўшилиб ўйнайверардим. Айрим жўраларим эса, ўйиндан шуҳрат ахтариб, ўзини бирон бир ўйиннинг устаси деб эълон қилишга уринарди... Мен, албатта, бундай уринишларнинг маъносини кейинчалик, эс-ҳушимни танигач, тушундим. Ҳозирги ёзувчиларимиз орасида ҳам ўша болалик чоғимиздаги айрим қувроқ жўраларимга ўхшаб фақат ўзига шон-шуҳрат қидираётганлар борлигини кўриб турибман... Уларнинг аксарияти ёзувчиликни ўзларидан эмас, ўзларини ёзувчилар орасидан ахтариш билангина машғул.

*Х...Бундай деди:* Овулимизда Айтжон деган бир чол бўларди. У ўзининг йигирма-ўттиз йил аввал айтган гапларини кимдир чиппақка чиқаришидан хавфсираб, ўша алмисоқдан қолган арзон гапларини ҳимоя қилиш учун жонини жабборга берарди. Шу одади Айтжон чолни ўта донишманд, бир сўзли одам деб мақтовчилар ҳам йўқ эмасди.

Ҳозир баъзи мунаққидлару уларни қўллаб-қувватлов-

чилар ҳақида ўйласам, овулимиздаги ўша Айтжон чол билан уни мақтовчилар эсимга тушади.

1955 йил, 20 август

*Г...Бундай деди:*...Бизнинг Шарқда «устоз», «шогирд» деган сўзлар ўзаро иззат-ҳурмат атамаси эканига эътибор бермайдиганларга ачинаман. Масалан, менинг устозга айланганимга роппа-роса икки йил бўлди. Бироқ ҳалигача ҳар йиғилишда мени «ёш шоир» деб пичоқсиз сўйишади.

«Қандай қилиб устоз бўлдинг?» деб сўрамоқчи бўлаётганимни кўзларинг айтиб турибди. Шу саволингга жавоб берай: билсанг, асарингни ўқиган одам — шогирдинг. Баъзи ёшлар дастлабки шеъри матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб ўзини устоз деб билади. Мен камтарлик қилиб, илк тўпламим босилиб чиққандан кейингина ўзимни устоз ҳисоблай бошладим.

*Ш...Бундай деди:* Мен умримда қандай китоб ўқиган бўлсам, барчасини ўзимга устоз деб билдим. Бундан ҳамма китоблар ҳам яхши, деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Айримларидан китобни қандай ёзмаслик кераклигини ўргандим. Ёзувчи сифатида шаклландан кейин ҳам ҳеч бир устоздан юз ўғирмадим. Бироқ ёзув столи олдида ўтирганимда қаршимда устозлар эмас, ўзим билан улоқ талашаётган чавандозлар турганга ўхшайди.

1955 йил, 22 август

*И...Бундай деди:*...Чинакам шоирда устоз бўлиши шарт эмас. Муҳими — унинг ўзи устоз бўлиши керак. Мен, масалан, ҳеч кимни устозим демайман. Чунки китоб ўқимайман. Китоб ўқий десам, тунов кунги мажлисда муҳокама қилинган баъзи оқсоқолларимизга ўхшаб «кўчирмакаш» аталиб қолишдан қўрқаман. Шеър истеъдод билан ёзилиши керак, юрак қони билан ёзилиши керак. Балки мендан: «Ҳали чиқарган китобинг йўғ-у, намунча ваҳима қиласан?», деб сўровчилар топилиб қолар. Бундайларга жавобим тайин. Ўтган йиғилишда ўқимишли бир танқидчи шундай янгилик айтди: испан ёзувчиси Лопе Де Вега ўз умрида 1800 та пьеса ёзган экан. Ҳар уч кунда бир янги пьеса ёзиб таш-

лайвераркан. Шунинг учун ўзининг тез ёзишидан хижолат бўлиб, вақтида оз ёзса ҳам оламга машҳур бўлган қадимий Рим драматурглари Плавт билан Теренцийнинг китобларини яшириб қўяркан.

Мен эса, аксинча, шу қирқ беш ёшимгача ёзганларимдан уялмаслик учун ўттиз етти ёшида ўлиб кетган Пушкиннинг ўн жилдлигини, йигирма етти ёшида ўлиб кетган Лермонтовнинг тўрт жилдлигини уй ичидагиларга ҳам кўрсатмайман.

Агар шу китобларни сотиб оладиган шоир бўлса, айтсанг-чи, ҳадеб яшириб юрганча сотиб қутулганим маъқул. Пулига роман ёзиш учун оқ қоғоз ҳамда сиёҳи тугаб қолмайдиган авторучка сотиб олардим.

*А...Бундай деди:* Ҳам билимли, ҳам ақлли бўлсанг, бунинг устига, камгап, итоаткор бўлсанг, нодон бошлиқлар сени лоақал ўзларига ёрдамчи қилиб олишга мажбур бўлади. Шу ҳақда бир асар ёзиб обкеламан, муҳаррирга айт, кейинги сонидан ўрин ажратиб қўйсин. Ҳажми қанча бўларкин, деб сўраса, айт: «Ёзувчи бировнинг кўрсатмаси билан ўз фикрини чегаралаб қўёлмайди».

*1955 йил, 23 август*

*Г...Бундай деди:* Баъзи бировлар фақат ўзини ўйлайди, бошқаларга зиғирча нафи тегмайди. Нафи тегмаса тегмай кетсин, лоақал зиёни тегмай, оёгинг остида ўралашмай бир чеккада яшаганига ҳам шукур.

*Д...Бундай деди:* Шу асарим журналда босилиб чиқса, қитмир танқидчиларнинг кўзини ўйнатиб ресторанда базми жамшид қилиш ниятим бор. Бу ниятимни муҳаррирингга айтсанг, балки кўнгли юмшаб қолар? Нега менга олайиб қарайсан?

Дуч келган одамдан норози бўлиб, ҳаммани танқид қилаверадиган одамга амал берсанг, чириллаб йиғлаиверадиган инжиқ боланинг оғзига сўрғич солгандек бир зумда тинчийди-қолади. Хўш, сенингча, танқидчиларимиз орасида мана шундай «инжиқ болалар» йўқми?

*1955 йил, 24 август*

*К...Бундай деди:* Уйимизга эрталабқи соат еттида кирганида ҳам, кечки соат еттида кирганида ҳам (ишхонадаги саккиз соатдан ташқари) ҳаминша ёзув столи

олдида ўтирганимни кўрган бир қўшним: «Бундай меҳнат қилса, ҳамма ҳам ёзувчи бўлаверади-да», деди.

Иккинчи қўшним: «Агар шу меҳнатингни пахта дасида қилганингда, алақачон Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлардинг», деди.

Учинчи қўшним: «Сен бу меҳнатинг билан машҳур қурувчи бўлардинг», деди.

Ўйлаб кўрилса, қўшниларимнинг гапида жон бор. Ё улар менга ғайирлиги келганидан шундай дейишдимикан? Начора, табиатим шунақа: қанчалик кўн ёзсам, шунчалик енгил тортаман, алланечук роҳатланаман. Ёзаёза чарчаганимда, қоронғуликдан ёруғликка қараб ётиб ўйлашни хуш кўраман. Бунинг учун қулай имконият ҳамisha бўлавермайди албатта. Бироқ, менинг ўз усулим бор: кўчма чироқни уйнинг бир бурчига ёқиб қўяманда, ўзим иккинчи бурчида ўтириб оламан. Баъзан кечалари хонамдаги ҳамма чироқларни ёқиб қўяману ташқарига — қоронғуликка термуламан. Нимани қидираётганимни ўзим ҳам билмайман. Ҳар қалай; хаёлим тиниқлашади, фикрим теранланиб, кўз олдимда яхлит бир манзара ҳосил бўлади. Афсуски, кўчма чироғим синиб қолди-да, йўқса... Шу шеърим тезроқ босилиб чиқса эди, кўчма чироқ сотиб олардим.

*Е...Бундай деди:* Ростини айтганда, ёш ёзувчиларимиз ҳаддан ташқари талтайиб кетишяпти. Бу кам ўқишнинг натижаси бўлса керак. Кўпчилиги бир жуфт шеър ё ҳикоя ёзиб, мақтов эшитдими, тамом, ё бурни кўтарилади, ё ўзини-ўзи мақташга тушиб кетади. Баъзилар ўзини муносиб баҳолашмаётгандек, ҳеч ким тушуниб ётмаётгандек, тан олинмаган даҳодек тутишади. Сабабини сўрасанг, жавоблари ҳам тайин: «Зўр шоирлар тириклигида тан олишмайди. Чинакам шоир исёнкор бўлади». Буниси етмагандек, кўчада тентираб юрган маст-аластними, мақтанчоқ-маҳмадона одамними кўрса бас, «Манави шоиртабиат экан», дейишади. Бу шоирликни жўн тушунишми ё масхаралашми? Хўш, сен нима дейсан?

1955 йил, 25 август

*П...Бундай деди:* Умар Ҳайёмнинг мен яхши кўрадиган икки сатрини эшит:

Мен ўлганим билан камаймас дунё,  
Мен келганим билан тўлдими дунё?

Буюк санъаткорларнинг камтарлиги ҳам буюк бўларкан-да! Умар Хайём ўзининг туғилиши билан дунё тўлиб, ўлиши билан камайиб қолмаслигини билганлиги учун мақтангиси келмаган. Ҳолбуки ҳар бир шоир дунёни тўлдириш учун келади. Ўлса, дунё хувиллаб қолади. Мана, ўзимдан қиёс!..

*Д...Бундай деди:* Ёзувчилар союзидаги тузукроқ бир ёрдам кўрмадим-кўрмадим-да! Келажакда тинчгина ўтириб катта-катта асарлар яратишим учун кенгроқ уй қуриб олмоқчи эдим. Қурилиш материаллари сотиб олишга етгулик пул бўлармикин деб икки туркум шеър ёзиб, Ёзувчилар союзининг консультантига кўрсатдим. У бўлса, қўлёзмаларимни ўқиб, ўзи у ёқ-бу ёғини энақага келтириш ўрнига бир чеккадан камчиликларини кўрсатишга тушиб кетса бўладими! Шоирларнинг чалароқ шеърларини силлиқлаб беролмаса, қанақа консультант бўлди бу! У ерини тузат, бу ерини тузат, деб маслаҳат беришни ҳамма ҳам билади. Мана, мен ҳам биламан. Бироқ қандай тузатиш керак? Ҳамма гап шунда-да!

1955 йил, 26 август

*У...Бундай деди:* Ёзувчилар союзи бизлардек шеър ишқивозларини тарбиялаб, шоир қилмаса, бунақа союзнинг боридан йўғи! Бир куни де, газета редакциясига шеър олиб борган эдим. Адабий ходим қўлёзмамни ўқиб кўрди-ю, юзимга тикилиб туриб: «Ичасанми?» деб сўради. Шоир ростгўй бўлиши керак. Мен очигини тан олдим. «Ичиб тураман»,— дедим. У менинг қўлёзмамни қайтариб бераётиб: «Шеърингдан пиво ҳиди анқиб турибди», деди. Жаҳлим чиқиб, тўппа-тўғри Ёзувчилар союзига бордим. Консультант менинг дардимни жимгина эшитиб ўтирди. Кейин бир пиёла иссиқ чой билан меҳмон қилди, ҳол-аҳвол сўрашга тушди. Шеърим ҳақида лом-мим демади-ю, лекин шунақанги хушмуомалалик билан ширин гаплар айтиб, кўнглимдаги губорни тарқатиб юбордики, у ерга нега борганимни паққос унутиб қўйибман. Ади, кироини консультант!

*Д...Бундай деди:*...Йиғилиш пайтида оқсоқол ёзувчиларимиз: «Ҳозирги ёшлар биздан ақллироқ. Чунки уларнинг ўқиб-ёзиши учун истаган нарсаси муҳайё. Маслаҳат берадиган устоз ёзувчилар кўп», дейишади. Бу бекор гап! Ахир, мана, мендан ҳеч ким маслаҳат сўрамаяпти-ку?..

*М...Бундай деди:*...Баъзи шоирларнинг азбаройи уйига меҳмон чақириш учун шеър ёзиб редакцияма-редакция сарсон бўлиб юрганини эшитсам кулгим келади. Менга ўхшаб аввал меҳмон кут, кейин юр-да!

*И...Бундай деди:* Қадимги Рим ҳукмдори Юлий Цезарь кемадан Африка қитъасига қадам қўяётиб, оёғи тойиб кетибди-ю, ерга муккасидан йиқилибди. Бу, римликлар ақидасича, ёмон аломат экан. Бироқ Цезарь дарров йўлини топибди. Ерда чўзилиб ётганча: «Африка, мана, сен менинг қучоғимдасан!» деб бақирибди. Мабо-до нашриётимизга бориб қолсанг: «Мана, нашриёт менинг қўлимда!» деб ўз китобларини қучоқлаб ўтирган талай «Юлий Цезарь»ларни учратасан!

1955 йил, 27 август

*О...Бундай деди:* Ёзувчи улғайгани сари бошқаларни эмас, ўзини ўзи такрорлаб қўйишдан хавфсираб қолади. Шу жиҳатдан қараганда, француз ёзувчиси Жорж Сименон кўрқмас ёзувчи. Унинг кўпдан кўп китобларини ўқисанг, бутун бир қумтепани галвирдан ўтказиб, арзимас олтин зарраларини топгандек бўласан. Михаил Шолоховни ўқисанг, бир ҳовуч қум остидан ҳайратомуз улкан ёмби топгандек бўласан.

Мен ўзимга Шолоховнинг йўлини тилаб юрибман.

*Р...Бундай деди:* Ёзувчиларимиз орасида бир воқеани ҳар хил жанрда ёзиб чиқадиганлари ҳам бор. Буни мен сигирнинг далада ўтлаб келиб, қўрада кавш қайтаришига ўхшатгим келади. Муҳаррирингга айт, сигирга ўхшаб кавш қайтарадиган ёзувчиларни босмасин.

1955 йил, 30 август

*Ж...Бундай деди:* Ёзувчи танҳо ўтириб қанчалик кўп меҳнат қилса, халқ оммаси билан шунчалик яқинроқдан туриб гаплаша олади. Бироқ, кабинетига биқиниб олиб: «Ёзганларимни ким ўқийди?» деб ўйлаб кўрмай ёзавериш, бу — графоманлик.



Менимча, ёзувчига икки хил чидам керак: бири — фикрнинг пишиқ-пухталиги; иккинчиси — бир жойда қадалиб ўтиришга сабр-тоқат.

Майли, чидам-ку ўз йўли билан, лекин муҳаррирга эслатиб қўйишни унутмаки, шу асарни ёзишдан мақсадим — ўғилчани тезроқ уйлангирмоқчи эдим-да...

*3...Бундай деди:* Бир шоирни билардим. Китоблари тез-тез босилиб турарди. Бари бир у ҳар йиғилишда: «Халқим менинг қадримга етмаяпти. Кейин ҳали афсусланиб юрасизлар», деб нолийверарди. У ўлиб кетди-ю, ёзган китоблари ҳам бир йўла унутилди... Менинг йўригим бошқа. Агар журнал менга қаршилик қилиб, ёзганларимни босиб чиқармайдиган бўлса, тушкунликка берилиб ўлиб қолишим мумкин. Муҳарриринг бу фожиа олдини олиши керак.

*1955 йил, 31 август*

М...Бундай деди:...Биз — ёзувчилар яхши билишимиз керакки, масалан:

«Ўлган одамнинг сояси йўқ» дейди баъзи бировлар. Бу хато. Акс ҳолда, нега аллақачон ўлиб кетган шоирларни танқид қиламиз?

Атом бомбаси қон қақшатган Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари кимларнинг сояси? Улар тириклик душманларининг соясимасми?

Қадимда гуллаб-яшнаган шаҳарлар ўрнидаги уюм-уюм харобалару одам суяклари кимнинг соялари?..

«Ўлган одамнинг нури бўлмайди», дейди бошқа бировлар. Бу ҳам хато. Акс ҳолда, нега аллақачон ўлиб кетган шоирларнинг умр йўлию ёзган китобларини ибрат қилиб кўрсатамиз?

Қадим замонлардан бери тошларга, ошланган терию чармларга ёзилган хатлар, саҳифалари сарғайиб-титилиб кетса-да, ҳар қалай, бизгача етиб келган китоблар кимларнинг нури? Зиёли ўликларнинг!

Инсоният ҳали-ҳануз илдинини қуритолмаётган даҳшатли ёвузликлар машъум ўликларнинг бугунги кунда ҳам судралиб юрган сояси. Бугунги айрим нодон тириклар ана шу соядан ўзларига панох қидирадилар.

Одам боласининг бир-бирини тушуниб, ўзаро дўст, ўртоқ, биродар тутиниши — кўпдан-кўп марҳумлар қолдирган зиё. Ақли расо тириклар нурга нур қўшиб яшайди.

*Н...Бундай деди:* Ҳар бир одамнинг кўнглида нур ҳам, зулмат ҳам бор. Буларнинг қай бирини камай-тириб, қай бирини кўпайтириш одамнинг ўзига боғлиқ.

Инсон қалбидаги нурнинг учта номи бор: Меҳнат-севарлик, эзгулик, камтарлик.

Инсон қалбидаги зулматнинг ҳам учта номи бор: Ялқовлик, ҳасадгўйлик, манманлик.

Юрак қўрини кучайтирган одам аввало ўзини, кейин дўст-биродарларини, қолаверса, буткул одамзодни бахт сари етаклайди.

Юрагини зулмат босган одам аввало ўзини, кейин дўст-биродарларини, қолаверса, буткул одамзодни бахт-сизлик сари етаклайди.

Инсоният учун энг даҳшатли зулмат — юракларни босган зулмат. Мана шундан эҳтиёт бўлмоқ лозим.

Адабиётнинг вазифаси — инсоннинг руҳий оламидаги нур билан зулмат ўртасидаги зиддиятларни яққол кўрсатиб беришдан иборат.

*1955 йил, 1 сентябрь*

Кўча бийининг айтгани: Ешлигимда уйнинг икки тарафига икки ниҳол ўтқазган эдим. Иккови баравар кўкарди. Лекин бири кўкарган кунданоқ кўзни қувнатиб гуркираб ўса бошлади. Иккинчиси талай вақтгача бир маромда тураверди. Орадан икки йилча ўтиб, аввалига гуркираб ўсаётган ниҳол нимагадир аста-секин сўлиб, қурий бошлади. Суст ўсаётган ниҳол эса, қулф уриб ўса кетди. Бир гуркираб, энди сўлий бошлаган ниҳол парваришини кучайтирдим: ўғит бериб, сув қўйдим. Нафи бўлавермади. Тобора қуриб боряпти. Ахир уни қўпориб ташлаш ниятида тагини очсам, илдизи япалоқ тошга бориб тиралган экан. Иккинчи ниҳолнинг туриб-туриб, бирданига қулф уриб ўса бошлашига нима сабаб бўлдийкин, деб унинг тагини ҳам авайлаб очиб кўрдим. Қарасам, илдизи соз тупроққа етган экан.

У, бир томонини очганимдан қатъи назар, ўша-ўша гуркираб ўсаверди. Вақти келиб улкан гужумга айланди. Ҳозир ана ўша гужум бутун овулимизнинг кўрки бўлиб қолди. «Гужумли овул» дейишса бас, ҳамма бизнинг овулни тушунади.

Еш қаламашнинг забардаст ёзувчи даражасига ўсиб чиқиш йўли ўша мен экан икки туп ниҳолнинг қис-

матига ўхшаб кетади. Кимнинг истеъдоди чекланган, билими чалакам-чатти бўлса, бир марта «ялт» этади-ю, тез орада илдиизи тошга бориб тиралган ниҳолдек ўсишдан тўхтаб қолади. Меҳнаткаш, билими теран, чинакам истеъдодли ёш ёзувчи эса, аста-секин илдиизи сувга етиб борган ниҳолдек қулф уриб ўса-ўса кунлардан бир куни каттакон гужумга айланади...

1955 йил, 2 сентябрь

*Д...Бундай деди:* Қаипбергенов, сен нега ёзувчиликдан хомтама бўлиб журналда ишлаб юрибсан ўзи? Сенинг исм-шарифинг ёзувчи бўлишга номуносиб. Ҳаддан ташқари узун. Эшитиб кўр: Тўлапберган Қаипбергенович Қаипбергенов. Китобга ёзганларинг сигадами ё исм-шарифингми?

Нега ажабланасан? Ҳалиям кеч эмас, ўйлаб кўр!

1955 йил, 3 сентябрь

**Кўча бийининг айтгани:** 5 сентябрдан бошлаб бир ойга пахта теримига кетасиз, деб эшитдим. Шунинг учун, аввалги сафар келганимда айтишни унутган гапларимни айтай деб яна келдим. Инқилобдан кейин Қорақалпоғистонда пайдо бўлган кўпгина шоирларнинг таржимаи ҳолини ўқисанг, ё болалар уйида тарбияланган, ё аллакимларнинг қўлида пода боқиб юрган бўлиб чиқади. Ҳатто кимсан Максим Горький ҳам етимликда ўсган саркаш бола бўлган экан. Хўш, сенинг умрингда ҳайрон қоларли нима бор? Бобонг билан момонг яқиндагина қазо қилди. Отанг саводсиз колхозчи. Уддабуролиги туфайли уруш йилларида трактор ҳайдаганини айтмасанг, онанг ҳам шундай. Майли, Бердақ шоирнинг ҳам ота-онаси саводсиз бўлган, деган гапга ишона қолайлик. Лекин Бердақнинг оти-овозаси, шеърлари бизнинг замонамизга нима сабабли етиб келганини ўйлаб кўрганмисан? У ўзи яшаган даврдаги амалдорга, ҳокимият агаларига қарши турган. Уларнинг кирдикорларини фош қилувчи исёнкор шеърлар ёзган. Эшитишимча, Пушкину Шевченколар ҳам шундай қилишган экан. Сен ҳам шоир бўлиб, отинг-овозанг келгуси асрларга етиб бориши учун колхозимиз раҳбарларига, уларнинг айрим ишларига қарши шеър ёзаман

деб ўйлайсанми? Шунақа хаёлинг бўлса, таржимаи ҳолингда тугилган овулим деб бизнинг Чўртанбойни зинҳор кўрсата кўрма! Мен бунга йўл қўймайман. Яхши-си, овулга қайтиб бор-да, муаллимлигиндан қолма. Донгдор шоир бўламан деб овулимизнинг аҳиллигига путур етказма, ота-онанга иснод келтирма, дейман-да.

Қадимги қорақалпоқ бийлари: «Бургутнинг уясидан бургут, япалоққушнинг уясидан япалоққуш учади», дейишарди. Тўғри, бизнинг советлар замонида бургутнинг уясидан япалоққуш, япалоққушнинг уясидан бургут учиб чиқса не ажаб. Ё овулимиз буткул Қорақалпоғистонга шоир тайёрлаб берадиган даражага етиб қолдими?

Қариялар ҳангомаларидан: Буюк Хоразм хонларидан бири қаттиқ касалга чалиниб, оғир аҳволда ётганида, ундан ҳол сўрашга борган қорақалпоқ бийига:

— Юртингга айт, менга узоқ умр тилаб дуо қилсин, — деб буюрибди.

Қорақалпоқ бийи юртига қайтгач, одамларни йиғиб, ҳаммаларига қарзга дон-дун, қўй-эчки, пул улашаркан:

— Хоразм хони ўлган куни олиб келасанлар, — дея верибди.

Бу гап хоннинг қулоғига етиб келибдию ўша бийни дорга остирибди. Бердақ шоир бу ноҳақликка чидаёлмай, хоннинг олдига бориб:

— Буйруғингизни кўнгилдагидай бажо келтирган бийни нега дорга остирдингиз? — деб сўрабди.

— Ақлинг етмаган ишга аралашма! — дебди хон ғазабланиб. Сўнг андак ёввош тортиб, сўрабди. — Хўш, сенингча, буйруғимдан фойдаланиб: «Хон ўлган куни қайтиб берасанлар» деб одамларга қарз улашаверган бийга қандай жазо беришим керак эди?

— Сиз нотўғри тушунибсиз, хон ҳазратлари! Уша бийдан қарз олган жами одамлар тўлов муддатини узайтириш умидида: «Улуғ хонимизнинг умри узун бўлсин!» деб ҳар куни уч маҳал ҳаққингизга дуо қилиб юришибди-ку, ахир!» дебди шоир.

Бу гапни эшитган хон бармоғини тишлаб қолибди...

«Арзғўй доно бўлсаю тингловчи нодон бўлса, бундан ортиқ хўрлик бормикин сира! Илоё бошлиқлар ақлли бўлсин!», дерди отам.

«Нодон бошлиққа маслаҳат беришга жазм этиш —

малақайингни ёниб турган ўтга тўлдириб кийиш билан барабар», дерди бобом..

«Шоир бўлиш ҳам олов курсида ўтиришдек гап экан-да», дерди менинг ёзув столи олдида узоқ ўтирганимни кўрган онам.

Отам айтган афсона: Қадимда Одилбек деган бир одам яшаган экан. У ёши бир жойга борганида инсофга келиб, энди қолган умримни одамларга савоб ишлар қилиш билан ўтказай, деб аҳд қилибди. Шу мақсадда бошқаларга яхшилик қилиш қандай бўлишини дуч келган одамдан сўрайверибди. Кўп юртларни кезган дарвиш унга: «Бир маҳаллар Қорақалпоқнинг Устюрт номли саҳроси орқали Шарқдан Ғарбга, Ғарбдан Шарққа қатнайдиган карвон йўли бор эди. Ҳозир ўша йўл йўқ бўлаёзди. Қадимий қудуқлар бекилиб қолган. Ун кунлик йўлни сувсиз босиб ўтиш оғир. Агар шу саҳронинг қоқ ўртасида бошпана тиклаб, у ёқ-бу ёққа ўтган йўловчиларни сув билан таъминлаб турсанг, савобнинг кони мана шу!» дебди.

Маслаҳат Одилбекка маъқул тушибди. Устюртдаги ўн кунлик чўлнинг қоқ ўртасида бошпана тиклаб, беш кунлик йўлдан туяда сув ташиб, йўловчиларга сув улашиб ўтираверибди. Шу йўл билан кўпдан кўп дуою олқишлар эшитишга муяссар бўлибди.

Кунлардан бир куни бир йўловчи обдан чанқаб келиб, чанқоғини қондирганидан сўнг, ундан чилим сўрабди. Одилбек ўзи чекмаслигини, шунинг учун уйда чилим сақламаслигини айтибди. Йўловчи дабдурустдан газабланиб, унинг етти пуштигача бир чеккадан лаънатлай кетибди.

Одилбек йўловчининг ҳақоратларидан алами келиб шунча тоат-ибодати ҳайф кетганидан ҳафсаласи пир бўлса-да, савобли ишини қанда қилмабди. Ўша кундан бошлаб уйда чилим ҳам сақлайдиган бўлибди.

Кўпчиликка бир ишни ё сўзни манзур қилиш осон эмас!..

**Бобомнинг насиҳатларидан:** Кимдир эзгу ишларининг қадрига етмайди, деб яхшиликдан ўзини тийган одам — номард. Номардлик — қинғир ниятли одамнинг иши.

Яхши ният билан савоб ишлар қилавер, қадрингга етадиганлар топилмай қолмайди.

Бировга сирингни айтишдан аввал яхшилаб ўйлаб ол: айтса бўладими — йўқми. Чунки ўйламай-нетмай бировга сирингни айтсанг, сенинг сиринг унинг сирига айланади-да, у ҳам сирлашадиган одам қидиради. Ўттиз икки тиш орасидан чиққан сўз ўттиз икки уруғ-аймоққа тарқалади, демоқликнинг маъноси шу.

Бировга сирингни айтишга аҳд қилсанг ҳам, аввало унинг қош-қабогига қара. Калласи ўз сирлари билан тирбандлигини сезсанг, лом-мим демаганинг маъқул.

Қўрага қўтир эчки ораласа, қўтири бошқа эчкиларга ҳам юқади. Аввало айтар гапинг кимни қўтир эчкига айлантиришини яхшироқ ўйлаб ол.

## 18

Яна «Муаллифларнинг монологлари» дафтаридан

1955 йил, 6 октябрь

*Н...Бундай деди:* Пахта теримидан яхши келдингларми? Журналда ишлаган бир ойлик даврингни хаёл элагидан ўтказиб, энди қандай шумликни бошласам экан, деб ўйлаб олишинг учун пахта асқотиб қолгандир-а?..

Кеча бир танқидчимиз ўз мақоласида ҳамманинг Шолохов, Хемингуэйга ўхшатиб ёзишини талаб қилиб чиқибди. Бизда жаҳон адабиётидан хабардор бўлиш у ёқда турсин, бир-бирининг асарларини ўқимай турибқоқ қалам тебратаётган, ёшлиқдаги ҳаяжони билан адабиётга кириб қолиб, энди чиқар эшигини тополмай юрганлар озмунчами!

Қизиғи шундаки, Шолохов билан Хемингуэйга ўхшатиб ёзиш қандай бўлишини ўша танқидчининг ўзи ҳам тузукроқ тушунмаса керак, дейман. Чунки, бадий адабиётда ёзувчиларнинг бири иккинчисига қўй-қўзидек эргашиб келавериши яхши эмас. Ўқувчи кўпинча қатордаги биринчини — асл нусхани ўқийди. Қолгани — тақлидчилик. Ҳар бир ёзувчи ўз қиёфасига эга бўлиши керак.

Дарвоқе, мен ҳам пахтада бўлдим. Қорақалпоқ овулларида сут-қатиқ сотиш уят ҳисобланарди. Бу гал биз борган овулда бу таомилни бузишибди. Хўш, овулда сут-қатиқ сотилса, халқнинг қон-қонига сингиб кетган меҳмондўстлик қайёқда қолди? Шу муаммони роман қил-

саммикин-а? Иима маслаҳат берасан? Тўғрисиини айта-вер. Тўғри сўз аввалига аччиқдек туюлса ҳам, бора-бора болдек татийди.

1955 йил, 10 октябрь

*М... Бундай деди:* Бизлар энди-энди қаддимизни тиклаб, қардош халқлар адабиётида титиғи чиқиб кетган мавзуларда ўзимизча сўқмоқ очмоқчи бўлиб каловланиб юрибмиз. Яъни, бошқалар аллақачон ёзиб улгурган мавзулар биз учун очилмаган қўриқдек туюлади. Бунинг бир хатарли жиҳати борки, биз бошқа халқларнинг адабий обидаларига ўхшаш асарлар яратсак, уларни такрорлаган бўлиб чиқамиз. Адабиёт такрорни, бошқалар очган раvon йўлда қуруқ аравани шалдиратиб ҳайдайверишни ёқтирмайди. Буюк санъаткорларнинг ижодий йўллари янги йўл очишда биз учун намуна бўлиши керак холос. Мен тақлиддан қўрқаман. Тақлидчилик — ўғрилиқ билан баробар. Дарвоқе, ўғрилиқ деганимга эсимга тушиб кетди. Яқинда шаҳар судьяси билан гаплашиб ўтирган эдим. Биров рухсатсиз кириб келди-да, қўшнисининг кичкинтой ўғли қўлида уч сўм ушлаб турганида авраб олиб қўйганини тан олди. Унинг ортидан яна бир одам ҳовлиқиб кириб, қотиллик қилганини тан олди. Шу икки одам ҳақида ўйлай-ўйлай, қай бири инсофлироқ эканини билолмай муҳаррирнинг олдига маслаҳат сўраб кирсам: «Менга тайёр асар керак», дейди. Хўш, шу айтганларим тайёр асармасми? Шу икки одамнинг қай бирини ижобий қаҳрамон қилиб олсам экан, деб бошим қотиб юрибди...

*Ш... Бундай деди:* Ҳар бир ёзувчининг ўз услуби бўлади. Услуб деганда асарнинг шаклини тушуниб, «баён услуби», «биринчи шахс тилидан ҳикоя қилиш услуби» дейиши хато. Дурадгор ёғочни қайси томонидаи йўнса, эшик осон ва чиройли чиқишини билганидай, ёзувчи ўзи танлаган ҳаётий материални ўқувчига содда ва қизиқарли қилиб етказа олдики, мана шу услуб. Услуб, бу — «полвон курашда рақибини ўнг қўли билан йиқитадими, ё чап қўли биланми?» деган саволга бериладиган жавобга ўхшайди.

Афсуски, истеъдодли ёзувчилар ҳам услуб танлашда гоҳо хатоликка йўл қўядилар.

Адабиётда ҳам ҳаётдагидек: қийшиқ ўтирсанг — ўтир, лекин тўғрисиини рўй-рост гапир, ана ўшанда айрим нуқсонларнинг ҳам билинмай кетади.

*А...Бундай деди:* Бир мавзуда ҳар хил асар ёзишни ошпазларнинг бир хил масаллиқдан турлича таом пиширишига қиёслаш нотўғри. У биров «ўламан» деб нола қилса, бошқа бировнинг «куламан» деб суюнишидек гап.

*М...Бундай деди:* Бошлиқнинг олдига киргандим, у: «Сизнингча, ҳозирги ёшларимиз орасида ким истеъдодлироқ?» деб сўраб қолди. Мен унга: «Бу — шахсий сирым. Мақтасам ўзим мақтайвераман. Сенга айтиб мақтатиб, ўзим тўтиқушга айланиб қолишни истамайман», дедим. Қалай? Тўғри айтибманми?..

1955 йил, 11 октябрь

*Т...Бундай деди:* Холис танқид дўстликдан нишона. Фаразли танқид сенга панд бермоқчи бўлаётган душманларнинг ҳам борлигини кўрсатувчи бир восита. У сени ҳушёр торттиради. «Ёмонликнинг оёғи кўп бўлади, бири тегмаса бири тегеди», «Бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйма», қабилидаги мақоллар ҳаминша ёдингда бўлсин.

*М...Бундай деди:* Баъзи мунаққидларнинг ёзганини ўқисанг, бир кафт тупроқ билан бутун бир кўлни лойқалатмоқчи бўлаётган тентак эсинга тушади.

Яна бир хил мунаққидларнинг кўплаб асарларга бераётган яли баҳосини теранроқ мулоҳаза қилиб кўрсанг, ўзининг торгина кўрасига уюр-уюр йилқи, подапода қорамол, қўй, чўчқа, товуқларни аралаш-қуралаш қамamoқчи бўлаётган нодон чўпон хаёлингга келади...

Хуллас, бу дунёда нодонликнинг турлари кўп.

1955 йил, 13 октябрь

*З...Бундай деди:* Бир жойдан очилган кон бутун бир овулнинг номини жаҳонга танитиши, шу овулга янги ном бағишлаши мумкин. Худди шундай, биргина ёзувчи ҳам ўз адабиётини дунёга танитиши, бу адабиётнинг қиёфасини белгилаб келиши мумкин. Гоҳо мана шу оддий ҳақиқатга асосланиб бутун романнинг бир боби, бутун достоннинг айрим парчалари ўша асарнинг ўзидан ажратиб олинади-да, осмонга чиқариб қўйилади. Бу тўғри эмас.

Асарни баҳолаш одамни баҳолашга ўхшайди. Фақат кўзлар ё қулоқларгина одамни одам қилиб кўрсатмайди-ку, ахир.



*Т...Бундай деди:* Яқинда шаҳар ташқарисидаги темир-терсак ҳандағига бориб машинамга бир мурват қидирдим. Қарасам, не-не кузовлар, не-не кабиналару руллар айқашиб ётибди. Уйлаб қолдим: «Манави рулни бир пайтлар ким бошқарган? Анови кузовларда кимлар ўтириб, қандай яхши-ёмон ишлар қилган экан?...» Шу ўларимни қоғозга тушириб журналга олиб келмоқчиман. Қалай, шундай ўйларга ҳам журналдан жой тегармикин?

Майли, ташландиқ нарсаларни қўйиб турайлик, мени бугунги кунда шу ҳол қаттиқ ҳайрон қолдирадими, баъзи мунаққидлар яхши асарни мақтаса, муаллифига яхшилик қилдим деб хаёл қилади. Ёмон асарни танқид қилса, «муаллифни боладим» деб гердайиб юради. Ахир, яхшини — яхши, ёмонни — ёмон деб айтиш мунаққиднинг вазифаси-ку!..

1955 йил, 14 октябрь

*А...Бундай деди:* Классикларнинг асарларини ўқисам, буюк санъаткорлар фақат ўтмишдагина яшагандек.

Одатда ҳар бир буюк санъаткор ўз даврининг маҳсули. Буюк шахсларни тарих яратади, деймиз. Хўш, замондошларимиз орасида ҳам классиклар борми? Ё уларни келгуси авлодгина фарқлай оладими? Нега бугун фарқлаш мумкин эмас? Ё муҳаррир, ё сен бунинг сабабини айтиб берсангизлар-чи!

*Е...Бундай деди:* Бир гал мен олма бозорида бир даллолнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб турдим. У ўзи шартлашган сотувчининг чирик олмаларидан бирини қўлига олди-да, харидорларга тангадекки-на соғ жойини кўрсатиб: «Мана, энг яхши олма! Маза қилиб еса бўлади!» деб қичқира бошлади. Шу пайт иккинчи сотувчининг олмаси атрофида уймалашаётган харидорларни кўриб қолдию югуриб бориб унинг зўр олмалари орасидан мошдеккина доғи бор олмани қўлига олди. Харидорларга кўрсатиб: «Мана, кўрдингизларми, чириган-ку! Шу олмани еб бўларканми!» деб бақираверди.

Миллий адабиётимиз танқидида ана ўша даллолнинг хатти-ҳаракатига ўхшаш ҳоллар ҳам гоҳо рўй бериб туради.

Илонга овқат берсанг, оёғинга ўралади. Журналга эҳтиёт бўлинглар!

1955 йил, 15 октябрь

*Ж...Бундай деди:* Бир ёш ёзувчига журнал орқали оқ йўл тиламоқчи эдим. «Кимга ёзсам экан?» деб сўрасам, муҳаррирнинг лом-мим деёлмади. Чамаси, у менга рўйхушлик бергиси келмади. Нега бунақа қилади, а? Ахир, Максим Горький кўн ёшларга оқ йўл тилаб, китобларини чиқартирган-ку.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш экни даласига ўғит тўкиш билан баробар. Ўғитни меъеридан ошириб тўкаверишнинг зарари бор, албатта. Бироқ бундан қўрқиб ўғитсиз қолдириш ҳам яхши эмас. Бу борада ақлли ёзувчилар меъерни сақлаган. Улар халқимизнинг: «Ўйинг тор бўлса-да, кўнглинг кенг бўлсин», деган доно нақлига ҳаммisha амал қилиб яшашган.

*У...Бундай деди:* Катта есанг е, лекин катта гап қилма, деган боболаримиз. Менимча, баъзан катта гаплар айтилса ҳам, зарар мақолалар ҳам босилган. Ҳозирги танқидчилигимиз эса, худди ўтмас болтага ўхшайди: пачоқлайдино кесмайди. Бу ҳол адабиётимизнинг ривожига тўсқинлик қилади холос.

1955 йил, 17 октябрь

*О...Бундай деди:* Адабиётда ҳам устоз-шоғирдлик таомили бўлиши керак. Чинакам устозлик — тўғини парваришлаш эмас, ўзингдек ёзувчиларнинг етишиб чиқишига қулай имкониятлар яратиб бериш.

Муҳаррирнингга айт, менга устозлик қилсин.

*С...Бундай деди:* Яқинда қабристон оралаб юргананда бир қабрнинг ўйилиб, ичи ўрадек қорайиб турганини кўриб қолдим. Тикилиб қарасам, каттакон бир бош суяги оқариб ётибди. «Тирик бўлганида, қабрини тузатиб оларди-я», деган фикр хаёлимдан ўтди. Тезда уйга — ёзув столига қайтдим. Столга ўтирдим-у: «Бунақа гапларни журнал босармикин?» деб иккиланиб қолдим. Ушанга маслаҳатлангани келувдим.

*В...Бундай деди:* «Конфликтсизлик назарияси» деган назария бўлиши керакми? Йўқ. Бу ҳақда бош қотириш деворсиз уйни қандай жиҳозлаш йўлида бош қотириш билан баробар.

*Бир доғишманд:* «Умр — йиғи билан кулгу бирлашган тугун» деган экан. Бу гап-ку тўғри. Лекин асар

ё йиғи, ё кулгу билан хотима топиши шартми? Менимча, шарт эмас.

Ҳаётий асар ўзининг ҳаётий, табиий хотимасини топаверади. Замонамизда ҳамма нарса эзгулик томон бораётгани аниқ. Лекин шунда ҳам конфликтсизлик бўлиши мумкин эмас. Одамзод ўзининг эртасини бугунгисидан, бугунини кечаги кундан гўзалроқ кўргиси келади. Шу хоҳишнинг ўзидаёқ қанчадан-қанча қарама-қаршилиқ, кураш, руҳий безовталиқлар мужассамлашган. Фақат уларни кўра билмоқ керак. Аввало ҳаётнинг мураккаблигини, даврга хос зиддиятларни тараф англаб етмоқ лозим.

*Ш...Бундай деди:* «Конфликтсизлик» деган сўзнинг ўзи конфликт. Бироқ, мени ҳайратга солаётган нарса — адабиётдаги конфликт эмас, ёзувчилар ўртасидаги конфликт масаласи. Айрим ёзувчиларимиз ўтакетган такаббур!..

— Қайси ёзувчилар?

— Иқтидорсиз, саводсиз, адабиётга адашиб кирганлар.

— Тагин уларнинг ошиғи олчилигига нима дейсиз!

— Бу — «Яхшини мақтасанг — тоғ ошади, ёмонни мақтасанг — ёқангдан олади» деган доно нақлга бепарво қарашнинг оқибатидир.

1955 йил, 18 октябрь

*Н...Бундай деди:* Мен ота-боболаримизнинг: «Яхши йўлдош яхшилар билан таништиради, ёмон йўлдош ёмонлар билан», «Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради», деган ҳикматли мақолларига амал қилиб яшадим.

Шеърларим матбуотда эълон қилина бошлагач, ёзувчилар билан яқинроқдан танишай, деб улар билан улфат тутиндим. Утиришларда ҳаммалари бошқаларни қойил қолдирадиган янги гап айтиш учун зўр бериб уринади, де. Бундай гаплар кўпроқ Москвага бориб келганлардан чиқади. Нима гап экан, деб сўрарсан? Бошдан охиригача Москванинг ажойиб ресторанлари ҳақида эди улар.

Қриму Кавказга бориб келганларнинг гапларини ҳам кўп эшитдим. Тоғ чўққисида туриб қандай ичганию қандай йиқилиб-суринмасдан пастга тушганини айтиб мақтанади. Мен ҳар гал оғзимдан сув келиб, тамшаниб

ўтираверардим. Шунинг учун Москвага дастлаб борганимда аввало ресторанларни бирма-бир кезиб чиқдим. Гўё қанча кўп ресторанини кўриб улгурсам, ўзимга қадар келган ёзувчиларни ўшанча қойил қолдирадигандек эдим... Ҳовва, мана шунақа қилиб десанг, ука...

У...*Бундай деди:* «Инсофсизга эрк берсанг, аввало ўзингни юмма талайди», деганлари рост экан... Анови кунги мажлисда (исмини тилга олиш гуноҳ. Бунинг устига, ўзингдан қолар гап йўқ, ғийбатга ўхшаб қолади) Ёзувчилар союзининг аъзоси бўлган бир тентакнинг аввало кўчирмакашлиги, кейинчалик ўзига-ўзи: «Сен истеъдодлисан, шунинг учун бошқалар кўролмайдди», деб хат ёзгани фош бўлиб, муҳокама қилинганидан бери ёзувчи бўлиш орзуимдан воз кечдим. Муҳаррирингга айтиб босмахонага тушиб кетган шеъримнинг баҳридан ўтишимга ёрдам берсанг-чи!

Д...*Бундай деди:* Кечаги йиғилишда кўчирмакашлиги фош қилинган шоир ўзини-ўзи ўлдирмоқчи бўлган экан, бирданига аҳдидан қайтиб қолибди. Хотини: «Ие, нима гап?» деб сўраса, у: «Халқимизнинг таомилига кўра, жонига қасд қилган одамнинг жасади оғзига тезак тикиб кўмилади? Бундай ўликнинг жанозасига кўни-кўшнилари ҳам қатнашмайди. Начора, таомил ўзгаргунча ноилож яшаб тураман-да!», деб важ кўрсатибди. Хотини эса: «Адабиёт ўгриси деган лақаб билан энди қандай яшайсан? Бу кунингдан ўлганинг яхши!» деб оёқ тираб туриб олибди. Ана сенга томоша!

1955 йил, 19 октябрь

Т...*Бундай деди:* Ёзувчи — фавқулодда истеъдод соҳиби. У янги асар яратаркан, сценарист, режиссёр, расом, актёр, оператор, ҳаттоки светофорнинг вазифасини ҳам битта ўзи бажаради. Шунга қарамасдан, ҳозирги адабиётга нисбатан кинода реклама иши яхши йўлга қўйилган. Энди сизлар журналнинг тиражини оширишга астойдил ҳаракат қилишларингиз керак. Ўзинг шу фикримни бош муҳаррирга айт. Менинг уйимдаги жомадонда талай қўлёзмаларим тахланиб ётганини ҳам эслатиб қўй. Агар уларни босиб чиқарса, журнал яна битта журналхонга кўпайиши аниқ. Айрим ўқувчиларни ўзим айтиб обуна бўлдиртираман.

Ёдингда бўлсин, халқимиз: «Ҳурмат қилсанг —

ҳурмат кўрасан», деган. Мендан ҳурмат умидвор бўлсанг, шунга яраша иш қил-да энди.

1955 йил, 20 октябрь

*Т...Бундай деди:* Шаҳар ташқарисидаги қабристонни оралаб юриб, бир ҳолга қаттиқ ажабландим: кўпчилик қабр тошларига ўлган одамнинг исм-шарифи, туғилган ва қазо қилган йилларидан ташқари, унинг қай уруғга мансублиги ҳам ёзиб қўйилибди. Эшитяпсанми — қай уруғга мансублиги!

Бу қанақаси? Ё ўликлар ҳам ётган ерида, баъзи нодон тирикларга ўхшаб, ўзаро уруғ талашивармикин? Сенинг муҳарриринг қаерлик? Ўзинг қаердансан, уруғинг нима??? Гумроҳлар!!!

1955 йил, 21 октябрь

*Н...Бундай деди:* Яқинда жуда антиқа воқеа рўй берди. Бир пихини ёрган ўғри дўкон ёпилар пайтда ичкарида, сотувчиларнинг кўзини шамғалат қилиб, яшириниб қолибди-да, тунда ўзига керагини олиб, ойнани синдириб чиқиб кетибди? Саргузашт қисса ёзиш ниятида терговчидан ҳужжатларни олиб, танишиб чиққан эдим. Қарасам, ўша муттаҳам менинг яқин қариндошим бўлиб чиқди. Шу қадар алам қилдики, энди уни ўзим ўлдириб қутулмоқчиман. Муҳаррирга айт, кимгадир мен ҳақимда қисса ёзишни топшираверсин!

*Т... Бундай деди:* Миллий адабиётимизда: «Москва дунё харитасининг Шарқий ярим палласида» деган рост гапни «Дунё харитасининг Шарқий ярим палласида Москва жойлашган» дея такрорлагани учун новаторлик даъво қилиб юрганлар йўқ эмас. Шунингдек, бизда илгари бўлмаган элегия, сонет жанрларининг намуналарини олдига қўйиб шеър ёзганлар ҳам новаторликдан умидвор бўлиб юришибди. Хўш, бошқа овуларда шиферли томларни кўриб, ўз овулига келгач, уйини шиферлаган одам новаторми? Йўқ! Бундай одам ўз овулига янги нарса олиб келгани учун тегишли баҳосини олади. Тамом!

*З...Бундай деди:* Сонет деб аташ учун шеър ўн тўрт сатрдан иборат бўлиши керак, деган қоида: «Манови фалон литрлик идиш», дегандек бир гап. Сенинг ўша идишга қуйганинг ёғми, сувми, симобми —

асосий гап мана шунда!.. Нафақат сонет, ҳар қандай шеърда ҳам муҳими — шу!

*С...Бундай деди:* Мен чинакам новатор бўлмоқчиман. Уқиган бўлсанг, бобомиз Бердақ шоирнинг «Шажара» сида «...шундан бери гуллоқ бўлган экан», деган гап бор. Демак, халқимизнинг номи «қорақалпоқ» эмас, аслида «гуллоқ» яъни, тулум! Тулумнинг нималигини биларсан? Қўй терисидан тикилган гуппи-да! Энди шошилиш керак! Ҳамма ҳужжатларни ўзгартириб, «Миллати» деган жойга «гуллоқ» деб ёздиришимиз керак. Мана, кўрасан, шу ишнинг тўғрилигини исботлайман. Меники новаторлик! Қорақалпоқ деганиям ном бўлибди-ю! Гуллоқ яхши, гуллоқ!..

1955 йил, 22 октябрь

*Н...Бундай деди:* Яхшининг яхшилиги ҳар ерда олдиндан чиқади. Ёмоннинг ёмонлиги тор ерда ҳалқу-нингдан олади...

Яқинда китобимга қўйилган эпиграф танқид қилинди. Ушандан кейинги учрашувда ўқувчиларимдан бири: «Эпиграфингизни танқид қилган мунаққидга қандай қарайсиз?» деб сўраб қолди.

Қандай қарашим мумкин? Кунлардан бир куни «Қирқ қиз»ресторанида овқатланиб ўтириб, шундай бир воқеанинг гувоҳи бўлганман: бир хомсемизроқ одам ўзини официанткага «журналистман» деб таништириб, овқат ичидаги лавр япроғини санчқига илиб кўз-кўзлади-да, бош ошпазни чақиртирди.

— Бу қандай маданиятсизлик?! — деб дағдаға қилди у, бош ошпазга япроқни кўрсатиб. — Овқатга япроқ тушганини кўрмайдиган даражада сўқирмисан? Шу калтафаҳмлигингни газетага ёзиб, шармандангни чиқарайми?

Бош ошпаз ресторанда шовқин чиқармаслик учун журналистнинг қулоғига оҳиста шивирлади:

— Бу лавр япроғи-ку! Адашиб тушган эмас, атайлаб солганмиз. Овқатни хуштаъм қилади. Ўзини емайсиз. Хоҳдамасангиз олиб ташлаб, овқатни ичаверасиз.

— Ёлгон! Кимни лақиллатмоқчисан? — ўшқирди журналист бўш келмай.

Жанжалга қўшни столдагилар аралашгач, бош ошпаз бамайлихотир ортига қайтди.

Асарим танқид қилинганда ўша журналист эсимга тушди.

Муҳаррирингдан сўраб кўр-чи, шу гапларимни журналда босиб чиқарармикин? Лекин бир ишканални бошлайди, деб кўрқмасин. Мақоламни «Эпиграф — пальтонинг ёқасига қадалган тақинчоқ» деб номлай қоламан.

1955 йил, 24 октябрь

*Ж...Бундай деди:* Яқинда овулларни айланиб юриб: «Ҳақ гап айтганни халқ суяр», деган мақол эшитдим. Уйлаб кўрсам, шу вақтга қадар халқнинг кимни яхши кўришини билмай, шеър ёзиб юраверган эканман.

Ростини айтсам, шоир бўлиш осонмасга ўхшаб қолди. Энди адабий таржима билан шуғулланиш керак. Аммо... Бир куни де, бир қозоқ шоирининг шеърини таржима қилиб, исм-шарифимни остига эмас, адашиб устига ёзиб юборибман. Матбуотчилар ҳам овсарроқ, йўқса, ўшандаёқ-билиб, хатоимни тузатишса бўларди-ку! Начора, тузатишмабди. Мен ҳам индамай қўя қолдим. Чунки отам айтиб берган шундай бир воқеа эсимда эди: колхозлаштириш йиллари сигирсизларга сигир бериш бошланган пайтда отам қўшни овулдаги алакимнинг бўғоз сигирини ўғирлаб келиб кўрасига боғлаб қўйибди. Колхоз бошлиғи унинг кўрасида сигири борлигини кўриб: «Ие, бунга сигир керак эмас экан-ку», деб ўтиб кетибди. Ушанда бошлиқ: «Сигирни қаёқдан олдинг?», деб сўрамагани учун отам ўзича: «Ўғирлигим бошлиққа ҳам маъқул тушди шекилли», деган хаёлга борибди. Уша сигир икки марта болалагандан кейин, энди уят бўлар, деб эгасига обориб берган экан, эгаси қувона-қувона: «Қара-я, сигирнинг топиллишидан умидимни алақачон узиб қўйган эдим. Ҳалоллигинг учун раҳмат», дебди. Икки ўртада сигирлик бўлиб қолганидан отам ҳам хурсанд бўлибди.

Шунга ўхшаб мен ҳам, қозоқ шоирнинг шеъри тужайи «Шоир» деган ном олдим. Уша шеърим вақти келиб рус тилига таржима қилинди. Шеър сўнгида «Қорақалпоқ тилидан таржима қилинган», деб кўрсатилди. Хўш, бу миллий адабиётимизнинг шарафи учун ёмонми? Аттанг, калтафаҳмроқ бир мунаққид мени «ўғри!» деб танқид қилиб чиқди-ю, йшнинг белига тепди. Майли, танқидчи деганлари танқид қилади-да. Лекин анави редакция — ўша шеърни ўз саҳифаларида менинг номим билан босиб чиқарган редакция лоақал

ўз шаънини ўйламай, мунаққидга қўшилиб шовқин-сурон кўтарганига, ўша мунаққиднинг миллий адабиётимиз шуҳратига путур етказадиган мақоласини эълон қилганига нима дейсиз энди! Унга раддия ёзиб, муҳаррирингга бериб чиқдим. Сен ҳам кўз-қулоқ бўлиб, унутса эслатиб тур! Мени ҳимояннга ол!

Лекин огоҳ бўл, бола, ўзинг ўтирган шохни кесиб юрма тагин!

1955 йил, 25 октябрь

*А...Бундай деди:* Яқинда бир шеърый тўпламга тақриз ёзган мунаққид: «Бу шоир нега Шекспир ё Пушкин даражасида ёзмайди? Узининг миллий қобигида ўраллашиб қолган», деб менга айб тақамоқчи бўлибди. Узинг айт-чи, менга улар даражасида ёзиш учун бош қотиришнинг нима кераги бор! Ахир, Шекспир билан Пушкинга ер юзининг турли бурчакларида ҳайкал қўйилган. Менга эса, ўз овулимда кичкинагина бюст ўрнатилса, шунинг ўзи кифоя. Одам деганда қаноат бўлиши керак. «Камтарга — камол», дейди халқимиз. Шунинг учун муҳаррирингга айт, мақоламни зудлик билан босиб чиқарсин! Мендан ва яна бошқа қорақалпоқ шоирларидан Шекспир, Пушкин даражасида ёзишни талаб қилиш мутлақо нотўғри!..

*А...га Содиқ шоирнинг жавоби:* Қадимги замонларда кўп болали бир отанинг кенжа ўғли вақтидан аввал чалароқ туғилган экан. Бундай чақалоқни туғилиши лозим бўлган вақтгача қалпоққа солиб, ўтовнинг керагасига осиб қўйиш расм бўлган. Ота-онаси дарров бир қора қалпоқ топиб, чала туғилган болани унга солишибди-да, керагага осиб қўйишибди. Орадан кўп ўтмай кутилмаганда юртга ёв бостириб келиб, элни талон-тарож этиб, маконидан бадарга қилибди. Чала туғилган бола қалпоқда керагага осилган куйи унутилиб қолаверибди. Уша қалпоқнинг ичида ўсиб-улғайибди. Эсини танигач, ёлғизликдан қўрқиб, туғишганларини ахтаришга тушибди. Иним, мен сенга айтсам, ҳозирги чаламулла ёзувчиларни чала туғилиб, қалпоқда улғайган ўша одамнинг авлоди, дегим келади. Яна: «Ўйламай сўйлаган, оғримай ўлади», дегим келади. «Болтани эҳтиёт бўлиб урмасанг, оёғингга тегади. Ҳар бир сўз — болта, унинг сопини дурустроқ ушла», дегим келади!..



1955 йил, 26 октябрь

*Н... Бундай деди:* Ёзувчи билан мунаққид бир мақсаддаги одамлар. Агар ёзувчи — ҳаётни бадиий сўз воситасида тасвирлаб кўрсатувчи рассом десак, мунаққид — кўргазмалар залининг масъул ходими. Ана шу масъул ходимга, унинг кўргазмадаги суратларни қандай тушунтиришга кўп нарса боғлиқ.

*Г... Бундай деди:* Мунаққиднинг ўзини-ўзи шарманда қилиб, бурдини кетказиб қўядиган нарса ҳали асарни қўлга олмасдан туриб қатъий бир фикрга эгаллиги. Кечаги газетада менинг китобимни танқид қилиб чиққан мунаққид ҳам шундай. Қолаверса: «Шу китобдан камчилик топмасам, кўпроқ мақтаб юборсам, ўзим билимсиз кўриниб қолмасмикинман», деб кўрққан. Бундай кўрқоқларни фош қиладиган мақола уюштириш керак. Муҳаррирга айтиб ўтирмай, ўзинг кимгадир буюртма беравер. Ё сенинг номингдан ўзим буюртма бера қолаймикан?..

1955 йил, 27 октябрь

*Ш... Бундай деди:* Мен мунаққидлар орасида ғаразли ният билан қалам ушлайдиганлари бор, деган фикрларга қўшилмайман. Гоҳо ўзим айтган фикрнинг тўғрилигига ўзим ишонмай қоламан. Ёзувчи баъзан тўғри ўйлаб турган бўлса-да, ўзи билмаган ҳолда тўғри фикрини хато ифодалаб қўйиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Бу ёғини сўрасанг, кундан-кунга саломатлигимдан путур кетяпти. Мабодо васият айтолмай ўлиб қолсам, дафн комиссиясига айт: «Мени шаҳардаги арбоблар қўйиладиган қабристонга кўмишмасин. Тўғриси, улар билан ётишга ҳушим йўқроқ. Чунки улар қабр тепасига қимматбаҳо ёдгорлик ўрнатиш учун зимдан ҳаром пул йиғиб юришибди. Менда эса, унақа пул йўқ. Қимматбаҳо ёдгорлик ўрнатишга етарли пул қолдиролмаганим учун нариги дунёда ҳам безовта бўлиб юрмай тагин. Устига-устак, келгуси авлодлар уларнинг қинғир йўллар билан қабр тепасига қўйдиришга муваффақ бўлган ҳайкалларига қараб: «Манавилар зап буюк одамлар бўлишган эканми?», дея олдиларида бош эгишларини кўргудек бўлсам, чидаёлмай, ўзимнинг ўликлигимни ҳам

унутиб қўяман-да, бу ҳайкалларни бузиб ташлаш мақсадида гўримда тикка туриб, келгуси насларни даҳшатга солишдан қўрқаман».

1955 йил, 28 октябрь

*С...Бундай деди:* Максим Горький, Маяковский, Ҳамза қорақалпоқ совет адабиётига ҳам асос солган, десак ўйлайманки, бу гап ҳеч кимнинг миллий гурурига тегиб кетмайди. Тарих ростгўйликни талаб қилади. Тўғрими, иним?

Ростини тан оладиган бўлсак, бизнинг халқимиз ўтмишнинг тўс-тўполон суронларида кўп бора макондан-маконга қувилавериши натижасида руҳан хасталаниб қолгандек. Бунинг далили сифатида инқилоб йилларида яшаган шоирларимизнинг умр йўллари кўз олдимизга келтириш керак.

Қорақалпоқ совет адабиётининг асосчиларидан бири ҳисобланувчи Аянберган Мусаев 1917 йилда ўттиз саккиз ёшда, Қорақалпоғистон халқ шоири унвонига илк бор сазовор бўлганлардан Аббос Добилов йигирма, Содиқ Нурумбетов эса ўн саккиз ёшда эди.

Майли, ўша йиллар она тилида матбуот йўқ эди, дейлик. Агар улар Улуғ Октябрни тушуниб шеърлар яратганларида эди, оғзаки адабиётга ўрганган халқ бу шеърларни ёд айтиб юрган бўлмасмиди?..

Мен яқинда кекса зиёлилардан бири билан гаплашиб қолдим. У: «Қорақалпоғистонда 1939 йилда илк бор кино кўрдим. Ўша кинода бир қаҳрамон пулемётнинг оғзини залга қаратган эди, ҳамма қўрққанидан ўриндиқлар остига яшириниб ётиб олди», деб кулди.

Ҳозир бу, дарҳақиқат, кулгили туюлади. Лекин биз кимларнинг устидан куляпмиз ўзи? Ўйлаш керак! Ўтмишни баҳолашда каллани тузукроқ ишлатиш керак!

1955 йил, 29 октябрь

*Г...Бундай деди:* Бизда кейинги йилларда аввалдан шакланган қатъий тасаввурларни имкон қадар орқароққа суриб, баъзи ҳодисаларга тарихнинг тўрроғидан ўрин қидириш ҳоллари учраб қолмоқда. Бу очиқдан-очиқ сунъийликни келтириб чиқаради. Бундай қилиш уят, жуда уят! Қайси ёзувчи халқининг маънавий-руҳий юксалиш даражасини ҳаққоний кўрсата олсагина, Улуғ Октябр халқига нималар берганлигини бошқалардан

кўра кучлироқ, равшанроқ, ҳаққонийроқ ёритган бўлади...

*Аббоз шоир айтган афсона:* Бегона юртлардан чарчаб-ҳориб қайтаётган бир дарвиш бир кеча қўноқ бўлиш учун йўл ёқасидаги овулда тўхташга аҳд қилибди. Чеккароқ бир хонадонга яқинлаган пайтида, уй эгасининг ўзи қўлида таёқ ўйнатиб чиқиб қолибди. Дарвиш ҳангу манг бўлиб серрайганча турган экан, ҳалиги одам дарвишга қарамай, қўшнилариининг дарвозаларини шаҳд билан қоқиб: «Юр-ҳо-юр!», дея бақриб-чақриб, изидан одамларни эргаштирибди-да, қўшни овул билан ўз овуллари оралиғидаги кичик бир ариқнинг бўйига чиқибди. Аллакимларнинг исмларини айтиб сўкинишга тушибди. Сўкиш эшитган нариги овул одамлари ҳам хезланиб чиқиб келишибди. Ариқ ёқасида икки овул одамлари ур калтага ёқалашини бошлаб юборишибди.

Ёқалашни тугагач, дарвиш тунаб ўтишни мўлжаллаган уй эгаси ортига қайтиб келиб: «Юринг, меҳмон!», деб уни ичкарига бошлаб кирибди.

Дарвиш андак нафас ростлагач, уй эгасидан ҳозиргина кўз олдида бўлиб ўтган ёқалашини сабабини сўрабди.

— Ариқнинг нарёғи бошқа уруғ эди,— дебди уй эгаси.

— Юртингизда уруғлар ўртасидаги жанжалга чек қўядиган умумий бошлиқ йўқми? — деб сўрабди дарвиш.

— Ўша бошлиқ ҳам бирор уруғдан чиқади-да,— дебди уй эгаси.

— Чиқса нима қилибди? — деб ажабланибди меҳмон.

— Биз унга ишониб ортидан эргашдик дегунча у, бахтга қарши, ўз уруғига оға бошлайди. Қарабсизки, жанжал келиб тўхтаган жойидан давом этаверади.

— Демак, бу овул — фалончининг овули, бу овулда фалончи деган ақлли одам бор, деб айтиш мушкул экан-да! — дебди дарвишнинг ҳафсаласи пир бўлиб. — Ё нариги овулдагилар бегонами?

— Нега энди? — ажабланибди уй эгаси. — Иккаласи қорақалпоқ овуллари. Оз сонли бўлсак ҳам, овуллар ўзаро жанжаллашса ҳам, ҳар қалай, бир онанинг фарзандларимиз.

— Нима учун ҳанузгача бошқа юртларга номаълум қолаётганликларингизнинг асл сабабини энди тушундим,— дебди дарвиш. — Ҳамма бало уруғчиликда экан!

Баъзи мунаққидларимизнинг она адабиётимизга му-

носабати худди ўша дарвишнинг хулосасидек, у гувоҳ бўлган можарони беихтиёр ёдга туширади.

«Муаллифларнинг монологлари» юзасидан қавс ичига ёзган фикрларим:

Журналга келадиган муаллифлар кўпчилик эмас. Шу боисдан «монолог»лар сийқаси чиққан пластинкадек такрорлана бошлади. Уларни ҳадеб ёзавериш — бир хонада тўрдан пойгакка, пойгакдан тўрга бўзчининг мо-кисидек бориб келаверишдек бўлур эди. Ҳолбуки юриш керак, олға юриш керак!

Ҳар қалай, «Муаллифларнинг монологлари»ни дафтарга тушириб борганим мен учун ўзига хос сабоқ бўлди. Сабоқнинг ҳам икки тури бор: ёқимлиси, ёқимсизси. Бироқ иккаласидан ҳам ўрганса бўлади. Келтирилган «монологлар» орасида иккаласидан ҳам топилади.

«Йўл қўйилган хато учун кечирим сўраш — донолик, бироқ кечирим сўраш ўз шаънини ерга уриш даражасига тушиб кетмагани маъқул», дерди бобом.

Гоҳо тузуккина, гоҳо чалакам-чатти тушунчалар асосида айтилган фикрларни айнан ёзганим учун «монологлар»нинг муаллифларидан келажакда ҳам кечирим сўрамоқчимасман. Уз пайтида хомроқ фикрлар билдиргани учун уларнинг ҳам мендан кечирим сўрашлари шарт эмас. Юқоридаги монологлар адабиётимиз савиясини кўрсатувчи мисоллардир...

Одамзод бино бўлганидан бери ҳаммани бир қоллипга тушириш йўлида қанчадан-қанча тажрибалар ўтказилмади дейсиз! Улардан ҳозир ҳар ким ҳар хил фойдаланиб юрибди. Кимдир тўғри тушуниб фойдаланади. Кимдир айни ҳолида фойдаланаверади. Ҳар қалай, ҳеч ким «Мен аҳмоқман» демайди. (Гоҳо дейиши ҳам мумкин, бироқ бу гапни у сидқидилдан айтмайди, албатта.) Ҳамманинг ҳам, оздир-кўпдир, ўзига яраша ақли бор. Оч қолсангиз, бир тишлам нон беролмаса-да, ҳар нечук кам деганда бир оғиз маслаҳат беришга ярайди.

Баъзи бировлар пухта ўйлаб кўрмай қилган палапартиш иши хусусидаги ёхуд ўйлана-ўйлана айтган хато фикри борасидаги рост гапни эътироф этишни шунинг учун истамайдики, у ўзининг ақлсиз кўриниб қолишидан ўлгудек қўрқади.

Донолар: «Шум ният билан экилган ниҳолнинг да-наги аччиқ бўлади», деганларида айрим устаси фарангларни назарда тутганлар. Баъзилар ақлдан нақ тузоқ

қурсам, дейди. Улар орасида ўз тузоғига ўзи тушиб қоладиганлар ҳам кўпчилик.

Тарихдан тажриба ўзлаштириш йўлидагина эмас, тарихга тажриба қолдириш йўлида жон фидо қилаётганлар ҳам бисёр. Бу, ҳар қалай, ёмон хислат эмас. Бироқ улар ўзларининг бу дунёга устунлигини, яъни, ОДАМлигини унутиб қўймасалар — янада аълороқ иш мана шу эди. Уларнинг инсоний қиёфаларини ўзларига бадийий йўсинда кўрсатиш — ёзувчининг бош вазифаси. Қарияларнинг ёшларга қарата айтган: «Онангни отанга бепардоз кўрсатма», қабилдаги насиҳатлари ҳам шунчаки панд-насиҳат эмас, бус-бутун ҳикмат. Ҳар бир одам учун тарих — она, халқ — ота!

Журнал редакциясида ишлаш қанчалик қийин бўлмасин, назаримда мен учун бу яна бир дорилфунун бўлди. Шу боисдан ҳар бир ишни, бошлиқларнинг ҳар бир топширигини яхшироқ бажаришга астойдил ҳаракат қилдим. Бу ҳол Ёзувчилар союзи раисининг менга бўлган хайрихоҳлигини кучайтириб, ишончини оширди. Редакциядаги маошли ишимдан ташқари Ёзувчилар союзида ўтказиладиган ҳар хил мажлисларнинг протоколларини ёзиб бориш ҳам менга топширилди.

Стенографист эмасман. Шу боисдан улгурганимча ёзаман. Ҳар бир нотиқ гапларининг мағзини чақиб, улардаги йилт этган янги фикрни илғаб олишга, оқизмай-топизмай қоғозга туширишга уринаман. Бировлар ўзи сезмаган ҳолда теша тегмаган ақлли гаплар айтишади. Бошқалари кўра била туриб ноўрин, ножўя гаплар қилишади. Яна бирлари матбуотдан ўқиб олган фикрларни худди ўзи айтаётгандек баён қилади. Айримлари ўз фикрларини бошқаларнинг тилидан айтишади...

Мажлисларда Ёзувчилар союзига аъзо бўлмаганлар ҳам қатнашиб, муҳокамага қўйилган асар хусусидаги ўз фикрларини айтиши мумкин эди. Гоҳо ўшаларнинг фикрлари қарорга асос бўлиб хизмат қиларди. Айримларининг гаплари бир қарасанг — нодонлиги, бир қарасанг — донолиги, бир қарасанг — қуюшқонга сиғмаслиги билан овулимизнинг Кўча бийини эслатарди.

Ўзимнинг адабиётга кириб келишимда бамисоли алифбедек хизмат қилган шу протоколларнинг хотирамга муҳрланиб қолганлари асосида бугун айримларидан кўчирмалар келтирарканман, уларга андек ўзгаришлар киритдим: «Ёзувчилар союзидаги йиғилишларга гоҳо атайлаб таклиф қилинган, гоҳида эса, махсус таклифлар-

сиз келиб сўзга чиққан барча нотанишларни «Кўча бийи» деб номладим. Асари муҳокама қилинаётган ёзувчини, кимлигидан қатъий назар, «муаллиф» деб ола қолдим. Айрим қаламкаш дўстларим қулоқларини динг қилиб, менга олайиб қарамасликлари учун ёхуд ўша пайтларда айтган сийқа гаплари сабаб ўкиниб-ўксиниб, бош қашиб қолмасликлари учун тақризчилар исмини ҳам сир тутдим. Мажлис давомида сўзга чиққанларни «нотиқ» деб белгиладим. Аббоз шоир билан Содиқ шоир бетакроп гаплар қиладиган, ҳеч кимга ўхшамайдиган одамлар эди, шу боисдан уларни ўз исмлари билан аташни маъқул кўрдим.

*1-сон протоколдан кўчирма*

*Мажлис раиси:* Қорақалпоқ адабиётида катта ўринни ишғол қилувчи оқсоқолларимиздан бирининг дастлабки шеъри ёзилиб матбуотда эълон қилинганига чорак аср тўлибди. Бу санани тантанали равишда нишонлашни муаллифнинг ўзи талаб қилгани сабабли Ёзувчилар союзи унинг барча асарларини тўплаб, йиғилганларга батафсил маълумот бериш учун махсус маърузачи тайинлаган эди. Сўз маърузачига.

*Маърузачининг айтгани:* Мен севимли шоиримизнинг ўзи билан биргаликда унинг бугунга қадар матбуотда эълон қилинган ва ҳеч қаерда эълон қилинмаган шеърларини тўплаб бўлдим... Муҳокама қатнашчилари эркинроқ фикр юритишлари учун қўлёзма кўпчиликка беш-ўн саҳифадан тақсимлаб берилган. Бундан ташқари махсус уч тақризчи гапиришга тайёр. Шу боисдан менинг кўп гапиришимга зарурат бўлмаса керак. Муҳокама давомида саволлар туғилса, муаллиф билан баб-баравар енг шимариб жавоб беришга тайёрман.

*Муаллифнинг айтгани:* Миллий адабиётимизга оталарча ғамхўрлиги учун ёзувчилар союзига ва унинг топшириғига кўра кўп ишлар қилиб, ҳозир сизларга ахборот берган докладчига раҳмат. Бундай ёрдам бўлмаганида, уззукун шеър ёзиш билан машғуллим сабаб ўз шеърларимни ўзим газеталардан қидириб топиб, яхлит тўплам ҳолига келтиролмаган бўлардим. Аввалги тўпламларимга киритилмай қолган талай шеърларим архивлардан топилди. Муҳокамада сўзга чиқадиغان ўртоқларга ҳам олдиндан раҳмат айтиб қўймоқчиман.

*Савол:* Тўпламнинг ҳажми қанча? Унга неча шеър киритилган, жами неча мисра?

*Муаллифнинг жавоби:* Мен қатор санамай ёзадиган шоирман. Қўлимга қалам ушлаб ўтирсам бас, шеър деганининг ўзи миямга қўйилиб келверади.

*Маърузачининг жавоби:* Куллиётга шоирнинг аввал матбуотда эълон қилинган 206 номдаги шеъри киритилди. Ҳажми ўн минг сатрдан кўпроқ. Жуда салмоқли, оғир тўплам. Агар нашриёт яхши безаклар учун харажати аямай, чармдан 7-сон муқова ишлатса, олий навли қоғоз берса, ўқувчилар шахсий кутубхонасига қўйганда уялмайдиган, вази бир ярим-икки килограмм-лик китоб бўлади.

*Муаллифнинг илтимоси:* Қўшиқ қилиб айтиладиган шеърларим ҳам бор. Агар уларни ҳам нотаси билан бирга киритилса, тўплам тағинам салмоқлироқ бўларди-да.

*Кўча бийининг айтгани:* Шоир ўз халқининг тили. Унинг эринмай айтган ҳар бир сўзи келгуси авлодларга мерос бўлиб қолиши учун бу «Куллиёт» запис бўлибди.

*Овозлар:*

— Сиз четдан келиб, ёзувчиларнинг ишига аралашаврманг!

— Тўпловчига раҳмат эмас, лаънат айтиш керак!

— Тўпловчида нима айб?

— Шоирда нима айб? Автоном республика ҳукумати унга юксак унвонни бекорга бермаган бўлса керак?

*Савол:* — Кейинги пайтларда кўчирмакашлик фактлари учраб турибди. Бу шоирда бешқалъадан кўчирилган сатрлар йўқмикан?

*Маърузачининг жавоби:*

— Йўқ, ҳаммаси ўзиники, фақат ўнг чўнтагидан чап чўнтагига, қўйин чўнтагидан сиртқисини, сиртқисидан ички чўнтагига кўчириб, ўзидан ўзи қарз олган сатрлар, бандлар бор.

*Овоз:*

— Бу юбилей тўпламининг асосий мазмуни баён этилсин!

*Маърузачининг баённомаси:*

— Муаллиф илк шеърини баҳор байрами — Биринчи майга бағишлаган экан. Ушандан руҳланган бўлса керак, ҳар йили Биринчи майга бағишлаб шеър ёзаверибди. «Куллиёт»га шуларнинг барчаси, яъни, Биринчи майга бағишланган жами 25 та шеър киритилди. Шоир учун Улуғ Октябрь илқилобининг галаба куни, СССР Консти-

туцияси куни, шунингдек, Совет Армиясининг тузилган куни баб-баравар илҳомбахш саналар бўлиб, йил сайин уларга бағишлаб шеър ёзаверган экан. Тўпلامда мана шу уч шонли санага бағишланган жами етмиш беш шеър бор. Шоир — бир сўзли лафзи халол одам. Бошлаган ишини охиригача етказиб қўйишни ҳеч қачон унутмаган. Масалан, деҳқонларни кўкламги экиш мавсуми билан қутлаб ёзган 19 шеъри бўлганидек, кузги йиғимтеримни ҳам ўз вақтида ўтказишга даъват этувчи 19 та шеъри бор. Бундан ташқари, комсомол ва пионер ташкилотларининг тузилган кунларига ҳам талай шеърлар бағишланган. Бу атоқли шоир асрларига қараб сўнги чорак асрда автоном республикамиз пахта тайёрлаш планини ўн бир маротаба бажарганини билиб олдим у шоирга чин кўнгиладан тасанно айтгим келди. Шунингдек, шоир ўзи туғилган районнинг неча марта автоном республикада биринчилардан бўлиб планни бажарганини ҳам мен унинг ўз районига фахр билан олти марта шеър бағишлаганидан билиб олдим. Атоқли шоиримизни фақат ўз районининг мадҳиягўйи дейиш фикрдан узоқман. Автоном республикада биринчи бўлиб маррага етиб келган район борки, ҳеч қайсисини назардан четда қолдирмай, уларнинг кўнглини чўктирмай, ҳаммаларига бағишлаб шеър ёзаверган экан.. «Куллиёт»га мана шу шеърлар ҳам кирмай қолмади, албатта. Булардан ташқари, шоирнинг умр йўлдошига, тўнғич ўғлига, юбилейлари нишонланган қаламкаш дўстларига, мукофотланган пахтакорлару қурувчиларга бағишланган шеърлари ҳам унутилмади.

#### *Савол:*

— Бу номдор шоиримизнинг ҳар бир санага бағишланган йигирма беш шеърдан биттасини, ўн тўққиздан биттасини, дегандек, танлаб олиб, жами олти-етти шеъринигина чиқариб қўя қолсак нима бўларкин?

*Муаллифнинг жавоби:* Шунинг унутмангларки, кўпчилигингиз менинг шеърларимни ўқиб тиш чиқаргансизлар!

#### *Овозлар:*

— Сизнинг шеърларингизни ўқиб чиққан тишларнинг ҳаммаси сўйлоқ!

— Сиздан ўрганган ҳозирги шоирлар тишларим кўринмасин деб бошқа жойларда оғиз очиб гапиришга кўрқиб юришибди.



*Нотиқнинг айтгани:*

— Уртоқлар, ёзувчининг шуҳрат қозониши учун кўп нарса керакми? Йўқ! Масалан, Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Тирилиш» деган уч-тўртта асаринигина тез-тез тилга олиб турамиз. Грибоедов деган шоирнинг биттаю-битта «Ақллилик балоси», Фурманов деган ёзувчининг фақат «Чапаев», Островский деган кўзлари кўр ёзувчининг «Пўлат қандай тобланди» деган ягона китобини биламиз, холос. Ҳаммамиз ҳам бу асарларнинг номларини мактаб партасидаёқ эшитганмиз. Шунга қарамасдан неча-неча колхозлар, мактаблар, кўчалар улар номи билан аталади. Михаил Шолохов деган ёзувчи эса, «Тинч Дон», «Очилган кўриқ» номли иккита асари биланоқ мунаққидлар ёзган мақолаларда биринчи бўлиб тилга олинади. Бинобарин, бу «Куллиёт»нинг ҳажми катта дейдиган ичи торлар бўлса, майли, олти-етти шеъринигина нашр этиб қўя қолайлик! Шундай тақдирда ҳам бу ақли расо, меҳнаткаш, донишманд, файласуф шоиримиз қаламига мансуб шеърлар сон жиҳатидан мен юқорида тилга олган шоир ва ёзувчиларникидан бир неча баробар кўпроқ.

*Овозлар:*

— Ҳой, сиз бу маддоҳни Лев Толстой, Грибоедов, Фурманов, Островский, Шолоховларга тенглаштиргани уялмайсизми?!

— Докладчи саводсиз экан-ку!

*Нотиқнинг жавоби:*

— Мен ўзимизга маълум асарларни миқдор нуқтаи назаридан қиёсладим!..

*Қавс ичига ёзган изоҳларим:* Аввалида «докладчи пичинг қилаётган бўлса керак», деб ўйлагандим. Кейинги сўзларини астойдил жон куйдириб айтаётгани кўзларидан, хатти-ҳаракатларидан рўй-рост сезилиб турганини кўриб, саводсизлиги учун қаттиқ ачиндим, аламим келди. Аммо, начора, мажлис аҳли орасида уни қўлаб-қувватловчилар кўпчилик.

*Биринчи тақризчининг айтгани:*

— Қорақалпоқ адабиётида машҳур шоирлар кўп. Бироқ, бахтга қарши, уларнинг машҳур асарларини топиш қийин.

Қорақалпоқ совет адабиёти дарслигига кирган сиймолар бири иккинчисидан нимаси билан қанчалик фарқланишини билиш ҳам осон эмас...

*Овозлар:*

— Она-адабиётимиз бунақа камситилмасин!

— Атоқли шоирнинг чорак асрлик меҳнатига тил теккизилмасин!

— А. С. Пушкин: «Илҳом сотилмайди, бироқ илҳом меваси бўлмиш қўлэзма сотилади», деган. Шоиримизнинг ўз илҳомини сотишига тўсқинлик қилинмасин!

— Пули тўланган буюмга сотган одам эмас, сотиб олган одам хўжайин, дейди халқимиз. Ахир, бу шоирнинг шеърлари газеталару радио томонидан аллақачон сотиб олинган-ку!

— Шоир бу шеърларини чорак асрдан бери сотасота обдан хумордан чиққандир. Бас-да энди! Буёғига у эмас, биз хўжайинмиз! Иккинчи маротаба пул тўланмасин!

— XIX асрнинг бошларида яшаган рус шоири А. С. Козиянов «Шоир — мангуликка судланувчи одам, унга одил вақтнинг ўзи ҳукм ўқийди», деган. Бизнинг халқ шоиримизга ҳам, майли, келгуси авлодлар ҳукм ўқисин. «Куллиёт»ни туришича босиб чиқарсак — чиқара қолайлик!

*Иккинчи тақризчининг айтгани:*

— Уртоқлар! Мавсумий шеърларга, ҳозиржавобликка қарши сўзга чиқувчиларга қараб: «Шундай ҳозиржавоб шеърларни ўзлари ёзолмагани учун алами келганидан гапиради шекилли», деган хаёлга бормангизлар! Одамзод ҳар бир янги ҳодиса ўз вақтида тезкорлик билан жавоб беришга одатланган. Жавоб шоирнинг тили билан шеърий шаклда берилар экан, буни қўллаб-қувватлаш керак! Мен айтмоқчи бўлаётган асосий гап; Ҳали адабиёти яхши ривожланмаётган халқда кичикроқ бир талант пайдо бўлса, бу қоронғида хира нур сочаётган заифгина шаъмнинг кўпчилик назарида ойдек кўринишига ўхшаш ҳодиса. Заифгина шаъми миллий маданият осмонида янгидан пайдо бўлган ёруғ юлдузга тенглаштириш ҳоллари учраб туради.

Халқимиз адабий асарларни кўзоблардан ўқиб эмас, қулоқ билан тинглаш орқали баҳолашга кўникма ҳосил қилган. Бундай вазиятда муаллифнинг ўз асарини бошлаб, қироатини жойига қўйиб айтиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади...

*Кўча бийининг айтгани:*

— Овулимизда Бойназар деган мулла бўларди. Маърака пайтлари унинг қуръон ўқишини эшитган қария-

лар: «Оҳ-оҳ-оҳ! Қироатингга балли-ей! Мулла деганлари Бойназардек бўлса-да!», деб танглайларини тақиллатишарди. Қайсидир овулда чол ё кампир қазо қилгудек бўлса, албатта уни чақиртиришарди. Бориб-келиб юрганида қўшни овул биздан кўпроқ иззатини жойига қўйди шекилли, у овулимиздан бутунлай кўчиб кетди. худди ўша йили отам оғриб, жон бериш олдидан: «Ўлигим устида Бойназар мулланинг овози эшитилсин», деб васият қилди. Қиблагоҳимнинг сўнгги истагини, албатта бажо келтирдим. Менда русча-арабча луғат бор эди. Нима учундир Бойназар муллага унинг арабчасини ўқитиб, қорақалпоқча маъносини сўрагим келди. Луғатни олдига қўйдим-да:

— Тақсир, ўқиб маъносини тушунтириб берасизми? — дедим.

У лаб-лунжини қўллари билан қайта-қайта силаб:

— Саводим йўқ-ку, қароғим. Шунчаки болалик чоғимда бир мулладан эшитиб, эсимда қолганларини ёддан ўқиб юрибман-да! — деди. Бундай жавобдан ҳайрон бўлаётганимни сизди шекилли, маъноли илжайди. — Биласанми, Кўча бийи, умрида китоб бетини очиб кўрмай, фақат қулоғига ишониб ўрганган одамлар сенинг саводинг бор-йўқлигини суриштириб ўтиришмайди. Тиниқ овозинг, ёқимли қироатинг бўлса бас!

*Овозлар:*

— Тўғри гап! Баъзи шоирлар ўз шеърларини ўзлари ўқиганида махлиё бўлиб эшитасан. Бироқ ўша шеърлар босилиб чиққанидан кейин олиб ўқисанг, худди қўлингга пуфак ёрилгандек бўлади.

— Бизда азбаройи қироати билан Бойназар мулладек шуҳрат қозониб юрган шоирлар озчилик эмас!

*Нотиқнинг жавоби:*

— Баъзи одамлар болаларини совға-саломга ўргатишади. Агар совға-салом бир хил бўлаверса, болалар унга лоқайд қарашади. Кейингиси аввалгисидан пастроқ бўлса, кўнгли қолади. Агар ҳар сафар аввалгисидан яхшироқ совға олиб келинса, эндигисини орзиқиб кутади. Шоир ҳам ўз ўқувчиси олдида бамисоли боласини совға-саломга ўргатган отага ўхшайди.

*Овоз:*

— Уйнинг пойдевори ёмон бўлса, деворнинг яхшилигидан нима фойда? Гапни назарий жиҳатдан етук тақризчилардан эштайлик!

*Учинчи тақризчининг айтгани:*

— Тағзамини мустаҳкам бўлгани билан устида турган девор яроқсиз бўлса ҳам ёмон. Пойдевор ёмон бўлса, девор яхши чиқавермайди. Хайриятки, айрим моҳир усталар яхши пойдевор устида яхши девор тиклашади. Ҳар қандай иш ўз устасидан қўрқади. Биз «Куллиёти» ни муҳокама қилаётган шоирга келсак, унинг ҳам ўз пойдеворига лойиқ девори бор. Яна нима дейиш мумкин? Бундай жараёни ҳар бир адабиёт бошидан кечиради. Биз андак кечикиброқ бошдан кечирмоқдамиз. «Куллиёт» босилмаса ҳам ҳеч ким: «Нега босилмади», демайди. Босилса ҳам, ҳозирча ўз ўқувчиларини топиб кетиши эҳтимол. Мен ҳурматли оқсоқолимизга сиҳат-саломатлик тилайман, янгича илҳом тилайман!

**Кўча бийининг айтгани:**

— Бизнинг Қорақалпоғистонимизда чинакам ижодкорларга нисбатан адабиёт бўйича «олим» атаниш ниятида муштига туфловчилар кўпроқ. Ундайларнинг ёзганларини ўқисанг ё ўзлари билан икки оғиз гаплашиб қолсанг, қаттиқ ачиниб кетасан киши! Улар адабиётда филни пашша, пашшани фил қилиб кўрсатиб юришибди. Айрим шоирларимиз эса «мен» деб сўзлаш эркини суиистеъмол қилаётгандек, халқнинг елкасига ўтириб олиб «Мен халқман!» деб хитоб қилаётгандек. Кейинги пайтларда қора сўз билан ёзилган қисса, романларни кўп ўқишга одатландим. Уларни қорақалпақ ёзувчилари яратаётганлари йўқ. Тили бизнинг тилимизга ўзақдош ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман ёзувчиларию шу тилларга таржима қилинган рус ёзувчиларининг китобларидан ўқияпман. Уларни ўқий бошлаганимдан бери «Мен халқман!» дея кўксига урадиган баъзи шоирларимиз назаримда худди ёлғиз дарахтга қўниб шақ-шақлаган ҳаккага ўхшаб қолди. Ўзим ўқиган кўплаб китобларнинг муаллифлари эса, ортиқча чиранмайди: халқининг оёғи остида ётиб, унинг қаддини ақалли бир қаричга юқорироқ кўтариб, «Мен эмас, халқнинг ўзи халқ!» демоқчи бўлади. Бизга халқнинг ўзи ҳақида ўзини гапиртирадиган асарлар керак, дўстлар!

Кўп ўқиб-ўрганиш натижасида шунга амин бўлдимки, шоир — халқнинг тили, меҳнаткаш сўзлар би-

лан роман ёзувчилар — халқнинг саркотиби экан. Халқимизга тил бўлган одамлар қадимдан бор. Агар саркотиби ҳам бўлса эди, аниқ бир шаклга тушган бадий тарихимиз яратилармиди. Барчага маълумки, халқимиз минг йиллардан бери ўз тарихини ўзи билан бирга олиб юради. Яъни, халқ ўз тарихини кўксида ардоқлаб сақляпти. Бир юракка ҳамма нарсани сиғдиравериш, юк устига юк қўшиб кўтаравериш осонми! Не-не керакли юклар ташлаб юборилган, унутилган бўлиши ҳам аҳтимолдан холи эмас. Халқимизнинг ҳам саркотиби туғиладиган вақт, менимча, етиб келди, ёзувчи дўстларим! Шу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўришларингизни истардим...

*Қавс ичидаги изоҳларим:* Бу одамнинг гапларида жон бор. Ўйлаб кўриш ҳеч кимга зарар қилмайди.

*Биринчи нотиқнинг айтгани:*

— Утмишдаги Буюк Хоразм хонлигининг пойтахти Хива шаҳрида 64 та мадраса бўлган. Биз учун ўша мадрасаларнинг қурилиш тарихи қизиқми ё шу мадрасаларда таҳсил кўрган илм ва шеър аҳлининг тақдири қизиқроқми?

Маълумки, бадий адабиётнинг ўз тарихи бор. Бироқ бу тарих — уни яратувчиларнинг тарихими ё яратилган асарларнинг тарихими?

Тўғри гапни тан олмоқ керак: миллий адабиётимизда кўпгина шоирларнинг ҳаёт йўлини биз тарихга айлантирсак ҳам уларнинг асарлари тарихий воқеага айланмаяпти. Адабиётни чинакам талант яратади. Чинакам талант маҳсули бўлган асар орқали нафақат якка шахслар, балки бутун бир халқ тарбияланади. У келгуси насларни ҳам тарбиялайди. Инсоният тафаккурига таъсир кўрсатади. Келгуси авлодни ўз халқининг тарихий тақдирини ёритиш орқали ҳам тарбиялаш мумкин. Бунинг учун халқ тарихи бадий шаклга туширилмоғи керак бўлади. Шу мақсадда миллий адабий аънаналаримизни ҳар томонлама бойитиш талаб қилинади. Қисқаси, бизга кенг кўламдаги насрий асарлар керак. Насрда халқимизнинг ибратли ишларини бўрттириб кўрсатиш халқчил аънаналарни бузиш эмас, уни бойитиш демакдир. Мана шунинг ўзи ҳам новаторлик! Новаторлик йўқ нарсани тўқиб чиқариш эмас, халқнинг ўзида бор нарсаларни бадий йўсинда ишонарли шаклда ўзига кўрсатишдан иборат. Бу тиниқ кўлга сув қуядиган

ва ундан сув оқиб чиқадиган янги ариқлар қазиб, сувни ҳаракатга келтиришга ўхшаш иш.

Ҳаракатсиз тириклик йўқ!

Шу нуқтаи назардан қараганда, халқимизнинг умр йўли учун СССР халқларига, айниқса, буюк рус халқига мингдан-миг олқишлар изҳор этилувчи китоблар керак. Чунки уларнинг дўстона ёрдами, қудратли елкадошлиги бўлмаганида, халқимизнинг сони тобора озайиб бориш у ёқда турсин, тарих саҳифаларидан батамом ўчиб кетиши муқаррар эди.

Бугунги авлоднинг тафаккури учқур. У метиндек мустаҳкам дўстликка таянган ҳолда буткул дунёга ўз таъсирини ўткази оладиган авлод. Бу бахтимиз, бу куч-қудратимиз учун кимдан миннатдор бўлишимиз керак, мана шуни яширмай, бўяб-бежамай рўй-рост ёзишимиз керак.

Номаълум овоз:

— Ҳозир «миннатдор» деган сўз кўпинча ўзининг туб маъносида қўлланилмайди.

*Иккинчи нотиқнинг айтгани:*

— Ҳар бир тилнинг туб луғат бойлиги кўпроқ адабий асарларда сақланиб қолади. Қорақалпоқ тили Бердақ шоирнинг асарлари орқали бизга асл ҳолида тўла етиб келди. Афсуски, баъзи тилшуносларимиз она тилида бир неча асрлик қадимий ёзма адабиёт анъаналари мавжуд тиллардан ўрганиш намуналарини қорақалпоқ адабиёти асарларидан ҳам излашга киришиб, кейинги етмиш-саксон йил ичида қорақалпоқ тили тубдан ўзгаришга учраган, деб кўрсатмоқчи бўлаётганини ўзлари ҳам сезмай қоладилар. Масалан, XIX асрда яшаб ўтган шоирларнинг шеърларини халқ оғзидан ёзиб олишда ижрочининг тилга ғоят масъулиятсизлик билан қараши, ўзини ёхуд ўша шеърни яратган одамни тилга камбағал қилиб қўйиш ҳоллари сезилади. Ҳатто бу тилни халқ тилидан юқори қўйишга мойиллик ҳам кўзга ташланади. Мисол учун, XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган Ажиниёзга нисбат берилувчи қуйидаги лирик шеърга диққат қилинг:

Ай — алифким, оқ юзингдур, ойна олам анвари,

Бе — белингдур, хипчагина, кўзларинг шахло, бале,

Те — тишингдур, дона-дона, лабларингнинг боллари,

Се — сўриб ширин лабингдин, ёнадурман, эй пари!

Авалло шу ҳолни эслатиб ўтмоқчиман: ҳарфларга шеър бағишлаш Шарқ классикасида анъана бўлганлиги маълум. Уқимишли шоир Ажиниёзнинг бу анъанани ўз адабиётининг шеърий таркибига олиб киришга интилгани ўз-ўзидан тушунарли. Бироқ биз бу шеър тилини қорақалпоқларнинг адабий тили ёхуд ёзма тили дея оламизми? Бу масалага жуда кўп миллий хусусиятларни назарда тутган ҳолда ёндошиш керак бўлади. Башарти, қорақалпоқлар XIX асрнинг иккинчи ярмида бир-бирлари билан «кўзлари шахло, бале», «юзинг ойна олам анвари» ...қабилда гаплашган бўлсалар, бундан чиқди, атиги олтмиш-саксон йил ичида тил батамом ўзгариб улгурган экан-да?..

Ажиниёз шоирнинг созанда бўлгани бизга маълум. Бинобарин, Ажиниёз бу шеърни муסיқага мослаб ёзгандир, дея тусмол қилса бўлади. У мунг-ҳасратга лимо-лим «Бўзатов» достони ва ниҳоятда оҳангдор лирикаси билан миллий адабиётимизнинг энг юксак чўққиларидан бири бўлиб қолаверади. Шу юксакликда ўзини ҳам кўриш илинжида Ажиниёзнинг сўздан муסיқий оҳанглар қидириб топиш усулларини «янгилик, новаторлик», деб кўкларга кўтаришга мойиллик билдирувчилар ҳам йўқ эмас. Бу — нотўғри қараш, албатта. Акс ҳолда бугунги шоирларимиз: «Мен сени жонимдан люблю, Қорақалпоғистон» қабилда «тил» яратсалар, уларга ҳам новаторлик намуналари сифатида қараш лозим бўлмасмиди?..

#### *Овозлар:*

— Иккинчи тақризчининг гаплари менга маъқул, улар ҳақида жиддий ўйлаб кўришимиз лозим.

— Атоқли шоиримизнинг «Куллиёт»ини унутиб кўймайлик-да!

— Унутганимиз яхши!!!

— Унутилгани йўқ, йиғилишда янгича фикрларга кенг ўрин бериляпти...

— Уртоқлар, гапни чувалатмайлик. «Куллиёт» китоб ҳолида босилсинми-йўқми?

— Босилмасин!

— Босилсин!..

#### **Содиқ шоир айтган афсона:**

— Бир одамнинг эгизак ўғиллари бор экан. Балогат ёшига етганларида отаси уларни баравар уйлантирибди. Икковига ёнма-ён уй қуриб, ўз эрklarича яшамоқларига изн берибди. Оталарининг меҳрибон қучо-

гида яшашга ўрганиб қолгани учун ўз кунини ўзи кўриш дастлабки кунданоқ мушкул туюлган болалардан бири эртасига тонг саҳардан осмонга қўл чўзиб:

— Эй, қодир худо, мени ўзинг паноҳингда асраб, бир сурув қўйлик қилсанг-чи! — дея илтижо қилибди.

Эгизаклардан иккинчиси биринчисининг худога нима деб илтижо қилаётганини эшитиб қолибди-да, дарров ёнига бориб у ҳам осмонга қўл чўзибди:

— Эй, қодир эгам, ўзинг паноҳингда асраб, менга бир жуфт қашқир ато қилсанг-чи! — дея ёлворибди.

Биринчи эгизак ундан:

— Ҳой, ярамас, сенга қашқирнинг нима кераги бор? — деб сўраган экан, иккинчи эгизак:

— Сенга худо бермоқчи бўлаётган бир сурув қўйни бўғизлатаман, — деб жавоб берибди. — Йўқса нега менга ҳам қўшиб сўрамайсан! — деб тўнғиллабди бўш келмай.

Бугунги йиғилиш ўз моҳият-эътибори билан, ўтмишдаги ўша эгизакларнинг авлодлари кимлар, деган саволга жавоб топиб берди, шекилли.

#### Аббоз шоирнинг айтгани:

— «Оқтовон чувринди» йилларида Туркистондан чиқиб афсонавий Маманбий бошчилигида Хоразм воҳасига омон-эсон етиб келган қорақалпоқлар орасидан бир эгизак ўзаро пул йиғиб, арава сотиб олиш учун Хива шаҳрига борибди. Яхшигина от-арава сотиб олишибди. Икковлон икки отни қўшиб, аравада қайтишаётган экан, ногоҳ жанжал чиқиб қолибди. «Олдинги ўриндиқда мен ўтираман» дебди бирови. «Йўқ, мен ўтиришим керак», дебди иккинчиси. Жанжал кўчайиб, мушташишга айланибди.

Уларнинг эгизаклигини билган бозор аҳли оқилона маслаҳат беришга қийналиб, қозини чақирибди. Қози сўраб-суриштириб, аҳволдан хабар топгач, аравани буздирибди-да, эгизакларнинг ҳар бирига биттадан ғилдирак, биттадан шотипоя берибди. Ҳар бири ўз чекига тушган шотипояни ғилдиракка боғлаб, отига судратиб базўр уйларига етиб олишибди. Ўша куни уйларида ўтин тугаб қолган экан, ҳар икки эгизакнинг аёллари: «Эрим буни ўтин учун олиб келган экан-да», деб ўйлаб, шотипояю ғилдиракларни ёқиб юборишибди.

Бугунги йиғилиш ҳам ўша арава сотиб олган эгизакларнинг аҳволини эслатипти.



*Овозлар:*

- Нотўғри!
- Бу ҳангомаларнинг «Куллиёт»га дахли йўқ!
- Шоирлар камситилмасин!
- Нақллар ҳам, ҳикматли гаплар ҳам фаросат билан айтилсин!
- Ўз ўрнида айтилсин!

*Йиғилиш раиси:*

- Ҳурматли шоиримизнинг «Куллиёт» и нашрга тавсия этилсин, деганлар қўл кўтарсин!
- Қаршилар?
- Бетарафлар?
- Йўқ!
- Демак, бир овоздан нашрга тавсия этилди. Оқсоқол, сизни табриклаймиз!

*Муаллифнинг айтгани:*

- Ҳаммаларингизга ўз йўлимни, ўз шуҳратимни тилайман. Кўп яшанглар!

*Протокол ниҳоясидаги изоҳларим:* Одатда ўз замондоши айтган ҳикматни ҳикмат деб эътироф этиш у ёқда турсин, лоақал янгича фикр сифатида тан олишга ҳам кўпчиликнинг бўйни ёр беравермайди. Чунки айни ўй-фикрлар уларнинг ҳам кўнглидан кечаётган бўлади. «Замони бирнинг ори бир» деб халқ бежиз айтмаган. Шу боис кимдир бировга доно кенгаш бермоқчи бўлса, ота-боболар, қадимда яшаб ўтган донишмандлар номидан ҳам қилич, ҳам қалқон сифатида фойдаланади.

Бугунги муҳокама шуни кўрсатадики, одам хато қилмаслиги учун уч аъзосига: ноўрин гап қилмаслиги учун тилига, чақирилмаган мажлисга бормаслиги учун оёқларига, ифлосликни ушламаслиги учун қўлига эҳтиёт бўлиши лозим.

Айни пайтда, хатога йўл қўйишдан қўрқиб хап юраверсанг, яккаланиб қолиш хавфи бор; ноўрин деб ҳеч қаерга бормасанг, ўз уйингга қамалиб қолиш хавфи бор; ифлосликка дуч келаман деб ҳеч нимага қўл урмасанг, қаттиқ билан юмшоқни, иссиқ билан совуқни биллолмай доғда қолиш хавфи бор.

«Янги ишга таваккал қилишдан қўрқма», деб кўп ўргатган эди онам.

«Худонинг ўзи ҳам, мен таваккалчидан қўрқаман, деган». деб уқтирарди отам.

Одамлар билан учрашиб гаплашарканман. мажлис-

ларда қатнашарканман, улардан нимадир ўрганишга астойдил ҳаракат қилар эдим. Бугунги мажлисдан ҳам кўп нарса ўргандим. Айнан, нимани ўрганганим ҳозирча шахсий сир бўла қолгани маъқул.

Максим Горький таъбири билан айтадиган бўлсак, ҳеч ким ўзининг қандай одамлиги, қай юртга мансублиги, нима учун яшаётганини унутишни истамайди. Буларни унутиш одамнинг ўз-ўзини тубанликка маҳкум этиши демакдир.

«Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга», дейди доно халқ. Киши бошқаларга насиҳат қилишдан аввал шу халқ мақолини бирров хаёлидан ўтказиб, ана шундан кейингина тилига эрк бергани маъқул. Демоқчиманки, ҳар бир одам доноликни ҳам, нодонликни ҳам аввало ўзидан излаши керак бўлади. Биз яшаб турган Ер тептекис эмас, ниҳоятда ўйдим-чуқур. Афтидан мана шу нотекислик инсон руҳиятида ҳам ўз инъикосини топган. Айниқса, бизнинг ижодкор зиёлиларимиз руҳиятидаги нотекисликларни бартараф этиш учун, афтидан, талай аччиқ тер тўкиш, аччиқ гаплар айтиш керак бўлади.

Ёшлигимдан мени тарбиялаган Она-адабиётимнинг мавжуд тажрибаларига, етакчи асарларида бадиий гавдалантирилган характерлар моҳиятига теранроқ назар ташласам, шоирларимиз одамга пичинг гаплар қилиш, унинг ўзига нисбатан соясини бўрттириб кўрсатишга мойилроқ эканлар. Ҳар бир актёримиз Ягога ўхшаш ролларни нисбатан осонроқ ижро этаверадилар. Миллий драматургиямизда бағри кенг, кўксида қуёши бор одамлар ҳали жуда кам. Бундай образлар яратилган тақдирда ҳам, аввало кўпгина актёрларимиз учун бегон туюлади. Бу аҳволдан қаттиқ куюнаман, кўнглимда ачи ниш, малол, норозилик уйғонади. Одамларга ёмонликнинг нималигини кўрсатиш билангина кифояланиб қолмай, уларни яхшиликка, эзгу туйғуларга эргаштиришни диққат марказида тутиш улкан аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, агар мен ёзувчи бўлсам, аввало халқнинг қалбидан нур қидириб яшашим, она халқимнинг тарихий тақдирини уни қуршаган халқларнинг тақдирларида ва аксинча, уларнинг тақдирларини ўз халқимнинг тақдирда кўришим, шу оралиқдаги ғоят чигал муносабатларни атрофлича ўрганишим лозим. Бунинг учун кўплаб архивлар билан танишиш, узлуксиз ўқиш-ўрганиш керак

бўлади. Она тилимизда яратилган баркамол асарлар, яхши таржималар ҳали ғоят кам. Рус тили менинг кўрар кўзим, фикрлаш қуролимга айланмоғи лозим.

Рус тили ва адабиёти факультетида таҳсил кўрарканман, рус ва жаҳон адабиётида қаҳрамонлар руҳидаги серқуёш оламга такрор-такрор маҳлиё бўлардим. Халқим бошқа халқлар қалбидаги ёруғ нурни сезиб, унга интилиб-талпиниб яшаганини, рус халқи эса азбаройи халқим ўзининг қоронғу осмонини ёриштирсин учун, энг асл фарзандлари кўксидаги қудратли зиёни бизга бетиним йўллаб турганлигини ҳис қилдим. Шу ҳиссиёт халқимни ҳар гал қайта кўришим учун ғубор билмас кўзгу бўлиб қолавериши муқаррар. Ҳали мен учун ҳам гапириш навбати келади. Ҳали кўп гапираман!

19

## 2-сон протоколдан кўчирма

*Йигилиш раисининг айтгани:*

— Номаълум муаллифнинг «Қорақалпоқ қўшиғи» номли роман қўлёзмаси келиб тушди. Роман уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлим — «Ҳаёт», иккинчи бўлим — «Муҳаббат», учинчи бўлим — «Дўстлик» деб номланган.

*Савол:*

— Почта муҳрига кўра муаллиф қорақалпоғистонликми?

*Жавоб:*

— Қорақалпоғистонлик. Эҳтимол, орамизда ўзи ҳам ўтиргандир.

*Овоз:*

— Утирса ўтираверсин, рост гапни айтишдан кўр-қадиган қорақалпоқ йўқ!

*Содиқ шоирнинг айтгани:*

— Худо бир куни ҳамма бандаларини ўз даргоҳига тўплабди-да, «Хўш, айтинглар-чи, менда ҳам айб борми?», деб сўрабди. Одамлар бир-бирларига басма-бас унинг беайблигини айтиб ҳамду сано ўқишга тушганларида новчадан келган қорамағиз бир одам Худонинг нақ рўпарасига бориб, юзига тик қараганча: «Нега кўзларингиз бу қадар кўп?», деб сўрабди. «Сизлар кўпчиликсизлар, шунинг учун кўзларим ҳам кўп булиши керак-да», дебди Худо. «Бу — нотўғри! Худо бўл-

сангиз бу кўзларнинг баҳридан ўтинг. Барчага бир кўз билан қарашингиз керак. Акс ҳолди Худо эмассиз!» дебди ҳалиги одам.

Шу-шу, Худонинг қаҳри келибди-ю, тўсатдан барчанинг кўз олдидан ғойиб бўлибди. Қайтиб ҳеч кимнинг кўзига кўринмабди. Унга қарши бош кўтарган одам эса, бамисоли қил устида тургандек умр кечирибди. Бола-чақалари ҳам у қадар ўсиб-унишолмабди. Кўпайишгудек бўлсалар, уларга касаллик билан ўлим хурж қилаверибди, маконидан бадарга этувчи ёвуз душман бостириб келаверибди...

*Аббоз шоирнинг айтгани:*

— Ана шундан кўзи қўрқиб қолгани, бир марта оғзи қаттиқ куйгани учун бўлса керак, боболаримиз ислом динини тарқатувчиларнинг қонли қиличига ҳам қарши туришолмаганмиш. Айни шу сабабдан саводи ҳам, ақли ҳам камроқ бўлиб қолган, деган нақллар бор. Бироқ, ҳар қалай...

*Овозлар:*

- Ривоятларга чек қўйилсин!
- Қўлёмани ўқиганлардан эшитайлик!

*Таҳризчининг айтгани:*

— Қўлёманинг номланишиданоқ сезилиб турибдики, муаллиф лоақал қўшни халқларнинг адабиётидан ҳам хабардор эмас. Мен, масалак, ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз адабиётларида бундай номдаги, яъни, «Ўзбек қўшиғи», «Қозоқ қўшиғи», «Туркман қўшиғи», «Қирғиз қўшиғи» деган асар борлигини ҳеч қаердан ўқимаганман ҳам, эшитмаганман ҳам.

Қўшиқ халқнинг қувончи ва қайғуси, орзу-армонларга лиммо-лим қалби. Бас, шундай экан, бутун бошли халқнинг қўшиғини биргина одам айтиб ё ёзиб чиқа оладими? Тўғри, яхши ният — ярим давлат. Муаллифнинг нияти ёмон эмас. Лекин муаллиф бир нарсани ёддан чиқармаслиги лозим: авлодлар авлодларга, қўшиқ қўшиққа эстафета топширади? Бу китоб нимага эстафета топширади? Шу нарсани ўйлаб бошим қотиб қолди...

*Савол:*

- Романнинг ёзилиш услуби қандай?

*Тақризчининг жавоби:*

— Муаллиф классик адабиёт намуналарига таянсада, бугунги саргузашт асарларга ишқибоз ёшларга мосроқ услуб танлаши керак эди. Ёзувчи дастлабки асари билан ўқувчиларни ўзидан бездириб қўйса, оқибати ёмон бўлади. Номи чиқмай туриб изсиз йўқолади. Номанълум муаллиф ҳаддан ташқари ўжарга ўхшайди. Йўқса, ҳозир Ғарбий Европада «Роман керакми?» деган савол атрофида баҳслар авжига чиқиб ётган бир пайтда бунақанги романга қўл урмаган бўларди ..

*Биринчи нотиқнинг айтгани:*

— Менимча, муаллифнинг саводи пухта. Афтидан у Михаил Шолоховнинг Ғарбий Европадаги нодон адабиётчиларнинг «Роман керакми?»си «Деҳқоннинг экин экиши керакми?» деганидек гап қабилидаги зукко фикрлари билан таниш бўлса керак. Агар буюк адиб Михаил Шолохов бу фикрини айтмаганида, роман устахонаси эшигидан кириб келган талайгина ёзувчиларнинг ҳоли не кечарди? Тўғри, бугунги кунда роман жанрининг миқёслари торайиб бораётганга ўхшайди. Асар ихчам, тугалланган бўлиши шарт. Шу шартни рўқач қилиб, кўп планли романлардан чекиниш аён сезилмоқда. Балки бу ҳозирги илмий-техникавий тараққиёт суръатлари билан боғлиқ ҳолда китобхонлар психологиясидаги шошқин ҳисларни ҳисобга олиш натижасидир?

Лекин самолётларда, поездларда, электричкаларда ҳажман салмоқли китобларни ўқиб кетаётганларнинг кўплиги бу фикрларни рад қила олади. Ҳаётнинг беҳад кўп қирралилиги, мураккаблиги, азалий ва абадий жумбоқлигини атрофлича бадий гавдалантирувчи кенг миқёсли роман жанри ҳеч қачон ўлиши мумкин эмас. Чунки одам боласи бу ёруғ олам сирларини очиш, жумбоқларини ечиш билан ҳамиша шуғулланаверади.

Асарнинг номи мазмунига мос бўлмоғи лозим. Менимча, номанълум муаллиф, ўз фикр-мулоҳазалари, кўрган-кечирганлари, ўқиб-ўрганганларини керагича саралаб, ўзи танлаган ном остига уюштиришга ҳаракат қилган. Бу интилишни қўллаб-қувватласа арзийди.

*Иккинчи нотиқнинг айтгани:*

— Одатда ҳар бир ёзувчининг ўз географияси ва

шунга мувофиқ ўз харитаси бўлади. У ҳаётнинг ўзи яхши англаб етган қирраларини ана шу географик иқлим доирасида харитага туширар экан, ҳар хил бўёқлардан, чизиқлардан фойдаланади. Ҳар бир китоб муаллифнинг ўзига хос географиясию харитасида муайян ўрин тутади. У ҳадеб ўрнини ўзгартиравермай, узоқ асрларга хизмат эта олиши шарт. Гомер бободан бошлаб то бизнинг замондошимиз, коммунист — адиб Шолоховга қадарли классик адабиёт намояндалари ижоди, уларнинг барчамизга маълум ва машҳур шоҳ асарларига қўйилган номлар бунинг яққол далилидир. Тўғри, мен ҳам ҳеч қаерда «Рус қўшиғи» ёхуд «Эстон қўшиғи», «Ўзбек қўшиғи» ...деган асар ўқимаганман. Номаълум муаллиф янги йўл очмоқчи бўлган. Албатта, бунинг учун ёзувчини айблаб бўлмайди. Чунки одам боласи бировлардан ўрганишни ўз олдига нечоғлик мақсад қилиб қўймасин, уларни такрорлашни, ўзлигини йўқотиб қўйишни истамайди. Бироқ, ҳар бир иш бамаслаҳат ҳал қилингани маъқул. Масалан, Лев Толстойдек даҳо санъаткор ҳам романларида, айтайлик, аёллар кийимини тасвирлаб бўлгач, уни умр йўлдоши Софья Андреевнага кўрсатиб, шу асосда қайта ишларкан. Адабиёт тарихида кўпгина буюк ёзувчилар янги асарига муносиб ном қўйишда энг яқин дўстлари билан маслаҳатлашгани хусусида ўқиганмиз. Номаълум муаллифнинг ким билан маслаҳатлашгани ҳам номаълум!..

*Учинчи нотиқнинг айтгани:*

— Китобнинг номланиши хусусидаги масала жуда тўғри ва ўз вақтида кўтарилди. Агар одамзод бино бўлган дастлабки чоғларда қуёшни «юлдуз» деб, юлдузни эса, «денгиз» деб атаганида эди, ҳозир ҳамма «Қуёш қиздираяпти» дейиш ўрнига «Юлдуз қиздираяпти», «Осмон тўла юлдузлар» дейиш ўрнига «Осмон тўла денгизлар» тарзида гапирган бўларди. Шунингдек манаови рўпарамизда ўтирган ёш ёзувчи Генжемурот Изимбетовнинг отаси ўз ўғлига бир пайтлар Генжемурот эмас, Қаллибек деб исм қўйганида ёхуд манаови ёш шоир Қаллибек Бекжоновнинг отаси ўз ўғлига Қаллибек эмас, Генжемурот деб исм қўйганида иккаласи ҳам, ўйлайманки хафа бўлмасди. Ана ўшанда биз ҳозир уларга ёш ёзувчи Қаллибек Изимбетов, ёш шоир Генжемурот Бекжонов деб мурожаат қилган

бўлардик. Ёинки буюк Лев Толстой «Уруш ва тинчлик» романини» «1812 йил воқеалари» деб номлаганида, Михаил Шолохов «Тинч Дон» ўрнига «Мелеховлар тақдири» дея ном қўйганида нима ўзгарди? Бу номлар романларнинг миқёсига номувофиқ, деган эътирозлар уйғониб, уларни баҳолашда мезонлар ўзгариб қолармиди?

Тупроққа яраша ҳосил-да!

«Мўйловига яраша эшкаги, қувисига яраша пишкаги», дейди халқимиз. Ном тўғри қўйилмоғи лозим.

*Тўртинчи нотихнинг айтгани:*

— Эргашиш ёзувчи учун энг осон йўл. Одатда кимгадир эргашигани учун муаллифни ҳеч ким айбламайди, аммо бари бир, чинакам ёзувчи сифатида тан олавермайди ҳам. Бунга Шарқ адабиёти тарихи ҳам гувоҳ. Навоийдан кейин неча асрлар ўтди. Нега Навоийдек шоирлар дунёга келмади? Умар Хайёмдан сўнг нега Умар Хайёмдек сўз заргари туғилмади? Бердақдан сўнг нега яна Бердақ пайдо бўлмади? Бунинг бош сабаби — Шарқ адабиёти анъаналарига кўра, бирон-бир устозга эргашиш бўлса керак. Давр ўтиши билан халқ эргашувчиларни ўқимай қўяди, ҳатто адабиёт тарихидан чиқариб ташланади.

Асарнинг номи ҳам янгича ва асрлар синовига дош бера оладиган бўлиши керак.

*Кўча бийининг айтгани:*

— Икки нарса эсимга тушиб қолди.

Биринчиси: ўнинчи синфни эндигина битирган йилим эди. Колхоз раисининг қизи турмушга чиқадиган бўлиб қолди. Синфдошлар йиғилиб уйига бордик. Қутладик. Ушанда у: «Мени янги кўйлак билан табрикларга келгандир десам, эрга чиқаётганим билан табриклар учун келган экансанлар-да. Эрга чиқишининг нимаси қийин», деб ҳаммамизни ҳайрон қолдирган эди. Бугун китобнинг номи муҳокама қилинадими ё унинг мазмуними?

Иккинчиси: бу 1938 йилда бўлган воқеа. Шаҳардаги мактбда ўқийдиган тоғаваччам уйимизга меҳмон бўлиб келиб, мактабларида Лев Николаевич Толстой туғилган кунининг 110 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётганини, байрамда ўзи «Кавказ асири» деган асар ҳақида сўзга чиқишини мақтаниб айтаётган эди, танчага тобланиб жимгина ётаверадиган бобом:

«Мендан бошқа яна ким бир юз ўнга чиқибди?», деб сўраб қолди. «Лев Толстой деган улуғ рус ёзувчиси», деди тоғаваччам. «Тенгдошларим орасида мендан бошқаям тириклари бор экан-ку!», деди бобом. Мен ундан «Бобо, сиз Лев Толстойни биласизми?», деб сўрадим. Бобом умри бино бўлиб бундай одамни билиш тугул номини ҳам эшитмаганини тан олди. Шунда мен, бола эмасманми, бобомдан: «Сизнинг 110 ёшингиз аҳамиятлими ё Лев Толстойнинг 110 ёши қимматлироқми?», деб сўрадим. У жавоб ўрнига юзини бурди... Бунга нима дейиш мумкин? Ёзувчилар союзининг йиғилишига бирон нарса ўрганармикинман, деб келаман. Мени кечирасизлару, очиги, на бамаъни гапларингиз бор, на ёзган тузук-қуруқ китобларингиз...

*Бешинчи нотиқнинг айтгани:*

— Дунёда абадий нарса йўқ. Ҳамма нарса эскиради, ўзгаради, янгиланади. Айни пайтда дунёдаги ҳамма нарса абадий. Қуёш абадий. Қуёш нурлари бор экан, соя ҳам абадий. Кун билан тун абадий. Бу ёруғ оламда ҳаёт абадий, муҳаббат абадий, дўстлик абадий! Муаллиф бу уч абадий номни уч боб қилгани маъқул. Агар муаллиф ҳозир орамиздан чиқиб, «Қорақалпоқ қўшиғи»ни мен ёзганман, дея ўзидан дарак берса, унга ёрдам сифатида халқимизда мавжуд уч фойдали кенгашни айтиб, романнинг ҳар уч бобини баравар бойитишга муносиб улуш қўшган бўлардим.

*Овозлар:*

— Бу ер муаллифни эмас, асарнинг ўзини муҳокама қиладиган идора!

— Берадиган маслаҳатингни шундоғам айтавер-да!

*Бешинчи нотиқнинг маслаҳатлари:*

— Ҳай, майли, қўймадиларинг. Аввало «Ҳаёт» деб аталган бўлим учун бир маслаҳат: Қачонлардир мен Москвадан поездда қайтган эдим. Купели вагонда ўрин бўлмади, умумий вагонда қайтишга тўғри келди. Дастлаб йўлга чиққанимда талай одамлар билан танишдим. Нукусга етиб келгунимча нечтаси тушиб, яна нечтаси чиққанини билмайман. Ҳар қалай, одамлар кўп марта алмашди. Мен билан бирга чиққанлардан айримлари яна олдинга ўтиб кетишди. Уйга келиб, шулар ҳақида жуда кўп ўйладим. Ҳаёт деганлари ҳам поездга ўхшайди. Ким-



нинг қачон чиқиб, кимнинг қаерда тушиб қолаётганини билавермайсан. Фақат таниш-билишларинг сен билан бирга поездга чиқиб, бирга тушса-ку, яхши, аввалроқ тушиб қолса, юрагинг ўртангудек бўлади. Хўш, кимнинг юраги ўртанмаган, ҳувиллаб қолмаган? Ким ақалли бир бор дард чекмаган?..

Энди «Муҳаббат» деб номланган бўлим учун маслаҳат: Овулимизда бир одам ўзининг эрқароқ боласини мажбуран уйлаб қўйди. Тўй тарқагач, орадан уч кун ўтиб, «Бу арзанда ўгил бир балони бошламадимикин, вақтида маслаҳат қилайлик», деб беш-олти одам биргалашиб бордик. «Хўш, иничак, муҳаббатнинг таъми қандай бўларкан?» деб сўради орамиздаги шарттакироқ бир одам. «Муҳаббат деганларининг турган-битгани маза-лигини шу пайтга қадар менга айтмай, ўзи билиб, ўзи роҳатланиб юраверган отамга қойил эмасман!», деди йигит. Бу ҳам ўйлаб кўришга арзийдиган гап!..

Энди «Дўстлик» деб номланган бўлим учун бир маслаҳат: Менинг Давлатбой деган дўстим бор эди. Отаси бошқа овулга ишга ўтгани сабабли кўчиб кетди. Кўзимга олам торайиб қолгандай бўлди. Қаддимни кўтаролмай қолдим. Бошқа ҳеч ким билан ўйнагим келмайди. Буни сезган онам бир куни:

- Давлатбойнинг уйига бориб кела қол! — деди.
- Йўл узоқ-ку, — дедим.

Онам менинг кўзларимга тикилиб туриб:

- Дўст уйига борадиган йўл ҳеч қачон узоқ бўлмайди! — деди.

Бу гап менга далда бўлди. Эртаси Давлатбойнинг овулига бордим. Кейин у мени излаб келадиган бўлди...

*Олтинчи нотиқнинг айтгани:*

- Мен «Қорақалпоқ қўшиғи»ни бойитиш учун кўп эзмалик қилмай, учала бўлимга баб-баравар тааллуқли икки воқеани айтиб бермоқчиман:

*Биринчи воқеа:* Овулимизда Асан, Дўсан деган икки дўст бор эди. Уларнинг аёллари ҳам, болалари ҳам қадрдон эди. Бир гал ёзда Амударёга чўмилишга борган эдим, улар ҳам келиб қолишди. Ҳаммамиз бир сидра сувга шўнғиб чиқиб, қумлоқ соҳилга ўтирдик. Бир пайт Дўсан Асаннинг қорнида холи борлигини кўриб, унинг болаларига бирма-бир қараб чиқди-да, завқланиб хитоб қилди:

— Оббо, Асан-эй, қандай бахтинг бор йигит өкан-сан-а! Қара, холинг болаларингга ҳам айнан кўчиб ўтибди-я! — деди.

— Э-эй, Дўсан, намунча ҳайрон бўласан! Бундай хол ўз болаларингнинг ҳам қорнида бор-ку, — деб юборди Асанинг хотини. Шу пайт Дўсанинг аёли нимагадир қип-қизариб кетди. Асан аёлига олайиб қаради. Дўсан ўз боласининг танасида ҳам худди ўшандай холи борлигини эндигина кўриб, қошида қуёшга тобланиб ўтирган аёлининг юзига тўсатдан тарсаки тортиб юборди. Аёл улардан кўз ёшини яшириш мақсадида оҳиста бориб сувга шўнғиди. Алламаҳал одамлар унинг ўлигини сувдан судраб чиқдилар. Дўсан бу фожиага чидаёлмаб, пичоғини Асанинг кўкрагига санчди...

Мана сизларга ҳаёт! Мана сизларга дўстлик! Мана сизларга муҳаббат! Буни муаллифга эслатиш керак!

*Иккинчи воқеа:* Театрда ўртадаги қаторлардан бирида ўтирган эдим. Олдимдаги қаторда ёшгина келин-куёвлар ўтиришибди. Сезишимча, ўзаро тотув. Дам-бадам кулишади. Агар қарсак чалиш керак бўлса, икковлон биргаликда қарсак чалади: йигит бир кафтини тутди, келин бир кафти билан эрининг кафтига уради. Шу орада келинчак нимагадир эрининг кўзини шамгалат қилиб, ортига қарайверадиған одат чиқарди. Унга сездирмайгина ортимга қарасам, бошқа бир жуфт ошиқ-маъшуқлар ўтиришибди. Энди мен учун қизиқ томоша дам олдимдаги, дам ортимдаги жуфтлар бўлиб қолди. Ортимдагилар ҳам тотувга ўхшайди. Бироқ эркакнинг олазарак кўзлари олдимда ўтирган келинчакда. Ҳар бири ўз жуфтига сездирмай ўзаро имлашади. Бир пайт ортимда ўтирган йигит хотинига боши оғриб қолганини, ташқарида андак шабадалаб келмоқчилигини айтди. Олдимда ўтирган жуфтдан бири — келинчак эрига: «Жудаям иссиб кетди-ей. Юрагим сиқилиб боряпти», деди. Концертнинг қизиқ пайтида қўзғалиш эрига ёқмади шекилли, келинчак: «Ундай бўлса, ўтириб тур, озгина шабадалаб келмасам бўлмайди», деди-да, ўрнидан туриб, эшик тарафга юрди. Қизиқувчанлигим ортиб оҳиста изларидан эргашдим. Ташқари ним қоронғи. Уша иккови-дан бошқа ҳеч ким йўқ. Улар менга парво ҳам қилмай қоронғироқ бурчакда қучоқлашиб, чўлп-чўлп ўпишиб туришибди. Нарёғини кутмай тезда ортимга қайтдим. Бир оздан сўнг ортимдаги йигит қайтиб келиб, жуфтидан ўз

сўрагандек қўлидан бир ўпиб, жойига ўтирди. Олдимда ўтирган йигит эса, ёнверидагиларни безовта қилаётганидан хижолат бўлиб: «Хотиним оғироёқ эди, тагин боши айланиб қаердадир йиқилиб қолган бўлмасин», дея ўзича минғирлаган кўйи ташқарига йўналди.

Мана, сизларга яна бир умр! Яна бир дўстлик!  
Яна бир муҳаббат!

*Содиқ шоирнинг айтгани:*

— Айтилаётган ҳангомаларга қараганда, роман ҳеч нимага тўлмайдиган, тўймайдиган сеҳрли қопга ўхшар экан. Миллий адабиётимизга шуҳрат келтирувчи янги роман босилиб чиқадиган бўлса, мен ҳам бунга ўз ҳиссамни қўшай.

*Наҳл:* Бердақ шоир бир гуруҳ шогирдлари билан аллақандай овул оралаб бораётган экан, йўл чеккасида турган бир аёлга кўзи тушиб тўхтаб қолибди-ю, унга қараб таъзим қилибди.

Чеккароққа чиқишгач, бир ўктам шогирди:

— Устоз, сиз бизни покликка ундайсиз, дўстларимизга, жуфти ҳалолимизга садоқатли бўлишга чақирасиз. Лекин ўзингиз бу аёлнинг овулда маълум ва машҳур енгилтаклигини била туриб, нега унга таъзим қилдингиз? — деб сўрабди.

— Гап шундаки, — дебди Бердақ, — ҳар гал бу аёлни кўрганда, ўзимнинг хотиним кўз олдимда бамисоли фаришта бўлиб гадаланади. Мен ўша фариштага таъзим бажо келтирдим.

Романнавис бу нақлдан ўзича фойдаланса ёмон бўлмас, дейман.

*Аббоз шоирнинг айтгани:*

— Агар халқимиз учун фойда келтирса, унинг донгини чиқарадиган бўлса, шахсан мен ҳар қандай ишга тайёрман. «Қорақалпоқ қўшиғи»га келсак, афсуски, бу асарни яратган одам номаълум экан. Бироқ, ҳар қалай, мен ҳам унга бир жуфт маслаҳат айтмоқчиман.

*Биринчи маслаҳат:* Боболаримиз сарсонлик-саргардонликлардан сўнг ахири азалий маконлари — Хоразм воҳасида қўним топгач, кўпчилик тавбасига таяниб, ўзaro бирлашишга юз бурибди. Раҳматулла исмли бир

фаҳм-фаросатли одам бу ҳолдан суюна-суюна Хива хони ҳузурига борибди. Хон билан маслаҳатлашиб, ўз юртига қозилик фармонини олишга муяссар бўлибди. То овулига етгунга қадар ўзининг қози бўлганини ҳеч кимга билдирмабди. Бироқ хон одамлари бу хушхабарни у етиб боргунга довури қорақалпоқ овулларига тарқатиб улгуришган экан. Бундан беҳабар Раҳматулла қози Амударёнинг нариги соҳилига ўтса, овулдошлари пешвоз чиқиб туришганмиш. Аҳволни кўриб, ҳайрон бўлибди. Овулдошлари унинг ҳайрон бўлаётганига парво ҳам қилмай: «Керак бўлса биз сизга жонимизни ҳам фидо қиламиз!», дейишибди-да, отдан кўтариб ерга эмас, тўппа-тўғри гиламга туширишибди. Овул аҳли авваллари жуда тарқоқ бўлган экан. Раҳматулла қози улардан бундай бирликни, баҳамжиҳатликни кутмагани учун ўзича, қаёқдан офтоб чиқди, дея ажабланиб:

— Бу иззат-икром менинг ўзимгами ё қози бўлганимдан хабар топиб, лаганбардорликни бошлаб юбордингизларми? — деб сўрабди.

— Ўзингизга, ўзингизга! — дея чувиллабди ҳамма.

• — Ундай бўлса, менинг айтганимга юрасизларми? — сўрабди қози.

— Юрамиз, юрамиз! Сизнинг буйруғингизни бажармаганинг тили кесилсин! — дебди одамлар яна чувиллашиб.

— У ҳолда синаб кўраман, — дебди Раҳматулла қози.

— Майли, синасангиз синайверинг. Сизнинг буйруғингизни бажо келтиришдан бўйин товлаган одамнинг бўйни узилгани яхши! — дейишибди овулдошлари жўровоз бўлиб.

Эртасига Раҳматулла қози овулнинг қоқ ўртасига улкан бир қозон қурдирибди. Устига жипс ёпиладиган қопқоқ ҳам ишлатибди. Лекин қопқоқда бармоқ сиғадиган тешик қолдирибди. Одамларни тўплаб:

— Овулдошларим! Сут бу дунёдаги энг ҳалол — покиза нарса. Шунинг учун ҳам бизда «Онамнинг сути ҳаром бўлсин!» деган гап энг оғир қарғиш ҳисобланади. Ҳиндистонда азбаройи оқ сути учун сигирни муқаддас деб биладилар. Келинг, биз манови қозонни сутга тўлдириб, атрофида оппоқ, ҳалол сут ичиб ўтириб, сутдек ойдин, пок ният билан ўз овулимизу халқимизнинг келажаги ҳақида маслаҳатлашайлик, — дебди. Сўнг кичкина бир қовоқчани кўрсатиб: — Қани, ҳар

хонадон бир қовоқдан сут олиб келиб манови тешикдан қозонга қуйсин, — деб буюрибди.

Ҳамма, хўп бўлади, деб тарқалибди. Бирин-бирин одамлар қозонга сут олиб келиб қуяверишибди... Энг сўнгги хонадон эгаси сут олиб келаётганида Раҳматулла қози унинг йўлини тўсиб, қўлидаги қовоқни олиб ичига қараса, ичи тўла... сувмиш! Қози тезда овулдошларини йиғиб, ўша одамнинг қовоғида нима борлигини уларга кўрсатибди.

— Хўш, бу ноинсоф қандай жазога лойиқ? — деб сўрабди.

Йиғилганлар қаттиқ газабланиб:

— Тили кесилсин! Оёғидан дорга осилсин! — дейишибди.

— Мен хом сут эмган бандани кечиринглар! — дея ёлворибди гуноҳкор. — Шунча одам сут олиб келганида менинг сув олиб келганим билинмаса керак, деб ўйлагандим.

Атрофни «Аҳмоқ!», «Туллак», «Алдоқчи!» деган хитоблар тутиб кетибди.

Қози алдоқчини жазолашдан аввал унга:

— Қани, қозоннинг қопқоғини оч! — деб буюрибди.

Айбдор титраб-қақшаб қозоннинг қопқоғини ба-зўр кўтарган экан, қарашса, қозон тўла... сув эмиш! Ҳамма ўз ўрнида қоққан қозикдек донг қотиб қолибди. Айбдор ўз қувончини яширолмай, оғзи қулоғига етгудек бўлиб, қозонга тикилибди. Шунда Раҳматулла қози овулдошлари учун номусга чидаёлмай, алам билан:

— Овулдошларим! — дея хитоб қилибди. — Тўғри, ўз фойдасини кўзламайдиган одам камдан-кам. Ўз фойдасини билмаган одамни кўплар тентакка чиқариб қўйишади. Лекин ноинсофликнинг ҳам чегараси бўлиши керак-да!.. Майли, начора, энди ҳар ким ўзидан кўрсин: кесиладиган тилию осиладиган оёғига эҳтиёт бўлсин!

Ушандан бери Раҳматулла қозининг ўзи ҳам, овулдошлари ҳам бир-бирларига ишонмай, ҳеч бир масалада мурасага келолмай, бир-бирларини муқотиб-кесатиб, ков-ковлаб, бири иккинчисини ўсдириб-ундирмай, оёғидан чалиш учун қулай пайт пойлаб яшайдиган бўлишибди...

Бу ёмон асорат, бугунги ёзувчиларимизда ҳали-ҳануз

сақланиб қолаётганига ҳайронман! Менимча, бу нақл «Қорақалпоқ қўшиғи»га киритилса ёмон бўлмасди.

*Иккинчи маслаҳат:* Ун яшар бола чоғимда бир куни тоғамнинг уйига борсам, қозон тўла палов дамланаётган экан. Қорним оч эди. Суюна-суюна кеннойимга қарашиб юбордим. Овқат дам еганида эр-хотин қўшнилари чиқиб, қозонни шу туришича кўтариб олиб кетишди. Ҳайрон бўлиб кеннойимга қараган эдим, кеннойим изоҳ берди:

— Тўғри, ўчоқ билан ўтин бизники. Лекин қозон билан масаллиқ уларники эди-да!..

Мен тишимнинг кирини сўриб қолавердим. «Қорақалпоқ қўшиғи»нинг муаллифи шу воқеадан ҳам фойдаланса бўларди.

*Еттинчи нотикнинг айтгани:*

— Бадиий асарга «ўлмас обида» деган ёрлик ёпиштиришда унинг қандай ёзилгани ва ким учун ёзилганидан келиб чиқиб ҳукм ўқишимиз керак бўлади. Бундай ҳукми одатда давр чиқаради, келажак чиқаради. Ҳаммамиз учун шу ҳол шак-шубҳасизки, Гомер, Данте, Лев Толстой, Михаил Шолоховлар ўз замонасининг асосий хусусиятларини англаб етганлар. Шоҳ асарлари билан келгуси авлодга ўзлари мансуб замонни тўғри тушуниш учун қудратли қуроли яратиб қолдирганлар. Бироқ бугун муҳокама қилинаётган «Қорақалпоқ қўшиғи»да мен ўзим кутган воқеаларни учратмадим.

*Овоз:*

— Сиз асарни ҳали ўқиб чиқмадингиз шекилли?!

*Жавоб:*

— Хўш, орамизда ким «Қорақалпоқ қўшиғи»ни ўқиб гапиряпти ўзи?!.

*Кўча бийининг айтгани:*

— Қадим замонда бир жабрдийда одамнинг ўғли бабога ёшига етганда бахил қўшнисини унинг устидан: «Бу боланинг қулоғига азон айттирилмай исми қўйилган» деб қозига арз қилибди. Қози отаю ўғилни олди-га чақиртириб, ҳар бирига тўққиз даррадан уришни буюрибди. Аввалига отасини урибдилар. У тўққиз дарра ургунларича миқ этмабди. Навбат ўғлига келибди. У ҳам отасининг йўлини тутиб, тишини тишига

қўйганча жимгина ётаверибди. Аммо эди ота чида-  
ёлмай, ўғлига дарра урилган сайин юрагини чапгаллаб:

— Оҳ! Оҳ! — дея ингранаверибди.

Қози бу аҳволдан ажабланиб:

— Ҳой, одам! Нега сен ўзингни урганларида ин-  
дамай чидаб бердинг, энди ўғлингни ураётганларида  
мунча оҳ чекясан? — деб сўрабди.

— Аввалги тўққиз дарра менинг танимга теккан  
эди, боламга урилган дарра жонимга тегяпти-да! —  
дебди ота.

Қози бешарзанд экан, бу гапни эшитиб, йиғлаб  
юборибди...

«Қорақалпоқ қўшиғи»нинг муаллифи орамизда миқ  
этмай ўтирган бўлса, бугунги гаплардан юраги ёрилиб  
кетмасин тагин. Муаллифгаям раҳм қилиш керак.

Менимча, адабий асар ярим латифа, ярим афсона-  
дан таркиб топади. Бу асар ҳам латифа билан афсона-  
нинг янгича қотишмаси. Бас, шуңдай экан, бу роман  
нашрга тавсия этилсин!

*Овозлар:*

— Аллақандай нотайин одамга адабиётимиздаги  
дастлабки романнинг муаллифи, деган номни қўш қўл-  
лаб топшириб қўйверамизми энди?!

— Муаллиф орамизда бўлса «Мана мен», десин-да!  
Балки афт-ангорига қараб қатъий бир хулосага келар-  
мидик?

*Аббоз шоирнинг айтгани:*

— Болалик пайтларимда бир қўзичоғимиз бўларди.  
Қўшнимиз бир кунда неча марта уйимизга кирса, ҳар  
гал: «Ҳой қўшни, итингга қарасанг-чи!», дея бақириб-  
чақириб кириб келарди. Бир куни отамдан: «Бу киши  
итимиз йўқлигини, атиги шу нимжонгина қўзимиз бор-  
лигини кўра-била туриб нега бунақа дейди!», деб сўра-  
ганимда, у киши: «Кўкрагида ити бөр одамга бошқа-  
ларнинг қўзичоғи ҳам ит бўлиб кўринаверади», деб  
жавоб берган эди. Бу гапни эслаб қолганимнинг боиси  
шуки, йиғилишимиз аччиқ ичакдек чўзилиб кетяпти-  
да...

*Овозлар:*

— Ҳали мен гапирмадим-ку!

— Менда ҳам маслаҳат бор эди-да!

— Менда ҳам!

— Мен ҳам гапирай...

*Қавс ичига ёзган изоҳларим:* Очигини айтсам, чарчадим. Билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг айримларидаги фавқулодда донолик менга маъқул. Аммо, афсуски, талай гапларнинг бир хиллиги, енгил-елпилиги, чалакам-чаттилигидан тоқатим тоқ бўлди.

«Чала ёнган оловдан кўрқ», дерди онам.

«Тотли таом ҳам, ҳадеб тановул қилаверсанг, ахири меъданга тегади», дерди Кўча бийи.

«Доно фикр такрорланса-ку, майли-я, чала фикрнинг ҳадеб такрорланавергани хавфли», дерди бобом.

«Чаласаводлик саводсизликдан ёмонроқ», дерди биринчи муаллимим.

Назаримда, ҳали ўз фикрларим ҳам пишиб стилмаган, кўпларига шубҳа билан қарайман. Ўзимга ўзим ишонавермайман... Лекин...

Е адабиётда дастлабки романнинг майдонга келиши олдидан бундай антиқа тортишувларнинг бўлиши табиий ҳолми? Очиги, кўнглим хижил, руҳимда аллақандай маҳзуналик...

Юртига ботир туғиб берадиган аёлнинг тўлғоғи узоққа чўзилади, бундай тўлғоқ оғир кечади, дейишарди қариялар. Чамаси, бирон-бир адабиётда романнинг майдонга келиши элда ботир туғилишига ўхшаш бўлса керак.

Чақалоқ ёруғ дунёга келган заҳоти чириллаб йиғлайди. Нақл қилишларича, бунга сабаб — туғилишидан яшашнинг қийинлигини ҳаттоки чақалоқлар ҳам билишармиш. Дастлабки романнинг муаллифи ҳам ўз фарзандининг туғилишидан яшаши мушкулроқлигини яхши билганлиги учун ўзини панага олиб ўтирганмикин?..

**Кўча бийининг айтгани:**

— Илм-фаннинг аниқлашича, одам маймундан тарқаганмиш. Бу илмий хулосани ҳамма эътироф этади, унинг тўғрилигига ишонади. Аммо зеҳн солиб қарасанг, барча фақатгина ўзини назардан соқит қилиб, бошқаларни назарда тутиб шундай дейди. Ҳаттоки одамзоднинг бобокалони маймун эканлигини ўзи тадқиқ этаётган олимга ҳам: «Ҳой, маймундан тарқаган», десангиз, аччиғи чиқиб ёқангизга ёпишмаса, менга айтинг! Бу гапни менга айтса, мен ҳам, сизга айтса, сиз ҳам шундай йўл тутган бўлармидик!.. Ҳай, майли, ким маймундан тарқаган — бунисини билолмайман-у, лекин бугунги



муҳокама ҳаммамизни маймунга яқинлаштириб қўйгани аниқ.

*Сакхизинчи нотиқнинг айтгани:*

— Пединститутда ўқиб юрганимда мантиқ дари ўтилаётган эди. Домламиз «Одамнинг бобокалони маймун» деганида мен «Домламиз одам», деган эдим, гурра кулги кўтарилди. Домла менга «аъло» баҳо қўйди. Бироқ ўшандан кейин у анчагача менга евқараш қилиб юрди.

Овозлар:

— Одамзоднинг турқу таровати маймунга ўхшагани учун шундай дейиладими ё феъл-атвори ўхшагани учунми?

— Айрим одамлар илондан тарқаган, десак адашмаймиз. Орамизда илонлар ҳам йўқ эмас.

— Кўрсичқондек дуч келган нарсани инига таший-варадиганлар ҳам бор орамизда!

Кўча бийининг айтгани:

— Одамлар орасида феъл-атвори мушукка ўхшайдиганлар ҳам бўлади. Мушук иссиққина жой қидириб қўйнингга кириб ётади. Бироқ кутилмаганда тирнаб олиши ҳам мумкин. У овқат еётганида кўзларини юмиб олади. Шунинг учун овқат бераётганда пешонасига нуқиб туриш керак. Акс ҳолда ким тўйдираётганини билмай, аввало ўзингга чанг солади.

Одамлар орасида феъл-атворига кўра итмижозлар ҳам учрайди. Ит остонангда ётаверади, уйингнию ўзингни балодан асрайди. Қорнини тўйдиришни унутсанг ҳам, сенга вафодорлигини тарк этмайди. Ит ҳеч қачон эгасини қопмайди.

Ҳар қалай, одам боласи ҳаётнинг турфа жумбоқлари-гагина эмас, ўз феъл-атворига ҳам теранроқ назар ташлай олганида эди, ўз-ўзидан қаттиқ уялган бўларди. Чунки у гоҳо тилда, гоҳо амалда ерда узала тушиб ётганини тан олавермайди-ю, оқсоқланиб бўлса-да, ҳар қалай, юриб кетаётганни масхаралашни ёқтиради. Бошқачароқ айтганда, иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулишни хуш кўради.

*Йигилиш раисининг айтгани:*

— Ер курраси олти қитъадан таркиб топганидек, инсон умри ҳам муҳаббат ва дўстлик деб аталмиш икки минтақадан иборат. Биз муҳокама қилган «Қорақалпоқ

қўшиғи» номли одам «Хасрат», «Муҳаббат», «Дўстлик», деб атагани уч қутбни ушундай бирлаштирган. Аввало мана шуниси билан асар роман жанри талабларига жавоб бера олади...

*Овозлар:*

— Менимча, муаллиф шуни унутиб қўйганки, «Қорақалпоқ қўшиғи» «Кулфат», «Балоғат», «Бахт» деган тагин уч қутбни бирлаштириши керак эди.

— «Қорақалпоқ қўшиғи» — бир одамга шахсий томорқа бўладиган мавзудамас!

— Бундай осмондан келадиган муаллифга «Қорақалпоқ қўшиғи» деган номдан воз кечинг, деб дангал айтиш керак!

*Йиғилиш раисининг айтгани:*

— Ҳали муаллифи аниқланмаган қўлёзма хусусидаги ўз фикрларини рўй-рост айтган нотикларга чин дилдан ташаккур!

*Йиғилиш қарори:*

Агар кимдир «Қорақалпоқ қўшиғи»ни мен ёзганман, деб бўйнига олса, манови протоколдан кўчирма берилсин ва қўлёзма муаллифнинг иштирокида қайта муҳокама қилинсин.

Шу қарорга розиман, деганлар қўл кўтарсин!

Қаршилар?

Бетарафлар?

Йўқ!

Қарор бир овоздан қабул қилинди!

*Қавс ичиге ёзган изоҳларим:* Ҳамма жимгина бирин-бирин ўрнидан турди. Сўзга чиққанлар кўнглини бўшатиб олганидан мамнун. Кимдир нимадандир афсусда, кимдир нимадандир хафа...

Бобом бир пайтлар: «Болам, тирикликнинг шarti — ўзингни буюклар орасидан ахтариш эмас, ўзингдан буюклик ахтариш», — деган эди. Бугунги мажлисда тирикликнинг бу икки турини ҳам учратиш мумкин эди. Узаро зид икки тараф!..

Хўш, ўзим қай тарафдаман?

Ростини айтсам, билмайман.

Бобомнинг яна бир насиҳати ҳамон эсимда: «Ўзидан буюклик ахтарган одам уч ҳолда бошқалар олдига ўтмоғи лозим: зимистонда, нотаниш кўприқдан ўтишда, қуролли ёвга қарши юрганда».

Бугунги муҳокамадан шундай узил-кесил хулосага келиб тўхтадимки, ёзувчининг бошқа одамлардан фарқи — ўзини буюклар сафида кўриш ёхуд ўзидан буюклик ахтаришдан ҳам аввалроқ ўз халқини буюклар сафида кўриш ва ўз халқидан буюклик қидириб топишга жонини фидо этишида!..

## 20

Бобомнинг насиҳатларидан: Ҳар қандай саволга энг қисқа уч хил жавоб бор: «Ҳовва», «Йўқ», «Қайдам».

Мен дастлабки икки жавобга ўрганганман. Аммо ҳаётда омади чошиб юрганларнинг аксарияти «Қайдам» деб жавоб берадиганлар. Уларни жинимдан ёмон кўраман. Чунки, менинг тушунишимча, ҳар бир тирик жон ё «Ҳовва», ё «Йўқ» дейиши керак. «Қайдам» — гафлатда ётганлар ва ночор-нотавонларнинг жавоби. «Ҳовва» ва «Йўқ» деган жавобларинг учун оғир турмуш кечирсанг ҳам асло ноллма. Бу жавоблар бошқалар олдида сенинг юзингни ёруғ қилади. Ҳар қандай оғир шароитда ҳам одамлар сени тўғри тушунишга қодир. Агар бола-чақаларим шу насиҳатларимга амал қилмасалар, эрта бир кун гўримда тик туришим аниқ.

Мен ҳар бир ишим, ҳар бир сўзим билан Бобомнинг руҳини шод қилишга ҳаракат қилдим. Дарҳақиқат, мужмаллик умр йўли эмас, кироий умр ҳам эмас!

Бизнинг реалистик миллий адабиётимиз умумжаҳон тараққиётидан ортда қолиб, советлар замонидагина ривожланишнинг мақбул йўлига тушиб олди. Бироқ, бадий наер бу адабиёт майдонига жуда ҳаяллаб, тайсаллаб кириб келди. Жаҳон адабиёти юксакликларига кўтарилиш мақсадида шошилинч олға интилиш асносида икки ўртада ястаниб ётган улкан жарликнинг нури ва сояли томонларини бир йўла босиб ўтишга тўғри келади!

Сояли томон деганда мен тақлидни назарда тутяпман. Нури томон эса, ўзингдан талайгина олислаб кетган илғор адабиётларнинг бой тажрибаларини ўрганиб-ўзлаштириш, ўз халқингнинг тақдирини теранроқ мушоҳада қилиш, унинг халқ сифатидаги ўзига хослигини жаҳон миқёсида англаш, давр ва замон иқлимида тушуна олиш имконияти.

Тақлид — чинакам адабиётнинг сояси, яъни шўрвасининг шўрваси. Бу ижоддаги энг осон йўл. Афтидан, осонни хоҳламайдиган одам кам бўлса керак. Мен ҳам, гарчи сояда бўлса-да, дадилроқ қадам ташлаш илинжида аввалига Владимир Маяковскийга эргашиб унинг «Шеър қандай ёзилади?» («Как делать стихи») деган мақоласини қорақалпоқчага таржима қила бошлаган эдим. Таржима пайти шоир бўлиш орзуим ўрнини шеър ёзишдан буткул воз кечиб қўя қолганим маъқулмикин, деган иштибоҳ эгаллаб олди. Бироқ ҳаётдан ўзимга муносиб йўл топиш орзуим юрагимда тошдек қотиб қолаверди. Назаримда, уни ушлатмагунча жоним тўзим топмайдигандек. Кечалари ухлаёлмайман. Тажрибали ё ўзим қатори ёш ижодкорлар билан гаплашганим сайин улар кўнглидаги ушалиши мушкул орзу тошлари кўнглим кўчаларига ортиқча юк бўлаётгандек. Бора-бора шоирлик қўлимдан келмаслигига ишониб қолдим. Лекин... Баъзи кашандалар чекишнинг зарарлигини била туриб ундан воз кечолмайди-ку. Шеър ёзиш иштиёқи мен учун кашанданинг хуморига ўхшаб қолди шекилли.

Икки ўт орасида овораю сарсонлигим учун шаҳардаги ишхонам гуноҳкордек, уни ташлаб; тагин овулга қайтдим.

Онам айтган афсона: — Қадим замонда, ҳар бир эл-элат бу дунёда ўзларидан бошқа элатлар ҳам бор-йўқлигини билиш иштиёқида пойи пиёда бўлса ҳам сафарга чиқишни хуш кўрувчи даврда кўп йўллар келиб туташган жойда чор тарафдан йиғилиб, озиқ-овқатларини ўзаро баҳам кўриб, гурунглашиб ўтирган бир гуруҳ одамга аллақандай бир дарвиш келиб қўшилибди. Унинг сб-ичгулик ҳеч нарсаси йўқ экан. Шу боис чеккароқда ўтира қолибди. Овқатланиб бўлган одамлар унга бир киши тўйгулик овқат қолдиришибди-да, йўл тараддудини кўришга тушишибди.

Шунда дарвиш:

— Мени ҳам ола кетинглар, — деб ёлворибди.

Одамлар орасидан кимдир:

— Бизнинг умум дастурхонимизга қўшадиган ҳеч вақонинг йўққа ўхшайди-ку, — дебди норози бўлиб.

Дарвиш гуноҳкорона елка қисиб:

— Тўғри, менинг егулик ҳеч вақойим йўқ. Лекин сизларнинг узундан-узоқ йўллариңизни қисқартириш қўлимдан келади, — дебди.

— Нима, сеҳргармисан? — деб пичинг қилибди яна кимдир.

— Йўқ, сеҳргармасман, — дебди дарвиш. — Аммо мен сизлар эшитмаган кўпдан-кўп ҳангомалар, афсоналар, дostonларни биламан. Оёқларим ҳаракатдан, тилим калимадан қолгунга қадар ёнингизда юриб шуларни сизларга айтиб беришим мумкин.

Ҳамма сукут сақлаб турганида, бир нуроний чол:

— Бу бизга керакли одамга ўхшайди. — дебди.

Ана шундан кейин одамлар ўша дарвишни ўзларига бир умрлик ҳамроҳ қилиб олибдилар.

...«Эсли-ҳушли одам, ким менга муҳтож бўлар экан, деб қўл қовуштириб туравермайди. Керакли одамга айланиш иштиёқи ўзингда бўлиши керак», деб насиҳат қиларди отам.

Менинг кўнглимда ҳам кўпчилик билмайдиган талай ҳангомалар, афсоналар, ҳар хил одамлардан эшитганим — ибратли нақллар йигилиб қолганга ўхшайди. Уларни йўл-йўлакай айтиш мақсадида халқимга эргашиш, унга йўлдош бўлиш ва уни ўзимга йўлдош қилишдан яхшироқ, тўғрироқ йўл топиш мумкинми сира? Шубҳасиз, мени ҳамма тинглайвермаслиги, тингласаям ёқтиравермаслиги, ёқтирсаям керагича англаб етавермаслиги мумкин. Ўзим ҳам тушунарли ва мукамал шаклда ўринлатиб айтолмаслигим мумкин. Кўнгилдаги энг муқаддас ботиний туйғуларни изҳор этишдан мушкулроқ иш бўлмаса керак.

Балки мен ўйлагандек мушкулмасдир? Ахир, ер юзи теп-текис, силлиққина бўлмаганидек, дунёдаги ҳеч бир одамнинг умри силлиққина кечавермайди. Бир одамнинг қисматини иккинчи одам ҳеч қачон такрорламайди. Уларнинг тушунчалари эса, тақдирларига боғлиқ. Бас, шундай экан, иккиланишу ҳадиксирашларни қўйиб, таваккал ҳам қилиш керак-да!

«Дунё бир текис бўламан дегунча йигитга бир иш бўлади», дерди онам.

Тингловчиларнинг тушунчалари қачон бараварлашаркан, деб кутиб юраверган одам тилдан қолиши мумкин.

Адабиёт — халқнинг маънавий хазинаси, руҳий озукаси. Халқимга йўлдош бўлиш учун унинг умум дастурхонига қўшишим лозим бўлган йўл озигининг ўрнига, афсонадаги дарвишга ўхшаб, то кўзларим юмилиб, тил-

дан қолгунимча, халқимнинг кечмиш-кечирмишларини дoston қилиб ўзига айтиб беришдек гоят мушкул ва шарафли вазифани зиммамга олмогим лозим! Бу фикр халқим олдидаги муқаддас қасам янглиғ руҳимда бетиним акс-садо бериб тургандек.

«Халқининг олдида муқаддас қасам ичган ва қасамига содиқ қолган одамни ҳеч бир куч, ҳатто ўлим ҳам енголмайди», дея кўп такрорлашарди уйимизга келган қариялар.

«Халқи олдидаги қасамини бузганнинг кўзлари кўр, оёқ-қўли кишанда бўлади. Бундай одамнинг кўрган кuni — қиёмат», дея қўрқитарди Кўча бийи.

Ўз қасамимга содиқ қолиш учун тагин шаҳардаги ишхонамга қайтдим...

Халқ ўзи ҳақидаги баландпарвоз гапларни, ким ўзарга мақтовларни, сирти ялтироқ, ичи қалтироқ «асар»ларни ёқтиравермайди. Чунки, халқ — дарё, кўлмак эмас! Ҳар бир халқнинг бугунида унинг ўтмишию келажаги, бутун олам тарихи жамулжам, дейиш мумкин. Ўз халқимни ана шу олам ичидан қидириб топишим керак! Қолаверса, халқимнинг орасидан ўзимни ўзим қидириб топишим ҳам керак!

Бу иш яна кўпдан-кўп изланишлар, тайёргарликлар, ўқиш-ўрганишларни талаб қилади.

Талабалик йилларимда тузукроқ тушуниб етмадим чоғи, дея ўйлаб жаҳон адабиёти дурдоналарини, буюк рус адабиётини янада чуқурроқ ўқиш-ўзлаштиришга киришдим. Жаҳон адабиётини-ку лоақал тасаввурда қайта тиклаш мушкуллиги барчага маълум. Рус классик адабиётининг ўзиёқ бамисоли чеки-чегараси йўқ уммон; унга бир шўнғисанг, қаёғидан сузиб чиқишни билмай эсанкираб қоласан киши!

«Таваккалчидан ҳатто Худо қўрқаман деган», дерди бобом. Очиги, мен ҳам Худони қўрқитадиган бир иш қилгим келарди. Бу йўлда бетиним ўқиш-ўрганиш кундалик машғулотим, ҳаётимнинг маъносига айланиб қолди.

Мен ҳам оз сонли халқимнинг маънавият байроғи дастасига кифтимни тутишга қатъий жазм этдим. Рус адабиётининг отаси Пушкинни ўқирканман, одам боласининг қалби уммондек теран ва меҳри осмондек чексизлигига имон келтирдим. Санъаткорнинг нима учун «Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим ўзимга», дея

хитоб қилгани, бу ҳайқириқнинг туб моҳияти хусусида хаёлга чўмдим ва шундай хулосага келдимки, бу буюк Россиянинг жамики эзгу ниятли асл фарзандлари шаънига битилган фахрия экан. Лермонтовни такрор-такрор ўқиб, унинг ҳамиша кўз олдимизда 27 яшарли мангу навқирон йиғит бўлиб гавдаланиши сабабларини англаб етгандек бўлдим. «Уруш ва тинчлик» эпопеяси билан жаҳон адабиётини ақл бовар қилмас юксакликка кўтарган Лев Толстойни яна ўқиб, даҳо санъаткорлик қандай бўлишини яққол тасаввур қилдим. Бу мутафаккирнинг нега Шекспир трагедияларига ҳар хил даврда турлича баҳо берганини ўзимча мушоҳада қилиб, Толстой Шекспир ижодига санъаткор қалбга хос юксак мезонлар билан ёндошганини, қолаверса, ҳар қандай мутафаккир ҳам аввало тирик жон, хом сут эмган банда эканлигини англаб етгандек бўлдим. Сирасини айтганда, ҳар бир инсон қалбида зиё ва зулмат, нур ва соя ўзаро курашиб яшайди. Ҳар бир тирик жон бу дунёни ўзигагина хос тарозига қўйиб ўлчайди. Кўп нарса ана ўша тарозига боғлиқ. Айни пайтда ҳар бир одам ўзининг қандайдир саъй-ҳаракатларида ҳаммага — менга ҳам, сизга ҳам, унга ҳам ўхшаш жиҳатларга эга. Федор Достоевскийнинг сербўёқ тасвирларида кўҳна Россия сийнасини қоплаб ётган яра-чақаларни кўргандек бўлдим. Чеховнинг бепоён Россияни майда бўлақларга парчалаб, мухтасар ҳикояларга сиғдира олиш маҳоратидан ҳайратга тушдим. Буюк замондошим Михаил Шолоховни ўқиш орқали кекса тарихнинг азалий карвонини янги йўлга буриш чоғи буюк рус халқи қисматида рўй берган чигалликларни якка шахслар тақдирида бадиий гавдалантириш санъатини узоқ-узоқ тунларда «танамга ҳазм қилдим».

Қозоқ ёзувчиси Мухтор Аvezовни, ўзбек ёзувчилари Ойбек билан Абдулла Қаҳҳорни ўқишдан ҳам сезиларли баҳра олдим. Улардан айнан нималарни ўрганганимни қўл билан кўрсатгудек лўнда қилиб тушунтириш мушкул, албатта. Бироқ, шу ҳолга қатъий амин бўлдимки, ўзим энди-энди ўқиб-ўзлаштираётган буюк рус ва жаҳон адабиётини улар мендан аввалроқ ўрганиб, ҳар бири ўз йўлини топиб олган экан.

Гарчи, бу изланишлардан ҳали кўнглим тўлмаётган бўлса-да, ҳар қалай, кўз олдимида бири иккинчисига ўхшамайдиган кўплаб сўқмоқлар пайдо бўлди. Назар

римда, уларнинг ҳаммаси ҳам қатъий шаклланган, йўловчини адаштирмайдиган сўқмоқлар эди.

«Кўзлаган манзилингга олиб борадиган йўллар кўп бўлса, дам унисига, дам бунисига югуравермай, биттасини узил-кесил танлаб ол-да, қисматингга шукур қил», деб ўргатган эди онам.

«Адабиётдан ўзига йўл ахтариш кўпчиликнинг қўлидан келаверади, бироқ ўзидан адабиёт ахтариш ҳамма-нинг ҳам қўлидан келавермайди», дея яна бир карра уқтиргандек бўлди аллақандай номаълум овоз.

\* \* \*

Ўзингдан адабиёт излаб топиш энг мушкул, энг серзаҳмат йўл экан. Максим Горький: «Истеъдоднинг тўқсон тўққиз фоизи меҳнат», деб бежиз айтмаган экан. Менда нақд дўзахий азоб бошланди, десам, муболаға бўлмас! Шукрим, шу вақтга қадар одамлар ҳақида, ўз халқим ва бошқа халқлар ҳақида эшитганларим, ўқиганларим мушкулимни осонлатувчи сон-саноксиз ёрдам қўллари бўлиб ўзим томон чўзилди.

«Минг одам билан юз таниш бўлгунча, бир одамнинг исмини бил», деб кўп насиҳат қиларди бобом. Мен томонга чўзилган беҳисоб қўллар орасида шундай қудратли бир қўлни кўрдимки, угина мени юксақларга кўтара олди. Бу — халқимнинг қўли эди! Бироқ унинг соҳиби — халқим тарихини ҳали тузук-қуруқ билмаслигим аниқ эди. Энди уни яхшироқ билиш, яқиндан таниш ишқига тушдим. Бу ишқ менга саҳифалари сарғайган, ҳатто йиртилиб-титилган талай-талай китобларни такрор-такрор ўқитди. Кўпдан-кўп обидаларнинг чангини арттирди. Кўплаб одамлар билан учраштирди. Кўпгина характерлар билан тўқнаштирди. Талай-талай миллату халқ вакиллари билан юзлаштирди. Нимаики ўқимай, ким билан суҳбатлашмай, қай халқ вакили билан ошқатиқ бўлмай, улардан энг аввало ўз халқимнинг характерини, тарихини ахтардим. Халқимни жаҳондаги бошқа халқларга қиёсан излашларим ва ўрганишларим натижасида виқорли тоғ ён-бағрида йўл топмай, ялангоёқ-ялангтўш югургилаб юрган бир тўп оч-наҳор етимлар кўз олдимда намоён бўлди. Улар андак қўним топиб, янги бошпана тикладим деганида бешафқат тоғ чўққиларидан оламини ларзага солиб пастга қуйилган кўчки-



лар туфайли бу бошпаналарнинг неча-нечасидан жудо бўлганини кўрдим. «Ёрдам беринг! Ёрдам беринг!» деган илтижоли чинқириқлар, гарчи сув остидаги товушдек ноаниқ гумбирлаб, ўз замонасида ҳеч кимга эшитилмаган бўлса-да, йигирманчи асрнинг юксак чўққисида қад тиклаган менинг қулоғим остида бетиним акс-садо бериб тургандек...

Ўтмиш қаъридан эшитилган минглаб ҳасратли нидолар орасида: «Мен қорақалпоқман, мен озман, менга мадад беринг!» деган зорланишу илтижолар нисбатан қаттиқроқ эшитилиб, бугуним учун, бугунги бахтим учун бу одамга, қелгуси наслларга «Мен қорақалпоқман!» дея фахрланиб жар солгим келади. Албатта, ҳамма халқларнинг ўтмишда ҳам ҳасрат нидолари оз бўлмаган. Аммо, мен ўз халқимнинг тарихий тақдирида соғлар орасидаги беморнинг, катталар орасида яшаган болакайнинг, мазлум Шарқ аёлларининг аянчли қисматини кўргандек бўлдим.

Еру кўкни зир титратиб ҳайқиришни истардим. Атанг, биргина одамнинг овози бутун бир халқнинг овозига айланши мушкул. Бунга-ку, фаҳмим етади. Лекин, бари бир, таваккал қилгим келди. Модомики, мен яшаб турган жамиятнинг ўтмишга ва бугунга, буткул жаҳонга муносабати коммунистик муносабат экан, модомики, бу жамият, ўзимга ўхшаш оддий одамларнинг манфаатларини ҳимоя қилар экан, у ҳар хил шовқин-суронлар орасидан халқнинг оҳу зорини, орзу-армонларини ажратиб олиш, унга ёрдам қўлини чўзишга қодир. Бу ҳақиқат мени руҳлантирди. Шундай қилиб, миллиард киловатт қувватга эга Ильич нури порлаган чироқни пешонамга боғлаб, сув остидан, асрий метин қатламлар остидан зор-ночор нидо қилган чинакам жафокаш — менинг халқим эканлигини бадийий сўз воситасида келгуси наслларга ҳикоя қилиш йўлида ақлу шууримни, бутун умримни бағишлаганим бўлсин, деб узил-кесил аҳду паймон қилдим...

Лекин:

Ким уммонлар остидан ноёб гавҳар топиб, уни ўз уйига олиб келишни истамайди?

Ким жамики ер ости хазиналарига ўз уйдан тўппатўғри йўл очишни истамайди?

Ким ўз халқининг тақдири ҳақида оламга жар солгиси келмайди???

...Узоқ-узоқ хаёлга чўмдим.

Нима бўлса бўлсин, бир роман бошлашим керак, деган журъат тугилди кўнглимда. Туғилишга тугилди-ю... Романчиликнинг буюк отахони Лев Толстой сўзлари билан айтганда, «...Экин майдонини қондириб сугоргандай, дастлабки тайёргарлик ишлари мен учун қанчалик оғир кечаётганини эҳтимол сиз тасаввур қилолмассиз. Уйлаб олиш, қайта бошдан ўйлаш... миллионлаб эҳтимолларни нухта ўйлаб кўриб, миллиондан бирини таплаш — ақл бовар қилмас даражада мушкул...» эди.

Яна иккиланиб қолдим.

Юрист ота айтган афсона: Эрта баҳорда дўл аралаш ёмғир челақлаб қуйиб турганида уй тўла одам эшикни очиб қўйиб, бир донишманднинг ҳангомаларини тинглаб ўтирган экан.

Донишманд ёмғир остида ингичка оёқлари бот-бот тойганиб базур келаётган болакайни кўриб қолибди-да, унинг олдига югуриб чиқиб, уйга олиб кирибди. Совқотганидан тишлари такиллаб, титраб-қалтираб турган болакайни апил-тапил ечинтирибди. Кийимларини ўтга тоблаб қуритибди. Ёмғир тингунча қуритган кийимларни эгасига қайтариб, кетишга рухсат берибди.

— Ота, сизни худо қуритсин, — дебди бола эшикдан чиқар экан.

Донишманд болакайнинг бошини силаб, эркалабди. «Кўп яша, ўғлим, айтганинг келсин», деб дуо қилиб қолибди.

Уйда ўтирганлар ажабланиб:

— Ие, оқсоқол, бола раҳмат айтиш ўрнига «Сизни худо қуритсин», деди-ку. Бу қарғиш эмасми? — деб сўрашибди.

— Йўқ, қарғиш эмас, — дебди ўшанда донишманд. — Бу бола «Яна кўп яшанг!» деб чин дилдан тилади. Айтувчи нодон бўлса — бўлсин, лекин тингловчи доно бўлиши керак.

«...Албатта, тингловчига ишониб кўнглингни очганинг яхши, лекин тингловчиларнинг ўзингдан ақллироқ эканини унутиб қўйма», дерди онам.

Бобом ҳар гал менга: «Болам, кўрган-билганларингни айтмоқчи бўлсанг, аввало тингловчининг юрагига қўл солиб кўр. У ерда гапингга жой бўлмаса, тингламай юрагингни қон қилади», деб уқтирарди.

«Тингловчи доно бўлсаям унинг вақтини авайла», дерди отам.

«Ёзувчи бўлиш учун ёзув столи олдида соатлаб ўтиришга чидам-тоқат оз, ўй-фикрларнинг чидамлилиги, пишиқ-пухталиги ва образлилиги керак!» дерди адабиёт муаллими.

Бу фикрларни эслаб яна хаёлга толдим.

«Бир кунлик йўлга чиқсанг ҳам, бир ҳафталик емишинг бўлсин», дерди қариялар.

Агар мен «адабиёт» деб аталган йўлга чиқар бўлсам, «йўл озигим» мўл-кўлми?

Олдимда узундан-узоқ йўл ястаниб ётган экан, йўлдошларимни зериктирмайдиган мароқли ҳангомаларим етарлими? Нимага, қай бир афсонага таяниб гап бошлайман? Утмишни замондошларим хуш кўрармикин?

Хуш кўрмаганларни қаноатлантира олармикинман?

Кўча бийининг айтгани: Бир кун овулимизга шаҳардан лектор келди. Ундан: «Бошқа сайёраларда ҳам тирик мавжудотлар бормикин? Бор бўлса, ривожланиш даражаси қандай?» деб сўрадик. «Биздан бошқа тирик мавжудотлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас, — деди лектор. — Бунинг исботи учун қорақалпоқлар орасида кенг тарқалган «Исо пайғамбар афсонаси»ни келтириш мумкин. Афсонада айтилишича, Исо пайғамбар мусулмонларнинг орасига учиб тушиб, уларнинг ўз динидан қайтмаслигига ақли етгач, тезда икки елкасию пешонасини бармоқлари билан босиб-босиб, бирдан осмонга учиб кетганмиш. Менимча, у Исо пайғамбар эмас, ерга бошқа сайёрадан келган одам бўлса керак. У яшаган сайёрада тараққиёт биздагидан юқорироқ бўлган. Ердаги одамларга имлаб нималарнидир тушунтиришга уриниб кўрган. Тушунишавермагач, булар ёввойи экан, деб ўйлагану икки елкаси ва пешонасидаги тугмачаларни босиб-босиб, ўз сайёрасига қайта учиб кетган...» Лекторнинг бу хулосасини эшитганлар: «Ёлғон!», «Уйдирма!» деб чувиллашди. Жим қолганлар ҳам бўлди, албатта. Ҳар қандай афсонада одам ишонгулик ҳаётий асос бўлади.

**Қариялар гурунгидан:**

— Гапга чечанликнинг бирламчи шарти — ёлғонни ҳам киши ишонадигандай қилиб айтиш.

— Ёлғончининг рост сўзига ҳам ҳеч ким ишонмайди.

— Уйламай сўзлаган огримай ўлади.

— Тўғри, тил — суяксиз, лекин тилингдан сурилсанг бошинг балога қолади, ётар еринг қоронғи бўлади...

\* \* \*

Яна бир неча ой калавамнинг учини тополмай бош қашиб юрдим.

Хаёлимга ўрнашиб олган ҳар хил афсоналар, ривоятлар, ҳаётий ҳангомалар, қизиқ-қизиқ воқеалар кўнглимни безовта қилиб ташқарига йўл қидираётгандек. Иложини топсангу кўнглингдан кечаётган ўй-туйғуларни бир ипга тизиб кўрсатсанг...

Яна икки ўт орасида қоврилиб юрганымда, Иван Сергеевич Тургеневнинг «Оталар ва болалар ҳақида»ги очеркида шундай фикрни ўқиб қолдим: «...Адабиёт ветеранлари уруш ветеранларига ўхшайди: Қарийб барчаси майиб-мажруҳ. Улар орасида вақтида истеъфога чиққанларгина омадли».

«Адабиётда майиб-мажруҳлик даражасига етиб боришим шартмикин?» деб сўрайман ўзимдан.

«Етти кунини олдиндан ўйлаб олмаган аёлдан эҳтиёт бўлиш керак», деб кўп уқтирарди онам.

«Етти йилини олдиндан ўйлаб олмаган эркакдан эҳтиёт бўлиш керак», деб тез-тез насиҳат қиларди отам.

Мен неча кунимни, неча йилимни олдиндан ўйлаб яшайман?.. Уйлаб ўйимнинг тагига етолмай, боши-охири йўқ хаёлларимга ўралашиб йиқилдим — институтга кирган йилим орттирган касалим тагин кўзиб қолди...

Врачнинг дориси: андак ўзимга келгач, врач ёнимга ўтириб, ҳол-аҳвол сўраб, кўнглимнинг кўчаларидан хабар топгач, тумбочка устида ётган дафтаримнинг очик саҳифасига аналгин таблеткасини қўйди. Антиқа ручкаси билан теварагини чизиб чиқди. Кейин менга янада антиқароқ гап қилди:

— Манови айланани катталаштириб ё кичрайтириб бера оласанми? Шарт шуки, ўзига қалам урмайсан.

Бу қанақа топишмоқ бўлди? Ёстиққа кўксимни босиб андак ўйландим. Ручка теккизмай катталаштириш ҳам, кичрайтириш ҳам мумкин эмас шекилли? Врач мени кўп уринтиргиси келмадим, пенициллингдан бўшаган

шишани олди-ю, қоғознинг устида ушлаб туриб унинг ҳам айланасини чизди.

— Хўш, айт-чи, қай бири кичикроқ, — деб сўради мийиғида кулиб.

— Аввалгиси, — дедим.

Энди у қоғозга дармон доридан бир донасини қўйиб, унинг ҳам айланасини чизди.

— Бу айлана аввалгисидан ҳам кичикроқ, — дедим унинг саволини кутмай.

— Мана шуни унутмаслик керак эди-да, — деди врач яна мийиғида кулиб.

— Ҳа, энди, бу Эйнштейннинг нисбийлик назарияси-да! — дедим мен ҳафсалам пир бўлиб.

— Хўш, нима қипти? Мен кўрсатмагунча фаҳминг етмади-ку. Фаҳминг етганида, ҳаётни дурустроқ тушунардинг. Ахир, ҳаётдаги касб-корлар ҳам худди шу айланалардек гап! Каттани катта дейиш учун ёнида кичкинаси бўлиши, аксинча, кичкинани кичкина дейиш учун ёнида каттаси бўлиши шарт. Агар дунёда нодонлар бўлмаганида, доноларнинг қандайлигини, донолар бўлмаганида, нодонларнинг қандайлигини ҳеч ким билмасди. Ёзувчи бўлишни астойдил ният қилган бўлсанг, таваккал деб, қўлингдан келганича ёзаверишинг керак. Ана шунда лоақал бошқа бировнинг сендан зўрроқ ёзувчи эканига одамларнинг ишонч ҳосил қилишлари учун сабабчи бўлардинг. Балки ўзингдан ҳам уқувсизроқ ёзувчилар борлигига ишонтирармидинг...

Врачнинг мана шундай «дори»сидан сўнг ўзим ётган тўшак бамисоли адабиёт осмонига олиб чиқадиغان сармайдончага, бетизгин ўйларим — оловга, орзуларим — қанотга айланиб қолгандек туюлди.

Майли, афсоналар, ривоятлар, нақлларни ҳозирча қўйиб турай-да, аввалига ўзим таниган-билган одамлар, қўни-қўшниларим, тенгдошларим ҳақида бир нарса ёзиб кўрай-чи, дея астойдил енг шимардим.

Шундай қилиб, уруш вақтидаги овул болаларининг ҳаётидан олиб ёзилган «Котиб» номли илк қиссам юзага келди.

Ёзувчи учун ҳар бир янги асар фахрланишга эмас, кўпроқ қўрқишга асос бўлади.

Илк қиссам китоб ҳолида нашр этилганидан сўнг, ҳоли не кечди, уни кимлар сотиб олиб, ким қандай гап қиляпти — ўз кўзим билан кўриб, ўз қулоғим билан эшитай, деган ниятда китоб дўконига бордим.

Қарасам, китобчамни Лев Толстой, Достоевский, Гоголь, Чехов, Мопассан, Шолохов, Хемингуэй китоблари билан ёнма-ён териб қўйишибди. Тўғри, аввалига бу манзарадан кўнглим тоғдай юксалиб, ич-ичдан ғурурланиб қўйдим. Лекин кўп ўтмай, бошимдан муздек сув қуйилгандек бўлди. Эйнштейн назарияси билан айтганда, шу қадар улкан «айлана»лар орасида кўзга кўринар-кўринмас нуқтадек, уни ҳам ўзимдан бошқа одам кўрмасдек бўлиб, менинг китобчам ҳаракатсиз ётибди! Сотувчидан китобимнинг аҳволини сўраб-суриштириш, ўзимнинг ёзувчи эканлигимни маълум қилишга юрагим дов бермади. Гўё Лев Толстой, Достоевский, Гоголь, Чехов, Мопассан, Шолохов, Хемингуэй — ҳаммалари жўровоз бўлиб: «Сен ҳам ёзувчиман деб келдингми? Манави матоҳингни ёнимиздан йўқот!» деб хитоб қилаётгандек. Сотувчининг олдида кечирилмас гуноҳ қилган одамдай, қарийб дўкондан ташқарига қочиб чиқдим. Ташқарида ҳам ортимдан: «Манави матоҳингни ёнимиздан йўқот!», деган хитоб пайдар-пай эшитилиб, қулоғим қоматга келгудек бўлди. Қулоқларим остида алақандай шовқин...

Уйга келиб ҳам ҳаловатим бўлмади. Утириб-ўтиролмаман, туриб-туролмаман. Бутун вужудимда безовталик. Бу туйғудан қандай ҳалос бўлиш мумкин?!

Кўча бийининг айтгани: Жаҳондаги бошқа халқлар каби қорақалпоқлар ҳам бир пайтлар мустақил хонлик тузган экан. Орадан бир оз вақт ўтиб, хон ўзича ўйлай-ўйлай: «Тўрт-беш одамнинг сўзига ишониб юрт бошқаргунча эл оралаб кўрай», дея аҳд қилибди. Хонлик либоси ўрнига дарвиш жандасини кийиб, тун чоғи саройдан чиқиб кетибди. Қалъа чеккасида қад кўтарган баҳайбат ва метиндек мустаҳкам бинонинг эшиги олдида найзаларига таяниб турган уч навкарнинг қошига яқинроқ бориб:

— Манави қанақа бино? Сизлар нима қилиб туриб-сизлар? — деб сўрабди.

— Ие, шу бинони билмасанг, осмондан тушганмисан, нима бало? — ажабланишибди навкарлар.

— Бегона юртлардан келган дарвишман, — дебди хон.

— Эсинг борида бу ердан туёғингни шиқиллат! Манави ортимиздаги метин кўрғонда хонимизга қарши сўз айтганлар қамалиб ётибди. Сен билан алаҳсиб турга-

нимизда улар қочиб кетиши мумкин, — деб навкарлар «дарвиш»нинг кўкрагидан найза билан итаришибди.

Дарвиш жимгина ўз йўлида давом этибди. Бир овулдан ўтиб бораётган экан, қараса, икки отлиқ арқонга қўйдек кўканланган бир гуруҳ одамларнинг бошию кўзи демай қамчилаётганмиш.

— Бу бечораларнинг ёзуғи нима? — деб сўрабди «дарвиш» отлиқлардан.

— Оёқ остида ўралашмай, нарироқ тур, нарироқ! — дағдағ қилибди отлиқлардан бири унга қамчи ўқталиб. — Хўш, сен ўзинг хон солиғини тўлаганмисан ё сени ҳам манавиларнинг ёнига тиркайликми?

«Дарвиш» гап нимадалигини тушуниб, яна жимгина ўз йўлида давом этибди. Тагин бир овулга келганида бир гуруҳ болакайларнинг ғовур-ғувур қилишиб: «Энди хон ўйинини ўйнайлик!» дейишаётгани қулоғига чалинибди-да, тўхтаб қолибди. Шу орада бир болакай қора қарғанинг думини манглайига уқпардек қадаб: «Мен хонман!» деб бақирибди. Бошқалари югургилаб келиб, унинг олдида икки букилиб: «Қуллуқ, хонимиз!», «Қуллуқ, хонимиз!» дея таъзим бажо келтиришаверибди. «Хон» ифлос оёғи билан уларнинг бошларига бирмабир туртиб чиқибди-да: «Чарчадим!» деб зорланибди. Болалар илдамлик билан бир-бирларига елка суяб турган экан, «хон» уларнинг устига чиқар-чиқмас: «Жаллод!» деб бақирибди. Четда турган икки болакай «хон»ни ўз кифтида кўтариб турган болакайларни чивик билан ура бошлабди. Болакайлар «хон»ни йиқитиб қўймаслик учун елкаларини қимирлатмасликка тиришиб, нари-бери йўртишга тушибдилар. Кутилмаганда, «хон»нинг остидаги болалардан бири суриниб кетиб, «хон» бир томонга оға бошлабди. Энди оёғи ерга тегай деганда «жаллод»лардан бири қоқилиб йиқилганча, ҳали ўрнидан туролмаётган болакайни қуршаб: «Хон ҳазратларини йиқитганнинг жазоси шу!» дея дам савалаб, дам тепкилаб ўлдирибди.

Дарвиш кийимидаги ростакам хон бу манзарани томоша қилишга ортиқ чидаб туролмай, саройга қайтиб, фуқароларини тўплабди-да.

— Одам боласининг ақли янги бир тузумни ўйлаб топиб, унда халқимиз ҳеч кимдан кўрқмай, баҳамжиҳат, бахт-саодатда яшайдиган вақт келмагунча, қорақалпоқ хонлиги тарқатилсин! — деб фармон чиқарибди...

Ана ўшандан бери то 1924 йилга қадар қорақалпоқлар мустақил давлат бўлмаган экан.

Қариялар айтган афсоналардан: Қорақалпоқ халқи ёвуз босқинчиликлар туфайли ўз маконидан айрилиб, эллардан элларга сарсон-саргардон юра-юра ахири шавкатли Киев Русининг қўл остида қўним топибди. Ихтиёрига аллақандай бир элат келиб қўшилганидан хабар топган шавкатли Киев князи бу халқнинг нима билан шуғулланишини, Киев бозоридан нималарни сотиб олиб, нималарни сотишини аниқлаш учун айғоқчи юборибди. Айғоқчи бир неча кун қорақалпоқлар орасида бўлиб, уларнинг деҳқончилигу чорвачилик билан машғуллигини, бозорга дон-дун, сут-қатиқ олиб чиқиб, эвазига арзон-гаров кийим-кечак, болалари учун бешигу тувак сотиб олаётганлигини келиб айтибди.

Бу вақтда Киев Русида темирдан ҳар хил қурол-аслаҳалар, совутлар яшаш авж олган бўлиб, қўшни князликларга қарашли савдогарлар маъдандан ишланган қурол-аслаҳалар ва ҳар хил совутларни сотиб олиш учун тез-тез келиб туришаркан.

Шавкатли Киев князи ўйланиб ўтириб:

— Темир совутлар билан савдо қилмаётганига қараганда, қорақалпоқлар ўта тинчликсевар халққа ўхшайди. Уларга мустақкам бошпана берганимиз бўлсин! — дебди.

Шу-шу, улуғ рус халқи оз сонли қорақалпоқларга ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб келган.

Яна: дунёда ҳали СССР пайдо бўлмай, ноҳақлик ҳукм сурган замонларда боболаримиз яна бир маконидан айрилиб, афсонавий Маманбий бошчилигида қадимий маконлари — Амударёнинг қуйи соҳиллари, Оролнинг жанубий қирғоғи, бино бўлгандан бери сув кўрмаган Устюрт ҳамда мушук оёғи ботмас чангалзор, тўранғилзор, қамишзорлар орасида ўрнашаётгани ҳақидаги хабар бу атрофларнинг ҳукмдори Хоразм хонига етиб борибди. Хон, бу халқ нафас ростлаётган босқинчилар бўлиб чиқмасин тагин, деган хаёлни кўнглидан кечириб, уларга ўз айғоқчиларини юборибди.

Айғоқчи улар орасида талай кун яшаб, хонга:

— Қорақалпоқлар кечаю кундуз тиним билмай қўлда ер ағдаради, балиқ овлайди. Томоғидан ортиб қолган озгина дону балиқни Хива бозорига олиб келиб, пахта билан кандир ипга айрбошлайди. Қайтишида бола-чақа-



сини шўрвага бир тўйдириш учун қимматбаҳо гўшт эмас, арзон-гаровга ичак-қорин сотиб олади,— дебди.

Хоразм хони бу хабардан жуда мамнун бўлиб:

— Итни қуваверсанг қопагон бўлади, болани азоб-лайверсанг қонхўр бўлади, деганларидек, макондан маконга кўп қувилган бу халқнинг болалари ўзгарган чиқар, қонхўр бўлган чиқар, ота маконига ўрнашиб бўлгач, бизга ҳужум қилар, деб хавотирланган эдим. Хайриятки, бундай эмас экан. Ўша-ўша мўмин-қобил-лигича, меҳнаткашлигича қолибди. Асрлар оша фойдаланилмай ишдан чиқиб қолган бўз ерни ўзлаштириш-ларига ёрдам берайлик, Қўшни Бухоро, Астрахань халқ-ларига, туркманларга мактуб ёзаман. Улар ҳам ёрдам қўлини чўзсин! — деб, ўша заҳоти девонбегисини ҳузур-рига чақиртирибди. Барча қўшнилари номига мактуб ёздириб, чопарлар юборибди...

Орадан кўп ўтмай, тинчликсевар, меҳнатсевар бу халқни улуғ рус подшолигининг доно одамлари қайта излаб топишиб, яна қорақалпоқларга оғаларча ғамхўрлик кўрсатишда давом этишибди...

Бугунги кунда бу оз сонли халқ: «Буюк мамлакатимиз СССРнинг тинчликсеварлик, меҳнатсеварлик, бунёдкорлик сиёсатида бизларнинг ҳам ҳиссамиз бор!» дея ҳақли равишда фахрланишади.

Кўча бийининг айтгани: Муҳаммад пайғамбар соқолини қиртишлаётган экан, беҳосдан терисини кесиб олибди. Кесилган жойдан қон чиқибди.

Иягидан андак қон оққанига қаттиқ хафа бўлган пайғамбар: «Эй худо, нега теримни устара кесадиған қилиб яратгансан?» деб нола қилибди. Шунда худо унга: «Пешонангга икки қуёшдек жуфт кўз ўрнатсам. Бунга ҳам қаноат қилмас деб, олдинга қўядиған ойнани яратиб қўйсам. Яна мен гуноҳқорманми?» деб унинг жонини олибди.

Худди шундай, йўлингни ёритувчи икки қуёшдек она тилинг билан рус тили хизматингда турса, СССР халқларининг бой адабий мероси, жаҳон адабиёти дурдоналари рўпарангда кўзгудек ярқираб турса, сенинг китобчанг эътиборсиз ётганига сотувчи айбдорми, азизим Қаипберганов? Астойдил ихлос билан ишлаш керак! Шуҳратталаб бўлма! Токи соғ экансан, ёзиб қолсанг-чи, ёзсанг-чи!

«Одам боласи бемалол чоңқиллаб кетиши учун аввалига эмаклайди, кейин тетапоя туради, сўнг нимагадир таянган ҳолда оёқларини кўтариб босишни ўрганеди», дерди онам.

«Полвонлар полвон аталгуналарига, курашларда талай марта йиқиладилар», дерди бобом.

«Хато қилганингга ўкинма, хатойингни тузатолмаганингга ўкин, деган гап бор, болам! — дерди онам. — Ёзувчи бўламан дедингми, ниятингга ет! Мақсадга эришиш учун ўлимдан ҳам қўрқмаслик керак! Ёз, суюкли нуридийдам!» дея гапини ниҳоялайди онам.

«Донишмандлар адаша-адаша доно бўлармиш», дерди Кўча бийи.

...Одам бу дунёнинг жамики саволларига жавоб бера оладиган донишманд бўлганида ҳам, бари бир унга муҳим нимадир етишмаётгандай, яна алланарсани қўмсайди, муштоқлик билан кутаверади. Гоҳо нима учун яшаётганини билолмай боши қотади. Гоҳо эса, кўнглидаги бундай безовталиқни кутилмаган биргина иш, биргина гап тумандек тарқатиб, чарчаб турганингда — чарчоғинг, хафа бўлиб ўтирганингда — хафагарчилигинг унутилади. Кўнглинг кўтарилиб, қаршингдаги минглаб умр сўқмоқларидан бирига «таваккал» деб дадил қадам қўясан. Ана шунда минглаб ришталари чапишиб-чирмашиб кетган фикр-туйғуларга бой бу кўнгли қаттиқ довул ҳайдаган қора булутлар остидан чақнаб-чарақлаб чиқиб келаётган юлдузли осмонга ўхшайди.

Кўпдан-кўп изланишлару изтироблар ниҳоясида менинг кўнглимда ҳам шундай бир ҳолат пайдо бўлди-ю, ҳаётнинг «Адабиёт» деб аталмиш, борса келмасдек мушкул, хатарли йўлига дадил қадам қўйдим.

Не бахтки, ҳали-ҳануз шу йўлдаман...

## ХОТИМА ЎРНИДА ЎЗИМДАН-ЎЗИМ ОЛГАН ИНТЕРВЬЮ

*Савол:* Агар менга ўз ҳаётимни қайтадан бошлаш имконияти берилса, нима қилардим?

*Жавоб:* Баъзи бировларнинг бундай саволларга: «Ҳозирча қандай яшаган бўлсам, худди шундай яшардим» «қабилидаги жавобларини гоҳо матбуотдан ўқиб қоламан. Эҳтимол, улар ўзлари айтаётган гапнинг тўғ-

рилигига астойдил ишонгани учун шундай дейишар. Мен бошқачароқ фикрдаман.

**Бобом:** «Энди бола бўлиб қолсам, жуда ақлли бола бўлардим-да», деган гапни кўп такрорларди. Мен бу гапнинг тўғрилигига ишонардим. Чунки ҳар куни кечаги хатоларим учун ўкиниб, кўп ҳолларда тушгача қилган ишимни тушдан кейин бузишдан қайтмасдим. Ҳозир ҳам одатим — одат. Гоҳо ўйлаб-ўйлаб, бугунга қадар яратган асарларимдаги камчидикларни қайта ишлагим келаверади.

**Савол:** Ҳар хил афсоналар, ҳангомалар, ҳикматлар, ҳатто айрим таржимаи ҳоллардан иборат бу китобнинг жанри нима учун роман-эссе деб кўрсатилди?

**Жавоб:** Ойдўс бобо ҳақида шундай нақл бор: Ойдўс бобо бир инисини уйлантирганида, тўйга келган уруғдошларини астойдил хурсанд қилиш мақсадида қайтишида уларнинг ҳар бирига битта-биттадан қўй берибдию, бироқ қўйларга бошбоғ боғлашни унутибди. Шунда қўй олганлар норози бўлиб, «Тўй берган занғар, қўй берган занғар, қўй етаклаш учун бир қулоч ипни аягани нимаси!», дея пўнғиллашиб, Ойдўс бобога кўп маломат тошларини отган экан...

Китобнинг жанри — қўйнинг бошбоғидек нарса. Мен ҳам Ойдўс бобога ўхшаб қўй ҳақида, яъни — китобнинг ўзи ҳақида қайғурдим. Фақат хотимадагина, Ойдўс бобога отилган маломат тошлари менга ҳам қаратилмасин, деб «қўйим»га бошбоғ тақиб қўя қолишни маъқул кўрдим. Яъни, китобни етаклайдиган жанрни «роман-эссе», деб белгиладим. Бу «бошбоғ»эҳтимол кимгадир узун, кимгадир қисқа, яна кимларгадир эриш туюлар. Лекин мен учун муҳими — қўй бериш. Яъни, шу китоб билан ўқувчимни қўлга олса олгулик бир нимага эга қилиш. Кимнинг қандай тушуниб, қайси жанрга оғдириши унинг ўз ихтиёрида, унинг адабий тушунчасига боғлиқ.

**Савол:** Бу китоб мемуар-эссега яқинроқ туради. Демак, уни роман дейиш тўғри бўлармикин?

**Жавоб:** Адабиёт назарияси қоидаларига ҳар бир ёзувчининг ўз қўшимчаси бўлади. Масалан, ким билан гаплашманг, у ўзининг тақдири хусусида гапиргудек бўлса: «Менинг тақдирим бутун бошли роман», дея изоҳлайди. Ёхуд, ҳатто: «Менда роман кўп», дейди.

Севишганлар ўз муҳаббатларини «Менинг романим», деб таърифлайдилар. Хуллас, роман гоят кўп унсурларни ўзида мужассамлаштиради. Грузин совет ёзувчиси Нодар Думбадзе романи бугунги кундаги чангютгичга қиёслайди. Назаримда бу билан ёзувчи чангютгичнинг ўзига нималарни тортаётганинигина эмас, унинг тозалаш фазилатини ҳам назарда тутган бўлса керак.

Роман, менинг тушунишимча, инсон ҳаётининг муайян бир даври — бир формацияси. Роман — инсон руҳиятининг инқилоби ва тадрижий такомилли. Роман — бошқа бировнинг умрини кўз олдинга яқин келтириб тасвирлаш орқали ўз умрини қайта назардан ўтказишга ундайдиган сеҳрли экран. Том маънодаги янги роман — янги сайёра. Ундан кутилмаган унсурлар, фавқулодда мўъжизалар топилиши шарт. Акс ҳолда янги сайёранинг қизиғи йўқ!

Романнинг яна бир ўзига хослиги — кичик бир ном орқали бутун дунёнинг қиёфасини, бир инсон тақдири орқали бутун бошли халқнинг, биргина халқ тақдири орқали бутун инсониятнинг тақдирини кўрсатишга қодирлиги. У бадий сўздан яралган тилсимларга бой кўзгу.

Роман — миниатюрадаги олам!

*Савол:* Ўзимдан ўзим интервью олиш орқали ўқувчиларимга нима демоқчиман?

*Жавоб:* Ҳар бир ёзувчи ўзи яратган китобнинг дастлабки ўқувчиси ҳамдир. Бинобарин, ўқувчиларимга қандай тилак билдирмайлик, бир жиҳати ўзимга ҳам тегишли...

Авалло шу «Қорақалпоқнома» барча асарларимнинг асос-пойдевори эканлигини рўй-рост тан олиб, ҳаяжонлару ғалаёнларга тўла кўнглимга ақалли бир бор тасалли-таскин беришга уриниб кўрмоқчиман. Шундай дейману, бари бир руҳимда кўпдан-кўп ўкинч-армон тугунлари ҳали ҳам қатлаиб ётганини аён сезиб турибман. Одатда ҳар ким ҳар хил нарсага ўкинади. Менинг ўкинч-армонларим ўз ишларимдан ҳамиша қаноатланмайдиган ўжар феълимнинг ҳар доимгидек бир кўриниши бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ҳаётда ҳар бир инсон учун салмоғи баб-баравар икки хил даҳшатли ўкинч — армон бор: биринчиси — муҳаббатга хиёнат, иккинчиси — дўстга сотқинлик. Қорақалпоқлар ҳар қанча ғазаб отига минмасинлар, ҳаттоки хундор одамига ҳам, «Аёлинг ғар бўлсин!», демай-

дилар, «Дўстинг сотқин бўлсин!», демайдилар. Не бахтки, мен халқимнинг фарзандиман!

«Киройи одам бўламан десанг «мен» деб кўксингга урма!» — дерди отам.

«Кўксинг «Мен! Мен!» ...га тўлиб кетса, қабристон орала», дерди момом.

«Ўзинг билан ўзинг ёқалашиб яшашни қай куни бас қилсанг, ўша кундан бошлаб дўстларингдан жудо бўласан», дерди онам.

*Бобомнинг насиҳатларидан:* Умр йўлингда олтин ҳассадек фойдалан, деб уч ҳикматни яна эслатаман.

*Биринчи ҳикмат:* Ардоқлим! Сен токи тирик экансан, уч ҳолда, биринчидан, исминг айтилганида, иккинчидан, халқингнинг номи айтилганида, учинчидан, «Бу ерда Одам борми?», деб сўраганида, «Мен!» дейишга ва ўзингнинг ўшандай эканингга тўла ишонтиришга ҳамиша тайёр тур!

Билсанг, бу сен учун ҳам фарз, ҳам қарз, кўзичоғим!

*Иккинчи ҳикмат:* Ардоқлим! Инсондаги энг бебаҳо бойлик ва энг гўзал умр — одамлар назаридан қолмаслик. Ҳатто бегона бетаниш одамнинг кўнглида ҳам сенга яхши тилак борлигига сидқидилдан ишон. Шу ишончни йўқота кўрма, бўталоғим!

*Учинчи ҳикмат:* Ардоқлим! Одам боласининг қонига сингган бир одат — бошқалардан ўзига мустаҳкам суянчиқ ахтариш. Шундай экан, сени ҳам ўзига суянчиқ деб юрганлар борлигини зинҳор унутма, чироғим!

Бу китобни хотималар эканман, мен ҳам ўқувчиларимга бобомнинг шу уч насиҳатини яна эслатиб, «Халқ учун ва халққа фойдали, чинакамига бахтиёр умр суринглар, менинг ардоқли суянчиқларим!» деб қоламан.

*Савол:* Шу билан «Қорақалпоқнома» тамомми?

*Жавоб:* Ҳар гал янги китобимни «битди-битди» қилсам-да, айтмоқчи бўлган гапларим адо бўлгани учун эмас, аслида мени янги ўйлар, янги-янги китоблар навбат кутиб шошилтираётгани учун шундай қиламан.

«Агар бошқа беморлар кутиб турмаганида, биринчи беморни батамом соғайтирмагунимча касалхонадан чиқармасдим», дейишади менинг шифокор қизларим.

«Газета ҳар сонига янги материал талаб қилмаса, ҳаётда янги-янги ўзгаришлар рўй бермаса, бир материалнинг устида узоқ ишлаб, уни хотирадан ҳеч қачон ўчмайдиган қилиб ёзардим», деб ўкинади журналист ўғлим.

«Мендан кейин дарсга кирадиган муаллим бўлмага-

нида эди, ўз фанимни сизларга тўла ўргатмагунимча синфдан чиқмасдим», дерди адабиёт муаллимимиз.

«Агар ҳеч ким янги бир жиноятга қўл урмаганида эди, мен тергов қилаётган жиноятчи батамом тузалмагунча унинг ортидан юраверардим», дейди юрист ўғлим.

«Катталар иш буюриб, кучлилар қўрқитавермаганларида эди, ҳамиша бола бўлиб қолаверардик», дейди мактабда ўқиб юрган ўғил-қизларим.

«Ҳамма тенгдошларимиз яшайверганида, бизларнинг ҳам ўлгимиз келмасди-я», дерди бобом билан момом.

Бу китобга «тамом» дея сўнгги нуқта қўйганим билан, халқим ҳақида айтилган барча ҳангомаларга қўшимча унинг тинчликсеварлиги, меҳнатсеварлиги, оққўнгиллиги, топган-тутганини аввало меҳмонга илиниши, бунёдкорлик фазилатларини кўрсатувчи ҳангомалар ва афсоналарни ҳикоя қилишдан токи кўзларимда нур, танимда мадор бор экан, чарчамайман...

Янги китоб саҳифаларида яна учрашгунча омон бўлинглар, менинг буюк суянчиқларим!

Литературно-художественное издание

ТУЛЕПБЕРГЕН КАИПБЕРГЕНОВ

КАРАКАЛПАК-НАМЕ

*Роман-эссе*

Художник *А. Кива*

Ташкент, издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма

*На узбекском языке*

Адабий-бадий нашр

ТУЛЕПБЕРГЕН ҚАИПБЕРГЕНОВ

ҚОРАҚАЛПОҚНОМА

*Роман-эссе*

Муҳаррир *Н. Қиличев*

Расмлар муҳаррири *А. Бобров*

Техн. муҳаррир *М. Мирражобов*

Корректорлар *Д. Абдуллаева, У. Сайдуллаев*

ИБ №4033

Босмахонага берилди 01.02.89. Босишга рухсат этилди 30.12.89. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>2</sub>. Босмахона қоғози № 2. Банниковская гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 19,32+0,24 вкл. Шартли кр.-оттиск 20,58. Нашр л. 20,58+0,42 вкл. Тиражи 30000. Заказ 16/1218.

Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Диапозитивлар Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонасида тайёрланди. 700129. Тошкент ш, Навоий кўчаси, 30.

Матбуот полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонасида босилди. 702800. Янгийул ш, Самарқанд кўчаси, 44.

С(Карак)

**Қаипбергенов Т.**

Қорақалпоқнома: Роман-эссе. [Қорақалпоқчадан Р. Отаев тарж.].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990—368б.

Муаллиф ушбу роман — эссесида қорақалпоқ халқининг ўтмиши ва бугуни ҳақида қизиқарли ҳикоя қилган. Бундаги кўпгина ривоят ҳамда афсоналар эса асарнинг янада жозибалироқ чиқишини таъминлаган.

**Қаипбергенов Т. Каракалпак-наме: Роман-эссе.**